

28971  
№ 492

# Чарльз ДИККЕНС

## Оливер ТВИСТНИНГ

бошидан  
кечирганлари



ру

# Чарльз ДИККЕНС

Оливер  
ТВИСТНИНГ  
бошидан кечирганлари



Роман

Тошкент  
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1984




Русчадан  
ЭРКИН МИРОВИДОВ  
таржимаси

Тақризчи  
СИДДИҚА АЪЗАМОВА

Рассом А. ПОНОМАРЕВ

NI 28971  
4/85



Диккенс, Чарльз.

Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари: Роман [Русчадан  
Э. Миробидов тарж.].-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.-304б.

Англиянинг овлоқ шаҳарларидан бирдаги «Меҳнат уйи» — «Гарибхона». Тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган еш ва кўҳликкина жувонинг шу муҳқиш даргоҳда кўзи ёриди. Бола дукёга келди-ю, она асёл оламдан ўтди.


Шўрпешона гўдак муҳтожлик ва қийноқлар остида уни ёшга тўлди. Уни тобутсозга шогирдликка бердилар. Бола бу ердаги азоб ўқубатлар, ҳақоратларга дош беролмай, боши оққан томонга қараб қочди.

Мана катта Лондон йўли, тугунча кўтарган, уст-боши юпун, бошида ҳомийси, бисотида сарик чақаси йўқ сўқабаш, килтирик болакай кетиб борапти.


Аанз китобхон, келинг, китобни биргаликда ўқиб чиқайлик-чи, болакай қайларга ошиқяпти-ю, уни олдинда кс савдолар кутаяптикин?

Диккенс Чарльз. Приключения Оливера Твиста. Роман.

И (Англ)



Д 4803020000 — 217  
М 352 (04) — 84



### МУАЛЛИФ ДЕБОЧАСИ

Ушбу ҳикоятнинг баъзи қаҳрамонларини Лондон аҳолисининг таназзулга юз туган энг жинояткор вакиллари орасидан танлаганимни бир вақтлар адаб-сизлик ҳамда номуносиб шармандалик, деб ҳисоблашган эди.

Камина ушбу ҳикоятни битаётган пайтимда шунга ишонч ҳосил қилдимки, жамиятнинг чиқиндилари ҳам (токи уларнинг гап-сўзларини эшитиб бир еримиз камайиб қолмагани ва бу иззат-нафсимизга тегмаганидан кейин) одоб-ахлоқ мақсадлари йўлида ўша жамиятнинг кўпиги ва қаймоғи қатори хизмат қила олар экан. Шу боисдан ҳам «бир вақтлар» ҳукм сурган юқоридаги фикр «ҳам-мавақт» ёки «узоқ вақтлар» ҳукмрон бўлмас, деган умиддаман. Бундай йўлни танлашимга асосли важларим бор эди. Уғрилар ҳақидаги ўнлаб китобларни ўқиганман: бу асарларнинг қаҳрамонлари аксарияти илтифотли ва хушмуомала-башанг кийинган, картмонлари қаппайган одамлар, улар отларни миридан-сиригача билади, ўзларига ниҳоятда бино қўйганлар, назокатли найрангларда ошиғи олчи, қўшиқ айтишни қийворишади, ичсини ҳам койиллатишади, қарта ёки шашқол уинашга суяғи йўқ, хуллас, ажойиб анжуман. Аммо мен ҳеч бир асарда (Хогарт<sup>1</sup> бундан мустасно) аянчли воқелик билан дуч келмадим. Назаримда, жиноятчилар тўдасининг ҳақиқий аъзоларини аке эттириш, уларни ўзларининг жамики қусур ва бузуқликлари, қабоҳату мурдорликлари билан тасвирлаш, уларнинг ғариб ва фақирона ҳаётларини кўрсатиш, улар аслида қандай бўлсалар, шу аҳволда тасвирлаш (улар доим ўғирлик пайтида жон ҳовучлаб юрадилар, қай томонга боқмасинлар, ҳаммаёқда кўз ўнгиларида ҳай-

<sup>1</sup> Хогарт Уильям (1697 — 1764) — инглиз манзарачи ва график rassomi, rassom-чиликда ҳажв йули билан ахлоқ-одобга чорловчи санъат мактабининг асосчиси.



батли, даҳшатли, қоп-қора дор кўриниб туради), ана шуларни тасвирлаб бериш, шубҳасиз, жамият хизматиغا улуш қўйиш демакдир. Мен бу ниятимни баҳоли қудрат адо этдим, дея оламан.

Менга маълум бўлган жамики китобларда, шунга ўхшаш нусхалар тасвирланган жойларда, қаҳрамонлар ҳаммаша ўзларининг нимаси биландир ҳавас уйғотадилар ва қизиқтирадилар. Ҳатто «Қашшоқ операси»<sup>1</sup> да ҳам ўғри-муттаҳамлар ҳаёти ҳавас қилгулик тарзда тасвирланган: ҳаммага ҳукмини ўтқазадиган ва пьесадаги яккаю ягона покиза, бейб қаҳрамон бўлмиш, гўзалликда ягона бир қизнинг муҳаббатини қозонган капитан Макхит иродаси суст томошабинларда бениҳоя мафтунлик ва унга тақлид қилиш истагини уйғотади. Вольтернинг сўзи билан айтганда, қизил мундир кийган ҳар қандай хуштавозе жентльмен икки-уч минг одам устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини сотиб олган ва шундай доворакки, уларнинг ҳаёти учун заррача қўрқмайди. Жонсон Макхитнинг ўлимга ҳукм этилгани бекор қилингани сабабидан бирор кимса ўғри бўлиб кетмасмикан, деган саволни ўртага ташлаган эди, менимча, бунинг ишга дахли йўқ. Мен эса ўз-ўзимдан, Макхитнинг ўлимга ҳукм этилиши ва Пичум билан Локитнинг ҳаётлиги бирор кимсанинг ўғри бўлиб кетишига халал бера олармикин, деб сўрайман. Шунда капитаннинг жўшқин ҳаёти, унинг кўркам қиёфаси, улкан муваффақияти ҳамда беқиёс эътиборлигини эсларканман, ана шундай хислату майлларга эга биронта одам учун капитан огоҳлантирувчи мезон бўлолмайди ва бирор одам зоти бу пьесада гулларга бурканган (гарчи у вақти-соати билан ўша муҳтарам шухратпараст зотни дор остига етаклаб келса ҳамки) йўлдан бўлак нарсани кўрмайди, деган қатъий ишончни ҳис этаман.

Аслида-чи, аслида Гей ўзининг ўткир ҳажвиётида жамиятни яхлитлигича кулги қамчиси остига олган-да, аммо бўлак муҳимроқ масалалар билан банд бўлиб кетиб, ўз қаҳрамонининг жамоатга қандай таъсир кўрсатиши ташвишини чекмаган. Сэр Эдуард Бульвернинг ажойиб, кучли романи «Поль Клиффорд»<sup>2</sup> ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу асарни, асло камина қалам тебратган мазкур мавзуга алоқадор деб ҳисоблаб бўлмайди; муаллифнинг ўзи ҳам олдига бу вазифани қўйган эмас.

Ҳўш, ушбу саҳифаларда тасвирланган ҳаёт, ўғрининг кундалик ҳаёти қандай? Емон одам ва хислатларга мойил ёшлар учун унинг мафтункорлик жозибаси нимада, энг калтафаҳм ва энг калтабин ўспиринларни васвасага соладиган томонлари қаерда? Супурийўт қоплаган, ой нурига гарқ даштда от йўрттириш ҳам, шинам гордаги базми жамшидлар ҳам, ҳавасу ҳасадни келтирадиган уст-бошлар ҳам, заррин уқалар ҳам, жимжимадор тўру пуштиранг жилет ҳамда англиклар ҳам йўқ бу ерда, кўз-кўз қилиб мақтангулик бирор нарса ва ҳатто «катта йўлни» Одам Ато давридан берига бўяб-бежаб тасвирлаб келинадиган эркинликдан ҳам асар йўқ. Аёзли, намчил, бирор-бир бош суққулик паноҳгоҳ топилмайдиган тунги Лондон кўчалари; жамики иллатлар маскани бўлмиш ифлос ва сассиқ уялар, очлигу минг бир хил дардлар макони; титиллибузилиб тушай деб турган чувринди увадалари, буларнинг нимаси ҳавасни келтиради?

Бироқ гоҳи кишилар табиатан шунчалар нозик таъб, шунчалар нозик дидлики, бундай даҳшатларни пайқашдан ожизлар. Бундайлар жиноятдан беихтиёр юз буриб кетолмайдилар, асло, аммо жиноятчи уларнинг дидига мос келиши, ёқиши учун бамисоли танқис таомдай устига хуштағм зирваҳ қўйиб берилмоғи дар-

<sup>1</sup> «Қашшоқ операси» — шоир Жон Гей (1685 — 1732)нинг муаллиф шухратини ортирган ҳажвий комедияси.

<sup>2</sup> «Поль Клиффорд» — Эдуард Бульвер лорд Литтон (1803 — 1873)нинг ilk романларидан бири (1830).

кор. Яшил барқутга бурканган қандайдир Макарончи<sup>1</sup> таҳсинга лойиқ зоту, бўмази кўйлак кийган Сайксга эса тоқат қилиб бўлмайди! Қандайдир калта юбкача билан масхарабозлик камзулчасини кийиб олган Макарончи хонимча машҳур қўшиқларда мадҳ этилиш, жонли ва бежирим қилиб суратини чизиш, босма усулида суратини кўпайтиришга муносибу, оддий ип кўйлак кийиб, арзонгаров шол рўмолга ўранган Нэнсидай хилқат — номақбул эмиш! Эзгулик, Саховатнинг ифлос пайпоқдан қандай юз буриши ва Иллатнинг турфа ранг лентаю ялтир-юлтир либосларга омихта бўлиб, худди эрга теккан хотинлардай, ўз исм-шарифини ўзгартириб, Романтикага айланиб қолишига ҳайрон қоласан.

Аммо-лекин мазкур китобнинг мақсад-вазифаларидан бири — аччиқ, бе-шафқат ҳақиқатни (ҳаттоки у романларда шунчалар кўкка кўтариб таърифланган одамлар қиёфасида намоён бўлган тақдирда ҳам) кўрсатишдир, шу боисдан ҳам камина ўз китобхонларимдан Туллакнинг камзулидаги на бирон йиртиқни ва на Нэнсининг пахмайган сочига қадоғлиқ жингалак қиладиган биронта найча қоғозни яширдим. Мен назокатни мушоҳадасига сиғдиролмайдиган кимсаларнинг назокатли бўлишларига мутлақо ишоналмадим. Каминанинг хаёлида шу қабилдаги одамлар тоифасидан тарафдор орттириш истаги йўқ эди. Мен уларнинг хоҳ яхшию, хоҳ ёмон фикр-ўйларига нисбатан ҳеч қанақанги ҳурмат-эътибор ҳиссини туймагандим, уларнинг маъқуллашларига эришишга уринганим ҳам, кейин ушбунни улар учун эрмакка ёзганим ҳам йўқ.

Нэнси ҳақида, унинг бундай қутурган, газзоб ўғрига бўлган садоқатли муҳаббати нотабиийдек кўринади, деган гаплар бўлди. Айни чоғда эса, Сайксга нисбатан эътироз билдиришиб, — хийла мантиқсиз равишда, деб ўйлашга журтат этаман, — гўёки ранглар қуюқлаштириб юборилганмиш, негаки унда бўлмаган, лекин муҳаббатини нотабиий деб билганлари маъшуқасида бор гуноҳини кечириб, арзигулик сифат ва фазилатлардан асар ҳам йўқ, дея таъкидлашди. Кейинги эътирозга жавобан, дунёда ҳали тузатиб бўлмаган даражада бузилган бўлган ҳиссиз ва тошбағир кўсхалар бор, ҳар қалай, деган хавотирдаман. Аммо-лекин, мен бир нарсага аминман: Сайксга ўхшаган одамлар мавжуд, агар романда тасвирланганчалик вақт мобайнида ҳамда худди ўшандай шарт-шароитларда уларни синчиклаб кузатилса, буларнинг қилмишларида биронта яхшиликдан далолат бергувчи заррача саховат намоён бўлмайди. Вужудларидаги жамики, айниқса мулоимтоб инсоний ҳис-туйғулар ўлиб битганиданми, ё ўша туйғуларни қитиқлайдиган торлар занг ва пўпанак босиб, уни топиб бўлмай қолганидан шундайми — ҳар қалай, бу борада ҳакамлик қилмоқчи эмасману, аммо ҳаммаси айнан ана шундай эканига имоним комил.

Қизнинг хулқ-атворию табиати табиий ёҳуд нотабиийми, ақлга тўғри келадими ёки келмайдими, тўғрими ё нотўғрими — бу ҳақда баҳслашиш бефойда гап. Буларнинг бари — ҳақиқатнинг ўзгинаси. Ҳаётдаги бундайин қайғули шарпаларни кузатган ҳар бир инсон буни билмоғи лозим. Бу аянчли, бахтиқаро қизгинанинг илк бора саҳнада пайдо бўлишидан бошлаб токи қонга беланган бошини газзобнинг кўксига босгунигача заррача муболага ёки зўрма-зўракилик йўқ. Бу илоҳий ҳақиқат, зотан худованди карим бу ҳақиқатни бузуқлару шўрпешоналарнинг қалбларига жо қилади; улардаги умид учқунни лойқа босган қудуқ тағидаги охириги тиниқ сув томчиси янглиғ милтиллаб туради. Бу қизгина инсон табиатидаги яхши, ёмон томонларни ўзига жамлаган, балки жуда

<sup>1</sup> Макарончи — XVIII асрнинг 70-йилларидаги инглиз сатангларининг лақаблари, улар Лондонда ҳатто Макарончилар клубини ҳам очилган; бу лақаб адабий ибора — XVI асрдаги лотин тили билан мақаллий тилларни қориштириб кулгили сузалар буткасини яратган «макарончилар шеърини» билан боғлиқ.

хунук томонлари кўпроқдир, аммо унда энг яхши, энг аъло хислатлар ҳам бор; бу — имконию иложи йўқдек туюлувчи зиддиятли бир ҳол; бироқ бу — ҳақиқат. Бу борада шубҳага борганларидан хурсандман, чунки ушбу ҳақиқатни айтиш кераклигига ҳамmani ишонтиришга мажбур бўлганим учун ҳам яна шу ҳақ гапларни айтишга ишончим кучаймоқда.

Минг саккиз юз эллагинчи йили бир тентак-олдермен Лондонда ҳаммага эшиттириб, Жекоб ороли йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган, деганди. Аммо минг саккиз юз олтинчи еттинчи йилга келиб ҳам Жекоб ороли бор, йўқолмаган (ҳамон илгаригидек бемаъни, хунук жой), гарчи хийла яшиланиш сари юз тутган бўлса ҳам.

## I боб

*Оливер Твист туғилган жой ва унинг дунёга келишига оид еазият  
қақида ҳикоя қилади*

Талай сабабларга кўра номини тилга олмаслик маъқул бўлган, шунинг учун ҳам камина ҳеч қандай тўқима ном бермаган бир шаҳардаги жамоатчилик бинолари орасида, қадимдан деярли барча каттаю кичик шаҳарларда учрайдиган бино бор, бу — меҳнат уйи\*. Худди ана шу меҳнат уйида исми шарифи мазкур бобнинг сарлавҳасида қайд этилган исёнкор банда туғилди — ушбу воқеа қайси куну қайси соатда содир бўлганини маълум қилишга уриниб ўтирмасам ҳам бўлаверади. Чунки бунинг ктиобхон учун, ҳикоятимизнинг айни босқичида — заррача аҳамияти йўқ.

Қавм табиби\* болани кулфат ва ғам-андуҳ оламига қабул қилиб олганида, бирон исм олиш учун бу мурғак тананинг омон қолиши анчагача даргумон бўлиб турди, башарти у оламдан кўз юмганида борми, ушбу хотиралар ҳеч қачон ёзилмаслиги турган гап эди. Бордию босилиб чиққан тақдирда ҳам икки-уч саҳифадан нарига ўтмасди Шунинг учун ҳам у исталган аср, исталган мамлакат адабиётида сақланиб қолган таржимаи ҳол асарларининг энг қисқа ҳамда энг ҳаққоний андозаси бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Зотан, меҳнат уйида туғилиш инсон боласи пешонасига битилган бахт, дея таъкидламасам ҳам, бари бир ҳозирги шароитда буни Оливер Твист учун тақдирнинг энг аъло инъоми, деб ҳисоблардим. Негаки, Оливер Твистнинг нафас олишга ҳам кучи етмасди. Ҳолбуки, табиат инсонларнинг соғлом яшаши учун мазкур машғулотни шарт қалиб қўйган. Мурғак жун тўшакчада ҳаёт билан ўлим ўртасида олишиб, лекин, кейингиси сари қатъий юз тутиб, бир муддат нафас ололмай бўғилиб ётди. Агар Оливер ана шу қисқагина муддат давомида куйди-пишди бувилар, безовта амма-холалар, тажрибали ҳамшираю донишманд табиблар қуршовида бўлганида борми, уни шак-шубҳасиз ва муқаррар ўлдириб қўйишлари тайин эди. Аммо тепасида одатдагидан кўпроқ пиво ичганидан боши ғовлаб турган қашшоқ кампир ва шартномага мувофиқ ўз вазифасини адо этаётган қавм табибидан бўлак одам бўлмагани туфайли Оливер билан Табтат икковлашиб бу жангда голиб чиқишди. Пировардида, қисқагина олишувдан сўнг, Оливер нафас олди, чучкирди ва меҳнат уйи истиқоматчиларини қавм зиммасига юкланаётган янги ташвишлардан огоҳ этиб, фақат ўғил болалардангина кутса бўладиган, бор-йўғи учу чорак дақиқагина муқаддам ўзига ато қилинган гоятда фойдали эҳсон—қулоқни тешгудек чинҳироҳ овозда биллаб йиғлай бошлади.

Оливернинг ўпқасига тегишли мана шу илк эркин фаолиятдан сўнг, темир каравот устага нардан-бери ташлаб қўйилган қуроқ кўрпа қимирлаб, ёшгина жувон заъфар тусли юзини ёстиқдан хиёл кўтарди-да, заифгина овоз билан пичирлади:

— Менга боламни кўрсатинглар, кейин ўлсам ҳам майли.

Табиб камин олдида кафтларини бир-бирига ишқаб, иситиб ўтирарди. Жувон тилга кирганида у ўрнидан туриб, беморнинг бош томониغا яқинлашди-да, ҳайратланарли даражада мулойим овозда деди:

— Қўйинг-э, ўлимни хаёлингизга ҳам келтирманг!

— Э, нималар деяпсиэ, худонинг ўзи асрасин! — гапга аралашди уй бурчагида ичидаги суюқликни очиқчасига ҳузур қилиб қултиллатаётган кампир, қўлидаги кўк шишани шоша-пиша чўнтагига тиқар экан. — Худо сақласин! У ҳали менинг ёшимга борсин, сэр, ўн учта бўқачоғин туғсин, улардан икки-тагинаси қолсин, ўша омон қолганлариям ўзи билан бирга меҳнат уйида турадиган бўлсин, ана ўшанда ақли кириб, сал нарсани сиртига юқтирмайдиган, салга эзилмайдиган бўлади!.. Жонгинам, она бўлиш нималигини бир ўйлаб кўринг-а! Болангиз бирам ёқимтойки!

Афтидан, дилга тасалли бергувчи бу оналик истиқболи беморга қиттаям таъсир кўрсата олмади. Бемор бош чайқаб, қўлларини чақалоғига чўзди.

Табиб чақалоқни она оғушига қўйди. Ранги қув ўчган она муздек лабларини меҳр-ла чақалоғининг пешонасига босди, юзини қўли билан силади, чақчайиб атрофга аланглади, кейин сесканиб, ўзини ёстиққа ташлади... ва жони узилди. Унинг кўкрагини, чаккаларини ишқашди — бари бефойда! Кўнглини кўтариб, юпатувчи алланималар дейишди. Лекин жувон аллақачон ўлганди.

— Ҳаммаси тамом бўлди, миссис Тингами! — деди ниҳоят табиб.

— Ҳа, ҳаммаси тамом бўлди. Вой шўрликкина-я! — дея унинг гапини тасдиқлади кампир, болани оламан деб энгашганида ёстиққа тушган кўк шиша тиқинини олаётдиб. — Шўрликкина-я!

— Чақалоқ йиғлайдиган бўлса менга одам юбориб ўтирманглар, — деди табиб қўлқопини кияркан. — Жудаям бесаранжом, ийғлоқ оулиши ҳам мумкин. Йиғлаганида суюқ бўтқа қилиб беринг. — У шляпасини бошига кўндириб, эшикка қараб юркан, каравот ёнида пичагина тутилиб, қўшиб қўйди: — Истараси иссиққина жувон экан... Қаёқдан келиб қолибди ўзи?

— Уни нозирнинг буйруғи билан кеча кечқурун келтиришганди, — жавоб берди кампир. — Кўчада йиқилиб қолган жойида топиб олишибди. У олисдан келган кўринадидан, бошмоғи ейилиб, титилиб кетибди, лекигин қаёқдан келаётгани ва қаёққа кетаётганини ҳеч зоғ билмайди.

Табиб марҳума узра энгашиб, унинг чап қўлини кўтарди.

— Одатдаги ашула, — деди у, бошини сарак-сарак қилиб. — Никоҳ узуги йўқ... Хўп, яхши ётиб туринг!

Эътиمودли табиб тушлик қилгани уйига жўнади, кампир бўлса кўк шиадан яна бир қултум ютиб олиб, камин олдидаги пастак курсига ўтирди-да, чақалоқни кийинтиришга тутинди.

Кийим-кечакнинг қудрати нималарга қодирлигини жажжи Оливер Твистнинг аҳволидан билиш мумкин эди. Оливер шу вақтгача яккаю ягона кийими бўлган йўргакда ётар экан, асилзода оила фарзандими ёки гадо фарзандими — буни фарқлаш мумкин эмасди. Бу туришида энг асилзода одам ҳам унинг жамиятдаги ўрнини олдиндан белгилай олиши амримаҳол эди. Аммо эндиликда чақалоққа эскириб, сарғайиб кетган коленкор кўйлакча кийдирилгач, унга тавқи лаънат осилди-қўйди. Шу лаҳзадан бошлаб, бола жамиятдаги ҳавас қилиб бўлмайдиган ўрнини — умри бўйи дўлдай ёгилажак калтагу нордон шалалоқлар билан сийланадиган, ҳамма жирканадиган, ҳеч ерда ҳеч кимдан шафқат-муруват кўрмайдиган, қавмга боқинди бола, меҳнат уйидаги етимча етти кулча, итоаткор, оч-наҳор тирикчилигини ўтказувчи югурдак ўрнини эгаллади.

Оливер биғиллаб йиғларди. Мабодо у черков оқсоқоллари ва нозирларининг шафқатангиз ҳомийлигига ташлаб кетилган сагир эканини билганида борми, бундан ҳам қаттиқроқ чинқирган бўларди.

## II боб

*Оливер Твистнинг қандай ўсгани ва қандай тарбия топгани ҳақида ҳикоя қилади*

Оливер кейинги саккиз-ун ой мобайнида алдам-қалдамлик қурбони бўлди. Уни сўргич билан овқатлантирардилар. Меҳнат уйи мутасаддилари энг зарурий нарсалардан маҳрум, оч-наҳор қолаётган чақалоқ ҳақида қавм маъмурларига хабар қилдилар. Қавм маъмурлари эса ўз мавқеларига муносиб тарзда меҳнат уйи мутасаддиларидан мазкур масканда истиқомат қилувчилар орасида Оливер Твистни парваришлаб, едириб-ичира оладиган заифа зотидан бирон хоним топилиш-топилмаслигини суриштирдилар. Меҳнат уйи мутасаддилари, бундай хоним йўқ, деган жавобни бердилар. Шунда қавм маъмурлари олиҳимматлик ва одамохунлик кўрсатиб, Оливерни «фермага» ёки бошқача қилиб айтганда, меҳнат уйининг тахминан уч милча нарироқда жойлашган, қашшоқлик ҳақидаги қонунни бузган\* ва на овқат, на уст-бош тўғрисида ўйламайдиган йигирма-ўттиз чоғли болалар уззукун қоқ ерда уймалашиб ётадиган бўлинма-

сига жойлаштиришга қарор бердилар; бу ерда улар бебош болаларни жон бошига етти ярим пенс<sup>1</sup> эвазига қабул қилиб оладиган кексароқ бир хонимнинг оналарча назорати остида эдилар. Ҳафтасига етти ярим пенс — битта болани парвариш қилиш учун бемалол етадиган пул; етти ярим пенс — қоринни оқибати хунук тугаши мумкин бўлган даражада тўлатишга бемалол етади. Заифалар намояндаси бўлмиш кекса хоним оқила ва тажрибали аёл эди, шу боисдан бу иши болалар учун қони фойда эканини биларди. Хуллас, хоним бу нарса ўзи учун ҳам фойдали эканини ақли баркамоллик билан англаб етганди. Шу сабабли у ҳафталик нафақанинг нўмайгина қисмини ўз ҳамёнига урар, қавмнинг вояга етаётган навниҳол авлодига эса тайинланган улушдан ўлмаснинг кунигагина ярайдиган қисмини ажратар эди. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг улуг файласуф эканини намоён этиб, тубсиз теранликларни кашф этарди.

От озуқасиз ҳам яшай олади, деган машҳур назарияни ўйлаб топган ва ўзининг хусусий отига бериладиган кундалик емиш миқдорини бир донагина сов энгача камайтириш билан буни муваффақиятли тарзда исботлай олган бошқача файласуф хангомаси барчага маълумдир; башарти от олдинда ўзини кутаётган соф ҳавонинг ўзидангина тўйиб овқатланса бўладиган ҳузур-ҳаловатли дам етиб келишидан бир кун бурун ҳаром қотмаганида, ўша зот, шубҳасиз, бу жониворни ниҳоятда ўйноқи ва чопқир жониворга айлантириши тайин эди. Юқорида қайд этилган, Оливер Твист тарбияга топширилган хонимнинг фалсафий тажрибалари, бахтга қарши, одатда айнан ана шундай натижага олиб келарди; нега деганингизда, гўдак заррача ғози йўқ овқатдан зигирдаккинасини ейиш билан ўз ҳаётини сақлаб қолишга эндигина ўрганган пайтда, тақдирнинг бевафолиги билан, ўндан саккиз ярим ҳолда, ё очлик ва совуқдан, ё қаровсиз қолиб ўтда куйиб, ё бўгилиб ўларди. Ана шу ҳолларнинг истгани содир бўларкан, бахтиқаро гўдак бу дунёда дийдор кўришолмаган ота-оналари даврасига қўшилиш учун у дунёга йўл оларди.

Баъзан ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, ағдарилиб кетган каравоти тагида қолган ёки кир юва туриб бехосдан куйдириб ўлдириб қўйилган — дарвоқе, бундай ҳол аҳён-аҳёнда бир содир бўларди, зотан фермада кир ювишни эслатувчи юмуш камдан-кам рўй берарди — ҳолларда қавм боласи иши юзасидан алоҳида жиддий текширув олиб борилган пайтда маслаҳатчиларнинг ҳаёлига гоҳо кўнгилсиз саволлар келиб қоларди, қавм аҳли эса бундан даргазаб бўлишиб, эътирозномалар ёзишарди. Бироқ бундай қўпол норозиликлар ўша заҳотиёқ, табиб ҳамда бидлнинг гувоҳликларидан кейин чиппакка чиқар; табиб бундай ҳолларда мурдани ёриб кўриб, ундан ҳеч қандай асорат топмасди — бу ҳақиқатга ўхшаб кетарди; бидл ҳам қасам ичиб, албатта қавмга маъқул гувоҳлик берар — бу эса ўз навбатида олий даражадаги диёнатлилик ҳисобланарди. Боз устига, кенгаш аъзолари фермани мунтазам зиёрат қилиб туришар ва боришларидан олдин ўзларининг ташрифларидан огоҳ этиб қўйгани бидлни жўнатишарди. Улар етиб келишганда болалар кўрса кўргундай ёқимтой ҳамда озода тусда кўринишарди, хўш, бундан ортиқ улардан яна нимани ҳам талаб қилиш мумкин!

Фермадаги бундай таълим-тарбия усули бирон-бир гаройиб самара ё яхши ҳосила беришини кутиш ноўрин эди. Қисқаси, Оливер Твист тўққиз ёшга тўлган кунда рангпар, мажмағил, жимитдаккина, рамақижон бир болакай эди. Аммо табиат Оливернинг қалбига эзгулик уруғини қадаган, ушбу уруғ бу даргоҳда расм бўлган қашшоғона овқатланиш шарофати билан ўз-ўзича куртак ёзиб, палак отмоқда эди. Оливер тўққиз ёшга тўлган куни билан юз кўришаётган экан, бунинг учун ана шу шарт-шароитдан миннатдор бўлиши даркордир.

Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай, бугун унинг дунёга келган куни эди. Бу кунни у ўзи билан яхшигина қалтак улушини баҳам кўрган, бетгачопарлик билан, гўёки очмиз деб шаккоклик қилгани боисидан қамаб қўйилган икки норасида жентльмен ҳамроҳлигида кўмир сақланадиган ертўлада ўтказаетган эди. Худди шу куни ушбу маҳкаманинг мутасаддиси, ажойиб хоним миссис Манн кўққис-

<sup>1</sup> Пенс — чақа, стерлингнинг 240 дан бир қисмини ташкил қилувчи инглиз чақаси. (Тарж.)



дан пайдо бўлиб қолган мистер Бамбл — бидлнинг боғ эшигини очишга уринаётганини кўриб талвасага тушди.

— Вой худойим-эй! Ўзингизмисиз, мистер Бамбл? — дея житоб қилди миссис Манн бошини деразадан чиқариб қараркан, ўзини нақ боши осмонга етгудек суюниб кетгандай қилиб кўрсатиб. — (Сьюзен, Оливер билан анави икки болани тепага олиб чиқиб, дарров ювинтиринг!) Вой худойим-эй! Мистер Бамбл, сизни кўриб суюнганимдан юрагим ёрилаёзди-я!

Мистер Бамбл барваста ва жиззаки одам эди; бундай «самимий» саломга муносиб тарзда алик олиш ўрнига эшикни жон-жаҳди билан итарди, кейин уни фақат бидлнинг оёқларигагина хос бўлган тепки билан сийлади.

— Вой худойим-эй! — чийиллади миссис Манн уйдан отилиб чиқар экан, зеро бу орада учала болани ҳам тепага олиб чиқишга улгуришган эди. — Буни қаранг-а! Бизнинг ғаройиб болаларимизни деб эшик ичкаридан беркитиб қўйилгани бутунлай ёдимдан кўтарилиб кетганини қаранг-а! Кира қолинг, сэр, марҳамат, кираверинг, мистер Бамбл, киринг, сэр!

Ҳаттоки черков оқсоқолини ҳам ийдириб юборадиган бу илтифотли мулозамат, навозиш ва таъзимлар бидлнинг кўнглини заррача юмшата олмади.

— Наҳотки, миссис Манн, сиз бу ерга қавм етим-есирлари билан боглик бўлган юмушлар юзасидан келувчи қавмнинг мансабдор хизматчиларини боғ эшиги олдида куттириб қўйиб, бу қилмишингизни одобдан деб ўйласангиз? — дея писанда қилди мистер Бамбл ҳассасини чангаллаганча. — Сирасини айтганда, сиз қавм тайинлайдиган шахс эканингиз ва қавмдан маош олиб туражагингиз маълумми, миссис Манн?

— Ростини айтсам, мистер Бамбл, сизни жондан севадиган болажонларимиздан баъзи бирларига жанобларининг келганларини хабар қиламан деб тутилиб қолдим, холос, — дея жавоб берди миссис Манн бағоят итоаткорлик билан.

Мистер Бамбл ўзининг нотиклик бобидаги истеъдоди ҳамда шаън-эътимоди борасида ғоят юксак фикрда эди. Ҳозир ҳам у нотиклик истеъдодини намойиш қилиб, шаън-эътимодини амалда исбот этгачгина, пича юмшади.

— Хўп, майли, миссис Манн, — жавоб қилди у хийла босиқ оҳангда, — эхтимол, шундайдир. Қани, ичкарига кирайлик, миссис Манн. Мен иш юзасидан келганман, сизга баъзи бир нарсаларни маълум қилишим лозим.

Миссис Манн бидлни гишт саҳили мўъжазгина мехмонжонага бошлаб кириб, унга курси қўйиб берди-да, илтифот-ла унинг уч қирра қалпоғи билан ҳассасини столга қўйди. Мистер Бамбл манглайидаги терни артаркан, уч қирра қалпоғига мамнун нигоҳ ташлаб, мийигида жилмайди. Ҳа, у зот жилмайдилар. Ахир, бидллар ҳам одам-да; шундай қилиб, мистер Бамбл жилмайдилар.

— Энди сизга айтадиган гапимга хафа бўлмайсиз-да, — деди миссис Манн мафтункор назокат билан. — Сиз бағоят узоқ йўл босиб келгансиз, йўқса сизга бу гапни айтиб ўтирмасдим. Мистер Бамбл, бир қултумгина ичмайдиларми?..

— Бир томчиям ичмайман! Ҳа-ҳа, бир томчиям! — деди мистер Бамбл, ўнг қўлини важоҳат, шу билан бирга хотиржам силкиб.

— Менинг фикри ожизимча, ҳар қолда томоқни ҳўллаб олсангиз бўларди, — деди миссис Манн, ичиди унинг рад жавоби оҳанги-ю, унга ҳамоҳанг қўл ҳаракатини ўзича шарҳлаб. — Ҳалиги, озроққина совуқ суву бир чакмоқ қанд кўшиб, биттагина қултум.

Мистер Бамбл томоқ қириб қўйди.


— Фақат бир қултумгина, — дея ўзиникини маъқуллашга уринарди миссис Манн.

— Айнан нимадан бир қултум? — дея қизикди бидл.

— Ёқимтой болажонларимизнинг товлари қочиб қолганида Даффи ал-иксири\* қўшиб бериш учун бу даргоҳда сақлашим лозим бўлган нарсадан-да, мистер Бамбл, — дея жавоб қилди миссис Манн, жавонни очиб, шиша билан стакан олаётиб. — Бу жин<sup>1</sup>. Мен сизни алдамоқчи эмасман, мистер Бамбл. Бу жин.

— Миссис Манн, сиз ҳали гўдакларга Даффи ал-иксири ҳам берасизми? —

<sup>1</sup>Ж и л — ароқнинг бир тури. (Тарж.)



деб сўради Бамбл кўз қири билан бу галати ичимлик тайерлаш усулини кузатар экан.

— Илоё уларни яратганининг ўзи ярлақасин, анча-мунча қиммат турса ҳам-ки, бериб тураман, — дея жавоб қайтарди тарбиячи. — Билсангиз, сэр, кўз олдимда азоб чекишларига асти чидаёлмайман.

— Ҳа, балли, — деб маъқуллади мистер Бамбл, — чидаб туролмайсиз. Сиз пурсаховат аёлсиз, миссис Манн. — Аёл стаканни столга қўйди. — Кези келди дегунча бу ҳақда кенгашга маълум қиламан, миссис Манн. — Бамбл стаканни ўзига яқинроқ сурди. — Сизнинг қалбингиз, миссис Манн, чинакам оналик меҳртуйғусига тўла. — У жинни сув билан аралаштирди. — Мен... мен бажонидил сизнинг сиҳат-саломатлигингиз учун ичаман, миссис Манн.

Шундай дея у бир кўтаришда ярим стаканни бўшатди.

— Ана энди ишга ўтайлик, — сўзини давом эттирди бидл чарм картмонини ола туриб. — Болакай Твист, ҳалиги Оливер деб исм берилган гўдак бугун тўққиз ёшга тўлди.

— Уни тангрининг ўзи ёрлақасин! — гап қистирди миссис Манн, пешбанди этаги билан чап кўзини нақ қизаргудай ишқаб.

— Аммо-лекин, ўн фунт<sup>1</sup>, кейинчалик эса йигирма фунт мукофот ваъда қилинганига қарамай, инчунин, қавм томонидан кўрсатилган фавқулудда, айтишим мумкинки, мисли кўрилмаган даражадаги уринишларга қарамай, — сўзини давом эттирди Бамбл, — биз барибир унинг отаси ким, шунингдек, унинг турар жойи қайда, онасининг исм-шарифию насл-насабини била олмадик.

Миссис Манн таажжубда қўлларини чайқади, аммо бир нафаслик тараддуддан кейин сўради:

— Унда болакайга исм-шарифни, умуман, қаёқдан олиб қўйишган?

Бидл мағрурона қаддини ростлади-да:

— Буни каминалари қўйганлар, — деди.

— Сиз-а, мистер Бамбл?

— Ҳа, мен, миссис Манн. Асрандиларимизга алифбо тартиби бўйича исм қўямиз. Охиригиси «С» ҳарфига келиб тўхтагани — мен уни Суобл деб атадим. Бунисига келганда навбат «Т» ҳарфига етгани — унга Твист деб исм қўйдим. Кейингиси Унуин, ундан кейингиси эса Филиппс бўлади. Исмларни алифбонинг охиригача ўйлаб қўйганман, «Z» ҳарфигача етганимиздан сўнг, яна бошидан бошлайман.

— Ахир, сиз туппа-тузук ёзувчи экансиз-ку, сэр! — тасанно ўқиди миссис Манн.

У сув қўшилган жинни охиригача ичиб юбориб:

— Оливер улгайгани, эндиликда бу ерда қола олмаслиги сабабли кенгаш уни яна меҳнат уйига қайтаришга қарор берди. Мен уни ўз қўлим билан ўша ёққа олиб кетиш учун келдим. Қани, тезроқ кўрсата қолинг уни.

— Ҳозироқ олиб келаман уни, — деди миссис Манн хонадан чиқаётиб.

Бу орада юз-қўлларидаги кир-чирларнинг бир ювинишда кеткизса бўладиган устки қатламидан қутулган Оливерни меҳрибон ҳомийси меҳмонхонага бошлаб кирди.

— Оливер, жентльменга таъзим қил, — деди миссис Манн.

Оливер нафақат стулда ўтирган бидлга, айни чоғда, столда ётган уч қирра қалпоққа қараб ҳам таъзим бажо этди.

— Мен билан кетасанми, Оливер? — дея сўради мистер Бамбл улуғворлик ила.

Оливер, бу ердан истаган одам билан жон-жон деб кетаман, дейишга тайёр эди-ю, лекин бошини кўтарувдиямки, кўзлари бидл ўтирган стулнинг орқасига ўтиб олган ва афтини дарғазаб буриштириб, мушт ўкталаётган миссис Маннинг

<sup>1</sup>Ф у н т — 209,5 грамм, қадок. (Тарж.)

нигоҳига тўкнаш келди. У бу шамани дарҳол фаҳмлади, зотан, баданида бот-бот из қолдириб турган муштум унинг хотирасига чуқур ўрнашиб қолганди.

— Хоним ҳам мен билан бирга борадиларми? — деб сўради бечора Оливер.

— Йўқ, у бора олмайди, — жавоб қилди мистер Бамбл. — Локигин вақти-вақти билан сени кўргани бориб туради.

Бу болакайга унчалик тасалли бўлолмасди. Билъакс анчайин гўр бўлишига қарамай, ўзини гўёки бу ерни ниҳоятда афсус-надомат-ла ташлаб кетаётган қилиб кўрсатишга ақлу фаросати етди. Кўзига ёш олиш унинг учун ҳеч гап эмасди, оч-наҳор юриш ҳамда бадбин муомала кўзга ёш олишни хоҳлаган чоғингизда энг содиқ ёрдамчидир. Хулласи калом, Оливер кўзига ёш олди, кўз ёши қилганида ҳам десангиз, йиғиси дарҳақиқат ниҳоятда табиий чиқди. Миссис Манн унинг бошида минг айланиб-ўргилиб, меҳнат уйига борганида ҳаддан зиёд оч кўринмасин учун сариёғ суртилган бир бурда нон (Оливер бунисига хийла кўпроқ муҳтож эди) ҳадя этди!

Қўлида бир бурда нон ушлаган, бошига жигарранг қавм қалпоқчасини кийган Оливерни мистер Бамбл мунгли-андухли болалик йилларида бирон маротаба на бирон огиз ширин сўз, на бирон эркалагувчи нигоҳ нурафшон эта олган ушбу манфур даргоҳдан етаклаб чиқиб кетди. Шундай бўлса-да, чиқиши билан ортидан боғ ҳовлининг дарвозаси бекилганида, ҳар қалай, болакайнинг қайғу-алами зиёда бўлди. Ўзи ташлаб кетаётган, бахтиқаролик билан кечган кунларидаги ўртоқлари — қанчалар аянчли аҳволда бўлмасинлар — унинг бирдан-бир дўстлари эди. Шунда ушбу улкан ва беҳудуд оламда ўзининг ёлғизлигини тушуниб етди ва бу ўй илк бора гўдакнинг мурғак қалбини сирқиратиб юборди.

Мистер Бамбл катта-катта одим ташлаб борарди; жимитдек Оливер унинг зарҳал уқали енгидан маҳкам ушлаб, ёнгинасида пилдираганча чопиб борар ва ҳар чорак милни босиб ўтганларида: «Ҳали узокми?» — деб сўрашини қўймасди. Бу саволга мистер Бамбл жеркиб жавоб қайтарарди, негаки бу пайтга келиб баъзи одамларни бирпасгина хушмуомала қилиб қўядиган сув қўшиб ичилган жиннинг қуввати тарқаб бўлган ва у яна бидлга айланган эди.

Оливер меҳнат уйига келганига чорак соат ўтмаёқ ва қўлидаги нонни еб бўлар-бўлмас, уни қандайдир бир кампиршо измига топшириб кетган мистер Бамбл қайтиб келди-да, шу кун оқшомги кенгаш мажлиси ҳақида сўзлаб, кенгашнинг истаги билан у ҳозироқ кенгаш ҳузурига бориши зарурлигини айтди.

Кенгашнинг ўзи нима экани тўғрисида тузук-қуруқ тасаввурга эга бўлмаган Оливер бу гапни эшитиб, анграйиб қолди ва кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, қаққайиб тураверди. Дарвоқе, бу ҳақда бош қотиргани фурсати ҳам йўқ эди, негаки мистер Бамбл, қимирласанг-чи, дегандай ҳассаси билан унинг бошига, кейин, гўё далда бергандай, курагига бир тушириб, орқасидан юришни буюрди-да, уни оҳак билан оқланган, стол теграсида етти-саккиз чоғли бақалоқ-бақалоқ жентльменлар ўтирган каттакон хонага бошлаб кирди. Столнинг тўр томонидаги бошқаларига қараганда хийла баланд креслода юзи ширмондай қип-қизил, хўппасемиз жентльмен савлат тўкиб ўтирарди.

— Кенгаш аъзоларига таъзим қил, — деди Бамбл.

Оливер, ҳали нами қуриб улгурмаган кўзларидан икки-уч томчи ёш юмалаб, яхшиямки қаршисидаги столни кўриб тургани, ўша ёққа қараб таъзим қилди.

— Исминг нима, болакай? — сўради баланд креслода савлат тўкиб ўтирган жентльмен.

Оливер бақалоқ жентльменларни кўриб қўрқиб кетганди, бидл бўлса кетидан яна битта тепки билан сийлаб, уни хўнграб йиғлашга мажбур этди. Ана шу икки сабаб тазйиқда у эшитилар-эшитилмас ва бўшашиб жавоб қилди, бунинг оқибатида оқ нимча кийган жентльмен унга тентак, деб лақаб тўкиди ва ўша заҳотиёқ завқи келиб, қулфи дили очилиб кетди.

— Болакай, — деди баланд креслода ўтирган жентльмен, — менга қара-чи. Уйлайманки, етимлигингни билсанг кераг-а?

— Бу нима дегани, сэр? — сўради бечора Оливер.

— Бу бола тентак. Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, — деди оқ нимчали жентльмен.

— Секинроқ! — деди биринчи бўлиб сўз бошлаган жентльмен. — На отанг, на онанг йўқлиги, сени қавм тарбият қилгани маълум бўлса керак?

— Ҳа, сэр, — жавоб берди Оливер, аччиқ-аччиқ йиғлаб.

— Нимага йиғлаяпсан? — деб сўради оқ нимчали жентльмен.

Ростдан ҳам — жуда галати-ку! Бу болакай нимага йиғлаяптйкин?

— Ишонаманки, ҳар оқшом дуо ўқиб, — деди бошқа жентльмен жиддий оҳангда, — чин насронийлардай — сени боқаётган ҳамда гамингни еяётганларнинг дуои жони йўлида илтижо қиларсан-а?

— Ҳа, сэр, — дея жавоб берди бола дудуқланиб.

Охирида сўзлаган жентльмен ўзи ҳам англамаган ҳолда ҳақ гапни айтганди. Оливер мабодо ўзининг қорнини тўйғазаетганлар ва унинг гамини еяётган вали-неъматларининг дуои жони йўлида илтижо қилганида чиндан ҳам насроний, насроний бўлганда ҳам беқиёс, асл насроний бўлармиди. Бироқ у ибодату илтижо қилмасди, зотан, ҳеч бир зот буни унга ўргатмаганди.


— Баракалла! Сени бу ерга тарбия бермоқ ҳамда фойдали бирор касб-корга ўргатмоқ ниятида олиб келишди, — деди баланд креслода ўтирган юзи қип-қизил магиздай жентльмен.

— Шундоқ экан, эртаданоқ сахар мардонда, яъни соат олтидан бошлаб канопо лоси титишга тушасан, — қўшиб қўйди оқ нимчали бадқовоқ жентльмен.

Ушбу икки саховатнинг канопо лосини титишдек унчалик мушкул бўлмаган юмушда мужассам топгани эвазига миннатдорчилик билдириш учун Оливер (бидлнинг амри билан) икки букилиб таъзим бажо келтирди ва ўша заҳотиёқ каттакон хонага олиб чиқиб кетилди. Болакай бу ердаги қаттиқ каравотда то уйқуга кетгунича ўкраб йиғлаб ётди. Англиянинг шафқатли қонунларига мослаб чизилган ажайиб манзарани қаранг-а! Бу қонунлар қашшоқларга ухлашга изн бериб қўйибди-я!

Шўрлик Оливер! Худди шу куни кенгаш унинг бундан бўёнги тақдир қисматига ўз таъсирини ўтказадиган қарорни қабул қилганини эсига ҳам келтирмай, ҳеч вақони билмай бахтиёрлик чодрасига бурканиб ухлаб ётарди. Бироқ кенгаш қарор чиқариб бўлганди. Бу қарор қуйидагича эди.

Мазкур кенгашнинг аъзолари бағоят доно, фаросатли, зийрак файласуфлар эди, шу боисдан ҳам улар ниҳоят меҳнат уйига назар-этиборларини қаратар эканлар, ўша замоноқ бўлак осий бандалар ҳеч қачон англаб ета олмайдиган нарсани пайқадилар, хусусан, бу тубандаги кашфиёт эди: қашшоқлар меҳнат уйини яхши кўрадилар! Бу жой дарҳақиқат қашшоқлар синфи учун умум вақтичоғлик маскани эди; ҳақ тўланмайдиган ошхона; йил ўн икки ой текин нонушта, тушлик, чой ҳамда кечлик таом; ўйин-қулгидан бўлак юмуши йўқ гишт ва оҳаддан бунёд этилган жаннат! «Ў-ҳў! — важоҳат билан нидо солишди кенгаш аъзолари. — Биз у ерда тартиб ўрнатмоғимиз даркор. Биз дарҳол чек қўямиз бунга». Хулласи калом, кенгаш аъзолари шундай қарорга келдиларки: бунга биноан барча йўқсилларга ё меҳнат уйларида секин-аста очликда ўлишни, ё ундан ташқарида тезгина ўлим топишни танлаш (зеро улар, турган гапки, ҳеч кимни мажбур этишни истамас эдилар) ҳавола этиларди. Шу мақсадда улар чекланмаган миқдорда сув билан таъминланиб туриш учун водопровод компанияси, мунтазам равишда чекланган миқдорда сули ёрмаси етказиб бериб туриш учун дон сотувчи агент билан шартнома тузишди ва қавм аҳлига кунига уч маҳал суюқ гўжа, ҳафтасига икки марта бир бош пиёз, якшанба кунлари яримта кулча беришга қарор қилишди. Улар яна аёлларга тегишли сон-саноксиз оқилона ҳамда инсонпарварона кўрсатмалар бердиларки, буларни санаб ўтиришнинг зарурати йўқ шу топда. Докторс-Каммонсда\* никоҳни бекор қилиш иши билан боглиқ бўлган харажату чиқимлар катта бўлгани сабабли улар марҳамат кўрсатиб йўқсилларни хотинларидан ажратишни ўз зиммаларига олишга розилик бердилар. Шу билан улар илгарилари қилганларидек, одамни оиласини боқишга мажбур этмай, уни бола-чақасидан тортиб олиб, ўзини бўйдоққа айлантирадиган бўлдилар. Башарти меҳнат уйи билан алоқадор бўлмаганида, ана шу кейинги бандни назарда тутиб, жамиятнинг барча табақасига





мансуб бўлган қанчадан-қанча илтимосгўйлар нафақа-мадад сураб уларга мурожаат этишлари тайин эди; аммо кенгаш аъзолари узоқни кўрувчи тадбиркор одамлар бўлиб, бундай мушкул аҳвол юз беришининг олдини оловчи тадбирлар чорасини кўриб қўйгандилар. Мадад меҳнат уйи ҳамда гўжа билан чамбарчас боглиқ эди, ушбу ҳол эса одамларни чўчитиб турарди.

Оливер Твист бу ерда пайдо бўлганидан кейинги дастлабки ярим йил мобайнида ана шу тартибни зўр бериб жорий эта бошладилар. Аввалига бу тартибот озмунча сарфу харажатларни талаб этмади, сабабки, тобутсозга тўланадиган ҳақ ортиб кетди ва бир-икки ҳафталик гўжахўрликдан сўнг чўп-устихон бўлиб қолган йўқсилларнинг эгниларидоғи кийимларни узлукеиз равишда, қайта-қайта торайтириб тикишга тўғри келди. Бироқ, айни чоғда, меҳнат уйи истиқоматчиларининг сони ҳам қашшоқларнинг таналари сингари юпқа тортиб борди, кенгаш аъзолари эса хурсандликдан териларига сигмасдилар.

Болаларни гиштин деворли ҳайҳотдай хонада овқатлантирар эдилар; хонанинг бир бурчагига қозон қурилган бўлиб, емак вақти белгиланган соатда олдига пешбанд тутиб олган назоратчи бир ёхуд икки аёл кўмагида ана шу қозондан гўжа сузиб берарди. Ҳар бир ўғил болага ана шу ажойиб аталадан фақат бир товоқчада тегарди, катта байрам кунлари бундан мустасно бўлиб, болага аталага қўшимча иккию чорак унция<sup>1</sup> нон ҳам берилар эди. Товоқчани ҳеч қачон, асло юиб ўтиришга ҳожат қолмасди. Болалар уни қошиқ билан ялтиллаб кетгундай қириб-қиртишлаб, чиннидай қилиб қўярдилар; бу юмушни адо этиб бўлгач (у ҳеч қачон ортиқча вақтни олган эмас, негаки қошиқлар деярли товоқчалар билан баб-баравар ҳажмда эди), улар гўё ўчоқ гиштарини ҳам мегириб юборгундай қиёфада қозонга лўқ бўлиб тикилганларича, тасодифан юкиб келган гўжа юқини топиш умидида бармоқларини сўриб ўтиравардилар. Одатда ўғил болалар ўзларининг беқиёс иштаҳалари билан ажралиб турадилар. Оливер Твист ва унинг ўртоқлари чалақурсоқлик оқибатида аста-секин ўлим сари юз тутиб, уч ойдирки изтироб чекардилар, ниҳоят, улар очликдан шунчалик очофатлашиб ҳамда шунчалик эсларини йўқотиб қўйдиларки, оқибатда ёшига нисбатан бўйчанроқ ва бундай аҳволга кўникмаган бир болакай (унинг отасининг қачонлардир кичкина ошхонаси бўлган) ўртоқларига мунгли товуш билан агар менга *per diem* гўжадан яна бир товоқ қўшимча бермасалар кечаси ёнимда ётган бемажол болани беҳосдан еб қўймасам деб қўрқаман, дея шама қилиб қолди. Шу топда унинг кўзлари вақшиёна, нақ ғажиб ташлағундек бежо жалангларди, буни кўрган болалар унинг гапига кўр-кўрона, чиппа-чин ишондилар. Кенгаш қурдилар: шу оқшом кечликдан кейин назоратчининг ёнига бориб, қўшимча гўжа сўраш учун чек ташладилар. Қисқаси, чек Оливер Твистнинг зиммасига тушди.

Кеч кирди; болалар ўз жойларини эгалладилар. Ошпаз либосидаги назоратчи қозон олдига жойлашди; унинг қашшоқ ёрдамчилари орқа томонига келиб турдилар. Гўжа товоқчаларга қуйилди. Фақирона таом олдидан узундан-узун ибодат дуолари ўқилди. Гўжалар зумда ғойиб булди; болалар бир-бировлари билан пичирлашиб, Оливерга кўз қисиб имо қила бошладилар, яқинида турганлар эса уни туртишга тушдилар. Муштдеккина Оливер очликдан умидсизликка тушиб, беҳудуд аламдан эс-ҳушини йўқотиб қўйганди. У стол ёнидан қўзғалди-да, товоқ ва қошиғини кўтарганича назоратчига яқинлашиб, ўз беадаблигидан салгина чўчинқираб, бундай деди:

— Кечирасиз, сэр, тагин егим келяпти.

Назоратчи девқомат, бақувват одам эди, шунга қарамай унинг туси паға бўлиб кетди. Ҳайратдан данг котиб, муштумдеккина исёнкорга бир неча сония тикилиб турди-да, сўнгра мадад излагандай қозонга суяниб қолди. Ёрдамчи аёллар таажжубда, болалар қўрқувда бақа бўлиб серрайиб қолишди.

— Нима дединг?.. — деди назоратчи ахийри аранг овози чиқиб.

— Кечирасиз, сэр, — такрорлади Оливер, — тагин овқат егим келяпти.

Назоратчи Оливернинг бошига чўмич билан туширди, кейин қўлидан маҳкам чангаллади-ю, бўкириб бидлини чақирди.

<sup>1</sup> У н ц и я — оғирлик ўлчови — 31,1 гр. (Тарж.)

Мистер Бамбл ҳаяжон огушида хонага ҳовлиққанича отилиб кириб келганида кенгаш аъзолари тантанали мажлис ўтказмоқ ниятида тўпланган эдилар. Мистер Бамбл баланд креслода ўтирган жентльменга мурожаат қилди:

— Мистер Лимкинс, афв этгайсиз, сэр! Оливер Твист гўжадан яна беришларини сўрабди!

Ҳозир бўлганларнинг жами гангиб қолишди. Барчаларининг башаралари даҳшатдан қийшайиб-бужмайди.

— Яна гўжа сўрабди?! — қайтариб сўради мистер Лимкинс. — Узингизни босинг, Бамбл, кейин менга бафуржа, аниқ қилиб жавоб беринг. У тегишли улушини ё бўлганидан сўнг қўшимча гўжа сўраган, сизни тўғри тушунибманми, шундайми?

— Худди шундоқ бўпти, сэр, — жавоб берди Бамбл.

— Бу болакайнинг умри дорда тугайди, — деди оқ нимчали жентльмен. — Виламан, бу болакайнинг умри сиртмоқда тугайди.

Бу жентльменнинг пайгамбарона башоратини ҳеч ким рад этиб ўтирмади. Оливерни зудлик билан авахтага ташлашга фармойиш берилди; эртасига эрталаб дарвозага, қавмни Оливер Твистдан халос этиш истагини билдирган ҳар қандай кишига беш фунт мукофот таклиф этилади, деган мазмунда эълон ёпиштириб қўйилди. Ўзгача қилиб айтганда, беш фунт мукофот билан Оливер Твист бирор касб-кор, тижорат ёки бошқа юмуш билан шуғулланувчи ва шогирд болага муҳтож истаган эркак ёхуд аёлга тортиқ сифатида таклиф этилганди.

— Ҳеч қачон ва ҳеч нарсада, — деди оқ нимчали жентльмен эртасига эрталаб дарвозани тақиллата туриб, эълонни ўқир экан, — бу боланинг ўз ҳаётини сиртмоқда тугатишига ишонганимчалик имоним комил бўлган эмас.

Келгусида оқ нимчали жентльменнинг ҳақ ёхуд ноҳақлигини кўрсатиш ниятида мен ушбу ҳикоямни мароқли жиҳатлардан маҳрум этиб (аминманки, у бундай сифатга эга) ўтирмайман ва бинобарин, Оливер Твистни бунчалар даҳшатли ўлим кутаётибдими ёки йўқми, бунга бирон-бир ишора билан шама қилишга ҳам ботинолмайман.


### III боб

*Оливер Твистнинг келгусида сердаромад ва осон иш бўла олмайдиган ўринга жойлашишига бир баҳя қолгани хусусида ҳикоя қилади*

Қўшимча овқат сўрашдек беадабона ва шармисорона жиноят содир бўлганидан кейинги ҳафта давомида Оливер кенгашнинг оқилона ва муруватли амри фармони билан ўзини авахта қилишган зимистон ҳамда ҳувиллаган хонада қамалиб ўтирди. Бир қарашда, башарти у оқ нимчали жентльменнинг башоратига муносиб эҳтиром билан қарайдиган бўлса, унда дастрўмолининг бир учини девордаги илгакка боғлаб, иккинчи учига ўзини осиб, мазкур жентльменнинг пайгамбарона заковатини абадулабадга тасдиқлармиди, деб тахмин қилиш ақлга тўғри келадигандек эди. Аммо бундай жасорат кўрсатиш учун бир тўсиқ бор, бу ҳам бўлса, хусусан, қуйидагидан иборат эди: кенгаш ҳайъати жам бўлиб чиқарган, имзолар ва муҳр билан тасдиқланган, тантанавор тарзда эълон қилинган фармонга биноан йўқсиллар бурни ортиқча зеб-зийнат ашёлари қаторига қўшилган рўмолчадан абадий маҳрум этилганди.

Оливернинг ёшлиги ҳамда гўдакларча феълү атвори бу борада янада жиддийроқ тўсиқ эди. У кун бўйи аччиқ-аччиқ йиғлади, узундан-узун ва ҳазину ваҳимали тун ўз чодрасини ёйганида эса, зимистон қоронгиликни кўрмай, деб кўзларини қўллари билан беркитди-ю, бир бурчакка тиқилганча ухлашга уринди. У дам-бадам уйғониб кетар, титраб-қалтираб қаддини кўтарар, ўзини зимийё огушига олган қоронгиликдан, ёлғизликдан ҳимоя қиладигандай муздек, қаттиқ деворга маҳкамроқ қисингандан-қисиниб борарди.

Тагин бу «тартибот» душманлари Оливер ёлғиз авахтада ётган пайтида соғлиқ учун зарурий жисмоний машқлардан, маънавий тасалли, тузук-қурук ёр-жўралардан маҳрум бўлди, деб ўйламасинлар. Жисмоний машқлар хусусига келсак, ташқарида ажойиб ҳаво, қирчиллама совуқ пайтлар эди, болакайга эса



ҳар куни эрталаб гирди ғиштин девор билан қуршалган ҳовлида, мистер Бамбл ҳозирлигида, насос билан устидан муздек сув қуйишига рухсат этилганди. Мистер Бамбл унинг шамоллаб қолмаслигининг гамини еб, қўлидаги асоси ёрдамида унинг бутун аъзойи баданини қиздириб, ҳолис хизмат кўрсатиб турарди. Ер-жўралари даврасида бўлиши масаласига келганда эса, болакайни икки кун оралатиб болалар овқатланадиган катта хонага олиб чиқиб, барчага ибрат бўлсин учун ва бошқаларнинг кўзини очиб, оғоҳлантириб қўйиш учун ҳамманинг кўзи ўнгида обдан савалашарди. Уни маънавий тасаллидан маҳрум этмаслик масаласида бўлса ҳар куни оқшом ибодат вақтида тепкилай-тепкилай яна ўша катта хонага ҳайдаб чиқишарди-да, у ерда жамики болаларнинг кенгашининг амри маъруфига биноан киритилган махсус қўшимча билан тўлдирилган ибодату илтижоларини эшитиб ўз руҳиятини шод айлашига рухсат берадилар; мазкур қўшимча илтижоларида улар яратгандан ўзларига инсофу тавфиқ беришини, мамнунлигу итоаткорлик ато этишини, Оливер Твист ботган гуноҳу қусурлардан фориг бўлишларини илтижо қилардилар; болакайнинг гуноҳи ва қусурлари ушбу илтижода аниқ-тиниқ ифода этилганди, у инсу жинсларнинг васвасасига тушиб қолган ва ўша бадбин ножинслар уни махсус тарзда ўз паноҳлари ҳамда ҳимояларига олган, болакай нақ иблис устахонасининг маҳсули эди.

Оливер шу тахлит тасалли берувчи аҳволда яшаб турган кунларнинг бирида мистер Гэмфилд, мўри тозаловчи, ўзи турадиган уйнинг эгаси қатъият билан талаб қилаётган ижара ҳақидан қолган қарзини қандай узиш йўллари устида чуқур ўй сурганча Хай-стритдан ўтиб борарди. Мистер Гэмфилд бисотидаги маблағини қай қўйга солиб, уввало ҳисоблаб кўрмасин, ўзига зарур бўлган беш фунтни топишнинг чорасини қилолмаётган эди; у бу ҳисобловлардан умиди пучга чиқиб, гоҳ қоқ иккига ёрилгудек даражада бош қотириб, гоҳ эшагининг бошини икки палла қилгудек бўлиб бораркан, меҳнат уйи дарвозаси ёнига етганида қўққисдан эшикдаги эълонга кўзи тушиб қолди.

— Иш-ш, — деди мистер Гэмфилд эшагига.

Эшак бўлса чуқур хаёлга толиб, эҳтимолки, аравага ортилган икки қоп қурумдан қутулганимдан кейин бир-иккита карам ўзаги насиб қилармикин, деб ўйлаб бораётганди; шу боисдан у буйруқни эшитмай. лўкиллаганича илгарилаб кетаверди.

Мистер Гэмфилд эшакни бўралаб сўкиб, айниқса кўзи кўру қулоғи қарлигига лаънат ўқиганча югуриб борди-да, қарсиллатиб бошига чунонам туширдик, эшакнинг калласи ўрнида бўлса ҳар қанақанги бош суяги қоқ икки паллага ажраб кетиши тайин эди. Кейин шартта эшакнинг жилови тизгинидан тутиб, унга эгаси ким эканини илтифот-ла эслатиб қўйиш мақсадида шашт билан силтади-да, орқага бурди. Шундан кейин то ёнига қайтгунича ҳушига келолмайдиган қилиб тагин бир қарра бошига қарсиллатиб қамчи солди. Бу тадорик ишларини тугатгач, эълонни ўқигани дарвоза олдига келди.

Дарвоза ёнида қўлларини орқасига қилган кўйи ҳозиргина кенгаш мажлис ўтказган хонада бир нечта доно фикрни баён этган оқ нимчали жентльмен турарди. Мўри тозаловчи эълонни ўқиш ниятида дарвозага яқинлашаркан, мистер Гэмфилд билан эшаги орасидаги машмашани кузатиб турган бу одам шодон жилмайиб қўйди, зеро у мистер Гэмфилд — Оливер Твистга айнан керак бўлган хўжайин эканини пайқаган эди. Эълонни ўқигач, мистер Гэмфилд иршайди, зероки унга худди мана шу беш фунт сувдай зарур эди-да; ушбу маблағнинг устамаси бўлмиш болакайга келганда эса, меҳнат уйидаги емиш қандайлигидан бохабар мистер Гэмфилд болакайнинг ғоятда мўрибоп муштдаккина нуска эканига имони комил эди. Шу сабабдан эълонни бошидан-охиригача ҳижжалаб бошқатдан ўқиб чиқди-да, ҳурмат юзасидан қўлини мўйна телпагига хиёлгина теккизиб қўйиб, оқ нимчали жентльменга мурожаат қилди:

— Бу болакай, сэр, қавм шогирдликка бермоқчи бўлган болакай... — дея гап бошлади мистер Гэмфилд.

— Хўш, азизим, — дея жавоб қайтарди оқ нимчали жентльмен такаббуруна илжайиб. — Хўш, у ҳақда нима демоқчисиз?

— Агар қавм унинг кўнгилдагидек касб, эзгу ҳамда эътиборли мўри тозаловчилик касбини эгаллашини истаса, — дея сўзини давом эттирди мистер

Гемфилд, — у чоғда, айтишим мумкинки, менга шогирд керак ва уни шогирдликка олишга тайёрман.

— Бу ёққа киринг, — деди оқ нимчали жентльмен.

Мистер Гэмфилд пича ҳаяллаб қолди, у ўзи йўғида йўлга равона бўлиб қолмаслиги учун эшакни яна бир қамчи билан сийлаб, жиловини тагин бир бора силкитиб қўйди, ана шундан сўнгина оқ нимчали жентльменнинг ортидан ичкарига, Оливер мазкур жентльменни илк марта кўрган хонага кириб борди.

— Бу бўлмағур касб, — деди мистер Лимкинс Гэмфилд ўз истагини янгитдан баён этгач.

— Болакайлар мўриларда нафаси қайтиб ўлган қоллар ҳам бўлган, — деди бошқа жентльмен.

— Болани мўридан чиқишга мажбур қилиш учун похолни каминда ёқишдан олдин ҳўлашгани сабабли шундай бўлади, — деди Гэмфилд. — Бунақада похол тутайди холос, ёнмайди! Тутуннинг эса ҳеч қанақанги нафи йўқ, у болани ташқарига чиқишга мажбур қилолмайди, қайтага болани элтиб ухлатиб қўяди. Болага бўлса худди шу керак-да. Ўғил болалар — ўлардай қайсар ва дангаса халқ, шу сабабли, жентльменлар, лангиллаб ёниб турган оловдан ўтаверсин, бирпасда пилдираганча пастга туширади-қўяди. Устига-устак, жентльменлар, бу хайрли иш, сабабки, мабодо болакай мўрида тикилиб қолса-ю, ўт ёқиб товонини куйдира бошласанг, у жонининг борича типирчилаб, тикилиб қолган жойидан чиқиб кетишга тиришади.

Бундай шарҳу изоҳот оқ нимчали жентльменни гўё бағоят хушнуд этгандай бўлди-ю, бироқ унинг завқ-шавқини мистер Лимкинсининг хўмрайган нигоҳи зумда сўндирди-қўйди. Кейин кенгаш аъзолари бир неча дақиқа ўзаро маслаҳат қуришди, лекин шунчалик секин гаплашишдики, фақат: «Сарф-харажатни камайтириш», «кирим-чиқим мувозанатига яхши таъсир кўрсатади», «босма ҳисоботини нашр эттирамиз» каби сўз ва ибораларнигина эшитса бўларди. Буларни ҳам бот-бот, кейин маънодор қилиб такрорлаб турганлари туфайлигина эшитишга муваффақ бўлинарди.

Ниҳоят, пичирлашиш тўхтади ва кенгаш аъзолари ўз жойларига келиб ўтириб, яна илгариги виқорли қиёфаларига қайтганларидан сўнг, мистер Лимкинс:

— Биз сизнинг таклифингизни муҳокама қилиб кўрдик ва уни маъқул топмадик.

— Мутлақо маъқулламаймиз, — деди оқ нимчали жентльмен.

— Қатъиян маъқул кўрмаймиз, — дея қўшиб қўйишди бошқа кенгаш аъзолари ҳам.

Мистер Гэмфилд бир марта уч-тўрт болани ўласи қилиб калтаклаб, бундай арзимас айблов жабрини тортган эди, шу сабабли унинг миясидан, кенгаш аъзолари ҳозир инжиқлик қилиб, гўёки ишга алоқаси бўлмаган ўша воқеани эслаб қолишди-ю, бу нарса уларнинг қарорларига ўз таъсирини кўрсатди шекилли деган фикр йилт этиб ўтди. Рост, бу нарса уларнинг одатдаги фаолиятлари йўсинига асло мос келмасди, бироқ эски мишмишларни қайта тирилтиришга унчалик ҳушию истаги бўлмаган мистер Гэмфилд телпагини қўлида айлан-тирганича аста стол ёнидан йироқлашаверди.

— Жентльменлар, шундай қилиб, уни менга беришни хоҳламайсизларми? — деб сўради мистер Гэмфилд эшик олдида тўхтаб.

— Хоҳламаймиз, — жавоб қилди мистер Лимкинс, — касбингиз бўлмағур касб, шу боисдан биз ваъда қилган мукофотимиз миқдорини камайтиришимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мистер Гэмфилднинг чиройи очилди, у тез юриб столга яқинлашди-да:

— Қанча берасизлар, жентльменлар? Қани, хўш! Фақир бир кишини ранжитмасизлар. Қанча берасизлар?

— Мен сизга айтсам, уч фунту ўн шиллинг<sup>1</sup> ҳам кифоя, — жавоб қилди мистер Лимкинс.

<sup>1</sup>Ш и л л и н г — Англиядан фунт стерлингнинг 1|20 улушига тенг танга пул. (Тарж.)

— Ўн шиллингни ҳисобдан чиқариб ташланг, — гапга аралашди оқ нимчали жентльмен.

— Менга қаранглар! — деди Гэмфилд. — Тўрт фунтга бор барака қила қолайлик, жентльменлар. Келинлар, тўрт фунтга келишайлигу ундан бир умрга қутулинглар. Бўптими?

— Уч фунту ўн шиллинг, — қатъий такрорлади мистер Лимкинс.

— Менга қаранглар, жентльменлар, яна устамасини иккига бўламиз, — таклиф қилди Гэмфилд. — Уч фунту ўн беш.

— Бир фартинг<sup>1</sup> ҳам қўшмайман, — мистер Лимкинснинг қатъий овози янгради.

— Мени жуда қийнаб кўясизлар-да, жентльменлар, — бўшашиброқ деди Гэмфилд.

— Бе, қўйсангиз-чи! Бемаъни гап! — деди оқ нимчали жентльмен. — У ҳеч қанақанги мукофоту сийловсиз ҳам олса арзийдиган бола. Эси йўқ одам экансиз-ку, олиб кетаверсангиз-чи уни! Бу жуда сизбоп бола. Вақт-вақтида уни таёқ билан сийлаб туриш керак — бу унинг ўзига фойда. Уни боқиш қиммат тушмайди, негаки туғилганидан берига сира қорни тўядиган овқат берилмаган. Ха-ха-ха!

Мистер Гэмфилд стол теварагида ўтирганларга айёрона нигоҳ ташларкан, уларнинг илжайётганларини кўриб, ўзи ҳам тиржайишга тушди. Байлашиш битганди. Мистер Вамблга ўша заҳотиёқ, Оливер ва унинг ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда имзо чекиш учун шу бугуноқ судья ҳузурига олиб бориш зарурлигини айтдилар.

Ушбу қарорни ижро этмоқлик учун Оливерни ниҳоятда таажжубга солиб, қамоқдан бўшатишди-да, тоза кўйлак кийишни буюришди. Мутлақо кўниқилмаган жисмоний машғулотни тугатар-тугатмасидан мистер Вамбл ўз қўли билан бир товоқ гўжа ва байрам улуши — иккию чорак унция нонни кўтариб келиб қолди.

Бу кишини лол қолдирадиган манзарани кўрган Оливер зорланиб йиғлаб юборди: у, кенгаш мени бирорта фойдали мақсад йўлида ўлимга ҳукм этган бўлса керак — бундай ўйлаши батамом табиий эди — деб ўйлаганди, йўқса ҳеч қачон қорнини бунчалик тўйгазиб ўтиришмаган бўларди-да.

— Қўй, йиғлама, Оливер, бўлмаса кўзларинг қизариб қолади. Гўжангни ичгину шуқр қил! — деди мистер Вамбл насиҳатомуз ва дабдабали оҳангда. — Сени шогирдликка беришмоқчи, Оливер.

— Шогирдликка дейсизми, сэр? — қайтариб сўради бола қалт-қалт титраб.

— Шундай, Оливер, — деди мистер Вамбл. — Ота бўлиб бошингни силаётган саховатли ҳамда муруватли жентльменлар, Оливер (чунки ўзингнинг ота-онанг йўқ), гарчи бу қавмга уч фунту ўн шиллингга тушса ҳамки, сени шогирдликка бериб, оёққа турғазашмоқчи, одам қилишмоқчи. Уч фунту ўн шиллинг-а, Оливер! Етмиш шиллинг... бир юз қиркка олти пенслиг-а! Шунча маблағни ҳеч ким ёқтирмайдиган битта ярамас етимчани деб сарфлашяпти-я!

Дағдағали овоз билан шу сўзларни айтаётган мистер Вамбл нафасини ростлаб олмоқ учун тўхтаганида шўрпешона боланинг юзини шашқатор ёш юва бошлади-ю, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Қўй, бас, — деди мистер Вамбл энди дабдабали оҳангини ўзгартириб, аслида эса ўзининг нотиклиги қандай таъсир этаётганини кўриш хуш ёқаётганди. — Бас қил, Оливер! Камзулингнинг энги билан кўзингни арт, тагин кўз ёшинг гўжага тушмасин. Бу ишинг сираям ақлдан эмас, Оливер.

Дарҳақиқат, бу ақлдан эмасди, негаки гўжа шундоқ ҳам серсув эди.

Судья ҳузурига кетаётиб мистер Вамбл Оливерга у ерга борганларида ўзини бахтиёр қилиб кўрсатиши ва кекса жентльмен, шогирд тушишни хоҳлайсанми, деб сўраганида, жудаям хоҳлайман, дея жавоб қилишини уқтирди. Оливер бу ҳар иккала кўрсатгани ҳам бажаришга сўз берди, зотан мистер Вамбл мабодо буюрганларининг бирортасини бажармайдиган бўлса бошига қандай кунлар тушишини мулоиймгина шама қилиб ўтганди. Судьянинг ҳузурига етиб келгач,

мистер Бамбл унинг ёлғиз узини каталакдек хонага киритиб қуиди-да, токи ўзи кириб олиб кетмагунича шу ерда қимирламай кутишни буюрди.

Болакай юраги гурс-гурс тепганча ярим соатча кутди. Орадан ҳозир қайд этганимизча фурсат ўтгач, мистер Бамбл эшиқдан бош суқиб қаради-да (бу гал бошини бежаб турадиган уч қирра шляпаси йўқ эди), баланд овоз билан деди:

— Оливер, азизим, юра қол, жентльменлар ҳузурига. — Шу сўзларни айтarkan, мистер Бамблнинг қош-қовоғи уюлиб, башараси таҳликали тус олди ва шивирлаб қўшиб қўйди: — Ярамас бола, тайинлаган гапларим ёдинда бўлсин-а!

Унинг муомаласи бундай ўзгариб тургани болани чалғитиб қўяётган эди, шу боис Оливер соддалик билан мистер Бамблнинг афтига қаради, бироқ вазоҳатли жентльмен бирон нима дейишига ҳам қўймай, шу замоноқ уни эшиги очик турган ёнгинадаги хонага етаклади.

Бу деразаси катта, кенг-ковул хона эди. Баланд ёзув столи ортида сочларига упа сепган икки кекса жентльмен ўтиришибди; бири газета ўқимоқда, гардиши тошбақа косасидан ясалган кўзойнак таққан иккинчиси олдидаги бир парча мойқоздаги ёзувни кўздан кечирмоқда. Баланд столнинг бир ёнида, сал олдинроқда, мистер Лимкинс, афт-башарасини наридан-бери ювиб олган мистер Гэмфилд эса иккинчи ёнида туришибди; атрофда эса қўнжи узун этикли нусқи қўпол икки-уч киши гивирсиб юришибди.

Кўзойнакли кекса жентльмен ёзувга тикилиб ўтирган ерида ахийри мудраб кетди, бунинг оқибатида мистер Бамбл Оливерни ёзув столи қаршиси-га турғазиб қўйганидан кейин ҳам орага чўмган сукунат бир неча дақиқага чўзилди.

— Мана ўша бола, тақсир, — деди мистер Бамбл.

Газета ўқиётган кекса жентльмен бирров бошини кўтарди-да, ёнидаги кекса жентльменнинг энгидан тортиб қўйган эди, униси кўзини очди.

— Ў, бу ўша болами? — мингиллади кекса жентльмен.

— Худди ўзи, сэр, — жавоб қилди мистер Бамбл. — Азизим, судья жанобларига таъзим қил.\*

Оливер олдин бир сесканиб тушиб, кейин икки букилиб таъзим бажо келтирди. У ҳакамларнинг упа сепилган сочларига разм соларкан, наҳотки кенгаш аъзоларининг ҳаммаси мана шунақанги бошида оппоқ ул билан туғилиб, шунинг учун ҳам тўғридан-тўғри кенгаш аъзоси бўлиб олишса, деб бош қотира бошлади ҳайрон қолиб.

— Хўш-ш, — деди кекса жентльмен, — ўйлайманки, мўри тозаловчилик касби ёқса кераг-а унга?

— Эс-ҳуши шунда, муҳтарам жаноб, — жавоб берди Бамбл ва йўқ, деб оғиз оча кўрмагин-а, деган маънода Оливерни зимдан чимдиб қўйди.

— Бинобарин, у мўри тозаловчи бўлмоқчи экан-да, шундоқми? — сўради кекса жентльмен.

— Мабодо биз эртадан бошлаб бирорта бошқа касб-корга ўргатишни хаёл қиладиган бўлсак, бу ўша заҳотиёқ қочиб қолиши турган гап эди, жаноблари, — жавоб қайтарди Бамбл.

— Хўш, бу киши, унинг бўлажак хўжаси... сиз, сэр... сиз у билан яхши муомалада бўласиз... уни боқасиз... ва шу кабилар, тўғриямасми, сэр? — деди кекса жентльмен.

— Ростки, мен шундай қиламан дедимми, бас, шундай қиламан, — дея жавоб берди мистер Гэмфилд қовоғини уйиб.

— Пича қўполроқ сўзлар экансиз, биродар, илло виждонли, софдил одам кўринасиз наздимда, — деди кекса жентльмен кўзойнагини Оливер учун тайинланган мукофотни олажак номзодга тўғрилар экан.

Бу номзоднинг жирканч турқида чиндан ҳам унинг шафқатсиз одам эканидан далолат берувчи тошбағирлик муҳри — тамғаси акс этиб турарди. Бироқ судья кексаликдан кўзлари хиралашиб, ёш боладай бўлиб қолганди, шу туфайлидан ҳам ундан бошқалар кўриб турган нарсани пайқашни кутиш эҳтимолдан узоқ эди.



— Шундоқ бўлса керак деган умиддаман, сэр, — деди мистер Гэмфилд разилона иршайиб.

— Бунга заррача шубхам йўқ. биролари азиз. — деб қўйди кекса жентльмен кўзойнагини бурнига маҳкамроқ урнаштириб, довот излаб у еқ-бу еққа алангларкан.

Бу — Оливернинг ҳаётидаги ҳал этувчи дақиқа эди. Башарти, довот кекса жентльмен тахмин қилган жойда бўлганида, у патқаламни сиёҳга ботирарди-ю, қорозга имзо чекарди — ана унда Оливерни оёғини ерга теккизмай олиб кетишлари аниқ эди. Лекин довот ҳакамнинг шундоққина бурни остида турганидан, маълумингизким, бутун стол устини истаб чиқиб ҳам уни топалмади ва излашини давом эттираркан, баноғоқ тўғрисига қараб қолди, шуида нигоҳи Оливер Твистнинг ранги ўчган, капалаги учган юзига тушди. Вола Бамблнинг огоҳлантирувчи ўқрайишларию ўймалашларига парво қилмай, ўзининг бўлажак хўжасининг жирканч башарасига шунчалар ошқора қўрқув ва даҳшат ичра тикилардики, буни ҳатто шабқўр ҳакам ҳам пайқамай қолмади.

Кекса жентльмен бир оз ҳаяллаб, патқаламни топди-да, нигоҳини Оливердан узиб, ўзини бепарво ҳам бемалол тутишга тиришиб, бир чимдим тамаки олган мистер Лимкинсга қадади.

— Бўтам! — деди кекса жентльмен ёзув столи узра энгашиб қараб.

Оливер бу сўзни эшитиб сесканиб кетди. Бунинг учун уни афв этса бўларди, чунки овоз эркаловчи, мулойим эшитилганди, нотаниш товуш эса одамларни чўчитади. Унинг бутун аъзойи баданида титроқ турди-ю, кўзларидан ёш юмалади.

— Бўтам, — такрорлади кекса жентльмен, — рангинг оқариб, безовта бўлиб қолдинг. Нима гап ўзи?

— Ундан сал нарироқ туринг, бидл... — деди иккинчи ҳакам газетани қўйиб, қизиксиниб олға энгашар экан. — Ана энди, болакай, қани бизга айтиб берчи нима гаплигини. Қўрқма, айтавер.

Оливер тиз чўқди-да, қўлларини кўксида чалиштирганча, ўзини яна ўша қоронғи хонага қайтариб юборишларини... очдан тириштиришларини... калтаклашларини... исташса, ўлдиришларини, аммо бу қўрқинчли одамга бериб юбормасликларини тавалло қила бошлади...

— Шунақа дегин-а! — деди мистер Бамбл бағоят дабдабали қиёфада қўлларини кўкка чўзиб, кўзларини самога тикканча. — Ҳали шунақа дегин! Умрим бино бўлиб кўрган айёру доғули етимлар ичида сен, Оливер, энг сурбету безбети экансан.

— Тилингишни тийинг, бидл, — деди иккинчи кекса жентльмен мистер Бамбл ушбу тумтароқли таъриф тавсифни айтиб бўлгач.

— Афв этгайсиз, тақсирим, — деди мистер Бамбл ўз қулоқларига ишонмай. — Жаноблари каминага мурожаат этяптиларми?

— Ҳа. Тилингишни тийиб туринг.

Мистер Бамбл таажжубда серрайиб қолди. Бидлга тилини тийиб туришни буюрсалар-а! Охир замон етибди чоғи!

Кўзойнакли кекса жентльмен ҳамкасабасига қаради. Касабаси маънодор қилиб бош ирғади.

— Биз бу шартномани тасдиқлашдан бош тортамиз, — деб мойқоғоз парчасини олиб, четроққа ташлади.

— У... умид... — деб ямланиб гап бошлади мистер Лимкинс, — умид қиламанким, боланинг ҳеч бир асосиз гувоҳлигига таяниб, ҳакамлар гўё қавм маъмурлари бирон ножўя хатти-ҳаракатда айбдор деган хулосага келмаслар.

— Ҳакамлар бу масала юзасидан бирон-бир ҳукму хулоса чиқаришга мажбур эмаслар, — деди иккинчи кекса жентльмен кескин оҳангда. — Болани меҳнат уйига қайтариб олиб боринглар-да, унга яхши муомала қилинглр. Чоғимда, бу нарсага муҳтож у.

Уша куни оқшомдаёқ оқ нимчали жентльмен мутлақо қатъият билан, Оливер нафақат осиладигина эмас, балки устамасига уни қатлгоҳга сургаб бориб, тўрт пора қиладилар, деди. Мистер Бамбл маҳзун ва сирли бир тарзда бошини сараксарақ қилиб, охири бахайр бўлсин-да, деб қўйди, шундан сўнг мистер Гэмфилд,

ишқилиб қўлимга кирсин-да, дея тилак тилади; гарчи мистер Гэмфилд деярли ҳар бир нарсада қавм бидлининг фикрига қўшилаётган бўлса ҳамки, у, афтидан, бундай истакни билдирар экан, бидл билан фикрлари бутунлай айричалигини намоиш этди.

Эртасига эрталаб жамоатга яна Оливер Твист шогирдликка берилажағи ва уни олиш ихтиёрини билдирган одамга беш фунт тўланажағи маълум қилинди.

## IV боб

### *Оливерга бўлак жойни таклиф этадилар, шундай қилиб у илк бора тириклик майдонига қадам қўяди*

Башарти, асилзода хонадон намояндаси булмиш углонни ҳадинома ёхуд васиқага биноан бирон қулай ва манфаатли лавозим ила таъмин эта олмасалар, уни денгиз сафарига йўллаш одат тусига кирган. Кенгаш аъзолари шундайин оқилона ҳамда халоскорона таомилдан ибрат олиб, Оливер Твистни соғлиқнинг заволи бўлган бирор ажайиб бандаргоҳ сари сафарга отланган мўъжазгина тижорат кемасида жўнатиб юборилгани мақбул эмасмикан, деган фикрни мулоҳазаю мунозара қилишга тушдилар. Ундан қутулишнинг жамики усулию чоралари ичида худди ана шуниси энг аълоси бўлиб туюларди: эҳтимолки бирор куни феъли айниб турган ёхуд хушқайф дарға тушликдан сўнг уни ўласи қилиб савалар ёки темир мисранг билан бошини уриб ёрар; униси ҳам, буниси ҳам шу тоифадаги жентльменларнинг ёқтирадиган ва кундалик эрмаклари эканлиги кўпчиликка аён эди. Кенгаш аъзолари бу ҳолни юқорида зикр этилган нуқтаи назардан қанчалик чуқурроқ ва кенгроқ мушоҳада этганлари сайин қаршиларида ўйлаган режаларининг ранг-баранг афзаллик жиҳатлари шунчалик кўпроқ намоён бўла борди; хулласикалом, Оливерга лутфу карам кўрсатишнинг бирдан-бир усули — уни дарҳол денгиз сафарига жўнатиш, деган тўхтамга келдилар.

Шундай қилиб, улар таниш-билиши йўқ, кают-юнга керак бирор даргани излаб топиш ниятида мистер Бамбли сўраб-суриштиргани жўнатдилар. Мистер Бамбл зиммасига юкланган бу топшириқнинг натижалари борасида ахборот бермоқ учун меҳнат уйига қайтаётиб, иттифоқо дарвоза олдида мистер Сауербери — қавм тобутсозини учратиб қолди.

Эски қора камзул, худди ўшандай қора, ямоқ ип пайпоқ билан қора бошмоқ кийган мистер Сауербери баланд бўйли, қотма, суяги бузуқ одам бўлиб, табиатан турқи-таровати табассум учун яратилмаган эди-ю, лекин умуман олганда, касби корига хос қувноқлик ҳам бегона эмасди унга. У энгил одим ташлаб мистер Бамблга яқинлашаркан, чеҳрасида чинакам мамнуният акс этди ва бидл билан самимий қўл олишди.

— Мистер Бамбл, бугун тунда кўз юмган икки аёлни ўлчаб келяпман, — деди тобутсоз.

— Хулласи, бойлик тўплаб ётибсиз-да, мистер Сауербери, — жавоб қилди бидл бош ҳамда шаҳодат бармогини тобутсоз тутган тамакидонга суқаркан; бу маҳорат билан ясалган кичкинагина тобут нухаси эди. — Сизни ишонтириб айтаманки, сиз бойлик ортириб ётибсиз, мистер Сауербери, худди шундоқ! — тақрорлади мистер Бамбл ҳассаси билан тобутсознинг елкасига дўстона қоқиб қўяркан.

— Шундай деб ўйлайсизми? — дея жавоб қилди тобутсоз, гўё у шундай эканини ҳам тан олаётган ва айни чоғда ҳам рад этаётгандай бир оҳангда. — Қавм кенгаши нархни жудаям паст белгилаган-да, мистер Бамбл.

— Қўйинг-э, тобутларингиз ҳам катта эмас-ку унақанги... — жавоб берди бидл, ўзи каби эътиборли лавозимдаги шахсгагина муносиб тарзда жилмайиб.

Мистер Сауерберига бу ниҳоятда ёқиб тушди (буниси мутлақо тушунарли эди) ва у узок, қотиб-қотиб кулди.

— Нимаям дердим, мистер Бамбл, — деди у ниҳоят, — янги овқатланиш тартиби ўрнатилганидан бери тобутларим илгаригиларига қараганда сал торроқ

ва саёзроқ бўлаётганини инкор қилишимни ўрниям, имкониям йўқ. Локинига, мистер Бамбл, биз ҳам фойда кўришимиз керак-ку, ахир! Яхшилаб қуритилиб, чиниқтирилган тахта-ёғоч арзонмас, сэр, темир тутқичларни бўлса Бирмингемдан канал орқали жўнатишади.

— Шундоқликка шундоғ-а, — деди мистер Бамбл, — ҳар бир касбни ўзига яраша сарф-харажати бор. Албатта, ҳалол фойда кўришга ижозат этилади.

— Албатта-да! — тасдиқлади тобутсоз. — Мабодо мен у ёки бу жиҳатдан фойда кўролмаётган бўлсам нимаям дердим, бари бир пировардида ҳиссасини чиқариб оламан, ҳи-ҳи-ҳи!

— Ҳа, баракалла, — деди мистер Бамбл.

— Локигин бир нарсани айтиб қўяй... — дея сўзини давом эттирди тобутсоз бидл бўлиб қўйган ўй-хаёлларига қайтиб, — бир нарсани айтиб қўяй, мистер Бамбл, битта жуда мушкул томони бор. Биласизми, баъзида тўла одамлар ўлиб туришади. Ўзига тўқ ва талай йиллар давомида солиқларни тўлаб келганлар меҳнат уйига тушиб қолишганда ҳаммадан олдинроқ ўлишади. Шундай қилиб, ижозатингиз билан айтсам, мистер Бамбл, лозим бўлганидан ортиқча ишлатиладиган уч-тўрт энликкина тахта ҳазилакам зарар эмас, сэр, айниқса оилали одамга.

Мистер Саурбери бу сўзларни ранжитилган одам сингари аламзадалик билан (батамом кечирарли ҳол эди бу) айтди ва ушбу сўзлар замирида қавм шаънига тегувчи номуносиб шама яшириниб ётганини пайқаган мистер Бамбл гапни бошқа ёққа буриб юборишни лозим топди. Унинг фикр-ёди Оливер Твист билан банд эди, шу боисдан ҳам ўшандан оғиз очди.

— Дарвоқе, — деди мистер Бамбл, — болакай керак бўлган бирор кимсани билмайсизми? Шу кунларда қавмнинг елкасига ортиқча юк бўлиб турган шогирд болакай бор эди, менга қолса, уни қавмнинг елкасига ортилган тегирмон тош дердим... Шартлари қулай, мистер Саурбери, ҳа, шартлари жуда қулай.

Мистер Бамбл шундай дея ҳассаси билан тобутсознинг тепасида осиглиг турган эълонни кўрсатди-да, романча алифбода ўқловдай-ўқловдай қилиб ёзилган «беш фунт» деган жойини уч марта тақиллатиб уриб қўйди.

— Е танграм-а! — хитоб қилди тобутсоз мистер Бамбл шинелининг зарҳал уқали ёқасидан ушлаб. — Ўзим ҳам сиз билан худди шу тўғрисида гаплашмоқчийдим-да! Биласизми... Е парвардигор, тугмангиз қандай чиройли-я, мистер Бамбл! Шу пайтгача эътибор бермаган эканман-а.

— Ҳа, менимча ҳам чаккиямас, — деб қўйди бидл шинелини безаб турган йирик-йирик жез тугмаларга ғурурланиб кўз ташлаб қўяр экан. — Буларгаям қавм муҳридаги сурат: бемор ва дармонсиз одамга табобатдан мадад кўрсатаётган табиб тасвири туширилган. Қавм кенгаши бу шинелни менга, мистер Саурбери, Янги йилга тортиқ қилган. Эсимда, уни биринчи марта ярим кечада эшиги олдида ўлиб қолган анави синган савдогарнинг иши юзасидан олиб борилган терговда қатнашгани борганимда кийгандим.

— Ҳа, ҳа, эсимда, — деди тобутсоз. — Маслаҳатчилар: «Совуқ ва ҳаётини сақлаб қолиш учун энг зарурий нарсалари йўқлиги туфайлидан ўлган», деб ҳукм чиқаришган эди, тўғриямасми?

Мистер Бамбл бош ирғади.

— Ўшанда улар яна гўёки махсус ҳукм чиқаришгандики, — сўзини давом эттирди тобутсоз, — қўшимча қилиб, ҳалиги, борди-ю, камбағалларни назорат қилувчи амалдор\*...

— Бўлмағур гап! Сафсата! — унинг гапини бўлди бидл. — Кенгаш агар ўша нодон маслаҳатчиларнинг бемаъни, аҳмоқона гапларига қулоқ соладиган бўлса, унда бошию қулоғигача ишга кўмилиб ётарди.

— Ғирт ҳақиқатни айтдингиз, — қўшилишди тобутсоз, — бошигача ботиб ётарди.

— Маслаҳатчилар, — ваъзхонлигини давом эттирди мистер Бамбл асосини маҳкам сиқимлаб, унинг жаҳли чиққанда шундай қиладиган одати бор эди, — маслаҳатчилар жоҳил, пасткаш, жирканч, ярамас нусхалар!

— Тўппа-тўғри, — тасдиқлади тобутсоз.

— Фалсафа ҳамда сиёсий иқтисод бобида ҳеч балонинг фаҳмига бормаёди

улар! — деди бидл, нафрат-ла бармоқларини шиқирлатиб.

— Худди шундоқ, — таъкидлади тобутсоз.

— Улардан ҳазар қиламан! — деди бидл қизариб-бўғриқиб.

— Мен ҳам, — қўшиб қўйди тобутсоз.

— Қани энди ўша маслаҳатчилар бир-икки ҳафтагина бизнинг уйимизга тушиб қолишса, — деди бидл. — Кенгаш жорий этган қоида ва тартиблар дарровгина кўзларини очиб, попукларини пасайтириб қўярди-я.

— Келинг, тинч қўя турайлик ўшаларни, — деди тобутсоз.

Шу сўзларни айтаркан, у жазавага тушган қавм хизматчисининг ғазабини жиловлаш ниятида илжайиб қўйди.

Мистер Бамбл уч қирра қалпоғини ечди, унинг қайтармаси қатидаги рўмолчасини олиб — аччиги келганидан пешонасини тер босганди — манглайини артди, кейин қалпоғини яна кийди-да, тобутсозга юзланиб, хийла босиқ оҳангда деди:

— Хўш, бола хусусида нима дейсиз?

— У, биласизми, мистер Бамбл, — жавоб берди тобутсоз, — қашшоқлар манфаати йўлида озмунча солиқ тўламайман.

— Ҳм! — деб қўйди мистер Бамбл. — Хўш, у ёғи-чи?

— У ёғими, мана бундай, — жавоб қилди тобутсоз, — ўйлайманки, башарти қашшоқларнинг манфаати учун шунча солиқ тўлаётган эканман, унда, бундан чиқадики, улардан иложи борича кўпроқ наф чиқариб олишга ҳақ-ҳуқуқим бор, мистер Бамбл. Шу... шу... шундоқ экан, наздимда, ўша болакайни ўзим ола қолай дейман.

Шунда мистер Бамбл тобутсозни қўлтиғидан олиб, ичкарига бошлади. Мистер Саурбери кенгаш аъзолари билан беш-олти дақиқа мобайнида келишиб-битишди ва Оливер шу куни кечқуруноқ уникига «синовга» борадиган бўлди. Бу битимга мувофиқ қавм шогирди масаласида қуйидагича келишиб олинганди: агар хўжайин синов муддати давомида, болакайнинг қорнини тўйдиришнинг унчалик ташвишини чекмай, уни тузуккина ишлашга мажбур эта олишига ишонч ҳосил қилса, у чоғда хўжайин болани маълум бир муддатга ўз ихтиёрида қолдириш ва ундан истаганича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Уша куни оқшом митти Оливерни яна «жентльменлар» ҳузурига олиб киб, шу бугундан бошлабоқ унинг тобутсоз хизматига боражагини, мабодо ўз аҳволи шароитидан шикоят қилишни ёки қачондир қавм уйига қайтишни хаёлига келтирадиган бўлса, денгиз сафарига жўнатажаклари ёхуд уриб пўла қилажакларини айтишганда Оливер хиёлгина ҳаяжонланди, бунни кўриб ҳаммалари бир оғиздан, икки дунёда ўнгламайдиган ярамас бола экан, деб тан беришиб, мистер Бамблга уни тезда тобутсозникига олиб боришни буюрдилар.

Кимнинг томонидан бўлмасин, заррача бепарволик ва лоқайдлик асорати намоён этилса, бошқа ҳар қандай одамдан кўра кўпроқ кенгаш аъзоларининг беқиёс таажжуб ҳамда даҳшатга тушишлари мутлако табиий эди, бироқ мазкур ҳолатда улар пича янглишгандилар. Гап шундаки, Оливер асло ҳиссизу лоқайд эмасди; балки у ҳатто ҳаддан зиёд таъсирчанлиги билан ажралиб турар эди, аммо у ҳадеб кўпол муомала қилаверилгани оқибатида бир умрга тунд, тўпорилик ва ғамбодалигу ҳазинлик тузоғига илинай-илинай деб турарди. Ўзининг қандай хизматга жўнатилаётганига чурқ этмай қулоқ осиб турди, бор бисотини кўтариб — бунни кўтариб бориш унчалик қийин эмасди, негаки буюмлари нарса ўрайдиган қалин қоғоздан тикилган мўъжазгина халтага жо бўлганди — қалпоғини кўзигача бостириб кийди-да, мистер Бамблнинг қайтарма енгидан ушлаганча, ушбу мансабдор шахс билан биргаликда янги қийноғу изтироблар маскани сари жўнади.

Олдинига мистер Бамбл Оливерга эътибор ҳам қилмай, ҳеч қандай танбеҳ ҳам бермай етаклаб бораверди, зотан у бидлга хос тарзда бошини ғоз тутиб одимлаётганди, шамол эсиб тургани сабабли эса заррин уқали нимчаси билан калта жигарранг иштонини кўз-кўз қилиб шамолда ҳилпираётган шинелининг бари жимитдаккина Оливерни батамом тўсиб қўяётган эди. Бироқ тайинланган жойга яқинлашар эканлар, мистер Бамбл пастга назар ташлаб, болакайнинг янги хўжайини кўрса кўргундек бир қиёфада кетаётганига қаноат ҳосил

қилишни зарур деб топди; башарасига хайрихоҳона ҳамда ҳомиёна тус бериб, шундай қилди ҳам.

— Оливер! — деди мистер Бамбл.

— Лаббай, сэр! — секингина, титроқ овоз билан жавоб берди Оливер.

— Қаллоқни баландроқ суринг, сэр, бошингизни ҳам кўтаринг!

Гарчи Оливер шу заҳотиёқ буйруқни адо этган ва бўш қўли билан кўзини сийпаб қўйган бўлса-да, бошини кўтариб йўл бошловчисига қараганида кўзларида ёш милтилади. Мистер Бамбл Оливерга ўқрайиб қўйди, бироқ боланинг ёноғидан ёш юмалади. Кетидан яна битта томчи, сўнг тагин битта. Бола кўз ёшини тийишга чандон уринмасин, нафи бўлмади. У мистер Бамблдан қўлини бўшатиб олди-да, икки қўллаб афтини бекитиб, йиглаб юборди, ёшлари бўлса ияги билан қоқсуяк бармоқлари орасидан сизиб чиқа бошлади.

— Ҳали шунақами! — ҳайқирди мистер Бамбл тўхтаб, шогирдига хўмрайиб қараркан. — Шунақа дегин! Умрим бино бўлиб кўрган энг нонкўр, энг бузуқ болалар орасида сен, Оливер, энг ярамаси...

— Йўқ, йўқ, сэр! — хитоб қилди Оливер пиқиллаб, ўзига яхши таниш ҳассани тутиб турган қўлга ёпишганча. — Керакмас, сэр! Мен тузаламан, рост айт-япман, тузаламан, сэр! Мен ҳали жуда кичкинаман, сэр, кейин ҳалигидақа, ҳалигидақа...

— Хўш, қанақа — ҳалигидақа? — сўради мистер Бамбл ажабланиб.

— Ҳалигидақа... ёппа-ёлғизман, сэр. Жудаям ёлғиз! — тавалло қилди болақай. — Мени ҳамма ёмон кўради. Жо-он, сэр, мендан жаҳлингиз чиқмасин!

Болақай қўлини кўксига қўйиб, кўзларида чинакам алам ситиб чиқарган ёшлар қалқаланиб, жавдираб ҳамроҳининг бетига тикилди.

Мистер Бамбл Оливернинг илтижолу ва ночорона нигоҳини бир қадар ҳайрат-ла қарши олди, уч-тўрт марта хир-хир йўталиб қўйди-да, бу «жонга тегадиган йўтал» хусусида алланималар деб гўлдирагач, Оливерга кўз ёшини қуритиш ва яхши бола бўлишни буюрди. Кейин у яна боланинг қўлидан етаклаган қўйи йўлига равона бўлди.

Мистер Бамбл кириб борганида ҳозиргина дўкони дарчаларини ёпган тобутсоз ушбу масканга ғоятда ёпишиб тушган хира шам ёруғида кирим-чиқим дафтарига нималарнидир битмоқда эди.

— Э-ҳа! — деди тобутсоз ёзувини чала қолдириб, дафтардан бошини кўтарар экан. — Бу ўзларими, Бамбл?

— Худди ўзлари-да, мистер Сауербери, — жавоб қайтарди бидл. — Мана! Болақайни ўзларига олиб келдим.

Оливер таъзим қилди.

— Бу ўша болақайми? — сўради тобутсоз Оливерни тузуқроқ кўриш учун шамни боши узра кўтариб. — Миссис Сауербери, барака топгур, бу ёққа бирровгина киргин-а, азизим.

Дўконнинг орқа томонидаги каталакдеккина хужрадан миссис Сауербери чиқиб келди. Бу паст бўйли, сўлғин, бурнидан заҳар томиб турадиган қоқсуяк аёл эди.

— Жонгинам, — деди мистер Сауербери такаллуф-ла, — бу ҳали мен сенга айтган меҳнат уйидаги ўша бола.

Оливер яна бир бор таъзим бажо келтирди.

— Вой худойим-эй! — хитоб қилди тобутсознинг аёли. — Жимитдаккиналигини қара-я!

— Ҳа, бўйи кийла пастроқ, — унинг гапига қўшилди мистер Бамбл, Оливерга бўйи ўсмай қолганига гўё унинг ўзи айбдордай бир қиёфада ўқрайиб. — У чиндан ҳам кичкина. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин ҳали ўсади, миссис Сауербери, бўйига ўсади у.

— Нимасини айтасиз, бўлмасам-чи! — дея жаҳл билан жавоб қайтарди коним. — Бизнинг нонимиани туя қилиб ўсади. Қавм болаларидан бирон манфаат кўришга сираям кўзим етмайди: уловидан тушови қиммат деганларидай, уларнинг ўзларидан кўра емишлари қиммат тушади. Лекин эркаклар ҳамиша ўзларини биздан кўра ақлларок, деб ўйлашади... Қани, пастга туша қол, бир қоп сўнгалвой!

Тобутсознинг хотини шундай деб биқин томондаги эшикни очди-да, Оливерни саҳнига тош ётқизилган, кўмир сақланадиган қазноқнинг даҳлизи ва-зифасини ўтовчи, ошхона деб аталувчи, зах ва зимистон ертўлага олиб тушади-ган тик зина томон итариб юборди; бу ерда уст-боши кир-чир, оёғида титиги чиққан бинамоқ ва йиртиқ-ямоқ зангори жун пайпоқ кийган бир қиз ўтирарди.

— Шарлотт, — деди Оливернинг кетидан тушиб келган миссис Сауербери, — Трипга олиб қўйган яхна гўштнинг қолган-қутганини манави болага беринг. Трип эрталабдан бери уйда қорасини кўрсатгани йўқ, бусиз ҳам бир амаллар. Ишонаманки, бу бола уни емайман дейдиган инжиқлардан эмас... Тўғрими, болакай?

«Гўшт» деганини эшитганида Оливернинг кўзлари чақнаб, уни тезроқ ейиш иштиёкида вужуди титраб кетди-ю, «жа», дея жавоб қилди, шундан сўнг унинг олдига қолган-қутган овқат солинган тақсимчани қўйишди.

Истардимки, бирон-бир қорни тўқ, боқуви зўр, меъдасида эт билан шароб қўшилиб сафрога айланувчи, қони муз янглиғ совуқ, юраги эса тош-метин бирор файласуф, истардимки, ана ўшандай одам ҳатто ит ҳам ҳазар қиладиган лазиз таомга Оливер Твистнинг ташланганини бир кўрса! Истардимки, даҳшатли очлик азоби силласини қуритган Оливернинг қандайин очкўзлик билан этни тилка-пора қиляётганининг шоҳиди бўлса! Худди шундай таомни ўша файласуфнинг худди мана шундай ҳузур билан еяётганини кўришни эса чандон бора кўпроқ истардим.

— Хўш, қалай? — сўради тобутсознинг хотини Оливер кечки овқатни ту-гатгач; у нафаси ичига тушиб, боланинг иштаҳаси қандай карнай бўлиб кети-шини олдиндан тасаввур қилиб, ваҳимага тушиб гик этмай кузатаётганди. — Еб бўлдингми?

Оливер яқин атрофда тишга босгулик ҳеч нимани кўрмагач, ҳа, дея бош ирғади.

— Бўлмаса орқамдан юр, — деди ифлос, хира чироқни кўтариб, зинадан чиқа бошлаган миссис Сауербери. — Пештахта тагида ётасан. Тобутлар орасида ухлосанг кераг-а? Айтмоқчи, ухлаёласанми ё ухлаёлмайсанми — бунинг аҳа-мияти йўқ, чунки бошқа сен ётадиган жойнинг ўзи йўқ. Юра қол! Мен бу ерда тун бўйи қололмайман-ку, ахир!

Оливер ортиқ ҳаялламай, итоаткорлик билан янги бекаси ортидан йўналди.

## V боб

*Оливернинг ҳамкасаба ўртоқлари билан танишуви ва илк бора дафн маросимида қатнашиб, ўз хўжайинининг касби ҳақида нохуш хулосага келиши*

Тобутсознинг дўконида ёлғиз қолгач, Оливер чироқни мослама-дастгоҳ устига қўйди-да, ўзидан ёши хийла каттароқ одамларга яхши ошно бўлган эҳтиром ва қўрқув туйғуси билан теварагига аланглади. Дўконнинг ўртасидаги қора чорпоя устида турган чала тобут кўзига шунчалар мудҳиш ҳамда ваҳимали кўриндики, бу совуқ нарсага тикиларкан, Оливернинг юраги муз тортиб, эти жимирлаб кетди: назарида қандайдир даҳшатли жасад ҳозир аста бошини кўтаради-ю, ўзи бўлса қўрқувдан ақлдан озиб қоладигандай туюлди. Девор та-гига тобут ясаладиган қайрагоч тахталари ҳафсала билан, рисоладагидай қи-либ териб-тахлаб қўйилибди; гира-шира ёруғда улар қўлини чўнтагига тиқиб олгачича, букчайиб турган ажина-арвоҳларга ўхшаб кетарди. Ерда тобутлар-нинг белги-ёзувлари, тахта қириндилари, ялтироқ қалпоқли миҳлар ва қора матонинг парча-пурчалари айқаш-уйқаш сочилиб ётибди, пештахта орқаси-даги деворни эса расм безаб турибди; расмда тўртта қорабайр қўшилган ка-тафалк<sup>1</sup> келиб тўхтаётган уйнинг эшиги олдида қотириб оҳорланган галс-тукли икки нафар соқов йиғичи-гиранда тасвирланганди. Дўкон иссиқ ва дим эди. Чамаси, ҳавони тобут ҳиди тутиб кетгандай эди. Похол тўшак ташлаб

<sup>1</sup>К а т а ф а л к — мурдани мозорга олиб борадиган арава. (Тарж)



қўйилган пештахта остидаги жой худди гўрга ўхшаб кетарди.

Оливерни эзаётган нарса нафақат ушбу манзара-вазият эди. У нотаниш жойда ёлғиз қолганди, бундайин шарт-шароитда эса ҳар биримиз ҳам ўзимизни қанчалик бекасу ғариб ҳамда бебахт ҳис этажагимиз барчамизга аёндыр. Бола-кайнинг апоқ-чапоқ дўсти йўқ эди. Бир фаслгина муқаддам бошига тушган жудоликдан ўкинмасди, зеро жуда-жуда кўргиси келадиган қадрдон, яқин киши-си йўқ эди-да. Аммо, шунга қарамай, кўнгли гаш тортган, қомуш эди; шу боисдан ҳам у тору танқис ўрнига жойлашар экан, ушбу ўрни тобут бўлиб қолишини, қимир этмай, тош қоғитб уйқуга кетган ўзини эса ўт-ўланлар майин шитирлайдиган, кўҳна қўнғироқнинг жаранги аллалайдиган қабристонга элтиб кўмишларини истаб қолди.

Эрталаб Оливер дўкон эшиги гурс-гурс тепилган овоздан уйғониб кетди; то у апил-тапил кийингунча шиддатли тепки овози йигирма беш мартача такрорланди. У эшик занжирини тушираётганда эшикни тепкилаётган оёқ тийлиб:

— Очинг, эшитяпсизми? — дея оёқ эгасининг бақирган овози эшитилди.

— Ҳозир очаман, сэр, — деди Оливер занжирни тушириб, калитни бурар экан.

— Сен янги бола бўлсанг кераг-а? — сўради ўша овоз қулф тешигидан.

— Ҳа, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Эшинг нечада? — суриштирди овоз.

— Ҳнда, сэр, — жавоб қайтарди Оливер.

— Ичкарига кирай, бир таъзирингни бермасамми, — деди ўша овоз, — шошмай тур, қавмининг кўппакчаси!

Ана шунда илтифотли ваъда кетидан ҳуштак эшитилди.

Оливерни бот-бот ҳозиргина тилга олинган маънодор сўз ифода этгучи «сийловга» мушарраф этиб турар эдилар, шу сабабдан ҳам у овоз эгасининг ўз таҳдидини астойдил адо этишига заррача шубҳаланмади. У қўллари қалтираб лўкидонни сурди-да, эшикни очди.

Оливер қулф тешиги орқали ўзи билан гаплашган нотаниш одамни совқотмаслик учун юриб турган бўлса керак деб ўйлаб, бир ёхуд икки лаҳзагина кўчани кўздан кечирди, ўнгга қаради, кейин сўлга. Гап шундаки, у қаршисида, уй олдидаги устунчага ўтириб олиб, қўлидаги қаламтарош билан нон ва мойни нақ оғзига мос қилиб кесиб, оғзига эпчиллик билан ташлаганча кавшаниб ўтирган найнов етимхона боласидан бўлак ҳеч зогни кўрмаётган эди.

— Кечирасиз, сэр, — деди Оливер бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, — сиз тақиллатдингизми?

— Оёғим билан тепкиладим, — жавоб берди етимхоналик бола.

— Тобут керакмиди, сэр? — сўради Оливер соддадиллик билан.

Бу сўзларни эшитиб етимхоналик боланинг авзойи дағдағали тус олиб, агар ўзидан катталарга шунақанги ҳазил қиладиган бўлса, тез орада Оливернинг ўзига тобут керак бўлишини айтди.

— Қавм итваччаси, менинг кимлигимни биласанми ўзинг? — дағдағасини давом эттирди етимхоналик бола важоҳат-ла устунчадан тураркан.

— Билмайман, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Мен мистер Ноз Клейпол, бўламан, — деди етимхона боқимандаси, — сен бўлсанг менинг қўл остимдасан. Дарчаларни оч, ишқмас газанда!

Шу сўзлар жўрлигида мистер Клейпол Оливерни тепки билан сийлаб, иззат-этиборини бир поғона баландлатадиган тарзда савлат тўкиб дўконга кириб келди. Ҳар қанча уринганида ҳам бу калладор, кўзлари жимит, тўқимтабиат, бефаросат туркди йигитчанинг салобатли қиёфага кириши мушкул эди, бунинг устига зикр этилган ҳуснга қип-қизил бурни ва калта сап-сарик иштони қўшилса, бу амримаҳол эди.

Оливер дарича қопқоқларини олди ва уларни кундузи чиқариб қўйилади-ган уйнинг орқа томонидаги ҳовлига ташимокчи бўлди, бироқ биринчи қопқоқни кўтаришдаёқ оғирлигидан галдираб кетди-ю, дераза ойнасини синдириб юборди, шундан кейин Ноз «таъзирингни ейсан» деб гўёки таскин берди-да, мурувват кўрсатиб, унга ёрдамлашишга киришди. Ҳадемай дўконга мистер

Сауербери тушиб келди. Унинг кетидан миссис Сауербери кўринди. Ноэ башорат қилганидек, Оливернинг «таъзирини беришди», сўнгра у нонушта қилгани ёш жентльмен билан пастга тушди.

— Учоққа яқинроқ ўтиринг, Ноэ, — деди Шарлотт. — Мен сизга хўжайинларнинг нонушталигидан — дудланган тўшдан ажойиб бир бўлагини олиб қўйганман... Оливер, мистер Ноэ кетидан эшикни зичлаб ёпгин-да, анави кастрюлька копқоғига қолдиқ овқатларни солиб қўйибман, олиб е. Мана сенга чой. Уни яшик устига элтгин-да, ўша ерда ич, тезроқ қимирла, нега десанг, ҳозир дўконга чакириб қолишадди. Эшитдингми?

— Эшитясанми, қавм кўппакчаси? — деди Ноэ Клейпол.

— Вой худойим-эй! — деди Шарлотт. — Ноэ, жуда галати йигитсиз-да! Болани тинч қўйсангиз бўлмайдимиз-я?

— Тинч қўй денг-а! — такрорлади Ноэ. — Шундоқ ҳам уни ҳамма тинч қўйиб қўйибди. На отаси, на онаси ҳеч қачон ҳеч нимада халақит беришмайди. Ҳамма уруг-аймоқлари, билганингни қил, деб ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Тўғриямасми, Шарлотт? Ҳи-ҳи-ҳи!

— Жуда галатисиз-да шунақа! — хитоб қилди Шарлотт ва хандон ташлаб кула бошлаган эди, Ноэ ҳам жўр бўлди унга.

Сўнгра ҳар иккалалари ертўланинг бурчагидаги яшиқда қалт-қалт титраб, ўзи учун ажратиб қўйилган қўланса бўйли овқат қолдигини еб ўтирган Оливер Твистга ирганиб қараб қўйишди.

Ноэ меҳнат уйида туғилган есир бола эмас, болалар уйдан чиққан эди. У ташландиқ эмасди, зотан у яқингина ерда турадиган ота-онасидан тортиб етти ота-бобосигача санаб бериши мумкин эди; онаси кир ювувчи, отаси бўлса кунига икки ярим пенс нафақа тайинланган, истефого чиққан ёғочоёқ пиёниста аскар эди. Ноэни кўчада учратганларида «тери иштон», «ғарибхоналик» ва шунга ўхшаган лақаб қўйиб, масхара қиладиган қилиқ чиқаришганди. Ноэ ҳам бунга чурқ этиб қаршилиқ билдирмасди. Аммо мана энди тақдир унинг йўлига ҳатто энг паст, бир пақирга қиммат одам ҳам нафрат-ла қўлини бигиз қилиб кўрсатадиган тубсиз-насабсиз етимчани кўндаланг қилгач, у бутун аламини ўшандан ола бошлади.

Бу нарса тафаккуру мушоҳадамиз учун антиқа озуқа беради. Инсон зотининг феъл-атвори қанчалик гўзал бўла олиши ва олиҳиммат лордда ҳам, энг ифлос ғарибхона боласида ҳам айнан бир хилдаги хуш фазилатлар тараққий эта олишининг шоҳиди бўламиз.

Оливер тобутсозниқига жойлашганига ҳам уч-тўрт ҳафта ўтганди. Дўкон ёпиқ бўлиб, мистер ва миссис Сауерберилар орқа томондаги чоққина меҳмонхонада кечки овқатни тановул қилиб ўтиришган эди. Шунда мистер Сауербери хотинига эҳтиром билан нигоҳ ташлаб қўйгач:

— Азизам... — деди.

У сўзини давом эттирмоқчи эди, бироқ миссис Сауербери ёқтирмай хўмрайиб қўйганди, нафаси ичига тушиб кетди.

— Хўш? — сўради миссис Сауербери тўрсиллатиб.

— Ҳеч нима, жонгинам, ҳеч нима! — деди мистер Сауербери.

— Уф, ярамас-э! — деб қўйди миссис Сауербери.

— Ростдан, ҳеч гап йўқ, азизам, — ювошгина жавоб қайтарди мистер Сауербери. — Жонгинам, назаримда қулоқ солишга ҳушинг йўқ кўринди. Мен фақат шуни...

— Ке, ўша нима демоқчи бўлганингни айтмай кўя қол, — гапини бўлди миссис Сауербери. — Мен ким бўлибман; қўй, барака топкур, мендан маслаҳат сўрамай кўя қол. Сенинг сир-асрорингни билиб олишни истамайман.

Шу сўзларни айтаркан, миссис Сауербери телбаларча асабий қаҳ-қаҳ урди, бу суҳбат оқибати хунук тугашидан далолат эди.

— Лекинига, жонгинам, — деди мистер Сауербери, — сен билан маслаҳатлашмоқчиман.

— Йўқ, йўқ! Мен билан маслаҳатлашмай кўя қол! — деди миссис Сауербери зорланганнамо. — Бошқа бирорта бегонадан маслаҳат сўра.

Шу пайт янгитдан янграган асабий қаҳқаҳа мистер Сауербенининг ўта-

касани ёриб юборди. Аксар ҳолда исталган самарани берадиган, эр билан муомала қилиш бобида жуда кенг тарқалган ҳамда тавсия этиладиган тартиб ана шундай. Бу ҳол мистер Сауерберини дарҳол илтижога ўтишга, миссис Сауерберидан гапига қулоқ солиб, алоҳида илтифот кўрсатишини ўтиниб сўрашга ундади. Аслида эса хотинининг нима гап борлигини билгиси келиб, ичи пишиб кетаётган эди. Шундай қилиб, оз бўлмаса чорак кам бир соатга чўзилган «қисқагина» тортишувдан сўнг, у ниҳоят рухсат олиш бахтига муяссар бўлди.

— Гап ёш Твист тўғрисида, жонгинам, — деди мистер Сауербери. — У жудаям ёқимтой бола, азизам.

— Бўлмасам-чи, шунча овқат егандан кейин ёқимтой бўлмай қаёққа борарди! — луқма ташлади хоним.

— Чехраси ғамгин, жонгинам, — сўзини давом эттирди мистер Сауербери, — бу уни жудаям таъсирли қилиб кўрсатади... Ундан, азизам, қойилмақом гирианда чиқарди-да.

Миссис Сауербери унга ошқора ҳайрат-ла тикилиб қолди. Мистер Сауербери буни пайқаб, саховатли хонимнинг эътироз билдиришини кутиб ўтирмай, сўзини давом эттирди:

— Мен катталарнинг дафн маросимида қатнашадиган чинакам гунг гирианда тўғрисида эмас, гўдакларнинг гунг гириандаси ҳақида гапиряпман, холос, жонгинам. Бўй-басти шундоқ гунг гириандамиз бўлганида борми, антиқа янгилик бўларди-да, жоним. Гапимга ишонавер, бу жудаям ажойиб таассурот қолдиради.

Гап дафн маросими масаласига тақалганида ғаройиб дид-фаросатини намоеъи этадиган миссис Сауербери ушбу янги фикрни эшитиб лол қолди; аммо айни вазиятда буни тан олиш иззат-нафсини ерга уриш деган гап эди, шу боисдан ҳам у эридан хийла тўнғ оҳангда, нима учун бу жўнгина фикр хаёлингга илгарироқ келмаганди, деб сўраш билан кифояланди, холос.

Мистер Сауербери хотинининг бу сўзларини ўз таклифига берилган розилик эканини тўғри фаҳмлади. Шундай қилиб, ўша ернинг ўзидаёқ фурсатни ўтказмай, Оливерни бу касб-корнинг жамики сиру асроридан воқиф этишга аҳд қилдилар, токи у хизматига зарурат туғилди, дегунча хўжаси билан биргаликда йўлга тушишга шай бўлиб турсин.

Бундай воқеа куттириб қўймади. Эртасига эрталаб, нонуштадан сўнг ярим соатча фурсат ўтгач, дўконга мистер Бамбл кириб келди, асосини пештахтага суяб қўйиб, каттакон картмонини чиқарди-да, ичидан бир парча қоғоз олиб, мистер Сауерберига узатди.

— Ҳ-ҳў! — деди тобутсоз қоғозга кўз ташларкан, чиройи очилиб. — Тобутга буюртмами?

— Олдинига тобут ясайсиз, кейин қавмда дафн маросими бўлади, — жавоб берди мистер Бамбл худди ўзига ўхшаган тикмачоқдай картмонининг тасмачасини маҳкамроқ тортаётиб.

— Бейтонми? — деди тобутсоз кўзини қоғоздан узиб, мистер Бамблга қадар экан. — Бунақанги исми сира эшитмагандим.

Бамбл бошини сарак-сарак қилган кўйи жавоб қилди:

— Қайсар халқ экан, мистер Сауербери, ўлардай қайсар. Бунинг устига десангиз, такаббур ҳам деб чўчиб турибман.

— Такаббур дедингизми? — хитоб қилди тобутсоз тиржайиб. — Буниси энди ортиқча-ку.

— Эҳ, қанчалик жирканчли-я! — жавоб қилди бидл. — Бу беодоблик, бетавфиқлик, мистер Сауербери.

— Айни ҳақ гап, — унинг гапига қўшилди тобутсоз.

— Бу оила тўғрисида ўтган кунни кечқурунгина эшитдик, — сўзини давом эттирди бидл, — башарти ўша уйда турадиган аёл қавм шўъбасига мурожаат этиб, беморнинг аҳволи оғирлигини айтиб, қавм ҳақимини юборишларини илтимос қилмаганида ҳеч нимани билмас ҳам эканмиз. Бу пайтда ҳақим ўзи таклиф қилинган тушлик зиёфатга кетган экан, шунда унинг шогирди (жуда фаросатли йигитча-да) дарров бўшаган эдик мойи қутисига аллақандай доридан солибди-ю, уларга бериб юборибди.

— Тезкорлигини қаранг, қонил-э! — деди тобутсоз.

— Балли, худди шундоқ! — такрорлади бидл. — Лекинига оқибати қандай булгани, уша нонкўр исёнкор шаккоқлар ўзларини қандай тутишганини айтмайсизми! Эри одам юбориб, бу дори унинг хотини чалинган дардга даво булмаслигини ва демакки, хотини буни нчмаслигини айттирибди. У буни ичмайди, дебди-я, сэр! Бор-йўғи бир ҳафтагина муқаддам икки ирланд ишчи билан кумир ташийдиган ҳаммолга жудаям қор қилган уткир, фойдали, ажойиб дорини-я... Уша дорини текинга, буш мой қутисиди икки қуллаб бериб юборишса-ю, у булса, буни хотиним ичмайди, деб ноз қилса-я, сэр!

Ушбу нонкўрона қилмишнинг даҳшатли моҳиятини бутунича идрок этаркан, мистер Бамбл ҳассаси билан пештахтани тарақлатиб урди ва газабидан қизариб кетди.

— У! — деди тобутсоз. — Хаёлимга икки дунёдаям...

— Ҳа-ҳа, икки дунёдаям, сэр, — хитоб қилди бидл. — Ҳеч қачон ҳеч кимни хаёлига келмасди, деяверинг! Лекин, мана энди булса, улганидан кейин уни биз дафн этишимиз керак! Мана, қорозда тураржойи курсатилган, қанчалик тезроқ бажарилса, шунчалик яхши.

Шундай дея мистер Бамбл ҳаяжон хуружи заптида уч қирра қалпоғини тескари кийди-ю, дукондан шитоб-ла чиқиб кетди.

— Эҳ, Оливер, жаҳли чиқиб, жони ҳиқилдоғига келиб турганидан ҳатто сен туғрингда сураб-суриштиришни ҳам унутиб қуйди, — деди мистер Сауер бери бидлнинг ортидан тикилган куйи.

— Шундай, сэр, — жавоб қайтарди суҳбат давомида бидлнинг кузига куринмасликка ҳаракат қилган Оливер, зотан мистер Бамблнинг овозини эслаганининг узидаёқ унинг аъзойи бадани титрай бошларди.

Дарвоқе, у мистер Бамблнинг кузига чалинмасликка беҳуда уринарди, негаки оқ нимчали жентльменнинг каромати ниҳоятда қаттиқ таъсир этган бу мансабдор шахс эндиликда, яъни тобутсоз Оливерни синаш учун шогирдликка олган экан, токи шартнома бўйича болакай етти йиллик муддатга узил-кесил устози ихтиёрига бериб қуйилмагунича унинг туғрисида гап очишдан тийилиб, бундан узоқроқ юрган маъқулроқ, ана ундан кейин эса, қонуний тарзда, бир умрга болакайнинг қавм қарамогига қайтиш хавфи қолмайди, деб уйларди.

— Жуда соз! — деб қуйди мистер Сауер бери дуляпасини олаётиб. — Бу иш қанчалик тез тугаса, шунчалик яхши... Ноэ, дуконга куз-қулоқ бўлиб тур... Оливер, қалпоғингни кийиб, орқамдан юр.

Оливер итоат этиб, уз вазифасини адо этгани йулга тушган хужасига эргашди.

Олдинига улар шаҳарнинг энг гавжум ҳамда аҳолиси зич даҳаларини оралаб боришди, кейин ҳозиргина утиб келган кучаларидан чандон бора ифлос ва ҳароб тор кўчага бурилиб тухташди-да, бу ёққа келишдан муродлари булмиш уйни излаб аланглай бошлашди. Кучанинг икки бетидаги уйлар катта-катта ва баланд, бироқ ниҳоятда кўҳна бўлиб, уларда қашшоқлар туришарди: уйларнинг ифлос дарвозахоналари бундан етарлича шохидлик бериб турарди, қулларини куксиди чалиштирганча ёхуд нақ икки букилгудек эгилиб, писибгина кучадан утиб бораётган бир неча эркак ва аёлларнинг қонсиз, сўлгин юзларини курганда бу хулосани тасдиқлаш учун узга исботу далилларга ҳожат қолмасди. Биноларда бир вақтлар дуконлар булган, лекин улар ҳозир тақа-тақ ёпиб, михлаб ташланган, аста-секин бузилиб-емирилиб бораётганди, фақат иккинчи қаватлардагина одам турар эди. Вақт утиши ва қаровсизликдан харобаси чиққан баъзи уйларнинг деворига қулаб тушмасин, деб бир учи тош куча четига кўмилган йўғон-йўғон харилар тираб қуйилибди. Афтидан, ҳатто ана шу хароба уйлар ҳам бошпанасиз қашшоқларга тунги ётоқ хизматини утарди, зотан эшик ҳамда деразаларга қоқилган рандаланмаган тахталардан у ер-бу ердагиси одам кирса буладиган қилиб қўпориб ташланган эди. Йул чеккасидаги ариқлардаги сув ифлос ва бижғиб кетганди. Ҳатто ана шу ахлат ичида ётган каламушлар ҳам ҳассага таянғудек эди.

Оливер ўз хужаси билан тухтаган очиқ эшикнинг на қунгироғию, на болғачаси бор эди. Тобутсоз Оливерга: «Кейинда қолма, қуркма», дея далда бер

ганича, пайнаслана-пайнаслана, эҳтиёткорлик билан зимистон йулакдан иккинчи қаватга кутарилди. Зина майдончасига қараган эшикка рупара бўлиб, уни бар моқларининг кўзи билан тикиллатди.

Эшикни ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги қизча очди. Тобутсоз ичкарига кузи тушар-тушмас, худди шу ерга юборилганини фаҳмлади. У ичкари кирди, кетидан Оливер остона ҳатлади.

Учоқда ўт йўқ эди, лекин бир одам букчайиб, одатича совуқ учоқ олдида утирарди. Унинг ёнгинасида, пастак курсини ут ёқилмаган печь-учоққа яқинроқ суриб, бир кампир утирибди. Нариги бурчақда жулдурвоқи болалар уйма-лашишяпти, эшикнинг рўпарасидаги кичкинагина таҳмонда устига эски курпа ташланган бир нима ётибди. Оливер уша ёққа куз ташларкан, титраб кетди-ю, беихтиёр хужасининг пинжига қисинди; гарчи уша нарсанинг усти ёпиб қўйилган булса-да, бунинг мурда эканига ақли етганди.

Эркакнинг эти устихонига ёпишган, туси заъфарондай эди: соч-соқоли оппоқ, кузларига қон қуйилган. Кампирнинг афти ажин туридан буришиб-тиришиб кетган; омон қолган икки тиши пастки лабини туртиб чиқиб, сулжайиб турибди, уткир кузлари булса йилтиллади. Оливернинг на кампирга, на эркакка қарашга юраги дов берарди. Ҳар иккаласи ҳам у кўчада қурган қаламушларга ухшарди кетарди.

— Ҳеч кимни йўлатмайман унга! — дарғазаб букирди эркак уридан сапчиб туриб, тобутсоз томон юра бошлаганда. — Яқинлашманг! Минг лаънат ҳам маларингга, агар жонингиз азиз бўлса яқинлаша курманг!

— Бемаъни гап, биродар! — деди минг бир хил ғам-қайғуни куравериш эти қотиб кетган тобутсоз. — Сафсата!

— Менга қаранг! — қичкирди эркак муштини тугиб, жазовада ерни депсиб. — Қулоқ солинг! Мен уни ерга кўмдирмайман. У ерда ором олиб ётолмайди: қурт-кумурсқалар халал беради унга... Улар танасини мижиб-кемиролмайдилар, шунчалик қуруқ чўп бўлиб қолган.

Бу телбаларча алжирашларга тобутсоз оғиз очиб жавоб қилмади; чўнтагидан улчагич газини олиб, марҳума қаршисида чўк тушди.

— Э-воҳ! — эркак нидо солганча, кузларидан шашқатор ёш тукиб, мурда-нинг оёқларига ўзини ташлади. — Унинг олдида тиз чўкинглар, ҳаммаларинг, сўзларим ёдларингда булсин! Билиб қўйинглар, уни очидан улдиришди! То иситмаси хуруж қилмагунча аҳволи бунчалик оғир эканидан беҳабар эдим. Суяклари саналиб қолганини ана шундан кейингина билдим. На учоқда милт этган ути, на йилт этган шами борийди. У зулматда жон берди — зулматда! У ҳатто болаларининг дийдорини курулмади, уларнинг отини атаб қакирганини уз қулогимиз билан эшитиб турдиг-а, ҳа, болалари юзини курулмай улди. Уни деб мен тиланчилик қилдим, мени булса авахтага тикишди. Қайтиб келганимда жони узилиб бўлган экан, кўриб қутим учди, юрагим зардобга тулди, негаки уни очдан ўлдирган эдилар. Буни кўриб-билиб турган тангри номини шафқелтириб олт ичаман — уни очликдан хароб қилдилар.

У сочларини юлганча дод солиб, ерда думалай кетди; кузлари бир нуқтада қотиб, лабларида кўпич куринди.

Утакаси ёрилган болалар чуввос йиғига тушдилар, бироқ шу пайтгача атрофида нималар бўлаётганини гўёки эшитмаётгандек сас-садосиз утирган кампир пўписа билан уларнинг овозини ўчирди. У ҳануз ерда чўзилиб ётган эркакнинг галстугини ечиб қўйди-да, галдираган кўйи тобутсозга яқинлашди.

— Бу қизим бўлади, — деди кампир тентагона бир қиёфада куз қисиб, боши билан марҳума томонга ишора қилиб, унинг бу имо-ишораси ҳозир бўлганларга мурданинг башарасидан кўра даҳшатлироқ таъсир қилди. — Эй ҳудойим, эй яратган эгам! Қандай қаромат бу! Буни мен тукқанман, ушанди ёшгина жувон эдим, мана ҳозир ҳам шодон ва соппа-согман, у булса муздек тош қотиб ётибди! Эй худойим, худойим, карамингни куриб ёкангни ушлайсан: худди томоша, ҳа, нақ томошанинг ўзгинаси-я!

Ушбу аянчли хилқат токи этни жунжитгудек шодонликка берилиб, ям даниб, мингирлаб ҳиринглар экан, тобутсоз ишини битириб, эшикка қараб юрди.

— Шошманг! — деди кампир ҳирқираб. — Қачон кўмишади уни — эртагами, индингами ёки бугун кечқурунми? Уни кўмишга тайёрлаб, ўзим ювиб-тараб, ўзим кийинтирдим, билсангиз, тобут ортида ҳам ўзим боришим керак. Менга каттароқ ёпинчиқ бериб юборинг — қалин, иссиқроқ бўлсин, ҳаво савил ҳам изиллатиб турибди. Йўлга тушишдан олдин бўлса сомса еб, мусаллас ҳам ичишимиз керак-ку! Ҳаҳ майли! Нон бериб юборинг — кўмач билан кўзада сув... Жон болам, нон юборасизми? — сабрсизлик билан сўради кампир тобутсоз яна эшикка қараб юра бошлаганида унинг пальтосини чангаллаб.

— Хўп, хўп, — деди тобутсоз. — Албатта. Ниманики истасангиз, ҳаммаси муҳайё бўлади-да!

У юлқиниб кампирнинг чангалидан халос бўлди-ю, Оливерни етаклаганича шоша-пиша чиқиб кетди.

Эртаси куни (бу борада марҳуманинг оиласига ёрдам кўрсатилган, мистер Вамбл икки фунт нон билан бир бўлак пишлоқни ўз қўли билан элтиб берганди). Оливер хўжаси билан ғарибона бошпанага кириб келганида тобутни кўтариб бориш учун меҳнат уйидан тўрт кишини бошлаб келган мистер Вамбл шу ерда экан. Кампир билан кечаги эркак чувринди кийимлари устидан илвираб турган ёпинчиқларни ташлаб олишди, кейин, устига ҳеч қандай мато сирилмаган тобутнинг қопқоғини михлашлари биланоқ тобуткашлар тобутни елкаларига олдилару кўчага олиб чиқдилар.

— Ана энди илдамроқ қадам ташланг, хоним афанди, — дея кампирнинг қулоғига шивирлади мистер Сауербери. — Кечикапмиз, кашишни куттириб қўйиш яхшиямас. Қани олга, йигитлар, тезроқ кимирланглар!

Ана шундай буйруқдан сўнг тобут кўтарганлар еп-енгил юкни липиллатганча йўргалай кетишди, марҳумани кузатувчи икки азадор эса кучлари бори-ча улардан ортада қолиб кетмасликка уринишарди. Мистер Вамбл билан Сауербери олдинда шахдам одимлар, оёғи хўжасиникидан хийла калта бўлган Оливер эса ён томонда чопкиллаб борар эди.

Дарвоқе, мистер Сауербери тахминининг аксича, шошилишнинг ҳожати йўқ экан, зотан улар қабристоннинг қавм учун ажратилган ташландиқ, қичитки ўт билан қопланган хилхонасига етиб келишганда руҳоний кўринмасди, черков буюмлари сақланадиган омбордаги камин олдида ўтирган клерк<sup>1</sup>, у бирор соатлардан кейин келиши ҳам мумкин, деб айтди. Шу сабабли тобутни қабр қирғоғига қўйишди, иккала азадор эса симиллаб ёғаётган муздек ёмғир остида, ботқоқда тикка турган кўйи сабр-тоқат билан кута бошлашди, қабристонга бўлажак томошани кўргани келган жулдур болакайлар эса шовқин-сурон солиб қабр тошлари орасида бекинмачоқ ўйинини бошлаб юборишди, кейин янгича эрмак топиб, тобут устидан сакрашга тушишди. Мистер Сауербери ва Вамбллар клерк билан камин олдида газета ўқиб ўтиришди.

Ниҳоят, бирор соатлар ўтгач, мистер Вамбл, Сауербери ва клерклар пайдо бўлиб, қабр томонга чолиб келаверишди. Тезда улар кетидан руҳоний кўринди, у йўлакай жуббасини кийиб келарди. Кейин мистер Вамбл одоб сақлашга ундаб икки-уч болакайни калтаклади, руҳоний эса тўрт дақиқа ичида жанозани юмалоқ-ёстиқ қилди-ю, жуббасини клеркка тутқазиб, йўлига равона бўлди.

— Қани, Билл, — деди Сауербери гўрковга, — тупроқни тортаверинг.

Бу унчалик қийин иш эмасди: қабрга талайгина тобут устма-уст қўйилганидан энг тепадаги тобут билан ер юзасининг оралиғи атиги бир неча футгина келарди. Гўрков ҳаш-паш дегунча гўрга тупроқни тортиб бўлиб, устидан тепкилади-да, белкурагини елкасига қўйиб, томоша бирпасда тугаб қолганига ачиниш шовқин сола бошлаган болакайларни эргаштириб жўнаворди.

— Бора қолинг, биродар, — деди Вамбл, марҳумани кузатиб келган эркакнинг кифтига қоқиб. — Ҳозир мозористон дарвозасини беркитиб қўйишади.

Қабр қирғоғига қадам қўйганидан берига қилт этмай қотиб турган эркак сесканиб тушди, бошини кўтариб, ўзига гапираётган кишига қаради, кейин бир неча одим ташлади-ю, беҳуш бўлиб гуппа қулади. Дарди-дунёси ёпинчиқ билан банд бўлган телба кампир (ёпинчиқни эгнидан тобутсоз аллақачон ечиб

<sup>1</sup>Клерк — бирор маҳкама хизматчиси. (Тарж.)

олганди) шу топда эркакка эътибор берадиган ҳолатда эмасди. Шу боисдан ҳам унга кружкада муздек сув сепишди, кўзини очгач эса, эсон-омон қабристондан етаклаб олиб чиқиб қўйишди, сўнгра дарвозани қулфлаб, ҳар тарафга тарқаб кетишди.

— Хўш, Оливер, қалай, бу ишлар ёқдимми сенга? — сўради Сауербери уйга қайтишда.

— Тузук, миннатдорман сиздан, сэр, — жавоб қилди Оливер ботининқирамайроқ. — Унчалик эмас, сэр.

— Вақт-соати билан кўниқиб кетасан, Оливер, — деди Сауербери. — Урғаниб кетганидан кейин парво ҳам қилмай қўясан.

Оливернинг мистер Сауерберидан, ўзингиз то кўниққунингизча кўп вақт ўтганми, деб сўрагиси келиб турганди-ю, бироқ бу саволни бермай қўя қолганим маъқул, деган қарорга келди ва дўконга етгунича жамики кўрган ҳамда эшитган нарсалари тўғрисида мулоҳаза юритиб борди.

## VI боб

### *Ноънинг масхаралашлари жонига теккан Оливер амалий ҳаракатга ўтиб, уни ғоятда ҳайратга солгани*

Бир ойлик синов муддати тугаб, Оливер расман шоғирликка қабул этилди. Бу пайтда йилнинг касалликлар қутурадиган ажойиб палласи эди. Тижорату савдо тилида сўзлайдиган бўлсак, тобутнинг бозори чаққон эди, шу сабабдан Оливер бир неча ҳафта орасида катта тажриба орттирди. Мистер Сауерберининг айёрона режаси у орзу қилганидан кўра хийла ортиқроқ муваффақиятли чиқди. Қизамиқнинг бунчалик қутургани ва гўдаклар ёстигини бунчалик қуритганини қари-қартаглар ҳам эслолмадилар; лентасининг учи тиззасига тушиб турадиган шляпа кийган митти Оливер, шаҳардаги жамики оналар қалбини куйдириб, уларни таърифга сиғмайдиган бир тарзда ҳайратга солиб, ана шу мотам маросимларининг бошида бўлди. Шунингдек, Оливер рисоладагидек бенуқсон, тобутсоз учун нону сувдек зарур бўлган, қандай вазмину босиқ қиёфага кириш ва ўзини қандай тутиш санъатини эгалламоқлик ниятида хўжаси билан бирга катталарнинг дафн маросимида ҳам қатнашиб турарди, шу сабабли у баъзи метин иродали кимсаларнинг жудолик ва ғам-андух синовларига қандайни итоаткорлик ҳамда сабот-матонат билан дош бераётган ҳолларини озмунча кузатмади.

Мана масалан, Сауербери бирорта беҳисоб жиану жианчалари қуршовида бўлган кекса бадавлат хоним ёхуд жентльменнинг дафн маросими учун буюртма олди денг. Бемор дард азобини чекиб ётган бутун касаллик давомида чинакамига қайғурган ва ҳатто бегоналар кўзи олдида ҳам беқиёс ғам чеккан худди ўша хонимлар ўз давралари орасида ўзларини жуда яхши ҳис қилишади, гўёки оромларини бўзадиган ҳеч гап содир бўлмагандек, ўзаро шўх-шодон суҳбат қуришар экан, ўзларини ниҳоятда беғаму бепарво тутишади. Эркаклар ҳам ўз рафиқаларидан жудо бўлишдек ғамга мардона хотиржамлик ила чидайдилар. Ўз навбатида хотинлари эрларига аза тутиб, қора кияр эканлар, ушбу мотам либосида нафақат ғам чекиб, куюнмайдиларгина эмас, балки худди аза либосининг бежириму нафис бўлиши ва ўзларига ярашиши ташвишини қилаётганга ўхшайдилар. Шунингдек, яна дафн маросими пайтида қаттиқ изтироб чеккан хонимлар ва жентльменларнинг уйга қайтишлари биланоқ ўзларига келишларини ҳамда чой ичиш маросими ниҳоясига етмаёқ бутунлай хотиржам тортиб қолишларини ҳам пайқаш мушкул эмасди. Буларнинг барининг шоҳиди бўлиш бағоят кўнгилли ва ибратли эдиким, Оливер ушбу ҳангомаларни зўр завқ-шавқ-ла кузатар эди.

Гарчи камина Оливернинг таржимаи ҳолини битгувчи мирзо бўлсам ҳамки, гўё ўшандай саховатли одамларнинг ибрати уни тақдирга тан беришга ўргатди, дея маълум даражада аппа-аниқ тасдиқлаёлмайман, бироқ шу нарсани узил-кесил айта оламанким, у талайгина ойлар мобайнида Ноэ Клейполнинг мас-харалашларию хўрлашларига итоаткорлик билан тоқат қилиб келди; зотан ўзидек эски шогирд бояги-боягидек шапқасини чаккасига дол қўндириб, тери иштон кийиб юрган бир пайтда янги шогирднинг қора ҳасачаю лентали шлялага эга бўлиши ҳасад уйғотганди унда. Шарлоттнинг Оливер билан муносабати ёмон эди, негаки унга нисбатан Ноэнинг муносабати ёмон эди-да, миссис Саур-бери эса ҳануз унинг ашаддий ғаними бўлиб қолаверган эди, чунки мистер Саурбери бола билан дўстлашишга тайёр эди; қисқаси, бир тарафдан ана шу тўрт кимса, бир тарафдан сон-саноксиз дафи маросимлари орасида қолган Оли-вер ўзини пивопазликда янглишиб дон омборига қамаб қўйилган оч чўчка мисоли ҳузур-ҳаловатда ҳис этмаётган эди чоги.

Ана энди камина Оливер тарихининг энг муҳим лавҳасини таърифлашга ўтадилар, зеро каминанинг олдиларида, гарчанд таги пуч ҳамда аҳамиятсиз кўринса-да, боланинг бутун ишларию истиқболдаги умид-орзуларини тубдан ўзгартиб юборадиган воқеани сўзлаб бермоқ вазифаси турибди.

Кунлардан бир куни Оливер билан Ноэ одатдагидек тушлик пайтида қуй этидан тановул қилгани пастга — ошхонага тушишди, бу энг худо урган, бир ярим фунт келадиган эт парчаси эди. Айни пайтда, Шарлоттни ошхонадан чақириб қолишган эди, оч, жаҳли чиқиб турган Ноэ Клейпол бу қисқагина муддатдан фойдаланиб кичкина Оливер Твистнинг жиғига тегиб, унга азоб бериб ҳузурланишга аҳд қилди.

Ноэ ўзи ўйлаган ана шу жўнгина эрмакни бошлаш хаёлида оёғини дастур-хон ёзиғлиқ столга қўйиб, Оливернинг сочидан тортиди, қулоғини чўзғилади ва унга «ялтоқ, хушомадгўйсан» деди; кейин қачон бўлмасин бир кун келиб уни дорга тортишларини кўриб лаззатланиш истаги борлигини айтди, яна тагин етимхонадан чиққан ўтакетган ёвуз нилт ҳамда бузуқи боладангина кутиш мумкин бўлган аччиқ-тизиқ, қўланса гапларни қаторлаштириб ташлади. Бироқ бу масхаралашларидан биронтаси кутган мўлжалига тегмагач — Оливерни йиғ-лата олмагач — Ноэ янада захарроқ гаплар билан ачитишга уриниб, ўзидан кўра анча-мунча кўпроқ донг таратган пасткаш аскиябозлар бировдан кулишни истаганларида то ҳозирги кунгача қўллаб келадиган усулга ўтди. У шахсиятга тега бошлади.

— Қавм кўппакваччаси, — деди Ноэ, — онангнинг аҳволи қалай?

— У ўлган, — жавоб берди Оливер. — У тўғрисида гапирманг.

Шундай деркан, Оливер қизариб кетди, энтикиб-энтикиб нафас олиб, ла-би ва бурун катаклари ғалати бир тарзда пирпираб уча бошлади, ана шу ало-матлар мистер Клейполнинг фикрича шаксиз хўнграб йиғлаб юборишнинг да-лолати эди. Худди ана шундай ўй таъсуротида бўлган Ноэ яна ишга ки-ришди.

— Нимадан ўлган у, қавм кўппакваччаси? — сўради Ноэ.

— Қари энагаларнинг айтишича, юраги ёрилишидан, — деди Оливер, Ноэ-нинг саволига жавоб қайтаришдан кўра кўпроқ овоз чиқариб ўйлаётган бир қиёфада. — Назаримда, юраги ёрилиб ўлиш қанақа бўлишига ақлим етиб туриб-ди!

— Вой сени қара-ю, қавм кўппакваччаси! — хитоб қилди Ноэ Оливернинг ёноқларидан ёш юмаларкан. — Нима кўзингдан ёш чиқариб юборди?

— Ёш чиқарган сиз эмас, — жавоб берди Оливер, шоша-пиша ёшларини артиб. — Гердаймай кўя қолинг!

— Ҳали шунақами, менмасми? — жиғига тегди Ноэ.

— Шунақа, сиз эмас! — терс жавоб қилди Оливер. — Энди бўлди. Ойим-лар тўғрисида оғзингизни оча кўрманг. Яхшиси бутунлай гапирманг!

— Яхшиси бутунлай гапирмангмиш-а! — дея хайқирди Ноэ. — Ҳали шуна-қами! Яхшиси, бутунлай гапирманг де! Вой қавм кўппакваччаси-ей, жуда сур-бет экансан-ку! Онангми, жуда қойил хотин бўлган экан-да, нимасини айтасан! Е тангрим-а!



Шунда Ноэ маънор қилиб бош ирғаб қуйди-да, миттигина қип-қизил бурнини жийирди.

— Виласанми, қавм кўппакчаси, — Оливернинг индамай туришидан дадил ланиб, масхараомуз, ясама ҳамдардлик оҳангида гапира бошлади, — ҳозир буни тузатиб бўлмаслигини биласанми ўзинг, эй қавм кўппакваччаси, кейин ўша пайтдаям сен ёрдам беролмасдинг бари бир, бундан жудаям хафаман-да. Турган гап, ҳаммамиз, хафамиз, сенга жудаям ачинамиз. Лекин сен, қавм кўппакваччаси, онанг гирт фоҳиша бўлганини билишинг керак-ку, ахир.

— Нима дедингиз? — сесканиб туриб, қайтариб сўради Оливер.

— Гирт фоҳиша бўлган, билдингми, қавм кўппакваччаси, — дея такрорлади Ноэ совуққонлик билан. — Иннайкейин, ҳой қавм кўппакваччаси, ўша пайтда ўлиб кетгани яхши бўлганини биласанми, йўқса Врайдуэл\*да оғир ишни бажаришига ёки океан ортига жўнашига, ё дорда лапанглаб ётишига тўғри келарди, ҳаммасидан аниқроғи — охиргиси бўларди-ёв!

Ғазабдан қизариб-бўзарган Оливер сапчиб туриб, стол билан стулни ағдариб юборди-ю, Ноэнинг бўғзига чанг солиб, уни шундай силкиладикки, аскиябознинг тишлари тараклаб кетди, кейин бор кучини муштирага тўплаб, бир туширишда оёғини осмондан келтирди-қўйди.

Бир сониягина муқаддам мазкур болакай ювош, мўминтой, уриб-сўкишлар эзиб қўйган бир гарибу бечорадай туюларди. Вироқ унинг руҳи-кайфияти ниҳоят жунбишга келди: мархума онаси шаънига айтилган аччиқ ҳақоратлар унинг қонини қиздириб юборди. Кўкси юқори кўтарилди; бутун гавдасини ростлади; кўзлари ёнарди; оёқлари остида гужанак бўлиб ётган қўрқоқ ситамгари тепасида кўзлари ғазаб-ла чақнаб, шу топгача аён бермаган қатъият-ла олишувга чорлаб турар экан, у бутунлай ўзгариб қолганди.

— Мени ўлдириб қўяди бу! — дея бўкирди Ноэ. — Ҳой Шарлотт! Бекажон! Янги шогирд мени ўлдирмоқчи! Ердам беринглар! Ердам беринглар! Оливер жинни бўп қолди! Ҳой Шарлотт!

Ноэнинг фарёдига жавобан Шарлотт дод солди, миссис Сауербери ундан ҳам баландроқ бўкирди; қиз ошхонага биқин эшикдан отилиб кирди, бека бўлса токи настга тушса инсон ҳаётига заррача хавф таҳдид солмаётганига ишонч ҳосил қилмагунича зинада туриб қолди.

— Вой ярамас! — чийиллади Шарлотт, тахминан ўзини яхши тарбият қилган бақувват эркакнинг қувватига тенг келадиган бор кучини тўплаб, Оливерга ёпишганча. — Вой нонкўр жинқарча-ей, қон-н-хўр, жирканч ярамас-эй!

Ҳар бўғину ҳар сўз орасида Шарлотт Оливерга жон-жаҳди-ла мушт туширар, бутун жамоатга ҳузур бахш этиб, ҳар урганида чийиллаб қўярди.

Шарлоттнинг мушти хийла залворли эди, аммо қутуриб кетган Оливерни ювошлантириш учун муштининг ўзи камлик қилмаса эди деган хавфда миссис Сауербери ошхонага отилиб тушди-ю, бир қўли билан Оливерни ушлаб, иккинчиси билан унинг афтини юмдалаганча, Ноэнинг ўзини ўнглаб олишига ёрдамлашди. Ишнинг ўз фойдасига кўчганини кўриб Ноэ ердан турди-да, Оливернинг курагига муштлай кетди.

Вундай ғайрату шижоат кўрсатишда ушбу машгулот кўпга бормасди-ёв. Дарҳақиқат, улар кучдан толиб, дўппослаш ва юмдалашдан чарчаб, ҳадеб бақириб-чақириб юлқинаётган, лекин тирноқча ҳайқмаган Оливерни сургаб бориб, қазноқча қамашди. Бу иш тугагач, миссис Сауербери ўзини креслога ташлади-ю, йиғлаб юборди.

— Вой худойим-а, ўлиб қолади бека! — хитоб қилди Шарлотт. — Ноэ, жонгинам, бир стакан сув беринг! Тезроқ!

— У, Шарлотт! — деди миссис Сауербери ҳаво етишмаётгани, Ноэ боши ва кифтидан муздек сув қуйиб юборганига қарамай дона-дона қилиб гапиришга тиришиб. — У, Шарлотт, бахтимиздан ўргилайки, ҳаммамизни ётган жойимизда бўғизлаб ташламаганини айтинг-а!

— Бўлмасам-чи! Бу — бахтимиз, миссис, — тасдиқлади униси. — Ишонаман-ки, бу хўжайинга сабоқ бўлади, бундан буён тугилганидаёқ пешонасига қотиллигу талончилик битилган бунақанги разил нухаларни ишга олмайдиган бў-



лади. Бечора Ноэ! Мен кириб келганимда, миссис, унинг жони узилай-узилай деб қолган экан-а.

— Шўрлик! — деди миссис Сауербери унга ачиниб қараганча.

Нимчаснинг тепадаги тугмаси тахминан Оливернинг бошига тўғри келадиган Ноэ, токи аёллар ана шундай ҳамдардона гапларни айтар эканлар, кафтлари билан кўзларини ишқаганча, аянчли пиқиллаб турди, кўзидан зўрма-зўраки бир неча томчи ёш чикарди.

— Энди нима қилдиг-а! — хитоб этди миссис Сауербери. — Хўжайин уйда эмас, боз устига уйда бирон эркак зоти йўқ, ўн дақиқа ўғар-ўтмас анави ярамас эшикни бузиб чиқади-ку бу ёққа!

Оливернинг ҳозиргина тилга олинган бир парчагина тахтани жон-жаҳди билан тепкилаётгани бамисоли бу тахминнинг ниҳоят даражада ростга айланишининг далолатидай туюларди.

— Вой худойим-эй! — деди Шарлотт. — Нима қилишнинг билмай қолдим, миссис... Полицияга одам юборсакмикан-а?

— Еки аскарларга! — дея таклиф қилди мистер Клейпол.

— Йўқ! — деди миссис Сауербери Оливернинг эски ошнасини эслаб. — Ноэ, мистер Бамблнинг ҳузурига югуринг, унга айтингки, бирон дақиқаям кечикмай бу ерга дарров етиб келсин! Шапкангизни қидириб вақтни кетказманг! Тезроқ! Чопиб кета туриб, кўкарган қовоғингизга пичоқни юзини босиб борсангиз бўлади. Шиши қайтади.

Ноэ жавоб қайтариб фурсатни ўтказиб ўтирмади-ю, оёгини қўлига олганча югура кетди. Кўчадаги оломон орасидан ўзига йўл очиб, бош яланг, буклама пичоғини қовоғига бостириб ушлаганча чопиб бораётган ғарибхона боласини кўрган йўловчиларнинг қанчалик таажжубланганларини асти қўяверасиз.

## VII боб

*Оливер исёнкорлигини давом эттиргани ҳақида*

Ноэ Клейпол ўпкасини қўлтиқлаганча кўчама-кўча елиб бораркан, то меҳнат уйи дарвозасига етгунича нафасини ростлаб олгани ақалли бирор марта ҳам тўхтамади, Шу ерга етиб келганида қиёфасига ниҳоятда ўтақаси ёрилаётган ҳамда аянчли-аламнок, йиғлаган тус бериш ниятида бир нафасгагина ҳаяллаб турди-да, кейин эшикни жон-жаҳди-ла тарақлатиб, қашшоқ чолга кўндаланг бўлди; унинг афти шунчалар ҳазину аянчли эдики, бунга кўзи тушганда ҳатто эшикни очган, дориламон замонлардан бери фақат аламли қиёфаларнигина кўриб кўзи ўрганиб қолган чол ҳам ҳайратда орқасига тисарилди.

— Болакай, нима бўлди ўзи? — сўради қашшоқ чол.

— Мистер Бамбл керак! Мистер Бамбл! — дея ясама аламзадалик ва тушқунлик яққол сезилиб турган ташвишли оҳангда қичқирди Ноэ, унинг овози тасодифан яқин орада бўлган мистер Бамблнинг қулоғига етиб бордигина эмас, шунингдек, уни саросимага солиб қўйди-ю, уч қирра шляпасини киймаёқ ҳовлига югуриб чиқди — ғоятда ажабтовур ҳамда шоён диққатга сазовор ҳол: бу ногаҳоний ва кучли ҳаяжон хуружи таъсирида ҳатто бидлар ҳам вақтинчаликка ўзини йўқотиб, ўз шаън-обруйини унутиб қўйишининг шаҳодати эди.

— У мистер Бамбл, ў сэр! — қичқирди Ноэ. — Оливер, сэр... Оливер...

— Нима? Нима бўлди? — унинг гапини бўлди мистер Бамбл, кўзлари қувончдан чақнаб. — Наҳотки қочиб кетган бўлса? Наҳотки қочиб кетди у, Ноэ?

— Йўқ, сэр! Қочиб кетгани йўқ, сэр! Евуз экан у! У мени ўлдирмоқчи бўлди, сэр, кейин-чи, Шарлоттни ўлдирмоқчи бўлди, кейин бекани. Шундоқ азоб берди, шундоқ қийнадики, қўяверасиз, сэр!

Шундай дея Ноэ Оливер Твистнинг ваҳшиёна ва қонхўрларча тажовузи бутун ичак-човоғини эзиб юбориб, чидаб бўлмас даражада азоб бераётганини мистер Бамбл кўриб қўйсин деган ўйда бамисоли илонбалиқдек эгилиб-букилиб жилпанглай бошлади.

Ўзи келтирган хабарнинг мистер Бамблни батамом дол қилиб қўйганини кўргач, у ўзига етказилган даҳшатли жароҳатлар азобидан илгаригисига қараганда ўн баробар баландроқ овоз билан додлаб, бу таассуротни янада кучай-

тиришга уринди. Ҳовлидан ўтиб бораётган оқ нимчали жентльменга кўзи тушганда эса нола-фигони бешбаттар фожиона тус олди, зеро у ушбу жентльменнинг диққат-эътиборини тортиб, қаҳру қазабини қўзғатиш бағоят мақсадга мувофиқ келишини тўғри чамалаган эди.

Уқ мўлжалга тегиб, жентльменнинг диққати ўша заҳотиёқ жалб этилди. У уч қадам босмаёқ дарғазаб бурилди-ю, бу ярамас бола нимага бўкиряпти-ю, нимага мистер Бамбл бўкирик деб аталмиш ушбу овозга барҳам бериб, бирон-бир сийлов билан унини ўчириб қўя қолмаётганини сўради.

— Бу бечора болакай етимхона мактабидан, сэр, — жавоб қилди мистер Бамбл. — Уни анави бола, Твист, сал бўлмаса ўлдириб қўяёзибди — деярли ўлдириб қўяёзибди.

— Жин урсин! — ҳитоб қилди нимчали жентльмен таққа тўхтаб. — Ўзим ҳам билган эдим-а! Бу сурбет жинқарчанинг умри сиртмоқда тугайди деб аввал бошдаёқ кўнглим сезги берганди-я!

— Иннайкейин, сэр, у оқсоч қизиям ўлдирмоқчи бўпти, — деди туси тупроқдай бўзариб кетган мистер Бамбл.

— Бекасиниям, — гап қистирди мистер Клейпол.

— Кейин, назаримда, хўжайинниям дедингиз шекилли, Ноэ? — қўшиб қўйди мистер Бамбл.

— Йўқ, хўжайин уйда эмас, йўқса уни ўлдирарди, — жавоб берди Ноэ. — У, ўлдираман, деди.

— Нима? Уни ўлдираман дедими ҳали? — сўради оқ нимчали жентльмен.

— Ҳа, сэр! — жавоб берди Ноэ. — Афв этасизу сэр, бека шу нарсани билмоқчи эдилар, мистер Бамблнинг ҳозир бизникига бориб, уни таъзирини бериб қўйишга фурсатлари бўлармикан, нега деганингизда, хўжайин уйда йўғийдилар.

— Албатта, албатта, — деди оқ нимчали жентльмен муруват-ла жилмайган кўйи ва ўзидан тўрт энликча баланд Ноэнинг бошини силаб. — Сен ажойиб бола экансан, жудаям ажойиб. Мана сенга бир пенни... Бамбл, ҳассангизни олиб, Сауербериникига боринг-да, нима қилиш лозим эканини ўша ерда аниқланг. Уни сираям аяманг, Бамбл.

— Сираям аямайман, сэр, — жавоб қилди Бамбл ҳассаси учига савалаш учун ўралган мумли илни тўғрилаб-тузатиб қўяр экан.

— Сауерберига ҳам айтинг, унга шафқат қилиб ўтирмасин. Моматалоқ қилиб, у ёқ-бу ёғини ёриб-шилмаса одам чиқмайди ундан, — деди оқ нимчали жентльмен.

— Буни гамини еманг, сэр, — жавоб берди бидл.

Шундай қилиб, уч қирра шляпа билан ҳасса тартибга келтирилгач, мистер Бамбл Ноэ Клейпол рафоқатида тобутсознинг дўкони сари шошилди.

Бу ерда аҳвол-шароит заррача яхшиланмаган, бояги-боягисидек эди. Сауербери ҳали қайтмаган, Оливер бўлса ҳануз худди илгаригидек жон-жаҳди-ла ертўла эшигини дўмбира қилиб тепкилаб ётган эди. Мистер Сауербери билан Шарлоттларнинг сўзларига қараганда унинг қазаби шунчалик даҳшатли тус олгандики, шу боис мистер Бамбл олдинига музокара бошлаш, ундан кейингина эшикни очишни оқилона тадбир ҳисоблади. Ана шу мақсадда бидл муқаддима сифатида эшикни бир тепди, кейин эса оғзини қулф тешигига қўйиб, паст ва салобатли товуш билан:

— Оливер! — деди

— Чиқариб юборинг мени! — жавоб қилди Оливер ертўладан.

— Овозимни танияпсанми, Оливер? — сўради мистер Бамбл.

— Ҳа, — жавоб берди Оливер.

— Шундаям қўрқмаяпсанми? Мен гапирганимда титраб-қалтираб кетмаяпсанми? — сўради мистер Бамбл.

— Йўқ! — жавоб берди Оливер гап тортмай.

Ўзи кутгани ва эшитиб ўрганиб қолганига асло ўхшамайдиган бу жавоб мистер Бамблни ҳазилакамига довдиратиб қўймади. У қулф тешигидан тисарилди, қаддини ғоздай ростлади-да, ҳайрат-ла сассиз-садосиз ҳозир бўлганларга бирма-бир тикилди.

— Эҳ, мистер Бамбл, у эсидан айрилиб қолганга ўхшайди, — деди миссис

Сауербери. — Бирорта ақли бор бола, ақли ярим бўлган тақдирдаям, сиз билан бундай гаплашишга журъат этолмасди.

— Бу ақлдан озиш эмас, миссис, — жавоб қилди мистер Бамбл бирпаслик чуқур муложазадан сўнг. — Бу этнинг иши.

— Нима дедингиз? — дея хитоб қилди миссис Сауербери.

— Эт, миссис, эт деяпман! — такрорлади Бамбл қатъий ва маънодор қилиб. — Сиз уни бўккундай қилиб боққансиз, миссис. Уз тоифасидаги одамга номуносиб бўлган ғайритабиий руҳу ғайриоддий кайфият уйғотгансиз унда. Қавм кенгаши аъзолари ҳам худди шу гапни айтишади сизга, миссис Сауербери, улар амалиётчи файласуфлар-ку, ахир. Қалб, руҳ ёки кайфиятни қашшоқларга нима кераги бор? Таналарини қолдирганимизга ҳам шукр қилаверишин. Башарти, сиз, миссис, болани бўтқа ёхуд ёвгон билан боққанингизда бундай аҳвол ҳеч қачон содир бўлмасди.

— Вой худойим-а! — оҳ урди миссис Сауербери кўзларини тақводорона қиёфада шифтга тикиб. — Мана сахийликнинг касофати!

Миссис Сауерберининг Оливерга кўрсатган саховати — бошқа ҳеч ким оғзинга ҳам олмайдиган саркитларни сира қизганмай бераётгани эди. Бинобарин, мистер Бамбл қўяётган шунчалар оғир айбларни ихтиёрий равишда ўз бўйнига олишга розилигини изҳор этар экан, у озмунча итовткорлик ҳамда фидокорлик кўрсатмаётган эди. Адолат юзасидан шу нарсани таъкидламоқ даркорким, сахийлик бобида у на сўзи, на иши, на ўй-фикри билан айбдор эди.

— Эҳ! — деди мистер Бамбл хоним кўкка тикилган кўзларини яна пастга туширганда. — Ҳозир қўллаш мумкин бўлган бирдан-бир чора — бу, уни бир оз оч қолсин учун бир-икки кун ертўлада сақлаш, ана шундан кейин бу ёққа чиқариб, токи шогирдлик муддати тугагунича фақат ёвгон билан боқиш. У бе-маъни оиладан. Табиатан салга қизишадиган ҳилидаи, миссис Сауербери. Энаганинг ҳам, табибнинг ҳам айтишларича, онаси ҳар қандай тагли-тугли аёлни аллақачоноқ гўрга тикадиган тўсиғу азоб-уқубатларга қарамасдан бу ерга суд-ралиб етиб келган.

Мистер Бамблнинг нутқи шу ерга етганида яна ўз онаси хусусида гапираётганларини англашга кифоя қилувчи сўзларни илғай олган Оливер тагин жазавага тушиб, эшикни гурсиллатиб тепкилай бошладики, бу шовқин жамики бошқа овозларни босиб кетди.

Айни ана шу аҳвол танг паллада Сауербери қайтиб қолди. Ҳар иккала хоним ўз фикрларича хўжайиннинг газабини ниҳоятда аланглатиб юборадиган лофу муболагаларни қўшиб-чатиб, Оливернинг қилган жиноятини етказганларида, у ўша замонок ертўланинг эшигини очди-ю, ўзининг ғалаён кўтарган шогирдини ёқасидан тутганча сургаб чиқди.

Оливернинг уст-боши муштлаб-юмдаланган пайтларида тилка-пора бўлганди; бети кўкарган, шилинган-тирналган; патила-патила сочи пешонасига тушиб турарди. Аммо афти илгаригидек газабдан чўғдай ёниб турарди, ертўладан сургаб чиққанларида у Ноэга еб юборгудай ўқрайди, чамаси заррача қўрқмаган кўринарди.

— Баракалла, қойил йигит экансан! — деб қўйди Сауербери Оливерни сил-килаб, тарсаки билан сийларкан.

— У онамни сўқди. — жавоб берди Оливер.

— Сўккан бўлса осмон узилиб ерга тушибдими, кўрнамак, ярамас махлуқ? — бобиллади миссис Сауербери. — Ўша онанг бу нима деган бўлса, шунга муносиб, ҳатто буям камлик қилади.

— Йўқ, муносибмас бунга, — деди Оливер.

— Ҳа, баҳоси шу уни, — деди миссис Сауербери.

— Елғон бу! — қичқирди Оливер. — Елғон!

Миссис Сауерберининг кўзларидан дувва ёш юмалади.

Ана шу кўз ёшлар сели мистер Сауерберини ҳақни ноҳақдан ажратиш имкониятидан маҳрум этди. Мабодо у Оливерни оилавий низолар пайтидаги таомилнинг барча жиҳатларига мувофиқ қаттиқ жазолаш хусусида лоақал бир дақиқагина иккиланиб қолганида борми, бундай можароларни кўравериш кўзи пишиб кетган китобхон унинг шубҳасиз таъна-дашиномлар ёмғири остида

қолиши, эркаклик шаънипи таққирловчи ҳайвон, махлуқ ва шу каби талай ҳақоратомуз лақаблар қалаштириб ташланиши, қалаштириб ташланганда ҳам барини мазкур бобда сиғдириб бўлмайдими қолиши тайин эканини тушунади. Тан бермоқ керак: хонадон бошлиғи сифатида унинг болага шафқат қилишга мойиллиги йўқ эмасди, эҳтимол бу ўз манфаатига жавоб бергани учундир, эҳтимолки хотини Оливерни ёмон кўриши сабабдир. Бироқ хотинини унинг шашқатор кўзи ёши уни ночор аҳволга солиб қўйдию, оқибатда у Оливерни шундай дўшосладик ҳатто миссис Сауербернинг ҳам кўнгли жойига тушди, мистер Бамблга эса ҳассасини ишга солишининг ўрни ҳам, ҳожати ҳам қолмади. То қош қорайгунича Оливер насос ҳамхоналигида бир бурдагина нонга қаноат қилиб қазноқда қамалиб ўтирди, оқшом қўнғач, миссис Сауербери эшик орқасида туриб, онаси шаънига мутлақо ёпишмайдиган қатор ношоён гапларни айтди, сўнгра — бу вақт ичида Ноэ билан Шарлотт унинг устидан кулиб, масхаралашни қўймадилар — юқорига, фақирона тўшаги жойлашган ерга чиқишни буюрди.

Оливер тобутсознинг сув қуйгандай жимжит ва осуда зимистонлик чулғаган дўқонида танҳо қолгачгина бундай машъум кундан сўнг, ҳатто мурғак гўдакнинг қалбида ҳам уйғониши мумкин бўлган ҳис-туйғуларга эрк берди. У аччиқ танбеҳу койишларни нафрат-ла эшитди, у қамчи зарбаларига гиринг демай чидади, зотан унинг қалби ҳатто танини ўтда қовурганлари тақдирда ҳам сўнги нафасигача миқ этмасликка мажбур қилувчи гурурга тўлганди. Лекин мана энди, уни ҳеч ким кўрмаётган ва эшитмаётган пайтда Оливер тиз чўқди-ю, кўз ёшига эрк берди, бунчалик ёш тўкиш учун у тенги гўдаклардан камдан-камида (бахтимизга ҳаллоқи олам биз осий бандаларига инъом этадиган) асос-сабаблари бордир.

Оливер шу ҳолатда узоқ туриб қолди. У ўрнидан турганида шам деярли шамдонга тақалгунча ёниб битаёзган эди. У эҳтиёткорлик билан атрофга аланглаб, ҳушёрлик-ла кулоқ солганча, астагина эшикни очиб кўчага мўралади.

Аёзли, зим-зиё тун эди. Боланинг наздида осмондаги юлдузлар одатдагидан баландроқ туюлди; тиқ этган шамол йўқ, шу боис дарахтларнинг ерга тушиб турган қоп-қора кўлагаси аниқ-тиниқ ҳамда жонсиз кўринар — зотан улар қилт этмасди. У эшикни секингина ёпди. Ёниб битаёзган шамнинг ширава ёруғида унча-мунча кийимини рўмолчага тугди-да, харракка ўтириб, тонг отишини кута бошлади.

Илк қуёш нурлари даричаларнинг ёриқ-тирқишларидан ичкарига мўралай бошлаши биланоқ Оливер ўрнидан туриб, яна эшик лўқидонини сурди. Тенаракка чўчибгина кўз югуртириб, бир нафасгина иккиланиб тургач, эшикни беркитди-ю, ўзини кўчада кўрди.

У қаёққа қараб югуришини билмай аввал ўнга қаради, сўнг сўлга. Шунда одатда шаҳардан чиқиб кетаётган араваларнинг аста тепаликка кўтарила бориши эсига тушиб қолди. Бола ана шу йўлни танлади, далани кесиб ўтиб, нарироқда тагин катта йўлга туташадиган сўқмоққа етгач, ўшанга бурилди-ю, жадал илгарилар кетди.

Фермадан меҳнат уйига етаклаб келаётганида мистер Бамблнинг ёнида йўргалаганча худди ана шу сўқмоқдан югургилаб боргани Оливернинг яхши эсида. Бу сўқмоқ нақ ўша боғ ҳовлининг ёнгинасидан ўтади. Шунини ўйларкан, унинг юраги гурс-гурс тепиб, оз бўлмаса орқасига қайтаёзди. Бироқ у аллақанча йўлни босиб қўйган, орқасига қайтса анча фурсатни бой берарди. Бунинг устига ҳали жуда барвақт, ўзини кўриб қолишларидан хавотирлинишига асос ҳам йўқ эди. Хулласи калом, у олға одимлайверди.

Мана, боғ ҳовли ёнига етди. Афтидан, бундай барвақт паллада у ерда истиқомат қилувчиларнинг бари ҳали уйқуда эди чоғи. Оливер тўхтаб, боққа қаради. Бир болакай жўякда ўтоқ қилаётибди; Оливер тўхтаганида у заъфарондай юзчасини кўтарди — бу унинг илгариги ўртоқларидан бири экан. Оливер уни бу ердан жўнаб кетар олдида кўрганга суюнди: бола ундан кичикроқ эди, лекин Оливер у билан иноқ яшар ва кўпинча бирга ўйнашарди. Неча-неча марталаб икковларини қўшалоқ қилиб уришган, оч қўйишган, бирга қамаб қўйишган эди.

— Секинроқ, Дик! — деди Оливер бола чопганча эшик олдида келиб, у билан

кўришгани кергилар орасидан қилтириқ қўлчасини узатаркан. — Ҳали ҳеч ким тургани йўқми?

— Мендан бошқа ҳеч ким, — жавоб берди бола.

— Дик, мени кўрганингни айтма, — деди Оливер. — Мен қочдим. Мени уриб, хафа қилишди, шунинг-чун бахтимни бу ерлардан узоқроқдан қадирмоқчиман. Лекин қаерданлигини ўзим ҳам билмайман. Намунча рангинг оқариб кетибди-я.

— Доктор мени ўлади деганини ўз қулоғим билан эшитдим, — деди бола хиёлгина жилмайиб. — Сени кўрганимдан хурсандман, энди бор, тезроқ кета қол!

— Йўқ, сен билан хайрлашмоқчиман, — деди Оливер. — Биз ҳали тагин кўришамиз, Дик. Биламан, албатта кўришамиз! Сен соғайиб кетасан, бахтли бўласан ҳали!

— Қанийди, — жавоб берди бола. — Ўлганимдан кейин шундай бўлади. Биламан, Оливер, доктор тўғри айтган, нимага десанг, тез-тез осмон фаришталари, кейин сира-сира кўринмайдиган меҳрибон юзлар тушимга киради. Мени ўп, — деди бола пастак эшикка тирмашиб чиқиб, қўлчалари билан Оливернинг бўйнидан қучоқлаганча. — Хайр, ўртоқжон! Худо ёр бўлсин сенга.

Бу оқ йўл мургак гўдакнинг лабларидан учганди, бироқ Оливер ўзига оқ йўл тилаганларини биринчи бора эшитаётган эди ва у бундан буёнги курашлар, изтироблар, бузғунчи тақдирнинг макр ҳамда бевафоликларини мусибатларга тўлиқ ҳаёти давомида ҳеч қачон унутмайди буни.

## VIII боб

*Оливернинг Лондонга йўл олгани-ю, йўлда ғалати бир ёш жентльменни учратгани*

Оливер сўқмоқнинг бошига етди ва яна катта йўлга чиқди. Соат саккиз эди. Гарчи уни шаҳардан деярли беш миль масофа ажратиб турган бўлса-да, тагин қувиб, етиб олишмасин деган хавотирда девору ғов-тўсиқлар панасида то пешингача чопа-чопа йўл босди. Ниҳоят, у йўл ёқасидаги устун тагида дам олгани ўтирди ва биринчи марта қаёққа бориши ҳамда қаерда яшаши устида бош қотирди.

Ўзи тагида ўтирган устунга йирик-йирик рақаму ҳарфлар билап бу ердан Лондонгача роппа-роса стмиш миль деб ёзиб қўйилганди. Бу ёзув боланинг миясида чеки-чегараси кўринмайдиган фикрлар силсиласини туғдирди. Лондон!.. Улугвор, азим шаҳар!.. Ҳеч зог—ҳатто мистер Бамблнинг ўзи ҳам — ҳеч қачоп тополмайди уни бу шаҳардан! Меҳнат уйидаги кексаларнинг гапларига қараганда бирорта фаросатли йигит Лондонда туриб муҳтож қолмасмиш, иннайкейин, ўша азим шаҳарда пул топишнинг шунақанги йўллари бормишки, чекка ўлкаларда ўсганларнинг хоби-хотирига ҳам келмас эмиш бу. Башарти, бирор кимса ёрдам қўлини чўзмаса, кўча-кўйда кун битиши тайин бўлган бошпанасиз бола учун энг қулай жой эмиш. Миясига шу фикрлар келаркан, у дик этиб турди-ю, яна олға одимлай кетди.

Кўзлаган манзилга етгунича қанча қийинчиликларга бардош бериши кераклигини фаҳмлагунича у билан Лондон орасидаги масофа яна тўрт милдан кўпроққа қисқарди. Шунда қадамини пича секинлатиб, у ёққа қандоқ етиб олиш хусусида ўй сура бошлади. Тугунчасида бир бурда нон теграси, дағал кўйлак билан икки жуфт пайпоқ бор эди. Бундан ташқари, чўнтагида бир пенни — Оливер айниқса ўзини кўрсатган қайсидир мотам маросимидан кейин Сауербери совға қилган чақа ҳам бор эди. «Топ-тоза кўйлак. — ўйлади Оливер, — ажойиб нарса, иннайкейин, икки жуфт ямалган пайпоқ билан бир пенни ҳам; лекин шундай совуқда олтмиш беш миль йўл юрадиган одамга буларнинг нимаям фойдаси тегарди».

Оливер, ақсар одамлар сингари, қийинчиликларга чидасга ва уларни пайқашга фавқулодда тайёрлиги билан ажралиб турадиган тоифадан эди-ю, бироқ уларни енгиб ўтиш учун амалга оширса бўладиган бирорта чорани топишда мутлақо ожизлик қилиб қоларди. Алқисса, у бесамара узоқ мушоҳададан сўнг тугунчасини бошқа елкасига ташлади-ю, йўлпни давом эттирди.

Уша куни Оливер йигирма миль йўл босди, бу вақт орасида қотган нонинг чети билан йўл ёқасидаги ҳовли эшиги олдида туриб сўраб олган сувдан бўлак тишига ҳеч нима тегмади. Қош қорайгандан кейин у ўтлоққа бурилди-да, пичан ғарами ичига кириб, шу ерда тонг оттиришга аҳд қилди. Олдинига дилини қутку босди, чунки яланғоч далалар узра шамол ув тортарди. У совқотар, қорни оч ва ҳеч қачон ўзини бу қадар ёлғиз ҳис этмаган эди. Аммо юравериб ҳолдан тойгани сабабли кўп ўтмай уйкуга кетиб, жамики изтиробларни унутди.

Эрталаб ниҳоятда совқотгани, қорни ўлардай очлигидан беихтиёр ўзи ўтиб бораётган дастлабки қишлоқдаёқ пеннисини кулчага алмаштирди. Яна тун кирганида у ўн икки милдан ортиқ юрмаганди. Товонлари сирқираб, чарчаганидан оёқлари чалишиб кета бошлади. Орадан тагин бир кеча ўтди, бу кечани у совуқ, зах ерада ўтказди-ю, аҳволи янада ёмонлашди; эрталаб йўлга тушганида оёқларини аранг сургаб босарди.

У тик тепалик этагида то усти берк почта араваси етиб келгунича кутиб турди-да, арава сиртида ўтирган йўловчилардан хайр қилишларини тилади, лекин улардан бир-яримларигина эътибор беришди болага, булар ҳам, токи тепа устига чиқиб олгунимизча кута тур, ана ундан кейин кўрамиз, берадиган ярим пеннийимизни тез етиб чиқиб, ололармикинсан-йўқмикин, дейишди. Вечора Оливер аравадан ортда қолмасликка тиришди, бироқ муваффақиятсизликка учради: у ниҳоятда чарчаган ва оёқлари зирқираб оғрирди. Арава сиртида ўтирган йўловчилар унга, бир пақирга арзимайдиган ялқов кучуквачча экансан, дейишиб, ярим пенниликларини ҳам киссаларига солиб қўйишди. Шундай қилиб, арава орқасида фақат чанг булутини қолдирганча тарақа-туруқлаб жадаллай кетди.

Баъзи қишлоқларда ушбу вилоятда тиланчилик қилувчиларни турма кутишидан огоҳлантирувчи сўзлар ёзилган каттакон бўялган тахталар қоқиб қўйилган эди. Ҳар гал шундай ёзувга дуч келганида Оливер жудаям қўрқиб кетар ва бундай жойлардан тезроқ чиқиб кетишга ошиқарди. Бошқа қишлоқларда у меҳмонхона олдида туриб олиб, ўткинчиларга маънос жавдирарди; одатда бу ҳол шу билан тугардиким, меҳмонхона соҳибаси яқинроқда сандироклаб юрган аравақашлардан бирортасига болани ҳайдаб юборишни буюрарди, негаки бека уни бирон нимани ўмариб кетиш ниятида деб ўйлар ва бунга амин эди. Мабодо у фермер остонасига бориб тиланса, ўндан тўққиз ҳолатда итларини гиж-гижлашарди, борди-ю, бирон дўконга тумшугини суққудек бўлса, бидлдан сўз очишар, шунда Оливернинг қўрққанидан оғзи қуруқшаб кетарди, кўпинча эса унинг оғзида сўлакайдан бўлак ҳеч вақо бўлмасди-да, ахир.

Пировард-оқибатда, қоровулхонадаги раҳмдил қоровул билан меҳрибон кекса хоним бўлмаганида Оливернинг уқубатлари, худди онасининг изтироблари сингари, тез орада тугар, бошқача қилиб айтганда, у қиролликнинг катта йўлида таппа ташлаб, дунёдан кўз юмган бўларди. Аммо қоровулхонада турган қоровул нон ва пишлоқ билан қорнини тўйгазди, невараси кема ҳалокатига учраб, аллақайси олис юртда ялангоёқ оворай жаҳон бўлиб юрган кекса хоним эса шўрлешина етимчага раҳми келиб, жиндаккина бўлса-да, қурби етган нарсасини берди; энг муҳими, у болага ширин, меҳрга йўғрилган яхши сўзларни, ҳамдардлик, ҳамрозлик туйғуларини ҳади эдиким, бу нарса Оливернинг калбига шу топгача чеккан азиятларидан кўра чуқурроқ томир отди.

Она шаҳридан чиқиб кетганининг еттинчи куни эрталаб, оёғи оқсаб, имиллаб Барнет шаҳарчасига кириб борди. Дераза қопқоқлари ҳали тақа-тақ берк, кўчалар бўм-бўш эди: кундалик юмушлари билан шуғулланмоқ учун ҳеч кимса уйғонмаган эди ҳали. Қуёш гул-гул яшнаб, чарақлаб жамол кўрсатди, лекин офтоб нури оёқлари қонга, ҳаммаёғи чангга беланиб, қандайдир бир эшикнинг зинасида ўтирган Оливерни бутунлай ёлғиз, кимсасиз ташландиқ эканини янада кучлироқ ҳис этишга мажбур этди, холос.

Бирин-кетин дераза қопқоқлари очилиб, чийпардалар кўтарилиб, кўчаларда йўловчилар кўзга чалина бошлади. Улардан баъзилари бир лаҳзагина тўхтаб, Оливерга қарашар ёхуд ўтиб бораётиб йўлакай қайрилиб қараб қўйишарди; аммо ҳеч қайсилари унга ёрдам қўлини чўзмас, бу ерга қандай келиб қолганини



сўрамас эди. Садақа сўрашга эса унинг журъати етмасди. Хулласи калом, у ҳануз эшик олдида ўтирарди.

У қовоқхоналарнинг кўплигидан ҳайрон қолиб (Барнет шахридаги ҳар икки бинода каттами, кичикми тамаддихона жойлашган эди), олдидан ўтиб турган фойтонларга бепарво тикилиб, ўз ёшига хос бўлмаган жасорат ҳамда қатъият кўрсатиб бир ҳафта вақтини сарфлашга тўғри келган йўлни бир неча соат ичида босиб ўтиш бу аравалар учун ҳеч гап эмаслиги устида хаёл суриб, қунишганча узоқ ўтирди. Кейин қўққисдан бир неча дақиқа муқаддам ёнидан эътибор бермай ўтиб кетган, энди орқасига қайтиб, кўчанинг нариги бетида ўзини диққат билан қузатаётган болага кўзи тушиб қолди. Олдинига бунга эътибор бермади, лекин бола шунчалик узоқ қузатдики, ахийри Оливер бошини кўтарди-да, у ҳам боланинг афтига тикилди. Шунда бола кўчани кесиб ўтиб, Оливерга яқинлашар экан:

— Ҳой болакай! Бошингга нима ташвиш тушди? — деди.

Кичик сайёҳдан савол сўраган бола тахминан тенгқури эди-ю, бироқ Оливер шу пайтгача учратган болалар орасида бу энг ғалатиси эди. Ҳақиқат пучуқбурун, япаски пешона, башарасида ярқ этиб кўзга ташланиб турадиган бирон белгиси йўқ, кир-чир (фақат ёш болаларнинггина шундай аҳволда юришини тасаввур қилиш мумкин) эди-ю, лекинга кеккайиб, ўзини худди катталардай тутарди. Ёшига нисбатан бўйи пақанароқ, қийшиқ оёқ, кўзлари ўткир ҳамда совуқ боқарди. Бошининг учига қўнқайтириб олган шляпаси тушиб кетай-тушиб кетай деб турарди; башарти эгасининг дам-бадам бошини силкиб-силкиб қўядиган одатини айтмаса, шундай бўлиши аниқ эди, зотан у бошини ҳар силкиганида шляпа олдинга яна жойига сурилиб қоларди. Эгнидаги катталарнинг камзули нақ тово-нигача тушиб турарди. Афтидан, қўлини жўжаҳўрозча важоҳат билан чийдухоба чолворининг чўнтагига суқиш ниятида бўлса керак, энгини тирсагигача шимариб олганди, зеро шу топда унинг иккала қўли чўнтагида эди. Умуман олганда, бу — бўйи тахминан тўрт футу олти дюймча келадиган, қўнжи узун ипли ботинка кийган гирт сурбету такобир йигитча эди.

— Ҳей болакай! Нима савдолар тушди бошингга? — деди бу ёш жентльмен Оливерга.

— Жудаям чарчадим, қорним ҳам ўлардай оч, — деди Оливер кўзига ёш олиб. — Узоқдан келдим. Етти кундан бери йўлдаман.

— Етти кундан бери! — хитоб қилди ёш жентльмен. — Тушунарли. Тумшук-войнинг буйруғи биландир-да, шунақами? Э-э, чоғимда, — қўшиб қўйди у Оливернинг ҳайрон бўлганини кўриб, — сен ҳали тумшуквой деганини фаҳмига етмайдиганга ўхшайсан шекилли-а, ошна?

Оливер камтарона жавоб қилиб, унинг билишича, бу сўз паррандаларнинг оғзини билдиришини айтди.

— Вой-бўй, гирт жўжа экан-ку бу! — нидо солди ёш жентльмен. — *Тумшуквой* — бу судья-ку! Қисқаси, тумшуквойнинг буйруғи билан бўлса тўғри сиртмоққа духоб бўлгани кетяпсан, ундан ўлгандаям қутуллолмайсан. Сен чархпалак-ғилдиракни айлантормаганмисан сира?\*

— Қанақанги ғилдиракни? — сўради Оливер.

— Қанақанги дейсанми? Қанақанги бўларди, чархпалак-ғилдирак-да, албатта, ҳалиги, жиндаккина жойни оладиган, ҳатто тош кўзанинг ичида ҳам айланаверадиган ўша чархпалак-ғилдиракни-да. Одамлар қанчалик қийналса, ўшанчалик ишлайди у, нега деганингда, агар одамлар яхши яшайдиган бўлса, унда ишлагани ишчи топилмай қолади... Лекин менга қара, — сўзини давом эттирди ёш жентльмен, — сени қорнингни қаппайтириш керак-ку, бўпти, емиш бўлади. Ҳозир ўзимни ҳам овим чопмайроқ турибди-да — бисотимда атиги битта лўяю ҳақкагина\* бор, кел, бўлганича бўлар, кетса-кетибди-да. Тура қол, қани!.. Иш бундоқ бўпти!.. Қани кетдик!

Ёш жентльмен Оливернинг туришига ёрдамлашиб юборди-да, энг яқин боққоллик дўконига бошлаб бориб, у ердан бир бўлак дудланган чўчка сони билан тўрт фунтлик ноннинг яримтасини ёки ўзининг тилида айтилса «тўрт пенслик кесим»ни сотиб олди; чўчка гўшти айёрона бир устомонлик — ноннинг ичидаги юмшоқ мағзини ўйиб олиб, ўрнига гўштни жойлаш усули шарофати

билан чанг-тўзон босишдан асралган эди. Ёш жентльмен нонни қўлтиқлаб, кичикроқ ошхонага кирди-да, ичкари хонага утди. Сирли йигитчанинг буюртмаси билан кружкада пиво келтиришди, шундан кейин Оливер, янги ошнасининг таклифидан фойдаланиб ўзини овқатга урди-ю, узоқ кавшанди, галати бола бўлса бу орада бутун вужуди диққатга айланиб, кўзини узмай уни кузатиб ўтирди.

— Лондонга кетяпсанми? — сўради галати бола Оливер ниҳоят овқатланиб бўлгач.

— Ҳм.

— Турадиган жойинг борми?

— Йўқ.

— Пулинг-чи?

— Йўқ.

Галати бола ҳуштак чалиб қўйди-да, қўлларини узун енги имкон берганича чўнтақларига чуқурроқ суқди.

— Сиз Лондонда турасизми? — сўради Оливер.

— Ҳл, уйнимизга борган пайтларимда, — жавоб қилди бола. — Бугун кечаси тунагани ўша ердан биронта жой топилса йўқ демасдинг-а, тўғрими?

— Жон-жон дердим, — жавоб қилди Оливер. — Ўз шаҳарчамиздан чиқиб кетганимдан бери ҳали тузукроқ ўринда тунаганим йўқ.

— Шунгаям кўзёши қиларканми, — деди ёш жентльмен. — Мен бугун кеч-қурун Лондонда бўлишим керак, у ерда битта танишим бор, ўзи кекса жентльмен, ўша сенга текинга бошпана беради, ҳеч нима талаб ҳам қилмайди; тўғри, агар сени ўзи биладиган жентльмен бошлаб борса, албатта. Ие, нималар деяпман, у мени танимайди дейсанми? Э йўқ! Мутлақо танимайди! Сираям! Турган гап!

Ёш жентльмен кейинги гапларим ҳазил деган маънода илжайди-да, пивосини симириди.

Бошпана ҳақидаги бу ногаҳоний таклиф шунчалик ўзига ром этадиган таклиф эдики, уни асло рад қилиб бўлмасди. Бунинг устига, у Оливерни ўша чол тез орада сенга албатта тузукроқ жой, иш топиб беради деб ишонтирди. Бу нарса ораларида янада дўстона ҳамда самимий суҳбат бошланишига сабаб бўлди, Оливер ушбу гурунг давомида дўстининг исм-шарифи Жек Даукинс ва юқорида айтиб ўтилган кекса жентльменнинг алоҳида меҳрию ҳимоятига ноил эканини билиб олди.

Мистер Даукинснинг кифасидан ҳомийси ўз паноҳига олганларга яхши шароит яратиб берганига ишониш амримаҳол эди. Лекин унинг оғзидан енгил-елпи ҳамда беандиша сўзлар чиқаётгани, устига-устак яқин дўст-ёрлари орасида ҳазиломуз «Абжир Туллак» лақаби билан машҳур эканини тан олгани сабабли, Оливер бу бегаму бевош болага ўзи мақтаётган ўша валинеъматининг панднасиҳатлари шу кунгача қор қилмабди-да, деган хулосага келди. Ана шунинг таъсирида у тезроқ кекса жентльменда яхши фикр тугдириш ва борди-ю, Туллак аслида тузалмас касофат бўлиб чиқса, унинг билан ошначилик ришталарини албатта узишни дилига туғиб қўйди.

Жек Даукинс то қоронги тушмағунича Лондонга кириб боришни истамагани важидан улар соат ўн бирларни қўтишди, шундан кейингина Излингтон қопқасига яқинлашишди. «Фаришта»га\* етгач, Сент-Жон-Роудга бурилишди, Сэдлерс-Уэлс театри ёнида тугайдиган тор кучани босиб ўтишди, Эксмаут-стрит ва Копис-Роуни ортда қолдириб, меҳнат уйи яқинидаги чоккина ҳовлидан ўтиб бориб, Хокли-Интер-Хоулни кесиб чиқишди-да, Сафрен-Хиллга сўнгра эса Грейт-Сафрен-Хилл томонга қайрилишди, шу ерга етганда Туллак Оливерга орқасидан етиб юришни буюриб, ғизиллаганча олга югурди.

Оливернинг бутун диққати йўл бошловчисини кўздан қочирмаслик билан банд эди, шунга қарамай у чолиб бораётиб ора-сира атрофга аланглаб қўярди. Бундан кўра фэйсиз ва аянчлироқ жойни у ҳали кўрмаган эди. Кўча ниҳоятда тор ҳамда ифлос, ҳавони эса қўланса ҳид тутиб кетганди. Кичкина-кичкина дўкончаларнинг саноғи йўқ эди, лекин уларнинг шундай алламаҳал бўлиб қолганига қарамай эшиклари олдида гужғон ўйнаётган ёки ичкарида қийқириб-

чинқираётган болалардан бошқа моллари йўқдек туюларди. Ҳалокатга маҳкум этилган бу жойда гўёки фақат майхоналарнинггина иши ривож топгандай кўринар, уларда ўнгалмас одамлар — ирланд чиқиндилари нақ томоқ йиртгудек бақириб-чақиршарди. Асосий кўчага туташ бостирма ва ҳовлилар ортида гуж-гуж уй-капалар кўриниб турар, бу ерларда ҳам маст-аласт эркак аёллар тулпадан-тулпа балчиққа ағанашиб ётишар, баъзи эшиклардан эса қандайдир шубҳали, девдай-девдай йигитлар писибгина чиқиб келишарди; булар чамаси яхши ният ва безарар юмушлар билан жўнашмаётганди.

Оливер, секингина қочиб қолганим яхшимасмикин, деб ўйлади-ю, лекин бу пайтда улар тепадан пастга эниб бўлишган эди. Йўл бошловчиси унинг қўлидан ушлаб, Филд-Лейн ёнгинасидаги уйнинг эшигини очди-да, уни йулакка киритиб, дарров эшикни ёпди.

— Ҳей, ким у? — Туллакнинг ҳуштагига пастдан аллаким овоз берди.

— Фириб ва омад! — деган жавоб бўлди.

Афтидан, бу ҳаммаси жойидалигидан далолат берувчи шартли суз ёки ишора эди, негаки, йўлакнинг нариги бошидаги деворга шамнинг хирагина шуъласи тушди, ўчоқбошига олиб чиқадиган кўкна зинапоянинг синиқ панжараси орқасида эркак кишининг башараси кўзга ташланди.

— Икки киши экансизлар-ку, — деди эркак шам ушлаган қўлини олға чўзиб, иккинчи қўли билан эса кўзини ёруғдан пана қилиб. — Иккинчиларинг ким бўлди?

— Янги ўртоқ, — жавоб берди Жек Даукинс Оливерни олдинга итариб.

— Қай гўрдан келиб қолди бу?

— Лаванглар оламиндан... Феджин тепадами?

— Ҳа, артгичларни саралаяпти. Тепага чиқаверинглар.

Шамни ичкари олишди, башара ҳам ғойиб бўлди.

Оливер қоронгида бир қўли билан пайпаслаган кўйи (иккинчи қўлини бўлса ўртоғи маҳкам ушлаб олганди), ликилдоқ зинапоядан қийнала-қийнала аранг тепага кўтарилди, айни пайтда, йўл бошловчиси зипиллаганча чиқиб борар ва бу ҳол унинг зинапоя билан эскитдан ошнолигининг далолати эди. У орқа хона эшигини очиб, Оливерни етаклаганча ичкари кирди.

Қаровсизликдан хонанинг девору шифтлари чанг босиб, бутунлай қорайиб кетганди. Ўчоқ олдида қарагайдан ясалган стол, столда эса занжабил пивосидан бушаган шиша оғзига ўрнатилган шам, икки-учта қалайи кружка, нон, мой ва тақсимча турибди. Ўчоқда ёнаётган олов тепасига тортилган симга осилган товада сосиска қовуриляпти, жуда қари, афтини ажин босган, патила-патила сочлари баджаҳл ва совуқ башарасига тушиб турган жухуд чол энгашганча қўлидаги санчки билан уларни ағдариб турибди. Эғнида ёғи чиқиб кетган ёқаси очиқ энгил халат, бутун диққат-эътибори эса това билан бир талай ипак дастурўмоллар осиклик илгакка теппа-тенг бўлинганга ўхшарди. Кўрпа-тушак хизматини ўтовчи бир нечта йиртиқ-ямоқ эски қоп уй саҳнида қатор ёзиглик ётибди. Стол теграсида Туллак билан тенгқур тўрт-беш чоғли болалар ўтиришибди, улар худди вазоҳатли эркаклардек узун трубкаларини тутатишиб, ичкиликбозлик қилишяпти. Ошналари жухудга икки оғизгина шипшиётганида ҳаммалари уни ўраб олишди, кейин эса ўгирилишиб, иршайганча Оливерга тикила бошлашди. Жухуд чол ҳам қўлидан санчкисини қўймай, айнан шундай қилди.

— Мана, худди ўшани ўзи, Феджин, — деди Жек Даукинс, — менинг дустим Оливер Твист.

Жухуд мийиғида жилмайиб, чуқур таъзим бажо келтирди-да, Оливерга қўлини узатди ва у билан яқинроқдан танишиш шарафига мушарраф бўлиш умидида эканини баён этди. Шундан сўнг Оливерни трубкали ёш жентльменлар қуршаб олишди ва унинг ҳар иккала қўлини — айниқсанги тугунча ушлаб олганини — маҳкам қисиб кўришишди. Ёш жентльменлардан бири гоятда ғам-хўрлик кўрсатиб унинг шапкасини қозикқа осиб қўйди, бошқаси бўлса шунчалик меҳрибончилик қилдики, чарчаб ҳолдан тойган Оливернинг ётар олдидан уринмаслиги ғамини еб, унинг чўнтагига қўлини суқиб ҳамма буюмларини чиқарди. Мабодо жухуд қўлидаги санчкини ишга солиб, бу сермулозамату жон-

куяр йигитчаларни бошию елкаларига тушира бошламаганида борми, уларнинг меҳрибончилигию мулозаматлари хийла давом этган бўлармиди.

— Сен билан танишганимиздан бағоят хурсандимиз, Оливер, жудаям хурсандимиз... — деди жуҳуд. — Туллак, сосискаларни олиб, Оливер учун бочкачани оловга яқинроқ суриб қўй. Рўмолчаларга қараяпсан-а, бўталогим, шундайми? Улар кўп экан-а, тўғрими? Биз уларни ҳозиргина саралаб ювишга ҳозирлаб қўйдик. Бор гап шу, Оливер, бори шу. Ҳи-ҳи-ҳи!

Қувноқ жуҳуд чолнинг истиқболи баланд шогирдлари устозларининг охириги сўзларини маъқуллаб говур-ғувур кўтаришди. Ана шундай говур-ғувур билан кечки тамаддига ўтиришди.

Оливер ўз улушини еди, кейин жуҳуд унга бир стакан сув аралаштирилган жин қуйиб, бир кўтаришда бўшатишини буюрди, негаки, стакан бошқа жентльмен га керак экан. Оливер итоат этди. Ўша заҳотиёқ у ўзини кўтариб, эҳтиёткорлик билан қоплардан бири устига ёткизишганини пайқади, сўнгра каттиқ уйқуга кетди.

## IX боб

*Ёқимтой кекса жентльмен ва унинг истиқболи баланд шогирдлари ҳақидаги турли-туман маълумотлар зикр этилади мазкур бобда*

Эртаси куни Оливер узок, каттиқ уйқудан алламаҳалда уйғонди. Хонада нонуштага кастрюлькада қаҳва қайнатаётган жуҳуд чолдан бўлак ҳеч зог йўқ эди, чол оҳиста ҳўштак чалган қўйи қўлидаги темир қошиқ билан қаҳвани кавлаб-аралаштириб турибди. У дам-бадам бу машғулотдан тўхтаб, пастдан эшитилган тиқ этган товушга қулоқ тутар, ўз қизиқсинишини қондиргач, яна ҳўштагини чалганча, қошиқ билан кавлаштиришга тушарди.

Гарчи Оливер ухламаётган бўлса-да, ҳали уйқуси бутунлай тарқаманган эди. Ахир, шундай қоллар ҳам бўлади-ку, сиз кўзларингизни юмганча, уйқу билан бедорлик оралигидаги мудроқ ҳолатда ётасиз, атрофингизда содир бўлаётган жамики нарсаларнинг ярим-ёртисини англаб турасиз, аммо-лекин, шунда ҳам хаёл кўзгунгизда беш дақиқа фурсат орасида (кўзларингизни чирт юмиб ётганингиз ва сезгиларингиз каттиқ уйқу ҳолатида бўлишига қарамай) беш кечалик воқеадан кўра кўпроқ манзара жонланади. Бундай дақиқаларда осий бандаси ўз руҳининг бекиёс қудрати, унинг ердан қандай узилиб чиқишию танаси ҳўкми билан чирмалган ришталардан қандай халос бўлиб, замон ва макондан узилиб чиқиб, эркин парвоз қилаётганини элас-элас пайқаб ётади.

Оливер айнан ана шундай ҳолатда эди. Ярим юмуқ қовоқлари остидан жуҳудни кўриб, чалаётган оҳиста ҳўштагини эшитиб, қошиқнинг тикирлашидан унинг кастрюлька четига тегаётганини фаҳмлаб ётарди-ю, айни чоғда бутун фикр-хаёли деярли шу дамгача кўрган-билган жамики одамлари билан банд эди.

Қаҳва тайёр бўлгач, жуҳуд кастрюлькани учоқдаги тагликдан олди. Гўё энди нима қилишини билмаётгандек, бир неча дақиқа ўй суриб турди, кейин ўгирилиб, Оливерга тикилди-да, отини атаб чақирди. Бола жавоб бермади, афтидан, у ухлаётган эди.

Бундан хотиржам бўлган жуҳуд астагина эшикка яқинлашиб, уни кулфлади. Сўнгра у чоғроққина қутичани олди-да (Оливернинг назарида пол остидаги хуфия жойдан чиқаргандай бўлди), авайлабгина столга қўйди. Қопқогини очиб, ичига қараганида чолнинг кўзлари чақнаб кетди. Эски ўриндиқни столга яқинроқ суриб ўтирди-да, қутичадан қимматбаҳо тошлари ярақлаб кўзини қамаштирадиган ажойиб олтин соат чиқарди.

— Ҳў! — деди жуҳуд кифтларини ростлаб, совуқ иршайишдан афти буришиб. — Ақлли бу кўппаклар! Ҳа, ақлли кўппаклар! Чинакамига садоқатли! Шундай қилиб, кекса кашишга қаерга борганларини айтишмади. Кекса Феджини сотишмади! Сотидан нима фойдаям кўришарди? Бари бир бу нарса чигални еча олмасди, кўргиликларини бирон лаҳзагаям кечиктиролмасди. Ҳим, худди шундоқ! Баракалло! Азаматлар!

Жухуд ана шу тахлит гудранганича соатни яна ўша ишончли жойига яшириб қўйди. У кам деганда яна икки-уч соатча ивириб, қутидан навбати билан соатдан сира қолишмайдиган, санъаткорона ясалган узук, билагузук, тўғнағич ва Оливер заррача тасаввурга эга бўлмаган, ҳатто номини ҳам билмайдиган бошқа қимматбаҳо тақинчоқларни олиб, худди ўшандай ҳузур билан кўздан кечирди.

Бу қимматбаҳо тақинчоқларни жойига қўйғач, қутичадан яна битта кафтига жо бўлган нарсани олди. Чогида бу нарсанинг устига майда ҳарфлар билан нимадир ёзилган эди, негаки чол уни столга қўйди-да, кўзини қўли билан ёруғдан пана қилганча ўзоқ ва диққат-ла тикилди. Охири ўша нарсани яширди-ю, гўё муваффақиятдан умид узган одамдай, ўриндиқ суянчигига суянган кўйи гудранди:

— Улим жазоси — ажойиб нарса-да! Мурдалар ҳеч қачон тавба-тазарру қилолмайди. Уликлар ҳеч қачон нохуш гапларни валдираёлмайди. Эҳ, бунақанги касб-кор учун ажойиб чора-да бу! Бешовини сиртмоққа тортишди, шерикларини тузоққа илинтиргани ёки қўрқоқлигини ҳаммага намойиш қилгани бирортаси қолмади-я, қойил!

Жухуднинг оғзидан шу сўзлар чиқар экан, унинг бушлиққа паришонҳол тикилган ярқирок кўзлари Оливернинг юзида тўхтади. Боланинг кўзлари унсиз қизиксиниш билан унга қадалганди, шунда уларнинг нигоҳлари бирровгина тўқнашган бўлса-да, шу фурсатнинг ўзиёқ чолнинг бола ўзини кузатаётганини англаб етиши учун кифоя эди. У қутича қопоғини тарақлатиб ёпди-ю, столда турган нон пичоқни чангаллаганча, қутуриб сапчиб турди ўрнидан. Унинг азойи бадани қалт-қалт титрарди, шунда Оливер ўтакаси ёрилаётганига қарамай баланд кўтарилган пичоқнинг қандай титраётганини пайқади.

— Бу нима қилик? — кичқирди жухуд. — Нимага мени пойлаб ётибсан? Нега ухламаяпсан? Нимани кўрдинг? Гапир? Тезрок, агар жонингдан умидинг бўлса, тезрок гапир!

— Ортиқ ухломмадим, сэр, — жавоб берди Оливер чучибгина. — Сизга халал берган бўлсам кечиринг, сэр.

— Бир соатдан бери уйгоқ ётибсанми ҳали? — сўради жухуд болага нақ еб юборгундай олайиб.

— Йўқ! Йўғ-э! — жавоб қилди Оливер.

— Ростданми? — ўшқирди жухуд кўзини баттар ола-кула қилиб, унинг важоҳати таҳликали тус олганди.

— Онт ичаман, ухлаб ётувдим, сэр, — деди Оливер кизгинлик билан.

— Бўпти, бўпти, бўталоғим, — деди жухуд тўсатдан муомаласини ўзгартириб ва пичоқни шунчаки эрмак учун олганини кўрсатмоқчидек, уни столга қайтариб қўйишдан олдин силкиб, айлантриб ўйнаган бўлди. — Буни биламан албатта, бўталоғим. Сени бир қўрқитиб кўрмоқчидим, холос. Довюрак бола экансан. Ҳи-ҳи-ҳи! Довюрак бола экансан, Оливер!

Жухуд ҳиҳилаганча қўлларини ишқади, аммо айни дамда безовталиқ билан қутичага қараб қўйди.

— Сен, болагинам, бундаги ажойиб буюмларни кўрдингми? — суради жухуд бир оз сукут сақлагач, қутича устига қўлини қўяр экан.

— Ҳа, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Аҳ-а! — деб юборди жухуд хиёл ранги ўчиб. — Булар... булар менинг буюмларим, Оливер. Озроқкина бисотим. Кексалиқда кунимга ярайдиган бор бойлигим. Мени зикна дейишади, бўталоғим. Ҳа, зикна дейишади, бор-йўғи шу, вассалом.

Оливер, шунча бойлиги бўла туриб, мана шунақанги ифлос, ташландик жойда турганидан кейин бу кекса жентльмен ростдан ҳам ўлардек зикна булса керак, деб ўйлади; аммо Туллак ва бошқа болаларни боқиш анча-мунча сарф-харажат билан боғлиқ-ку, деган хаёлга бориб, жухудга эҳтиром билан нигоҳ ташлаб қўйди-да, ўрнидан туришга рухсат сўради.

— Бемалол, бўталоғим, бемалол, — жавоб қилди кекса жентльмен. — Анави бурчакда, эшик олдида кўзада сув бор. Уни бу ёққа олиб кел, мен тос қўйиб бераман, юз-қўлингни ювиб оласан, бўталоғим.

Оливер ўрнидан туриб, хонанинг нариги бурчига борди-да, кўзани кўтармоқчи бўлиб энгашди. У орқасига бурилганида қутича аллақачон ғойиб бўлганди.

Оливер юз-қўлини ювиб, ўзини тартибга келтириб, жуҳуднинг буйруғи билан тосдаги сувни деразадан ташқарига сепаб турган ҳам эдики, кеча оқшом трубчасини буруқсатиб ўтирганида кўрган эпчил болакайни эргаштириб Туллак келиб қолди; мана энди ўша болани Оливерга расман Чарли Бейтс деб таништирди. Тўртовлон қаҳва, сур чўчқа сони ҳамда Туллак шляпасига солиб келтирган иссиқ кулча билан тузалган нонушта дастурхони теварагидан жой олдилар.

— Хўш, — дея Туллакка мурожаат этди жуҳуд, Оливерга айёрона куз кириши ташлаб қўяр экан, — ишонаманки, азизларим, бугун эрталаб жиндаккина тер тўккан бўлсаларинг кераг-а?

— Анча-мунча деяверинг, — деб жавоб қилди Туллак.

— Худди шайтонваччалардай, — қўшиб қўйди Чарли Бейтс.

— Ажойиб болалар, ажойиб йигитчалар! — сўзини давом эттирди жуҳуд. — Қани, нима келтирдинг, Туллак?

— Иккита картмон, — жавоб берди ёш жентльмен.

— Қистирмаси ҳам борми? — сабрсизлик билан суриштирди жуҳуд.

— Анчагина қаппайган, — жавоб қилди Туллак, биттаси яшил, бошқаси қизил иккита картмонни узатаркан.

— Тоши бундан кўра огирроқ бўлиши ҳам мумкинийди, — деб қўйди жуҳуд, уларнинг ичидаги нарсаларни диққат билан кўздан ўтказиб, — лекинига ўзи жуда чиройли ва бежирим қилиб ишланган экан... У юлдузни бенарвон ура олади, тўғрими, Оливер?

— Ҳ, жудаям мохир, сэр, — деди Оливер.

Шунда ёш Чарли Бейтс, бу бўлаётган хангомаларда ҳеч қанақанги кулгили жойини кўрмаётган Оливерни ҳайратда қолдириб, нақ қулоқни батанг қилгудек қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Хўш, сен нима келтирдинг, азизим? — деди Феджин Чарли Бейтсга мурожаат қилиб.

— Артқич, — жавоб берди ёш Бейтс ёнидан тўртта рўмолчани чиқариб.

— Шунисига ҳам шукр, — деди жуҳуд рўмолчаларни диққат-ла кўздан кечириётди. — Чаккиямас, ҳа, тузуккина. Лекинига буларни белгисини ёмон чоқлабсан, Чарли, игна билан белгисини сўкиб ташлашга тўғри келади. Буни қандай қилишни Оливерга ўргатиб қўямиз... Ўргатиб қўяйликми, Оливер? Ҳи-ҳи хи!

— Бош устига, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Сен ҳам, азизим, худди Чарли Бейтсдака рўмолчани қойиллатишни хоҳлайсанми?

— Жудаям, сэр, агар менга ўргатиб қўйсангиз, — жавоб қилди Оливер.

Ёш Бейтс бу жавобни гоятда кулгили топиб, тагин хахолаб кулишга тушди: бу хахолаш оқибатида оз бўлмаса ажалидан бурун бўгилиб ўлишига бир баҳя қолди, зотан у қаҳва ичаётганди ва нафас йўлига қаҳва ўтиб кетганди.

— Ҳизям ҳали она сути оғзидан кетмаган полапон экан-да! — деди Чарли ўзини ўнглаб олгач, беодоблиги учун узр сўраётгандай.

Туллак индамади, фақат Оливернинг сочини кўзини ёпадиган қилиб пайпаслаб титкилади, кейин вақти келиб эси кириб қолади, деб қўйди. Шунда кекса жентльмен Оливернинг қандайин қизариб кетганини кўриб, суҳбат мавзуини ўзгартирди ва эрталаб қатли томоша қилгани кўп одам келдими, деб сўради. Оливер бешбаттар ажабланди, сабабки, болаларнинг жавобидан ҳар икковлари ҳам ўша ёққа боришгани аён бўлди, шу боисдан у, турган гапки, буларнинг шунчалик ғайрат билан ишлашга қачон улгура қолишганини тушунолмаётган эди.

Нонуштадан сўнг, столни йиғиштириб бўлгач, қувноқ кекса жентльмен билан иккала бола қизиқ ҳамда ғаройиб бир ўйинни бошлаб юборишди: қувноқ кекса жентльмен шимининг бир чўнтагига тамакидонни, иккинчисига ёндафтарчани, нимчасининг киссасига эса занжири бўйнига осиглиқ соатни солиб, қўйлагига сохта бриллиант кўзли тўғногич қадади, кейин камзулининг ҳамма тугмаларини ўтказиб, унинг чўнтақларига кўзойнак ғилофи билан дастрўмолчасини

жойлади-да, ҳассасини ликиллатиб, куннинг исталган дамида кўчада кўриш мумкин бўлган ёши ўтинқираган жентльменларга тақлид қилган кўйи хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У дам ўчоқ олдида, дам эшик ёнида тўхтаб ўзини гўё дўқонлар пештоқидаги ёзув, пештахталардаги молларни берилиб кўздан кечираётган қиёфага соларди. Айни чоғда у ўғрилардан хавфсирагандай бот-бот атрофга аланглаб қўяр ва ҳеч нимаси йўқолмаганига ишонч ҳосил қилаётгандай, бирма-бир ҳамма чўнтаклари устидан шунчалик табиий ҳамда қизик қилиб уриб-уриб қўярдики, буни кўриб Оливер кўзларидан ёш чиқиб кетгунча кулди. Ҳар иккала бола ҳам ундан ортда қолмай, изма-из юришар, у бурилаётганида эса чолнинг нигоҳига шундай қаққонлик билан чап беришардики, болаларнинг ҳаракатини илгамай қоларди. Ниҳоят, Туллак чолнинг оёгини босиб олдим-ей, ё тасодифан тўқнашиб кетдим-ей, билиб бўлмади, Чарли Бейтс ҳам орқаларига келиб урилди, шунда улар кўз очиб-юмгунчалик фурсат ўтмай, танг қоларли бир қаққонлик билан чолнинг тамакидони, ёндафтарчаси, занжирли соат, тўғноғичи, дастрўмоли ва ҳатто кўзойнаги филофигача — биттасини қўймай шилиб олишди.

Мабодо кекса жентльмен чўнтагига кимнингдир қўли кирганини сезиб қолса, кўл қайси чўнтакда эканини қичқириб айтарди, ана шунда ўйин бошқатдан бошланарди.

Бу ўйинни бир неча маротаба такрорлашгач, бир пайт ёш жентльменларни йўқлаб икки хоним кириб келишди; улардан бирининг исми Бет, бошқасиники Нэнси экан. Қизларнинг сочи ниҳоятда пахмайган, пайпоқлари билан бошмоқлари ҳам ифлос. Дарвоқе, уларни кўҳлик деб бўлмасди-ю, лекин икки бетлари қип қизил, ўзлари бақувват ҳамда қувноқ кўринишарди. Ўзларини эмин-эркин ва шўх-шодон тутишаётганидан Оливер уларни, яхши қизлар экан, деган қарорга келди. Аслини олганда ҳам, шубҳасиз, шундоқ эди.

Бу меҳмонлар узоқ ўтиришди. Виски ичишди, негаки ёш хонимлардан бири ич-ичимгача музлаб кетяпман, дея зорланган эди. Шундан кейин ниҳоятда қизгин ва ибратормуз суҳбат бошланди. Ниҳоят, Чарли Бейтс, унинг фикрича, оёқнинг чигилини ёзадиган фурсат етганини айтди. Оливер, афтидан, бу бирпас айланайлик дегани бўлса керак, деб ўйлади, негаки, шу сўзлардан кейиноқ Туллак, Чарлилар сарф-харажатга меҳрибон кекса жуҳуддан чойчақа олишиб, иккала ёш хоним билан бирга чиқиб кетишди.

— Ана шунақа гаплар, азизим, — деди Феджин. — Бундай яшаш нашъу намоли-я, тўғриямасми? Улар кун бўйи айлангани кетишди.

— Ишларини битириб бўлишганими, сэр? — сўради Оливер.

— Баракалла, топдинг, — жавоб берди жуҳуд, — мабодо сайр қилиб юришганида биронта юмуш чиқиб қолмаса; борди-ю, шундай бўлса, албатта шугулланишади у билан, азизим, бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Ана ушалардан ўрнак олгин, бўталоғим. Ушалардан ўрган, — такрорлади у ўз сўзлари салмоғини ошириш ниятида куракча билан ўчоқ тубига тўқ-тўқ уриб қўяр экан. — Улар ниманики буюришса, жамини бажар, кейин, ҳамма ишда уларнинг маслаҳатига қулоқ сол, азизим, айниқсанги Туллакнинг маслаҳатига. У улуг одам бўлиб етишади, агар унга эргашсанг, сени ҳам буюк одам қилиб етиштиради. Айтмоқчи, бўталоғим, чўнтагимдан рўмолчам чиқиб қолмабдими? — сўраб қолди жуҳуд баноғим.

— Шундай, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Кўрамиз, қани, уни менга билдирмай ололармикансан. Эрталаб уйнаётганимизда улар буни қандай қилишганини ўзинг кўрдинг-ку.

Оливер боя кўзи олдида Туллак қилгандай битта қўли билан чўнтакнинг пастидан ушлаб, иккинчиси билан дастрўмолни секин сугуриб олди.

— Тайёрми? — хитоб қилди жуҳуд.

— Мана, сэр! — деди Оливер дастрўмолни кўрсатиб.

— Эпчил бола экансан, азизим, — деди кекса жентльмен Оливернинг бошини силаб. — Бунақанги ўткир болани сира кўрмаганман. Агар худди шундоқ қавилда давом эттирадиган бўлсанг, дунёда энг улуг одам чиқади сендан. Энди, бу ёққа кел, рўмолчалардаги белгиларни қандай сўкишни ўргатаман сенга.

Оливер кекса жентльменнинг чўнтагидан дастрўмолини ўғирлашнинг — жа-





зиллашиб — ўзининг улуғ одам бўлиб етишишига нима алоқаси бор эканини тушунмади. Вироқ ўзидан бир неча баравар катта жуҳудга бу нарса жуда яхши аён бўлса керак деган хаёлга бориб, итоаткорлик билан стол ёнига келди ва кўп ўтмай янги машгулотга берилиб кетди.

## Х боб

*Оливер янги ўртоқлари билан яқиндан танишгани-ю зўр машаққатлар билан тажриба орттиргани ҳақида. Мазкур боб ҳикоятимиздаги қисқа, аммо ниҳоятда муҳим фаслдир*

Оливер дастрўмолчалардаги белги ҳамда тамгаларни сўкиб (уларни куплаб келтиришарди), гоҳо эса иккала бола билан жуҳуд ҳар куни эрталаб машгул бўлишадиган юқорида тасвирланган ўйинда иштирок этиб, талай кунларгача остана ҳатлаб чолнинг хонасидан ташқари чиқмади. Ниҳоят, у очиқ хавога чиқишни кўмсай бошлади ва кекса жентльмендан иккала ўртоғи билан бирга ишга боришга рухсат беришини бир неча бор илтижо қилди.

Оливернинг тезроқ ишга киришишга яна шунинг учун ҳам сабри чидамаётган эдики, у кекса жентльменнинг бадфеъл, айни чоғда саховатли одам эканини билиб олганди. Мабодо Туллак билан Чарли Бейтс икки қўлларини бурниларига тикиб қуруқ келишса, чол куйиб-пишиб, бекорчи хўжалик ва сандироқлаб юриш энг ярамас одат, деб ваъз ўқир, нонни тер тўкиб ҳалоллаб ейиш кераклигини уқтириб, кечликка овқат ҳам бермасди. Бир куни у ҳатто икковини ҳам қувиб солди, лекин, чамаси, бу қилмиши билан панд-насиҳат бобида қуёшқондан хийла четга чиқиб кетди.

Ахийри Оливер жон-жаҳди билан интилган рухсатни олишга муяссар бўлган кун ҳам етиб келди. Кейинги икки-уч кун ичида рўмолча келтирмай кўйишган ва у қиладиган иши йўқ, бекор ўтирар, еяр-ичарларини ҳам таноби тортилиб қолган эди. Эҳтимолки, кекса жентльмен худди ана шу боисдан розилик бергандир. Хулласи калом, у Оливерга рухсат бериб, болага кўз-қулоқ бўлишни Чарли Бейтс билан Туллакка юклади.

Болалар учовлон йўлга тушишди. Туллак одатича енгларини шимариб, шляпасини чаккасига дол қўндирганича одимларди; Бейтс қўлларини чўнтагига тикиб олганди, Оливер эса икковларининг ўртасида қаёққа кетаётганлари ва ўзига биринчи навбатда қайси хунарни ўргатишлари борасида боши қотиб, ҳайрон бўлиб борарди.

Улар эран-қаран, шошилмай боришарди, шу сабаб Оливер ҳеч қанча вақт ўтмаёқ, ўртоқларим кекса жентльменни лақиллатишмоқчи, ишга бориш хаёлларида ҳам йўқ шекилли, деб ўйлай бошлади. Бунинг устига десангиз, Туллакнинг ёмон қилиги бор экан, нуқул болаларнинг бошидан шапкасини юлқиб олиб, ҳовлиларга қараб улоқтиради, Чарли Бейтснинг бўлса бировнинг ҳақидан сираям кўрқмайдиган одати чатоқ экан, ҳадеб йўлка ёқалаб кетган дўкончалардан олма, пиёзларни липпа олади-ю, қурдум чўнтақларига солади десангиз, чунтақлариям шунақанги чуқур ва каттаки, назарингизда камзулию иштони фақат чўнтақлардан иборатга ўхшайди. Унинг бу қилиги Оливерга шунчалик ёқмадики, у қайтиб кетаман дейишга энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, иттифоқо, ўй-хаёли мутлақо бошқа нарсага чалғиб қолди, негаки Туллакнинг хатти-ҳаракати сирли бир тарзда, жудаям ўзгариб қолганди.

Улар тор ҳовлидан ўтиб, Клеркенуэлдаги негадир «Майсазор» деб аталгучи майдон яқинидан чиқишлари биланоқ Туллак тўсатдан тўхтади-ю, бармогини лабига босиб, ўртоқларини бағоят эҳтиёткорлик билан орқага тортди.

— Нима бўлди? — сўради Оливер.

— Жим... — шивирлади Туллак. — Китоб дўкони олдидаги чолни куряпсанми?

— Нариги бетдаги кекса жентльменними? — сўради Оливер. — Ҳа, куряпман.

— Бўлади-а! — деди Туллак.

— Бўлганда қандоқ! — деб қўйди Чарли Бейтс.

Оливер анг-танг бўлиб шерикларининг дам унисига, дам бунисига тикиларди, бироқ савол беришга улгурмади, зероки иккала бола ҳам зипиллаганча кўчани кесиб ўтишди-ю, шарпа чиқармай ҳозиргина унга кўрсатишган кекса жентльменга орқа томондан яқинлашишди. Оливер бир неча одим ташлади, орқаларидан бориш ёхуд орқасига қайтишини билмай тўхтади-да, сассиз-содсиз ҳайрат-ла бақрайиб туриб қолди.

Сочига упа сепилган, тилла гардишли кўзойнак тақдан кекса жентльменнинг қиёфаси ғоятда салобатли, нуруний кўринарди. Унинг эғнида қора духоба ёқали шишаранг фрак, оч тусли шим, қўлтиғига чиройли бамбук ҳасса қистириб олганди. У пештахтадаги китобни олиб, тикка турганича, худди ўз хосхонасидаги юмшоқ курсида ўтиргандек, берилиб ўқиётган эди. Эҳтимолдан йироқ эмаски, у ҳақиқатан ҳам ўзини гўё хосхонасида ўтирган хаёл қилаётгандир: бутун вужуди билан берилиб кетганига қараганда унинг на пештахтани, на кўчани, на болаларни — қисқаси, ўқишга шўнгиб кетган китобидан бўлак ҳеч нимани пайқаётгани яққол кўриниб турарди; бир сўхифани одоғига етгач, иккинчи бетни очарди-да, ғоятда қизиқсиниш ҳамда диққат билан ўқишни давом эттирарди.

Туллакнинг кекса жентльменнинг киссасига қўл сузиб, ундан дастрўмолини суғуриб олганини, ўша заҳотиёқ уни Чарли Бейтсга оширганини ва охири ҳар иккови ура жуфтакни ростлаб, муюшдан бурилиб кетганларини кўрганда бир неча қадам бериди кўзлари чақчайган кўйн бақа бўйи турган Оливернинг қанчалар даҳшат у хижолатга тушганини асти қўяверасиз.

Болакайга рўмолчаларнинг, соату қимматбаҳо буюмларнинг ҳам, жуҳуднинг ҳам сиру асрори бир лаҳзадаёқ аён бўлди-кўйди. Бир он серрайиб туриб қолди, шу топда қўрқувдан томирларидаги қон қайнаб-кўпириб, наздида, аъзойи бадани нақ ўтда куюётгандек бўлди; кейин, ўтакаси ёрилаб, довдираб қолган болакай жонхолатда, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, оёғини қўлга олганча қочишга тушди.

Буларнинг бари бир дақиқа орасида содир бўлди. Оливер худди қочишга тушган лаҳзада қўлини чўнтағига тикқан кекса жентльмен дастрўмолини топмай, дарҳол атрофга аланглади. Қочиб бораётган болакайга кўзи тушаркан, турган гапки, у жиноятчи шу, деган хулосага келди-ю: «Ўғрини ушланглар!» — деб бўкирганча қўлидаги китоби билан унинг кетидан қўва кетди.

Ваҳима кўтарган нафақат кекса жентльменгина эди. Сўча бўйлаб югуришни ва бу билан жамоатнинг диққатини тортишни истамаган Туллак билан Чарли Бейтс муюшдан ўтишлари биланок биринчи учраган дарвозахонага уриб кетишган эди. Бақирик-чақирикни эшитиб, Оливернинг югуриш кетаётганини кўрганлари заҳотиёқ нима гап бўлганини фаҳмлашди-ю, шон-шарифи дарвозахонадан чиқиб: «Ўғрини ушланглар!» деб шовқин кўтарганча, инсофу диёнатли граждандларга муносиб тарзда таъқибга қўшилиб кетишди.

Гарчи Оливер файласуфлар қўлида тарбия топган бўлса-да, назарий жиҳатдан ўз жонини сақлашга тиривиш табиатнинг бир амчи қонуни, исботга бемуҳтож ажойиб ҳақиқат эканидан беҳабар эди. Башарти у бу ақида билан ошно бўлганида гафлатда қолмай, ушбу қонунга амал қилишга тайёр турарди. Бироқ бундай чорага тайёр эмасди ва шу боисдан ҳам баттар кўрқиб кетди; оқибатда у бамисоли қуюндрой учиб борарди, орқасидан кекса жентльмен билан икки бола бақириб-чақирганча қувишарди.

«Ўғрини ушланглар! Ўғрини ушланглар!» Бу сўзларда сеҳрли куч бор. Бу сўзларни эшитганда боққол дўконини, извошчи извошни, қассоб канорасини ташлаб чиқади, новвой нон саватини, сутчи сут пақирини, дастёр қўлидаги тугунчакларини, мактаб боласи соқчача\*ларини тош ётқузвчи чўкичини, болабақра волан\*ини ташлаб, ҳаммалари айқаш-уйқаш бўлиб, элдинма-кетин югуриб қолишади; бир-бировларини итариб-суришади, бақириб-чақиривади; муюлишдан бурилаётиб йўловчиларни йикитиб юборишади, итларнинг ўтакасини ёриб, товуқларни гаранг қилишади; кўча-кўй, майдону ҳовлиларни ҳайқириклар тутиб кетади.

«Ўғрини ушланглар! Ўғрини ушланглар!» Бу ҳайқирикқа юзлаб овозлар жўр бўлди, оломон бўлса ҳар муюлишда кўпайгандан-кўпайиб боряпти. Халойиқ

лой-кўлмакларни чалпиллатиб, йўлкаларни дўпирлатиб югуриб келяпти; шарақлаб деразалар очилапти, уйлардан одамлар отилиб чиқишяпти, оломон шитоб-ла олға интиляпти, томошабинлар саргузаштлари авжга минган паллада Панч\*ни тарк этишяпти, жамикилари одамлар оқимига қўшилиб, ҳайқириқларига жўр бўлиб, жон-жаҳдлари билан: «Ўғрини ушланглар! Ўғрини ушланглар!» деб бўкиришяпти.

«Ўғрини ушланглар! Ўғрини ушланглар!» Бировга озор бериш, пайига тушиш аслида инсоннинг қонида бор, бу ҳис юрагининг қат-қатига жо. Бахтиқаро, қийналиб кетган, ҳолдан тойиб, нафаси бўғилиб қолаётган болакай—чеҳрасида ваҳима, кўзларида умидсизлигу ранж-алам, ёноқларидан дўлдай-дўлдай тер юмалаётган шўрлик болакай—ҳар битта асаб толаси таранг тортилиб, зўр бериб таъқибчилардан қутулиб кетишга тирishaди, улар бўлса орқасидан қувиб келишяпти, дақиқа-лаҳза сайин яқинлашиб қолишяпти, болакайнинг тинкаси қуриганини кўриб-билиб келишяпти, бунга сайин баттарроқ бўкиришяпти, суюнганларидан қийқиришяпти. «Ўғрини ушланглар!» Ў, яратган ҳаққи, лоақал раҳм-шафқат юзасидан бўлса-да, ушланглар уни!

Ниҳоят, ушлашди. Эпчиллик билан мушт туширишди. Мана, у тош кўчада чалпак бўлиб ётибди, оломон бўлса қизиқсиниб уни қуршаб олди. Кейинроқ етиб келганлар итаришиб-туртишиб, уни кўргани олдинга интилишяпти. «Четроқ туринглар!» — «Унга ҳаво тегсин сал!» — «Бемаъни гап! Бунга арзимаёйди у!» — «Анави жентльмен қаёқда қолди?» — «Ана, ана, кўчада келяпти». — «Жентльменга йўл беринглар!» — «Бу ўша болами, сэр?» — «Ҳа».

Энг илдам таъқибчилар кекса жентльменни мулозамат билан бошлаб келиб, давра ўртасига итариб киритганларида Оливер атрофини қуршаб олган одамларнинг афтига телбаёна нигоҳ-ла жавдираганча, лой-тупроққа қорилиб, оғзи қоп-қора қон бўлиб ётарди.

— Ҳа, — деди кекса жентльмен, — бу худди ўша бола деб чўчиб турибман.

— Чўчиётганмишлар! — тўнгиллади кимдир оломон орасидан. — Кўнгилчанликларини қаранг-а!

— Шўрликкина! — деди жентльмен. — Лат ебди-ку.

— Бу менинг ишим, сэр! — деди давангидай бесўнакай йигит олдинга чиқиб. — Мушгумим тишига тегиб чақа бўлди. Уни мен ушладим, сэр.

Йигитча иршайганча, меҳнатига бирон сийлов олиш умидида шляпасини ушлаб қўйди, бироқ кекса жентльмен унга таънаомуз қараб қўйди-ю, ўз навбатида худди қочиб қолишни чамалаётгандек хавотирланиб атрофга аланглади. Башарти айни шу сонияда оломонни ёриб ўтиб келган полициячи (одатда бунақанги пайтларда у энг охирида етиб келади). Оливернинг ёқасидан олмаганида, қария шу ниятини амалга ошириши ва янгитдан таъқиб бошланиши эҳтимолдан йироқ эмасди-ёв.

— Қани, тур! — ўшқирди полициячи.

— Улай агар, ўғирлаган менмасман, сэр. Улай агар, бу иккита бошқа бола! — хитоб қилди Оливер аламзадалик билан кўлларини сиқимлаб, атрофга жаланглаганча. — Улар шу яқин орада бўлиши керак.

— Улар йўқ бу орада, — деди полициячи. У ўз сўзларига киноя тусини бермоқ ниятида эди, лекин бу сўзлар ҳақиқатни ифода этганди: Туллак билан Чарли Бейтс туёқни шиқиллатиб қолишга қулай келган биринчи ҳовли рўпара бўлиши биланоқ қуён бўлишган эди. — Тур деяпман!

— Қўйинг, хафа қилманг уни! — мулойимгина деди кекса жентльмен.

— Э-йўқ, уни сираям хафа қилмайман-да! — жавоб берди полициячи ва сўзларининг исботи тарзида оз бўлмаса Оливернинг камзулини юлқиб олай деди. — Қани юр, сени яхши танийман, бунақанги найрангбозлиқни бас қил. Ўрнингдан турасанми ўзи, йўқми, шайтонвачча?!

Оёғида аранг турғудай бир аҳволдаги Оливер амал-тақал қилиб ўрнидан турди, шу замоноқ уни ёқасидан олганча кўчадан сургаб кетишди. Кекса жентльмен полициячининг ёнида борарди, оломон орасидан эпчилроқлари бўлса олдинга ўтиб йўргалашар экан, дам-бадам ўгирилишиб Оливерга қараб-қараб қўйишарди. Болакайлар тантанавор оҳангда қийқиришар, оломон эса йўлда давом этарди.

## XI боб

*Полиция ҳаками — мистер Фэнг ҳақида ҳикоя қилади ва ул зотнинг адолатли судлов усули хусусида бир қадар гушунча беради*

Жиноят пойтахтнинг маълуму машҳур полиция бўлими тасарруфидаги жойда содир бўлган эди. Оломон Оливерни икки-уч кўчаю Маттон-Хилл деб аталмиш маскан бўйлабгина кузатиб бориш ҳаловатига эга бўлди холос, кейин уни гум-базсимон пастак қопқадан полиция судининг ифлос ҳэвлисига олиб киришди. Бу саҳнига тош ётқизилган чоққина ҳовличада уларни шапалоқдай-шапалоқдай бароқ чакка соқолли, бир даста калитни ушлаб олган барваста эркак қарши олди.

— Яна нима гап бўлди? — сўради у бепарволик билан.

— Дастрўмол овчиси, — жавоб берди Оливерни сўраб келган киши.

— Узлари, сэр, жафо кўрган тараф бўладиларми? — суриштирди калитдор.

— Шундай, — жавоб қилди кекса жентльмен, — лекин рўмолчамни худди мана шу бола ўғирлаганига ишончим комил эмас... Мен... менга қолса бу ишни газак олдиришни истамасдим.

— Эндиликда судьянинг ҳузурига киришдан ўзга юра йўқ, — деди калитдор. — Жаноблари бир нафасдан сўнг бўшайдилар. Киши қол, митти жиноятчи.

У шу сўзлар билан Оливерни ўзи очган эшикдан ўштин деворли камерага киритди. Бу ерда Оливерни тинтиб, ҳеч вақо топишолмагач, эшикни қулфлаб қўйишди.

Камера кўриниши ва ҳажми билан ертўлага ўхшаб кетарди-ю, лекин ундан кўра қоронғироқ эди. У ниҳоятда ифлос эди; ҳозир дўшанба, эрталабки палла эди, шанба оқшомидан бери бу ерга олти майхўр қамаб қўйилганди. Лекин бу арзиқмаган гап. Бизнинг полиция бўлимларимизда ҳар оқшом эрқаю аёлларни бўйнига арзимас бир айбни тақаб — бу сўзларга ургу берса арзигулик — шунақанги қамоқхоналарга қамаб қўйишадики, суд айбдор деб топиб, ўлимга ҳукм этилган энг хавfli жиноятчилар ётадиган Ньюгет\* камераларини булар олдида ҳашамдор сарой дейсиз. Келинг, кимки бунга шубҳа қилса, уларни ўзи солиштириб кўрсин.

Қулфга солинган калит ширқ этиб буралганда кекса жентльмен худди Оливер сингари маънос тортди. У содир бўлган бутун машмашанинг беихтиёр сабабчиси — китобга хўрсиниқ билан мурожаат этди.

— Бу болакайнинг чехрасида, — деди кекса жентльмен аста эшикдан узоқлашиб, ўйчан бир қиёфада китоб билан иягига уриб қўрқан, — бу болакайнинг чехрасида юрагимни тирнайдиган ва мени қизиктириб қўйган нимадир бор. У айбсиз бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир? Юзи шунақаги... Ҳа, дарвоқе! — китоб қилди кекса жентльмен ва тўсатдан тўхтаб, кўкка тикилди. — Эй, яратган эгам! Бунақанги чехрани илгари қаерда кўрган бўлишим мумкин?

Бир неча дақиқалик ўй суришдан сўнг кекса жентльмен ўшандай паршонҳол қиёфада ҳакам-судьянинг хонаси қаршисидаги, ҳовлига чиқиладиган йўлакка чиқиб келди-да, шу ерда, бир бурчакка чекиниб талай йиллар муқаддам зулумот пардаси чирмаган символарнинг узундан-узун силсиласини хотири кўзгусида жонлантирди.

— Йўқ! — деди кекса жентльмен бошини сарак-сарак қилиб. — Бу шунчаки хаёл бўлса керак!

Чол уларни яна бир-бир хаёл кўзгусидан ўтказди. Уларни йўқлик оламидан қақриб олди, энди уларни тагин шунчалар узоқ йиллардан бери яшириб келган парда ортига жўнатиб юбориш осон эмасди. Шу топда дўстларининг, ғанимларининг, хиралик билан оломон орасидан мўралаб турган сал-пал кўзга таниш одамларнинг қиёфалари саф тортганди: бу сафда ҳозир қақриб-чириган кампирларнинг бир пайтлардаги навқирон, гул-гул яшнаган чехралари, ўлим ўз муҳрини босган ва қабр бағрига олган чехралар мавжуд эди. Аммо ўлим устидан ҳукмдорлик қилувчи руҳ бу чехраларга илгаригидек ҳусн ва малоҳат ҳамда тетиклик бахш этиб, хотира кўзгусида уларнинг ҳоким жисмлари қатларидан нурдай сизиб чиқувчи кўзлари зиёсини, ёрқин табасумларию қалблари ёл-

қинини жонлантирмоқда эди. Арши аълога элтгувчи сўқмоқни майину нозик шуъласи билан ёритсин деб, кейин янада ёрқинроқ машъала бўлиб порласин деб, ер измидан тортиб олинган гўзаллик нариги дунё қаъридан нималарнидир шивирлаётибди.

Бироқ кекса жентльмен улар орасидан Оливернинг қиёфасига ўхшаш бирон-та чехрани тополмади. У ўзи тирилтирган хотироти билан чуқур хўрсиниб видолашди-ю (бахтига у анчайин фаромушхотир эди), шу ондаёқ уларни гўё яна қўлидаги сарғайиб кетган китоб саҳифалари қатига дафн этди.

У калитдор кифтига туртиб, орқасидан судьянинг хонасига юришини таклиф этганда ўзига келди. У шоша-пиша китобни ёпди-ю, салобатли ҳамда машҳур мистер Фэнг қаршисида ҳозир бўлди.

Судьянинг бўлмаси деворлари ёғоч қопламали биринчи хонада жойлашган экан. Мистер Фэнг хонанинг тўрида, панжара тўсиқ ортида ўтирар, бу ваҳимали манзарани кўргандаёқ вужудида қалтироқ турган муштдаккина Оливер бечорани эса аллақачон эшикнинг ёнгинасидаги қафассимон каталакка киритиб қўйишган эди.

Мистер Фэнг қотма, узун бел ва хода ютгандек ғоз бўйин, ўрта бўй одам бўлиб, сийраккина сочлари гардани ва чаккаларинигина қоплаб турарди. Юзи қип-қизил ва бадқовоқ. Аслида ҳам ўзига ҳаёнидан кўра кўпроқ зиёни тегадиган даражада ичадиган одати бўлмаганидами, бундан у талай наф кўриши, бу менга бўҳтон ёғдиради, деб ўз турқи устидан судда иш қўзғаб, кўрган зарари эвазига нўмайгина сийлов ундириб олиши ҳам мумкин эди.

Кекса жентльмен эҳтиром-ла таъзим бажо келтирди-да, судьянинг столига яқинроқ бориб:

— Мана менинг исм-шарифим билан тураржойим, сэр, — дея ташрифномасини узатди.

Кейин икки қадам чекиниб, яна бир бор эҳтиром-ла жентльменона таъзим бажо қилди-да, сўроқни кута бошлади.

Шундоқ ҳол содир бўлдики, айнан шу сонияда мистер Фэнг тонгги газетанинг ўзининг яқин кунлардаги ҳукми қарорларидан бири тилга олинган ва ички ишлар министрига уч юз эллигинчи марта бунга алоҳида ҳамда махсус эътибор бериш таклиф этилган бош мақоласини диққат билан ўқиётган эди. Унинг кайфияти бузуқ эди, шу боис чимирилиб, зарда билан бошини кўтарди.

— Ким бўладилар ўзлари? — сўради мистер Фэнг.

Кекса жентльмен хиёл ажабланиб, ўз ташрифномасига қараб имо қилди.

— Полисмен, — деди мистер Фэнг, нафрат-ла ташрифномани газетага қўшиб нарига иткитар экан, — бу нусха ким?

— Менинг исм-шарифим, сэр, — деди қария жентльменларга хос сўзлаш тарзида, — менинг исм-шарифим, сэр, Браунлоу... Уз лавозими паноҳида эътиборли бир кекса одамни ҳеч қандай асоссиз ҳамда беҳудадан-беҳуда ҳақорат қилаётган ҳакамнинг исм-шарифини билсак бўладими ижозатлари билан.

Шу сўзларни айтар экан, мистер Браунлоу худди ўзи талаб қилаётган маълумотни олса бўладиган бирон одамни излаётгандек, хонага аланглади.

— Полисмен, — такрорлади мистер Фэнг, бир варақ қоғозни четга қарата улоқтириб, — бу нусха нима важ билан айбланаётир?

— У ҳеч нимада айбланаётгани йўқ, муҳтарам жаноб, — жавоб берди полициячи. — У манави болакайга қарши айбловчи бўлиб келган, муҳтарам жаноблари.

Муҳтарам жаноблари эса буни жуда яхши билиб турарди: аммо бу гувоҳнинг жиғига тегишнинг ажойиб, устига-устак, мутлақо хавфсиз усули эди.

— Болага қарши айбловчи бўлиб келди дегин-а? — деди Фэнг мистер Браунлоуга бошдан-оёқ нафратомуз назар ташлаб чиқар экан. — Қасам ичириг унга!

— Қасам ичиришларидан аввал бир оғизгина сўз айтишимга ижозат сўрайман, — деди мистер Браунлоу, — чунончи: мабодо ўз тажрибамдан ўтказиб, ишонч ҳосил қилмаганимда, мен ҳеч қачон инонмасдимки...

— Тилингизни тийиб туриг, сэр! — деди мистер Фэнг амирона оҳангда.

— Истамайман буни, сэр! — жавоб берди кекса жентльмен.

— Ҳозироқ тилингизни тийинг, йўқса сизни бу ердан қувиб чиқаришларини

буюраман! — Ёшқирди мистер Фэнг. — Сурбет экансиз ку! Судьяга бетгачопарлик қилишга қандай журъат этдингиз?

— Нима дедилар? — қичқириб юбораёзди кекса жентльмен қизариб.

— Бу одамга қасамёд эттиринглар! — деди Фэнг ў: ходимига. — Ортиқ бир оғиз сўзини эшитгум йўқ. Қасамёд эттиринглар унга.

Мистер Браунлоунинг қахру газаби ҳад-ҳудудсиз эди-ю, лекин, башарти ҳис-туйғумга эрк бериб юборсам, балки болақайга фақат жабр қилиб қўярман, деган мулоҳазага бориб, газабини жиловлади-да, итоаткорлик билан қасамёд этди.

— Хўш, — деди Фэнг, — бу болақайни нимада айбашяпти? Нима дея оласиз бу борада, сэр?

— Мен китоб дўқонида тургандим... — дея сўз бошлади мистер Браунлоу.

— Унингизни ўчириг, сэр, — деди мистер Фэнг. — Полисмен! Полисмен қай гўрда қолди?.. Ана у. Ўша полисменга қасам ичтиринг... Хўш, полисмен, нима гап?

Полициячи муносиб тарзда итоатгўйлик-ла айбдорни қандай қўлга олганини Оливерни қандай тинтиб, ёнидан ҳеч нима топа олганини, кейин бу борада бошқа нарсани билмаслигини маъруза қилди.

— Яна гувоҳлар борми? — суриштирди мистер Фэнг.

— Бошқа ҳеч ким йўқ, сэр, — жавоб берди полициячи.

Мистер Фэнг бир неча дақиқа сукут сақлади, сўнгра эса жабрдийдага ўгирилиб, дарғазаб деди:

— Бу болақайга қандай айб қўяётганингизни баён этиш ниятингиз борми ёки бундай ниятингиз йўқми? Сиз қасамёд этдингиз. Ва парти гувоҳлик беришдан бош тортадиган бўлсангиз, сизни судга ҳурматсизлик кўрсатган шахс сифатида жазолайман. Ҳе ўша сизни...

Бу жумланинг охири чала қолди, зотан айнан керакли пайтда суд ходими билан турма назоратчиси қаттиқ-қаттиқ йўталиб қолишди ва улардан биринчиси — тасодифан, албатта — оғир китобни ерга тушириб борди-ю, бунинг оқибатида гапнинг давомини эшитиб-англаб бўлмади.

Дам-бадам оғизга уриб, устма-уст ҳақорат эшитиб турган мистер Браунлоу амаллаб бу иш қандай содир бўлганини, олдинига шошиб қолиб, қоча бошлаган болақайнинг ортидан қувишга тушганини гапириб берди; кейин судьянинг болақайни ўғирликда эмас, балки ўғрилар билан шерикликда айблаб, қонунни бузмаган ҳолда, унга шафқат кўрсатажагига умид билдирди.

— У шундоқ ҳам жазосини еди, — деди охирида кекса жентльмен. — Яна шу нарсдан қўрқаманким, — қизғинлик билан қўшимча қилди у судьяга нигоҳ ташлаб қўяркан, — рости билан тоби қочиб қолди чоғи деб қўрқиб турибман!

— Бўлмасам-чи, албатта-да! — деди мистер Фэнг масхараомуз иршайиб. — Ҳой дайди, майнавозчиликни бас қил! Бари бир фойдаси йўқ. Исминг нима?

Оливер жавоб беришга уринди, лекин тили итоат этмади унга. Ранги мурдадек пага бўлиб кетганди, наздида, хонадаги жамики нарса кўз олдида чархпалакдек айланаётгандай туюлди.

— Ҳей ўнгалмас безори, отинг нима? — сўради мистер Фэнг. — Полисмен, унинг исми нима?

Бу савол панжара ёнида турган қўполроқ, кўринишидан оққўнгил, йўл-йўл жилеткали қарияга қаратилган эди. У Оливерга энгашиб, саволни такрорлади, ammo бола чиндан ҳам гапини тушунадиган ҳолатда эмаслигига ишонч ҳосил қилди ва боланинг индамаётгани судьяни бешбаттар қутуртириб юбориб, қаттиқроқ ҳукм чиқаришига сабаб бўлишини англаб, таваккалига жавоб қилишга жазм этди.

— У айтяпти, исмим Том Уайт деяпти, муҳтарам жаноблари, — деди бу юмшоққўнгил ўғрилар овчиси.

— У, ҳали гапиришни ҳам истамаяптиларми? — деди Фэнг. — Яхши, жуда соз. Қаерда тураркан у?

— Тўғри келган жойда, муҳтарам жаноблари! — деди полициячи, гўё бу гап ҳам Оливер ўзига жавоб қилгандек.

— Ота-онаси ҳаёт эканми? — суриштирди мистер Фэнг.

— У, мен жудаям ёшлигимда ўлиб кетишган, деяпти, мухтарам жаноблари, — дея жавоб қилди полициячи одатдагидек тусмоллаб.

Сўроқ шу ерга етганда Оливер бошини кўтарди-да, илтижоли ийгоҳ ташлаб қўйиб, аранг эшитиладиган қилиб бир қултум сув сўради.

— Бемаъни қилиқ! — деди мистер Фэнг. — Мени лақиллатаман деб хомтама бўлма!

— Назаримда, унинг ростдан ҳам тоби йўққа ўхшайди, мухтарам жаноблари, — эътироз билдирди полициячи.

— Менга яхшироқ аён, — деди мистер Фэнг.

— Ердамлашиб юборинг унга, полисмен, — деди кекса жентльмен беихтиёр қўлини ўша ёққа чўзиб, — ҳозир йиқилиб тушади.

— Четроқ туринг, полисмен! — қичқирди Фэнг. — Агар хоҳласа, майли, йиқилаверсин.

Оливер бу илтифотли изндан фойдаланиб, ҳушидан кетди-ю, шилқ этиб йиқилди. Шу ерда ҳозир бўлганлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-ю, бироқ бирорталари қимир этишга ботинмади.

— Муғамбирлик қилаётганини ўзим ҳам билиб тургандим, — деди Фэнг, бамисоли ушбу қол муғамбирликнинг рад этиб бўмас исботидек. — Қўяверинглар, шундай ётаверсин. Ҳадемай жонига тегади бу.

— Мазкур иш юзасидан қандай ҳукм чиқарасиз, сэр? — сўради суд ходими.

— Оддийгина! — жавоб қилди мистер Фэнг. — у уч ой қамоқ муддатига ҳукм этилади, турган гапки, оғир меҳнат қилишга. Хона бўшатилин!

Эшикни очишди, икки киши энди беҳуш болани қамоққонага олиб кетишга шайланган ҳам эдики, тўсатдан хонага эски қора камзул кийган, кўринишидан хушодоб, бироқ камбағалроқ кекса бир киши отилиб кирди-ю, судьянинг столига қараб юрди.

— Шошманглар! Олиб кетмай туринглар уни! Худо ҳаққи, бир дақиқагина шошманглар! — дея хитоб қилди янги келган киши, тез юрганидан қаллослаб.

Гарчандки бундай масканларда ҳукмронлик қилувчи руҳлар эрк-озодлик устидан, яхши ному обрўшан устидан, оз бўлмаса ҳазрати олийларининг фуқаролари (айниқса, фақир синфлар вакилларининг) ҳаёти устидан тўлиқ ҳамда чексиз ҳукмдорлик қилсалар-да ва гарчандки бу деворлар ичкарисида кунбақун ҳатто фаришталар кўз ёши тўккундай ақл бовар этмайдиган манзаралар содир бўлиб турса-да, матбуотда чиқиб қоладиган унча-мунча нарсани ҳисобга олмаганда<sup>1</sup> бу ишлар жамоатчиликдан пинҳон тутилади. Ана шу туфайлидан ҳам мистер Фэнг шунчалар нописандлик билан ушбу тартибни бузган бу чақирилмаган меҳмонни кўрганида ҳазилкамига аччиқланмади.

— Нима гап? Ким бу? Қувиб чиқарилсин бу одам! Хона бўшатилин! — ўшқирди мистер Фэнг.

— Мен гапирмоқчиман! — қичқирди у киши. — Мени қувиб чиқаришларига йўл қўймайман! Мен ҳаммасини кўрганман. Мен китоб дўкони эгасиман. Талаб қиламан, мени қасамёд эттиришсин! Менинг оғзимни юмиб қўёлмайсиэ. Мистер Фэнг, менинг гапларимга қулоқ солишингиз керак Йўқ демаслигингиз керак, сэр.

Бу киши ҳақ эди. Унинг авзойи қатъий, иш эса, босди-босди қилиб юборишнинг имкони қолмай, жиддий тус ола бошлаганди.

— Қасамёд эттиринглар бу одамни! — дея гоятда адоватли оҳангда тўнғиллади мистер Фэнг. — Хўш, нима гаплари бор айтадиган?

— Гап бундоқ: уч бола — ушланган ва яна икки бола — манави жентльмен китоб ўқиб турган пайтда кўчанинг нариги бетига ивирсиб юришганини ўзим кўрдим. Уғирлик қилган бошқа бола. Бу қандай бўлганини ўзим кўриб тургандим, иннайкейин, манави болакайнинг бутунлай ўзини йўқотиб, довдираб қолганини ҳам кўргандим.

Бу пайтга келиб китоб дўкони соҳиби сал нафасини ростлаб олган ва энди ўғрилиқ қандай шароитда содир бўлганини пича равон ҳикоя қила бошлаганди.

<sup>1</sup> Ақалли ўша замонларда шундай бўлган.

— Нега аввалроқ келмадингиз бу ерга? — сўради Фэнг бир нафас сукут сақлагач.

— Дўконни ташлаб келгани одам бўлмади, — жавоб берди дўкондор. — Менга ёрдам бериши мумкин бўлганларнинг бари қув-қувга қўшилиб кетишди. Беш дақиқа бурунроқ ҳам ҳеч кимни тополмадим қўйиб келгани, бу ёққа бўлса йўл бўйи югуриб келдим.

— Даъвогар китоб ўқиб турган экан-да, шундайми? — суриштирди Фэнг яна пича сукут сақлагач.

— Шундай, — жавоб берди дўкондор. — Қўлидаги, мана шу китобни.

— Худди шунинг ўзиними? — деди Фэнг. — Ҳақини тўлаганмиди ўзи?

— Йўқ, пулини бермаганди, — илжайиб жавоб берди китобфуруш.

— Е тангрим, бутунлай эсимдан чиқиб кетибди-ку, — соддадиллик билан китоб қилди фаромушхотир кекса жентльмен.

— Нимаям дердик, бағоят бохурмат зот эканлару ўзлари, яна шўрлик гўдакни айбдор қилиб юрибдилар-а! — деди Фэнг кулгини қистатадиган тарзда ўзини раҳмдил қилиб кўрсатишга уриниб. — Уйлайманки, сэр, сиз ушбу китобга шаънингизга доғ туширадиган ва шубҳа туғдирадиган вазиятда эга бўлиб олгансиз. Ўзингизни омадим бор экан, деб ҳисоблайверишингиз мумкин, зотан китоб эгасининг сизни судга бериш нияти йўқ кўринади. Ушбу ҳол сизга бир сабоқ бўлсин, азизим, йўқса одил суд ўзлари билан шуғулланиши ҳам мумкин хали... Бола оқланади... Хона бўшатилинсин!

— Жин урсин! — қичқириб юборди кекса жентльмен ортиқ газабини жиловлаёлмай. — Жин урсин! Мен...

— Хона бўшатилинсин! — деди ҳакам. — Полисменлар, эшитяпсизларми? Хона бўшатилинсин!

Буйруқ адо этилди. Жазаваси қўзиган, ғазаб ва нафратдан жони бўғзига келган мистер Браунлоуни бир қўлида китоб ва иккинчи қўлида ҳассаси билан хонадан чиқариб қўйишди. У ҳовлига чиқди-ю, шу ондаёқ жазаваси тарқадикетди. Кўйлаги тугмалари ечиқ, боши-чакқалари ҳўл митти Оливер Твист тош ётқизилган ҳовлида ётарди; юзи мурдадек оқарган, бутун аъзойи бадани қалтираятти.

— Бечора бола, шўрлик болагина-я! — деди мистер Браунлоу унинг устига энгашиб. — Извош! Илтимос, бирортанглар извош чақиринглар. Тезроқ!

Извош етиб келди, Оливерни авайлаб ўриндиққа ётқизишгач, кекса жентльмен иккинчисига ўтирди...

— Сиз билан бирга кетишимга рухсат этасизми? — илтимос қилди китобфуруш извош ичига мўралаб.

— Е тангрим, албатта-да, қадрдон! — тез жавоб қилди мистер Браунлоу. — Сизни унутибман. Э худойим-а, худойим-а! Бу бахти қаро китоб ҳанузгача қўлимда экан-ку! Тезроқ чиқа қолинг! Бечора болакай! Бирон дақиқани беҳуда кетказиб бўлмайди.

Китобфуруш усти ёпиқ извошга чиқди ва улар йўлга тушишди.

## XII боб

*Оливерга умри бино бўлганидан берига кўрмаган ғамхўрликни кўрсатганлари ҳақида ва яна қувноқ кекса жентльмен билан унинг ёш дўстлари тўғрисида ҳикоя қилади*

Извош деярли Оливер Туллак ҳамроҳлигида илк марта Лондонга кириб келган ўша йўлдан тарақа-туруқлаб бориб, Излингтондаги «Фаришта»га етгач, бошқа томонга бурилди ва ниҳоят, Пентонвил яқинида, сердарахт осуда кўчадаги озодагина уй олдида тўхтади. Бу ерда дарҳол Оливер учун ўрин тўшалди, ёш дўстини унга авайлаб ётқизишларини мистер Браунлоунинг шахсан ўзи кузатиб турди; бу ерда болакайга бениҳоя меҳру оқибат ҳамда ғамхўрлик билан парвона бўлдилар.



Бироқ Оливер дўстларининг меҳрибончиликларини талай кунларгача сезмай-пайқаймай ётди. Қуёш чиқаверди, яна ботаверди, бу талай марта давом этди; бола эса ҳамон илгаригидек танни қақшатадиган иситма хуружида ўринда тўлганиб ётаверди. Қурт-қумурсқа мурда танасида ўз юмушини бу тирик вужуд бўйлаб имиллаб ўрмалаётган ҳароратчалик ишонч-ла адо этолмайди.

Жони қилтиллаб, эти устухонига ёпишиб кетган ва рангида ранг қолмаган болакай бамисоли йилдай узоқ давом этган беҳаловат уйқудан уйғонгандай булди.

— Бу қанақа хона? Мени қаерга олиб келишди? — сўради Оливер. — Мен бу ерда сираям ухламагандим.

У ниҳоятда қолдан тойган ва заифлашганди, шу боис бу сўзларни шивир-лабгина айтди-ю, лекин шу захотиёқ уни эшитишди. Дарров каравотнинг бош томонидаги парда сурилди ва шундоққина каравотга тақаб қўйилган юмшоқ курсида чеварлик қилиб ўтирган озода ҳамда одмигина кийинган меҳрибон кекса хоним ўрнидан турди.

— Жим, бўталоғим, — деди кекса хоним меҳрибонлик билан. — Тинч, қимир этмай ётишинг керак, бўлмаса тагин мазанг қочиб қолади. Аҳволинг жудаям чатоқ эди, шундоқ чатоқ эдики, бундан баттари бўлмайди. Ет, ақлли бола бўл!

Шу сўзлар билан кекса хоним Оливернинг бошини авайлабгина яна қайта ёстиққа қўйди-да, пешонасига тушган сочини суларкан, унга шундай бир меҳрибонлик ва кўнгилчанлик билан тикилдиди, болакай нимжон қўли-ла хонимнинг қўлидан ушлаб, беихтиёр ўзининг бўйнига чирмаштирди.

— Ўзингни раҳминг келсин, эй худойим! — кўзларида ёш милтиллаб деди кекса хоним. — Қандай оқкўнгил, қандай яхши бола экан-а! Борди-ю, менинг ўрнимда шунча пайтдан бери бошида онаси ўтирган бўлса-ю, унга ҳозир мана шундай тикилса нақ юракчаси ёрилиб кетармиди-я!

— Балки у ҳозир мени кўриб тургандир, — шивирлади Оливер қўлларини кўксига қовуштириб. — Балки у тепамда ўтиргандир. Назаримда нукул бошимда ўтирганга ўхшаб кўринаверди.

— Иситмада шундай кўринган сенга, жонгинам, — деди кекса хоним мулоимгина.

— Эҳтимол, — жавоб берди Оливер, — чунки осмон биздан жудаям узоқда, у ёқда бўлса улар жуда бахтиёр яшашади, касал боланинг тепасига келиб ўтиришга вақтлари бормиди дейсиз. Шундаям мени касаллигимни билсалар ўшоқдаям ачинган бўлардилар, ўлимлари олдида ўзлариям қаттиқ касал эканлар-да, ахир. Айтмоқчи, мен тўғримда ҳеч нимани билолмайдилар бари бир, — озроқ сукутдан сўнг қўшиб қўйди Оливер, — Мени хафа қилишаётганини кўрганларидами, жудаям қайгурган бўлардилар, лекин тушимда кўрганимда доим бахтиёр ва меҳрибон бўладилар.

Кекса хоним ҳеч нима демади; олдин кўзларини, кейин эса адёл устида ётган кўзойнагини (гўё у кўзларининг ажратиб бўлмайдиган бир қисмидай) артди-да, Оливерга аллақандай одамни муздек қиладиган ичимлик берди, сўнгра юзини силай туриб, қимирламай ётиши зарурлигини, йўқса тагин тоби қочиб қолишини уқтирди.

Оливер қисман бу меҳрибон кекса хонимнинг ҳамма айтганларини сўзсиз бажариш, қисман эса, ростини айтганда, ҳозирги суҳбатдан кейин ниҳоятда мадори қуригани сабабли қимир этмай ётарди. Ҳадемай мудраб кетди, бир пайт тўшаги ёнига келтириб қўйилган шам шуъласидан уйғониб, қаттиқ-қаттиқ чиқиллаётган каттақон олтин соатни ушлаган қўйи ўзининг томир уришини текшираётган жентльменни кўрди, у киши, бола анча тузалиб қолибди, деди.

— Анча тузалиб қолдинг-а, шундай эмасми, бўтам? — деди ўша жентльмен.

— Ҳа, раҳмат сизга, — жавоб берди Оливер.

— Дуруст бўлиб қолганингни кўриб турибман, — деди яна ўша жентльмен. — Иннайкейин, қорнинг ҳам очқаб турибди-я, тўғрими?

— Йўқ, сэр, — жавоб қилди Оливер.

— Ҳм! — деди жентльмен. — Овқат егинг келмаётганини ўзим ҳам биламан. Унинг иштаҳаси йўқ, миссис Бедуин, — деди жентльмен донишмандона қиёфада.

Кекса хоним эҳтиром-ла бош эгиб қўяр экан, бу билан докторни ғоятда

доно одам деб ҳисоблашини англатаётгандай бўлди. Афтидан, докторнинг узи ҳам шу фикрда эди.

— Нукул уйқинг келаверади, тўғримасми, болакай? — деди доктор.

— Йўқ, сэр, — жавоб қилди Оливер.

— Шундоқ дегин! — деди доктор ниҳоятда мамнун ҳамда закиёна бир киефада. — Сени ҳадеб уйқу ҳам босавермайди. Кейин, сув ичгинг ҳам келмайди-я.

— Сув ичгим келади, сэр, — жавоб берди Оливер.

— Ўзим ҳам худди шундай деб ўйлагандим, миссис Бэдуин, — деди доктор. — Сув ичгиси келгани жудаям табиий. Унга озроққина чой, кейин ёғсиз бўғирсоқ берсангиз бўлади, хоним. Жудаям унақанги иситиб юборадиган қилиб қалин буркаб қўйманг, илло эҳтиёт бўлинг, совқотиб ҳам қолмасин.

Кекса хоним тиз букиб, таъзим бажо келтирди. Доктор тетиклантирадиган ичимликдан тотиниб, уни мақтаб қўйди-да, шошилиш чикиб кетди; у пиллапоядан тушаётганида бошмоқлари қаттиқ ва олифтахасига ғарчиллагани эшитилиб турди.

Шундан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай Оливер яна мудраб кетди, уйгонганида эса ярим кеча бўлиб қолганди. Кекса хоним эркалатиб хайрли тун тилаб, уни кичкинагина дуолар китобчаси билан каттакон тунг қалпоқ ўралган тугунчасини кўтариб ҳозиргина кириб келган семиз кампирнинг измида қолдириб, чиқиб кетди. Кампир қалпогини бошига қўндириб, дуолар китобчасини столга қўйгач, кечаси унга қараб тургани келганини айтди, кейин курсини каминга яқинроқ сурди-да, уйқуга кетди; уйқуси бўлса дам-бадам бузилиб турарди, нега деганингизда худди дон чўкиётган товукдек боши мункиб-мункиб кетар, ихраб-инқиллар ва пихилларди. Дарвоқе, у бундан ҳеч қанақанги зиён-заҳмат чекмаётганди, фақат вақти-вақти билан уйғониб кетиб, бурнини қаттиқ-қаттиқ ишқаб қўярди-да, тагин уйқуни ураверарди.

Тунги соатлар имиллаб ўтарди. Оливер алламақалгача қамиш шам\* шуъласи тушиб шифтда ҳосил бўлган ва липиллаётган ёруғ доирачаларни санаб, ёхуд ҳорғин нигоҳи-ла деворга ёпиштирилган гулқоғозларнинг ажи-бужи расмларини томоша қилганча ухламай ётди. Хонани ўз оғушига олган ғира-ширалик ва осудалик ваҳимали тантанаворлик касб этарди. Улар боланинг кўнглига талайгина туну кунлар мобайнида бу ерда ажал кезиб юрган, эҳтимол, ҳозир ҳам унинг бу ерда бўлганидан далолат берувчи даҳшатли изи сақланиб қолгандир, деган қутқули фикрни солиб турарди: бола юзини ёстиққа босганича, зўр бериб дуо ўқишга тушиб кетди.

Ахийри у яқингинада чекилган изтироблардан кейингина келадиган қаттиқ ва хотиржам, бузиш азоб берадиган оромбахш, тинчу осуда уйқуга кетди. Башарти ўлим шундай бўладиган бўлса, яшаш учун курашмоқ, ҳаётнинг шу топдаги жамики ташвиш-ғамларини чекмоқ, келажаги ташвишини тортмоқ ва аввало, ўтмишининг оғир хотиротларини ёдламоқ учун қайтадан тирилишни ким ҳам истарди дейсиз!

Оливер кўзини очганида аллақачон тонг отиб бўлганди; у ўзини тетик ва бахтли ҳис этди. Касалнинг хатарли даври муваффақиятли ўтиб бўлганди. Оливер яна ҳаётга қайта бошлаганди.

Орадан уч кун ўтди, у атрофига ёстиқ қўйиб креслода ўтира оладиган бўлди; лекин ҳамон камқувват бўлгани ва юра олмаслиги туфайлидан миссис Бэдуин — рўзгор бошқарувчи — уни пастга, ўзи турадиган мўъжазгина хонага кўтариб олиб тушди. Бу ерда уни камин олдига ўтқазиб, меҳрибон кекса хонимнинг ўзи ҳам ўтирди-да, боланинг ўзини яхши ҳис қилаётганидан хурсанд бўлиб, ҳазилакамига йиглаб олмади.

— Менга парво қилма, болажоним, — деди кекса хоним. — Бир йиглаб юрагимни бўшатиб олмоқчиман... Мана, бўлди, тамом, менинг ҳам кўнглим чироқдай ёришиб кетди.

— Сиз жуда, жудаям меҳрибонлик қиляпсиз менга, хоним, — деди Оливер.

— Қўй-қўй, буни каллангдан чиқариб ташла, болажоним, — деди кекса хоним. — Шўрванга буни сираям алоқаси йўқ, сен бўлсанг уни аллақачон ичиб олишинг керагиди, нимага десанг, доктор мистер Браунлоуга бугун эрталаб сени кириб кўришига рұхсат берган, шунинг-чун афт-ангоринг жойида

бўлиши керак: ранги рўйинг қанчалик яхши бўлса, у шунчалик хурсанд бўлади.

Шундай дея кекса хоним кастрюлькадаги талайгина қайнатма шўрвани илитишга киришди, шўрва шунчалик қуюқ ва мазали эдики, Оливернинг фикрича бу шўрвага ўринлатиб сув қўшилса, кам деганда уч юз эллик қашшоққа тушлик овқат ўрнида ўтиши мумкин эди бемалол.

— Сен суратни эқтирасанми, болагинам? — деб сўради кекса хоним Оливернинг ўзи ўтирган креслонинг рўпарасида, деворда осиб турган суратга тикилаётганини пайқааб.

— Рости, ўзим ҳам билмайман, хоним, — жавоб берди Оливер расмдан кўзини олмай. — Суратни жуда кам кўрганман, шунинг-чун ўзим ҳам яхши билмайман. Бу хонимнинг юзи жудаям чиройли, мулойим экан-а!

— Бе-е! — деди кекса хоним. — Сураткашлар хонимларни ҳаммиса аслдагига қараганда чиройлироқ қилиб чизишади; бўлмаса ҳеч ким суратини буюртирмайди-да, болагинам. Сурат оладиган машинани ўйлаб чиқарган одам ўша машинаси муваффақият қозонолмаслигининг фаҳмига етиши керагиди. Нега деганинда, у борини, ҳа, қозонда борини чўмичга чиқаради-қўяди, — деди кекса хоним ўзининг ўткир сўз топганига чин дилдан қувониб.

— Бу... бу қўлда чизилганми, хоним? — сўради Оливер.

— Ҳа, — деди кекса хоним бир нафасгина шўрвадан диққати чалғиб, — бу портрет.

— Кимники, хоним? — сўради Оливер.

— Очиги, билмайман, болажоним, — очиқкўнгиллик билан жавоб қилди кекса хоним. — Менимча, суратдаги бу хонимни икковимиз ҳам танимасак керак. Чогимда сурат сенга ёқиб қолганга ўхшайди, а?

— Жудаям чиройли экан, — деди Оливер.

— Тагин ундан чўчиётган бўлмагин? — сўради кекса хоним, болақайнинг суратга қандайдир бир ихлос, айти чоғда ҳадик-ла жавдираб тикилаётганини кўриб бағоят таажжубланар экан.

— Йў-ўқ! — тез жавоб қайтарди Оливер. — Кўзлари жуда қайғули экан, кейин мен ўтирган жойдан нуқул юзимга тикилаётганга ўхшаб кўриняпти. Шундан бўлса керак, юрагим гусура-гусур уриб кетяпти, — деб қўшиб қўйди Оливер шивирлаб, — худди бу суратнинг жони бор, мен билан гаплашгиси келаётибди-ю, лекин гапиролмаётганга ўхшайди.

— Худованди каримнинг ўзи кечирсин-а! — дея хитоб қилди кекса хоним, бир сесканиб тушаркан. — Бунақа дейиш яхшиямас-а қўзичоғим. Ҳали заифсан, иннайкейин, касалдан кейин асабларинг ҳам ҳали жойига тушгани йўқ. Кел, креслонингни нариги девор томонга суриб берай, ана унда кўринмайди сенга. Мана бундоқ! — деди кекса хоним ўйлаган режасини амалга ошириб. — Мана энди уни кўрмайсан.

Оливер уни, гўё жойини ўзгартирмагандек, руҳияти, — дил кўзлари билан яққол кўриб турарди; бироқ меҳрибон кекса хонимни ранжитгиси келмади; шу боисдан ҳам у хоним юзига қараганида мулойимгина жилмайиб қўя қолди. Уни тинчланди деб суюнган миссис Бэдуин ёса шўрвага туз солиб, қоқ нондан ташлади; ана шу тантанавор тадорик-тадбирни куйди-пишдилик билан адо этди. Оливер шўрвани ҳаш-паш дегунча суробини тўғрилади. Охирги қошиқдаги шўрвани ютиб бўлар-бўлмасидан эшик астагина тикиллади.

— Кираверинг, — деди кекса хоним.

Шундай дейиши биланоқ мистер Браунлоу кириб келди.

Кекса жентльмен хонага дадил кириб келди-ю, лекин Оливерга тузукрок тикилиш учун кўзойнагини пешонасига кўтариб, қўлларини ҳалати остидан ортида чалмаштиргани заҳоти афти ғалати бир тарзда учиб-учиб қўя бошлади. Оливер дарддан сўнг тинка-мадори қуриган ва ранги ниҳоятда синиққан кўринарди. У ўз валинеъматига ҳурмати юзасидан турмоқчи бўлиб уринди-ю, аммо бу уриниши қайтадан креслога шилқ этиб тушиш билан тугади. Башартиқи ҳақиқатни айтадиган бўлсак, мистер Браунлоунинг инсонпарварликка мойиллиги беш-ўн чоғли кекса жентльменга етгулик улкан қалбдаги алақандай бир ички туйғу кўзларига ёш қалқтирди, етарли даражадаги файласуф бўлмаганимиз туфайлидан бунинг қандай туйғу эканини тушунтириб беришдан бош торта-миз.

— Бечора бола, шўрлик гўдаккина-я! — томоқ қира-қира деди мистер Браунлоу. — Бугун десангиз, миссис Бэдуин, томоғим пича бўғилиб қолибди. Шамоллаб қолдиммикин, деб чўчиб турибман-да.

— Худо асрасин-а, сэр, ундаймасдир-ов, — деди миссис Бэдуин. — Ҳамма буюмларингиз яхшилаб қуритилганди, сэр.

— Билмадим, Бэдуин, билмадим, — деди мистер Браунлоу. — Наадимда, кеча тушлик пайтида менга ҳўл сочиқ беришгандай бўлишганди, лекин бунинг аҳамияти йўқ... Аҳволинг қалай, тузукмисан, бўталоғим?

— Жуда яхши, сэр, — жавоб қилди Оливер. — Менга кўрсатаётган меҳрибончилигингиз учун раҳмат сизга, сэр.

— Ажойиб бола... — деди мистер Браунлоу қатъий. — Бирон нима бердингизми унга, Бэдуин? Суюққина шўрва-пўрва ичирдингизми?

— Сэр, у ҳозиргина қобили қайнатма шўрвадан бир тақсимчасини ичиб олди, — миссис Бэдуин қаддини ғоз тутиб жавоб бераркан, суюққина шўрва пазандалик ила тайёрланган қайнатма шўрва билан икки дунёда ҳам тенглаша олмаслигига шама қилди.

— Уҳ! — деб қўйди мистер Браунлоу елкаларини учуриб. — Яхши портвейндан икки қадаҳгинаси ундан кўра кўпроқ фойда қилган бўларди болага. Тўғримасми, Том Уайт?

— Менинг исмим Оливер, сэр, — деди кичкина бемор ҳайрон бўлиб.

— Оливер, — такрорлади мистер Браунлоу. — Оливер, ҳўш, у ёғи-чи? Оливер Уайт, шундайми?

— Йўқ, сэр, Твист; Оливер Твист.

— Ғалати исми-шариф! — деб қўйди кекса жентльмен. — Нимага унда судьяга Уайт дединг?

— Мен унга бундай деганим йўқ, сэр, — эътироз билдирди Оливер эсанкираб.

Унинг бу гапи шунчалик ёлгонга ўхшаб кетдики, оқибатда кекса жентльмен ниҳоятда жиддий тикилди. Болага ишонмаслик ақлга тўғри келмасди шу топда: этсиз, латиф чеҳрасида ростгўйлик акс этиб турарди.

— Қандайдир тушунмовчилик бўлибди-ку! — деди мистер Браунлоу.

Унинг Оливерга тикилиб туриш учун бошқа асоси қолмаганди, бироқ шу топда боланинг қайсидир таниш чеҳрага ўхшашлиги ҳақидаги фикр кекса жентльменни қайтадан шундай бир куч-ла банд этиб олгандики, қария сира ундан кўз узолмасди.

— Мендан жаҳлингиз чиқмаётган бўлса кераг-а, сэр? — сўради Оливер унга илтижо-ла жавдираб.

— Асло! — деди кекса жентльмен. — Бу қанақаси бўлди?.. Бэдуин, бир қаранг-а!

Шундай деркан, у шоша-пиша боланинг тепасидаги суратни, кейин Оливернинг башарасини кўрсатди. Қуйиб қўйгандек ўзгинаси. Уша суратдаги юз бичими. ўша кўз, ўша манглай, ўша оғиз. Юз ифодаси нақ ўзгинаси, бамисоли ҳар битта чизиқ заргарона санъат билан кўчириб қўйилгандай!

Оливер бундай тасодикий китобнинг боисини билолмади, зеро бунинг оқибатида келиб чиққан асабий ҳаяжонга дош берадиган қуввати йўқ эди ҳали, шул сабаб у ҳушдан кетди.

Унда намоён бўлган заифлик ҳозирча болани ҳоли қолдириб, китобхоннинг қувноқ кекса жентльменнинг икки ўспирин шогирдига бўлган қизиқсинишини қондириб, Туллак ва унинг муҳтарам дўсти ёш Бейтснинг юқорида тавсиф этганимиздек, мистер Браунлоуга қарашли хусусий буюмни ғайриқонуний равишда ўзлариники қилиб олганлари оқибатида бошланган таъқибда қатнашиб, Оливер кетидан қуваётган пайтларида ўз жонлари ғамини ейишдек мақтовга лойиқ туйғу измида бўлганлари тўғрисида ҳикоя қилиш имконини беради. Башартиқи ҳақиқий инглиз энг аввало ва ниҳоятда мағрурланиб, ўз граждандлик эрк-ихтиёрию шахс эркинлиги билан мақтаниб юрар экан, у чоқда Туллак ҳамда ёш Бейтснинг хатти-ҳаракати (ўз тинчлигию ҳаловати ташвишги ни чекаётганининг ушбу рад этиб бўлмас далил-исботи, баъзи теран фикрли файласуфлар Табиат деб аталмиш фариштаннинг бутун фаолият-қилмишларини асос қилиб олган мўъжазгина қонунлар мажмуаси қайд ва тасдиқ этгани каби) жамики

жамоат арбобларию ватанпарварлар кўзи ўнгида ошналарнинг мавқе-эътиборини бир поғона кўтариши лозим эканига китобхон диққатини тортиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса кераг-ов! Ҳозиргина зикр этиб ўтганимиз файласуфлар ўша сахий фариштаннинг фаолиятини назария ва тартиб-қоидаларда гоёта донишмандларча мужассам этиб, унинг теран даҳоси, оқилу фозиллигига серилтифот, хушёқар ҳамду сано ўқиганлару, аммо унга юракка, олижаноб тилагу майлга ҳамда ҳис-туйғуларга доҳил жамики нарсани мутлақо йўлатмаганлар. Зотан, ушбу сифату фазилатларни умумнинг ризолиги-ла ўз жинсига хос беҳисоб майда-чуйда қусуру ожизликлардан устун туради, деб тан олинган фаришта учун мутлақо номуносиб ҳисоблаганлар.

Мабодо каминалари учун фалсафий жиҳатдан бу ёш жентльменларнинг хулқ-атворларига нафи тегадиган бирорта далил-исбот зарур бўлганидами, камина шу замоноқ (ушбу ҳикоятимизнинг олдинги бобида айтиб ўтилган) бир далилни, яъни ҳамманинг диққат-эътибори Оливерга қаратилгач, уларнинг таъқибни бас қилиб, дарҳол энг қисқа йўл билан уйга қайтганларини мисол келтирган бўлардим. Камина маълуму машҳур, ҳамма нарсдан бохабар донолар буюк фикр-хулосаларга элтгувчи сўқмоқларни қисқартириш одатига эгалар, деб даъво қилмоқчи эмасману (аслида, улар кўпроқ мавзудан чалғитувчи турлича эзмалик ва иккиланишлар ёрдамида, қоришиб, гужгон ўйнаб кетган фикр-ўйлари тазийқи остида қолган маст кишилардай, масофани узоқлаштиришга мойилдирлар), бироқ шуни айтиш ниятидаман ва буни ишонч билан қайд этаманки, талай буюк файласуфлар назарияни ривожлантира туриб, ўзлари учун заррача бўлсин хавф туғдирадиган жамики тасодифларга қарши олдиндан чора кўриб қўядилар ва бу билан беқиёс донишмандлик ва тадбиркорликларини намён этадилар. Шу тариқа, улгувор эзгулик яратмоқ учун сиз кичкинагина ёмонлик қилиш ҳуқуқига эгасиз, олдингизга қўйган ният-мақсадингиз пировардида бемалол оқлай оладиган ҳар қандай тадбиру усулни қўлласангиз бўлаверади. Яхшилик даражаси билан ёмонлик даражасини, ҳатто улар орасидаги тафовутни аниқлаш бутунича бундан манфаатдор файласуфнинг инон-ихтиёрига бериб қўйилади, зотан у ҳар бир айрим воқеа-ҳодисани оқилона, аниқ ҳамда холисанлилло тақлилу тадқиқ йўли билан аниқлайверсин.

Иккала бола тору ҳовлию жинкўчалардан гизиллаганча ўтиб бориб, пастак ва гира-шира дарвозахонага етганларидагина тўхташга журъат этишди. Бу ерда нафасни ростлаб яна гапира оладиган ҳолатга келгунларича қанча вақт зарур бўлса, роппа-расо шунча вақт миқ этмай туришди, кейин ёш Бейтс шўхлиги тутиб, қийқириб кулганча, ўзини таппа пиллапояга ташлади-ю, завқи жўшиб у ёқдан-бу ёққа ағанайверди.

— Нима бўлди? — суриштирди Туллак.

— Ха-ха-ха! — хохоларди Чарли Бейтс.

— Юм оғзингни, — буюрди Туллак эҳтиёткорлик билан атрофга аланглаб. — Нима, илантириб кетишларини хоҳлаяпсанми, аҳмоқ?

— Ҳеч ўзимни тўхтатолмаётибман, — деди Чарли, — ўзимни тўхтатолмаётибман. Қандоқ жуфтаки ростлаганини қара, муюлишдан бурилди-ю, йўл четидаги устунга урилиб кетди, ўзиям худди устунга ўхшаб темирдан ясалгандай, яна ўпкасини қўлтиқлаганча туёгини шиқиллатаверди, рўмолча бўлса менинг киссамда, ўзим бўлсам кетидан, ушланглар, деб бақириб ётибман. Э худойим-эй!


Еш Бейтснинг тасавури бутун манзарани ҳаддан зиёд ёрқин бўёқларда жонлантирган эди. Шундай дея хитоб қилгач, у яна пиллапояда у ёқдан-бу ёққа думалаганича, баттарроқ хохолайверди.

— Феджин нима дейди энди? — деб сўради Туллак шериги кулавериб нафаси тикилиб қолган пайтдан фойдаланиб.

— Нима? — қайтариб сўради Чарли Бейтс.

— Худди шу — нима бўлди дейишини айтяпман-да, — такрорлади Туллак.

— Хўҳ, у нима дейиши мумкин? — сўради Чарли хурсандчилиги бирдан ичига тушиб кетиб, нега деганингизда Туллакнинг авзойи жиддий эди. — Нима дейиши мумкин?



Мистер Даукинс бир-икки дақиқа ҳуштак чалиб турди, сўнгра шляпасини ечиб, бошини қашиб, уч карра бош ирғаб қўйди.

— Нима демоқчисан ўзи? — сўради Чарли.

— Тара-ла-бедод! Бемаъни гап бўлди-ку, жин ургур! — деди Туллак. Шу аснода унинг ақлли башарасида истеҳзоли кулги пайдо бўлди.

Бу. — одамни қаноатлантирмайдиган шарҳлов бўлди. Еш Бейтс айнан шундай деб топди ва такроран сўради:

— Нима демоқчисан ўзи?

Туллак жавоб бермади; шляпасини кийиб, узун камзули барини баланд-роқ кўтарди-да, одатича тили билан лунжини олти мартача гурра қилиб шишириб кейин маънодор қилиб қаншарига шарақ эткизиб туширди-ю, товонида чир айланганича ҳовлига уриб кетди. Еш Бейтс ўйчан қиёфада орқасидан эргашди.

Ана шу суҳбатдан бир неча дақиқа ўтгач, гижилдоқ зинапоядан келаётган одим шарпалари ўчоқ олдида чап қўлида арзон колбаса билан нон, ўнг қўлида эса буклама пичоқни ушлаб ўтирган кекса қувноқ жентльменнинг диққатини тортди; учоёқда қалайи кастрюлька турарди. У қайрилиб қараб қўйди, кейин бароқ малла қошлари остидан сергаклик билан тикилган кўйи эшикка томон бурилиб, қулоқ сола бошлаганида заҳил юзига жирканч бир иршайиш қалқди.

— Қанақаси бўлди бу? — мингирлади жуҳуд авзойи ўзгариб. — Иккитаси қайтибдими? Учинчиси қаёқда қолдийкин? Ишлари пачава бўлиши мумкин-масди-ку.

Одим шарпалари тобора яқинлашиб келарди; мана, деярли зинапояннинг тепадаги майдончасидан эшитиляпти. Эшик астагина очилди, Чарли Бейтс билан бирга ичкари кирган Туллак уни ёпиб қўйди.

## XIII боб

*зийрак китобхонни янги шахслар билан таништиради; шу муносабат билан мазкур ҳикоятга тааллуқли турли қизиқарли нарсалар ҳақида ҳикоя қилади*

— Оливер қани? — дагдағали қиёфада сўради жуҳуд ўрнидан сапчиб тураркан. — Бола қани?

Еш ўғриваччалар ўз устозларига, унинг кескин ҳаракатларидан таҳликага тушиб тикилишар экан, хавотирда бир-бировларига қараб қўйишди. Аммо улар чурқ этиб жавоб қайтаришмади.

— Болага нима бўлди? — дея қичқирди жуҳуд Туллакнинг ёқасига чанг солиб, кейин куракда турмайдиган ҳақоратли сўзлар билан сўка кетди. — Жавоб бер, бўлмаса бўғиб ўлдираман!

Мистер Феджин мутлақо ҳазиллашмаётганди, шунда ўз хавфсизлиги ғамини ейишни маъқул билган ва кейин ўзининг ҳам бўғилиб ўлиш навбати келиши тайин эканини кўриб турган Чарли Бейтс тиз чўқди-ю, қутурган буқа билан карнайнинг ўкириғи оралиғидаги ўкириққа ўхшаш овозда қаттиқ, тўхтамай бўкираверди.

— Гапирасанми, йўқми? — овози борича бақирди жуҳуд, Туллакни у шундай куч билан силкилардики, боланинг нега кенг камзули ичидан отилиб чиқиб кетмаётгани бир мўъжизадек туюларди.

— Исковучлар илтириб кетишди, бор гап шу! — деди Туллак зарда билан. — Қўйворинг мени, эшитяпсизми!

Туллак бир юлқиниб, кенг камзулини жуҳуднинг қўлида қолдирганча ичидан сурғилиб чиқди-ю, бўғирсоқ қовурадиган санчқини ола солиб, кекса қувноқ жентльменнинг нимчасини мўлжаллаб туриб даф қилди; мабодо бу ҳамласи муваффақиятли чиққанда борми, қария анча-мунча қувноқлигидан айрилиши турган гап эди, кейин унинг ўрнини тўлдириш осон бўлмасди.

Айнан шу таҳликали лаҳзада жуҳуд бундай заиф ва тўкилиб тургандай

кўринган одамдан кутиш қийин бўлган бир чаққонлик билан четга сапчиди-ю, кўзани ола солиб, рақиб бошини мўлжаллаб баланд кўтарди. Бироқ худди шу сонияда Чарли Бейтс ростдан ҳам одамнинг капалагини учуриб юборадиган бўкириғи билан диққатини тортиб қолди-ю, чол тўсатдан фикридан қайтиб, кўза билан ёш жентльменлардан ўшанисини туширди.

— Бу қанақанги машмаша! — дея тўнгиллади кимдир. — Буни ким улоқтирди? Яхшики кўзани ўзиямас, ичидаги пивоси тегди менга, бўлмаса бирорталарингни абжақларингни чиқариб қўярдим-а!.. Худди шундоқ! Бу жин чалиб, жаббор ургур бой, талончи, қари жуҳуддан бошқа ким ҳам шундоқ ичимликни увол қиларди! Эҳтимол, сувни тўкар, ўшандаям мабодо ҳар уч ойда Водопровод компаниясини алдаб турсагина... Нима гап, Феджин? Оббо, шарфим пиво тегиб шилтаи шалаббо бўлди-да!.. Бери кел, ҳой пасткаш махлуқ, худди ўз эгандан уялаётгандай, нимага эшикнинг орқасида ўралашяпсан. Кир бу ёққа!

Бу сўзларни айтаётган нусха ўттиз беш ёшлар чамасидаги қора чийдухоба камзул, исқирт калта чолвор, тизимчали бошмоқ ва кулранг ип пайпоқ кийган барваста йигит бўлиб, пайпоғи остидан болдири бўртиб турарди — башарти уни кишан бебаб турмаган бўлса бундай кийинилганда унақанги оёққа нимадир етишмаётгандай туюлади ҳамиша. Йигитнинг бошида жигарранг шляпа; бўйнига ўраб олган олачипор шарфининг узун учи билан эса пиво сачраган афтини артарди. Бу ишини тугатаркан, дағал, япасқи юзи кўринди, соқоли эса бир неча кундан буён устара кўрмаган; кўзлари ғамгин; бир кўзи теграсини яқиндагина еган зарбасидан далолат берувчи ранг-баранг доғ-дуғлар қуршаб олган.

— Бу ёққа деяпман, эшитяпсанми? — тўнгиллади бу ёқимтой нусха.

Хонага тумшуғи тирналган, оппоқ бароқ жунли ит жилпанглаб кириб келди

— Нега олдинроқ кирмадинг? — деди йигит. — Мен билан одамларнинг кўзига кўринишдан ор қиладиган бўлиб, жуда-а димоқлари шишиб кетибди-да, а? Ёт!

Буйруқ тепки ҳамроҳлигида янгради, жонивор ит хонанинг нариги бурчига бориб тушди. Лекин ит бунга кўникиб кетган шекилли: жимгина, ғинг демай, совуқ кўзларини ҳар дақиқада йигирма марталаб пириллатиб юмиб-очганча бурчақда пусибгина ёта қолди, у гўё хонани назардан ўтказишга жазм қилганга ўхшарди.

— Нималар қиялпсиз бу ерда: курумсоқ, очофат, ебтўймас чол, ўғирлик моллар гумдончиси, болакайларни қийнаб ётибдиларми дейман-а? — сўради барваста йигит, хотиржамгина курсига чўкар экан. — Буларнинг шу пайтгача сизни гумдон қилиб қўя қолишмаганига ҳайронман! Уларнинг ўрнида бўлсам, албатта шундоқ қилардим! Ҳа, аллақачон шундоқ қилган бўлардим, сизнинг шогирдингиз бўлганимда... ва... э-йўқ, сотолмасди сизни, нимагаям ярардилар ўзлари?! Фақат ноёб бедаво нусха сифатида шиша банкада асраса бўларку-я, лекин бунақанги катта шиша банкларни ясашмайди чоғи.

— Секинроқ, — деди жуҳуд қалтираб. — Мистер Сайкс, бунақанги шангилламанг.

— Қўйинг ўша мистер-пистерларингизни! — жавоб қайтарди барваста йигит. — Мана шунақанги баландпарвоз гапира бошладингиз дегунча доим дилингизда биронта шум ният бўлади. Менинг исми шарифимни биладилар ўзлари, шундоқ экан, ўз отимни айтаверинг-да! Бақти-соати етганда унга доғ туширмайман, ишонаверинг!

— Баракалло, айни ҳақ гап, Билл Сайкс, — деди жуҳуд қабиҳона ялтоқлик билан. — Кайфиятингиз бузуқ кўринадимми, Билл?

— Балким шундайдир, — жавоб қилди Сайкс. — Мен сизга айтсам, ўзлариниям кайфиятлари жойидамасроқ шекилли, ёки кўзани улоқтирганда ҳеч кимга зиён келтирмайман деб ҳисоблайдиларми ёки...

— Эсингиз жойидами ўзи? — овозини хиёл баландлатди жуҳуд йигитнинг енгидан ушлаб, болалар томонга ишора қилиб.

Мистер Сайкс чап қулоғи остида хаёлий тугунни тугиб қўйгандек бир ҳаракат билан кифояланиб, бошини ўнг елкасига қийшайтирди, жуҳуд бу сўзсиз ишорани жуда яхши тушунди чамаси. Кейин мистер Сайкс бутун гап-боши тушуниб бўлмайдиган сўзлар билан тўлиб-тошган лаҳжада — агар бу сўзларни



шу ерда келтирадиган бўлсак, бари бир мутлақо тушунилмай қолиши турган гап — бир қадахгина ичимлик талаб қилди.

— Лекинга заҳар солишни хаёл қилиб ўтирмасинлар-а, — деди у шляпасини столга қўяр экан.

Бу гап ҳазил тариқасида айтилган эди, аммо у жухуднинг дарғазаб чимирилиб, қони қочган лабини тишлаганча буфетга қараб ўгирилиб олганини кўрганида борми, эҳтимол калласига, эҳтиёткорлик кекса қувноқ жентльмен учун ҳам ортиқчалик қилмайди, ҳар қалай, ичимлик қувватини ошираман, деб янглишиб кетиши ҳам мумкин-ку, деган ўй келармиди.

Мистер Сайкс икки-уч қадах отиб олгач, ёш жентльменларга эътибор қилишдек илтифот кўрсатдилар; у киши томонларидан кўрсатилган илтифот шундай суҳбатга олиб келдиким, оқибатда Оливернинг қўлга тушишининг барча сабабу тафсилотлари — фақат Туллак мазкур шароитда зарур ва ўринли деб санаган баъзи кўшиб-чатишлару ўзгартишлар билан, биттама-битта, батафсил баён қилинди.

— Ишқилиб, оғзидан бирон нимани гуллаб қўйиб, фалокат ортириб ўтирмасин деб чўчияпман-да... — деди жухуд.

— Ҳар бало бўлиши мумкин, — жавоб берди Сайкс заҳарханда тиржайиб. — Сизни сотишлари турган гап, Феджин.

— Кейин, яна шундан чўчиб турибманки билсангиз, — сўзини давом эттирди жухуд гапини бўлганларига эътибор бермаётгандай ва айна пайтда суҳбатдошидан кўзини узмай, — шундан чўчийманки, агар ишимиз кетига кетадиган бўлса, унда бошқа баъзи бировлар ҳам четда қолмас, ўзларига эса, чамамда, мендан кўраям чатоқроқ бўлса ажаб эмас, азизим.

Барваста йилгиг бир сесканиб тушиб, шартта жухуд томон ўгирилди. Шунда кекса жентльмен кифтларини нақ қулоқларигача учуриб қўйди, кўзлари бўлса қарши томондаги деворга парижонҳол тикилганди.

Орага узоқ жимлик чўқди. Афтидан, бу эътиборли ширкатнинг ҳар қайси аъзоси ўз ўй-хаёлларига чўмганди, гўё ит ҳам бундан мустасно эмасдай, худди кўчага чиққанида дастлаб учрайдиган жентльмен ёки хонимнинг оёғига ташланиши устида бош қотираётгандай бадхоҳлик билан яланиб-тамшанарди.

— Биров бориб, у ёқда, судьянинг хонасида нима бўлганини билиб келиши керак, — деди мистер Сайкс хийла босиқ оҳангда.

Жухуд маъқул дегандай бош ирғаб қўйди.

— Агар у сотмаган ва турмага тушган бўлса, то уни қўйиб юборгунларича қўрқадиган жойи йўқ, — деди мистер Сайкс, — кейин эса уни кўздан қочирмаслик керак. Сиз уни бир амаллаб яна қўлга олишингиз зарур.

Жухуд яна бош ирғади.

Бундай ҳаракат қилиш режаси оқилона эди-ю, лекин бахтга қарши, битта ғоятда жиддий важ монелик қилиб турарди. Гап шундаки, Туллак ҳам, Чарли Бейтс ҳам, Феджини мистер Уильям Сайкс ҳам, ҳар қандай асосу ҳар қандай баҳоналари бўлган тақдирда ҳам, полиция маҳкамаси атрофида ўралашишни жин-жинларидан хушламасдилар.

Бундайин кўнгилсиз ҳолатда, бир-бировларига тикилган кўйи яна қанча ўтиришлари мумкинлигини айтиш маҳол эди. Дарвоқе, бирор тахмину чама қилиб ўтириш зарурияти ҳам қолмади, негаки тўсатдан Оливер илгари кўрган икки навқирон хонимчалар кириб келишди-ю, суҳбатга жон кирди-қўйди.

— Мана, ўзи етказди бизга керак одамни! — деди жухуд. — Бет боради. Борасан-а, қизалогим?

— Қаёққа? — суриштирди ёш хоним.

— Бор-йўғи, шу, полиция маҳкамасига, холос, азизим, — деди жухуд ялтоқланиб.

Ёш хонимга тан бериш керак: у тўғридан-тўғри бормаيمان, деб шартта айтмади-ю, бироқ «у ёққа боргандан кўра балогинага йўлиқиб қўя қолгани» яхши эканлигини аён қилди қўйиб-пишиб. Бу хушмуомалалик билан, мулойимгина қилиб гапни чалғитиш ёш хонимнинг ўз яқинларини бетгачопарлик ва шартакилик билан ранжитишга йўл қўймайдиган чинакам боодоб қиз эканининг далолати эди.

Жухуднинг афти чўзилиб кетгандай бўлди. У, башанг деб бўлмаса ҳамки, ранг-баранг қилиб — қизил кўйлак, яшил туфли, сариқ папильотка<sup>1</sup> — кийинган бу навқирон хонимдан юзини буриб, бошқасига мурожаат этди:

— Нэнси, қизгинам, — хушомад қилди қизга, — сен нима дейсан?

— Бундай қилиш ярамайди, дейман, шундоқ бўлгач, мажбур қилишнинг ҳожати йўқ, Феджин, — жавоб берди Нэнси.

— Бу билан нима демоқчисан? — гапга аралашди мистер Сайкс қизга хўм-райиб қараркан.

— Ҳозир айтганимни, Билл, — жавоб қилди хонимча совуққонлик билан.

— Ҳаммадан кўпроқ сен бопсан-ку бунга, — деди мистер Сайкс. — У ерда сен тўғрингда ҳеч ким ҳеч нима билмайди.

— Шунинг учун ҳам ҳеч нима билмай қўя қолишсин дейман-да, — деди Нэнси боягиндай босиқлик билан, — шунинг учун «хўп» демай, «йўқ» дегандай қиялпман-да, Билл.

— Боради у, Феджин, — деди Сайкс.

— Йўқ, у бормаёди, Феджин, — деди Нэнси.

— Боради у, Феджин, — такрорлади Сайкс.

Мистер Сайкс янглишмаган эди. Дўқ-пўписа, ваъдаю хайр-садақалар ёрдамида номи зикр этилган хонимчани охир-пировардида бу вазифани адо этишни ўз зиммасига олишга мажбур қилдилар. Ҳақиқатини олганда ҳам, жонажон дугонасига монелик қилиб турган мулоҳазалар унга халал беролмасди: чеккароқдаги, бироқ Рэтклиф катта йўли\* яқинидаги аслзодалар даҳасидан Филд-Лейнга яқингинада кўчиб келгани сабабли беҳисоб таниш-билишларидан бирортаси кўриб қолишидан хавотир қилмаса ҳам бўларди.

Ахийри кўйлаги устидан оппоқ, чиннидай пешбанд тутиб, папильоткасини похол шляпа остига яширган — бу буюмлар жухуднинг битмас-туганмас бисоти-дан танлаб олинганди — мисс Нэнси топшириқни бажаришга отланди.

— Бирпасгина шошма, қизгинам, — деди жухуд унга қопқоқли саватни узатаркан. — Буни кўтариб ол. Маъсумароқ кўрсатади сени.

— Феджин, уйнинг калитини ҳам беринг унга, қўлида кўтариб олсин, — деди Сайкс. — Бу янаям табиий ва ишончлироқ кўринади.

— Ҳақ гап, азизим, — деди жухуд каттакон эшик калитини ёш хонимнинг ўнг қўлининг шаҳодат бармоғига илиб қўяркан. — Мана мундоқ! Қойил! Жуда антика бўлди, қизалогим! — деди у қўлларини бир-бирига ишқаб.

— Вой укажоним-а! Зиғирчаям гуноҳи йўқ, фарифтадаккина, шўрлик укажонгинам-а! — обидийда қиларди Нэнси кўзига ёш олиб, алампдан сават билан калитни гижимлаган бўлиб. — Аҳволи нима кечдийкини? Қаёқларга олиб кетишди уни? Вой, раҳмларинг келсин менга, жентльменлар, бола шўрликни нима қилганларини айтинглар, илтижо қиламан сизлардан, жентльменлар!

Мисс Нэнси тингловчиларни бениҳоя қойил қолдириб, ниҳоятда мунгли, юракни эзадиган ҳазин товуш билан шу сўзларни айтди-да, кейин жим бўлиб, бутун жамоатга кўз қисиб қўйиб, илжайганча чиқиб кетди.

— Эҳ, азизларим, қандай оқила қиз-а! — хитоб қилди жухуд ёш дўстларига ўгирилиб, гўё ҳозиргина кўрганларинг ажойиб қиздан ибрат олинглар дегандай, голибона бир қиёфада.

— У ўз жинси—тоифасига шон-шараф келтиряпти, — дея гап қистирди мистер Сайкс, қадаҳини тўлатиб, гурздай мушти билан столга бир тушираркан. — Унинг соғлиғига кўтараман ва барча хотинларнинг унга ўхшашини тилайман!

Муҳтарам Нэнсининг шаънига ушбу мадҳиялар ёғилаётган бир пайтда бу навқирон хоним полиция маҳкамаси сари шошилиб борарди, кўча-кўйдан ҳамроҳсиз ёлғиз ўзи бораётгани сабабли кўнглида ҳадик тугилганига қарамай, ҳаш-паш дегунча у ерга эсон-омон етиб ҳам келди.

У орқа эшикдан кириб бориб, қўлидаги калит билан камералардан бирининг эшигини астагина тикиллатиб, кўлок солиб турди. Ичкаридан тиқ этган

<sup>1</sup> Папильотка — сочи жингалак қилиш учун ишлатиладиган қоғоз. (Тарж.)

товуш эшитилмади; шунда у бир йўталиб олди-да, тағии қулоқ сола бошлади. Жавоб бўлмади, шундан кейин тилга кирди.

— Ноли, жонгинам! — мулойимгина шивирлади у. — Ноли!

Камерада сибизга чалгани учун ҳибсга олинган афтодаҳол, ялангоёк жиноятчидан бўлак кимса йўқ эди; жамоатчиликка қарши қилган жинояти тўла исбот этилгани туфайлидан мистер Фанг уни ахлоқ тузатиш уйига уч ой муддатга ҳукм этаркан, ғоятда ўринли ҳамда ҳажвия тарзида, агар нафаси шунақанги ўпкасига сиғмай кетаётган бўлса, уни нағмадан кўра чархпалак-ғилдиракка сарфлагани фойдалироқ, деб қўйганди. Жиноятчи ҳеч нима деб жавоб қайтармаганди ўшанда, зеро унинг фикр-ёди графлик фойдасига мусодара қилинган сибизғасига аза тутиш билан банд эди. Шундан сўнг Нэнси навбатдаги камерага яқинлашиб, эшигини тиқиллатди.

— Нима керак? — дея жавоб берди биров паст ва заиф товуш билан.

— Бу ерда бир болакай йўқми? — сўради Нэнси олдиндан хўрсиниб олиб.

— Йўқ! — жавоб қилди маҳбус. — Худо сақласин!

Бу сибизга чалмагани учун — бошқача қилиб айтганда, кўча-кўйда тиланчилик қилиб юргани ва тирикчилигини ўтказмоқ учун ҳеч нима қилмай сандироқлаб юргани учун — қамоққа ҳукм этилган олтимиш беш яшар саёқ эди. Қўшни камерада беижозат уйма-уй қалайи кастрюлька сотиб юргани — бўлакча қилиб айтганда, солиқ тўлашдан қочиб, тирикчилик ўтказиш учун нимадир қилгани вазидан худди ўша турмага жўнатиладиган одам ўтирарди.

Бу жиноятчилардан ҳеч қайсиси Оливер деб сўралганида жавоб бермагани ва унинг тўғрисида ҳеч нима билмагани сабабли Нэнси бевосита йўл-йўл нимчали соддадил чолга мурожаат этди ва нолаю фигон билан — қўлидаги сават билан калитни моҳирона юлқиб-силкитганидан унинг афғони айниқса маҳзун чиқаётганди — *укажонисини* талаб қилди.

— Бу ерда йўқ у, азизам, — деди чол.

— Қаёқда бўлмаса? — чинқириб юборди Нэнси.

— Уни анави жентльмен олиб кетди, — жавоб берди чол.

— Қанақа жентльмен? Вой худойим-эй! Қайси жентльмен? — чийиллади Нэнси.

Чол ваҳима босган «опа»нинг бу мажмағил саволига жавобан Оливерни судьянинг хонасида мазаси қочиб қолганини, уни оқлаганларини, негаки, бир гувох берган шохидликка қараганда гўёки ўғирликни у эмас, балки қочиб қутулиб қолган бошқа икки бола қилганини ва даъвогарнинг ҳушидан кетган Оливерни уйига, ўз уйига олиб кетганини гапириб берди. Бу уй хусусига келганда Нэнсининг суҳбатдоши у қаердадир Пентонвилда эканлигини билар экан, холос; бу сўз извошчига буйруқ бераётганларида чолнинг қулоғига чалиниб қолганди.

Узини йўқотиб қўяёзган ва бағоят изтиробга тушган ёш жувон каловланганча дарвозага қараб сургалиб борди, сўнгра ҳуркак одим ташлашдан югуришга ўтиб, қўлидан келганича алкаш-чалкаш йўлу кўчалардан жуҳуднинг уйига етиб келди.

Мистер Билл Сайкс унинг сафари ҳисоботини эшитиб бўлар-бўлмасоқ шоша-пиша оқ итни қақирди-ю, қолаётганлар билан хайр-маъзур қилишдек расмиятчиликка вақтини сарфлаб ўтирмай, шляпасини бошига қўндирганча зингиллаб чиқди-кетди.

— Азизларим, унинг қаердалигини билишимиз шарт... Уни топишимиз зарур! — деди жуҳуд ҳаддан зиёд ҳаяжон-ла. — Чарли, сен ҳозирча ҳеч нима қилмай тур, токи у тўғрисида бирон дарак топмагунингча ҳаммаёқни изғиб чиқ. Нэнси, азизам, уни қандай бўлмасин топишим керак. Сенга бутунича инонаман, азизам, — сен билан Туллакка! Шошманглар, шошманглар, — қўшиб қўйди жуҳуд титраётган қўллари билан стол ғаладонини очаётиб, — мана сизларга пул, азизларим. Мен бугунча дўконни ёпа тураман. Мени қаердан топишни ўзларинг биласизлар! Қани, бирон дақиқаям фурсатни бой берманглар. Бирон лаҳзаниям, азизларим!

У шу сўзлар билан ёшларни хонадан итариб чиқариб, қулф калитини икки марта бураб, эшик лўкидонини суриб қўйгач, Оливер бехосдан кўриб қолган қутичани хуфия жойдан олди. Кейин ҳовлиқиб соату қимматбаҳо буюмларни қўйни-қўнжига яшира бошлади.

Шу аснода эшикнинг тақиллаши уни чўчитиб юборди ва бу юмушидан чалғишга мажбур этди.

— Ким у? — дея қичқирди у нақ қулоқни тешгудек.

— Мен! — калит солинадиган тешикдан Туллакнинг овози эпитилди.

— Ҳа, нима дейсан яна? — бақирди жуҳуд тоқатсизланиб.

— Нэнси сўраяпти, уни қаёққа олиб келинади — бошқа уягами? — суриш-тирди Туллак.

— Ҳа! — жавоб қилди жуҳуд. — Қидиринглар уни, излаб топинглар, гап тамом! У ёғига нима қилишимни ўзим биламан. Қўрқманглар!

Бола тушундим, дегандек гўлдираб, ўртоғи кетидан югурди.

— Ҳозирча у сотгани йўқ, — деди жуҳуд бояги юмушига киришаркан. — Борди-ю, янги ошналарига биз тўғримизда валдираш хаёлида бўлса, гирибони-дан олишга улгурамиз ҳали.

## XIV боб

*Оливернинг мистер Браунлоуникида бўлиши тафсилотининг давоми, шунингдек, бир топшириқни адо этмоққа отланган Оливер хусусида мистер Гриммуз деган кимсанинг лол қоларли башорати ҳақида*

Мистер Браунлоунинг ногаҳоний хитобидан кейин ҳушидан кетган Оливер тезда ўзига келди, кекса жентльмен билан мисис Бэдуинлар энди сурат тўғрисида гап очмасликка тиришдилар: суҳбат давомида Оливернинг на ўтмиши, на яқин келажаги оғизга олинарди, фақат уни юпатиб, хурсанд қиладигану, аммо асло ҳаяжонлантирмайдиган нарсалар устидагина гап борарди. Оливер ҳали ўрнидан туриб, нонуштага тушишга заифлик қиларди, бироқ шунга қарамай эртаси куни рўзгорбошининг хонасига тушиб, аввало сабрсизлик билан гўзал хонимнинг чехрасини яна бир бор кўриш умидида деворга нигоҳ ташлади. Аммо унинг умиди пучга чиқди — суратни олиб қўйишганди.

— Э, гап бу ёқда дегин! — деди рўзгорбоши Оливернинг нигоҳини кузатиб. — Ўзинг кўриб турганингдай, уни опчиқиб кетишди.

— Опчиқиб кетишганини кўриб турибман, хоним, — жавоб берди Оливер. — Уни нимага опқўйишди?

— Уни, бўталоғим, мистер Браунлоунинг гапича, сени безовта қилгани учун олиб қўйишганмиш. Биласанми, тагин у тузалиб кетишингга халақит берса нима бўлади, — деди кекса хоним.

— Йўқ-йўқ, рости билан! Ҳечам мени безовта қилгани йўқ, хоним, — деди Оливер. — Уни томоша қилиш жудаям ёққанди менга. Жудаям яхши кўриб қолдим уни.

— Вой болам-а! — деди кекса хоним. — Бўталоғим, ишқилиб тезроқ тузалиб кет, ана ўшанда суратни илгариги жойига осиб қўйишади. Сенга сўз бераман! Энди кел, бошқа бирон нарса тўғрисида гаплашайлик.

Оливер ўша пайтда сурат ҳақида олишга муваффақ бўлган маълумотларнинг бори мана шундангина иборат. Уша кезде у бу тўғрида ўйламасликка тиришарди, сабабки, кекса хоним касал пайтида унга жудаям меҳрибонлик кўрсатарди: у кампирнинг ёқимтой ва ажойиб одамга теккани, қишлоқда турадиган меҳрибон ва сулув қизи тўғрисидаги, Вест Индияда бир савдогарга гумашталиқ қиладиган, худди қизи сингари бенуқсону бежирим, йилига тўрт марта (кампир буни эслаганини ўзидаёқ кўзидан ёш чиқиб кетарди) хат ёзиб турадиган ўғли ҳақидаги сўнгсиз-ниҳоясиз ҳикояларни жон қулоғи билан тингларди. Кекса хоним ўз болаларининг ажойиб хислату фазилатлари устида шунақанги эшилиб, оғзидан бол томиб, шунингдек, ўз саховатли, ёқимтой эри — роппа-расо йигирма олти йил муқаддам бандаликни бажо келтирган меҳрибон шўрлик эрининг иззатини ўрнига қўйиб таърифлаб, узоқ-узоқ ҳикоя қиларди... Кейин чойхўрлик фурсати етарди. Чойдан сўнг у Оливерга криббеджни\* ўргатарди, хоним қандайин осонлик билан ўргатса, бола шундайин осонлик билан

билиб-англаб оларди ўйинни; бу ўйинни улар то беморга сув қўшилган илиқ вино ичириб, юмшоққина ўринга ётқизиладиган фурсат етгунига қадар катта қизиқиш ва дабдаба билан ўйнайверардилар.

Бу бахтли кунлар — Оливернинг дарддан халос бўлиш кунлари эди. Ҳамма-ёқ тип-тинч, чиннидай топ-тоза ва батартиб, ҳамма шундай меҳрибон ва ширин сўз эдики, унинг наздида шу кунгача ҳаёти шовқин-сурон, гала-ғовур, ур-сур билан кечганидан кейин худди жаннатга тушиб қолганга ўхшарди. У кийина оладиган даражада қувватга кириши биланоқ, мистер Браунлоу янги камзул-иштон, янги шляпа ва янги бошмоқ сотиб олишларини буюрди. Эски кийимларини ийма қилиш ўзининг ихтиёрида эканини Оливерга айтишганида, у нарсаларини куйиб-пишиб меҳр-оқибат кўрсатган оқсочга бериб, буларни бирорта жухудга сотинг-да, пулини ўзингиз ола қолинг, деди. Бу илтимосни оқсоч бажонидил бажарди. Қисқаси, Оливер дераза олдида туриб, жухуднинг кўйлаklarини қопга тикиб, жўнаб қолганини кўргач, бу нарсаларимни олиб кетишди, энди уларни бошқатдан кияман, деб кўрқмасам ҳам бўлади, деган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. Ростига кўчганда, бу нарсалар увада-жулдур кийимлар эди, Оливернинг эса ҳеч қачон янги кийими бўлган эмасди.

Бир кун кечқурун, сурат ҳангомасидан тахминан бир ҳафтача ўтгач, Оливер миссис Бэдуин билан суҳбатлашиб ўтирганида, мистер Браунлоу одам киритиб, агар Оливер Твист ўзини яхши ҳис қилаётган бўлса, уни ўз хонасида кўриш ва у билан пича гаплашиш истаги бор эканини айтиб, болани чақиртириб қолди.

— Вой худойим, ўз паноҳингга асра бизни, ўзинг ярақа! Болажоним, қўлингни ювиб ол, иннайкейин, кел, сочингни яхшилаб тараб қўяй! — Хитоб қилди миссис Бэдуин. — Э худованди карим-а! Сени кўришни истаб қолишини билганимизда, сенга чиннидаккина ёқа кийгазиб қўйган, ана унда яп-янги олти пенсликдай ярақлаб кетган бўлардинг-а!

Оливер итоаткорлик билан ўзини кекса хонимнинг ихтиёрига топширди, гарчанд кампир кўйлагининг қат-қат бурмали ёқасини дазмоллаб бериш учун вақт ўтганидан куйиб-пишиб шиква-шикоят қилаётган бўлса ҳамки, шундай зарурий безакнинг йўқлигига қарамай бола ниҳоятда нозик ҳамда ёқимтой кўринарди; шунда кампир унинг бошидан-оёғигача бағоят тамнун разм солиб чиқаркан, борди-ю, ҳатто илгарироқ огоҳлангириб қўйган тақдирларидаям уни бундан кўра чиройлироқ қилиш амримаҳол эди-ёв, деган хулосага келди.

Бу сўзлар далда берган Оливер хона эшигини тикиллатди.

Мистер Браунлоу киришга рухсат этгач, у китобларга лиқ тўла, деразаси сўлим богчага қараган мўъжазгина хонада кўрди ўзини. Деразага яқин қўйилган столнинг нариги томонида мистер Браунлоу китоб ўқиб ўтирган экан. Оливерни кўриб китобни четга қўйди-да, столга яқинроқ келиб ўтиришни таклиф этди унга. Оливер итоат этаркан, афтидан, инсонларнинг ақлини пешлаш учун ёзилган шунча кўп китобни ўқиб чиқадиغان одамлар ҳам бормикин, дегандай ҳайратда қолганди. Бу нарса ҳанузгача Оливерга қараганда чандон бора кўзи пишиган одамлар учун ҳам жумбоқ бўлиб келмоқда.

— Китоблар жуда кўп-а, тўғрими, бўтам? — сўради мистер Браунлоу, Оливернинг ердан то шифтгача китоб тахланган тоқчаларга қандай қизиқиш билан тикилаётганини пайқаб.

— Жудаям кўп экан, сэр, — жавоб берди Оливер. — Бунча кўп китобни сираям кўрмагандим.

— Агар яхши бола бўлсанг, буларни ҳаммасини ўқиб чиқасан, — мулоимгина деди кекса жентльмен, — муқовани томоша қилгандан кўра кўпроқ ёқади, бу сенга. Дарвоқе, ҳамишайм шундай бўлавермайди, шунақанги китоблар ҳам бўладики, ичидагиси муқоваси билан муҳрасига арзимаиди.

— Эҳтимол, ҳув анави катта, оғир китобларга ўхшаганлари ўшанақа бўлса кераг-а, сэр, — деб қўйди Оливер заррин муқовали катта-катта жилдларни кўрсатиб.

— Худди шундай бўлиши шарт эмас, — жавоб қилди кекса жентльмен унинг бошини силаб, жилмайган кўйи. — Шунақанги китоблар ҳам бўладики, ўзи

шунақа огиру, лекин ҳажми хийла чоғроқ. Ақлли йигит бўлишни, китоб ёзишни хоҳламайсанми?

— Менимча, сэр, кўпроқ ўқигим келади, — жавоб берди Оливер.

— Ие! Китоб ёзгинг келмайдими ҳали? — сўради кекса жентльмен.

Оливер пича ўйлаб кўриб, кейин, ундан кўра китоб сотган анча, яхшига ўхшайди, деди: бунга жавобан кекса жентльмен яйраб кулди ва гапинг чакки-ямас, деб қўйди. Гарчи, бунинг нимаси чакки эмаслигига ақли етмаган бўлса ҳам, Оливер суюниб кетди.

— Қўйил! — деди кекса жентльмен кулгини бас қилиб. — Чўчима! Ростки биронта ҳалол хунарға ёки гишт терувчиликка ўргатишнинг илож-имконияти бор экан, сени ёзувчи қилмаймиз.

— Ташаккур сизга, сэр, — деди Оливер.

Унинг жиддий жавобини эшитиб, кекса жентльмен тагин хаҳолаб кулиб юборди-да, табиий ҳис-туйғунинг галати жиҳатлари тўғрисида нималардир деб қўйди, бироқ Оливер тушунмади ва эътибор ҳам бермади.

— Ана энди, бўтам, — гапини давом эттирди мистер Браунлоу имкони борица майинроқ оҳангда, аммо унинг чехраси айни чоғда Оливер ҳали кўрмаган жиддий тус олганди, — айтмоқчи бўлаётган сўзларимни жон қулоғинг билан тинглашингни истардим. Сен билан рўйирост гаплашмоқчиман, сабабки, талайгина ўзингдан каттароқларга қараганда ҳам гапимни тузукроқ тушунишингга имоним комил.

— Ў, ўтинаман сиздан, сэр, сени ҳайдаб юбораман деманг! — хитоб қилди кекса жентльменнинг жиддий оҳангда сўзлаётганидан чўчиган Оливер. — Яна кўчаларда тентираб юргани қувиб чиқарманг мени! Шу ерда қолиб, хизматингизни қилиб юришимга рухсат этинг. Мени яна ўша ўзим келган қўрқинчли, ёмон жойга қайтариб юборманг! Бечора бир болага раҳмингиз келсин, сэр!

— Бўтам, — деди кекса жентльмен Оливернинг ногаҳоний ва қизгин илтижосидан кўнгли бузилиб, — кўрқма, агар ўзинг сабабчи бўлмасанг, сени ҳеч қачон ташлаб қўймайман.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бўлмайди, сэр! — унинг сўзини бўлди Оливер.

— Ишонаман, — жавоб қилди кекса жентльмен. — Сени асло бундай қилади деб ўйламайман. Ердам бермоқчи бўлган одамларим мени лақиллатиб кетган пайтлар ҳам бўлган, локин сенга кўнглим ишониб турибди, нимага сенга бунчалик дилим чоғиб қолганини ўзим ҳам тушунолмаймаман. Бутун меҳру муҳаббатимни бахшида қилган одамларим лаҳадда ётишибди; гарчи ҳаётимдаги бахтиёр ҳамда қувончли дамларим ўшалар билан бирга қабрга кирган бўлса-да, мен ўз қалбимни турбатга айлантирганим йўқ ва у ҳамиша эзгу ҳис-туйғуларим учун очик. Беҳад ғам-қайгулар бу туйғуларни мустаҳкамлади, уларни поклади.

Кекса жентльмен оҳиста, суҳбатдошидан кўра ўзига мурожаат қилаётгандай оҳангда гапиргани, сўнгра эса жим қолгани боисидан Оливер ҳам сукутини бузмади.

— Шунақанги гаплар! — деди кекса жентльмен ниҳоят пича қувноқроқ оҳангда. — Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, ёшсан, қалбинг ҳам беғубор, мен тортган қайғу-аламлар ва изтироблардан хабардор бўлганингдан кейин, балки менга янги ранж-алам етказмасликка ҳаракат қиларсан. Гапларингга қараганда, сен етимсан ва бирорта ҳам дўстинг йўқ: мен топишга муваффақ бўлган маълумотлар ҳам бу сўзларингни тасдиқлайди. Менга ўзинг тўғрингда жамики нарсани гапириб бер: қаердан келдинг, сени ким тарбиялаган, мен сени топган тўдага қандай тушиб қолдинг? Агар ростини гапирсанг, токи мен ҳаёт эканман, ёнингда ҳамиша дўстинг бўлади.

Хўрсиниқ ва пиқиллаш бир неча дақиқа давомида Оливернинг сўзлашига ҳалал бериб турди; кейин, ўзини фермада қандай тарбиялаганлари, мистер Бамблнинг меҳнат уйига қандай бошлаб боргани тўғрисида айтиб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган пайтида эса ташқари эшикни устма-уст, тоқатсизлик билан тақиллатиб қолишди, шунда оқсоч зинапоядан зипиллаганча чиқиб келиб, мистер Гримуиг келганини хабар қилди.

— Бу ёққа чиқяптими у? — суриштирди мистер Браунлоу.

— Ҳа, сэр, — жавоб берди оқсоч. — У киши, уйда ёғли булқадан борми,

деб сурадилар, мен, ҳа, деб жавоб берганимдан кейин, чои ичгани келганларини айтдилар.

Мистер Браунлоу кулиб қўйди ва Оливерга қараб, мистер Гримуиг эски ошnasi эканини тушунтирди, болага унинг ўзини сал қўполроқ тутишига парво қилмасликни айтди, негаки у аслида ниҳоятда олижаноб одам, мистер Браунлоунинг бундай дейишга асоси бор экан.

— Мен пастга туша қолайми, сэр? — сўради Оливер.

— Йўқ, — жавоб қилди мистер Браунлоу, — шу ерда қолишингни истардим.

Худди шу пайт хонага йўғон ҳасса таяниб, бир оёғи сал оқсаброқ барваста кекса жентльмен кириб келди; эғнида мовий фрак, йўл-йўл нимча, новвотранг дағал ип газламадан чолвор билан қўнжлик, яшил қошияли соябони кенгбар оқ шляпа. Нимчаси остидан майда бурмали кўйлаги чиқиб, ундан пастроқда эса узундан-узун соатининг пўлат занжири саланглаб турибди, занжирнинг учига бўлса биттагина калит осиб қўйилибди. Оқ галстугининг учи апельсиндек қилиб тугилган, афтида зоҳир бўлган тириш-бурушлар антиқа, таъриф-тавсифга бўй бермайдиган даражада. Сўзлашаётганда бошини бир томонга қийшайтириб, қия боқиш одати бўлиб, ғалати бир тарзда тўтиқушга ўхшаб кетарди. У хонага кирар-кирмас худди шу қиёфада тўхтади ва апельсин пўчоғи бўлагини тутган қўлини олга чўзган кўйи норози, вайсақи овоз-ла хитоб этди:

— Буни қаранг! Кўрпизимми? Жуда ғалати ва ажойиб нарса эмасми бу? Кимникига кирмай, зинапоясидан шўрлик табибларнинг мана шунақанги кўмакчисини топаман-а. Бир пайтлар мана шу апельсин пўчоғининг касофатидан оқсоқ бўлиб қолганман, кейин десангиз, охир-оқибатда ажалим шу апельсин пўчоғида эканини ҳам биламан. Кўрасиз, худди шундоқ бўлади, сэр! Апельсин пўчоғи ўлимимга сабаб бўлади, агар шу тўғри чиқмаса, ўз бошимни ўзим ғажигишга ҳам тайёрман, сэр!

Мистер Гримуиг ўзининг ҳар бир баёнотини айнан шу қойилмақом ибора билан хулосалаб, шу ибора билан таъкидлардимки, бу жуда ғалати кўринарди, хўп, илм-фан ҳатто жентльмен (агар истаса) ўз бошини ўзи ея оладиган даражага етади ҳам дея қолайлик, ўшанда ҳам мистер Гримуигнинг калласи шунчалик катта эдики, энг кушчақчақ, энг абжир одам ҳам (борди-ю, қалиндан-қалин упа қатламини мутлақо ҳисобга қўшмаган тақдирдаям) бир ўтиришда бу каллани еб тугатишга умид боғлаши амримаҳол эди.

— Ўз бошимни ўзим ғажиганим бўлсин, сэр! — такрорлади мистер Гримуиг ҳассаси билан полни дўқиллатиб урганча. — Шошманг! Бу қанақаси бўлди? — қўшимча қилди у Оливерга қараб қўйиб, икки қадам орқага тисариларкан.

— Бу олдинроқ гаплашганимиз ёш Оливер Твист бўлади, — деди мистер Браунлоу.

Оливер таъзим бажо келтирди.

— Инонамани, ўзлари бу ўша иситмада алаҳлаб ётган болакай демокчи бўлмасалар керак? — деди мистер Гримуиг орқасига тисарилган кўйи. — Бирпасгина сабр қилинг! Ҳеч нима демай туринг! Шошманг-чи... — деди дудуқланиб мистер Гримуиг, иситма қаршисидаги ҳар қандай ваҳимаси барҳам топиб ва тантанавор тарзда янгилик кашф этиб, — бу ўша апельсин еган боланинг ўзими? Мабодо бу ўша апельсин пўчоғини зинапояга ташлаган боланинг нақ ўзи бўлмаса, сэр, ўз бошимни ўзим ғажиганим бўлсин, қўшимчасига бунинг бошини ҳам!

— Йўқ, бунинг апельсини йўғийди, — деди мистер Браунлоу кулиб. — Бас, етар! Шляпангизни қўйинг-да, бу ёш дўстим билан сўхбатлашинг.

— Мени бу масала ниҳоятда ташвишга солади, сэр, — деди серзарда кекса жентльмен қўлқопини ечаётиб. — Бутун бошли кўчамизнинг бошдан-оёғигача апельсин пўчоғи сочилиб ётади доим, яна шуниси ҳам маълумки менга, уни муюлишда турадиган жарроҳнинг ўғиллари ташлашади. Кеча кечқурун ёшгина жувон пўчоқни босиб тойиб кетиб, боғимнинг панжараси олдида ағдарилиб тушса бўладими. Ўрнидан туриши билан қарасам, жувон жарроҳнинг унсизгина ичкарига имлаб турган қизил фонусига\* жавдираяпти-да. «Кирманг ўшаникига! — деб қичқирдим мен деразадан. — Қотил у! Йўлга қопқон қўяди у!» Илло бу гапим рост. Борди-ю шундоқ бўлмаса...

Гап шу ерга келганда жиззаки кекса жентльмен ҳассаси билан полни дўқил-

латиб туширди, бу қилиғи оғиз билан айтмаган пайтларида, унинг одатдаги ибораси ўрнига ўтишини билишар эди. Сўнгра, ҳассасини қўлидан қўймай ўтирди-да, энги лантада осилиб турган дастали буклама кўзойнагини ростлаб Оливерга тўғрилаганида, бола ўзи кузатиш нишонига айланганини кўриб қизариб кетди-да, яна бир бор таъзим қилди.

— Бу ўша бола-я, шундоқмасми? — деди ниҳоят мистер Гримуиг.

— Худди ўша, — жавоб қайтарди мистер Браунлоу.

— Аҳволинг қалай? — сўради мистер Гримуиг.

— Анча тузукман, ташаккур сизга, сэр, — жавоб берди Оливер.

Мистер Браунлоу гўёки девонаваш дўстининг бирор ёқимсиз гап айтиб юборишидан хавфсирагандай, Оливердан пастга тушиб, миссис Бэдуинга айт, чой буюрсин, деб тайинлади, бола бажонидил итоат этди, негаки меҳмоннинг гап-сўзларию хатти-ҳаракати унча ёқмагани.

— Яхши бола, а, тўғримасми? — сўради мистер Браунлоу.

— Қайдам, — жавоб қилди мистер Гримуиг ижирганиброк.

— Билмадим денг?

— Ҳа, билмайман. Уғил болаларнинг ҳаммаси бир гўр, фарқи йўқ уларни.

Уғил болаларнинг фақат икки тоифасини биламан: қилтириқ болалар, гўштдор болалар, вассалом.

— Хўш, Оливер булардан қай бирига киради?

— Қилтириқларига. Бир оғайнимнинг ўғли гўштдор бола; улар болаларини жуда ажойиб бола дейишади; боши юм-юмалоқ, икки юзи қип-қизил, кўзлари чақноқ. Жуда бемаъни бола. Танаси, қўллари ва оёқлари шунақангики, кийими нақ чок-чокидан сўкилиб кетай-сўкилиб кетай деб туради; овози худди дарғаларнинг овозига ўхшайди, иштаҳаси бўлса бўрини йўлда қўяди. Виламан уни! Ярамас бола!

— Вас-бас! — деди мистер Браунлоу. — Бу белги-сифатлар ёш Оливер Твистга ёпишмайди; бинобарин, у жаҳлингизни қўзғамаса керак.

— Рост, унақанги белгилари йўқ, — деб қўйди мистер Гримуиг. — Уники бундан бешбаттар бўлиши ҳам мумкин.

Гап шу ерга етганда мистер Браунлоу йўталиб қўйди, бу, афтидан, мистер Гримуигга беқийёс лаззат бахш этди.

— Уники бундан ҳам бешбаттар бўлиши мумкин, деяпман, — такрорлади мистер Гримуиг. — Қаёқдан келиб қолди у? Узи ким? Қандай одам? Иситмалаб ётибди. Хўш, ётса ётар! Иситма инсоф-андишали одамларнинг алоҳида имтиёзи эмас, шундоқмасми? Беандиша, бемаъни одамлар ҳам гоҳо иситмага чалинадилар, тўғри эмасми? Мен бир одамни билардим, уни Ямайкада ўз соҳибини ўлдиргани важидан дорга осганлар. У олти марта иситмалаб ётган экан: шу сабаб бўлиб уни гуноҳидан ўтганлари йўқ. Тфу! Сафсата!

Гап шундаки, мистер Гримуиг қалбининг энг ичкариги хилватхонасида Оливернинг қиёфаси ва хулқ-одоби бениҳоя даражада ёқимли эканлигини тан олишга мойиллик пинҳона куртак ёза бошлагани; бироқ ўша кун топиб олган апельсин пўчоғи туфайлидан бетизгин акслиги баттар газак олгани; боланинг ёқимтой ёки совуқлигини тан олишга оламда ҳеч бир одам мажбур қилолмайди мени, дея дилига тугиб қўйгани сабабли у дўсти оғиз очиб сўрамасиданоқ оғзига уриб, эътироз билдиришга ўтгани. Мистер Браунлоу бу саволлардан бирортасига ҳозирча қаноатлантирарли жавоб беришга ожиз эканини, негаки Оливернинг ўтмиш ҳаётига тааллуқли гапларни сўраб-суриштиришни токи бола қувватга киргунича қўя туриш ниятида эканини айтганда, мистер Гримуиг бадҳоқлик билан илжайиб қўйди. Истеҳзоли кулимсираб, рўзгорбоши кечаси, ётар олдидан кумуш товоқ-қошиқларни кўздан кечириб турадими ўзи, деб сўради; борди-ю, у бир кун эрталаб бир-иккита ош қошиқ йўқолганини пайқаб қолгудек бўлса, унда... тайёрмиш ва ҳоказо...

Ўз дўстининг антиқа қилиқларини билган мистер Браунлоу — гарчи унинг ўзи ҳам тажанг жентльмен бўлса-да, бу гапларнинг барига очикқўнгилик билан қулоқ солиб турди; кейин мистер Гримуиг чой устида булкаларни мақтаб илтифот кўрсатгани, чойхўрликда иштирок этган Оливер ҳам энди жаҳлдор



жентльмендан унчалик хижолат чекмаётгани боисидан ҳамма иш ниҳоятда осойишта борди.

— Хўш, Оливер Твистнинг ҳаёти ва саргузаштлари борасидаги муфассал, ҳаққоний ва мукамал ҳисоботни қачон эшитмоқчилар? — сўради Гримуиг мистер Браунлоудан нонушта тугагач ва шу ҳақда гап очаркан, Оливерга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Эртага эрталаб, — жавоб берди мистер Браунлоу. — Бу пайтда у билан танҳо бўлсам дегандим. Сен, бўтам, эртага эрталаб соат ўнларда кирарсан олдимга.

— Иштиёр сизда, сэр, — деди Оливер. У бир оз доддираброқ жавоб берди, сабабки, уни мистер Гримуининг тикилиб туриши хижолатга солиб қўйганди.

— Сизга айтадиганим шуки, — шивирлади бу жентльмен мистер Браунлоуга, — у эртага эрталаб олдингизга кирмайди. Эсанкираб қолганини ўзим кўрдим. У сизни алдаяпти, қадрдон дўстим.

— Онт ичишга тайёрман, алдамаяпти! — деди мистер Браунлоу жўшқинлик билан.

— Агар алдамаётган бўлса, унда мен бошимни гажигашга тайёрман... — Шундай дея туриб ҳассаси билан полни дўқиллатиб уриб қўйди.

— Ҳаётим билан кафолот бераманки, бу болакай алдаётгани йўқ! — деди мистер Браунлоу столга мушт тушириб.

— Мен бўлсам — бошим билан, у алдаяпти! — жавоб қайтарди мистер Гримуиг, шунингдек, у ҳам столни муштлади.

— Кўрамиз! — деди мистер Браунлоу авжланиб бораётган ғазабини жиловлаб.

— Мутлақо тўғри! — жавоб қилди мистер Гримуиг ғашга тегувчи иршайишла. — Кўрамиз!

Тақдир тақозосини қарангки, худди шу аснода миссис Бэдуин мистер Браунлоу бугун эрталаб ушбу ҳижолатда бир кўриниш бериб ўтган ўша китобфурушдан сотиб олинган кичикроққина китоб дастасини кўтариб кириб қолди. У китобларни столга қўйиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлганда, мистер Браунлоу:

— Дастёр болани кеткизмай туринг, миссис Бэдуин, ундан унча-мунча нарсани бериб юбормоқчиман, — деди.

— Кетиб бўлди у, сэр, — жавоб қилди миссис Бэдуин.

— Қайтаринг уни, — деди мистер Браунлоу. — Бу муҳим иш. Китобфуруш — бечораҳол одам, китобларининг бўлса ҳақи берилмаган. Иннайкейин, яна бир неча китобни қайтариб юбориш керак.

Ташқари эшик очиқ эди. Оливер бир томонга қараб, оқсоч иккинчи томонга югуришди, миссис Бэдуин эса остонада турганча чийиллаб дастёр болани чақирришга тушди, аммо ҳеч қанақанги боланинг қораси кўринмади. Оливер билан оқсоч қайтиб, ҳаллослаганча, у аллақачон кетиб бўлганини хабар қилишди.

— Е худованди карим-а, чакки иш бўпти-ку! — хитоб қилди мистер Браунлоу. — Бу китобларни шу бугун кечқурун қайтариб юборсам дегандим-а!

— Оливердан бериб юбора қолинг, — деди мистер Гримуиг истеҳзоли илжайиб. — Шубҳасиз бекаму кўст элтиб беради.

Кекса жентльмен бир кўнгли, Оливерни ўла қолсам юбормайман, демоқчи бўлди, лекин мистер Гримуининг бадхоҳона томоқ қириши ўзгача қарорга келишга мажбур этди уни: Оливер топшириқни зумда бажариб келиб, мистер Гримуининг ақалли шу хусусдаги шубҳаси ноҳақ эканини исботлайди, ҳа, исботлаганда ҳам бирпасда исботлайди!


— Жуда соз! Сен борасан, бўтам, — деди кекса жентльмен. — Китоблар столимнинг ёнидаги курсида турибди, уларни бу ёққа олиб кел.

Оливер фойдаси тегадиган фурсат келганидан севиниб, дарров китобларни қўлтиғига урди-ю, шапкасини ушлаганича, нима дейиши кераклигини айтишларини кута бошлади.

— Унга айтасанки, — сўзини давом эттирди мистер Браунлоу мистер Гримуигга тикилганича, — унга айтгинки, бу китобларни қайтариб олиб келдим, дегин, кейин унга қарзимни, тўрт фунту ўн шиллинг ҳақини берасан. Мана сенга беш фунт. Демак, менга ўн шиллинг қайтимини олиб келасан.

— Ун дақиқа ўтар-ўтмас шу ерда бўламан, сэр! — деди Оливер қизгин.

Қогоз пулни тугмали камазуи чўнтагига яшириб, қўлтиғидаги китобларни



маҳкам қисганича, эҳтиром-ла таъзим бажо келтирди-да, хонадан чиқиб кетди у. Миссис Бэдуин уни ташқари эшиккача кузатиб борди, талайгина йўл-йўриқлар кўрсатиб, қайси йўл қисқалигини, китобфурушнинг исми шарифи ва кўчасининг номини тайинлади; Оливернинг гапига қараганда, ҳаммасини жуда яхши тушуниб олибди. Бунинг устига тағин бола шамоллаб қолмасин учун анча-мунча маслаҳатлар бериб, ниҳоят йўлга тушишига ижозат этди кекса хоним.

— Илоё ёқимтой бу гўдакни ўзи ёмон кўздан асрасин! — деб қолди кекса хоним орқасидан тикилганча. — Нимагадир уни кўздан йироқлаштиргим қийинроқ бўлиб турибди-да.

Худди шу пайт Оливер шўх-шодон ўгирилиб қараб, муюлишдан бурилиб кетишдан олдин унга бош ирғаб қўйди. Кекса хоним бунга жавобан кулиб қўйди-да, эшикни ёпиб, ўз хонасига қараб кетди.

— Қани, кўрайлик-чи: йигирма дақиқа ўтмаёқ қайтиб келар-ов, — деди мистер Браунлоу соатини чиқариб, уни столга қўяр экан. — Бу орада қош қорайиб қолади.

— О! Астойдил қайтиб келади деб ўйлайсизми? — суриштирди мистер Гримуйг.

— Сиз-чи, сиз бундай деб ўйламайсизми? — кулиб туриб сўради мистер Браунлоу.

Баайни шу аснода мистер Гримуйгнинг вужудини қарама-қаршилик кайфияти батамом қамраб олди, дўстининг такаббуруна кулгиси уни баттароқ васвасага солди.

— Бундай деб ўйламайман! — деди у столга мушт тушириб. — Боланинг эғнида яп-янги кийим, қўлтиғида бир даста қиммат китоб, чўнтағида бўлса беш фунт пул. У ўгривачча ошналарининг олдига жўнайди ва сизни мазах қилиб кулади. Мабодо шу бола бу ерга қачон бўлмасин қайтиб келса, сэр, мен ўз бошимни ўзим гажигиша тайёрман.

Шундай дея у курсисини столга яқинроқ сурди. Икки дўст жимгина ўтиришар, ўрталарида эса соат ётарди.

Шу нарсани айтиб ўтмоқ жоизким, биз ўз ҳукми муҳокамамининг аҳамиятини оширмаққа уринамиз ва яна гуруримиз тазйиқида энг мулоҳазасиз ҳамда ошиғич хулосалар чиқарамиз, шундоқ экан, мистер Гримуйгнинг мутлақо тошбағир одам эмаслигини ва борди-ю, унинг кадрдон дўстини лақиллатиб, аҳмоқ қилсалар астойдил ранжиши тайин эканлигини, лекин шу билан бирга айни дамда Оливер Твистнинг ҳеч қачон қайтиб келмаслигига чин дилдан, самимий умидвор эканлигини таъкидлаб ўтмоқ даркордир.

Қоронғилик шунчалик қуюқлашдики, соат рақамларини илғаб бўлмай қолди, бироқ икки кекса жентльмен боягидек сукут сақлаб ўтиришар, ўрталарида эса соат ётарди.

## XV боб

*кекса қувноқ жуҳуд билан мисс Нэнсининг Оливер Твистни қанчалар меҳр-ла суйганларини намойиш этади*

Кичик Сафрен-Хиллнинг энг ифлос қисмидаги, қишда уззуқун газчирик ёниб турадиган, ёзда тангадай офтоб кўрмайдиган, гардигача спирт ҳиди сингиб кетган ярим қоронғи ва диққинафас, ҳолатиразм қовоқхонанинг ғира-шира хонасида чийдухоба камзул, калта одми иштон, узун пайпоғу бошмоқ кийгэн бир киши қалайи кўзача билан қадаҳни олдига қўйиб ўтирибди; ҳатто хира чироқ шуъласида энг тажрибасиз полиция агенти ҳам унинг мистер Уильям Сайкс эканини дарҳол пайқашни тайин эди. Унинг оёғи остида дам эгасига қараб кўзини пириллатиб, дам тумшугидаги янгигина жароҳатини (афтидан, яқингинадаги олишув оқибатида орттирганди) ялаб, кўзлари қизил оқ ит чўнкайиб ўтирибди.

— Тек ўтир, разил! Тек ўтир! — буюрди мистер Сайкс қўққисдан тинчликни бузиб.

Уй-хаёллари итнинг кўз пириллатиши халал берадиган даражада нозик тортиб турганмиди ёхуд мулоҳаза гирдобига шўнгиб кетганидан асаб торлари

шунчалар таранглашган, уни баёв торттирмоқ учун беозор жониворни тегиш талаби туғилганмиди — буниси қоронғи. Сабаби қандоқ бўлмасин, ит бирваракай насибасига ҳам тепки, ҳам сўкишдан улушини олди.

Одатда, ит зоти эгаси етказган ранж-алам учун қасос олишга мойил эмас, бироқ мистер Сайкснинг ити ўз эгаси каби бемаъни феълли эди ва эҳтимолки, шу паллада тортган хўрлигию эшитган ҳақорати таъсирида бўлса керакки, ҳеч қандай тақаллуф-пақаллуфсиз шартта эгасининг бошмоғини тишлади-олди. У бошмоқни яхшигина силкилаб, ириллаганча курси тагига уриб кетди — зап вақтида, мистер Сайкс қалайи кўзачани нақ боши узра кўтарган лаҳзада қочиб қолганди.

— Ҳали шунақа экан-да! — гўдиллади Сайкс бир кўли билан косовни чангаллаб, иккинчиси билан эса чўнтагидан чиқарган каттақон буклама пичоғини шошилмай оча бошларкан. — Бу ёққа чиқ, иблис! Эшитяпсанми?

Ит шубҳасиз эшитаётган эди, чунки мистер Сайкс голятда дағдағали овоз ва таҳликали оҳангда сўзлаётганди, лекин у, чамаси, томоғига тиг торттилишини истамаётгандек аллақандай бир ғалати туйғуни ҳис этиб, паноҳгоҳидан чиқмади ва баттароқ ириллади, косов учини гарчча тишлаб, йиртқич ҳайвондай ғажий бошлади.

Бундай қаршилиқ кўрсатиш мистер Сайксни баттар қутуртириб юборди холос, у тиззалаб олиб, газаб-ла жониворга қарши ҳамлага ўтди. Ит ўзини у ёқдан-бу ёққа отар, косовни ғажиганча ириллар, ҳурирди, эгаси бўлса сўкинар, итни урар, оғзидан боди кириб-шоди чиқарди; олишув авж палласига етган бир пайтда тўсатдан эшик тарақлаб очилди-ю, ит хонадан отилиб чиқди-кетди, мистер Сайкс косов билан буклама пичоғини ушлаганча қолаверди.

Уришмоқ учун ҳамиша икки рақиб томон бўлмоғи шарт, деган кўҳна нақл бор. Шу боис тарафқашлик майдонида рақиб бўлмиш итдан айрилган мистер Сайкс ўша замоноқ газаб тигини янги кириб келган одамга қаратди.

— Э, асфаласофилинга кетинг-э, итим билан орамизга тушиб нима қиласиз? — жаҳл билан афтини буруштириб, қўлларини паҳса қилиб қичқирди Сайкс.

— Билмабман, азизим, билмабман, — мулоимлик билан жавоб қилди Феджин (кириб келган худди ўша эди).

— Билмабдилар, қуёнорак ўғри амаким? — тўнғиллади Сайкс. — Шовқинниям эшитмабдилар-да?

— Тиқ этган шовқинни эшитмадим, Билл, эшитган бўлсам турган жойимда тил тортмай ўлай, — жавоб берди жухуд.

— Бўлмасам-чи! Турган гап, ўзлари ҳеч нимани эшитмайдилар, — деди Сайкс захарханда кулиб. — Улариям шундоқ писиб юрадиларки, на кирганларини биров билади, на чиққанларини! Афсус, Феджин, ярим дақиқагина олдинроқ ана шу итнинг ўрнида бўлмадингиз-да!

— Сабаб? — суриштирди жухуд ясама кулги билан.

— Негаки, ҳукумат сизга ўхшаган ҳар қанақанги кўппакдан ҳам разилроқ одамларнинг ҳаётига ғамхўрлик қилади-ю, лекин одамга истаган пайтида итларни ўлдиришга рухсат беради, — жавоб берди Сайкс маънодор бир қиёфада пичоғини буклаб ёпаркан. — Сабаби ана шунда.

Жухуд қўлларини ишқаб, стол ёнига ўтирар экан, ўз ошнасининг ҳазилига жавобан зўрма-зўраки илжайди. Аммо-лекин алланечук бўлиб кетгани яққол кўришиб турарди.

— Майли-майли, иршяверинг! — сўзини давом эттирди Сайкс косовни жойига қўйиб, унга еб қўйгундай даргазаб ўқрайиб қараркан. — Уйламанг, икки дунёда менинг устимдан кулиш насиб қилмайди ўзларига, мабодо дорда иршайишларини ҳисобга олмаган-да. Жонингиз менинг қўлимда, Феджин, борди-ю, қўлдан чиқариб юборадиган бўлсам кафансиз кетай. Ҳа, шундоқ! Мен илинадиган бўлсам — сиз ҳам илиндим деяверинг. Шундоқ бўлгач, менга эҳтиётроқ муомала қилинг.

— Ҳа, ҳа, азизим, шундай, — деди жухуд, — бари менга беш қўлдай аён. Бизни... бизнинг манфаатларимиз бир, Билл, манфаатларимиз битта...

— Ҳм... — тўнғиллади Сайкс, гўё ҳамма манфаатларимиз ҳам бир эмас, деган маънода. — Хўш, нима гапингиз борийди менда?

— Барини хамирдан қил суғургандай эсон-омон тинчитдик, — жавоб берди Феджин, — сизнинг улушингизни олиб келдим. Сизга тегадиганидан кўра кўпроқ, азизим, лекин келаси сафар мени ранжитмаслигингизни билганимдан кейин...

— Сафсатани бас қилинг! — сабрсизлик билан унинг гапини бўлди ўгри. — Қани у? Чўзинг бу ёққа!

— Яхши-яхши. Билл, шошилтирманг мени, шошилтирманг, — тинчлантирувчи оҳангда жавоб берди жуҳуд. — Мана у! Ҳаммаси бус-бутун!

Шу сўзлар билан у қўйнидан эски ип рўмолчани чиқариб, бир учидоги каттагина тугунни ечди-да, қалин қоғоздан қилинган пакетчани оларкан, Сайкс жуҳуднинг қўлидаги пакетчага чанг солди-ю, шоша-пиша оғзини оча солиб, ичидоги соверенларни\* санашга тушди.

— Ҳаммаси шуми? — сўради Сайкс.

— Ҳаммаси, — жавоб қилди жуҳуд.

— Тагин, йўлда тугунчани очиб, бир-икки тангани ютиб-путиб юборганингиз йўқми мабодо? — гумонсираб сўради Сайкс. — Башарангизни худди хафа бўлгандай буруштиришингизнинг ҳожати йўқ. Бунақанги ишни бир неча марта қилгансиз-ку, ахир. Живгирлатинг!

Оддий инглиз тилига таржима қилинганда бу, қўнғироқни чалинг, деб буюрган маънони билдирарди. Қўнғироқ овозини эшитиб, Феджиндан ёшроқ, лекин деярли худди шунақа сўхтаси совуқ бошқа бир жуҳуд кириб келди.

Билл Сайкс бўшаган кўзачани имлади. Жуҳуд имони жуда яхши фаҳмлаб, кўзачани олиб, қайтадан тўлатиб келтиргани чиқиб кетишдан аввал айни шу сонияда худди унинг нигоҳини кутгандай бирровгина бошини кўтарган Феджин билан маънодор кўз уриштирди, шунда чол бунга жавобан ҳар қандай сергак кузатувчи ҳам аранг пайқайдиган қилиб хиёлгина бош иргаб қўйди. Шу топда бошмоғининг ит узиб юборган ипини боғлаш учун энгашрган Сайкс буни кўрмади. Балки, газзоб агар уларнинг кўз очиб-юмгунчалик фурсат ичидоги имо-ишораларини пайқагани тақдирда, бу нарса ўзи учун яхшиликдан далолат бермаслиги хаёлига келган бўлармиди.

— Бу ерда бирдан кимса борми, Барни? — сўради Феджин; энди Сайкс бошини кўтарганида у ердан кўзини узмай сўзларди.

— Ҳеч зоғ йўқ, — жавоб қилди Барни, сўзлари — дилдан айтяптими ё йўқми, буни билмадик—димоғидан чиқаётганди.

— Ҳеч ким-а? — сўради Феджин ҳайрон бўлгандай бир оҳангда ва бу билан у Барнига тўғрисиани айтавер дея шама қилиб.

— Мисс Нэнсидан бошқа ҳеч ким йўқ, — жавоб берди Барни.

— Нэнси! — хитоб қилди Сайкс. — Қаерда? Тугма истеъдоди учун бу қизни ҳурмат қилмасам кўзларим оқиб тушсин.

— Қайнатма мол гўшти буюриб, буфетда ўтирибди, — деди Барни.

— Бу ёққа жўнатинг уни, — деди Сайкс стаканга ароқдан куяётиб. — Бу ёққа юборинг уни.

Барни, худди изн сўраётгандек Феджинга чўчибгина кўз қирини ташлади; жуҳуд миқ этмай ва кўзини ердан кўтармай ўтиргани туфайли Барни чиқиб кетди, ҳаял ўтмай башанг кийиниб, пешбанд тутиб олган, бошида чепец, қўлида сават билан калит — Нэнсини бошлаб қайтди.

— Изини топдингми, Нэнси? — сўради Сайкс унга қадаҳда ароқ таклиф қиларкан.

— Топдим, Билл, — жавоб берди ёш хоним қадаҳни бўшатиб, — ўзиям роса чарчадим-да. Болақайнинг мазаси йўқ экан, кўрпа-тўшак қилиб ётганмиш десанг...

— Эҳ, Нэнси, азизим! — деди Феджин кўзларини ердан узиб.

Эҳтимол, жуҳуднинг малла қошлари антиқа бир тарзда чимирилиши, чуқур чўккан кўзларининг ярим юмуқлиги мисс Нэнсини ортиқча валақлаяпсан, деб огоҳлантиргандир, бироқ бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Мазкур ҳолатда биргина далилга қизиқмоғимиз лозим. Бу далил эса мисс Нэнсининг бирдан ўз гапини бўлиб, мистер Сайксга ишвали табассум тухфа этиб, гапни бошқа мавзуга буриб юборганидир.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, мистер Феджинни қув-қув йўтал тутди; шунда

Нэнси шол рўмолини елкасига ташлади-да, кетадиган вақти бўлганини айтди. Мистер Сайкс йўлнинг маълум қисмигача қиз билан биргалашиб борса бўлажагини билгач, уни кузатиб бориш истагини билдирди: икковлон бирга йўлга чиқдилар, орқаларидан эса пича кейинроқда, эгаси йўлга тушиши билан орқа эшикдан зипиллаганча югуриб чиққан ит эргашиб борарди.

Сайкс хонадан чиққанида, жухуд эшикдан мўралаб, унинг қоронғи йўлакда узоқлашиб бораётганини кузатиб тураркан, муштини ўқталиб, алланима деб койиди гудуллаб, кейин манфурона тиржайганча стол ёнига қайтиб ўтирди ва ҳадемай қизиқарли «Ушла! Тут!»\* газетасини ўқишга берилиб кетди.

Бу орада ўзини кекса қувноқ жентльмен билан бунчалик қисқа масофа ажратиб турганидан беҳабар Оливер Твист китоб дўкони сари борарди. Клеркенуэлга етгач, у янглишиб, кирмаса ҳам бўладиган тор кўчага бурилди; ўз хатосини анлаганида аллақачон йўлнинг ярмини босиб қўйганди; бу тор кўча ҳам кўзлаган ерига олиб чиқишини биларди, шунинг учун ҳам орқага қайтмасликка аҳд қилди ва китобларни қўлтиқлаганича илдам олға бораверди.

У ўзини қанчалик бахтиёр ҳамда ҳаётдан мамнун ҳис этиши лозимлиги устида, иннайкейин, очлик ва калтаклашлардан азоб чеккан, эҳтимолки айнан шу дамда юм-юм йиглаб ўтирган бечора жажжи Дикни лоақал бир мартагина кўришга бор бисотини ҳам беришга тайёр эканлиги устида ўй суриб борарди. Баногоҳ қандайдир ёш аёлнинг айюҳанносидан чўчиб сапчиб тушди: «Вой укажоним-а!» То атрофига аланглаб нима бўлганини кўриб, англаб етмасиданок кимнингдир қўллари бўйнига чирмашди.

— Қўйворинг! — қичқирди Оливер юлқиниб. — Қўйворинг мени! Ким ўзи бу? Мени нимага тўхтатдингиз?

Унинг сўровларига берилган жавоб қўлида сават билан эшик калитини кўтариб олган ёш аёлнинг уввос тортиб чийиллашигина бўлди, холос.

— Вой худойим-а! — чийилларди жувон. — Топдим уни! Вой Оливергинам-а! Ҳа, ярамас бола, шунча куйдирдинг-а мени. Юр уйга, укажонгинам, уйга юра қол! Вой ўргилиб кетайин-а, топдим-а уни! Эй раҳмдил худойим, ўзингга шуқр, уни топдим-а!

Ушбу пойинтар-сойинтар хитоблардан сўнг, ёш хоним яна уввос тортиб йиғларкан, жазабаси тутиб шунақанги телбаларча аҳволга тушдики, бу пайтда ёнларига келиб қолган икки аёл гўшт дўконида хизмат қиладиган, мол ёғи суртилган сочи ялтиллаган боладан, чопқиллаб докторга бориб келолмайсизми, деб сўрашди. Қассоблик дўқонидаги бола эриди дейишдан кўра дам олиш майли кўпроқ экан шекилли, бу шарт эмас, деб жавоб қилди.

— Вой қўяверинглар, парво қилмаклар, — деди жувон Оливернинг қўлини маҳкам қисиб ушлаганча. — Анча тузалиб қолдим. Ҳозироқ юр уйга, тошбағир бола! Юр деяпман!

— Нима бўлди, хоним? — сўради аёллардан бири.

— Вой айланай хоним-а! — нидо солди ёш жувон. — Бир ойча олдин ота-онаси, бообрў, заҳматкаш одамларникидан қочиб кетиб, ўгри-мутгаҳамларга қўшилиб, шўрлик онагинамни юрагини қон қилиб юборди.

— Улардай ярамас болайкан! — деди биринчи аёл.

— Бор уйингга, газанда! — илиб кетди иккинчиси.

— Йўқ, йўқ! — хитоб қилди Оливер ваҳима ичра. — Мен уни танимайман! Мени опам йўқ, отам ҳам, онам ҳам йўқ. Мен етимман. Мен Пентонвилда тураман.

— Бунга қаранг-а, бақрайиб туриб қаммасидан тонади-я! — чийиллади жувон.

— Ие, бу Нэнси экан-ку! — нидо солди Оливер эндигина жувоннинг юзига кўзи тушиб, ҳайратдан ўзини четга ташларкан.

— Кўряписизларми, мени танияпти у! — чийиллади Нэнси атрофда ҳозир бўлганларга қарата. — Мендан тониб, қутулиб бўпти. Худо хайрларингни берсин, уйга қайтишга унатишлар бунга, йўқса меҳрибон онаси билан отасини гўрга тикади, мени бўлса юрагимни адоий тамом қилади.

— Жин урсин, нима гап бўляпти бу ерда? — ўдағайлади пивоҳонадан зинғиллаб чиқиб келган аллақандай одам, орқасида эса изма-из оқ ит эргашиб келарди. — Ия, Оливерча-ку! Итвачча, бор бечора онангни олдига! Қани, бир уйга қараб ғизилла-чи!

— Булар мени ҳеч қанақа қариндошиммас! Уларни танимайман! Ердам беринглар! Ердам! — додлади Оливер бу одамнинг гурзидай қўлидан чиқиб кетиш учун юлқиниб.

— Ердам беринглар? — такрорлади ҳалиги одам. — Ҳозир ёрдам бераман-да, зинқарча фирибгар! Бу қанақанги китоблар? Уғирлагандирсан-да буларни? Қани, бу ёққа бер-чи уларни!

Шундай дея у боланинг қўлидаги китобларни тортиб олди-да, улар билан бошига тушурди.

— Бопладинг! — чордоқ деразасидан қичқирди бир бекорчихўжа. — Фақат шу йўл билан ақлини киргизиш мумкин уни.

— Тўппа-тўғри! — гапига қўшилди уйқудан юзлари кўпчиган дурадгор чордоқ деразасига маъқуллаб қараб кўяр экан.

— Бу ўзини фойдаси! — деган қарорга келишди бояги икки аёл.

— Ҳа, фойдаси тегади буни унга! — деди ҳалиги одам тагин Оливерни уриб, ёқасидан оларкан. — Қани юр, муттаҳам!.. Ҳой, Фонусча, бери кел! Ба! Эслаб ол буни! Эслаб!

Яқингинада чеккан дардидан дармони қуриган, ногаҳоний ҳамлаю калтаклардан ганграб қолган, итнинг дағдағали ириллашию бу одамнинг ҳайвонона муомаласидан ўтакаси ёрилаёзган, атрофда йиғилганларнинг уни гўё чиндан ҳам ўнғалмас муттаҳамлигига ишонч ҳосил қилганларидан эзилган шўрлик болакайнинг қўлидан нимаям келарди? Қош қорайиб қолди: бу атрофда шубҳалию жоҳил одамлар яшарди; яқин орада ёрдам берадиган инсон зоти топилмасди. Қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Бирон дақиқа ўтмаёқ уни зим-зиё тор ҳовлилардан сургаб боришарди, борди-ю, у аҳён-аҳёнда додлашга ботинадиган бўлса, шунақанги зингиллатганча суриб кетишардики, нима деяётганини англаб бўлмай қоларди. Аслини олганда, мабодо бу ҳатто тушунарли бўлган тақдирда ҳам, бари бир додлашига эътибор берадиган бирон кимса бўлмаганидан кейин тушунарли бўлишининг қандай аҳамияти бор?

Чироқларни ёқишди; миссис Бэдуин хавотирланиб ланг очиқ эшик олдида кутарди; оқсоч Оливер келмаяптимикин деб йигирма мартача кўчага югуриб чиқди-ёв. Иккала кекса жентльмен эса ҳануз қоронғи меҳмонхонада ўтиришар, ўрталарида соат ётарди.

## XVI боб

*Нэнса қариндошлик ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганидан кейин  
Оливер Твистга нима бўлганлигини ҳикоя қилади*

Тор кўча ва ҳовлилар ниҳоят қўтонлари ҳамда қорамол савдоси учун барча зарур нарсалар мавжуд бўлган кенг, очиқ майдонга олиб чиқди. Шу ерга етганда Сайкс одимини секинлатди: қизнинг бундай тез юришга ортиқ мадори қолмаганди. У Оливерга ўгирилиб, Нэнсининг қўлидан ушлаб ол, деб буйруқ қилди дўқ уриб.

— Нима, эшитмаяпсанми? — тўнғиллади Сайкс, негаки Оливер имирсилаб, атрофга аланглай бошлаганди.

Шу пайтда улар одам гавжум кўчалардан четроқда, пасқам, қоронғи жинкўчада туришарди. Қаршилик кўрсатгани билан ҳеч иш чиқмаслигини Оливер жуда яхши тушунарди. У қўлини узатганди, Нэнси маҳкам ушлаб олди.

— Иккинчи қўлингни менга бер, — деди Сайкс бўш қўли билан Оливерни ушлаб оларкан. — Фонусча, бу ёққа!

Ит бошини кўтариб, ириллаб қўйди.

— Қара! — деди у иккинчи қўли билан Оливернинг гарданини кўрсатиб. — Агар гинг деб овоз чиқарадиган бўлса, шу еридан оласан! Едингда бўлсин!

Ит яна бир бор ириллаб, тумшугини ялаганча, гўё гирибонидан олишга сабри чидамаётгандай, важоҳат-ла Оливерга тикилди.

— Қочса ит уни ҳар қанақанги насронийдан кўра чапдастлик билан ушлаб олмаса отимни бошқа кўяман!.. — деди Сайкс жониворга қандайдир галати ўқрайганча тикиларкан. — Ана энди, мистер, ўзингизни нималар кутаётганини

биласиз, демакки, кўнглингиз тусаганича додлайверинг: кўппак бирпасда бу машмашани бас қилади-қўяди... Қани, олга, кўппаквой!

Фонусча бундай ғайриодатий эркалаш эвазига думини ликиллайтиб, Оливерни оғоҳлантириб қўяётгандай яна бир марта ириллади-да, олдинга тушиб йўрғалай кетди.

Улар Смитфилдни кесиб ўтишди, бироқ Оливер ҳатто Гровенор-сквердан боришган тақдирларида ҳам бари бир йўлни танимаган бўларди. Қоронғи ҳамда туманли оқшом эди. Кўчаю уйлари қаърига тортиб, дақиқа сайин қуюқлашиб бораётган вазмин туман пардаси аро дўконларнинг чироқлари элас-элас милтиллар ва нотаниш жойлар Оливерга янада бегонароқ кўринар, унинг эсанкираб саросималаниши баттар изтиробли тус олиб, ноумидлиги орта борарди.

Улар тагин бир неча одим босишаркан, черков соатининг босинқи даранг-дурунги эшитилди. Биринчи зангдаёқ Оливернинг иккала ҳамроҳи ҳам тўхтаб, занг овози келаётган томонга ўгирилиб қаради.

— Соат саккиз бўпти, Билл, — деди Нэнси соат занги тингач.

— Буни гапириб нима қиласан? Нима, мени эшитмади деясанми? — жавоб қилди Сайкс.

— Шун билмоқчийдим, улар ҳам эшитишаётганмикин? — деди Нэнси.

— Турган гап, эшитишади, — жавоб берди Сайкс. — Мени Варфоломей куни\* илинтиришганди, ўшанда десанг, ярмаркадаги тиқ этган товушни ҳам эшитиб турардим. Ташқаридаги шовқин-сурон, шовур-шувур олдида лаънати кўҳна турма шунақанги жимжит эдики, юрагим ёрилаёзганидан темир эшикка калла қилиб бошимни қатигини ўйнатиб юборишимга сал қолган.

— Шўрликлар! — деди Нэнси, у ҳануз соат занг урган тарафга қараб турарди. — Эҳ, Билл, қандай ажойиб йигитчалар-а!

— Ҳа, аёл зотининг калласида шундан бошқа гап йўқ, — жавоб қайтарди Сайкс. — Ажойиб, азамат йигитлар! Ҳозир уларнинг ўлиқдан фарқлари йўқ. Шундоқ бўлгач, сафсата сотиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Тасалли бергувчи ушбу сўзларни айтар экан, мистер Сайкс дилида уйғонай деган рашкни жиловлаган бўлди чамаси ва Оливернинг қўлини маҳкам-роқ сиқиб, олга юришни бурди.

— Бирпасгина шошилма! — хитоб этди қиз. — Мабодо кейинги соат саккизга занг урганида сен дорда осилиб ётадиган бўлганингда мен сираям ошиқмасдим, Билл. Унда мен ўша жойдан жилмасдим, то ҳолдан тойиб йиқилиб қолмагунимча, ҳатто ерни қор қоплаб олган, менинг эса ўрангани шол рўмолим бўлмаган чоғидаям ўша атрофда ўраллашиб юраверардим.

— Бундан нима фойда чиқарди? — сўради таъсирчанлиги кўнгилбўшлик мутлақо бегона мистер Сайкс. — Агарки эгов билан йигирма ярд пишиқ арқонни ичкарига киритиб беролмас экансанми, эллик чақирим олисда тентирайсанми ёки бир жойда қотиб турасанми, бунинг менга сариқ чақалик фойдаси бўлмасди бари бир. Юр, бу ерда туриб олиб, ваъзхонлик қилишнинг ҳожати йўқ!

Қиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, шол рўмолига ўраниб олди, кейин улар йўлга тушишди. Лекин Оливер унинг қўли қандай титраётганини сезди, газ фонус олдидан ўтиб кетаётганларида эса юзига қараркан, ранги мурдадек кўкариб кетганини кўрди.

Пасқам ва ифлос кўчалар бўйлаб ярим соатча юришди, йўлакай камдан-кам йўловчилар учрар, булар ҳам турқларига қараганда жамиятда мистер Сайксдан ортиқроқ мавқе тутмасдилар. Ахийри, улар ниҳоятда тор, ифлос, деярли эски-фурушлар дўконлари эгаллаган кўчага чиқишди: олдинда чопиб бораётган ит, худди ортиқ сергак бўлишига ҳожат қолмаганини фаҳмлагандек, ёпиқ дўкон олдида тўхтади, афтидан, дўкон бўм-бўш кўринарди. Уй қийшайиб кетган, эшигига бўлса, ижарага берилади, деган ёзув қоқиб қўйилган эди; чамаси бу ёзув кўп йиллардан берига осиглиқ турганга ўхшарди.

— Ҳаммаси жойида! — деди Сайкс эҳтиёткорлик билан атрофга аланглаб.

Нэнси дераза қопқоғи сари энгашди, шунда Оливер кўнгироқчанинг жиринглаган овозини эшитди. Улар кўчанинг у бетига ўтиб, бир неча дақиқа фонус остида туришди. Шовқин эшитилди, аллаким худди дераза ромини оқистагина кўтараётганга ўхшади; кўп ўтмай эса астагина эшикни очишди. Кейин мистер



Сайкс бетакалдуфлик билан шартта боланинг ёқасидан олди-ю, учовлари тез ичкарига киришди.

Йўлак бутунлай қоп-қоронғи эди. Улар то ўзларини ичкари киритган одам эшикни ёпиб, лўкидонни суриб, занжирини илғунича кутиб туришди.

— Ҳеч ким борми? — сўради Сайкс.

— Ҳеч зоғ, — жавоб берди биров.

Оливернинг наздида бу овозни олдин эшитгандай туюлди.

— Чол-чи, шу ердами? — сўради ўгри.

— Шу ерда, — жавоб қилди бояги овоз. — Эсхонаси чиқиб кетган. Сизларни кўриб суюнмайди деб ўйлайсизми? Суюниш ҳам гапми!

Сўзлаётган кимсанинг гапириш мароми, худди овози сингари, Оливерга таниш туюлди-ю, лекин қоронғида унинг ҳатто қадди-қоматини тузукроқ кўриб бўлмасди.

— Чироқ-пироқ ёқсанг-чи, — деди Сайкс, — бўлмаса бирон еримизни қашқа қилиб бир фалокат орттириб ё итни босиб оламиз. Мабодо уни босиб-мосиб олсанг, оёгингни эҳтиёт қил-а.

— Бирпас шошмай туринглар, ҳозир шам ёқаман, — жавоб берди ҳалиги овоз

Олислашиб бораётган одим шарпаси эшитилди, бирор дақиқалардан сўнг мистер Жек Даукинс, бошқача қилиб айтганда — Эпчил Туллак пайдо бўлди. Унинг ўнг қўлида бир учи ёрилган таёққа қистирилган шам бор эди.

Ёш жентльмен Оливерни танигани белгиси сифатида истехзоли илжайиб кўя қолди ва ўгирилиб, келувчиларга изма-из зинадан пастга тушаверишларини айтди. Улар бўм-бўш ошхонадан ўтиб, зах ер иси келиб турган шифти паст хонага киришар экан, бирдан қаҳқаҳлаган кулги кўтарилди.

— Вой, вой жоним, вой, чидолмайман! — деди ёш Чарли Бейтс томоғи йиртилгудек қаҳ-қаҳ урганча. — Мана у! Воҳ, мана ўзлари гаширф буюрдилар! Вой, Феджин, уни бир кўриб қўйинг-а! Йўқ, ўзингиз бир қаранг-а унга, Феджин! Ортиқ кучим қолмади. Ана томошаю мана томоша! Ҳой, бирортанглар ичагим узилиб қулаб қолмасимдан ушлаб турсанглар-чи мени!

Бежилов, шўх-шодон кулги жазавасида ёш Бейтс таппа ерга қулаганча, талвасаланиб, беш дақиқалар чамаси ўз ҳайратини оёқларини тапирлатиш билан ифодалади. Сўнгра сакраб турди-ю, Туллакнинг қўлидан шам қистириглич таёқни юлқиб олди-да, Оливерга яқинлашиб, атрофида айланганча уни бошдан-оёқ кузата бошлади; бу пайтда жуҳуд тунги қалпогини ечиб, эсанкираб қолган болакайга икки букилиб таъзим бажо келтирмоқда эди. Бу борада ғамгинлиги билан ажралиб турадиган ва башарти ишга халал берадиган бўлса кўнгилхушликка камдан-кам йўл қўядиган Туллак беқиёс ғайрат-ла Оливернинг чўнтақларини ахтариб-тинтиб ётганди.

— Камзулини қаранг, Феджин! — дея Чарли шамни Оливернинг яп-янги куртқасига шунчалик яқин келтирдик, оз бўлмаса у лов этиб ёниб кетаёзди. — Камзулини бир кўринг-а! Нозик-мулойим мовутдан, яна-тагин қотириб тикилган! Ана томошаю мана томоша! Устамасига китоблари ҳам бор-ку! Эҳ-ҳе, чинакам жентльмен бўп кетибди-ку, Феджин!

— Сени шундай башанг, басаломат кўриб бошим осмонга етди, азизим, — деди жуҳуд ясама мулойимлик билан таъзим қилиб. — Туллак сенга бўлак кийим беради, тагин кўчалик сарпангни кир қилиб қўймагин. Нега бизга бир энликкина қилиб ёзиб юбормадинг, азизим, келаётганингдан мундоқ огоҳлантириб ҳам қўймабсан-а! Кечликка бирор тузукроқ иссиқ овқат тайёрлаб қўярмидик.

Гап шу ерга етганда ёш Бейтс яна шунақанги хохолаб кулиб юбордики, бундан Феджиннинг кўнгли очилиб яйраб кетди, ҳатто Туллакдай одам ҳам ишшайди, аммо айнан шу сонияда Туллак чўнтақдан беш фунтликни чиқараётганди, шу боис унинг кулгисига нима — ҳазилми ёки топилдиқми сабаб бўлганини айтиш амримаҳол эди.

— Ҳей, бу қанақаси бўлди тагин? — сўради Сайкс жуҳуд пулни юлқиб оларкан, олға бир қадам ташлаб. — Бу менинг ўлжам, Феджин.

— Йўқ, йўқ, азизим! — хитоб қилди жуҳуд. — Меники бу, Билл, меники. Китоблар сизга тегади.

— Бўлмаган гап! — деди Сайкс қатъий важоҳат-ла шляпасини кия туриб. —



Бу мен билан Нэнсига тегишли, йўқса болани орқасига қайтариб олиб бориб қўяман.

Жухуд сесканиб тушди. Оливер ҳам шунда сесканиб тушди, лекин мутлақо бошқа сабадан: унинг дилида қайтариб олиб бориб қўйишади деган умид учқунлаган эди.

— Бу ёққа чўзинг! Эшитяпсизми! — деди Сайкс.

— Бу адолатданмас, Билл. Тўғриямасми ахир, Нэнси? — сўради жухуд.

— Адолатданми ё адолатданмасми, — эътироз билдирди Сайкс, — чўзинг деяпман сизга. Наҳотки Нэнси билан икковимизнинг кўчама-кўча изғиб, сизнинг айбингиз билан тузоққа тушган болаларни ўғирлашдан бошқа ишимиз йўқ, деб ўйласалар ўзлари? Пулни чўз бу ёққа, зикна, қари арвоқ! Эшитяпсанми?! Шундан кейин мистер Сайкс жухуд бош бармоғию шаҳодат бармоғи билан маҳкам тутиб турган пулни тортиб олиб, совуққонлик ила чолнинг башарасига тикилган кўйи, пулни ҳафсала билан буклади-да, рўмолчасига тутиб қўйди.

— Бу меҳнат ҳақимиз, — деди Сайкс, — аслида икки баравар кўпроқ бўлиши керагиди. Китоблар ўзларига қола қолсин, китоб ўқишга ишқибоз бўлсангиз, албатта. Эки пулларсиз.

— Жуда чиройли экан-а булар! — деди Чарли Бейтс, афтини бужмайтириб, гўё китоблардан бирини ўқиётган бўлди. — Қизиқ китоблар-а, тўғрими, Оливер?

Оливернинг ўз зулмкорларига қандай гамгин жавдираётганини кўрган ёш Бейтснинг (ҳамма нарсада кулгили жиҳатини кўра билиш истеъдодига эга эди у) ҳайрати яна ҳам жўш уриб кетди.

— Бу кекса жентльменнинг китоблари! — хитоб қилди Оливер зорланиб. — Иситмалаб ўлай деб қолганимда мени уйига олиб бориб парвариш қилган меҳрибон, сахий, яхши кекса жентльменники! Илтимос қиламан, уларни қайтариб юборинг, китоблари билан пулини ўзига қайтариб юборинг! Мени то ўлгунимча шу ерда олиб қолинглар-у, лекин буларни эгасига қайтариб беринглар. У буларни мени ўғирлаб кетди деб ўйлайди. Кекса хоним ҳам, менга меҳрибонлик қилган бошқаларнинг ҳаммаси ҳам буларни мени ўғирлаб кетди деб ўйлашади! Раҳмингиз келсин менга, буларни қайтариб юборинг!

Оливер бениҳоя гам-андух-ла шу сўзларни айтганча жухуднинг оёқларига йиқилиб, зор қақшади.

— Болакай ҳақ, — деб қўйди Феджин атрофга ўгринча нигоҳ ташлаб оларкан бароқ қошларини чимириб. — Сен ҳақсан, Оливер, гапинг тўғри: улар, албатта, бу нарсаларни сени ўғирлаб кетди деб ўйлашади. Ҳи-ҳи-ҳи! — кулди жухуд қўлларини ишқаб. — Ҳар қанча тиришганимизда ҳам, бунақанги ўлжани қўлга киритолмасдик.

— Албатта-да, киритолмасдик, — жавоб қилди Сайкс. — Мен буни китобларни қўлтиқлаб олганча Клеркенуэлда келаётганида болага кўзим тушгани ҳамоноқ фаҳмлагандим. Ҳаммаси жойида. Бу одамлар — кўнгли бўш, художўй одамлар экан, йўқса унга уйларидан бошпана беришармиди. Иннайкейин, улар бола ҳақида сўраб-суриштириб юришмайди, негаки, тагин судга мурожаат қилишга тўғри келиб қолмаса гўрга эди деб хавфсирашади, ана унда, болани каторгага жўнатишга тўғри келади. Ҳозир у хавф-хатарсиз.

Ушбу суҳбат давом этаркан, Оливер нима гап бўлаётганини тузук-қуруқ тушунолмаётгандай гоҳ унисига, гоҳ бунисига жавдирарди; бироқ Билл Сайкс жим қолгач, у тўсатдан бир сапчиди-ю, ёрдам сўраб бутун бошли бўм-бўш уйни бошга кўтарганча дод солиб хонадан қочишга тушди.

— Итингни ушла, Билл! — дея қичқирди Нэнси жухуд билан унинг икки шогирди орқадан қувиб кетишгач, эшик томон ташланиб, уни тарақлатиб ёпаркан. — Итингни ушлаб тур. Болани нақ тилка-пора қилиб ташлайди-я бўлмаса!

— Жазоси шу уни! — ўдағайлади Сайкс қизнинг қўлидан чиқишга уриниб. — Йўлимни тўсма, қоч, йўқса бошингни деворга уриб пачақлайман!

— Менга бари бир, Билл, бари бир менга! — шанғиллади қиз жон-жаҳди билан йигитга ёпишиб. — Олдин мени ўлдирмагунингча бу ит болани ҳеч қачон тилкалаёлмайди, билиб қўй!

— Тилкалаёлмайди де! — деди Сайкс тишларини ғижирлатиб. — Агар қўй-вормайдиган бўлсанг, ўзим шундай қилганим бўлсин!

Каззоб қизни хонанинг нариги бурчагига улоқтириб юборди, худди шу пайт жуҳуд билан икки шогирди Оливерни сургаганча кириб келишди.

— Нима гап? — сўради Феджин атрофга аланглаб.

— Бу қиз ақлдан озганга ўқшайди, — жавоб берди Сайкс дарғазаб.

— Йўқ, у ақлдан озганича йўқ, — деди олишувдан ранги гезариб, ҳансираб қолган Нэнси. — Ҳечам ақлдан озгани йўқ у, Феджин, бунақа деб ўйламанг сира!

— Бўлмаса ўзингни босиб ол, эшитяпсанми? — деди жуҳуд қизга таҳликали ўқрайиб.

— Ҳечам бундай қилмайман, — қаршилик билдирди Нэнси овозини баландлатиб. — Хўш, бунга нима дейсиз?

Мистер Феджинга Нэнси тоифасидаги одамларнинг одати ва феъли етарлича таниш эди, яна тагин у шу топда қиз билан ади-бади айтишиб ўтириш хатарли эканини ҳам биларди. Ҳозир бўлганларнинг диққат-эътиборини чалғитиш учун у Оливерга ўғирилди.

— Демак, жуфтакни ростлаб қолмоқчийдилар-а, азизим, шундай эмасми? — деди жуҳуд ўчоқ ёнбошида ётган серкўз таёқни олаётиб. — Шундай эмасми?

Оливер миқ этмади. У жуҳуднинг ҳар бир ҳаракатини кузатар ва энтикиб-энтикиб нафас оларди.

— Ердамга одам чақирмоқчимидилар, полицияни чақирмоқчимидилар, шундайми? — мазах қилди жуҳуд боланинг қўлидан тутаркан. — Сени бу дарддан халос қилиб қўямиз, ўспирин жентльменча!

Жуҳуд таёқ билан Оливернинг елкасига қарсиллатиб тушириб, яна таёғини кўтарди, бироқ қиз олдинга ташланди-ю, уни ушлаб қолди. У таёқни шундай зарб билан оловга қараб улоқтирдик, лангиллаб турган чўғлар ерга сочилиб тушди.

— Мен бунга индамай қараб туролмайман, Феджин! — қичқирди қиз. — Бола кўлингизда, яна нима керак сизга? Тегманг унга, агар тагин қўл теккизадиган бўлсангиз, бўйнимга бевақт сиртмоқ тушса ҳамки, бирорталарингни пачақ қиламан-қўяман!

Шундай дағдаға билан қиз дарғазаб депсинди ва лабларини қимтиб, қўлини маҳкам мушт қилиб тукканича нигоҳини жуҳуддан иккинчи каззобга кўчирди; аста-секин авжга мина борган ғазаб туғёнида туси мурдадай кўкариб кетганди.

— Эҳ, Нэнси! — деди жуҳуд келишувчанлик оҳангида, мистер Сайкс билан кўз уриштириб олиб. — Бугун сен ҳар қачонгидан ақлдироқ, зеҳни ўткирроқ бўп қолдинг-ку. Ҳа-ҳа! Жонгинам, ўз ролингни қотириб ижро этяпсан.

— Шунақа денг! — деди қиз. — Эҳтиёт бўлинг, тагин ҳаддидан ошириб юбормай. Агар шундоқ бўлса ўзингизга қийин, Феджин, мен сизни олдиндан огоҳлантириб қўйяпман, ўзингизни нарироқ тутинг мендан.

Жазаваси тутган, айниқсанги, бошқа бўйин бермас эҳтиросу туйгуларига телбалик, ноумидлик ва аламзадалик омихта бўлиб кетган аёл зотида шундай бир нарса борки, бунга рўпара бўлишни истайдиган эркак камдан-кам топилса керак-ов. Жуҳуд ўзини гўё Нэнсининг ғазаби келганига ишонмаётган қилиб кўрсатиш бефойда эканини фаҳмлади ва беихтиёр орқага тисариларкан, мунозарани давом эттириш энди сенинг галинг, дегандай Сайксга илтижолу ҳамда ҳуркибгина нигоҳ ташлади.

Мистер Сайкс бу унсиз илтижони англаб ва эҳтимолки, агар дарҳол мисс Нэнсининг эсини киритиб қўймаса ғурури ҳамда шаънига путур етажagini ҳис этганиданми, ишқилиб, ўнлаб ҳақорату дўқ-пўписаларни қалаштириб ташлади, бу сўкишларнинг қўйилиб келиши унинг ушбу соҳадаги кашфиётчиллик обрў-эътиборини чандон орттириб юборди. Аммо бу сўз тиглари аёлга заррача таъсир қилмагани важдан у янада тагдор, янада жиддий қилиб қисти-бастига олди.

— Бу қанақа қилиқ бўлди тагин? — деди Сайкс, инсон чехрасининг энг гўзал безагига қаратилган гоятда кенг тарқалган ҳақорат билан ўз саволинга таъкидлаб; башарти арши аълодагилар эллик минг бора айтилган бунақанги ҳақоратлардан лоақал бир галгисига қулоқ осганларидами, басирлик худди қизамиқдай оддий бир дард бўлиб қолармиди. — Бу қанақа қилиқ бўлди яна?

Буни кўриб, эшитганимдан кўра асфаласофилинга равона бўлганим маъқул-ку! Ўзинг кимсану нимасан, биласанми ўзи?

— Ҳа, ҳаммасини биламан, — жавоб берди қиз телбаёна кулганча, бошини сарак-сарак қилиб ва ўзини бепарво қилиб кўрсатишга беҳуда тиришиб.

— Ундоқ бўлса, шаллақиликни йиғиштир, — деди Сайкс итига гапириб ўрганиб қолган тўнг бир оҳангда, — йўқса бир умрга унингни ўчириб қўяман-а!

Қиз баттар асабий қаҳ-қаҳ урди-да, Сайксга бир қараб қўйиб, тескари ўгирилди ва лабини шундай тишладикки, қон чиқиб кетди.

— Баракалла-е сенга! — қўшиб қўйди Сайкс унга нафрат-ла олайиб. — Ўзинг ҳам худди инсонпарвар ва олижаноб одамлар тоифаси бопсан-да. Ўзинг айтганингдай, болакай билан дўстлашишга муносиб хонимчасан-да ўзиям!

— Бу тўғри, илоё қодир худонинг ўзи мадақдор бўлсин менга! — хитоб қилди қиз жўшиб. — Уни бу ерга олиб келишда сизларга ёрдам берганимдан кўра кўчада тил тортмай ўлиб қўя қолганим ёки бугун ёгиналаридан ўтиб келган аёлларнинг ўрнида бўлиб қолганим минг марта яхшийди-я! Шу оқшомдан бошлаб у ўғри, алдоқчи, иблис ва ҳар болаларга айланади. Наҳотки, бу ярамас чолга шўям камлик қилса, калтаклаш етишмаса унга!

— Вас, етар, — насиҳат қилган бўлди жужуд, Сайксга бўлаётган машмашаларни диққат-ла кузатаётган болаларни имлаб кўрсатиб. — Одоб билан сўзлаш-моғимиз лозим, Билл, одоб билан.

— Одоб билан! — чинқирди қиз, шу топда даҳшатли қиёфада эди у. — Одоб билан сўзлармишлар-а, вой разил-э! Ҳа, мендан боодоб сўзларни эшитадиган иш қилиб қўйибдилар-да ўзлариям! Сиз учун ўғирлик қила бошлаганимда бундан икки баравар ёш эдим-а! — Шундай деб Оливерни кўрсатди у. — Бу ҳунар билан шуғулланиб, сизга хизмат қилиб келаётганимга ўн икки йил бўлди. Буни билмайсиз-а? Гапиринг ахир! Вилмайсиз-а?

— Вас-бас! — уни тинчлантиришга уринди жужуд. — Ростки шундоқ экан, шу йўл билан ризқ-рўзингни, насибангни ишлаб топяпсан-ку, ахир.

— Ҳа, албатта! — сўзни илиб кетди қиз; у гапирардимас, чинқирарди — сўзлар бамисоли шиддатли оқимдай қуйилиб келарди. — Тирикчилигим шу билан ўтяпти... Совук, нам, ифлос кўчалар — менинг уйим! Сиз бўлсангиз — талай йиллар илгари ана ўша кўчаларга қувган ва мени кун-бакуни, тун-батун, токи ўлгунимча ўша ёқда тентирашга мажбур қиладиган муттаҳамсиз...

— Шундоқ қиламанки, бу кунинг ҳам ҳолва бўп қолади! — гапини бўлди ушбу таъналардан дарғазаб бўлган жужуд. — Агар яна бир оғиз сўз чиқадиган бўлса оғзингдан, таъзирингни бериб қўяман!

Қиз ортиқ ҳеч нима демеди; жазаваси қўзиб сочларини юлганча жужуднинг устига ташланди, мабодо Сайкс зарур пайтда унинг қўлидан ушлаб қолмаганида борми, жужуднинг бирон ерида интиқом асарини қолдириши турган гап эди, шундан кейин қиз йигитнинг қўлидан юлқиниб чиқишга бир неча маротаба бефойда уринди-ю, ҳушидан кетди.

— Ана энди ҳаммаси жойига тушди, — деди Сайкс қизни хона бурчагига ётқизар экан. — Мана шунақанги қутуриб кетганида қўлига шунчалик куч кирадики, ҳайрон қолади одам.

Жужуд манглайини артиб, илжайиб қўйди, афтидан, хавотиру ташвиш ўтиб кетгач, ўзини енгил сезганди, бироқ у ҳам, Сайкс ҳам, ит ҳам, болалар ҳам, чамаси, бу машмашаларни ўзларининг ҳунарлари билан боғлиқ кундалик воқеа деб ҳисоблашган кўринарди.

— Хотинларга кунинг қолмасин деб шуни айтадилар-да, — деди жужуд таёкни жойига олиб қўяр экан, — локин улар жуда айёр бўлишади, шунинг учун ҳам бу касбу коримизда уларсиз ишимиз битмайди... Чарли, Оливерга тўшагини кўрсатиб қўй.

— Менимча, Феджин, эртага у янги кийимини киймагани маъқулдир-а? — деди Чарли Бейтс.

— Албатта, — жавоб берди жужуд, Чарли шу саволни берганида қандай мийиғида кулган бўлса, у ҳам ўшандай илжайиб.

Ўзига топширилган бу ишдан ошкора қувонган ёш Бейтс учи ёриқ таёк-ни олди-да, Оливерни илгари биттасида ўзи ётиб юрган икки-учта тўшак ташлаб

қуйилган қўшни ошхона-хонага бошлаб кирди. Бу ерда қотиб-қотиб кулганча, Оливер мистер Браунлоунинг уйида суюна-суюна қутулган худди ўша кийимни чиқарди; уни сотиб олган жуҳуд Феджинга тасодифан кўрсатиб қолган, бу кийим Оливернинг тураржойини аниқлашга хизмат қилган, калаванинг бир учи вазифасини ўтаган эди.

— Қани, ҳай-ҳай кийимингни еч-чи, — деди Чарли, — уни Феджинга опчиқиб бераман, ўшанда бус-бутун туради. Заб томоша бўлди-да!

Шўрлик Оливер истар-истамас итоат этди. Еш Бейтс янги кийимларни ўраб қўлтиғига қистирганча хонадан чиқди-да, Оливерни қоронғида қолдириб, эшикни ёпди.

Чарлининг шарақлаб кулгани, дугонасига сув пуркаб ва бошқа ёрдамларни кўрсатиб ҳушига келтириш учун зап вақтида етиб келган Бетсининг овози, балки, Оливерга қараганда осойишта-бахтиёр шароитдаги қўплаб одамларнинг уйқусини қочириб юборармиди, аммо бола тамоман ҳолдан тойган, қийналиб кетганидан донг қотиб ухлаб қолганди.

## XVII боб

*қисмат Оливерни таъқиб этишни давом эттиргани ва уни бадном қилмоқлик учун Лондонга буюк бир одамни етаклаб келгани ҳақида*

Чўчка тўшида қизғиш эт қавати билан оппоқ мой қавати навбатма-навбат алмашиниб жойлашганидек, театрда ҳам барча бамаъни қонли мелодрамаларда қатъий тартиб билан фожиявий саҳналар билан кулгили манзараларни галмагал жойлаштириш таомили бор. Кишан ва ғам юки остида эзилган томоша қаҳрамони похол узра мук тушади; кейинги кўринишда унинг содиқ, лекин ҳеч нимадан беҳабар яроқбардори томошабинларга кулгили қўшиқ туҳфа этади. Асарнинг аёл қаҳрамонини юракларимиз терак баргидек титраган кўйи мутақаб-бир ҳамда бағритош барон ҳукмида кўраимиз: унинг номуси ва ҳаёти — ҳар иккиси хавф остида; у номусини асраб қолиш учун ҳаётини қурбон қилмоққа шайланиб қўлига ханжар олади; айнан шу дақиқада, ҳаяжонимиз энг сўнгги нуқтасига етган бир дамда ҳуштак янграйди-ю, биз ўша ондаёқ хайҳотдай қасрнинг ҳар ерда ҳозир нозир оппоқ соқолли сарой оғаси — баланд гумбазли черковларда ҳам, сарою қасрларда ҳам — мамлакат бўйлаб ҳамиша қўшиқ айтиб юргувчи антиқа қароллар жўрлигида ғалати қўшиқ айтаётган кенг-мўл хонасига бориб қоламиз.

Манзаранинг бундай ўзгариши гўё бемаъни ва қовушиқсиздай туюлади, аммо бу ҳол тезкорлик билан биринчи қарашда туюлганидан кўра хийла табиий-роқдир. Зотан, ҳаётда ноз-неъматлар уйилган дастурхон ёнидан ўлим тўшаги ёнига кўчиш, аза либосини байрам либосига алмаштириш кишини асло ҳайрон қолдирмайди; фақат ҳаётда биз сусткаш томошабин эмас, фаол актёрлармиз, асосий фарқи айнан мана шундадир. Актёрлар тақлидий театр ҳаётида оддий томошабин кўзига ўша захотиеқ қоралашга маҳкум ноўрину ноҳўя, беҳудая бемаъни бўлиб кўринадиган ҳис-туйғуларнинг зудлик билан алмашинишини уларчалик туймайдилар.

Саҳна ва манзараларнинг ногаҳоний алмашиниши замон ва маконнинг зуд ўзгариши китобларда нафақат кўп йиллик удуму тажриба асосида мунаввар этади, айна чоғда бу нарсалар адибнинг беқиёс маҳоратининг далил-исботи сифатида эъзоэланади, ана шундай эътиқоддаги танқидчилар тоифаси адибнинг санъатини унинг ўз қаҳрамонларини ҳар бир бобнинг охирида қандай мушкул ҳолатда қолдиргани билан баҳолайдилар, шу боисдан ҳам ундайлар мазкур бобнинг ушбу қисқача муқаддимасини, эҳтимолки, ножиоз ҳисоблашар. У ҳолда, келинг, ушбу дебоча ҳикоянависнинг Оливер Твист туғилган шаҳарга қайтаётганидан далолат берувчи камтарона шаъмаси бўла қолсин; иннайкейин, китобхоннинг йўлга тушиш учун муҳим ҳамда асосли сабаблар борлигига имони комил бўлаверсин, акс ҳолда, унга бундай сафарга чиқиш таклиф этилмаган бўлурди.

Эрта саҳарда мистер Бамбл меҳнат уйи дарвозасидан чиқиб, важоҳат билан салобатли одим ташлаганча Хай-стрит бўйлаб кета бошлади. Ўзининг бидллик

давозимидан маст бўлиб, оғзи қулоғига етгудек яйраб-яшнаб борарди; уч қирра қалпоғи ва шинелидаги заррин уқаю жияклар эрталабки офтоб нурида ярқирарди; у ҳассасини маҳкам ушлаб олганди, вужудидан соғломлик уфуриб турар, ўз куч-қудратидан мамнуну сармаст эди. Мистер Бамбл ҳамиша бошини гоз тутарди. Аммо бу тонг у бошини одатдагидан ҳам баландроқ кўтариб олганди. Синчков кузатувчи паришон боқиши, пурвиқор қиёфасидан бидлнинг боши шу топда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ўю фикрлар билан банд эканини пайқаб олиши мумкин эди.

Мистер Бамбл майда-чуйда дўконлар ёнидан ўтиб бораётганида ўзига эҳтиром кўрсатишларига қарамай, улар билан валақлашмай, тўхтамай одимларди. Уларнинг саломларига фақат қўл имоси-ла алик олиб, салобатли одимини заррача секинлатмай, охири миссис Манн гадоваччаларни қавм таомилидаги ғам-хўрлик билан парвариш қилаётган фермага етиб келди.

— Оти ўчсин-да шу бидлни! — деди миссис Манн кўча эшикнинг қулоғига яхши таниш тақиллашини эшитиб. — Шундоқ каллаи саҳарда ўшандан бошқа ким ҳам келарди... Вой, мистер Бамбл, қадамларига ҳасанот! Вой худойим-эй, келганингиздан нақ бошим осмонга етди-я! Меҳмонхонага марҳамат қилинг, сэр, марҳамат!

Ушбу нутқнинг биринчи қисми Сьюзенга қаратилган, завқ-шавққа тўла ҳаяжонли сўзлар эса мистер Бамблга тегишли эди; ёқимтой хоним боғ эшикни очиб, эҳтирому хушомадгўйлик билан бидлни уй сари бошлади.

— Миссис Манн, — дея гап бошлади мистер Бамбл ўтирмай ва бир хил сурбетларга ўхшаб креслога таппа ўзини ташламай, вазминлик билан астагина чўқар экан, — миссис Манн, эртангиз хайрли бўлсин.

— Ўзингизникиям, сэр, — дея жавоб қилди миссис Манн оғзининг танобини йиғиштириолмай илжайиб. — Умид қиламанки, ўзингизни яхши ҳис қилаётгандирсиз?

— Бир нави, миссис Манн, — жавоб берди бидл. — Қавм ҳаёти—партўшак-да ётишмас, миссис Манн.

— Ҳа-я, рост айтасиз, мистер Бамбл! — гапни илиб кетди хоним.

Бордику шўрлик болакайлар бу гапни эшитишганида борми, улар ҳам кези келиб қолганидан фойдаланиб бараварига шу сўзларни такрорлашган бўлармиди.

— Қавм ҳаёти, хоним, — сўзини давом эттирди мистер Бамбл ҳассаси билан столга тушираркан, — ташвиш, кўнгилсизлик ва машаққатларга тўла, бироқ шуни айтишим мумкинки, жамики жамоат арбоблари таъқибу мушкулотларга бардош беришга маҳжумдирлар.

Бидлнинг нима демоқчи эканига унчалик тушунмаган миссис Манн ҳам-дардлик билан қўлларини ёйиб, хўрсиниб қўйди.

— Ҳа-а, чиндан ҳам хўрсинадиган ҳол бу, миссис Манн! — деди бидл.

Ўзининг тўғри қилганига ишончи комил бўлган миссис Манн яна бир қарра хўрсинди, бу нарса жамоат арбобини мамнун этди ва у мағрурона кулгисини яшириб, ўзининг уч қирра қалпоғига хўмрайиб бир қараб қўйди-да, деди:

— Миссис Манн, мен Лондонга кетяпман.

— Илоё ўзи ёр бўлсин, мистер Бамбл! — хитоб қилди миссис Манн тисарилиб.

— Ҳа, Лондонга, хоним, — такрорлади матонатли бидл, — почта фойтунида. Мен ва яна икки қашшоқ, миссис Манн. Ўтроқликка оид суд\* бўлади, шу боис кенгаш менга — менга, миссис Манн — Клеркенуэлда квартал мажлисларида\* шу иш юзасидан гувоҳлик беришни топширди. Инчунин, камина, Клеркенуэл мажлисларида, ишқилиб, ҳакамлар мени тамом қилишдан бурун ўзлари ўсал бўлиб қолишмаса гўрга эди, деб ҳазилакамига чўчимаяпман-да, — дея қўшиб қўйди мистер Бамбл қаддини ростлар экан.

— Қўйинг, уларга нисбатан бунчалик қаттиққўл бўлманг, сэр! — деди миссис Манн тулкилик қилиб.

— Клеркенуэллик ҳакамлар ўзларини ўзлари шу кўйга солиб қўйишган, хоним, — жавоб берди мистер Бамбл. — Башарти, иш улар учун ўзлари кутгандан кўра хунуқроқ томонга бурилиб кетадиган бўлса — майли, ўзларидан кўриб, ўзларига ташақкур айтаверишсин!

Мистер Бамбл бу сўзларни шу қадар қатъият ва ўз бурч-вазифасига шунча-

лик садоқат туйғуси билан шу қадар дағдағали оҳангда айтдики, миссис Маннинг нақ ўтакаси ёрилаётгандек бўлди. Ниҳоят, у овоз берди:

— Фойтунда кетасизми, сэр? Мен бўлсам бу гадоваччаларни аравада жўнатилади одатда деб ўйлардим.

— Агар улар бетоб бўлса, миссис Мани, — деди бидл. — Ёгин-сочинли кунларда биз беморларни очиқ араваларда жўнатамиз, уларни тагин шамоллаб қолишмасин деймиз-да.

— Э-ҳа! — деб кўйди миссис Манн.

— Орқага қайтиб кетаётган фойтун икковини элтиб қўймоқчи, бунинг устига, десангиз, арзонгинага, — деди мистер Бамбл. — Икковиниям аҳволи чатоқ, шу боисдан ҳам биз фойтунда олиб бориш уларни кўмгандан кўра арзонроққа тушади, деб ҳисоблаймиз — башарти, уларни бошқа қавм қўлига тутқаз олсакина, буни мен мутлақо эплаштира бўладиган иш деб ҳисоблайман — ишқилиб, бизга қасдма-қасдликка ярим йўлда жон таслим қилиб қолишмаса бас. Ҳа-ҳа-ҳа!

Мистер Бамбл жиндаккина кулди, кейин нигоҳи тагин уч қирра қалпоғига тушиб, жиддий тус олди.

— Ишни унутиб қўйибмиз-ку, хоним, — деди бидл. — Манави сизга қавмдан тегадиган ойлик маош.

Мистер Бамбл картмонидан қоғозга ўроғлик кумуш тангаларни чиқарди-да, тилхат талаб қилган эди, миссис Манн ёзиб берди.

— Сэр, ажи-бужи қилиб юбордим-ку, — деди гўдаклар мураббияси, — лекин ҳаммаси қоидадагидек қилиб ёзилибди шекилли. Ташаккур сизга, мистер Бамбл; сэр, ростдан ҳам сиздан бағоят миннатдорман.

Мистер Бамбл миссис Маннинг таъзимига жавобан илтифот кўрсатиб бош ирғаб жавоб қайтарган бўлди-да, болаларнинг аҳволини суриштирди.

— Яратганинг ўзи ярлақасин уларни! — деди миссис Манн ҳаяжонланиб. — Гўдаккиналар соппа-соғ, бундан ортиқ ниманиям тилардик уларга! Албатта, ўтган ҳафта оламдан кўз юмган анави иккитаси ва митти Дикдан бошқалари.

— Бу болакай ҳалиям тузалай демаяптими? — сўради мистер Бамбл.

Миссис Манн бош чайқади.

— Бу қавмдаги бадғараз, бузук, беадаб бола, — деди мистер Бамбл жаҳл билан. — Ўзи қаерда?

— Ҳозироқ ҳузурингизга зинғиллатиб келаман, сэр, — жавоб берди миссис Манн. — Бу ёққа кел, ҳой Дик!

Дикни овозлари борица чақирди, ниҳоят у топилди. Унинг юзини сув пуркагичга рўпара қилиб, миссис Маннинг этагига артишди, ана шундан сўнг у важоҳатли, бераҳм мистер Бамбл — бидлга рўбарў бўлди.

Боланинг ранги заъфарон, ўзи қилтириқдай: лунжлари ич-ичига ботиб кетган, кўзлари катта-катта ва чақноқ. Эғнидаги жулдурвоқи қавм берган уст-бош — унинг қашшоқлиги рамзи — заиф гавдасида ҳалпиллаб турар, болакайнинг қўл ва оёқлари кексаларникидай қуруқшаб-қовжираб кетган эди.

Мистер Бамбл қаршисида зир титраб, кўзларини ердан узолмай, ҳатто бидлнинг овозини эшитишдан қўрқиб турган бу кичик жон ана шундай ҳолатда эди.

— Ҳаҳ қайсар бола, нима, жентльменнинг юзига қаролмайсанми? — деди миссис Манн.

Бола ҳуркибгина кўзини кўтаргани, мистер Бамблнинг нигоҳи билан тўқнашди.

— Сенга нима бўлди, қавмнинг Диккинаси? — суриштирган бўлди мистер Бамбл жуда ёпишиб тушадиган ҳазиломуз оҳангда.

— Ҳеч нима, сэр, — секингина жавоб қилди бола.

— Албатта-да, ҳеч гап бўлгани йўқ! — деди миссис Манн, мистер Бамблнинг ҳазилига чин дилдан кулиб олишни кечиктирмай. — Ишонаманки, сени ҳеч нимага муҳтож жойинг йўқ.

— Мен шуни хоҳлардимки... — гап бошлади бола дудуқланиб.

— Ҳали шунақа дегин! — боланинг сўзини бўлди миссис Манн. — Сен, назаримда, ўзингга нимадир етишмаётганини айтмоқчисан шекилли? Вой, ярамас зумраша-ей!



— Жим, жиминг, миссис Манн! — деди бидл қўлини ҳокимона кўтариб. — Хўш, нимани истардилар ўзлари, сэр?

— Мен шуни хоҳлардимки, — давом эттирди болакай дудуқланиб, — бирор-таси мени ўрнимга бир парча қоғозга бир нечта сўзни ёзиб, уни буклаб елим-ласа-да, мени ерга кўмишганидан кейин бекитиб қўйса уни.

— Нималар деяпти ўзи бу бола! — гарчи бундай нарсаларга кўникиб кетган бўлса-да, болакайнинг жиддий сўзлаши ва силласи қуриган вужуди бир қадар таъсир кўрсатган мистер Бамбл хитоб қилди. — Нима деяпсиз, сэр?

— Мен шуни хоҳлардимки, — деди болакай, — мен бечора Оливер Твистга қизгин салом демокчийдим, яна тағии тез-тез унинг қоронғи кечалари сандироқлаб юрганларини, ёрдам берадиган ҳеч кими йўқлигини ўйлаб ўтиришларимни билса дегандим. Яна унга шуни айтишни истардимки, — сўзини давом эттирди болакай муштчаларини маҳкам тугиб ва қўйиб-пишиб, — ёш болалигимда ўлиб кетётганимдан хурсандлигимни айтмоқчийдим унга: агар катта бўлсам, кейин қариб қолсам осмондаги синглим мени танимай кўяди ёки унинг ўзи менга ўхшамай қолади, шуни-чун иккаламиз болалигимизда ўша ёқда учрашганимиз минг марта яхши.

Мистер Бамбл бетавсиф бир ҳайрат-ла митти нотикни бошдан-оёқ кўздан кечирди-да, суҳбатдошига ўгирилиб, деди:

— Буларнинг бари бир гўр, миссис Манн. Анави безбет Оливер ҳаммасини бузди.

— Ўз қулоғим билан эшитмаганимда бунга икки дунёдаям ишонмаган бўлардим-а, сэр! — деди миссис Манн қўлларини кўкка чўзиб, Дикка еб қўйгундай олаяркан. — Шу пайтгача бунақанги ашаддий ярамас болани кўрмаганман!

— Олиб боринг уни, хоним! — деди мистер Бамбл амиронга оҳангда. — Миссис Манн, бу хусусда кенгашга ахборот бериш лозим.

— Умид қиламанки, жентльменлар бу женинг айбим эмаслигини тушунишар-а, сэр? — деди миссис Манн аянчди ҳиқиллаб.

— Улар тушунишади буни, хоним: ишнинг чинакам ҳолатидан хабардор қилинажак улар, — деди мистер Бамбл. — Ана энди олиб чиқинг уни, афтига қарасам, кўнглим айнияти.

Дикни ҳаялламай олиб чиқиб кетишди ва кўмир сақланадиган ертўлага қамаяб қўйишди. Шундан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай мистер Бамбл сафар тадоригини кўргани равона бўлди.

Эртаси куни, эрталаб соат олтида уч қирра қалпоғини думалоқ шляпага алмаштириб, қалпоқли ҳаворанг ёмғирпўшга бурканиб олган мистер Бамбл алоқа фойтунининг сиртки ўриндигига жойлашиб, ўтроқлик ҳуқуқлари ҳакамлари ҳукмига ҳавола қилинажак икки жиноятчи ҳамроҳлигида йўлга тушди. Мана у ўшалар билан тегишли вақтда Лондонга етиб келди. Қайсарлик билан титраб-қалтирашни бас қилмаган ва совқотдик, деб зорланган қашшоқларнинг разилона хулқи атворларидан ташқари йўлда ҳеч қандай кўнғилсизлик рўй бермади; улар совуқдан шундай нола қилишдики, мистер Бамблнинг галига қараганда, гарчи ёмғирпўшга бурканиб олган бўлса ҳам, унинг ўзини ҳам тишлари такиллаб, совуқ эт-этидан ўтиб кетибди.

Кечасига бу нияти бузуқ нусхалардан халос бўлган мистер Бамбл фойтун келиб тўхтаган уйга жойлашиб, камтарона овқат — гўшт қовурдоқ, қисқичбақали қайла билан қора пиво буюрди. Сув қўшилган илиқ жинли стаканни тош тоқчага қўйиб, креслосини оловга яқинроқ сурди-да, энг кенг тарқалган кусур — норизолик ҳамда онкўрлик — хусусидаги юксак маънавий мушоҳадалардан сўнг газета ўқишга шайланди.

Мистер Бамблнинг нигоҳи тушган дастлабки сатрлар қўйидаги бўлди:

#### «Беш гиней мукофот

Утган ҳафта, пайшанба куни кечқуруи Пентонвилдаги уйдан Оливер Твист исмли бола қочган ёхуд зўрлаб олиб кетилган, ўшандан бери у ҳақда ҳеч қандай хабар йўқ. Юқорида кўрсатилган мукофот номи зикр этилган Оливер Твистнинг қаердалигини топишга ёрдам берган ёки ушбу эълонни берган шахс

талай сабабларга кўра ниҳоятда қизиқаётган боланинг ўтмиши ҳақида озгина бўлса-да, маълумот берган кимсага берилади.

Давомида Оливернинг кийими ва шахсининг батафсил тасвири, унинг қандай пайдо бўлганию гойиб бўлгани, шунингдек, мистер Браунлоунинг исм-шарифию тураржойи берилган эди.

Мистер Бамблнинг кўзлари чақчайиб кетди, эълонни шошилмай, ҳафсала билан уч марта кетма-кет ўқиб чиқди ва беш дақиқалардан сўнг эса стакандаги илиқ жинга қўл ҳам теккизмай, фойтунда, ҳаяжон исканжасида Пентонвилга томон кетиб борарди.

— Мистер Браунлоу уйдадиларми? — сўради у эшикни очган қиздан.

Бу саволга қиз одатдагидай, бироқ хийла чалгитиб жавоб қилди.

— Билмадим... Ўзингиз қаердан бўласиз?

Мистер Бамбл ташрифи сабабини айтиб, Оливернинг исмини тилга олгани ҳамоноқ меҳмонхона эшиги олдида гап пойлаб турган миссис Вэдуин нафаси тикилганча йўлакка отилиб чиқди.

— Кириш, кириверинг! — нидо солди кекса леди. — Унинг дараги чиқишини билардим! Шўрликкинам! Унинг дараги чиқишини билардим-а! Бунга имоним комилиди. Худонинг ўзи ярақасин уни! Доим шундоқ деганим-деганди.

Муҳтарама кекса хоним орқасига, меҳмонхонага шошилди, диванга ўтириб, кўзларидан дувва ёш тўка кетди. Бу орада унчалик таъсирчан бўлмаган оқсоч тепага югурди ва кетига қайтиб тушиб, мистер Бамблга дарҳол орқасидан юришни айтганди, мистер Бамбл шундай қилди.

Уни олдиларида графин ва стаканлар турган, мистер Браунлоу билан дўсти мистер Гримуиглар ўтирган мўъжазгина хонага бошлаб киришди. Кейинги жентльмен хитобларни қалаштириб ташлади:

— Видл! Агар бу киши қавм бидли бўлмаса ўз калламни гажишга тайёрман.

— Барака топкур, жим туриш, — деди мистер Браунлоу. — Марҳамат қилиб, ўтирсалар қандай бўларкин?

Мистер Бамбл ўтирди, у мистер Гримуигнинг галати қилиқларидан анг-танг бўлиб қолганди.

Мистер Браунлоу чироқни бидлнинг афти яхшироқ кўринадиган қилиб сурди-да, пича тоқатсизлик билан деди:

— Хўш, сэр, эълонга кўзингиз тушиб келгандирсиз-а?

— Шундай, сэр, — деди мистер Бамбл.

— Кейин, сиз бидлсиз-а, шундай эмасми? — сўради мистер Гримуиг.

— Мен — қавм бидлман, жентльменлар, — гурур билан деди мистер Бамбл.

— Айтмадимми, — гап қистирди мистер Гримуиг ўз дўстига қараб. — Ўзим ҳам худди шундай деб ўйлагандим. Туриш-турмуши ғирт бидлман деб турибди-да ўзиям!

Мистер Браунлоу ошнасига жим туриш, деган маънода салгина бош чайқаб қўйди-да, суриштиришни давом эттирди:

— Бу шўрлик боланинг ҳоёр қаерда экани ўзларига маълумми?

— Бошқалардан ортиқмас, — жавоб берди мистер Бамбл.

— Хўш, унда нималарни биласиз у ҳақда? — сўради кекса жентльмен. — Айтадиган бирон гапингиз бўлса гапира қолинг, дўстим. Нималарни биласиз унинг тўғрисида?

— Яхши гап бўлиши даргумон-ов, шундоқмасми? — деди мистер Гримуиг захархандалик ила, мистер Бамблнинг афтига диққат билан тикилиб.

Мистер Бамбл бу савол оҳангини дарҳол пайқаб, виқор ила важоҳатли бир тарзда бош ирғаб қўйди.

— Ана кўрдингизми? — деди мистер Гримуиг мистер Браунлоуга тантанавор нигоҳ ташлаб кўяр экан.

Мистер Браунлоу мистер Бамблнинг тумтайиб олган башарасига хавотирланиб қараб қўйди-да, ундан Оливер ҳақида билганларининг барини иложи борица қисқагина қилиб сўзлаб беришини ўтинди.

Мистер Бамбл шляпасини кўтариб, сюртуги тугмаларини ечди, қўлларини кўксига чалиштирди-да, бир оз ўй суриб тургач, ўз ҳикоясини бошлади.

Унинг йигирма дақиқалар чўзилган ҳикоясини бидлнинг оғзидан чиққандай

қилиб сўзлаб бергундай бўлсак, сизни зериктириб юборардик, аммо-лекин мазкур ҳикоянинг моҳияти шундан иборат эдики, бунга қараганда Оливер — паст, қора ҳалқ насабидан бўлмиш бадахлоқ кимсалардан туғилган етимча экан; иннайкейин, у дунёга келган кунидан бошлабоқ хиёнаткорлик, айёрлик, ношукурлик ҳамда тажанглик каби хислатларни намоён этганмиш; она шахридаги қисқагина ҳаётини ювошгина бир болақайни қонхўрларча, разилона дўппослаш билан тугаллаб, кечаси ўз хўжасининг уйдан қочиб қолганмиш. Мистер Бамбл ўзининг чиндан ҳам ўзи айтган шахс эканини исботлайдиган далил сифатида шаҳарга олиб келган қоғозларини столга чиқариб қўйди. То мистер Браунлоу булар билан танишиб чиққунича қўлларини қовуштирганча кутди.

— Бу гапларнинг бари рост бўлмаса деб чўчиб турибман, — деди кекса жентльмен қоғозларни кўздан кечираркан. — Сиз келтирган маълумот учун бериладиган муқофот унчалик катта эмас, локин мен агар булар боланинг шаъни учун мақбул бўлиб чиққанида жон-жон деб уч карра кўпроқ беришга ҳам тайёр эдим.

Мистер Бамбл буни илгарироқ билганида борми, ўзининг қисқагина ҳикоясига мутлақо ўзгача ранг берган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмасди. Аммо энди фурсат ўтганди, шу боисдан ҳам у вазминлик билан бош чайқаб қўйди-да, беш гиней пулни чўнтагига яшириб, чиқиб кетди.

Мистер Браунлоу бир неча дақиқа давомида хонада нари-бери бориб-келиб турди, афтидан, у бидлнинг ҳикоясидан шунчалик дили вайрон бўлган кўринардик, ҳатто мистер Гримуигдай одам ҳам ортиқ жиғига тегмай қўйди.

Ниҳоят у тўхтаб, шахт билан қўнгироқ чалди.

— Миссис Бэдуин, — деди мистер Браунлоу рўзғорбоши кириб келганида, — бу бола Оливер, ярамас бўлиб чиқди.

— Бундоқ бўлиши мумкинмас, сэр, сираям мумкинмас! — деди кекса хоним куйиб-пишиб.

— Айтяпман-ку сизга — ярамас экан! — эътироз билдирди кекса жентльмен. — «Бундоқ бўлиши мумкинмас» дейишга қандай асосингиз бор? Биз ҳозиргина дунёга келган кунидан бошлаб у тўғрисидаги батафсил ҳикояни ўз қулогимиз билан эшитдик. У умри бўйи эпчил зинқарча, ярамас бўлиб келган экан.

— Икки дунёдаям ишонмайман бунга, сэр, — қатъий оҳангда деди кекса хоним. — Икки дунёдаям!

— Сиз кампирлар фақат қаллоблару бемаъни чўпчакларга ишонасизлар, — тўнғиллаб қўйди мистер Гримуиг. — Мен буни аввалбошдаёқ пайқагандим. Нега дарров маслаҳат солмадинлар ўзи? Иситмалаб қолмаганида, эҳтимол, шундай қилардинлар, а? У яхши, галати бола кўриндимми, шундайми? Шундай! Мана, оқибати! — Шундай дея мистер Гримуиг косовни силкиб туриб зарб билан каминга суқди.

— Узи ёқимтой, мўмин-қобил, кўнгилчан болайди, сэр! — қаршилиқ билдирди миссис Бэдуин аччиқ-алам билан. — Болаларни фарқига бораман, сэр. Уларни фарқига борадиган бўлганимга қирқ йилдан ошди; бу ишда тажрибам бор деёлмайдиганлар эса оғиз очмай қўя қолгани маъқул! Мен шундоқ деб ўйлайман.

Бу бўйдоқ мистер Гримуигга қаратилган кескин човут эди. Лекин бу ҳамла кекса жентльменга қор қилмай, у жилмайбгина қўя қолгани туфайли кекса хоним бошини бир силкиб, пешбандини тўғриларкан, янги ҳамлага ҳозирланди, бироқ уни мистер Браунлоу тўхтатди.

— Етар! — деди кекса жентльмен ўзини жаҳли чиққанга солиб, аслида эса мутлақо бундай эмасди. — Бу болани отини эшитишни ортиқ истамайман! Шуни айтиб қўйгани қақиргандим сизни. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон, зинҳор-базинҳор! Едингизда бўлсин бу! Кетишингиз мумкин, миссис Бэдуин. Ёдда тутинг-а! Ҳазиллашаётганим йўқ мен.

Шу кеча мистер Браунлоу уйи истиқоматчилари қалбан изтироб чекиб чиқдилар.

Саховатли, меҳрибон дўстларини ўйлар экан, Оливернинг юраги сиқилиб кетарди; яхшиямки уларнинг қандай маълумотлардан хабар топганларини билмасди, йўқса юраги паққос ёрилиб кетиши мумкин эди.

## XVIII боб

*Оливернинг дилга нажот берувчи мухтарам ошналари даврасида вақтни қандай ўтказгани ҳақида*

Эртаси куни, чошгоҳ палласида Туллак билан ёш Бейтс одатдаги юмушларига жўнагач, мистер Феджин фурсатдан фойдаланиб Оливерга нонкўрликдек гуноҳи азим борасида узундан-узун ваъз ўқиди. Оливер қасддан дўстларини ташвишга солиб, улар даврасидан қасддан қочиб кетиб, устига-устак шунчалик ташвишу харажатлардан кейин ҳам улар қўлидан қочиб қутулишга уриниб ана шундай гуноҳга йўл қўйганини очиқ-ойдин исботлаб берди. Мистер Феджин айниқса Оливерга бошпана бергани ҳамда ўз вақтида қаноти остига олиб иситмаганида очдан ўлиб кетиши аниқ эканини таъкидлади; кейин мистер Феджин худди шундай шароитда одамгарчилик қилиб ўзи ёрдам қўлини чўзган, аммо унинг ишончини оқлай олмаган ва полиция билан алоқа қилиш истаги борлигини билдириб қўйган, оқибатда, минг афсуски, бир куни эрталаб Олд-Бейлида\* дорга осилган бир болакайнинг бошидан кечган ачинарли ва таъсирли воқеаларни сўзлаб берди. Мистер Феджин ушбу ҳалокатда ўзини ҳам ҳиссаси бор эканини яширишга уринмади; лекин юқорида зикр этилган боланинг нобакорлиги, хоинлиги учун судда (гарчи асл ҳақиқатга тўғри келмаса-да) баъзи бир гувоҳликлар беришга тўғри келганлигини, ана шунинг оқибатида унинг қурбон бўлганини кўзига ёш олиб гапириб берди ва унинг (мистер Феджиннинг) ва баъзи сара дўстларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шундай қилишлари жуда ҳам зарур бўлганини айтди. Хулосасида мистер Феджин осилиш жараёнида содир бўладиган ноқулайликларни ниҳоятда ёқимсиз бир тарзда таърифлаб берди ва ҳеч қачон Оливер Твистни бундай кўнгилсиз қисматга рўпара этиш нияти йўқлигини хушфёъллик билан қизгин баён қилди.

Жуҳуднинг ваъзига қулоқ соларкан, бу гаплар замирида яширинган мудҳиш таҳдид ва пўписани сал-пал англаб етган митти Оливернинг ўтакаси ёрилаёзди. Эндиликда унга мабодо айбсиз билан айбдор иккаласи тасодифан бақамти келиб қолганида ҳатто одил суд ҳам айбсизни айбдор деб топиши мумкинлиги маълум эди. Шунингдек, унинг наздида кекса жуҳуд шу пайтгача бир неча марта кўп нарсадан хабардор ёки озги бўш одамларни гумдон қилиш мақсадида яширинча режалар ўйлаб топиб, уларни амалга оширгандай бўлиб туюлди; негаки Оливер шу топда мазкур жентльмен билан мистер Сайкс орасидаги борди-келди гапларни эслади, бу гаплар илгари бўлиб ўтган худди ана шунақанги яширинча ишга тааллуқли бўлиши керак. У кўзларини чўчибгина кўтариб, нигоҳи жуҳуднинг синчков назари билан тўқнаш келаркан, ўзининг ранги кум ўчгани ва титраб тургани чолнинг назаридан қочиб қутулмаганини ҳамда бу ҳол зийрак кекса жентльменни мамнун этганини фаҳмлади.

Жуҳуд кишини жиркантирадиган бир қиёфада иршайиб, Оливернинг бошини силаган кўйи, агар у ўзини яхши тутадиган бўлса ва ишни бошласа ҳали дўстлашиб кетажакларини айтди. Сўнгра шляпасини олиб, эски ямоқ пальтосини кийди-да, хонадан чиқиб, устидан қулфлаб қўйди.

Уша куни кечгача ва кейинги кунлари эрта саҳардан то ярим кечагача Оливер ҳеч кимни кўрмади, бир неча соатлаб ўз ўй-хаёллари билан бўлди. Бу ўй-хаёллари эса меҳрибон дўстларига қаратилган ва ўзи тўғрисида улар қандай хаёлларга бордийкин, деган гоятда ғамгин саволга бориб тақалар эди.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, жуҳуд эшикни қулфлашни бас қилди, шундан кейин Оливер учун бутун уйни айланиб юриш имкони тугилди.

Бу ер ниҳоятда ифлос эди. Юқори қаватдаги хоналарда ҳайбатли, баланд-баланд ёғоч каминлар бор эди, эшиклари ҳам катта-катта, ёғоч панель билан қопланган девору шифт остидаги наволари вақт ўтиши ва ис бойлашдан қорайиб кетган, бироқ турли хил нақшу безаклар билан безатилганди. Буларнинг бари Оливернинг талай йиллар муқаддам, ҳали кекса жуҳуд туғилмасидан бурун бу уй хийла бообўр одамларники бўлган ва гарчи ҳозир бефайз ва хунук, ҳувиллаб қолган бўлса-да, у пайтларда ҳозиргидан фэйзлироқ ҳамда чиройлироқ бўлгандир, деган хулоса чиқаришига изн берарди.

Хоналарнинг бурчакларига ўргимчаклар тўр тўқиб ташлаган, гоҳо эса Оли-

вер астагина хонага кирганида ғужғон ўйнаган сичқонлар тўрт тарафга қараб қочиб, ўз инларига кириб пилдир-пис бўлиб олардилар. Сичқонлардан бўлак жонивор зотининг на ўзи кўринади-ю, на саси эшитиларди бу ерда; кўпинча, қоронғи тушиб, Оливер хонама-хона санқийвериб чарчаган пайтларида одамларга яқинроқ бўлиш учун ташқаридан кириладиган эшик олдидаги бурчакка қисиниб оларди-да, то жуҳуд ёки болалар қайтмагунларича тик этган овозга қулоқ солиб, соатларни санаганча шу ерда ўтираверарди.

Ҳамма хоналарнинг лиқилдоқ дераза қопқоқлари зич беркитиғлик, уларни мустаҳкам тутадиган мурватлар ёғочга қоқилиб, маҳкам бураб қўйилган; шифтдаги думалоқ туйнукдан тушиб турадиган ёруғлик хоналарни янаям нимқоронғи кўрсатар ва уларда ғаройиб кўланкалар ҳосил қиларди. Чордоқнинг ҳовлига қараган, ташқаридан занглаб кетган панжара ўрнатилган деразасида қопқоқ йўқ эди, зерикиб сиқилиб кетган Оливер кўпинча соатлаб ана шу деразадан ташқарига тикиларди; дераза ортида бəҳисоб томлар айқаш-уйқаш бўлиб, қаллашиб-мингашиб кетганди; у қорайган мўрилар, дарчаларни кўрарди, холос. Рост, гоҳо олисдаги биронта уйнинг панжараси ортидан мўралаётган оппоқ сочли бош кўзга чалиниб қоларди, лекин у ҳам зумда ғойиб бўларди; Оливернинг расадхонаси деразаси миҳлаб ташлангани ва узоқ йиллар давомида ойнаси дуд ва ёғин-сочиндан хиралашиб кетганди, шу сабабли болакайнинг, ўзини биров кўриб қолиши ёки овозини эшитишидан умид ҳам қилмай, турли нарсаларнинг шакли-тарҳига тикилишдан ўзга чораси йўқ эди — ўзини кўриб ёхуд овозини эшитиб қолишларига эса авлиё Павел жомеси гумбази остида яшагани тақдирида ҳам умиду ишонч камроқ эди.

Бир куни чошгоҳдан кейин, Туллак билан Бейтс кечки ишга отланаётганларида, қайд этганимиз ёш жентльменлардан биринчисининг бошига ўз шахсига оро беришдек фикр келиб қолди-ю (ҳақиқа кўчиб, тан бериш керакки — одатда унинг бундай қусурга мойиллиги йўқ эди), айнан шу ниятда у мурувват кўрсатиб, Оливерга амирона оҳангда дарҳол эгинини эпга келтиришига ёрдамлашиб юборишни буюрди.

Оливер бировга ёрдам қилиш имкони туғилганидан хурсанд, ярамас бўлсалар ҳам, ҳар қалай одамларни кўраётганидан бахтиёр ҳолда, атрофидагиларнинг илтифотига эришишни жон-жаҳди билан истарди (бунга агар инсофсиз бирон иш қилмай эришишнинг иложи бўлса, албатта), ана шу сабабдан бундай буйруққа у қаршилик билдиришни хаёлига ҳам келтирмади. Ўзининг буйруқни бажо келтиришга тайёр эканини намойиш этишга шошилди ва ерга чўкка тушиб, столда ўтирган Туллакнинг оёгини тиззасига қўйди-да, мистер Даукинс «ўз йўргасига пардоз бериш» деб атайдиган юмушга киришди. Бу сўзлар оддий инглиз тилига таржима қилинадиган бўлса, этик тозалаш деганини англатар эди.

Чамаси столга жойлашиб олиб, трубкасини тутатиб ўтиргани, оёгидаги этигини ечиб азият чекмагани, то бир пойини тозалагунларича иккинчи оёгини бепарволик билан ликиллатиб ўтиргани, кейин уларни қайта кийишдек кўнгилсиз машаққатдан қутулганидан ҳузурланиб, ўзини эркин ҳис қилаётганиданми ёки ажойиб тамаки кўнглини ийдиргани боисиданми, балки хотиржам тортиқизувчи кучсиз пиво таъсир қилгандир — сабаби қандай бўлмасин, Туллак шу аснода одатдан ташқари димоғи чоғ, хурсанд кайфиятда эди. Олдиниға Оливерга ўйчан қиёфада тикилди, сўнгра эса бошини кўтариб, астагина хўрсиниб қўйди-да, ўз-ўзига айтдики, Бейтсгами, ишқилиб, шундай деди:

— Эсизгина, юрган боламас-да!

— Ҳа, — деди ёш Чарли Бейтс, — ўз фойдасини тушунмайди бу.

Туллак яна хўрсиниб қўйди-да, тагин тамакисини тутатаверди; Чарли Бейтс ҳам шундай қилди. Икковлон бир неча лаҳза жимгина чекишди.

— Сен ҳали ҳатто юрган бола дегани нималигини ҳам билмасанг кераг-а? — сўради Туллак ўйчан.

— Менимча, биладиганга ўхшайман, — жавоб қилди Оливер бошини кўтараркан. — Бу ўғ... сиз ўшалардан биттасисиз, тўғрими? — сўради у сал тутилиб қолиб.

— Тўппа-тўғри, — жавоб берди Туллак. — Икки дунёда ҳам бошқа касбни қилмасдим паст кетиб.

Мистер Даукинс ўз аҳдини ана шундай баён қилгач, жаҳл билан шляпасини

чаккасига суриб қўйди-да, худди эътироз билдириб кўр-чи, дегандай ёш Бейтсга тикилди.

— Тўппа-тўғри, — такрорлади Туллак. — Чарли ҳам, Феджин ҳам, Сайкс ҳам, Нэнси ҳам, Бет ҳам худди шундай. Биз ҳаммамиз юрганлармиз, кучук ҳам бундан мустасномас. Ҳали у ҳаммамиздан ҳам эпчилроқ бўлиб кетади, кўрасан!

— Ким-ким, у сираям сотмайди-да! — қўшиб қўйди Чарли Бейтс.

— У судда гуллаб қўймай деб чўчиганидан ақалли «вов» ҳам демасди... э йўк, ҳатто борди-ю, уни боглаб қўйиб, икки ҳафта овқат бермаган чоғлари-даям, — деди Туллак.

— Сираям «вов» демасди, — тасдиқлади Чарли.

— Жа ажойиб кучук-да, — сўзини давом эттирди Туллак. — Олдида кулмоқчи ёки ашула айтмоқчи бўлган бегона одамга қанақанги ваҳшиёна олайишини айтмайсанми! Ғижжак чалаётганларида ириллаши-чи! Жамики зоти бошқа итларни ғажиб ташлашга тайёр! У!

— Асил насроний-да ўзиям! — деди Чарли.

У фақат итни хислату фазилатлари учун мақтамоқчи эди, бироқ мулоҳазаси, гарчи ёш Бейтс буни билмаса-да, ўзга маънода жуда ўрнига тушганди; ўзларини асил насроний деб ҳисоблашга даъвогар талай хоним ва жентльменлар бор эдики, булар ҳайрон қоларли даражада мистер Сайкснинг ити билан ўхшаш жиҳатларга эгадирлар.

— Хўп, бўпти, — деди Туллак ўтлаб кетган мавзуларига қайтиб, зотан у ўз касбини ҳамиша ёдда тутарди. — Бунинг бизнинг гўлга ҳеч қанақанги алоқаси йўқ.

— Тўппа-тўғри, — гапига қўшилди Чарли. — Оливер, сен нимага Феджинга шогирд тушишни хоҳламайсан?

— Иннайкейин, осонгина бойлик орттиришниям? — кулимсираб қўшимча қилди Туллак.

— Ана ундан кейин ишни йиғиштириб, тинчгина, маза қилиб яшамайсанми-я? Мана мени айттайлик, тағин тўртта кабиса йили ўтиши билан, кейинги кабиса йилида, Троица байрами ҳафтасининг қирқ иккинчи сешанбасидан бошлаб худди шундоқ қилмоқчиман, — деди Чарли Бейтс.

— Екмайди бу менга, — деди Оливер ҳуркибгина. — Мен шуни хоҳлардимки, мени қўйиб юборишса. Мен... мен кетсам дегандим.

— Феджин худди шуни хоҳламайди-да! — эътироз билдирди Чарли.

Буни Оливернинг ўзи ҳам яхши биларди-ю, лекин туйғуларини очиқ-ошқора изҳор этишни хавфли санаганидан фақат хўрсиниб кўя қолди ва этикни тозалашни давом эттираверди.

— Кетсам дегандим-а! — хитоб қилди Туллак. — Нима бало, уятинг ҳам йўқми дейман-а? Зиғирчалик гуруринг ҳам йўқ экан! Ҳо, кўнгиллари кетишни истайди-ю, ўзлари ошналарининг ҳисобига айшларини сурмоқчи эканлар-да?

— Э, жин урсин! — бўғилди ёш Бейтс чўнтагидан икки-уч шойи дастрўмолни чиқариб, жавонга улоқтирар экан. — Бу пасткашлик, бошқа гапмас!

— Мен бўлсам, бунақанги пасткашликка бормасдим, — деди Туллак гердай-ма-нафратомуз оҳангда.

— Уа дўстингизни ташлаб қочиш қўлингиздан келади-я, — деди Оливер сўник илжайиш-ла, — иннайкейин, сизларни деб уни жазолашларига ҳам қўйиб бераверасизлар-а?

— Э, ҳалиги, биласанми, — жавоб қилди Туллак трубкасини силкиб, — Феджинни ўйлаб шуидоқ қилдик, ахир исковучлар бирга ишлашимизни билишадик-ку, агар биз жуфтакни ростлаб колмаганимизда унинг иши ишқал бўлиши мумкин эди-да... Гап ана бу ёқда, тўғрими, Чарли?

Ёш Бейтс маъқуллаб бош ирғади ва нимадир деб қўшимча қилишга чоғланган пайтида Оливернинг қандай қочгани қўққисдан эсига тушиб кетиб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, худди шу аснода ичига тортган тутун бошқа йўлга кетиб қолиб, оқибатда у беш дақиқача йўталиб, оёқларини тапиллатиб депсиниб турди.

— Мана кўр! — деди Туллак чўнтагидан бир ҳовуч шиллинг ва ярим пенслик танга-чақани оларкан. — Мана бу фаровон ҳаёт бўпти-да! Қай гўрдан келиб

қолгани бари бир эмасми? Ма, ол! Буларни олган жойимизда тагин анча-мунчаси қолган. Нима, хоҳламайсанми? Вой, сен меровни қара-ю!

— Бу жудаям ёмон иш-а, тўғрими, Оливер? — деди Чарли Бейтс. — Одам охири бу иши учун сиртмоққа тушади, шундайми?

— Бу нима деганини билмайман, — жавоб қилди Оливер.

— Мана бундоқ дегани бу, ошнам! — деди Чарли.

Шундай дея ёш Бейтс галстуги учидан ушлаб, юқорига силтаб кўрсатди-да, бошини ёнга қийшайтириб, тишлари орасидан аллақандай ғалати товуш чиқарар экан, бу шўхчан ҳаракатлари ёрдамида сиртмоқ тортиш билан осиш — иккови бир гўр эканини тушунтирган бўлди.

— Мана шунақа дегани бу, — деди Чарли. — Қара, Жек, кўзлари косасидан чиқиб кетай деяпти-я! Бунақанги лавангни умрим бино бўлиб кўрмаганман. Бир кун келиб ичагимни узади бу, биламан, тамом қилади мени.

Ёш Чарли Бейтс тагин кўзларидан ёш чиққунча хохолаб кулганча, трубкасини оғзига олди.

— Сенга жуда ёмон тарбия беришган экан, — деди Туллак бениҳоя мамнуният билан Оливер тозалаб бўлган этигини кўздан кечириётди. — Айтмоқчи, Феджин сендан бир нима чиқаради, ёки у ҳеч иш чиқаролмаган биринчи одам сен бўласан. Яхшиси, ҳозирданоқ бошлайвер, чунки бари бир ҳам шу ҳунар билан шуғулланишга мажбур бўласан, бунақада вақтни бекор кеткизялсан, холос, Оливер.

Ёш Бейтс бу маслаҳатни ҳар хил маънавий-ахлоқий ўғитлар билан қувватлади; панду насиҳатлари тугагач, у ва ошнаси мистер Даукинс ўзлари бошдан кечирган ҳаёт билан боғлиқ бўлган сон-саноксиз ҳузур-ҳаловатли дамларни ёрқин бўёқларда тавсифу тасвирлашга ўтишди ва Оливерга пайсалга солмай, уларнинг ўзлари фойдаланган чора-воситалар ёрдамида тезда мистер Феджиннинг илтифотиغا сазовор бўлиб олгани маъқул эканини шама қилишди.

— Кейин шу нарсани мияннга маҳкам жойлаб олки, Қовоқбош, — деди Туллак жуҳуднинг юқоридаги эшикни очганини эшитиб, — агар артгич ва чиқиллагичларни ўмариб келмайдиган бўлсанг..

— Бунақанги гапларни ишлатишдан фойда борми-я? — гапга аралашди ёш Бейтс. — Нима дейётганингни тушунмаяпти у.

— Агар дастўмол билан соатларни сен ўмармайдиган бўлсанг, — деди Туллак ўз нутқини Оливернинг зеҳн-идроки даражасига мослаб, — бари бир бошқа биров ўмаради. Вундан олдирган одам зарар кўради, сенга ҳам зиён бўлади, кейин, бу ишда ўша буюмни киссасига урган боладан бўлак ҳеч зоғ ютмайди, ўша нарсага эга чиқишга у боланинг қанчалик ҳаққи бўлса, сенинг ҳам худди ўшанчалик ҳаққинг бор.

— Баракалла! — деди жуҳуд, Оливер унинг хонага кирганини пайкамай қолганди. — Бу гапларнинг бари жўнгина, азизим; жудаям жўн, Туллакнинг гапига бемалол ишонавер. Ҳи-ҳи-ҳи! У ўз ҳунарини миридан-сиригача билади.

Қария хурсанд кайфиятда кафтларини бир-бирига ишқаб, Туллакнинг мулоҳазасини тасдиқлар ва шогирдининг истеъдодига қойил қолиб ҳирингларди.

Жуҳуд уйга мисс Бетси билан Оливер ҳали бирон марта ҳам кўрмаган жентльменни эргаштириб келгани боисидан бу галги суҳбат узилиб қолди; Туллак уни Том Читлинг деб атади чоғи; у хоним билан мулозамат қилишиб зинапояда ивирсиб қолиб, эндигина хонага кириб келганди.

Мистер Читлинг Туллакдан каттароқ эди — эҳгимол ўн саккиз кишни кўргандир, лекин бу ёш жентльмен билан пича эҳтиром-ла муомала қилар, афтидан, ушбу ҳол у ўзини Туллакдан пастроқ тутушининг шаҳодати эди, негаки, гап қувлик ҳамда касбга оид истеъдод хусусида борарди. Унинг кўзлари жимитдай, чақноқ; афтига чечак гул чеккан; бошида мўйна қалпоқ, эғнида йўл-йўл қора чий бахмал калта камзул, мой теккан доғ-дуг пахмоқ шим. Очигини айтганда, унинг энгил-боши бир аҳволда; лекин у улфатларидан узр сўраб, ўзини атиги бир соатгина муқаддам «бўшатганларини», кейинги олти ҳафта давомида форма кийиб юргани туфайлидан гражданча кийимига қарашга имкони бўлмаганини айтди. Мистер Читлинг ғоятда асабийлик билан уст-бошни дудлашнинг янгича усули мутлақо конституцияга зид эканини қўшиб қўйди, негаки, матоси куйиб қоларкан; лекин графлик маъмурлари билан бунга қарши курашининг имкони

ҳам, иложи ҳам йўқ эмиш. Сочни олиш тўғрисидаги кўрсатма борасида ҳам у худди шу тахлит фикрни изҳор этди, буни ҳам у тамоман қонунга хилоф ҳисобларкан. Мистер Читлинг ўз маърузасини оғир меҳнат-ла ўтган, ҳар бири йилдай узун қирқ икки кундан берига оғзига бир томчи ҳам ичкилик олмагани ва «қуриб-қовжираб кетмаган бўлсам, майли, турган жойимда гумдон қилиб қўя қолинглар» каби жумлалар билан ниҳоялади.

— Қани, Оливер, бу жентльменни қаердан келди деб ўйлайсан? — деб сўради жуҳуд бошқа икки бола столга бир шиша вискини келтириб қўйишгач, мийиғида кулиб.

— Б-билмадим, сэр, — деди Оливер.

— Бу ким бўлди яна? — сўради Том Читлинг Оливерга нафратомуз кўз қирини ташлаб қўяркан.

— Бу, азизим, ёш дўстларимдан бири, — жавоб қилди жуҳуд.

— Демак, омади келибди уни... — деди йигитча Феджинга маънодор боқиб. — Қаёқдан келганимни нима фарқи бор, болакай? Қалламни гаровга қўйиб бас бойлашаманки, у ёққа олиб борадиган йўлни тез орада ўзинг топиб оласан!

Бу ҳазилдан болалар кулиб юборишди. Тагин бир муддат худди шу мавзуда ҳангомалашгандан сўнг, улар Феджин билан икки оғизгина пичирлашиб олиб, чиқиб кетишди.

Янги меҳмон чеккароқда Феджин билан сўзлашди, кейин иккаласи ҳам ўтирган курсиларини ўчоққа яқинроқ суришди, шунда жуҳуд Оливерни имлаб чақириб, ёнига ўтиришни буюрди-да, қулоқ солаётганларни ҳаммадан кўра кўпроқ кизиқтирадиган нарсадан гап очди. Сўз ўз касбларининг беқиёс наф келтирувчи жиҳатлари, Тулланнинг маҳорати, Чарли Бейтснинг хушфёлу мулойим табиати, жуҳуднинг ўзининг саховатлилиги устида борди. Бу мавзулар ниҳоят адоғига етди, шунингдек, мистер Читлинг ҳам адоғ бўлганди, зотан ахлоқ тузатиш уйида бўлиш бир-икки ҳафтанинг ўзидаёқ суробни тўғрилаб қўярди. Шу сабабдан ҳам мисс Бэтси улфатларга дам олиш имконини бериб чиқиб кетди.

Шу кундан эътиборан Оливерни камдан-кам ёлғиз қолдирадиган бўлишди; у деярли ҳар куни жуҳуд билан ўша эски ўйинни ўйнайдиган иккала бола билан бирга бўларди (ўз малакаларини ошириш учунми, ё Оливер ўргансин дебми — нима мақсадда бундай қилишларини ҳаммаларидан мистер Феджин яхшироқ биларди). Баъзан чол уларга ёшлигида қилган ўғирликларини ҳикоя қилиб берар ва бу ҳангомаларда шунақанги кулгили ҳамда кизиқарли ҳолатлар тасвирланардики, Оливер беихтиёр чин дилдан кулар, ўзининг жами ажойиб фазилату хислатларига қарамай, бу ҳангомалар уни кизиқтираётганини яшира олмасди.

Хулласи калом, айёр жуҳуд чол болани ўз тўрлари билан чирмаб ташлади. Болакайни ёлғизлик ва умидсизлик исканжасига солиб, уни ёлғиз, ғамгин ўй суриб ўтиргандан, яхшими ё ёмонми, ишқилиб, одамлар даврасида бўлишни маъқулроқ кўришга тайёрлаб борган чол эндиликда унинг вужудига томчи-томчилаб заҳар қуяр, ушбу заҳар томчилари эса бола қалбини абадулабадга ўзгартириб, лойқалатади, дея умид қиларди.

## XIX боб

*антиқа бир режа устида баҳслашиб, уни қабул этганларини ҳикоя қилади*

Жуҳуд қоқ суяк танасига ёпишиб турган пальтосининг жамики тугмаларини қадаб, чакагу оғзи-бурнини яшириш учун ёқасини қулоқларигача кўтариб олиб уясида чиққанида бадқовок, рутубатли, шамол эсиб турган тун эди. У то ортидан эшикни занжирлаб олгунларича зинада кутиб турди-да, болаларнинг яхшилаб беркитиб олганларига ва одим товушлари ичкарига кириб тинганига ишонч ҳосил қилгач, кўчада йўрғалай кетди.

Оливерни бошлаб келишган уй Уайтчепл\* билан ёнма-ён эди. Жуҳуд муюлишда бир нафасгина тўхтаб, атрофга шубҳали аланглаб олди-да, кўчани кесиб ўтиб, Спител-Филдс томонга юрди.



Тош кўчани тўпиққача лой қоплаган, кўчаларни зимистон қоронғилик чирмаган; шивалаб ёмғир ёғар, ҳаво муздек; ҳаво ҳам, ер ҳам — ҳаммаси чип-чип ёпишқоғу илашқоқ эди. Жуҳуд сингари нусхалар айнан мана шундай кечада кўчаларда тентираклашга муносибдай туюларди. Манфур чол девору долонлар панасида писибгина илгариларкан, ўзи оралаб бораётган ахлату зулумот қўйнида туғилган аллақандай жирканч судралувчи жониворга ўхшаб кетарди; у тун қўйнида хўракка ёғлироқ ўлакса излаб ўрмалаб борарди.

У иланг-биланг ҳамда тор кўчаларни босиб ўтиб, Бетнел-Гринга етиб борди; кейин шартта чапга бурилиб, ушбу аҳоли қалин жойлашган даҳада тўлиб-тошиб ётган илонизи тор кўчалардан чиқиб қолди.

Афтндан, жуҳуд ҳозир ўзи турган жойни жуда яхши биларди, шу боис зимистон туну машаққатли йўл заррача чўчитмасди уни. У зипиллаганча бир нечта жинкўчадан ўтди ва ниҳоят, нариги бошидаги биттагина фонус ёритиб турган кўчага бурилди. Шу ердаги уйлардан бирининг эшигини тикиллатиб, эшикни очган одам билан икки оғизгина алланималар деб пичирлашди-да, зинадан тепага кўтарилди бошлади.

У эшик тутқичига қўл теккизган онда ит ириллади, шунда эркак киши ким бу деб сўради.

— Бу менман, Билл, ёлғиз ўзимман, азизим, — деди жуҳуд хонага мўралаб.

— Э-ҳа, қани, марҳамат, ичкарига, — деди Сайкс. — Тек ёт, тентак махлуқ! Нима бало, пальто кийиб олса иблисни танимай қоласан чоғи?

Турган гапки, итни мистер Феджиннинг уст кийими чалғитиб қўйганди афтндан, зеро жуҳуд тугмаларини ечиб, пальтосини стул суянчигига ташлагани замонок, энди танидим, дегандай думини ликиллатганча (бу туйғу унинг табиати-га хос эди-да, ахир) ўз жойига келди.

— Хўш! — деди Сайкс.

— Нима бўларди дейсиз, азизим! — жавоб қилди жуҳуд. — Э-ҳа, Нэнси!

Унинг овозида мурожаатимни қандай қабул этаркин, дея иккиланишдан далолат берувчи пичагина саросима оҳанги сезилди: мистер Феджин бу ёш дўсти билан қиз ўша Оливернинг ёнини олган кундан берига кўришишмаган эди. Еш хонимнинг хатти-ҳаракати унинг бу борадаги жамики гумонларини зумда тарқатиб юборди. Қиз камин панжарасидаги оёғини пастга туширди, курсини яқинроқ суриб, ортиқча гап-сўзсиз Феджинга ўчоққа яқинроқ ўтиришни таклиф қилди — нимасиниям айтасиз, кеча ниҳоятда совуқ эди-да.

— Ҳа, азизам Нэнси, жудаям совуқ, — деди жуҳуд қоқсуяк қўлларини ўтга тоблаб иситаркан. — Суяк-суягингдан ўтиб кетяпти-я, — қўшиб қўйди чол биқинларини уқалаганича.

— Сизнингки юрагингизгача кириб борган экан, изгирин жудаям қаттиқ бўлиши керак, — деди мистер Сайкс. — Нэнси, отгани унга қиттак бирон нима бер. Тезроқ қимирлай қолсанг-чи, жин ургур! Бу тўғри лаҳаддан чиқиб келаётган мурдор арвоҳга ўхшаган разил кекса скелетнинг қандай титраётганига қараб туриб бирпасда ўзингни ҳам дардга чалиниб қолишинг ҳеч гапмас.

Нэнси кўринишидан минг бир хил ичимликка тўла жавондаги қатор-қатор қилиб териб қўйилган шишалардан биттасини чаққонлик билан олди.

Сайкс стаканга бренди қуйиб, жуҳудга узатди.

— Бўлади, бўлади... Раҳмат, Билл, — деди жуҳуд стаканга номигагина оғиз тегизиб, столга қўяркан.

— Гумдон қилиб қўйишмасин деб чўчиаяптилар шекилли, а? — деди Сайкс жуҳудга тикилиб қараб. — Уҳ!

Мистер Сайкс хириллаб, нафратомуз тўнғиллаганча стаканни шартта юлқиб олди-ю, брендидан қолганини кул устига сепиб юборди — бу такаллуфсиз ҳаракат кейин ўзи учун қадаҳни қайтадан тўлатишидан бир нишона эди, у шундай қилди ҳам.

То у иккинчи қадаҳни жиғилдонига қуяр экан, бу орада жуҳуд хонани назардан ўтказди — қизиқсинганидан эмас албатта, негаки бир неча марта кўздан кечирганди бу ерни илгари, ўзига хос шубҳачилиги, табиатан безовтаю беҳаловатлигидан шундай қилаётган эди. Бу фақирона жиҳозланган хона эди, жавондаги нарсаларгина бу ерда меҳнатсиз турмуш кечирадиган одам истиқомат қилишидан

далолат бериб турарди; бурчакдаги бир нечта сўйил, иннайкейин, ўчоқ тепасидаги осиклик турган кўрғошин учли чўқмордан бўлак шубҳали ҳеч нима кўзга ташланмасди.

— Мана энди тайёрман, — деди мистер Сайкс лабини ялаб.

— Иш хусусида гаплашиб оламизми? — сўради жуҳуд.

— Бўпти, иш хусусида бўлса бўла қолсин, — кўнди Сайкс. — Бошланг ашулангизни, қани, нима гаплари бор?

— Чертсидаги иш хусусидами, Билл? — сўради жуҳуд курсисини яқинроқ суриб, овозини пасайтириб.

— Бўпти. Хўш, бу борада нима дейсиз? — сўради Сайкс.

— Эҳ, азизим, қандай фикрдалигимни ўзингиз биласиз-ку, ахир... — деди жуҳуд. — Ахир ўзи билади-ку, Нэнси, тўғримасми?

— Йўқ, билмайди, — иршайди мистер Сайкс. — Е билишни истамайди, ҳар иккаласиям бир гўр. Очиқчасига, рўйирост гапираверинг! Худди ўмариш фикри биринчи бўлиб ўзингизнинг бошингизга келмагандай, бу ерда кўз қисиб, қош учуриб, имо-ишораю шам билан тушунтиришингизни кўйинг! Қани, каллангизга қанақанги режа келди?

— Секинроқ, Билл, секинроқ! — деди жуҳуд бирдан тошиб келган газаб жазавазини жиловлашга беҳуда уриниб. — Гапимизни эшитиб қолишлари мумкин.

— Эшитса эшитаверишсин! — деди Сайкс. — Менга бари бир эмасми?

Аммо мистер Сайкс учун бари бир эмасди, шу туфайлидан ҳам у мулоҳаза қилиб кўриб, хийла босиклик билан, товушини пастлатиб гапира бошлади.

— Гап бундоқ бўпти, — деди жуҳуд жилпанганиб. — Мен шунчаки эҳтиёт-корман, холос. Ана энди, азизим, Чертсидаги ишдан гаплашиб олайлик. Қачон дўндирамиз уни, Билл? Қачон? Кумуш асбоблари қалай экан, азизим, кумушлари! — деди жуҳуд ҳузур қилиб кўллари ишқаб, қошларини учуриб.

— Ҳеч иш чиқмайди бундан, — совуққина жавоб қилди Сайкс.

— Бу ишдан ҳеч вақо чиқмайди денг?.. — китоб қилди жуҳуд курси суянчигига суянаркан.

— Ҳа, ҳеч иш чиқмайди, — деди Сайкс. — Ҳар қолда, бу биз ўйлаганчалик жўн иш эмас.

— Демак, яхши киришмабмиз унга, — деди жуҳуд даргазабликдан ранги гезариб. — Ортиқ гапирмай кўя қолинг!

— Э йўқ, ҳаммасини гапириб бераман сизга, — эътироз билдирди Сайкс. — Ўзингиз кимсизки, ҳеч нимани гапирмай кўя қоларканман сизга? Мен сизга айтсам, Тоби Крекит ўша жой атрофида икки ҳафта ўралашиб юриб, хизматкорларидан бирортаси билан тил топишолмабди!

— Наҳотки, сиз, Билл, ўша икки хизматкордан ақалли биттасини оғдиришнинг иложи бўлмабди демоқчи бўлсангиз? — сўради жуҳуд суҳбатдошининг қизиша бошлаганидан кўнгли жойига тушиб.

— Ҳа, худди шундоқ демоқчийдим сизга, — жавоб берди Сайкс. — Улар йигирма йилдан берига кекса хонимнинг хизматини қилишаркан, борди-ю, сиз беш фунт тутқазганингизда ҳам бари бир тузоққа илинишмасди улар.

— Наҳотки сиз, азизим, ҳатто хотинларниям ҳеч ким лақиллатолмайди демоқчи бўлсангиз? — сўради жуҳуд.

— Тўппа-тўғри, лақиллатиб бўлмайди, — жавоб берди Сайкс.

— Бу қанақаси бўлди, ҳатто Тоби Крекитдай юлдузни бенарвон урадиган абжир одам ҳам-а? — деди жуҳуд ишонқирамай. — Бу аёлларнинг қанақанги лойдан ясалганини эслаб кўринг-а бир, Билл!

— Ҳа, ҳатто Тоби Крекитдай абжир ҳам, — жавоб қилди Сайкс. — У айтдики, ясама чакка соқол ёпиштириб, оч-сарик нимча кийиб роса ўралашиб кўрибди-ю, жамйки уринишлари бекор кетибди.

— Ҳаммасидан ҳам, азизим, мўйлов билан аскарча иштонни синаб кўргани маъқулийди, — эътироз билдирди жуҳуд.

— Буниям ишлатиб кўрган у, — деди Сайкс, — бундан ҳам фойда чиқмаган.

Бу хабар жуҳуднинг кўнглига гулғула солиб кўйди. Иягини кўксига тира-

ганча бир неча дақиқа ўйга чўмди, сўнг бошини кўтарди-да, чуқур хўрсиниб, агар абжир Тоби Крекит ростини гапирган бўлса, ишни бой берибмиз, деб чўчиётганини айтди.

— Ҳар қалай, — деди чол, қўлларини тиззасига қўяр экан, — бутун фикр-ўйимиз шунга қаратилган бир пайтда шунча бойликни қўлдан чиқариб юбориш алам қиларкан, азизим.

— Рост, — қўшилишди мистер Сайкс. — Омадимиз келмади.

Орага узоқ жимлик чўкди; жуҳуд чуқур ўйга ғарқ бўлди, шу топда унинг буруш афти дарҳақиқат ҳаддан зиёд жирканч кўриниб кетди. Вақт-вақти билан Сайкс унга ўгринча кўз қирини ташлаб қўярди. Нэнси бўлса газзобни жигига тегишдан очиқ-ошқора қўрқанидан оловга тикилганича ўтирар, гўё бўлаётган гапларнинг мутлақо унга дахли йўқдек эди.

— Феджин, — сўз қотди Сайкс орага чўккан жимликни тўсатдан бузиб, — бу иш эллик тилладан ортиққа арзийдими?

— Ҳа, — деди жуҳуд шунда тўсатдан жон кириб.

— Демак, келишдикми? — суриштирди Сайкс.

— Ҳа, азизим, — жавоб қилди жуҳуд, унинг кўзлари йилтираб кетди, башарасидаги ҳар битта туки ушбу саволдан ҳаяжонга тушгани туфайли титрай бошлади.

— Э, гап бундоқ, — деди Сайкс бир қадар менсинқирамай қариянинг қўлини нари сурганча, — бунга истаган вақтда улгураимиз. Утган куни кечаси Тоби икковимиз боғ деворидан ошиб тушиб, эшик билан дераза қопқоқларини пайпаслаб кўрдик. Кечаси уйни худди турмадай тақа-тақ беркитиб олишар экан, лекин битта жой бор, ўша ердан ҳеч зотга сездирмай, бехитгина кирсак бўлади.

— Қаерда экан ўша жой, Билл? — сабрсизлик билан сўради жуҳуд.

— Биласизми, ўтлоқни босиб ўтиш керак... — шивирлаб деди Сайкс.

— Шунақами? — гап қистирди жуҳуд бўйини чўзиб ва кўзларини нақ косасидан ўйнаб чиқиб кетгундек чақчайтириб.

— Уҳ! — нидо солди Сайкс ва сўзи бўғзида қолди, негаки шу лаҳзада қиз қўққисдан ўгирилиб, боши билан жуҳуд томонга имо қилган эди. — Бунинг қаердалиги бари бир эмасми? Биладан, менсиз ҳеч иш чиқаролмайсизлар бари бир... Лекин, шундайми сизга ўхшаган одам билан алоқа қилганда ҳушёр бўлган маъқул.

— Ихтиёрингиз, азизим, ихтиёрингиз, — жавоб қайтарди жуҳуд. — Сизларга ёрдам-пордам керакмасми, Тоби икковларинг эплаштира оласизларми?

— Ердан-пордам керакмас, — деди Сайкс. — Бизга фақат парма билан битта болакай бўлса бас. Биринчиси ўзимизда бор, иккинчисини эса бизга сиз топиб берасиз.

— Болакай денг-а! — нидо солди жуҳуд. — У, унда гап тахта девор ҳақида бораётган экан-да?

— Бунинг сизга ҳеч қанақанги алоқаси йўқ! — жавоб қилди Сайкс. — Менга битта болакай керак, бу болакай озгин бўлсин. Е тангрим! — деди мистер Сайкс хаёлга толиб. — Мўри тозаловчи Нэднинг ўғлини қўлга киритолганимда эди-я! У боласини атайлаб қорақумга белаб қўяр, доим ишга юбориб турарди. Лекин отасини каторгага итоб қилишди, ана шунда нораства жиноятчиларни қарамоғига олувчи Жамият аралашиб ишни пачавасини чиқарди-қўйди, болани чой-чақа бериб турган ҳунаридан айириб, хат-савод ўргатгани ва вақт-соати билан халфа бўлиб етиштиргани олиб кетишди. Доим тумшукларини суққанлари-суққан булар! — деди мистер Сайкс кўрган жамики ранж-аламлари ёдига тушиб, жигибийрони чиқиб, тобора аччиқланиб. — Қачон қарасанг тумшукларини суққанлари-суққан-а! Бордию етарлича маблағлари бўлса борми (худогоа шукрки, ақчалари йўқроқ-да), бир-икки йилда қарабсиаки, бизнинг касбимизга ярайдиган бештагина бола ҳам қолмасди.

— Тўппа-тўғри, — унга қўшилди жуҳуд, у суҳбат давомида ўз хаёлларига берилиб, фақат охирги гапнигина эшитиб қолган эди. — Билл!

— Ҳўш, яна нима? — деди Сайкс.

Жуҳуд қануз ўтга тикилиб ўтирган Нэнсини боши билан имо қилиб, қизни хонадан чиқариб юборганинг маъқулмиди, деган бўлди. Сайкс, гўё бундай эҳ-

тиёткорликни ортиқча деб билгандек; бетоқатлик билан елкасини учириб қўйди-ю, лекин итоат этиб, мисс Нэнсига бир кружка пиво келтиришни буюрди.

— Ҳечам пиво ичгинг келаётгани йўқ-да, — деди Нэнси қўлларини чалиш-тирганча, пинагини бузмай жойида ўтирган қўйи.

— Сенга айтяпман, ичгим келяпти! — ўшқирди Сайкс.

— Елгон! — совуқонлик билан жавоб қилди қиз. — Сўзингизни давом этти-раверинг, Феджин. Уни нима демоқчи бўлаётганини биламан, Билл. Менга мутлақо парво қилмаса ҳам бўлади.

Жуҳуд ҳамон иккиланарди. Сайкс ҳайратли кўзларини чолдан узиб, қизга қадади.

— Феджин, наҳотки қиз сизга халақит бераётган бўлса? — деди у ахийри. — Бу қанақанги майнабозчилик! Уни кўпдан бери биласиз, унга бемалол инонсангиз бўлаверади. У оғзи бўш вайсақилардан эмас. Тўғрими, Нэнси?

— Тўғри бўлганда қандоқ! — жавоб берди ёш хоним ўтирган курсисини столга яқинроқ суриб, тирсаги билан таяниб оларкан.

— Ҳа, ҳа, азизам, буни биламан, — деди жуҳуд, — локигин... — Чолнинг тагин нафаси ичига тушиб кетди.

— Хўш, нима? — сўради Сайкс.

— У ҳалиги, тунов куни оқшомдагига ўхшаб жазаваси тутиб қолмасайди, деб ўйлаяпман, — жавоб берди жуҳуд.

Унинг бу иқрорини эшитган мисс Нэнси хохолаб юборди-да, стакандаги брендини бир кўтаришда бўшатиб, беҳаёлларча бош силкиб: «Қўрқмай бош-лайверинг ашулангизни», «Сираям бўш келманг», «Ҳечам ташвиш тортманг» қабилдаги хитобларни қалаштириб ташлади. Афтидан, бу далдалар қар иккала жентльменнинг кўнглини жойига туширди чоғи, негаки, жуҳуд мамнун киёфада бош ирғаб қўйди-да, тагин ўз ўрнига чўкди; мистер Сайкс ҳам худди шундай қилди.

— Қани, Феджин, — деди Нэнси кулиб. — Биллга тезроқ Оливер тўғрисида гапира қолинг!

— Ҳа, бало-я! Жудаям оқила қизсан-да, азизам! Бунақанги зукко қизни умримда кўрмаганман-да ўзиям! — деди жуҳуд қизнинг бўйинини сийпаб. — Тўғри, мен Оливер тўғрисида гапирмоқчийдим. Ха-ха-ха!

— Қани, у тўғрисида нима демоқчийдингиз? — сўради Сайкс.

— Энг сизларбопи худди шу бола, азизим, — хирқироқ овозда шивирлаб жавоб қайтарди жуҳуд, бармогини бурни устига қўйиб, манфурона ишшайиб.

— Уша-я?! — нидо солди Сайкс.

— Олавер уни, Билл, — деди Нэнси. — Агар сенинг ўрнингда мен бўлсам албатта олган бўлардим. Балки у бошқаларга ўхшаган эпчилмасдир, лекин сенга у эшикни очиб берса бўлгани-ку, ахир. Кўнглинг тўқ бўлсин, Билл, унга ишонса бўлади.

— Бунга шубҳам йўқ, — тасдиқлади Феджин. — Кейинги ҳафтада уни роса ўқитдик, иннайкейин, нонини ўзи топиб ейдиган фурсати етди. Бунинг устига қолганларининг ҳаммасиям қўполлик қилади жуда.

— Тўғри, бўйиям қуйиб қуйгандай мос келади, — деди мистер Сайкс ўйчан.

— Кейин, Билл, азизим, ниманики буюрсанглар, барини адо этади, — қў-шимча қилди жуҳуд. — Унинг ўзга иложи йўқ. Тўғри, боплаб юрагини олиб, чўчитиб қўйсанглар, албатта.

— Чўчитиб денг! — сўзни илиб кетди Сайкс. — Ёдингизда бўлсин, бир ўта-касини ёрайки, у ёғини қўяверасиз. Агар ишга киришганимизда жуфтакни ростлаб қолишни хаёл қиладиган бўлса терисига сомон тиқаман. Уни тирик кўрмайсиз, Феджин. Уни бу ёққа жўнатишдан бурун шуни яхшилаб ўйлаб кўринг. Гапларим эсингизда турсин-а! — деди газзоб каравоти остидан чиқар-ган мисрангни кўрсатиб.

— Ҳаммасини тарозуга солиб кўрганман, — қизгин жавоб қайтарди жу-ҳуд. — Мен... уни диққат билан, синчиклаб кузатганман, азизим. Фақат шундай қилиш керак, бизга шерик эканини тушунсин, ўғри бўлиб қолганини калласига қуйиш керак — ана шунда ўзимизники деяверинг уни! Умрбод бизники бўлиб қолади. Уҳў! Бу ишлар нақ узукка кўз бўлиб тушди-да!

Чол қўлларини кўксига чалиштирди; бошини қуйи солиштириб, букчайиб ўтирар экан, у худди хурсандлигидан ўзини-ўзи кучоқлаётганга ўхшарди.

— Бизники! — такрорлади Сайкс. — Меники демоқчисиз шекилли!

— Эхтимол, азизим, — деди жухуд қаттиқ хиринглаб. — Шунини истасангиз, меники, Билл!

— Нимага энди, — сўради Сайкс қошларини чимириб, қадрдон дўстига хўм-райиб қараб қўяркан, — нимага энди Коммон-Гарденда ҳар куни кечқурун эллик-лаб болалар санқиб юришини, улардан хоҳлаганингизни танлаб олишингиз мумкинлигини била-кўра туриб, шу ўлимтик болага қанчадан-қанча меҳнат сарфлаб ўтирибсиз?

— Чунки улардан сариқ чақалик наф йўқ, азизим, — бир оз хижолат тортин-қирагандай жавоб қилди жухуд. — Гапиришга ҳам арзимаydi. Мабодо оёқлари остидан фалокат чиқиб қолгудек бўлса, афт-ангорларининг ўзиёқ кимликларини айтиб беради-қўяди, ана унда улардан айрилди деяверинг мени. Бордию бу болакайни қўлбола қилиб пишитилса, азизларим, бошқа йигирмалаб болалар билан биргалашиб қилгандан кўра чандон ортиқроқ ишни эплаштираман. Бунинг устига, — қўшиб қўйди жухуд хижолатдан пича ўзига келиб, — ҳозир қуён бўлиб қолишнинг урдасидан чиққудек бўлса, бизни сотиши тайин, шундоқ экан, у бизнинг қисматимизга шерик бўлиши шарт. Бунинг қандай содир бўлиши бари бир эмасми? Уни ўғирликда қатнашишга мажбур қилиш менинг қўлимда — менга ана шунинг ўзи керак, вассалом. Иннайкейин, бечора гўдакни йўлдан супуриб ташлагандан минг карра яхшироқ-ку бу. Ундай қилган эса хавотирли, устига-устак, бу ишда ютқизган бўлардик.

— Қайси кунга тайин қилинган? — деб сўради Нэнси, Феджиннинг инсон-парварона гапига жавобан мистер Сайкснинг газаб-ла оғзидан боди кириб-шоди чиқишига халал бериб.

— Дарвоқе, қайси кунга тайинланган, Билл? — гапни илиб кетди жухуд.

— Тоби билан индинга, кечасига келишиб қўйганман, — жавоб берди Сайкс ковоғи уйилиб. — Бирор гап чиқиб қолса, уни огоҳлантириб қўяман.

— Жуда соз, — деди жухуд, — ой чиқмайди.

— Ҳа, чиқмайди, — тасдиқлади Сайкс.

— Демак, ўлжани қўлга киритиш учун ҳаммаси таппа-тахт экан-да? — сўради жухуд.

Сайкс бош ирғади.

— Кейин, анави хусусида ҳам...

— Ҳаммасини келишиб олганмиз, — гапни бўлди Сайкс. — Икир-чикиригача ҳисоб бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, болани эртага оқшом олиб келаверинг. Тонг отганидан бир соат ўтгач, йўлга тушаман. Сиз эса тилингизни тишлангу декчангизни тайёр қилиб тураверинг, сиздан бошқа ҳеч нима талаб этилмайди.

Учалалари ҳам қизғин иштирок этган қисқагина суҳбатдан сўнг, шунга келишишдики, эртага, қош қорайган паллада Нэнси жухудникига бориб, Оливерни олиб чиқиб кетадиган бўлди; айни чоқда, Феджин айёрлик билан, мабодо Оливер қаршилик қиладиган бўлса, ўзи, яъни Феджин, яқиндагина Оливернинг ёнини олган қизни бажонидил кузатиб боришга тайёр эканлигини қистириб ўтди. Шунингдек, режалаштирилган экспедиция муносабати билан шўрлик Оливер бутунлай мистер Уильям Сайкснинг ҳимоясию измига берилажаги ва номи зикр этилган Сайкс унга ўзи зарур деб билганидай муомала қилажаги, башарти Оливернинг бошига бирор фалокат тушса ёки уни жазолаш лозим бўлиб қолса жухуд жавоб талаб этмаслиги борасида ҳам тантанали равишда битишиб олишди; айнан шу банд хусусида яна шунга аҳдлашилдиким, бунга биноан уйга қайтгач, мистер Сайкснинг ҳар бир сўзи, ҳар бир муҳим жиҳати абжир Тоби Кредит томонидан тасдиқланиши ҳамда гувоҳлик берилиши лозим эди.

Дастлабки музокаралар ниҳоясига етгач, мистер Сайкс брендини шафқатсизларча сипқоришга киришди, у қўлидаги мисрангни дағдағали силкиб, аллақандай қўшиқни томоғи йиртилгудек бўкириб айтар, орасида бўралаб сўкиниб қўярди. Ниҳоят, касб-корига хос завқи жўшиб кетиб, ўғрилиқ асбоб-ускуналари солинган яшигини кўз-кўз қилишни истаб қолди. Уни хонага кўтариб кириб,

ичидаги турли хил асбоб-ускуналарнинг хизмати ва сифатини таърифлаш ҳамда уларнинг тузилишини тушунтириш учун қопқогини очиб улгурмасиданоқ яшиқ-пашиги билан гуппа қулади-ю, қулаган жойида ухлади-қўйди.

— Яхши тушлар кўриб ёт, Нэнси, — деди жуҳуд яна юз-кўзигача бурканар экан.

— Ўзингиз ҳам яхши ётиб-туринг.

Шунда нигоҳлари тўқнашди, жуҳуд қаттиқ тикилди қизга. Қиз эса мижджа қоқмади ҳам. У шу топда худди алдашни хаёлига келтирмаган, шунингдек, ишга бамисоли Тоби Крекитнинг нақ ўзгинасидай жиддий қараётгандек эди.

Жуҳуд тагин бир карра қизга хайрли тун тиларкан, унинг панасида туриб, узала тушиб ётган мистер Сайкснинг гавдасини пинҳона аста тепиб кўрди-да, зинапоядан пайпасланиб пастга туша бошлади.

— Қачон қарамасанг шунақа, — дея гўлдирарди жуҳуд уйга қайтаётиб. — Бу хотинман деганларнинг энг ёмон томони шундаки, арзимаган нарса алла-замонларда унут бўлган аллақанақанги туйғуларини қўзғаб юборади, яхши томони эса — тез ўтиб кетади бундай ҳолат. Ҳа-ҳа! Кап-катта эркак бир гўдакка қарши бўлиб ўтирса-я — бир халта олтинни деб-а!

Мистер Феджин ана шундай ёқимли ўйлар билан чилп-чилп лой кечиб Туллак унинг келишини тоқатсизлик билан кутиб бедор ўтирган зимистон уйига етиб келди.

— Оливер ухлаяптими? У билан гаплашмоқчийдим, — улар пастга тушишганида Феджиннинг оғзидан чиққан биринчи саволи шу бўлди.

— Аллақачон ухлаб қолди, — жавоб қилди Туллак эшикни очиб. — Ана у!

Бола ерга тўшалган қаттиқ ўринда тош қотиб ухларди; хавотирлик, ғам-ташвиш ва ўз зиндонининг димиққан ҳавосидан туси паға бўлиб кетган, бамисоли мурдага — кафанга ўралиб, тобутда ётган ўликка эмас, жони ҳозиргина узилган, норасида руҳи бир сониягина муқаддам арши аълога равона бўлган, ернинг қўланса ҳавоси чириб битгувчи терисини ҳали-ҳозирча айнитиб улгурмаган жасадга ўхшаб кетарди...

— Ҳозирмас, — деди жуҳуд астагина ундан узоқлашаётиб. — Эртага. Ҳа, эртага.

## XX боб

*Оливернинг мистер Уильям Сайкс измига ўгиши ҳақида ҳикоя қилади*

Оливер эрталаб уйғониб, ўрни ёнида турган тагчарми қалин ва пишиқ яп-янги бошмоқни кўриб ниҳоятда ҳайрон бўлди, эскиси бўлса қаёққадир ғойиб бўлиб қолибди. Олдинига бу янгиликдан хурсанд бўлди, бу озодлик белгиси чоғи, деган умид туғилди дилида, аммо жуҳуд билан нонушта қилгани ўтиргач ва чол уни бугун кечқурун Билл Сайкснинг қароргоҳига олиб боришларини айтаркан, бу умиди бирпасда тутундай тарқаб кетди, жуҳуднинг сўзлаш оҳанги ҳамда турки кўнглидаги хавотирни бешбаттар орттириб юборди қайтага.

— Ке... кейин бутунлай ўша ерга ташлаб келишадими, сэр? — деб сўради Оливер безовталаниб.

— Йўқ, йўқ, азизим, ташлаб келишмайди, — жавоб берди жуҳуд. — Сендан ажралиш истагимиз йўқ. Қўрқма, Оливер, тагин қайтиб келасан бу ерга! Ҳи-хи-хи! Биз жудаям унақанги тошбағирлардан эмасмиз, азизим. Сираям ундоқмас!

Учоқ устига энгашиб, бир бурда нонни ёгда қовураётган қария ўгирилиб қараб, Оливерни мазах қилиб ҳирингларкан, бу билан имкони туғилди дегунча Оливернинг жон-жон деб қочиб қолишга тайёр эканлигини жуда яхши билишини англаган бўлди.

— Фикри ожизимча, азизим, — деди жуҳуд Оливерга тикилиб, — сени Билл-никига нимага юбораётганимизни билгинг келяпти-ёв?

Оливер қари ўғрининг кўнглига келган ўйни пайқаганини кўриб беихтиёр қизариб кетди, бироқ тап тортмай, буни билишни хоҳлаётганини айтди.

— Хўш, ўзингча қандай ўйлайсан, нимага? — дея сўради Феджин жавоб беришдан қочиб.

— Ростини айтсам, билмайман, сэр, — жавоб қайтарди Оливер.

— Вой сени қара-ю! — хитоб қилди жуҳуд ва боланинг бетига тикилиб турди-да, кейин норози қиёфада ўгирилиб олди. — Ошиқмасанг, Биллни ўзи айтиб беради.

Оливернинг кўпда қизиқсинмагани гўё жуҳудга алам қилгандай эди. Аини пайтда, иш мана бундай мазмун касб этарди: гарчи Оливер қаттиқ ташвишга тушиб қолган бўлса-да, Феджиннинг жиддий ҳамда айёрона боқишлари ва ўзининг хаёлига келган фикрлар ҳаддан зиёд довдиратиб қўйгани боисидан шу топда бирон-бир савол берадиган, суриштирадиган ҳолатда эмасди. Лекин ортиқ савол бериб, суриштиришнинг кези ҳам, ўрни ҳам келмади, зеро жуҳуд то кеч киргунига қадар қош-қовоғи уйилиб, миқ этмай юрди, сўнгра эса уйдан чиқиб кетишга чоғланди.

— Шамни ёқсанг бўлади, — деди у шамни столга қўяётиб. — Мана китоб, то чакириб келишгунича ўқиб ўтира тур. Хайрли тун!

— Сизнинг ҳам тунингиз хайрли ўтсин, — секингина жавоб қайтарди Оливер. Жуҳуд эшикка томон юрди, қифти оша болага қараб қўйди. Тўсатдан тўхтаб, уни чакирди.

Оливер бошини кўтарди; жуҳуд имо билан шамни ёқишни буюрди. Бола итоат этди ва шамдонни столга қўяр экан, жуҳуднинг хонанинг қоронғи бурчагидан хўмрайиб, қошини чимириб ўзига тикилиб турганини кўрди.

— Кўзингга қара, Оливер, эҳтиёт бўл! — деди чол ўнг қўли билан пўписа қилиб огоҳлантираркан. — У кўпол одам. Жаҳли чиққудай бўлса бировнинг қонини дарёдай оқизиш чикора унга! Нимаики бўлмасин — чурқ этма. Кейин нимани буюрса, барини қил. Едингда бўлсин-а!

Охири сўзга ургу бериб айтди-да, хунук иршайиб, бош ирғаб қўйди-ю, хонани тарк этди.

Чол чиқиб кетгач, Оливер бошини қўлига қўйган кўйи, юраги безиллаб, Феджиннинг сўзларини мушоҳада қила кетди. Жуҳуднинг огоҳлантирувчи пўписаси устида бош қотиргани сайин унинг асли маъноси нимадалигига етиши баттар мушкуллаша борди. У ўзини қанақанги манфур иш юзасидан Сайкснинг ҳузурига жўнатмоқчи эканликларини ва нима сабабдан уни шу ерда қолдириб, ўша ниятларини амалга оширолмагликларини ўйлайвериб сира тагига етолмади. Хулласи, узоқ ўй суришдан сўнг, у, ўша томтешар токи бошқа, ўзи бопроқ болани топгунича ёрдам бериб майда-чуйда юмушларини қилиб тургани мени танлашган бўлишса керак, деган қарорга келди.

У жафоларга шунчалар кўникиб кетган ва бу ерда шунчалар беҳад азоб чеккандики, бўлажак ўзгаришдан шиква-шикоят қилиш хаёлида ҳам йўқ эди. У бир неча дақиқа ўз хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирди, кейин чуқур хўрсиниб, шамнинг куюк сўхтасини тушириб ташлади-да, жуҳуд қолдирган китобни олиб ўқишга тутинди.

У китобни варақлай бошлади. Дастлабига паришонлик билан шунчаки кўз югуртди, аммо диққатини тортган бир парчани ўқиб қизиқиб қолди-ю, ҳадемай қироатга берилиб кетди. Бу машҳур жиноятчиларнинг таржимаи ҳоллари ва суд ишлари ҳисоботлари эди: саҳифалар кир-чир, ифлос бармоқлар доғ-дуг қилиб ташлаганди. Ушбу китобдан у юрак орқага тортиб, эт музлаб кетадиган жиноятлар тўғрисида ўқиди; қишлоқлараро кимсасиз йўлларда писиб туриб қилинган қотилликлар; одам кўзидан йироқ жар, ўрау қудуқларга ташланган мурдалар — бундай қабрлар қанчалик чуқур бўлмасин, жасадларни тубида абадий сақлаб қололмаган, орадан талай йиллар ўтиб, охир-оқибатда жасадларни юзага чиқариб олганлар ва бу манзара қотилларни шунчалар даҳшатга солганки, улар даҳшат ичра тавбаларига таяниб, виждон азобидан қутулиш учун тезроқ осинлар, деб илтижо қилганлар. Шунингдек, у ярим кечада тўшақда ётиб, жиноятқорона ўйларга берилган (ўзларининг сўзларига қараганда), сўнгра эса кўз олдига келтирганнинг ўзидаёқ одамнинг аъзойи баданларига муз югуртириб, оёқ-қўлини дағ-дағ қалтиратиб юборадиган ваҳшиёна қотилликларни амалга оширган жиноятчилар тўғрисида ҳам ўқиди. Бу ваҳимали тасвирлар шунчалик ҳаққоний ҳамда ёрқин чикқан эдики, сарғайиб кетган саҳифалар бамисоли лахталаниб қондай қизариб бораётгандай, сўзлар эса, худди ўлганларнинг ар-

воҳлари шивирлаётгандай, Оливернинг қулоқлари остида шанғиллаб тургандай эди.

Қўрқиб кетган бола китобни шартта ёпди-ю, улоқтириб юборди. Кейин тиззалаб тангрига илтижо қилиб, ўзини бунақанги бадбин ишлардан жалос этишини, бунақанги даҳшатли ҳамда манфур жиноятларни қилгани ҳаётини сақлаб қолгандан кўра шу топдаёқ, турган жойида жонини олгани маъкуллигини айтиб ёлворди. Аста-секин тинчлана борди ва паст, титроқ овоз билан жонига таҳдид солиб турган хавфдан сақлашни ва агар иложи бўлса ҳамма юз ўтирган бечора бир болага мадад кўлини чўзишини, ҳеч қачон яқинлари, қавм-қариндоши меҳрини кўрмаган, ҳозирда жинояту иллатлар уясида бўлган, ҳамма ўз ҳолига ташлаб қўйган яккаю-ёлғиз болакайга ёрдам беришини ўтиниб, яратганга муножот қила бошлади.

У илтижони бас қилиб, лекин ҳануз юзини қўллари билан яширганча турар экан, кўққисдан аллақандай шарпа ҳуркитиб юборди.

— Нима бу? — хитоб қилди у ва эшик олдида турган кимнингдир қорасига кўзи тушди. — Ким бу?

— Мен... менман бу, — эшитилди титроқ овоз.

Оливер шамни боши узра кўтариб, эшик томонга қаради. У ерда Нэнси турарди.

— Шамни қўй, — деди қиз тескари бурилиб. — Кўзимни қамаштиряпти ёруғи.

Оливер унинг ранги бўздай оқариб кетганини пайқади ва мулоимлик билан ундан, касалмасмисиз, деб сўради. Қиз унга орқасини қилиб ўзини стулга таппа ташлади, оқ-воҳ қилди-ю, лекин ҳеч нима деб жавоб қайтармади.

— Ўзинг кечир, худойим! — хитоб қилди у бир оздан сўнг. — Бу ёғини ўйламаган эканман.

— Бир нарса бўлдимми? — сўради Оливер. — Сизга бирор ёрдам беролмайманми? Кучим етган ҳамма нарсани қилишим мумкин. Ростини айтяпман, ҳаммасини.

Қиз томоғидан ушлаб олганча орқа-олдига бориб келар, пиқ-пиқ йиғлаб, каппа-каппа ҳаво ютарди.

— Нэнси, — кичқирди Оливер, — нима бўлди сизга?

Қиз тиззаларини муштлади, ер тепинди, кейин тўсатдаъ тек колди-да, совуқдан қалтираб, шол рўмолига яхшироқ ўраниб олди.

Оливер ўчоқдаги ўтни титкилади. Қиз стулни ўтга яқинроқ суриб, олдинига индамай ўтирди; ахирги бошини кўтариб, атрофга аланглади.

— Гоҳ-гоҳида ўзимга нима бўлганини тушунмай қоламан, — деди у ўзини гўё кўйлагини тузатаётган қилиб кўрсатиб. — Бунга зах, ифлос хона сабабчи бўлса керак... Хўш, Ноли, жонгинам, тайёрмисан?

— Мен сиз билан бирга боришим керакми? — сўради Оливер.

— Ҳа, мени Билл юборди, — жавоб қилди қиз. — Мен билан борасанми?

— Нимага? — сўради Оливер ўзини орқага ташлаб.

— Нимага? — такрорлади қиз ва бошини кўтарди, бироқ болага кўз ташлади-ю, ўша заҳотиёқ тескари ўгирилиб олди. — Қўрқма, ёмон ишга эмас.

— Ишонмайман, — деди уни муттасил кузатиб турган Оливер.

— Ана, сен айтганча бўла қолсин, — жавоб қилди қиз ясама кўлги билан. — Балки яхши ишгамасдир.

Оливер сал оулса-да қизнинг кўнглини ийдира олиши мумкинлигини кўриб-сезиб турарди, шу боисдан, ўзга нажот чорасини тополмай, унинг раҳмини келтиришни хаёл қилди. Бироқ, ҳозир соат ўн биргина бўлгани, бу паллада кўча йўловчилар билан гавжум бўлиши ҳақидаги фикр миясида йилт этди-ю, гапимга ишонадиган биронта одам йўлиқиб қолар улар орасида, албатта, деб ўйлади. Шундай ҳулосага келаркан, у олга одим ташлади ва шоша-пиша йўлга тушишга тайёр эканини айтди.

Унинг бирпаслиқкина ўйга толгани, тараддудланганини Нэнси пайқаганиди, албатта. Қиз сўзлаётганида болани кузатиб турган ва унга ўткир бир нигоҳ ташлаб қўйгандики, бу нигоҳи болакайнинг ҳаёлига қандай ўй келганини англаганини яққол айтиб турарди.



— Жим!.. — шивирлади қиз унга томон энгашиб, кейин астагина атрофга аланглаб олди-да, эшик томонга ишора қилди. — Ҳеч нима қилолмайсан. Мен иложим борица сенга ёрдам беришга уриниб кўрдим, лекин бундан ҳеч қанақанги наф чиқмади. Оёқ-қўлиниги кишанлоглиқ. Мабодо бу ердан қутулиб кетиш пешонамга битилган бўлсаям, ҳар қалай ҳозир эмас, кейинчалиқдир.

Қизнинг таъсирчан овозидан лол қолган Оливер унга ҳайрат-ла жавдирарди. Чамаси, қиз тўғриси ҳақиқатга гапирётгани; ранги оқарган ва ташвишли, ўзи ҳаяжондан шақ-шақ титрарди.

— Сени бир марта калтакланишдан асраб қолгандим, тагин бир марта қутқариб қоламан, иннайкикин, мана ҳозир ҳам шундай қиялман, — давом эттирди сўзини қиз овозини баландлатиб. — Агар менинг ўрнимга бошқа бирор одамни юборишганида сен билан бунақанги мулойим гаплашиб, пачакилашиб ўтирмасди. Сени, ўзини ювош, мўмин-қобил тутади, деб кафиллик бердим. Агар гапга кирмайдиган бўлсанг, ўзингга ҳам, менга ҳам шикаст етказдирасан, эҳтимол, мени гўрга тикасан. Эсингда бўлсин-а! Манавини кўриб қўй, тепамда турган худо ҳаққи, сени деб тортган жафоларим мана!

Қиз шошқалоқлик билан бўйни ва қўлларидаги моматалоқларни кўрсатиб бидиллай кетди:

— Бу эсингда турсин-а! Ҳозир ҳам сени деб бундан баттарроқ азоб тортишга мажбур қилиб юрмагин-а, тагин. Агар сенга ёрдам қилиш қўлимдан келганида, аллақачон ёрдам қилган бўлардим, лекин иложим йўқ бунга. Улар сенга ёмонлик қилишмоқчиёмас. Сени ниманики қилишга мажбур этишса, ҳаммасини бажар — гуноҳи сенгаёмас. Кейин, чурқ этмагин-а! Оғзингдан чиққан ҳар битта сўз мени нобуд қилиши мумкин. Қани, қўлингни бер! Тезроқ! Қўлингни бер!

Нэнси бола беихтиёр узатган қўлдан тутди-ю, шамни пуфлаб, уни зина томон етаклаб кетди. Қоронғида кўзга кўринмай турган аллақим ўша заҳотиёқ эшикни ланг очди ва улар чиқишлари билан худди ўшундай тез беркирди. Уларни қира қилинган усти ёпиқ извош кутиб турган экан; қиз Оливерга қандай тез гапирган бўлса, ўшундай шитоб-ла извошга сургаб кирди-ю, пардаларини яхшилаб ёпиб қўйди. Извошчига ҳеч қанақанги кўрсатма беришнинг ҳожати йўқ эди — у оғза камчи босди-ю, елдириб кетди.

Қиз ҳануз Оливернинг қўлини маҳкам қисган қўйи пичирлаб, бола унинг оғзидан аллақачон эшитган огоҳлантиришу панд-насиҳат ўқишини давом эттирарди. Бу ишлар шунчалик тез ва қўққисдан содир бўлдики, бола то қаердалигию нимага бу ерга қиқиб қолганини тузук-қуруқ англаб етмасиданоқ извош жуҳуд кеча кечқурун қадам ранжида қилган уйнинг рўпарасига келиб тўхтади.

Шундай бир сония ҳам бўлдики, Оливер ҳувиллаган кўчага зуд назар ташлади-ю, лабларидан ёрдам бериллар, деган нидо учишига бир баҳя қолди. Аммо қизнинг афсув сингари таъсирчан овоз-ла қилган илтижоси ҳамон кулоғи остида шанғиллаб тургани сабабли бақиршга юраги дов бермади. Токи у гарадудланиб тураркан, қулай фурсат ўтиб бўлганди: уни ичкарига етаклаб киришган ва эшикни ёпишга улгуришган эди.

— Бу ёққа! — деди қиз, шундагина қўлини қўйиб юбориб. — Билл!

— Ҳа, нима дейсан?! — овоз берди Сайкс шамни кўтариб зинапоя тепасида пайдо бўларкан. — Ў! Қойил! Марҳабо!

Мистер Сайксдек терс зотнинг оғзиларидан бундай сўзларнинг парвоз этиши бағоят қатъий маъқуллаш ҳамда фавқуллода самимий кутиб олишнинг ёрқин ифодаси эди. Нэнси, бундай илтифотдан мамнун бўлди чоғи, у билан қизгин саломлашди.

— Фонусча Том билан униқига кетди, — деди Сайкс йўлакка шам тутаркан — Бу ерда халақит берарди.

— Тўғри, — жавоб қайтарди Нэнси.

— Шундай қилиб, олиб келибсан-да болақайни? — деди Сайкс учалалари хонага киришгач, эшикни беркитаётиб.

— Ҳа, мана у, — жавоб берди Нэнси.

— Ювошгина бўлиб келдими? — суриштирди Сайкс.

— Нақ қўзичоқдай, — деди Нэнси.

— Буни эшитишдан хурсандман, — деди Сайкс Оливерга хўмрайиб қараб қўяр экан, — ўзига яхши бўпти, йўқса жони қийналарди. Бу ёққа ўтсинлар, йигитча, насиҳатларимни қулоқларига қўйиб олсинлар; бу ишни ҳозироқ бир ёқлик қилиб қўя қолган маъқул.

Мистер Сайкс ўзининг янги шогирдига шу сўзлар билан мурожаат қилиб, Оливернинг бошидаги шапкани юлқиб олди-да, бурчакка улоқтирди; кейин унинг елкасидан ушлаганча курсига чўкиб, болани рўпарасига турғазди.

— Хў-ўш, аввало, манавининг нималигини биласанми? — деди мистер Сайкс столда турган чўнтакка солиб юриладиган тўппончани кўлига оларкан.

Оливер: «Ҳа», дегандек бош ирғади.

— Ана энди бу ёққа қара, — насиҳатини давом эттирди Сайкс. — Манави питра, манави ўк, манави бўлса тутатқига ишлатиладиган эски шляпаннинг бир парчаси.

Оливер бу нарсаларнинг нимага ишлатилишидан хабардор эканини пичирлаб айтди, мистер Сайкс эса ҳафсала билан тўппончани ўклай бошлади.

— Мана энди у ўқлоглик, — деди мистер Сайкс бу ишни тугатиб.

— Кўриб турибман, сэр, — деди Оливер.

— Менга қара, — сўзини давом эттирди талончи Оливернинг бир қўлини маҳкам сиқиб ушлаб, тўппонча оғзини чаккасига тираганча, шунда бола беихтиёр қалтираб кетди, — мабодо кўчага чиққанимизда, агар ўзим гап сўрамасам, чурқ этиб оғиз очадиган бўлсанг, ўша заҳотиёқ ўк мияннинг қатигини ўйнатиб юборади. Шунинг-чун агар берухсат гапирадиган бўлсанг, олдиндан калима келтириб ол.

Мистер Сайкс ўзининг огоҳлантирувчи сўзалари қор қилиши, таъсири зўрроқ бўлиши учун еб қўйгундек бир ўқрайиб қўйиб, сўзлашда давом этди:

— Билишимча, у дунёга жўнатганларида ҳам сенга куйиб, ташвишингни чекадиган бирор кимсанг йўқ. Шунинг-чун, сенга яхшилик қилишни ўйламаганимда, шунча қийналиб, ҳамма гапни тушунтириб ўтиришимнинг ҳожати йўғийди. Эшитялсанми?

— Гапни қисқа қилганда, — шартта гапга аралашди Нэнси, гапимга диққат қилсин деб у Оливерга қараган кўйи, — агар Оливер ўйлаган ишингни бошлаганингда жаҳлингни чиқарадиган бўлса, кейин оғзидан гуллаб юрмаслиги учун, бунинг оқибатида дорга осиладиган бўлсанг ҳам, шартта калласидан отиб ташлайсан-а! Негаки касбинг ўзи шунақанги, йил ўн икки ой арзимган ишни деб жонингни тахликага қўясан.

— Тўппа-тўғри! — маъқуллади мистер Сайкс. — Хотинлар икки оғиз гап билан тушунтириб қўя қолишади, жазаваси тутиб турмаган бўлса, албатта, бордию жазаваси тутиб турган бўлса, дийдиёлари бошланди деявер. Мана, энди бу ҳамма томондан ўқитилди... Қани, овқатланайлик энди, ундан кейин йўл олдидан кўзни илантириб оламиз.

Нэнси унинг амрини адо этиб, тезгина дастурхон тузади; бир неча дақиқа ғойиб бўлиб кетиб, кўзада пиво билан товоқда дўлмали қўй калласини кўтариб кирган эди, мистер Сайкс сўз ўйини асосига қурилган ўткир аския қилиб қолди десаянғиз: негаки бу таом ҳам, унинг ҳамкасабалари орасида кенг тарқалган ажойиб бир асбоб ҳам «жемми»\* деган антиқа ном билан аталарди-да. Муҳтарам жентльмен жуда хурсанд ва димоғи чоғ эди; эҳтимолки дарҳол ишга киришиш имконига эга экани ҳаяжонини кўзгаб қўйганидандир бу; ҳар қалай, ушбунинг исботу далили сифатида қўйидаги ҳолни мисол келтириш мумкин, у пивони бир кўтаришда, ҳузур қилиб ичди, кейин овқат устида тахминий ҳисоб-китобга қараганда оғзидан саксондан ортиқ лаънату ҳақоратли сўз чиққани йўқ.

Кечлик овқатдан сўнг — Оливернинг иштаҳаси бўлмаганини англаш қийин эмас — мистер Сайкс икки стакан сув қўшилган вискини сипқарди-да, ўзини таппа каравотга ташлаб, Нэнсига роппа-расо соат бешда уйғотишни тайинлар экан, агар шундай қилолмайдиган бўлса кунини кўрсатишини айтиб, олдиндан бўралиб сўкиб қўйди. Худди ўша ҳурматли зотнинг буйруғи билан Оливер ечинмай-нетмай, ерга тўшалган тўшакка чўзилди, қиз эса уларни тайинланган соатда уйғотишга тайёр бўлиб, ўчоққа ўтин ташлаб, ўша ерда ўтира қолди.

Оливер, бу фурсатдан фойдаланиб Нэнси яна бирорта маслаҳат берар шивирлаб, деган умидда алла-паллагача уйғоқ ётди, бироқ қиз ғамгин уйга толганча ўчоқ олдида қимир этмай ўтирар, аҳён-аҳёнда шамнинг сўхтасини олиб ташларди, холос. Бедор ётавериш ва ташвиш қийноғи толиқтириб, охири уйқу элитди уни.

Бола уйғонганида нонушта ҳозирлаб қўйилган, Сайкс эса алланималарни курсининг суянчигига ташлоғлиқ пальтоси чўнтақларига тикиштираётган эди. Нэнси нонушта тадоригини кўраётганди. Ҳали тонг оқармаганди; шам ёниб турар, дераза орти қоп-қоронғи эди. Бунинг устига ёмғир дераза ойнақларини чертаётган, осмон ҳам қоп-қора, булутли эди.

— Бўла қол! — тўнғиллади Сайкс Оливер ўрнидан сакраб тураркан. — Беш ярим бўлди! Тезроқ бўл, йўқса нонуштасиз қоласан. Шундоқ ҳам кеч қоляпмиз ўзи.

Оливер зуд ювиниб-таранди; наридан-бери нонушта қилиб оларкан, Сайкснинг зардали саволига, тайёрман, дея жавоб берди.

Нэнси болага қарамасликка ҳаракат қилиб, бўйнига ўраб олиши учун рўмол итқитди унга; Сайкс дағал матодан тикилган ёмғирпўшни узатиб, кийиб, тугмаларини тақиб олишни буюрди. Кийиниб бўлгач, Оливер пальтосининг ён чўнтагидаги тўппончани кўрсатиш учун пича ҳаяллаган қулфбузарга қўлини узатди, газзоб қўлини маҳкам ушлаб олди-да, Нэнси билан хайрлашиб, уни етаклаб кетди.

Эшик ёнига етганларида Оливер қизнинг нигоҳини учратиш умидида ўгирилиб қаради. Аммо қиз тагин илгариги, ўчоқ олдидаги жойига жойлашиб, қимир этмай ўтирарди.

## XXI боб

### Сафар

Улар кўчага чиққанларида хафагазак, рутубатли тонг эди: шамол эсар, ёмғир ёғар, кўк бетини бадқовоқ қора булут қоплаб олганди. Ёмғир тун бўйи ёғиб чиққанди — тош кўчада катта-катта кўлмагу ҳалқоблар кўл-кўл бўлиб ётар, тарновлардан шариллаб сув тушарди. Ёришиб келаётган куннинг ширава ёруғи мунгли манзарани бешбаттар ҳазинлаштира борарди; нимтатир ёруғликда кўчадаги фонуслар хира тортиб, шалаббо томлару зим-зиё кўчаларга илиқлигу ёрқинлик бахш этолмасди. Шаҳарнинг бу қисмида ҳеч зоғ уйғонмаганди чоғи: жамики уйларнинг дераза қопқоқлари ёпиғлик, улар ўтиб бораётган кўчалар эса жимжит ва кимсасиз эди.

Улар Бетнел-Грин-Роудга бурилган пайтларида кун тамоман ёришиб бўлганди. Фонусларнинг аксари ўчирилган эди. Лондонга қараб бир нечта қишлоқ аравалари имиллаб келаётганди; онда-сонда лойга беланган усти берк алоқа аравалари тарақлаганча ўтиб қолар, шунда ҳайдовчи кўчанинг худди ўша томонида имирсилаб келаётган аравакашни огоҳлантириб қамчи билан сийлаб қоларди, негаки, бунинг оқибатида у идорасига чорак дақиқа кечикиб бориши мумкин эди-да, ахир. Қовоқхоналар аллақачон очилган, уларда газчироқ ёниб турарди. Дўконларни ҳам оча бошлашди, унда-бунда йўловчилар ҳам йўлиқа бошлади. Кейин тўда-тўда бўлишиб ишга кетаётган уста-халфалар пайдо бўлишди. Сўнг лиқ тўла балиқли саватларни бошларига қўйиб олган эркак у аёллар; сабзавот ортилган эшакаравалар, тирик молу ғўш ортилган аравалар, челақ кўтарган сутчи аёллар — шаҳарнинг шарқий чеккасига озиқ-овқату егуликларни ташмалаб келаётганларнинг кети кўринмай қолди. Ситига яқинлагани сайин арава-уловларнинг тақир-туқури авжга мина борарди; Шордитч билан Смитфилд оралигидаги кўчалардан ўтаётганларида бу шовқин гувуллашга айланди, чор атрофни говур-гувор босиб кетди. Кун бутунлай ёришиб бўлди — энди бундан ортиқ ёришмаслиғи тайин эди — ва Лондон аҳлининг ярми учун иш бошланадиган фурсат етди.

Сан-стрит ва Краун-стритни босиб ўтиб, Финсбери-скверни ортда қолдирган мистер Сайкс Чизуел-стрит бўйлаб бориб Барбикенга чиқди, кейин Лонг-лейнга, ундан сўнг Смитфилдга ўтар экан, ҳаммаёқни Оливер Твистни ҳайратга солган қулоқни батанг қилувчи тартибсиз ола-шовур тутиб кетди.

Бозор куни эди. Оёқлар нақ тўпиққача лойга ботган; ҳўкиз ва сигирларнинг бўғриққан сағрисида кўтарилган куюқ буг бамисоли мўриларда дам олган туман билан қоришиб, оғир булут янглиғ бош узра муаллақ сузади. Каттақон майдоннинг ўртасидаги мол қамаладиган қўтонларнинг жамикиси, шунингдек, бўш жойдаги вақтинча қўтонлар ҳам қўй-қўзилар билан тирбанд; новлар ёқалаб уч-тўрт қатор бўлиб тизилиб кетган устунларга буқалару бўлак қорамоллар боғланган. Деҳқонлар, қассоблар, мол ҳайдовчилар, чорбозорчилар, бола-бақралар, ўғрилар, бекорчилар ва минг бир хил дайди-саёқлар аралаш-қуралаш бўлиб кетган; ҳар томондан мол ҳайдовчиларнинг ҳуштақлари, итларнинг акиллаши, буқаларнинг мўъраши, қўй-қўзиларнинг баъраши, чўчқаларнинг ҳуриллашию чийиллаши, чорбозорчиларнинг қичқириқлари, бақриқ-чақриқ, қарғашу сўкишлар эшитилади; қўнғироқчаларнинг жингиллаши, ҳар бир қовоқхонадан тошиб чиқаётган ғовур-ғувур, тикилинч, итар-итар, нари сур-бери сур, уриш-тўполон, бозорнинг тўрт тарафидан дам-бадам келиб турган ҳайқириғу дод-фарёд, чинқириқ, у ёқдан-бу ёққа танда қўйиб, изғиётган, юз-қўли — сув, соч-соқоли устара кўрмаган, аянчли ва искирт одамлар — жами қўшилиб-қоришиб кишини довдиратиб, гангитиб, карахт этиб қўйгундек таъсир қиларди.

Оливерни сургаб кетаётган мистер Сайкс тирсақлари билан оломон орасидан йўл очиб борар, боланинг қулогини том биткизиб, кўзларини ҳайратга солаётган жамики нарсага унчалик парво қилмасди. Икки ё уч марта ёнидан ўтиб бораётган ошналари билан бош қимирлатиб саломлашди-ю, бир қадаҳгина эрталабки насибасини отиб кетиш ҳақидаги таклифларини рад этиб, то оломон орасидан ёриб чиқиб, Хоузер-Лейндан Холборнга қараб йўлга тушмагунларича сабот-ла олға интилаверди.

— Қани, болакай, тезроқ, — деди Сайкс Сент-Эндрью ибодатхонасининг соатига кўз ташлаб кўяркан, — ҳадемай етти бўлади. Тезроқ қадам ташла! Оёгини судраб босади-я, ялқов!

Мистер Сайкс ана шундай дея туриб митти ҳамроҳининг қўлини бир силтаб тортиди; Оливер кучи етганича томтешар ўғрининг илдам қадамига мослашишга тиришарди; у — тез деса тез юрибмас, югуриб деса, югурибмас, лўкиллаб борарди.

Улар токи Хайд-парк муюлишидан ўтиб, Кенсингтонга бурилмагунларига қадар одимларини секинлатишмади; шу ерга етгач, Сайкс то орқаларида келаётган бўш арава уларни қувиб ўтмагунича секинроқ юрди. У аравадаги «Хаунсло» деган ёзувни кўриб, аравақашдан имкони борица мулоимлик билан, бизни Айлуортгача элтиб қўймайсизми, деб сўради.

— Чиқинглар, — деди аравақаш. — Ўғлингизми бу?

— Ҳа, — деди Сайкс Оливерга қаттиқ тикилиб ва беўхшовлик билан қўлини тўппончали чўнтагига суқиб.

— Стангини қадами катталиқ қиларкан сенга, тез юраркан-а! Гапим тўғрими, йигитча? — деди аравақаш Оливернинг ҳарсиллаётганини кўриб.

— Ҳечам-да, — гапга аралашди Сайкс. — Бунга ўрганиб кетган у. Қўлимдан ушла, Нэд. Қани, чиқа қол!

У Оливерга шундай деб, боланинг аравага чиқишига ёрдамлашди, аравақаш эса бўш қоплар уюмига ишора қилиб, устига ёнбошлаб, нафасини ростлаб олишини айтди.

Улар йўл четидаги устунлар ёнидан ўтиб боришар экан, ҳамроҳим қаёққа олиб кетяпти мени ўзи, деб Оливернинг тобора таажжуби орта борди. Кенсингтон, Хамерсмит, Чизуик, Кью-Бриж, Брентфорд орқада қолди, шунга қарамасдан улар, худди ҳозиргина йўлга чиққандек, жад-ла олға қараб боришарди. Ниҳоят, улар «Фойтун ва отлар» деб аталувчи қовоқхона ёнига етиб келишди; ундан сал ўтилгач, йўл иккига айриларди. Арава шу ерда тўхтади.

Сайкс Оливернинг қўлини қўйиб юбормагани ҳолда, шоша-пиша аравадан тушди; болани кўтариб олиб ерга туширди-да, унга олайиб қараб, кафти билан ён чўнтагини маънодор тарзда тўпиллатиб уриб қўйди.

— Хайр, болакай, — деди аравақаш.

— Аразлаяпти, — жавоб қилди Сайкс Оливерни силтаб. — Димоқ-финоқ қил-яптилар! Вой тирмизаг-эй! Қўяверинг, парво қилманг бунга.

— Парво қиламан деб кўзим учиб турганаканми бунга! — деб қўйди аравакаш аравасига ўтираётиб. — Лекинига бугун ҳаво жуда ажойиб бўляпти-да. Шундай деб, у ўз йўлига равона бўлди!

Сайкс то у хийла олислаб кетгунича кутиб турди-да, Оливерга агар хоҳласа атрофни томоша қилиб бориши мумкинлигини айтиб, уни олға етаклаб кетди.

Қовоқхонадан ўтилгач, у чапга, сўнгра ўннга бурилди. Узоқ юришди — боғ-роғли катта-катта қўраю қовлилар ортда қолди; йўлакай пиво ичиш учун бир зумгина тўхташарди, шу тариқа охири шаҳарга етиб келишди. Шу ерга етганда Оливернинг қайсидир уйнинг деворидаги йирик-йирик ҳарфлар билан «Хэмптон» деб ёзилган лавҳага кўзи тушди.

Бир неча соат шаҳар атрофидаги далаларда сандироқлаб юришди. Ниҳоят, шаҳарга қайтиб, лавҳаси ўчиб кетган кўҳна қовоқхонага киришди-да, ўчоқ олдига жойлашиб, тушлик овқат буюришди.

Шифти паст, кўндалангига йўғон хари ташланган зах хона, ўчоқ қаршисига суянчиғи баланд курсилар қўйилган, уларда коржомо кийган, кўриниши қўполроқ одамлар ўтиришибди. Улар Оливерга эътибор ҳам беришмади, Сайксга номигагина қараб қўйган бўлишди; бир бурчакда ўзининг ёш ҳамроҳи билан хўрандалардан заррача қисиниб-тортинмай ўтиришидан Сайкснинг ҳам уларга унчалик парво қилмаётгани кўриниб турарди.

Тушликка яхна гўшт ейишди, овқатдан кейин ҳам узоқ ўтириб қолишди, бу орада мистер Сайкс уч-тўрт марта трубкасини ҳузур қилиб буруқсатиб кайф қилди. Шунда Оливернинг энди бундан нарига бормасликларига деярли шубҳаси қолмади. Қаллаи саҳарлаб туриб, шунча йўл юриб силласи қуриган болани мудроқ боса бошлади; кейин чарчоқ ва тамаки тутуни таъсирида ухлаб қолди.

Уни Сайкс туртиб уйғотганида қош қорайиб бўлганди. У уйқуни қочириб, қаддини ростлаб ўтирди, атрофга аланглаб, муҳтарам жентльменнинг қандайдир бир ишчи билан пиво устида улфатчилик қилаётганини кўрди.

— Шундоқ қилиб, Лоуэр-Халифордга кетяпман денг? — сўради Сайкс.

— Шундоқ, — тасдиқлади йигит, гўё у қиттак отганидан ўзини сал ёмон ҳис қилаётганга (балки, аксинча, тузукроқ сезаётгандир) ўхшарди, — иннай-кейин десангиз, тезда йўлга чиқаман. Отим юксиз қайтади — эрталабқидақанги эмас, йўрғалаб кетади. Келинг, унинг саломатлигига ичамиз! Ура! Узиям асил от-да!

— Мен билан болақайимни ола кетмайсизми? — сўради Сайкс пивони янги улфатининг олдига яқинроқ суриб қўяркан.

— Ола кетганда қандоқ, фақат ҳозирроқ йўлга тушишга тайёр бўлсанглар, — жавоб қилди йигит пивони кружка орқасидан қийшайиб қараб. — Халифордга борасизми?

— Шепертонга, — жавоб қайтарди Сайкс.

— Элтиб қўяман... — такрорлади йигит. — Ҳисоб-китоб тўғри бўлдими, Беки?

— Ҳа, манави жентльмен тўлади, — деди қиз.

— Э-йўқ! — хитоб қилди йигит кайфи ошиб қолган одамдай гердайиб. — Хў-ўш, биласизми, бунақаси кетмайди.

— Нимага энди? — эътироз билдирди Сайкс. — Сиз бизнинг ҳожатимизни чиқаряпсиз, қарс икки қўлдан чиқади-да, шуни-чун мен ҳам сизни жиндаккина пиво билан зиёфат қилмоқчиман.

Янги таниш мазкур гап устида бағоят донишмандона бир қиёфада бош қотириб турган бўлса-да, кейин Сайкснинг қўлини олиб, жуда ажойиб, улфати йигит экансиз, деди. Унинг бу гапига жавобан мистер Сайкс, ҳазиллашяпсиз, деб қўйди; башартиқи йигит шу топда ҳушёр бўлганида, у шундай гумон қилса асосли бўлармиди.

Бир неча оғиз илтифоту такаллуфотдан сўнг, улар бошқаларга хайрли тун тилаб, чиқиб кетишди; хизматкор қиз кўза ва стаканларни йиғиштириб, уларни кўтарганича йўлга отланганларни кузатиб қолгани эшик ёнига келди.

Узи йўғида соғлиғига қадаҳ кўтарилган, аравага қўшиб бўлинган от уйнинг олдиғинасида турарди. Оливер билан Сайкс ортиқча мулозаматсиз аравага чиқиб олишди, от эгаси эса тулпорига далда бериш ҳамда отбоқарга ва бутун оламга

тенги йўқ от эканини далолат қилмоқлик учун бир дақиқагагина ҳаяллаб қолди. Кейин отбоқарга отни қўйиб юбориш амр этилди, ушбу фармойиш адо этилганида эса от ўзини ғоятда телбаларча тутиб, беқийс нафрат-ла бошини силкитиб, қарши томондаги уйнинг деразасига суқди, ана шу жасоратдан кейин икки оёғини кўтариб тикка турди-да, сўнгра кучи борича, шашт билан, аравани тарақлатганча шаҳардан нақ учиби чиқиб кетди.

Зимистон шом палласи. Анҳору яқиндаги ботқоқликлардан нам туман кўтарилиб, мунгли далалар узра паға-паға бўлиб сузиб юрибди. Изғирин суякдан суякдан ўтиб кетади. Ҳаммаёқ қоп-қора ва ҳазинлик оғушида. Ҳеч кимдан садо чиқмайди: аравақашни уйқу элтяпти, Сайкснинг эса уни гапга солгиси йўқ. Нохуш туйғудан кўнгли ғаш тортиб, ваҳима изтиробиди қолган Оливер гужанак бўлиб, араванинг бир бурчига тикилиб олган, шох-шаббалари бамисоли хазин манзара қўйнида лаззат топаётгандек ғамгин чайқалиб турган сўлгин дарахтлар кўзига ғалати жониворлар бўлиб кўринапти.

Санбери ибодатхонаси ёнидан ўтиб бораётганларида соат еттига занг урди. Рўпарада, кирakash қайиқчининг уйдаги битта деразада чироқ кўринар, ўшандан йўлга ёруғ тушиб турар, бунинг оқибатида қабрларга кўлага ташлаган тис дарахтини янада қуюқроқ зулмат чирмаб олганга ўхшарди. Қаердандир яқин-орадан пастга отилаётган сувнинг шовуллаши эшитилар, қари дарахтнинг япроқлари эса шабадада оҳиста шилдирарди. Гўё бу марҳумларга орому осудалик бахш этаётган майин мусиқа эди.

Санбери орқада қолди, улар тагин кимсасиз, ҳувиллаган йўлга чиқишди. Яна икки-уч миля йўл босилгач, арава тўхтади. Сайкс пастга тушиб, Оливернинг қўлидан ушлаб олди-ю, улар тагин йўлга тушишди.

Холдан толган боланинг умидини чиппакка чиқариб, Шепертонда биронта уйга кирмадилар, бояги-боягидек қоронғида лой кечиби, маҳзун қишлоқ йўллари-дан юриб, совуқ, шамолларга бағри очиқ яланг жойларни кесиб ўтиб, то шаҳар чироқлари яқингинада кўринмагунича бораверишди. Шунда Оливер тикилиб қараб оёқлари остигинасида сувни кўрди ва кўприкка яқинлашаётганларини тушунди.

Сайкс ҳеч ёққа бурилмай, тўғри кўприк олди-гача борди, кейин тўсатдан чапга, қирғоққа қараб бурилди. «У ёқда сув бор-ку! — хаёлидан кечди Оливернинг, қўрқувдан донг қотиб қолди у. — Мени ўлдиргани бошлаб келган экан-да бу ҳеч ким йўқ жойга».

У жонини сақлаб қолиш ҳаракатида ўзини таппа ерга ташлашга чоғланган ҳам эдики, бирдан аллақандай ташландиқ, ярим хароба уй ёнига етиб келганларини кўриб қолди. Чириб битаёзган пиллапоянинг ҳар икки томонида биттадан дераза бор эди; тепада — яна қават, лекин ҳеч ерида милт этган чироқ кўринмасди.

Уй қоп-қоронғи, аранг қаддини кўтариб турибди, чамаси унда ҳеч ким яшамаса керак.

Сайкс, ҳамон Оливернинг қўлини қўйиб юбормай, пастаккина пиллапояга астагина яқинлаб, лўкидонни кўтарди. Салгина итарганди, эшик очилиб, ичкари киришди.

## XXII боб

### *Дарича бузиб қилинган ўғрилиқ*

— Ҳей! — деган баланд, хирилдоқ овоз улар даҳлизга кирган заҳотилариёқ эшитилди.

— Бўкиришининг ҳожати йўқ, — жавоб қилди Сайкс эшикни ёпаётиб. — Мундоқ чироқ-пироқ ёқиб юборсангиз-чи, Тоби.

— Э-ҳа! Ахир бу ошнам-ку! — қичқирди яна ўша овоз. — Чироқ, Барни, чироқ! Женгельменни кутиб ол... Ия, олдин ўзлари уйғониб олсалар бўлармиди?

Афтидан, сўзлаётган кимса аввалига ўзи мурожаат қилаётган одамга қараб, уйқуси тарқасин деб бошмоқ кийишда ишлатиладиган қошиқчами ёки шунга ўхшаш бирор нимани улоқтирди чоғи, негаки аллақандай ёғоч буюм тарақлаб

тушди, кейин эса уйқу билан бедорлик оралиғида бўлган бир зотнинг тушуниқсиз ғўлдирагани эшитилди.

— Эшитяпсанми, йўқми? — суриштиришда давом этди бояги овоз. — Билл Сайкс даҳлизда турибди, уни ҳеч ким қарши олмаяпти-я; сен бўлсанг худди овқат устида кўкнори ичиб олгандай пишиллайсан нуқул. Хўш, ўзингга келдингми ё бутунлай кўзинг очилиши учун темир шамдон билан тушириб қолайми?

Шу сўзлар айтилиши биланоқ яйдоқ хона саҳнида эски кавушнинг тез-тез шипиллагани эшитилиб, ўнг тарафдаги эшик ортидан олдин липиллаб ёнаётган шам, сўнгра эса юқорида таърифлаб ўтилган нусха — Сафрен-Хиллдаги қовоқхонанинг манқа хизматкорининг ўзи чиқиб келди.

— О, мистер Сайкс! — хитоб қилди Барни самимийми ёхуд ясамами, ҳар қалай, қувноқлик билан. — Марҳамат қилсинлар, сэр, марҳамат!

— Қани, сен олдин кир, — деди Сайкс Оливерни олга итариб. — Қимирла, бўлмаса товонингни босиб оламан-а.

Сайкс Оливерни имирсиллагани учун койиб, итариб юборди ва улар каминини қурум босган, бир-иккита синиқ стул, стол ва оёқларини бошидан баландроқ қилиб кўтариб, трубка сўриб бир эркак узала тушиб ётган шалоқ дивани бор пас-таккина хонада кўришди ўзларини. Бу эркакнинг эғнида тамаки тусли матодан бопта қилиб тикилган, йирик-йирик жез тугмали камзул, зарғалдоқранг галстук, дағал, дарров кўзга ташланадиган чипор нимча ва одми калта чолвор бор эди. Мистер Крекит (зотан, бу ўша киши эдиларнинг бошидаги сочлари ҳам, чаккаларидаги соқол-мўйловлари ҳам сийрақкина, қизғиш тусли, наҳ шиша тикинини очадиган парма янглиғ қўнғироқ-қўнғироқ қилиб бураб қўйилган бўлиб, каттакон, арзонгаров узуклар тақилган ифлос бармоқлари билан бот-бот тараб қўярди. Ўзи ўрта бўйдан хиёл баландроқ, чамаси оёғи пича заифроқ кўринарди-ю, лекин бу нарса балад кўтариб ётган қўнжи узун этикларини кўз-кўз қилишига асло халал бермасди.

— Билл, ошнам! — деди мазкур нусха бошини эшик томон буриб қараркан. — Сизни кўриб бошим осмонга етди. Ўйлаган режамиздан қайтдингизмикин деб чўчий бошлагандим, унда таваккал қилиб ёлғиз киришардим-да. Уҳў!

Оливерни кўриб ниҳоятда таажжубланганини ифодаловчи ушбу нидодан сўнг мистер Тоби Крекит бунинг ким-нима эканини билмоқ учун туриб ўтирди.

— Болакай, бор-йўғи битта болакай, — деди Сайкс стулни каминга яқинроқ суараркан.

— Мистер Феджиннинг шогирдларидан бири, — гапни илиб кетди Барни мийиғида қулиб.

— Э-ҳа, Феджинни дегин-а! — деди Тоби Оливерни назардан ўтказар экан. — Тозаям бемисл болакай эканми — ибодатхонадаги жамики кампиршо хонимларнинг чўнтақларини чип-чиннидай қилиб шилиб кетишни бунақангилар учун ҳеч қанақанги қийин жойи йўқ! Бу мўминтой Феджиннинг итини тувагини олтидан қилиб юборади-ку!

— Бас-бас, етар! — тоқатсизлик билан унинг гапини бўлди Сайкс ва ошнаси томон энгашиб, унинг қулоғига икки оғизгина шивирлаган эди, мистер Крекит ўзини тутолмай қаҳқаҳлаб юборди-ю, Оливерга синчков ҳамда ҳайратангиз нигоҳ инъом этди.

— Ана энди, — деди мистер Сайкс бояги жойига ўтириб, — бу ерда пича кута турадиган бўлганимиздан кейин бизга бирон егулик ва ичимлик беринглар, бу бизни тетиклантиради — ақалли мени. Каминга яқинроқ ўтир, болакай, дамингни ол — унчалик узоқ бўлмаса ҳам, тагин кечаси юришга тўғри келади.

Оливер Сайксга писибгина ва унсиз ҳайрат-ла қараб қўйди; кейин курсисини ўтга яқин суриб, бошини қўлларига қўйган кўйи ўтирди — боши оғриб турарди, шу топда унинг қаерда экани, атрофида нималар бўлаётганининг фаҳмига етаётган-етмаётгани даргумон эди.

— Қани, — деди Тоби ёш жуҳуд йигит овқат билан битта шишани столга келтириб қўйгач. — Овимиз бароридан келсин!

Шу қадах сўзини айтиб, у ўрнидан туриб, бўш трубкани авайлаб бурчакка қўйди-да, стаканга ароқ қуйиб, ичиб юборди. Мистер Сайкс ҳам ундан ибрат олди.

— Болакайга ҳам бир қултумгина бериш керак, — деди Тоби қадахга ярим қилиб қуяр экан. — Бир кўтаришда ичиб юбор, ҳой болакай.

— Ростини айтсам, — дея ямлана бошлади Оливер унга зорланиб тикилиб, — очигини айтсам, мен...

— Шартга кўтар! — такрорлади Тоби. — Нима, сенга нима фойдаю нима зарарлигини билмайди дейсанми мени?.. Буюринг унга, Билл, ичсин.

— Яхшиси, ичиб юборсин! — деди Сайкс чўнтаги устидан тапиллатиб уриб қўяркан. — Дўзахни шафеъ келтириб айтаманки, бутун бошли туллаклар оила-сидан кўра кўпроқ бошимни қотирадиган кўринади бу! Ич, шайтонвачча, ич деяпман!

Иккала йигитнинг дағдағасидан ўтакаси ёрилаёзган Оливер шоша-пиша қадахни кўтарди-ю, қалқиб йўталди, буни кўрган Тоби Крекит билан Барнининг завқи келди, ҳатто бадқовоқ мистер Сайкс ҳам ишшайиб қўйди.

Бу ишлар адоғига етгач, ҳар иккала эркак курсиларга ялпайиб жойлашиб, жиндек мизғиб олишга шайланишди (Оливерни эса бир тишламгина нонни чайнашга мажбур қилишди). Оливер камин олдидаги курсисига ўтирди яна; Барни кўрпага ўралганча шундоқ камин панжараси олдигинасига, хона сахнига чўзилди.

Пича вақтгача улар мизғишди ёхуд ухлаётган бўлишди; Барнидан бўлак ҳеч зог қимир этмади, у каминга кўмир ташлагани бир-икки марта ўрнидан турди. Оливерни мудроқ босди; наздида гўё у зимистон кишлоқ йўлларида тентираб, зим-зиё қабристонда адашиб-улоқиб юрдими-ей, кун бўйи кўзи олдида ўтган манзараларни яна бошқатдан кўраётгандай бўлдим-ей; шунда бирдан ўрнидан сапчиб туриб, аллақачон бир ярим бўпти-ку, деб шанғиллаган Тоби Крекит уйғотиб юборди уни.

Орадан бирон дақиқа ўтмаёқ анави иккаласи ҳам оёқда туришарди, шундай қилиб ҳаммалари ғайрат-ла ҳозирлана бошладилар. Сайкс билан ошнаси бўйни ва ияқларини энли одми шарф билан яхшилаб ўраб, пальтолларини кийишди; Барни жавонни очиб, ундан турли хил асбоб ва усқуналарни чиқариб, ошиғич уларнинг чўнтақларига тиқиштира кетди.

— Барни, бобовларни оливер, — деди Тоби Крекит.

— Мана! — жавоб берди Барни унга тўппончаларни узатиб. — Ўз қўлингиз билан ўқлагансиз буларни.

— Жуда соз! — деди Тоби уларни яшираётиб. — Эгов-арралар қани?

— Менда, — жавоб қилди Сайкс.

— Омбур, парма, очқич, фонус — ҳеч нимани эсдан чиқармадингларми? — дея сўради Тоби чоғроққина мисрангчани пальтоси бари остидаги илмоққа маҳкамлар экан.

— Ҳаммаси жой-жойида, — жавоб берди шериги. — Сўйилни келтир, Барни. Вақт бўлди.

Шундай дея у Барнининг қўлидан йўгон таёқни олди. Барни иккинчи таёқни Тобига тутқазиб, Оливернинг ёмғирпўши тугмаларини қадашга тутинди.

— Қани, — деди Сайкс қўлини узатиб.

Кўниқилмаган саёҳат, соф ҳаво ва мажбур қилиб ичиришган ароқдан бутунлай сархуш бўлиб қолган Оливер қўлини беихтиёр Сайкснинг ўзи томон узатилган қўлига тутқазди.

— Нариги қўлидан ушлаб ол буни, Тоби, — деди Сайкс. — Ташқарига бир кўз ташлаб юбор-чи, Барни.

Барни эшикка қараб юрди ва қайтиб кириб, ҳаммаёқ тип-тинч, деди. Икки томтешар Оливерни етаклаганча чиқиб кетишди. Барни эса эшикни яхшилаб беркитди-да, яна кўрпага бурканганича уйқуга кетди.

Тим-қоронғи тун. Туман кечқурунгига қараганда чандон қуюқлашган, ҳаво эса шунақанги нам эдики, гарчи ёмғир ёрмаган бўлса ҳам, уйдан чиққанларидан бир неча дақиқа ўтмаёқ Оливернинг сочию қошлари ивиб кетди. Улар кўприқдан ўтиб, Оливер боя кўрган чироқлар милтиллаётган тарафга қараб боришарди. Йўл унчалик олис эмасди, кейин тез юрганларидан ҳеч қанча вақт ўтмай улар Чертсига етиб келишди.

— Шаҳар оралаб ўтамиз, — шивирлади Сайкс. — Кечаси йўлда ҳеч ким учрамайди.



Тоби рози бўлди ва улар кичкинагина шаҳарчанинг бундай бемаҳалда мутлақо ҳувиллаб ётадиган асосий кўчасидан одимлай кетишди. У ер-бу ерда бирор-ярим ётоқхоналарнинг деразасида хирагина ёруғ милтиллаб кўринарди; аҳён-аҳёнда бир итларнинг ҳирқироқ ҳуриши тун сукунатиغا рахна солиб қоларди. Аммо кўчада бирор жондор зотининг қораси кўринмасди. Черков соати иккига занг урганида улар шаҳарчадан чиқиб олишган эди.

Улар қадамларини тезлатиб, чапга кетган йўлга бурилишди. Тахминан чорак милча йўл босгач, атрофи девор билан ўралган ёлғизгина уй ёнига етиб келишди. Тоби Крекит ҳатто нафасини ҳам ростлаб ўтирмай, бир сакрашда деворга чиқиб олди.

— Қани, болани чиқаринг бу ёққа, — деди Тоби. — Уни кўтаринг, мен тортиб оламан.

Оливер хаш-паш дегунча бўлмай, Сайкс шартта унинг қўлтигидан олди-ю, уч-тўрт сония ўтмаёқ бола билан Тоби деворнинг нариги томонидаги майса устида ётишарди. Кўз очиб-юмгунчалик фурсат ўтмай, Сайкс ҳам улар ёнида ҳозир бўлди. Шундай қилиб, улар писибгина уйга қараб юришди.

Қўрқув ва алаmidан ҳушидан айрилаётган Оливер бу саёҳатдан мурод, мабодо қотиллик бўлмаганида ҳам, талончилик эканини ана шундагина тушунди. У бармоқларини мушт қилиб тугди, ўзини тиёлмай, қўрқув ичра аста додлаб юборди. Кўз олди қоронғилашиб, ранги қув ўчган юзларига тер қалқди, оёқлари итот этмай қўйди-ю, тиззалаб қолди.

— Тур! — тишлари орасидан ўшқирди Сайкс ғазабдан қалтираб, чўнтагидан тўппончани чиқарар экан. — Тур деяпман, йўқса миякнинг қатигини ўйнатиб юбораман!

— Худо хайрингизни берсин, қўйиб юборинг мени! — илтижо қилди Оливер. — Қочиб кетаман, далада ўлиб кетаман. Лондоннинг яқинига ҳам бормайман, сираям, ҳеч қачон! О, раҳмингиз келсин менга, ўғирлик қилишга мажбур этманг! Бутун авлиёю анбиёлар ҳаққи, раҳмингиз келсин!

У илтижо қилаётган одам бўралаб сўкиб берди ва тўппонча тепкисини кўтарди, бироқ Тоби унинг қўлидан тўппончани уриб тушириб, қўли билан боланинг оғзини ёпди-ю, уй томон судраб кетди.

— Секин! — шивирлади у. — Бунинг фойдаси йўқ бари бир. Яна гинг дейдиган бўлсанг, мен ўзим тамом қилиб қўя қоламан сени — калланга битта туширсам тамом. Унинг ҳам чиқмайди, ҳеч зог пайқамайди ҳам, осонгина битадикўяди ҳаммаси. Билл, қани, манави дераза қопқоқни эплаштиринг. Энди болакайнинг юраги жойига тушиб қолди, бунга кафил бўла оламан. Бунақанги совуқ кечада бундан каттароқ одамларнинг ҳам олдиниға довдираб қолган пайтлариям бўлган — буни ўз кўзим билан кўрганман.

Сайкс шундай ишга Оливерни юборган Феджиннинг гўрига гишт қалаб, болохонадор қилиб сўкканича, шашт билан, аммо шовқин чиқармасликка тирлишиб мисрангни ишга солди. Сал фурсат ўтмай Тобининг кўмаги билан илғаги солиб қўйилган дераза қопқоқни ошиқ-мошигини кўчириб, очишга муваффақ бўлди.

Бу — уйнинг орқа қисмидаги, узун даҳлизнинг энг охиридаги идиш-оёқ ювиладиган ёхуд пиво қайнатиладиган хонанинг кичкинагина, ердан беш ярим футча баландда жойлашган, панжарали деразачаси эди. Дераза туйнуги ниҳоятда кичик эди, шу боис уй истиқоматчилари уни тузукроқ беркитишни зарур топмаган бўлсалар керак; бироқ чўғи Оливерга ўхшаган хипча қадли бола ундан бемалол ўтса бўларди. Мистер Сайкс тагин пича овора бўлгач, сурма зулфинни эплаштирди; ҳадемай деразача ланг очилди.

— Қулоқ сол, шайтонвачча! — деди Сайкс гижиниб, чўнтак фонарини чиқариб унинг шуъласини Оливернинг башарасига тўғриларкан. — Сени мана шу деразадан ичкарига тушираман. Манави фонарни оласан-да, зинадан секин тепага кўтариласан — зина шундоқ рўпарангда, кейин кичик даҳлиздан ташқари эшикнинг олдиға ўтиб борасану уни очиб берасан бизга.

— У ёқда, тепада лўкидони бор, унга бўйинг етмайди, — гапга аралашди Тоби. — Даҳлиздаги стулни қўйиб, устиға чиқ... У ёқда учта стул бор, Билл.



суянчигига каттакон кўк каркидон билан тилла паншаханинг расми солинган, бу кекса хонимнинг туғроси.

— Жим! — сўзини бўлди Сайкс унга ўкрайиб. — Хоналарга кириладиган эшик очикми?

— Ланг очик, — жавоб берди Тоби олдиндан дераза орқали ичкарига мўралаб олиб. — Бу ёғи қойил! Уша ерга тўшамаси ташлаб қўйилган ит уйқуси келмаган пайтларда йўлак ва даҳлизда айланиб юрсин учун ҳамиша очик қўйишади уни. Барни бўлса бугун итни алдаб олиб кетган. Қалай, қойилми?!

Гарчи, мистер Крекит эшитилар-эшитилмас шивирлаб гапираётган ва сассиз кулаётган бўлса-да, Сайкс унга амирона оҳангда нафасини ўчириб, ишга киришишни буюрди. Тоби итоат этди: аввалига чўнтагидан фонарни чиқариб, ерга қўйди, сўнг бошини дераза остига, деворга маҳкам тиради-да, қўлларини тиззаларига тираб, энгашиб супача ҳосил қилди. Бу тадорик битгач, Сайкс унинг устига чиқиб, Оливернинг оёғини олдинга қилиб ушлаганча деразачадан астагина ичкарига киритди-да, кейин ёқасидан ушлаб ерга туширди.

— Манави фонарни ол, — деди Сайкс хонага мўралаган кўйи. — Қаршингдаги зинани кўряпсанми?

Оливер: «Ҳа», деб жавоб бераркан, у на тирик, на ўлик ҳолатдалигини билиб бўларди. Сайкс тўппончаси билан кўча эшикни кўрсатар экан, лўндагина қилиб, тўппонча муттасил уни мўлжалга олиб туражагини, борди-ю, хиёл ҳаяллайдиган бўлса, ўша заҳотиёқ асфаласофилинга кетажагини айтди.

— Ҳаммаси бир зумда бажарилиши керак, — сўзини давом эттирди Сайкс салгина эшитиларли қилиб. — Қўйиб юборишим биланоқ ишга кириш. Ия, нима бу?

— Нима бўляпти у ёқда ўзи? — пичирлади шериги.

Икковларининг кулоқлари динг бўлди.

— Тинчлик! — деди Сайкс Оливерни қўйиб юбориб. — Қани, бўл!

Бола фикрини йиғиб олишига етгулик қисқа фурсат ичида — агарчи бу уриниш ҳаёти эвазига тушса ҳам — кираверишдаги зинадан чопганча чиқиб, дод солиб, уйни бошга кўтаришга қатъий аҳд қилди. Шундай қарорга келгач, ўша ондаёқ писибгина эшикка қараб интилди.

— Орқага! — тўсатдан бақириб қолди Сайкс. — Қайт! Орқага!

Уйни чулғаган қабристон сукунатини қаттиқ қичқириб бузиб юборган дамда кўрққанидан Оливернинг кўлидаги фонарь тушиб кетди-ю, бола олга томон юришини ҳам ёки қочишини ҳам билмай гарангсиб қолди.

Тагин бақириб эшитилди — алланима ярқ этди; рўпарасида, зинанинг энг тепадаги поясида эсхонаси чиқаёзган, чала-чулпа кийинган икки киши пайдо бўлди. Ярқ этиб чақин чақди, кулоқни батанг қилиб нимадир варанглади, дуд таралди, алланималар қарсиллади — Оливер жон ҳолатда орқага ташланди.

Сайкс бир лаҳзага гойиб бўлди, бироқ яна кўзга ташланди-ю, дуд тарқаб улгурмасидан бурун унинг ёқасидан ушлаб олди. У орқага қоча бошлаган одамларга қарата тўппончасидан ўқ узди ва болани тепага тортди.

— Дадил бўл, — деди уни деразачадан тортиб чиқараркан. — Эй, шарфни узатиб юбор. Уқлари тегибди болага. Тезроқ! Болакайдан тиркираб қон кетяпти.

Кейин Оливер қўнғироқчанинг жиринглаганини, ўқ садоларини, бақириб-чақирибларни эшитди ва ўзини кимдир ўйдим-чуқур ердан зипиллаганча кўтариб кетаётганини туйди. Сўнгра эса шовқин-сурон олислашиб бориб тинди, юрагини бамисли муз қолади. Шундан кейин у ҳеч нимани кўрмади ҳам, ҳеч нимани эшитмади ҳам.

## XXIII боб

*мистер Бамбл билан бир хоним орасидаги ёқимли суҳбатни хикоя қилади ва баъзи ҳолларда ҳатто бидлдай одам ҳам ҳиссиётдан маҳрум эмаслигига ишонтиради*

Оқшом қирчиллама совуқ турди. Ер бурканиб олган қор кўрпанинг бетини каттиқ муз қобиқ қолади; қишлоқ йўллари ва паст кўчаю жинкўчалардаги

қор уюмлари устига лашкар тортган шиддатли, жангари шамол, худди ўлжасини кўриб бешбаттар қутуриб кетгандек, айюҳаннос солиб, бу ерлардаги ҳали бети қотиб улгурмаган қорни тўзондай шопириб, чирпирак қилиб, атроф-теваракка сочқи қиларди. Қорни тўқ, усти бутун, иссиқ бошпанаси борларни камин олдига тўпланиб, шундай пайтда ўз уйларида эканликлари учун худога минг қатла шукрона ўқиб ўтиришга, беватан, очликдан ўлим сари юзланган қашшоқларни эса ерга узала тушиб, жон таслим қилишга мажбур этгувчи қаҳрли, зим-зиё, аёзли оқшом эди бу. Бундай кечаларда очликдан силласи қуриган талай-талай расвойи радди маъракалар кимсасиз кўча-кўйларда кўз юмадилар ва — жиноятлари қандай бўлишидан қатъи назар — улар кўзларини очадиган дунё бунисидан шафқатсизроқ бўлмаса керак-ов.

Китобхонларимизга Оливер Твистнинг киндик қони тўкилган жой сифатида аллақачоноқ таниш бўлган меҳнат уйининг нозираси бўлмиш миссис Корни ўзининг мўъжазгина хонасида рақс тушаётган олов рўпарасига жойлашиб, кўнгилдагидек, ҳузурланиб овқат қилиши учун зарур бўлган анжомлар қўйғилиқ жажжи патнис турган чоғроққина думалоқ столга мамнун кўз ташлаб қўйган бир пайтда ташқарида ана шундай қангома бўлаётган эди. Миссис Корни бир пиёлагина чой лаззатини тотишга чоғланганди. Миссис Корни нигоҳини столдан узиб оламдаги чойнаклар ичида энг жажжиси нозик говуш-ла оҳистагина ўз хиргойисини бошлаган каминга кўчираркан, унинг кўксидagi мамнуният ҳисси шунчалар жўш уриб кетдики, хоним беихтиёр илжайди.

— Ўзига шукур! — деди нозира столга тирсақларини тираб, ўйчан қиёфада ўтга тикилганча. — Ҳар бир бандаси пешонасига талай нарса битилгани рост, шундоқ экан, шукур қилишимиз керак. Ҳа, талай нарса битилган, лекин биз буни фаҳмламаймиз. Минг афсус!

Миссис Корни, худди буни тушунмайдиган қашшоқларнинг маънавий кўрлигига аза тутаётгандек, гамнок бош чайқаб қўйиб, кумуш қошиқчани (шахсий мулки) чорак қадоқча чой кетадиган қутига ботириб, қуруқ чой олди-да, чой дамлашга тутинди.

Ожиз қалбимиз оромини бузмоқлик учун жиндакқина нарса кифоя. Миссис Корни фикр-мулоқазалар билан банд экан, муштдакқина қора чойнак зумда тўлиб, тошиб чиққан сув миссис Корнининг қўлини хиёлгина куйдирди.

— Вой, яшшамагур-эй! — нидо солди муҳтарама нозира шоша-пиша чойнакни каминга қўйиб. — Зинқарча бўлмай ўл! Бор-йўғи икки чинниоёққина кетади ўзига! Кимга фойдаси тегарди бу сабилни?.. Ахир, — пича ўйлаб туриб қўшиб қўйди миссис Корни, — ахир менга ўхшаган сўққабош бир бечорадан бошқа кимга ҳам нафи тегарди! Вой худойим-а!

Нозира ана шу сўзлар билан ўзини креслога ташлади ва яна столга тирсақларини тираганча ўзининг сўққабош қисматини ўйлай кетди. Жажжи чойнак билан биттаю битта чинниоёқ мистер Корни ҳақидаги қайғули хотираларини ёдига солди (у бор-йўғи йигирма беш йилгина муқаддам оламдан ўтганди) у бундан эзилиб кетди.

— Энди бошқа бунақаси пешонамга сираям битмайди! — деди миссис Корни алами зиёда бўлиб. — Ҳа, унга ўхшагани пешонамга битмайди ҳеч қачон!

Бу гап кимга ёхуд нимага тааллуқли экани: зригами ё чойнакками — номаълум эди. Балки кейингисигадир, негаки шу сўзларни айтар экан, миссис Корни чойнакка тикилиб турарди, кейин эса уни ўтдан олди. У эндигина биринчи чинниоёқни ичиб бўлган ҳам эдики, тўсатдан эшикнинг астагина тикиллаши оромини бузди.

— Ҳа, кираверинг! — деди миссис Корни шангиллаб. — Бирорта кампиршонинг жони узилаётгандир-да. Улар нуқул энди бир нима тотинай деган пайтимда ўлишади. У ерда тураверманг, совуқ кириб кетяпти ичкарига. Ҳа, нима гап бўляпти у ёқда?

— Ҳеч гап, хоним, ҳеч гап, — жавоб қилди эркак киши.

— Вой худойим! — хитоб қилди нозира хийла мулоим овоз билан. — Наҳотки, мистер Бамблнинг ўзлари қадамранжида қилган бўлсалар?

— Хизматингизга ҳозирман, хоним, — деди эшик олдида бошмоғини тоза-

лаб, пальтосига илашган қорни қоқиб ташлаш учун пича уймаллашиб қолган мистер Бамбл, кейин эса бир қўлида шляпасини, иккинчисида тугунча кўтарганча кириб келди. — Эшикни ёпишга рухсат этадиларми, хоним?

Хоним мистер Бамбл билан эшикни беркитиб суҳбатлашиш шаънимга муносиб келармикин деган ҳадик-ла, одоб юзасидан жавоб беришга иккиланиб қолди. Мистер Бамбл унинг иккиланишидан фойдаланиб, бунинг устига совқотгани сабабли рухсатни кутиб ўтирмай, эшикни ёпди.

— Ҳаво бузуқ, мистер Бамбл, — деди нозира.

— Ҳа, хоним, бузуқ, — жавоб берди бидл. — Бунақанги ҳаво қавм учун кони зарар, хоним. Бугун чошғоҳдан кейин, миссис Корни, биз йигирмата тўрт қадоқлик нон билан бир ярим бўлак пишлоқ тарқатдик, шунга қарамай десангиз, бу яланғоёқлар ҳамон норизо.

— Ҳа, албатта. Қачон ризо бўлишган ўзи, мистер Бамбл? — деди нозира чой ҳўплаб.

— Ҳақ гапни айтасиз, хоним, қачон? — гапни илиб кетди мистер Бамбл. — Бир одамга десангиз, аёли ва оиласи катталигини эътиборга олиб, тўрт қадоқ нон билан наҳ бир қадоқ пишлоқ бердик, яна тагин тошидан зиғирчаём урмай десангиз. Хўш, нима деб ўйлайсиз, уни миннатдор бўлди, чинакамига миннатдорчилик билдирди, дейсизми? Йўқ, хоним. Сарик чақалик ҳам! У нима қилди, деб ўйлайсиз, хоним? Устамасига кўмир сўради — жиндаккина, битта дастрў-молчада бўлсаям майли, дейди-я! Кўмир-а! Хўш, кўмирни нима қилади у? Пишлоқни илитади, ундан кейин келиб, тагин сўрайди. Буларнинг ҳунари ана шунақа, хоним: бугун этагига уйиб кўмир солиб берсанг, у, беномус, бириси куни яна сўраб келади.

Нозира ушбу жонли мулоҳазани батамом қувватлади, шундан сўнг бидл ўз маърузасини давом эттирди.

— Бунақанги қилиқ қаергача етиб боришини хоби-хотиримга ҳам келтирмаган эканман, — деди мистер Бамбл. — Уч кун бурун — сиз турмуш кўрган аёلسиз, хоним, шу боис сизга гапириб берсам бўлади, — уч кун бурун десангиз, бир нусха, устидаги увадаси орқасини аранг ёпиб турибди десангиз (гап шу ерга етганда миссис Корни ерга қаради), пешинги зиёфатга меҳмонлар жам бўлиб турган пайтда нозиримизнинг эшиклари турумига келиб олиб, ёрдамга муҳтожман, деса бўладими, миссис Корни. Кетмай остонада туриб олгани ва меҳмонларнинг таъбини тирриқ қилгани туфайлидан нозиримиз унга бир қадоқ картошка билан бир сиқим сули уни беришни буюрдилар. «Е худо! — деди у нонкўр. — Бу нима бўлади? Тишимизни ковагига киргундек урвоқ ҳам бўлмайди-ку!» «Жуда соз, — деди нозиримиз, берган эҳсонини қўлидан тортиб оларкан, — унда ўша урвоқ ҳам йўқ сизга». «Демак, кўчада ўладиган бўпман-да!» — деди дайди. «Йўқ, ўлмайсан», — деди нозиримиз...

— Ха-ха-ха! Қойил! Мистер Гранат сира айнимайди, жуда топиб гапиради-да ўзиям, тўғриямасми? — гапни бўлди нозира. — У ёғи-чи, мистер Бамбл?

— Шундай қилиб, хоним, — сўзини давом эттирди бидл, — у кетди ва ахийри кўчада ўлиб қолибди. Бу гадовачанинг ўжарлигини қаранг-а!

— Мен бунга у дунёю бу дунё ишонмаган бўлардим! — қатъий оҳангда деди нозира. — Лекинига, мистер Бамбл, сизнингча, дайди-саёқларга ёрдам бериш бемаъни иш эмасмикин? Сиз — жентльмен, кўпни кўрган, тажрибали одамсиз, буни билишингиз керак. Хўш, қандоқ ҳисоблайсиз?

— Миссис Корни, — деди бидл ўзини билимдон деб биладиган одамлар сингари жилмайиб, — бунақанги одамларга ёрдам қўлини чўзиш — тегишли тартиб-қоидаларга амал қилинганда, тегишли тартиб-қоидаларга мувофиқ деяпман, хоним! — бу қавм учун нажот йўлидир. Ердам бераётганингда амал қилганидан тартиботнинг биринчи банди шундан иборатки, қашшоқларга мутлақо кераги йўқ нарсани тутказмоқ даркор... Ана шунда қатнаш жонларига тегади.

— Вой худойим-эй! — нидо солди миссис Корни. — Қандай оқилона ўйлаб топилган-а бу!

— Бўлмасам-чи! Гап орамизда қолсину, хоним, — жавоб қилди мистер Бамбл, — бу қонданнинг аҳамияти жуда катта: башарти сиз анави беадаб газеталарга тушадиган воқеаларга қизиққудек бўлсангиз, муҳтож оилалар эҳсонни

пишлоқ бўлаклари сифатида олаётганларини дарров пайқайсиз. Миссис Корни, бутун мамлакат бўйича шунақанги тартиб жорий этилган. Дарвоқе, — қўшиб қўйди бидл тугунчасини ечаркан, — бу хизмат сири, хоним, сиз билан бизга ўхшаган қавм амалдорларидан бўлак ҳеч бир зотга оғиз очмоқ жоиз эмас... Манави, портвейн, хоним, буни қавм кенгаши шифохоналар учун буюртирган: янги, ҳақиқий портвейн, тариқчайм қилвир жойи йўқ, шу бугун бочкадан қуйилган — шишадай тип-тиник, мутлақо қўйқасиз!

Мистер Бамбл шишалардан биттасини ёруққа солиб, аъло сифатли эканнга ишонч ҳосил қилиш учун яхшилаб чайқатиб кўрди-да, ҳар иккала шишаи пастак жавон тепасига қўйди, шиша тугилган рўмолчасини тўрт буклаб, эҳтиётлаб чўнтагига солди, сўнг худди кетмоқчидек шляпасига қўл чўзди.

— Шундоқ изғиринда кетадиган бўлдингиз-да, мистер Бамбл, — деб қўйди нозира.

— Қаттиқ шамол эсяпти, хоним, — жавоб қайтарди мистер Бамбл шинели ёқасини кўтарар экан. — Нақ қулоқни юлқиб кетай дейди-я.

Нозира нигоҳини жажжи чойнакдан узиб, эшикка томон йўналган бидлга қаради, шунда бидл унғи хайрли тун тилашга шайланиб томоқ қираркан, хоним тортинибгина, бир ҳўпламгина чой... бир ҳўпламгина чой ичишга майлингиз йўқми, деб сўради.

Мистер Бамбл шу заҳотиёқ ёқасини туширди, шляпаси билан асосини курсига қўйди, иккинчи курсини эса столга яқинроқ сурди. У астагина курсига чўқар экан, хонимга кўз қирини ташлади. Хонимнинг кўзлари жажжи чойнакка қадалди. Мистер Бамбл яна томоқ кириб, хиёл жилмайди.

Миссис Корни жавондан бошқа чинниёқ билан ликопча олгани ўрнидан турди. Қайтиб жойига ўтираркан, кўзлари боодоб бидлнинг кўзлари билан учрашди; у қизариб кетиб, бидлга чой қуя бошлади. Мистер Бамбл тагин томоқ кириб олди — бу гал олдингисидан қаттикроқ.

— Ширинроқ бўлсинми, мистер Бамбл? — сўради нозира қанддонни олиб.

— Ижозатингиз билан, ширинроқ бўлса ҳам майли, хоним, — жавоб берди мистер Бамбл, Шу гапни айта туриб у миссис Корнига тикилди; борди-ю, умуман, бидл мулойим бўла олса, айни сонияда мистер Бамбл худди ўша бидлнинг нақ ўзгинаси эди.

Чой индамайгина қуйилди ва индамайгина узатилди. Мистер Бамбл қойилмақом калта чолвори ифлос бўлмасин учун дастрўмолини тиззасига ёйиб, чой ҳўплаб, тамадди қилишга киришди. Бу кўнгилли машғулотини ора-сира чуқур хўрсиниқлар бўлиб турар, аммо хўрсиниқлари мутлақо иштаҳасига зиён етказмас, аксинча, унинг чой билан бўғирсоқни эплаштиришига кўмак берарди.

— Хоним, мушугингиз ҳам бор экан-да, — деди мистер Бамбл камин олдида болалари билан исиниб ўтирган мушукка қараб. — Яна тагин, болалариям.

— Нимасини айтасиз, мистер Бамбл, уларни қанчалик яхши кўришимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! — жавоб берди нозира. — Булар шунақанги шўх, шунақанги ўйинқароқ, шунақанги беғамки, асти қўяверасиз, очиғини айтсам, ёлғиз овунчоғим шулар.

— Жуда ажойиб жонивор-да ўзлариям, хоним, — дея маъқуллаб қўйди мистер Бамбл. — Жудаям уйбоп...

— О, нимасини айтасиз! — хитоб қилди нозира завқ-шавқ-ла. — Уйларини шунчалик яхши кўришадди, шунчалик унга ўрганиб қолишганки. Рости, булар чинакам ҳаловат беришадди.

— Миссис Корни, — бафуржа, қошиқни тикиллатиб, овозини мақомга солаётгандек бир оҳангда сўзлай бошлади мистер Бамбл, — хоним, сизга битта гапни айтмоқчиман: модомики мушук ёки мушукваччалар сиз билан яшаб туриб, хоним, ўз уйларини яхши кўрмайдиган бўлсалар, унда, хоним, эшшакдан фаёқлари қолмайди-ку!

— Эҳ, мистер Бамбл-а! — хитоб қилди миссис Корни.

— Ҳақиқатини яширишни нима кераги бор, хоним! — гапини давом эттирди мистер Бамбл чойқошиқни ошиқона бир қиёфада, сипоҳлик билан оҳиста айлан-тириб: униинг бу ҳаракати айниқсанги кучли таассурот қолдираётганди. — Менга қолса, бунақанги мушукни жон-жон деб ўз қўлларим билан сувга чўктирардим.

— Унда ёмон одам экансиз-да! — гапни илиб кетди нозира бидлнинг чинни-оёғига қўл узатиб. — Бунинг устига қаҳри қаттиқ!

— Қаҳри қаттиқ дейсизми, хоним? — такрорлади мистер Бамбл. — Қаҳри қаттиқ денг?

Мистер Бамбл ортиқча гап-сўзсиз ўз чинниоёғини миссис Корнига тутқазди, шунда у хонимнинг жимжилогини сиқиб қўйди-да, уқали нимчаси устидан кафти билан икки бора тапиллатиб уриб, чуқур хўрсинди ва ўтирган курсисини каминдан жичча нари сурди.

Стол юмалоқ эди; миссис Корни билан мистер Бамбл бир-бирларига қарама-қарши, оловга қараб ўтиришар, оралари яқин эди; шундоқ бўлгач, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мистер Бамбл боягидай стол ёнидан жилмай, оловдан нарироқ суриларкан, бу билан миссис Корни икковлари ўртасидаги ораликни каттайтираётганди; баъзи оқил китобхонлар бундай қилмишга шубҳасиз тасанно ўқишлари ва мистер Бамбл томонидан кўрсатилган буюк қаҳрамонлик намунаси сифатида эҳтиром этишлари турган гап; вақт, жой ҳамда қулай шароит маълум даражада унинг (енгилтабиат ва бегаму беташвиш одамлар оғзига қанчалик ярашиқли бўлмасин) — мазкур мамлакатнинг ҳакамлари, парламент аъзолари, министрлари, лорд-мэрлари ва бўлак улуг жамоат арбоблари, айниқсанги бу одамлар орасида (жуда яхши маълумки) энг қаҳри қаттиги, энг саботлиси бўлишни ўз бурчи деб билган бидлдек буюк ҳамда сипо зотнинг шаънига ярашмайдиган назокатлиё ёқимли сўзларни айтишга даъват этарди.

Аммо, мистер Бамблнинг нияти қандай бўлишидан қатъи назар (нияти эса шубҳасиз, яхши эди), бахтга қарши, қуйидаги ҳол содир бўлди: юқорида икки бора тилга олиб ўтганимиздек стол юмалоқ эди, бунинг оқибатида мистер Бамбл ўтирган курсисини жиндак-жиндак сура-сура, ҳеч қанча вақт ўтмай ўзини нозира билан ажратиб турган масофани қисқарта бошлади ва доира бўйлаб ҳаракатини давом эттира бориб, пировардида, курсиси нозира ўтирган курсига тақалди. Дарҳақиқат, ҳар иккала курси тақалганди, бу ҳол содир бўлганидан кейин эса мистер Бамбл силжишдан тўхтади.

Эндиликда нозира мабодо курсисини ўнгга сурадиган бўлса, биқинини ўтда куйдириб олиши тайин эди; борди-ю, сўлга сургудек бўлса, ўзини мистер Бамблнинг қучоғида кўриши аниқ эди; хулласи (камсуқумгина нозира бўлгани ва ҳозиргина айтиб ўтилган оқибатни дарҳол пайқагани сабабидан, албатта), у жойидан қимирламай ўтирганча, мистер Бамблга иккинчи бора чой узатди.

— Қаҳри қаттиқ эканманми, миссис Корни? — такрорлади мистер Бамбл қошиқ билан чойни аралаштирган қўйи нозиранинг афтига тикилиб. — Ўзингизчи, бағритош эмасмисиз, миссис Корни?

— Вой худойим-ей! — хитоб қилди нозира. — Бунақанги саволни бўйдоқ одамнинг оғзидан эшитиш жуда қизиқ-ку! Буни билишни сизга нима кераги бор, мистер Бамбл?

Бидл чойни бир томчисини ҳам қолдирмай ичди, бўғирсоқни еб битириб, тиззасидаги ушоқларни тушириб, лабини артди-да, бамайлихотиргина нозирани ўпиб олди.

— Мистер Бамбл! — дея шивирлаб хитоб қилди бу покиза, ифбатли хоним, зеро — шунчалик кўрқиб кетгандики, ҳатто овози чиқмай қолганди. — Мистер Бамбл, додлайман ҳозир!

Жавоб ўрнига мистер Бамбл шошилмай, эҳтиром-ла, нозиранинг белидан қучди.

Гарчандки ушбу хоним додламоқлик нияти борлигини намоён этган экан, у чоғда, албатта, бидлнинг бу навбатдаги жасурона қилмишидан кейин овоз солган бўларди-ю, лекин шоша-пиша эшикни тиқиллатишлари бунга ҳожат қолдирмади: тиқиллаган овоз эшитилгани ҳамоноқ мистер Бамбл эпчиллик билан виноли шишаларга ташланди-ю, жон-жаҳди-ла уларнинг устидаги чангни арта бошлади; нозира бўлса қаҳрли овоз билан тиқиллатаётган ким эканини сўради. Шу ерда бир қизиқарли ҳолни таъкидлаб ўтмоқ жоиз: ҳайратланиш унинг кўрқувига шунчалик таъсир кўрсатгандики, оқибатда овози тагин расмий дағаллигига қайтганди.

— Афв этасиз, миссис, — деди қоқсуяк қашшоқ кампиршо қия эшикдан





мўралаб, унинг афт-ангори ниҳоятда таъвия эди, — Салли кампир бандаликни бажо келтиряпти.

— Хўш, бунинг менга нима дахли бор? — сўради нозира зарда билан. — Ахир, уни тирилтиролмаيمان-ку.

— Албатта, албатта, миссис, — жавоб берди кампиршо, — бу ҳеч кимнинг қўлидан келмайди: унга энди ёрдам бериб бўлмайди. Одамларнинг жон бераётганларини — гўдакларнинг ҳам, бақувватларнинг ҳам — кўп кўрганман, шундоқ бўлгач, куни битганини мен билмай, ким билсин! Локинига виждони азобланаётганга ўхшайди, негаки, огриги кўйиб юборганида — бунақа пайтлар аҳён-аҳёнда бўлиб турибди, чунки у қийналиб, азобда жон берапти — сизга ниманидир айтишим керак, деяпти. Миссис то сиз бормагунингизча хотиржам оёқ узатолмайди.

Бу хабарни эшитгач, муқтарама миссис Корни жўрттага ўзидан мавқеи баланд шахсларнинг жигига тегмагунича ҳатто ўлолмайдиган кампирларни пичирлаб қаргаб, гўрига гишт қалаган кўйи тезгина иссиқ рўмолини олиб ўранди-да, мистер Вамблга, тагин гайриодатий бирон кор-ҳол содир бўлиб қолмасин деб, қайтиб келгунича кута туришини илтимос қилди. Ўзини чақириб келган кампиршога тошбақадай имиллаб зинама-зина судралмай, тез юришни буюриб, багоят қаҳрли авзойда унинг орқасидан хонани тарк этди ва йўл бўйи қарганиб борди.

Ўзи билан ўзи якка қолдирилган мистер Вамблнинг хатти-ҳаракати, аслини айтганда, тушуниксиз эди. У жавонни очиб, чойқошиқларни санади, қанд ушатгични қўлида чамалаб кўрди, кумуш сут идишни диққат-ла кўздан кечирди ва шу билан ўз синчковлигини қондириб, кўнгли жойига тушди-ю, уч қирра шляпасини чаккасига дол қўндириб, важоҳат-ла ўйинга тушиб, стол теграсидан тўрт қур айланиб чиқди. Шундай антиқа машғулотини тугатиб, шляпасини яна ечди-да, ўтга тескари қараган кўйи камин олдига ўтирди; чамаси, уйдаги буюму жиҳозларни хаёлан аниқ ҳисобдан ўткашишга киришганди.

## XXIV боб

*гоятда арзимас бир нарса хусусида изоҳот беради.*

*Бироқ бу қисқа боб мазкур ҳикоятимизда ортиқчалик қилмас деган умиддамиз*

Нозиранинг хонасидаги оромга рахна солган зот ажалнинг муносиб даракчиси эди. Кексалик танасини дол қилган, қўл-оёқлари қалтирар, шафтолиқоқидай бурушиб-тиришган афти табиат ижодидан кўра кўпроқ телба бир кимсанинг қалами билан чизилган кўрқинчли ниқобга ўхшаб кетарди.

Э-воҳ! Табиат яратгани бўйича ўзгармайдиган ва ўз чиройи билан кўзларимизни қувнатадиган чеҳралар қанчалик кам сақланиб қолади-я! Бу дунё ташвишлари, ғам-ғуссаларию муҳтожликлари чеҳраларни худди юраклари каби ўзгартиб юборади; ҳирсу эҳтирос, завқу шавқлари уйқуга кетиб, ўз хукмини йўқотгачгина бебошвоқ булутлар тарқаб, само тоқи равшан тортади. Аксар ҳолда, шундай ҳам бўладики, марҳумларнинг ҳатто тош қотган, муздек юзлари (бамисоли уйқуга кетган боланинг чеҳрасидай) аллақачонлар унутилган қиёфага кириб, маъсум гўдак чеҳрасини ёдга солади; бу одамлар шундайин беозор, шундайин мўмин-қобил бўлиб қоладиларки, уларни бахтиёр болаликларидан берига танийдиганлар тобутлари қошида тиз букиб, кўкдан тушиб келган фариштадай телмириб боқадилар.

Кампиршо ҳамроҳининг қарғишларига жавобан алланималардир деб мингиллаган кўйи даҳлизу йўлақлардан судралиб, зиналардан имиллаб кўтарилганча илгарилаб борарди; ниҳоят нафасини ростламоқ учун тўхтаб, қўлидаги шамни бошлиғига тутқазди-да, орқасидан эргашар экан, бемор ётган хонага йўналган ўзидан чандон бора чаққонроқ бекасидан ортда қолиб кетмасликка тиришди.

Бу чордоқдаги аянчли, ғарибона бир каталак эди. Нариги бурчагида хирагина

шам липиллаб ёняпти. Беморнинг тўшаги тепасида бошқа бир кампир ўтирибди; дорихоначининг шогирди камин олдида тик турганича патдан ўзига тиш тозаллагич ясапти.

— Совуқ кеча бўлди-да, миссис Корни, — деди бу ёш жентльмен кириб келган нозирага.

— Чинданам жуда изгирин кеча бўлди-да, сэр, — жавоб қилди хоним ўтираётди, гоятда назокатли оҳангда.

— Таъминотчиларингиз энг аъло кўмирдан беришлари керагиди сизга, — деди дорихоначининг шогирди занглаган оташкурак билан каминдаги кўмир бўлагини майдалар экан, — бунақанги кўмир совуқ кечада ярамайди.

— Кенгаш шунга танлаган, сэр, — жавоб берди нозира. — Аслида кенгаш жилла бўлмаса совқотмаслигимизни гамини ейиши керагиди, нимага деганингиз-да, ишимиз жуда оғир.

Гап шу ерга етганда беморнинг инқиллаши суҳбатнинг белига тепди.

— О! — дея йигит каравот томонга шундай бир қиёфада ўгирилдики, гўё бемор мутлақо эсидан чиқиб кетганди. — Миссис Корни, бунинг масаласи ҳал.

— Наҳотки, сэр? — сўради нозира.

— Яна бирои икки соатга боришига ҳам ишонмайман, — деди дорихоначининг шогирди, бутун диққат-эйтиборини тиш тозаллагичнинг учига қаратиб. — Жамики тана аъзолари адоий тамом бўлган. Кампиршо, бир қараб юборинг-чи, мудраятимикин?

Касал боқувчи кампир каравот узра энгашиб, боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Агар шовқин қилмасанглар, шу кўйи у дунёга равона бўлиши ҳам мумкин, — деди йигит. — Шамни ерга қўйинг. Ўша ерда турса унга халақит бермайди.

Кампир буйруқни бажарди ва айни вақтда, аёллар осонгина жон таслим қила қолмайди, деган маънода бош чайқаб қўйди; сўнгра у бу орада етиб келган бояги кампирнинг ёнидаги жойига бориб ўтирди. Нозира асабий кайфиятда рўмолига тузукроқ ўралиб олди-да, каравотнинг оёқ тарафига чўқди.

Дорихоначининг шогирди тиш кавлагични битказиб, камин рўпарасига жойлашиб олди-да, ўн дақиқалар чамаси исинди; ахийри, зерикди шекилли, миссис Корни билан хайр-хўшлашиб, оёқ учига юриб чиқиб кетди.

Иккала кампир бир неча дақиқа жимгина ўтиришди, кейин каравотдан нарироқ бориб, олов қаршисида чўнқайишди-да, қоқсуяк қўлларини исита бошлашди. Шу тариқа, чўққайган кўйи шивирлашиб гурунглашаверишди; аланга ёлқинланиб, шаффоф шуъласи тушганида бадбуруш башаралари, тасқара турқлари ваҳимали кўринарди.

— Эни, азизим, мен йўгимда бошқа ҳеч нима демадими? — деб сўради нозирани чақириб келгани боргани.

— Бир оғиз ҳам, — жавоб берди иккинчиси. — Олдин қўлларини чимдиб, тирнаб-тимирскилай бошлади, мен ушлаб турдим, кейин тинчиди. Жудаям бўшашиб, кучи қолмаган, шунга-чун осонгина тинчлантирдим. Куним қавм берадиган ёвғонга қараб қолган бўлса ҳам, ҳали кучдан қолганимча йўқ!

— Доктор буюрган илитилган винони ичдими? — сўради биринчиси.

— Оғзига қуйишга уриниб кўрдим, — жавоб қилди иккинчиси, — қарасам, тишини маҳкам қисиб олибди, қўллари билан бўлса кружкани шунақанги чангаллаб олганки, аранг бўшатдим-да; шундан кейин ўзим ичиб қўя қолгандим, отдек бўлдим-қўйдим.

Иккала шум кампир астагина ўгирилиб қараб, гапларига ҳеч ким қулоқ солмаётганига ишонч ҳосил қилгач, оловга яқинроқ сурилиб, хиҳилаб қўйишди.

— Авваллари, — яна гапга кирди биринчиси, — ўзи шундай қилган, кейин десанг, калақа-мазах қилиб юрган пайтлари ҳам бўлган.

— Бўлмасам-чи! — гапни илиб кетди иккинчиси. — Жуда қувноқ эди-да ўзиям. Қанча-қанчалаб ажойиб марҳумларни ясантирган, тагин ҳаммаси шунақанги ёқимтой, шунақанги башанг эдики, нақ мумдан ясалган қўғирчоқ дердинг. Бу кекса кўзларим уларни кўрган, мана шу кекса қўлларим уларни ушлаган, нимагаки, мен ўн марталаб ёрдамлашганман унга.

Кампиршо қалтироқ бармоқларини олға чўзиб, суҳбатдошининг нақ бурни остида ўйнатди, кейин, чўнтагини кавлаштириб, вақт ўтиши ила ранги униқиб кетган эски ту누ка тамакидонни чиқарди-да, дугонасининг ўзи томон узатилган кафтига жиндаккина, ўзининг кафтига эса чиза кўпроқ тамаки тўкди. Улар бу ишлар-ла овора экан, жон таслим қилаётган кампирнинг ҳушига келишини бетоқат кутаётган нозира камин олдига келди-да, томдан тараша тушгандек қилиб, яна қанча кутаман, деб сўради.

— Оз қолди, миссис, — жавоб берди иккинчи кампиршо бошини кўтариб. — Ҳаммамизиям ажалимиз етиб қолган, кўп куттирмас. Сабр қилинг, сабр! Ҳадемай баримизни ўз қучоғига олади у.

— Тилингизга тирсак чиқсин-э, эсини еган жодугар!.. — дея оғзига урди нозира бобиллаб. — Сиздан сўраяпман, Марта: олдинам шунақанги ўзини билмай қолаётганмиди?

— Бир неча марта, — жавоб берди биринчи кампиршо.

— Лекигин энди бу бошқа такрорланмайди, — қўшимча қилди иккинчиси, — тўғрироғи, яна бир мартагина, шундайям бирпасгагина кўзини очади, шу гапим эсингизда турсин, миссис!

— Бирпасгами ёки кўпгами, — деди нозира асабийлашиб, — у ҳушига келганида бу ерда менинг қорамни ҳам кўрмайди! Икки пулга арзимайдиган бунақанги ишни деб яна безовта қила кўрманглар мени! Бу ерда кампиршолар жон бераётганда тепасида туриш вазифамга кирмайди ва бундай қилмайман ҳам. Бу гапимни қулоқларингга қўйиб олинглар, беномус жодугарлар! Борди-ю, мени тагин бир марта лақиллатадиган бўлсанглар, огоҳлантириб қўяй — таъзирларингни бераман-а!

У аччиғланиб эшикка томон отилди, бироқ шу аснода каравот томонга юзланган икки кампирнинг қичқириб юборган овози ўгирилиб қарашга мажбур этди уни. Бемор тўшагидан сал қаддини кўтариб, қўлларини олға чўзганча уларга қараб талпинарди.

— Ким бу? — дея хириллади у.

— Ҳай-ҳай, секин, уринманг! — чийиллади кампирлардан бири, унинг устига энгашиб. — Ётинг, ёта қолинг.

— Энди қайтиб турадиган бўлиб ётмайман сираям! — хитоб қилди у гапга қулоқ солмай. — Унга айтадиган гапим бор. Яқинроқ келинг ёнимга! Яқинроқ! Қулоғингизга айтаман.

Кампир нозиранинг қўлларини чангаллаб олди ва каравот ёнидаги курсига зўрлаб ўтказди-да, энди гап бошлай деганда, атрофга аланглаб, бўйнилларини чўзганча вужудлари қулоққа айланиб эшитишга шайланиб турган икки кампирга кўзи тушиб қолди.

— Уларни ҳайдаб юборинг, — деди бемор овози заифлашиб. — Тезроқ, тезроқ!

Ҳар иккала ялмоғиз бараварига, шўрликнинг аҳволи бир ҳолатда, ўзининг энг яқин эгачи-сингилларини ҳам танимаяпти, дея шиква-шикоятга тушиб кетишди ва сираям уни ёлғиз ташлаб кетмаймиз, деб туриб олишди, лекин нозира уларни ҳужрадан итариб-туртиб чиқарди-да, эшикни қулфлаб, каравот ёнига қайтди. Уларини эшик орқасида кўрган кампиршо хонимлар ашулаларини ўзгартиб, калит солинадиган тешиқдан, Салли кампир гирт маст, деб чиққиришга тушишди; бу гап хийла ҳақиқатга яқин кўринарди, зеро дорихоначи ёзиб берган киттаккина афъюндан кейин саховатли қарн хонимлар яшириқча ичиришган сувли жин ўз таъсирини кўрсатганди беморга.

— Энди қулоқ солинг менга! — деди жон таслим қилаётган кампир, сўнгги ҳаёт учқунини чақнатиш учун бор кучини тўплаб. — Бир вақтлар худди шу ҳужрада, худди мана шу каравотда ётган ёшгина сулув жувоннинг тўшаги тепасида ўтирганман. Уни бир ҳолатда, юраверганидан оёқлари тилиниб-шилиниб кетган, ифлос қонга беланган ҳолда олиб келишганди. Жувон ўгил кўрди-ю, ўзи оламдан ўтди. Ҳозир эслайман... қайси йили бўлганди-я бу?..

— Қайси йилидалигининг аҳамияти йўқ, — сўзини бўлди бетоқат нозира. — Хўш, бу ёғи-чи, нима демоқчисиз у ҳақда?

— Бу ёғи... — минғирлади бемор боягидай ярим беҳуш ҳолатга тушаркан, — яна нима десамикин у ҳақда? Яна нима... Эсимга тушди! — хитоб қилди у ўзини



ўнглаб; башараси чўғдай қизариб, кўзлари бақрайиб қолганди. — Уни ўмаргандим. Ҳа, шунақа қилганман! Сизга айтсам — нарсасини ўғирлаганимда жони узилиб бўлмаганди ҳали!

— Нимасини ўғирлагандингиз, айта қолсангиз-чи, худо ҳаққи? — деярли қичқириб юборди нозира, худди ёрдамга одам чақирмоқчидек бир ҳаракат билан.

— Битта нарсасини, — жавоб берди кампир қўли билан унинг оғзини беркитиб. — Бисотидаги бор-йўғи биттагина нарсасини. Совқотиб қолмаслиги учун энгил, егани овқат керагиди унга, лекин жувон бу нарсасини асраб-авайлаб, кўксига тақиб юрган. Мен сизга айтсам — бу нарса тиллайди! Соф тилладан, жонига ора кириши мумкиниди!

— Тилла! — такрорлади нозира ёстиққа шилқ этиб тушган кампирнинг устига энгашиб. — Гапиринг, гапирсангиз-чи... кейин нима бўлди? Кўзи ёриган жувон ким экан? Қачон бўлганди бу?

— Жувон уни сақлашни тайинлади, — сўзлашда давом этди бемор инқилаб, — тўшаги тепасида ўтирган биттаю битта аёл — менга ишониб топширди. Бўйнида тақиглиқ турган тақинчоғини кўрсатган заҳоти уни ўғирлашни дилимга тугдим. Балким гўдагининг уволи ҳам менга тушар! Бор гапни билганларида, балки улар гўдакка тузукроқ қарашармиди.

— Нимани билганларида? — сўради нозира. — Гапирсангиз-чи, ахир!

— Гўдак ўсиб, катта бўлиб қолди, иннайкейин, қуйиб қўйгандай онасининг ўзгинаси эди: боланинг юзига кўзим тушди дегунча, эсимга келаверар, сира унутолмасдим, — пойма-пой қилиб сўзлашда давом этди бемор, саволга эътибор бермай. — Шўрликкина жувон! Ҳаҳ шўрликкина-я! Шундоқ ёшгина эди-я! Қўзичоқдай ювошгинайди-я! Шошманг. Сизга тагин битта гапни айтишим керак. Ахир, буни гапириб берганим йўғ-а, ҳали сизга?

— Йў-йўқ, — жавоб қайтарди нозира жон бераётган кампирнинг заифлашиб бораётган овозини яхшироқ эшитиш учун янаям пастроқ эгилиб. — Тезроқ, бўлмаса вақт ўтади!

— Ёш она, — деди кампир жон талвасасида тагин ҳам кучаниб, — ёш она ўлим азоби чанг солганида қулогимга пичирлаб, агар боласи тирик туғилса-ю, катта бўлса, эҳтимол, шундай кун келарки, у бечора ёшгина онаси ҳақида бор гапни эшитиб, ўзини шармисор қисобламас, деди. «Е мурувватли эгам! — деганди у. — Угил бўладими ё қизми, мусибатларга тўла бу дунёда унга дўсту ёр ато қил, шум қисмат измига ташлаб кетилган бечора, сўққабош етимгинага рақминг келсин!»

— Боланинг оти нимайди? — сўради нозира.

— Унга Оливер деб от қўйишди, — хаста овоз билан жавоб қилди кампир. — Мен ўғирлаган тилла буюм...

— Ҳа, ҳа... айтаверинг! — қичқириб юборди нозира.

У сабрсизлик билан жавобни эшитиш учун кампирнинг устига янаям энгашди, бироқ кампир қаддини букмай, тагин оҳиста кўтарилиб, туриб ўтираркан, беихтиёр ўзини орқага отди; кампир иккала қўли билан аёлни чангаллаб, нималардир дея гўлдиради-ю, шилқ этиб ёстиққа тушди.

— Жони узилибди-ку! — деди эшик очилиши билан ҳужрага отилиб кирган кампирлардан бири.

— Бирортаям маънили гап айтмадиям, — жавоб қайтарди нозира ва хотиржамгина чиқиб кетди.

Иккала кампир ўзларининг машғум вазифаларини адо этишга ҳозирлик кўришаркан, афтидан, ишга шундай киришиб кетишган эдики, бунга жавоб қайтаришга ҳам фурсатлари бўлмади.

## XXV боб

*яна мистер Феджин ва унинг ширкати хусусида  
ҳикоя қилади*

Чекка вилоятдаги меҳнат уйида бу воқеа содир бўлиб турган бир паллада мистер Феджин ўзининг кўҳна уясида — қиз Оливерни етаклаб чиқиб кетган

айнан ўша хонада — ўт пастгина липиллаб, тутаб турган ўчоқ олдида нима-нидир хаёл суриб ўтирарди. Тиззасида дам берадиган босқонча ётибди, чамаси унинг ёрдамида оловни тузуқрок алангалатиш ниятида кўринади, ammo ўйга толиб, босқон устига қўлини қўйганча, бош бармоғини иягига тираб ўтирибди, кўзлари паришонлик билан занглаган панжарага тикилиб қолган.

Орқасидаги стол теграсида Эпчил Туллак, ёш Чарли Бейтс ва мистер Читлинглар ўтиришибди; учовлари қарта ўйинига шўнғиб кетишган; Туллак «қалпоқ қолип» билан шерикчиликда Бейтс ва мистер Читлингга қарши ўйнапти. Номлари зикр этилган жентльменлардан биринчисининг ҳамишаги ажабтовур фаросатли башараси шу топда ўйинга батамом берилиб кетгани, ўйлаб ўйнаётгани ва мистер Читлингнинг қарталарини ўрганаётгани, яъни қулай кези келиб қолди дегунича қиялатиб кўз ташлаб, кўшнисининг қарталарини кузатиб, шунга қараб оқилона ўйнаётгани туфайлидан янада антиқа кўринарди. Совуқ кеча бўлгани сабабли Туллак шляпасини ечмаганди, дарвоқе, унинг одати шунақа эди. У трубкасини қаттиқ тишлаб олган, уни столга қўйиб қўйилган кўзадаги сувли жиндан тотиниб қўйиш фурсати етди деб ҳисоблаган пайтидагина оғзидан оларди.

Ёш Бейтс ҳам бадиққат ўйнар, бироқ у табиатан истеъдодли ошнасига қараганда хийла таъсирчанроқ эди, шу боис сувли жиндан бот-бот татиб турар, устига-устак, ҳар хил ҳазил-мутойиба ва куракда турмайдиған, жиддий ўйин пайтида мутлақо мос тушмайдиған беодобона койишлар-ла димоғини чоғларди. Туллак бир неча марта, қалин дўстлик ҳақ-хуқуқларига таяниб, уни бундай ножўя хулқу қилиқлари учун койиди ҳам, ammo ёш Бейтс бу панду насихатларга беқиёс хушфёъллик-ла қулоқ бериб, дўстига ё балога даф бўлишни, бошига қоп кийиб ола қолишни, ёхуд худди шу оҳангда ва худди шу хилдаги назокатли аскиялар билан жавоб қайтараркан, бу жавобларнинг нақ ўрнида ишлатилгани мистер Читлингни қойил қолдирарди. Шуниси қизиқки, кейинги жентльмен ва унинг шериги албатта ютқизишаётган эди, бу ҳол ёш Бейтснинг жаҳлини чиқариш у ёқда турсин, чамаси, унга битмас-туғанмас ҳаловат бағишлаётганга ўхшарди; негаки, у ҳар ўйиндан сўнг қулоқни қоматга келтириб хохолар ва туғилганидан бериға бунақанги қойилмақом ўйинни кўрмаганиға ишонтирмоқчи бўларди.

— Куйиб кетди, — деди мистер Читлинг афти тиришиб, нимчаси чўнтагидан ярим кронлик тангани чиқарар экан. — Сенға ўхшаған болани биринчи марта кўряпман, Жек. Нукул ютганинг-ютган. Чарли икковимизға яхши қарта чиққанидаям ютиб ётибсан, биз бўлсак сира эпини қилолмаямиз.

Ушбу ҳолнинг айнан ўзими ёхуд бу сўзларнинг ғамгин оҳангда айтилганими, ҳар қалай Чарли Бейтснинг шунақанги завқини келтирдик, унинг навбатдаги қаҳқаҳаси жуҳудни хаёлот оғушидан чиқиб, нима гап деб сўрашға мажбур этди.

— Нима гап дейсизми, Феджин?! — деди Чарли кийқириб. — Афсус, ўйинни томоша қилмадингиз-да. Томми Читлинг ақалли бир марта ютмаса-я, икковимиз Туллак билан «қалпоқ қолип»ға қарши ўйнадик.

— Шундоқ денглар-а, — деди жуҳуд иршайиб, иршайиши эса бунинг сабаби унга аён эканидан далолат бериб турарди. — Яна бир кур ўйнаб кўринг, Том, тагин бир кур.

— Шунисиям етади, ташаккур, Феджин, — жавоб қилди мистер Читлинг. — Этади! Ҳозир унинг тоза омади келиб турибди, бас келиб бўпсан!

— Ҳи-ҳи-ҳи, вой азизгинам-эй! — кулиб юборди жуҳуд. — Эрталаб барвақт-роқ турилса, ана ўшандагина Туллакни ютса бўлади.

— Эрталаб! — такрорлади Чарли Бейтс. — Агар уни ютмоқчи бўлсангиз, кечқурундан бошмоғингизни кийиб, иккала кўзингизға биттадан дурбин, устама-сига елкангизға ҳам бинокль осиб олишингизға тўғри келади.

Мистер Даукинс ушбу илтифотли хушомадларни файласуфона хотиржамлик билан тинглаб турди-да, ҳозир бўлганлардан хоҳлаганиға ким катта қарта олишға бир шиллингдан ўйнашни таклиф қилди. Ҳеч қайсилари талабгор бўлиб чиқмагач, у столға эрмак қилиб бўр билан Ньюгет турмасининг умумий тарҳини чиза бошлади; бу эрмағи устида эса у чўзиб ҳуштак чаларди.

— Сен билан улфатчилик қилган одам ўлардай хит бўлиб кетади-да, Томми! — деди Туллак узоқ жимликдан сўнг ҳуштак чалишни бас қилиб, мистер Читлингга ўғирилар экан. — Айтинг-чи, Феджин, сизнингча у нималарни ўйлаёт-тийкин?

— Мен қаёқдан билай, азизим? — жавоб қайтарди босқонча билан ўчоқ-даги ўтга дам бераётган жуҳуд бурилиб қараганча. — Эҳтимол, ютқизиғи ёки ўзи яқиндагина тарк этган овлоқдаги хилватгоҳи тўғрисида ўйлаётгандир. Ҳи-ҳи-ҳи!.. Тўғри топдимми, азизим?

— Сираям-да, — эътироз билдирди Туллак жавоб беришга ҳозирланган мистер Читлингнинг оғзига уриб. — Хўш, сен нима дейсан, Чарли?

— Менинг гапим шуки, — жавоб берди ёш Бейтс кулимсираб, — у Бетсига ошиқи беқарор бўлиб қолган. Ана-ана, қизариб кетганини кўринглар. Ё танграм! Қойил-э! Томми Читлинг ошиқи беқарор-а!.. Эҳ, Феджин, Феджин, ана шунақанги ҳангомалар!

Ёш Бейтс назокатли майлу ҳавас қурбони бўлмиш мистер Читлингнинг аҳволи-руҳиясини қотириб намоёиш этишга берилиб кетиб курси суянчиғига шундай шахт билан суяндики, мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб ерга йиқилди-ю, токи хоҳолаб қонгунича узала тушиб ётаверди (бу ҳол унинг завқига заррача путур етказолмади), кейин илгариги жойига ўтириб, тагин қаҳ-қаҳ ураверди.

— Парво қилманг унга, азизим, — деди жуҳуд, мистер Даукинсга кўз қисиб қўйиб, жазосини бераётгандек ёш Бейтсга дам берувчи босқонча билан туширар экан. — Бетси — ажойиб қиз. Этагидан маҳкамроқ тутинг, Том. Қадрига етинг.

— Бир нарсани айтиб қўяй, Феджин, — жавоб қайтарди мистер Читлинг дува қизариб, — бунинг ҳеч кимга дахли йўқ.

— Албатта, — тасдиқлади жуҳуд. — Чарли шунчаки валақлаяпти, холос. Парво қилманг унга, азизим, эътибор берманг. Бетси — ажойиб қиз. Унинг айтганини қилаверинг, Том, бадавлат бўлиб кетасиз шунда.

— Узимам худди у айтгандай қиялпман, — жавоб берди мистер Читлинг. — Унинг гапига кирмаганимда мени қўлга туширишолмаган бўларди. Бу сиз учун қўл келди, тўғриямасми, Феджин? Олти ҳафта деган нима бўпти, ахир. Эртами ё кеч, бари бир шундай бўлиши турган гап эди, шунинг-чун кўчада сандироқ-лаб юргинг келмайдиган қишда бўлгани яхшиямасми бу, тўғрими, Феджин?

— Мутлақо тўғри, азизим, — жавоб қилди жуҳуд.

— Том, башарти Бет бунақанги яхши маслаҳат берган экан, унда яна бир марта ўша ерда ўтириб чиқишга рози бўлармидинг? — сўради Туллак Чарли билан жуҳудга кўз қисиб қўяркан.

— Йўқ демаган бўлардим, демоқчиман! — жавоб қайтарди Том жаҳл билан. — Бўлди энди! Шунга билмоқчиман, қани, мендан бошқа яна ким шундоқ дея олади, Феджин?

— Ҳеч ким, азизим, — жавоб қилди жуҳуд, — бирор инсон боласи, Том. Сиздан бўлак шундоқ дея оладиган биронта одамни билмайман. Ҳеч зоғни, азизим.

— Агар уни сотганимда, мени қўйиб юборишарди. Тўғрими, Феджин? — асабий давом эттирди сўзини бечора, лақма, думбул-тентак йигит. — Бунинг учун бир оғизгина гапим кифоя эди. Тўғрими, Феджин?

— Шубҳасиз, қўйиб юборишарди, азизим, — деди жуҳуд.

— Лекин мен сотмадим. Тўғрими, Феджин? — деди Том, шиддат-да устмас уст савол ёғдириб.

— Йўқ, йўқ, шубҳасиз, миқ этмадингиз, — жавоб қилди жуҳуд, — сиз унақанги сотадиган номардларданмасиз. Мард йигитсиз, азизим!

— Ҳа, шундоқ бўлса керак, — жавоб қайтарди Том атрофига аланглаб. — Ростки шундоқ экан, буни қанақанги куладиган жойи бор экан, а, Феджин?

Мистер Читлингнинг ҳазилакам аччиқланмаганини кўрган жуҳуд, ҳеч ким кулаётгани йўқ, деб ишонтиришга шошилди; хонада ҳозир бўлганларнинг унга нисбатан жиддий муомала қилишларига эришмоқлик учун у биринчи дилозор ёш Бейтсга койиди. Аммо, бахтга қарши, Чарли, умрида бирон марта ҳозиргидек жиддий бўлмаганини айтишга чоғланиб, оғиз жуфтлади-ю, ўзини тиёлмай қолиб, шунақанги хоҳолаб юбордики, бундан ҳақоратланган мистер Читлинг такаллуфотни йиғиштириб қўйиб, хонанинг нариги бурчига отилди ва дилозорига

ташланди, лекин таъқибчиларга чап беришнинг пой-ҳавосини олган йигитча чапдастлик билан ўзини опқочиб қолди ва бунда шундай қулай фурсатни танладики, зарба қувноқ кекса жентльменнинг кўкрагига тегиб, галдираб бориб, ҳансираганча деворга суяниб қолди, мистер Читлинг бўлса унга даҳшат-ла жавдирарди.

— Жим! — қичқирди Туллак худди шу лаҳзада. — Бир нима тингиллапти.

У шамни олиб, писибгина зинадан кўтарила бошлади.

Яна тоқатсизлик билан қўнғироқча жингиллади. Қолганлар қоронғида ўтиришарди. Тезда Туллак қайтиб келиб, сирли бир қиёфада Феджинга нимадир деб пичирлади.

— Қанақасига? — чийиллади жуҳуд. — Бир ўзими?

Туллак тасдиқ маъносида бош иргади-да, қўли билан шам шуъласини тўсиб, Чарли Бейтсга имо-ишора билан энди кулмагани маъқул эканини ўғринча шама қилди. Ушбу дўстона хизматдан сўнг жуҳудга қараб, унинг буйруғини кута бошлади.

Бир неча сония давомида чол саргимтил бармоғини қимтиганча ўйга толиб турди, худди бир нарсдан хавотирланаётгандек ва энг хунук хабарни эшитишдан кўрқаётгандек юзи пирпираб учарди. Ниҳоят, у бошини кўтарди.

— Қаерда у? — сўради жуҳуд.

Туллак шифтни кўрсатди ва гўё хонадан чиқиб кетмоқчидек бир ҳаракат қилди.

— Ҳа, — деди жуҳуд, сассиз саволга жавоб бериб. — Бу ёққа, пастга бошлаб туш уни. Жим!.. Секинроқ, Чарли! Тинчланинг, Том! Ювиниб олинг!

Мазкур лўнда фармойишни Чарли Бейтс ва унинг ҳозиргигина рақиби итоаткорлик билан, ҳаялламай адо этдилар. Шам кўтарган Туллак билан кенгу калта дағал коржомо кийган киши хонага кирган пайтида уларнинг шу ерда эканидан далолат беруачи тиқ этган овоз эшитилмасди. Коржомали одам хонага зуд кўз югуртиб чиққач, ияги ва оғзини беркитиб турган энли шарфни ечганди, абжир Тоби Крекитнинг ҳорғин, ювуқсиз, соқоли ўсиқ башараси намоён бўлди.

— Аҳволлар қалай, Феги? — деди ушбу муҳтарам жентльмен жуҳудга бош силқиб. — Туллак, манави шарфни мовут шляпамга солиб қўй, токи бу ердан туёгимни шиқиллатаётганимда қаердан ола кетишим лозимлигини билай. Ана шунақанги замонларга қолди кунимиз! Сендан эса манави қари фирибгарга қараганда хийла тузукроқ томтешар чиқади.

У шу сўзлар билан қўйлаги этагини чолвори ичидан суғуриб, олиб, белига ўради-да, курсини ўтга яқинроқ суриб, оёгини ўчоқ панжарасига қўйди.

— Буни қаранг-а, Феги, — деди у қўнжи қайтарма этигига ғамгин ишора қилиб. — Дэй ва Мартин мойидан\* искамаганига қанча кун бўлганини ўзингиз биласиз, худо ҳаққи, бирор мартаям тозаланмади у!.. Менга бунақанги кўзингизни чақчайтиришингизнинг ҳожати йўқ, қария. Ҳаммасининг ўз вақт-фурсати бор. То қорнимни тўйғазиб, отиб олмагунимча ишдан гап очолмайман. Қани, бу ёққа овқат келтиринглар, кейинги уч кун мобайнида биринчи мартаба хотиржам тамадди қилай!

Жуҳуд Туллакка столга егуликларни келтириб қўйишни имо қилди-да, қулфбузарнинг рўпарасига ўтириб кута бошлади.

Равшан кўриниб турибдики, Тоби суҳбатни бошлашга асло шошилаётгани йўқ. Аввалига жуҳуд, гўё қандай хабар келтирганини юз ифодасидан уқиб олмоқчидек, унинг башарасини сабр-тоқат-ла кузатиш билан қаноатланди-ю, лекин бундан ҳеч нима чиқмади. Тоби чарчаган ва қийналган кўринарди, бироқ башараси одатдагидек бепарво-хотиржам, ифлослиги, соқол-мўйлови қирилмаганига қарамай, чеҳрасида ҳануз абжир Крекитга хос мағрурона, бемаъно кулги акс этиб турарди. Шунда тоқати тоқ бўлган жуҳуд у оғзига ташлаётган ҳар бир луқмани кузатишга тушди ва ҳаяжонини яширмай, хонада нари бориб-бери кела бошлади. Аммо бу ҳаракатларининг баридан заррача наф чиқмади.

Тоби то обдан тўйғунича пинагини бузмай, бафуржа тановул қилаверди; сўнг Туллакка хонадан чиқиб туришни буюриб, эшикни беркитиб, стаканга сувли вискидан қўйди-да, суҳбатга шайланди.



— Авваламбор, Феги... — дея гап бошлади Тоби.

— Хўш, хўш? — унинг сўзини бўлди жуҳуд курсисини яқинроқ суриб.

Мистер Крекит сувли вискидан тотиниш учун пича ҳаяллаб, жуда ажойиб экан, деб қўйди; кейин оёгини кўзлари баробарида баландга кўтариб, пастак ўчоқ тепасидаги тахтага тираб олди-да, хотиржам сўзлашда давом этди.

— Авваламбор, Феги, — деди кулфбузар, — Биллнинг аҳволи қалай?

— Нима! — чинқириб юборди жуҳуд курсидан сапчиб тураркан.

— Бу қанақаси, наҳотки сиз демоқчисизки?... — дея савол беришга чоғланди Тоби ранги ўчиб.

— Демоқчимишман! — бўкирди жуҳуд кутуриб ер депсиркан. — Қаерда улар? Сайкс билан бола қаерда? Қаерда эди улар? Қаерда беркиниб ётишибди? Нимага бу ёққа келишмади?

— Уйни ўмариш режамиз барбод бўлди, — деди секингина Тоби.

— Бундан хабарим бор, — деди жуҳуд чўнтагидан газета чиқариб, уни кўрсатар экан. — Кейин нима бўлди?

— Улар отишди, болани яралашди. Болани олволиб уйнинг орқа томонидаги даладан қочишга тушдик, ўзимиз ҳам олға қараб қузгундан тез учдиг-ов... гов ва зовурлардан сакраб югурдик. Орқамиздан қувиб келишарди. Падарига лаънат! Теварак-атрофдаги аҳоли уйғониб кетиб, итларини ол-кишлашди кетимиздан...

— Бола, бола-чи?

— Билл уни опичлаганча қуюндай учиб борарди. Кейин уни икковлашиб кўтаргани тўхтадик; боши шилқиллаб осилиб қолган, танаси муздек эди. Анавилар бўлса изма-из қувиб келишаётганди. Шунда сичқонни ини минг танга бўлиб, ҳар ким ўз жонини сақлаб, бўйинини сиртмоқдан асраш пайига тушиб қолди! Биз ажралишдик, болани эса зовурга ётқизиб қўйдик. Тирикмиди ё ўликмиди — билмайман.

Жуҳуд бу ёғини эшитиб ўтирмади. Воҳ деб, бошини чангаллаганча уйдан югуриб чиқиб кетди.

## XXVI боб

*сирли бир зот пайдо бўлгани ва ушбу ҳикоя билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади*

Чол Тоби Крекит етказган хабарлардан эс-қушини йиғиштиролмаб югурганича кўча муюлишига бориб қолган эди. У ақлу қушини йўқотиб, эсанкираганча хануз югургилаб бораркан, баногоҳ ёнгинасидан гизиллаб ўтаётган извошнинг шовқини ва йўловчиларнинг чолнинг жонига тажовуз қилган хавфни кўриб бақириб юборишлари уни йўлкага чиқиб олишга мажбур этди. Шундан сўнг, у иложи борица гавжум кўчаларни четлаб, айланма йўллар ва паст кўчаю тор кўчалардан ўтиб, ниҳоят Сноу-Хиллга чиқиб борди. Бу ерда у одимини янаям тезлатди ва токи ўзини қадрдон масканида ҳис қилиб, одати бўйича имиллаб, оёгини сургаб боса бошлади, қандайдир бир ҳовлига кириб боргунича бирор марта тўхтамади ҳам, фақат шундагина у эркин нафас олаётгандай туюлди.

Сноу-Хилл Холборн-Хиллга келиб туташадиган жойдан берироқда, Ситидан бориладиган бўлса, ўнг тарафда Сафрен-Хиллга олиб чиқадиغان қоронги, кўримсиз жинкўча бошланади. Кўча бўйлаб тизилган ирkit дўкончаларда каттаю кичик, минг бир хил тусли тутилган ипак дастрўмоллар даста-даста қилиб уйиб ташланган, зотан киссавурлардан рўмолчаларни сотиб оладиган дўкондорлар ана шу ерда турадилар. Дўкон ичкарасидаги пештахтаю тоқчаларга рўмолчалар уйиб ташланган, ойна орқасидаги қозикларга юзлаб дастрўмоллар илиб қўйилган ёки эшик ёндорларида қилпираб турибди. Филд-Лейннинг сарҳади қанчалик кичик бўлмасин, бу ерда ўз сартарошхоналари, қаҳвахона, пивоқона ва ўз балиқхоналари бор. Бу ер ўзига хос бир ўлка, каллаи саҳарлаб ва қош

қорайиши билан индамас олибсотарлар танда қўядиган, зимистон ичкари хоналарда ими-жимиди ишларини битириб, қандай келган бўлсалар, ўшандайича пинҳона жўнаб қоладиган хашаки ўғрилар бозори. Бу ерда кўйлакфуруш, этикдўз ва эскифурушлар ўз молларини ёйиб қўяди, бу нарсалар патак ўғрилар учун дўкон лавҳаси вазифасини ўтайди: бу ерда занглаган темир-терсак, суяк-саёқ уюмлари, могор босган жун мато ва газмол лахтак-лухтаклари қоронғи ертўлаларда чириб, илвираб ётади.

Жуҳуд худди ана шу жинкўчага бурилди. Чол мазкур оламнинг чиркину арвоҳсифат истиқоматчиларига яхши таниш эди, улардан баъзилари ёнгиналаридан ўтиб бораётганида қарияга эски ошналаридай бош ирғаб салом беришарди. Уларнинг саломига чол ҳам бош ирғаб жавоб қайтарарди, лекин у жинкўчанинг охирига етгунига қадар бирорталари билан сўз қотишмади; кўча охирига етгач эса тўхтаб, пак-пакана, гумбаздай гавдасини бир амаллаб болалар креслосига жойлаштирган ва дўкони остонасида трубкасини буруқсатиб ўтирган бир дўкондор билан гаплашди.

— Сизни кўрганини ўзидаёқ, мистер Феджин, одамни баҳри-дили очилиб, дарди-касали тумандай тарқаб кетади! — деди бу муҳтарам дўкондор соғлигини сўраган жуҳуднинг саволига жавобан.

— Қўшнилариңгиз одамни тоза қонига ташна қилишди-да, Лайвли, — деди Феджин қошларини чимириб, қўлларини чалиштирар экан.

— Ҳа, икки марта шунақанги шикоятни эшитишимга тўғри келди, — жавоб қилди дўкондор. — Лекигин бот киришган тез қайтади, деган гап ҳам бор-ку ахир, тўғриямасми?

Феджин маъқуллаб бош ирғатди. Сафрен-Хилл томонга имо қилиб, бугун оқшом у ёққа бирор кимса келган-келмаганини сўради.

— «Мажруҳларгами?» — сўради дўкондор.

Жуҳуд яна бош ирғатди.

— Шошманг-чи, — деди у одам ўйланинқираб. — Ҳа, беш-олти киши ўтишди у ёққа. Менимча, сизнинг дўстингиз йўқ у ерда.

— Сайкс йўқми у ерда? — сўради жуҳуд, афт-ангори бағоят безовта эди шу топда.

— Non inventus<sup>1</sup>, қонуншунослар айтганидай, — жавоб қайтарди пакана бошини сарак-сарак қилиб, гоятда айёрона бир қиёфада. — Бугун менга тегишли бирон нималари йўқмиди?

— Бугун ҳеч нима йўқ, — деди жуҳуд унинг ёнидан жиларкан.

— «Мажруҳларга» кетяписизми, Феджин? — орқасидан қичқирди пакана. — Шошманг! Сиз билан биттагина қадаҳ отсам дегандим!

Бирок жуҳуд ўгирилиб қараб, ёлғиз бўлишни маъқул кўрганини англашиб қўл силкигани ва бунинг устига дўкондорнинг креслочадан туриши маҳоллик қилгани туфайли ушбу сафар «Мажруҳлар» лавҳаси осиклик қовоқхона мистер Лайвлидек зотнинг ташрифига муяссар бўлолмади. Бу пайтда, дўкондор оёққа турган паллада жуҳуд кўздан гойиб бўлганди, шу боисдан мистер Лайвли оёқ учига кўтарилиб, уни кўрарман, деган умиди пучга чикди-ю, яна ўз танасини креслочага жойлаштирди ва қарама-қарши дўкончадаги хоним билан бош ирғаб саломлашаркан, бу билан шубҳа ҳамда ишончсизлик ифодасини изҳор этган бўлиб, тагин трубкасини тутатишга киришди.

«Уч мажруҳ» ёки аниқроғи, «Мажруҳлар» — зеро бу маскан ҳамишаги мижозларига ана шу номда машҳур эди — мистер Сайкс ўз ити билан қадамранжида қилиб турадиган қовоқхона эди, Феджин пештахта ортида турган одамга имо қилиб, зинадан юқорига кўтарилди, эшикни очиб, ўзини лип этганча хонага олди-ю, бировни излаётгандек қўлини соябон қилиб, безовта бир ҳолатда атрофга аланглай бошлади.

Хонани иккита газчиноқ еритиб турарди; дераза қопқоқлар тақа-тақ бер-

<sup>1</sup>Латинча юридик «Non est inventus» деган иборанинг бузиб ишлатилгани — «Топилгани йўқ».

китилиб, туси айниган қизил пардалар зичлаб ёпиб қўйилганидан ташқаридан қилдай ҳам нур тушмасди. Тутаб ёнаётган чироқ дуди айнитмасин учун шифт қора рангга бўялган, кейин хона шунақанги қуюқ тамаки тутунига тўлгандики, олдинга ҳеч нимани кўриб бўлмади. Тутун қия очиқ эшикдан аста-секин сизиб чиқиб кетгач эса, хонани тўлдирган олағовур сингари бетартибу олақуроқ одамлар тўдаси кўзга ташланди ва кўзи ушбу манзарага кўника боргани сайин кузатувчи узун стол теграсида аёлу эркаклардан ташкил топган талайгина одамлар давра қуришганига қаноат ҳосил қила борди: столнинг тўрида болгача ушлаган маърака раис қойлашиб олган, бир бурчакдаги синиқ фортепьяно ёнида бўлса бурни шолгомдай қип-қизил, тиши оғриётгани сабабли чакагини боғлаб олган машшоқ жентльмен ўтирарди.

Феджин лип этиб ўзини ичкарига олган дамда машшоқ жентльменнинг бармоқлари мусиқа дебocasини ижро этгандек клавишлар узра бир карра ўрмалаб ўтди-ю, ўтирганларнинг ҳаммаси овозларини баралла қўйганча қўшиқ айтиб беришни сўрашга тушдилар; қийқириқлар тиниши биланоқ ёшгина хоним тўрт мисра-тўрт мисрадан иборат калта қўшиқлар ҳада этиб, жамоатни хушнуд қилишга киришди, тўртликлар орасида эса машшоқ куйни иложи борица баланд пардада бошдан-оёқ такоран чалиб чиқарди. Қўшиқ тугагач, раис ўз фикр-мулоҳазасини баён қилди, шундан сўнг унинг ўнг ва сўлида ўтирган санъатчи жентльменлар дуэт ижро этиб бериш истаклари борлигини билдирдилар ва муваффақиятли ижро этдилар ҳам.

Даврадагилар орасида ажралиб турган бир хил башараларни кузатиш қизиқ эди. Аввало — раиснинг ўзи (қовоқхона соҳиби), қўпол, гунгурсдай, бесўнақай киши бўлиб, токи ашулабозлик давом этаркан, кўзлари тўрт томонга жавдираб олма-кесак териб, ўзини кўп қатори хурсандчиликка қатнашаётган килиб кўрсатаётган эса-да, содир бўлаётган бари нарсани кўриб, гапирилаётган жамики гапларни эшитиб турар, қулоғи овда эди. Ёнида ўтирган ашулачилар улфатларнинг мақтовларига ўз касб-корларига хос бир тарзда бепарво қулоқ тутиб, навбати билан қизиққон мухлислари тутган сув аралаш вискили қадақларни лабларига текказиб қўйишар ва смиришарди; бу мухлисларнинг тараққиёт жараёнининг деярли жамики босқичи ўз мухрини босган турқлари айнан жирканчлигию разолатгўйлиги киши диққатини тортарди. Бу башараларда айёрлик, тошбағирлик ва бадмастлик яққол акс этиб турарди; аёлларга келганда эса, улардан айримлари кўз ўнгингизда гўё хиралашиб, тароватини йўқотиб бораётгандек туюлгувчи ёшлик малоҳатию дуркунлигини сақлаб қолгандай эди ҳали-ҳозирча; бир хиллари бўлса ўз жинсларига хос фазилату белгилардан мутлақо айрилган ва жирканч бузуқлик ҳамда жинояткорлик тимсолига айланиб қолганлар, холос; бу қизлар, бу ёшгина жувонлар — улардан бирортаси ҳам ҳали ёшлик остонасидан хатлаб ўтмаган — мазкур қабиҳ фақшхонада энг қайғули, энг мудҳиш манзара касб этарди.

Бу орада жиддий ўй-мулоҳазалар асло ташвишу хавотирга сололмаган Феджин зўр бериб ўтирганларнинг афтига тикиларди, чамаси, излаётган одамини тополмаётган кўринади. Ниҳоят, у раислик қилаётган кимсанинг нигоҳини учратишга муваффақ бўлгач, унга ими-жимиди имо қилди-да, қандай кириб келган бўлса, хонадан худди ўшандай лип этиб чиқиб кетди.

— Қандай хизматлари борийди, мистер Феджин? — сўради раис унинг орақасидан даҳлизга чиқаркан. — Даврамызга қўшилишга майллари қалай? Ҳаммамизни, ҳа, барчамизни бошимиз осмонга етарди-да.

Жухуд бафуржа бош чайқаб, шивирлаб сўради:

— Шу ердами у?

— Йўқ, — жавоб қилди униси.

— Барнидан ҳам дом-дарак йўқми?

— Ҳеч қанақанги, — жавоб қайтарди «Мажруҳлар» соҳиби, зеро бу ўша эди. — Ҳаммаси босди-босди бўлмагунича Барни пилдирпис ётаверади. Имонингиз комил бўлаверсин, у ёқда изларини искаб қолишбди, шунинг учун у мабодо қорасини кўрсатгудек бўлса, анавиларни ўша заҳотиёқ илантиришлари аниқ эди. Барнига бало ҳам ургани йўқ, унда аллақачон эшитардим. Гаров бойлашман ки, Барни ўзини азаматларча тутяпти. Ундан хавотирланмасангиз ҳам бўлади.

— Анали бугун келадими бу ерга? — сўради жуҳуд яна олмошга маъноли урғу бериб.

— Монксни айтяпсизми? — иккиланиброқ сўради соҳиб.

— Секироқ!.. — пичирлади жуҳуд. — Ҳа.

— Албатта, — жавоб берди соҳиб чўнтагидан олтин соатини чиқараркан. — Илгарроқ келар деб кутгандим уни. Агар ўн дақиқача кутсангиз, у...

— Йўқ, йўқ! — шоша-пиша деди жуҳуд, у ҳам сўз бораётган одамни кўришни истаётганга, ҳам ўша одамнинг йўқлигидан суюнаётганга ўхшарди. — Унга бу ерга учрашгани келганимни айтиб қўйинг; бугун оқшом меникига борсин. Йўқ, яхшиси, эртага. Бугун йўқ бўлса, эртага учрашсак ҳам кечлик қилмас.

— Хўп бўлади! — жавоб қилди соҳиб. — Яна нима дей?

— Ҳеч нима, — деди жуҳуд зинадан тушаётиб.

— Менга қаранг, — овози хириллаб шивирлади соҳиб зинапоя панжараси устидан энгашиб, — ҳозир битта ишни дўндирадиган жуда қулай фурсати-да! Фил Баркер шу ерда; шундоқ учиб қолганки, истаган гўдак бемалол суробини тўғриласа бўладиган.

— Э-ҳа! Айтмоқчи, Фил Баркерни ҳали фурсати келганича йўқ, — жавоб қилди жуҳуд бошини кўтариб қараркан. — Фил то у билан видолашгунимизча ишлаб туриши керак. Бора қолинг, азизим, улфатларингизни ёнига, айтиб қўйинг уларга... ҳаёт эканлар... хурсандчилик қилиб қолишин! Ха-ха-ха!

Қовоқхона соҳибни унга кулиб жавоб қайтарди-да, меҳмонлари ёнига қайтди. Жуҳуд ёлғиз қолгани замоноқ афтига ташвиш ҳамда хавотирланиш ифодаси қалқди. Бир нафаслик мулоҳазадан сўнг у извош ёллаб, извошчига Бетнел-Грин-Роудга ҳайдашни буюрди. Мистер Сайкснинг қароргоҳига чорак чақирим қолганда извошчини жўнатиб юбориб, бу қисқагина масофани яёв босиб ўтди.

— Қани кўрайлик-чи, — гўдранди жуҳуд эшикни тикиллатаркан, — агар биронта шумликни ўйлаган бўлсалар, қанчалик муғамбир бўлманг, жонгинам, ҳамма сирингизни билиб оламан.

У назарда тутган аёл ўз хонасида эди. Феджин астагина зинадан чиқиб бориб, ортиқча такаллуфсиз ичкари кирди. Қиз ёлғиз эди; у сочлари ёйилиб, титилиб кетган бошини столга қўйиб ўтирарди.

«Ичиб олибди, — совуққонлик билан хаёлидан кечирди жуҳуд, — ёки, эҳтимол, шунчаки ниманингдир азасини тутяпти».

Шу хаёл билан у эшикни беркитмоқчи бўлиб ўгирилди, шовқинни эшитган қиз сесканиб кетди. Чолнинг қув афтига тикилганича, бирон янгилик йўқми, деб сўради ва чолдан Тоби Крекит келтирган хабарни эшитди. Чолнинг гапи тугаганидан кейин у тагин бояги ҳолатига қайтди, бироқ бир оғиз ҳам чурқ этмади. У сабр-тоқат сақлаган кўйи шамни нари сурди, жонсарақлик билан икки марта ҳолатини ўзгартирди, оёқларини тап-тап ташлаб қўйди, шундан нарига ўтмади.

Орадаги сукут давом этаркан, жуҳуд безовталиқ билан, Сайкснинг яширинча қайтиб келганидан далолат бергувчи ҳеч қанақанги белги йўқлигига қаноат ҳосил қилишни истагандай атрофга аланглади. Авзойидан кузатишдан қониқиб ҳосил қилди чоғи, икки-уч бора йўталиб олиб, гап очишга уриниб кўрди, бироқ қиз, қаршисида мисоли бир тош тургандек, унга қатрача эътибор бермади. Охири чол яна бир қарра уриниб кўришга чоғланди ва қўлларини бир-бирига ишқаган кўйи, бағоят тилеғламалиқ оҳангида суради:

— Сизнингча қандоқ, азизам, ҳозир Билл қаерда бўлсайкин?

Қиз бунга жавобан, қаердалигини билмадим, дея гўдранди, ихраб, пиқиллашдан унинг йиғлаётганини билса бўларди.

— Болакай-чи? — суриштиришни давом эттирди жуҳуд қизнинг юзига қарашга тиришиб. — Шўрлик болагина! Уни зовурга ташлаб кетишибди-я! Нэнси, буни ўзинг бир ўйлаб қарагин-а!

— Бу ердан кўра болакайга ўша ёқ яхши, — деди қиз тўсатдан бошини кўтариб. — Агар бунинг эвазига Биллнинг бошига кулфат тушмайдиган бўлса, умид қиламанки, бола зовурда ўлиб ётибди, илоё суяқларигача чириб битсин ўшоқда.

— Нима-нима?! — ҳайрат-ла хитоб қилди жуҳуд.

— Ҳа, умидим шу! — жавоб қайтарди қиз унинг кўзларига тик боқиб. — Кўзимдан йўқолганини, ёмон кунлари орқада қолганини билсам, суюнаман, шукр қиламан. Енимда бўлса асти чидаёлмайман. Унга қарадим дегунча — ўзим-ўзимга ёмон кўришиб кетаман, ҳаммаларнинг жирканч кўринасизлар.

— Сафсата! — деди жухуд нафратомуз. — Сен мастсан...

— Шунақами ҳали! — алам билан нидо солди қиз. — Маст бўлган чоғим-даям, буни сизга дахли йўқ! Агар ихтиёр сизда бўлганида борми, мени фақат бугун эмас, доим ичириб маст қилардингиз-а, Шу топда бу қилигим кўнглингизга ўтиришмай турибди-а, тўғриямасми?

— Тўппа-тўғри! — жавоб қайтарди жухуд даргазаб. — Кўнглимга ўтиришмай турибди!

— Ўзгартира қолинг бўлмаса уни! — деди қиз кулиб.

— Ўзгартиринг! — бақириб берди суҳбатдошининг сира кутилмаган саркашлиги ва бу тунги ўқинчли ва аламли воқеалар сабр косасини лиммо-лим тўлдириб юборган жухуд. — Ҳа, ўзгартираман ҳам! Қулоқ сол менга, қизгина! Эшит — Сайксни гиппа гирибонидан олиш учун (ўшанинг ҳўкизсифат бўйнидан мана шу бармоқларим мана бундоқ қилиб гиппа олгандай) икки оғиз гапим кифоя. Бордию ўзи қайтса-ю, болани ўшоққа ташлаб келса, агар ўзи қутулиб келса-ю, менга боланинг тириги ё ўлигини олиб келиб бермайдиган бўлса, башарти унинг Жек Кетчинг\* қўлига тушишини хоҳламасанг, уни ўз қўлинг билан ўлдир! Мана шу хонага кириб келган заҳотиёқ ўлдир, йўкса, гапим ёдингда бўлсин — кеч бўлади.

— Бу нима деганингиз? — беихтиёр хитоб қилди қиз.

— Бу нима деганингиз? — дея такрорлади Феджин жазавада ҳушини йўқотаёзиб. — Бу болакай юзлаб фунт туради-я, шундоқ бўлгач, ҳеч қанақанги хавф-хатарсиз, қуртдаккина бойликни қўлдан чиқариб юбориб, қараб қолаверарканманми, маст-аласт тўданинг аҳмоқона танतिकлиги жатига-я! Бунинг устига, фақат васиятгина керак бўлган гирт иблиснинг ўзгинаси билан битишиб қўйган бир пайтимда-я, иннайкейин у... ҳалиги... ҳалиги...

Нафаси бўғзига тикилган чол керакли сўзни излаб дудуқланиб қолди, бироқ шу ондаёқ жунбишга келган газабини жиловлаб олди-ю, муомаласи мутлақо ўзгарди-қўйди. Биргина лаҳза бурун чангак панжалари-ла ҳавога чанг солиб, кўзлари чақчайиб, даргазабликдан ранги кўкариб турган бўлса, энди у курсига чўкди, гужанак бўлиб, қандайдир қабиҳона бир сирни ўз оғзим билан гуллаб қўймадимми деган хавфда қалтирай бошлади. Қисқагина сукутдан сўнг суҳбатдошига кўз қирини ташлашга журъат этди. Афтидан, у хиёл тинчланди чоғи, зотан чол қизни дастлаб қай ҳолатда учратган бўлса, ўша ҳолатда, боягидек лоқайду карахт ўтирганини кўрди.

— Нэнси, жонгинан! — деди жухуд хириллаб, одатдаги овози билан. — Гапимни эшитдингми, азизам?

— Тиргалаверманг ҳозир менга, Феджин, — жавоб берди қиз бошини эри-нибгина кўтариб. — Агар Билл бу гал уддалолмаган бўлса, бошқа сафар эп-лаштиради. Озмунча яхши ишни бажардимми сиз учун, агар қўлидан келса тагин озмунча ишни дўндириб бермайди. Бордию қўлидан келмаса, унда, демак, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳожатиям йўқ.

— Хўш, бола-чи, бола нима бўлади, азизам?.. — сўради жухуд қўлларини асабий ишқаб.

— Боланинг жони, ҳаммамиз қатори, хавф остида, — шартта унинг оғзига урди Нэнси. — Айтяпман-ку сизга: умид қиламанки, у ўлган ва жамики жабр-ситамлардан, сиздан қутулган — агар Биллга ҳеч нима бўлмасагина, албатта. Тоби қутулиб қолган эканми, унда турган гапки, Билл ҳам хавф-хатарсиз бўлиши керак, чунки Билл Тобига ўхшаганларнинг иккитасига арзийди.

— Хўш, мен айтган гап хусусида нима дейсан, азизам? — сўради жухуд чақнаб турган кўзларини қиздан узмай.

— Агар сиз учун бирон нима қилишимни хоҳлаётган бўдсангиз, ҳаммасини бир бошдан қайтаринг, — жавоб берди Нэнси. — Яхшиси, буни эртага қолдира турганингиз маъқулмиди. Бир нафасгагина ҳушимни жойига келтирганингиз, лекин ҳозир тагин карахт бўлиб қолдим.

Феджин эҳтиётсизлик қилиб оғзидан чиқиб кетган шамага қиз эътибор берган-бермаганини аниқлаш мақсадида яна бир неча савол берди; аммо қиз унга шундайин бажонидил жавоб қайтарар ва баданини тешиб юборгудек қарашлариини шунчалик бепарволик билан қарши олардики, оқибатда чолнинг илк таассуроти — қиз маст деган хаёли узил-кесил қатъийлашди.

Нэнси чиндан ҳам жуҳуднинг заифа шогирдлари орасида кенг тарқалган, ёш болалик чоғлариданоқ қайтариш ўрнига устозлари атайин рағбатлантирадиган шундай қусурга мубтало эди. Унинг хунук, ирқит қиёфаси, хонани тутган ўткир жин ҳиди чолнинг тахмини тўғри эканлигини етарли даражада тасдиқлаб турарди. Юқорида тавсифлаб ўтганимиз жазавадан кейин қизнинг олдиниға аллақандай сарқуш ҳолатга тушгани, сўнгра эса ҳаяжони жўшиб, бунинг таъсирида дам кўзеши қилгани, дам: «Ноумид бўлмаг!» — дея ҳар мақомда нидо солгани ва қайлиқларнинг уриши доқа рўмолнинг қуриши, деган қабилда мулоҳаза юритганидан бунақанги ишларда тажрибаси катта мистер Феджин, зўр мамнуният билан, қизнинг ғирт мастлигига ишонч ҳосил этди.

Ушбу кашфиётдан кўнгли жойига тушган, бир кесак билан икки куённи мўлжалга олган, яъни қизга ўша оқшом эшитганларининг барини етказган ва Сайкснинг йўқлигига ўз кўзлари билан ишонган мистер Феджини уйга қараб жўнади. Унинг ёш суҳбатдоши эса бошини столга қўйганча уйқуга кетди.

Тун яримлашиға бир соатча вақт қолганди. Зим-зиё, изгирин кеча эди, шу боис Феджиннинг ҳаяллаш истаги йўқ эди. Кўчада дайдиётган шамол гўё йўловчи-ўткинчиларни — ўткинчилар ниҳоятда сийрак, улар, чамаси, уйларига ошиқишаётганди — бамисоли гарду чангдай супуриб ташлайдигандай вазоҳатда эсарди. Дарвоқе, жуҳуд учун шамол айни муддао эди шу паллада; Феджин қўққисдан бостириб келган қуюн эпкни зўравонлик билан қичаб ҳайдаб қолганида қалтираганча, букчайиб олға одимлаётган эди.

У ўз кўчаси муволишиға етиб келиб, чўнтагидаги эшик калитини пайпаслай бошлаган ҳам эдики, тўсатдан зимистон йўлакдан аллақандай қоп-қора шарпа йўрғалаб чиқди-да, кўчани кесиб ўтиб, сездирмайгина унга яқинлашди.

— Феджин! — кимдир нақ қулоғига шивирлади.

— Эээ! — хитоб қилди жуҳуд шартта ўгирилиб. — Сиз...

— Ҳа! — унинг сўзини бўлди нотаниш кимса. — Бу ерда икки соатдан бери санқиб юрибман. Жин урсин, қаёқда эдингиз?

— Сизнинг дарди-касалингизда юрибман, азизим, — жавоб қилди жуҳуд безовталики-ла суҳбатдошиға телмирганича. одимини секинлатиб. — Бутун оқшом сизнинг ишингиз билан ўтди.

— Ҳа-я, бўлмасам-чи! — деди нотаниш кимса кулимсираб. — Ҳўш, бундан нима чиқди?

— Кўнгилдагидек ҳеч вақо, — жавоб берди жуҳуд.

— Ишонаманки, кўнгилисиз ҳеч гап ҳам бўлмагандир? — сўради нотаниш кимса кутилмаганда юришдан тўхтаб, ҳамроҳиға ҳуркак нигоҳ ташларкан.

Жуҳуд бошини сарак-сарак қилиб, жавоб беришға шайланган эди. нотаниш кимса унинг гапини бўлиб, бу орада ўзлари етиб келишган уйға ишора қилди ва кутавериш музлаб кетгани, изгирин суяк-суягидан ўтиб бораётгани туфайли ичкарида гаплашганлари маъқул эканини айтди.

Феджин, афтидан, шундай бемаҳалда уйға бировни бошлаб кира олмаслигини баҳона қилишға ҳам тайёр эди, ҳатто каминга ўт қаланмаганди, деб гудраниб ҳам қўйди, бироқ ҳамроҳи ўз талабини амирона оҳангда такрорлагач, у эшикни очди ва то шам келтиргунича эшикни астагина ёпиб туришни илтимос қилди.

— Бу ер худди лаҳаддай қоп-қоронғи ку, — деди нотаниш кимса тимирски ланиб бир неча қадам босаркан. — Тезроқ бўла қолинг.

— Эшикни ёпинг, — шивирлади Феджин йўлакнинг нариги бошидан.

Худди шу пайт эшик тарақлаб беркилди.

— Айб мендамас, — деди нотаниш кимса пайпасланиб. — Шамолда бекилди ё ўзи тарақлаб ёпилди — иккисидан бири. Тезроқ чироқ тута қолсангиз-чи, бўлмаса бу лаънати ковакдаги бирон нимаға уриб олиб, пешонамни гурра қи ламан.

Феджин зинапоядан писибгина ошхонага тушди. Бирпас йўқолиб кетганидан сўнг, ёниқ шамни кўтариб келди-да, Тоби Крекитнинг пастдаги ичкари хонада, болаларнинг эса олд хонада ухлаб ётишганини хабар қилди. У нотаниш кимсага орқамдан юринг, дея ишора қилиб, зинапоядан юқорилай бошлади.

— Бу ерда ҳамма нарсани гаплашиб олсак бўлади, азизим, — деди жуҳуд иккинчи қаватдаги хона эшигини очаётиб. — Локигин дераза қопқоқларнинг тешик-мертиклари бор, биз эса уйимизда чироқ ёнаётганини кўришларини истамаймиз. Шунинг-чун шамни зинапояда қолдирамиз. Ана шундай!

Жуҳуд шундай дея туриб энгашди-да, шамдонни зинапоянинг энг тепасига, эшикнинг нақ рўпарасига қўйди. Кейин синиқ кресло ва эшик орқасида турган қопламасиз узун юмшоқ курсими ё диванми — ўшандан бўлак ҳеч қандай уй жиҳози йўқ хонага биринчи бўлиб кирди. Нотаниш кимса ана ўша диванга ҳоргин чўкди, жуҳуд эса креслони сурди, улар рўпарамар-рўпара ўтиришди. Бу ер бутунлай қоп-қоронғи эмасди: эшик қия очик, зинапоя тепасидаги шамнинг хира шуъласи қарама-қаршидаги деворга тушиб турарди.

Дастлабига улар пичирлашиб гаплашишди. Гарчи бу гурунждан айрим узук-юлуқ сўзлардан бўлак ҳеч вақога тушуниб бўлмаса-да, ҳар қалай зимдан қулоқ солган киши Феджиннинг нотаниш кимсанинг танбеҳу койишларига жавоб бераркан, чамаси, ўзини ҳимоя қилаётганини, шеригининг эса ниҳоятда аччиқланганини осонгина пайқаши мумкин эди. Улар шу тарика чорак соатдан кам суҳбатлашишмади, кейин Монкс — жуҳуд гурунглари давомида нотаниш кишини бир неча маротаба шу исм билан атади — овозини салгина баландлатиб деди:

— Такрор айтаман, бу режа уч пулга қиммат эди. Уни бошқалари қатори шу ерда қолдириб, ярамас битта чўнтаккесар, тирранча киссавур қилишнинг иложи йўқмиди?

— Бу кишининг гапларини қаранг-а! — хитоб қилди жуҳуд елкасини қисиб.

— Наҳотки сиздай одам, башарти истаганингизда ҳам, бунинг урдасидан чиқолмасдим демоқчисиз? — зарда билан сўради Монкс. — Бошқа ўнлаб болаларни шундай эплаштирган ким ахир? Агар бир йилгинага сабрингиз чидаганда, наҳотки унинг жазога тортилишига ва эҳтимолки, бир умрга Англиядан бадарга қилишларига эришолмасмидингиз?

— Кимга манфаати бориydi бунга, азизим? — сўради жуҳуд хоксорона.

— Менга, — жавоб берди Монкс.

— Локигин менгаямас, — деди жуҳуд ювош-мулойимгина. — Болакайнинг менга нафи тегиши мумкин эди. Башарти шартнома тузишда икки томон қатнашар экан, оқиллик ҳар иккала томоннинг манфаати билан ҳисоблашишни талаб этади, шундоқ эмасми, азизим?

— Хўш, у ёғи-чи? — сўради Монкс.

— Уни ишга ўргатиш осонмаслигини фаҳмладим, — жавоб берди жуҳуд. — У худди шунақанги аҳволда қолган бошқа болаларга ўхшамайди.

— Ҳа, ўхшамайди, лаънати! — тўнғиллади Монкс. — Ўхшаганда аллақачонлароқ ўғри бўлиб кетарди.

— Йўлдан уришим учун олдинга уни яхшилаб қўлга олволишимга тўғри келди, — сўзини давом эттирди жуҳуд, суҳбатдошининг афтига хавотирланиб тикиларкан. — Локигин бунга эпломладим сира. Уни ҳеч нима билан қўрқитолмадим, ишни эса айнан ана шундан бошлашимиз зарур ҳамиша, йўқса бутун ҳаракатларимиз зое кетади. Хўш, нима қилишимиз керагиди? Туллак ва Чарлига қўшиб қўйишим керакмиди тагин? Э йўқ, бир мартаси ҳам етарли, азизим; ўшанда ҳаммамиз учун роса жоним ҳалак бўлди-да ўзим.

— Бунга қамина айбдор эмас-ку, ахир, — деб қўйди Монкс.

— Албатта, албатта, азизим! — гапти илиб кетди жуҳуд. — Бундан афсусланаётганим ҳам йўқ ҳозир: агар шу воқеа содир бўлмаганида сиз балки болани ҳеч қачон кўрмасдингиз ва демакки, қидираётганингиз айнан шу бола эканлигини билмасдингиз ҳам. Ана шунақа гаплар! Анави қизнинг ёрдами билан уни топтириб келдим сиз учун, кейин бўлса қизнинг раҳми келиб қолди унга.

— Бўғиб ўлдириш керак қизни! — деди Монкс тоқатсизланиб.

— Ҳозир бундай қилолмаймиз, азизим, — кулиб жавоб берди жуҳуд. —

Бунинг устига биз бунақанги ишларга қўл урмаймиз, бўлмаса яқин кунларда жон-жон деб шундай қилардим-а. Бунақанги қизларни яхши биламан, Монкс. Бола тобга келган куниёқ қизни ақалли бир тўнкачалик ҳам қизиқтирмай қўяди. Сиз боланинг ўғри бўлишини истайсиз. Мабодо, у ҳаёт бўлса, бунинг эвини қиламан, борди-ю... борди-ю... — деди жуҳуд суҳбатдошига яқинроқ сурилиб, — ёдингизда бўлсин, бу даргумон-ов... локигин, бордию фалокат юз бериб, оламдан ўтган бўлса...

— Ўлган бўлса, бунга мен гуноҳкор эмасман, — дея гапни бўлди Монкс ваҳима ичра, қалтираётган қўллари билан жуҳуднинг қўлини чангаллаб. — Эсингизда бўлсин-а бу, Феджин! Менинг бу ишда қўлим йўқ. Аввал бошданок мен сизга истаган нарсангизни қилингу, лекин ўлими керак эмас, деганман. Мен қон тўкишни хоҳламаганман: охир-оқибатда бу бари бир фош бўлади, устига-устак, одам оромини йўқотади. Мабодо уни отиб ўлдиришган бўлса, бунга менинг ҳеч қанақанги дахлим йўқ, эшитяпсизми?.. Падарига минг лаънат бунақанги бўри уясининг!.. Нима бало бу?

— Нима? — қичкириб юбораёзди жуҳуд иккала қўли билан ўрнидан туриб кетган кўрқоқни қучоқлаганча. — Қаерда?

— Ҳув анави ерда! — жавоб берди Монкс қаршидаги девордан кўзини узмай. — Соя! Елкапўш ва шляпа кийган аёлнинг соясини кўрдим, девор ёқалаб пилдираганча ўтиб кетди!

Жуҳуд кучоғини очди ва икковлари хонадан отилиб чиқишди. Елвизакда липиллаётган шам қўйган жойларида турибди. Унинг шуъласи зинапоя билан уларнинг ранги қув ўчган юзларинигина ёритиб турарди, холос. Ҳар икковлари диққат-ла, зўр бериб қулоқ солишарди: бутун уйни чуқур сукунат чулғаб олганди.

— Кўзингизга шундоқ кўринган, — деди жуҳуд шамни қўлига олиб, суҳбатдошига ўгириларкан.

— Онт ичаман, кўрдим уни! — эътироз билдирди Монкс қалтираб. — Кўзим тушган пайтда энгашиб турувди у, гапирганимда бўлса ура қочиб қолди.

Жуҳуд суҳбатдошининг туси пага бўлиб кетган афтига жирканиб қараб қўйди-да, агар хоҳласа орқасидан юришни таклиф қилиб, зинадан кўтарила бошлади. Улар ҳамма хоналарни бирма-бир кўздан кечиришди; хоналар совуқ, шипшийдам ва бўм-бўш эди. Улар йўлакка тушиб, янаям пастроққа, ертўлага қараб юришди. Пастак-пастак деворларни кўм-кўк пих боғлаганди; шам ёғдусида шиллиққурт ва чиганокларнинг излари йилтирарди, атроф қабристондаги сингари жимжит эди.

— Хўш, энди нима дейдилар? — сўради жуҳуд улар йўлакка қайтиб чиққанларида. — Сиз билан мени ҳисобга олмаганда, уйда ҳеч зоғ йўқ — Тоби билан болаларниям ҳисобламаганда, улардан хавфсирамаса ҳам бўлади. Мана, кўринг!

Бу сўзининг исботи учун жуҳуд чўнтагидан иккита калитни чиқарди-да, биринчи гал пастга тушаётганида суҳбатларига ҳеч ким халал бермасин учун улар ётган хонани қулфлаб қўйганини тушунтирди.

Бу янги далил мистер Монкснинг ишончига хийла путур етказди. Икковлашиб қидиришни давом эттириб, ҳеч нима тополмаганлари сайин унинг эътирозлари тобора сусая борди; ахирри хафагазаак қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ҳаммасига пароканда, лат еган хаёлотни айбдор эканини тан олди. Аммо у қўққисдан соат бирдан ошганини эслаб қолди-ю, суҳбатни қайтадан бошлашни рад этди. Шундай қилиб, шинаванда жўралар ажралишди.

## XXVII боб

*муаллифнинг олдинги боблардан бирида ажойиб бир хонимни  
гойт такаллуфсизлик билан ўз ҳолига ташлаб кетишдек  
андишасизлигини андавалайди*

Шубҳасизки, бидлдай эътиборли зотни шинели барини йиғиштирганича каминга орқасини ўгириб то муаллиф лозим кўргунига қадар шу ҳолатда туришга мажбур этиш муаллиф учун муносиб иш эмас; иннайкейин, шундай юксак



мавқега эга, шундай сипо бидлдек зот, ҳар қандай қизу ҳар қандай олимақом жувоннинг қалбини титратиб юборадиган сўзларни пичирлаб айта туриб назоқатли ҳамда ошиқона нигоҳ ҳадя этган хонимга нисбатан худди ўшандай илтифотсиз муносабатда бўлиш муаллифга ҳеч ҳам ярашмайди-да. Қалами ушбу сўзларни битаётган муаррих — ўз ўрни-мавқеимни биламан, олий, мутлоқ ҳокимиятга сазовор бўлган зотларга муносиб эҳтиром билан муомала қиляпман, деган ҳаёлда — уларнинг юксак мансабу мартабалари, баски, саховатпешалигу эзгулик талаб этадиган жамики зарурий удумларга риоя қилишга шошилди.

Муаллиф шу мақсадда ҳатто бидлнинг ҳақ-ҳуқуқи илоҳийлигию унинг бегуноҳ-покизалиги хусусидаги далилу исботларни келтиришга қасд қилди. Бундай далилу исботлар ақли расо китобхонга ҳаловат бахш этиши фойдадан холи эмаслиги аниқ эди-я, аммо, надоматлар бўлсинким, фурсат танқислиги туфайлидан муаллиф ушбуни хийла қулайроқ ва мақбулроқ вақтга кечиктиришга мажбур; ўшандай фурсат келди дегунча муаллиф бидл деган сўзни том маъноси билан тушунтириб беришга тайёр — чунончи: бидл қавм меҳнат уйида хизмат қилувчи, айни чоғда қавм черковида расмий шахс сифатида хизмат этувчи кимсадир. У ўз унвон-вазифасига кўра, барча саховату эзгулик ҳамда энг аъло сифату фазилатларга йўғрилгандир. Лекин, инчунин, савдо ширкатларида хизмат қилувчи бидл, суд бидллари ва ҳатто ибодатхона бидллари (дарвоқе, кейингилари ҳар қалай, гарчи жиндаккина бўлса-да, бунга ҳаққидирлар) бундай фазилату хислатларнинг бирортасига даъво этишга заррача ҳақли эмаслар,

Мистер Бамбл чой қошиқларни яна бир бор санади, қанд ушатгични қўлида салмоқлаб кўрди, сутдонни диққат-ла назардан ўтказди, жиҳозларнинг қай аҳволдалигини аниқлади ва ҳатто курсиларнинг суянчиги, ўриндигидаги от ёлларигача текширди; хуллас, ушбу ҳаракатларнинг ҳар бирини камида беш-олти мартабадан такрорлаб бўлгач, миссис Корни аллақачон қайтиши керак эди-ку, дея ўйлай бошлади. Одатда бир фикрдан иккинчиси туғилади: миссис Корни келаётганидан ҳеч қандай далолат бўлмагани туфайли мистер Бамблнинг миясига, мабодо миссис Корнинг пастаккина жавонини бирровгина кўздан кечириб қизиқсинишимни қониқтирсам гуноҳ бўлмас, деган ўй келди.

Мистер Бамбл калит солинадиган тешикка кулоғини тутиб, ҳеч ким келмаётганига ишонч ҳосил қилгач, жавоннинг учта узунчоқ тортмаси ичидаги нарсалар билан танишишни пастдаги тортмадан бошлади; эски газета варақлари орасига авайлаб жойлаб, устидан гулбарглр сепиб қўйилган анвойи тур аъло сифат пардоз-андоз буюмлари билан лик тўла бу тортмалар, афтидан, унга ҳаддан зиёд лаззат бахш этди. Унг томондаги (калити бурнида турарди) тортмага гал келиб, ичидаги осма қулфли қутичани кўрди ва уни силкитиб кўрганди, ичидан худди танганинг овозига ўхшаш ёқимли жиринглаш эшитилди; шунда мистер Бамбл дабдабали одимлаб камин олдига қайтиб, бояги қолатига кирди-да, жиддий ва қатъий қиёфада деди: «Албатта шундай қиламан». Мазкур диққатга сазовор баёнотдан сўнг, худди ўз-ўзи билан қандай ажойиб йигит экани хусусида баҳслашаётгандек, ўн дақиқача бошини шўхчан сарак-сарак қилиб чайқатиб турди, кейин эса мамнуният ҳамда қизиқсиниш билан оёқларини ёнламасига кўздан кечира бошлади.

Миссис Корни хонага тўсатдан, нафаси бўғзига тикилганча кириб келиб, камин олдидаги курсига ўзини ташлаганча, бир қўли билан кўзларини беркитиб, иккинчисини кўксига қўйган қўйи нафасини ростлашга тушган пайтда у ҳануз беозор кузатуви билан машгул эди.

— Миссис Корни, — деди мистер Бамбл нозира томон энгашиб, — нима гап ўзи, хоним? Нима бўлди, хоним? Илтимос, жавоб беринг, бўлмаса мен... мен...

Мистер Бамбл ҳаяжонланганидан «бетоқат бўляпман жуда» деган иборани тополмай, бунинг ўрнига «тоқатим тоқ бўлди» деб юборди.

— Вой, мистер Бамбл-эй! — дея хитоб қилди хоним. — Кайфиятимни бузиб, шунақанги таъбимни тирриқ қилишдики.

— Кайфиятингизни бузишди? — такрорлади мистер Бамбл. — Ким журъат этди? Биламан, — деди мистер Бамбл ўзига хос улуғворлик билан, ғазабини тийиб, — анави ярамас гадоваччаларнинг иши бу.

— Буни ўйлашни ўзи даҳшат-а! — деди хоним титраб-қақшаб.

— Ундоқ бўлса ўйламанг буни, хоним, — деди ҳозиржавоблик билан мистер Бамбл.

— Ундоқ қилолмайман-да, — зорланди хоним.

— Бўлмаса бирон нима ичиб юбора қолинг, хоним, — деди мистер Бамбл таскин бергувчи оҳангда. — Бир қадаҳгина вино берайми?

— Икки дунёдаям ичмасман-а, уни, — жавоб қилди миссис Корни. — Ичолмайман... Вой! Тепадаги токчасида, ўнг бурчагида... Вой жоним-а!

Шу сўзларни айтаркан, меҳрибон хоним ҳушини йўқотар бир ҳолатда буфетга ишора қилди ва санчикдан гужанак бўла бошлади. Мистер Бамбл ҳавонга қараб интилди ва мужмаллик билан ишора қилинган токчадан яшил шичани ола солиб, ичидаги ичимликдан чинниоёқни тўлгазди-ю, хонимнинг лабига тутди.

— Вой, сал ўзимга келдим-а, — деди миссис Корни чинниоёқни ярмигача кўтариб, ўзини курси суянчигига ташларкан.

Мистер Бамбл шукрона маъносида ихлос билан кўзларини шифтга қадади, кейин нигоҳини чинниоёққа кўчириб, уни бурнига яқинлаштирди.

— Пепперминт\*, — заиф товуш билан деди миссис Корни, бидлга назокатли жилмайиб. — Татиб кўринг. Озроқ бор унда... пича бор яна.

Мистер Бамбл доридан гумонсировчи бир қиёфада лабларини чўлпиллатиб тотиб кўрди, яна бир марта тотинди, кейин бир кўтаришда чинниоёқни бўшатди.

— Бу одамни жудаям тинчлантиради-да, — деди миссис Корни.

— Ҳа, ҳаддан зиёда тинчлантириб қўяркан, хоним, — деди бидл.

Шундай дея у остидаги курсини нозиранинг юмшоқ курсисига яқинроқ суриб, мулойим овоз билан хонимнинг авзойини нима бузганини суриштирди.

— Ҳечқиси йўқ, — жавоб қилди миссис Корни. — Ўзи шунақанги тентак, ожиза одамманки, салга ҳаяжонланаман-кетаман...

— Сираям ожиза эмассиз-да, хоним, — эътироз билдирди мистер Бамбл курсисини янаям яқинроқ суриб. — Наҳотки сиз ожиза бир кимса бўлсангиз, миссис Корни?

— Ҳаммамиз ҳам ожиз бандалармиз, — деди миссис Корни барчага аён ҳақиқатни таъкидлаб.

— Ҳа, тўппа-тўғри, — унинг гапига қўшилди бидл.

Сўнгра ҳар икковлари икки дақиқача жим қолишди. Бу муддат орасида мистер Бамбл айтилган фикрни шарҳлаш баҳонасида миссис Корни ўтирган курсининг суянчигида турган қўлини олди-да, миссис Корни пешбандининг белбоғи устига қўйди ва у аста-аста белга чирмаша бораверди.

— Ҳаммамиз ҳам ожиз бандалармиз, — деди мистер Бамбл.

Миссис Корни хўрсинди.

— Қўйинг, хўрсинманг, миссис Корни, — деди мистер Бамбл.

— Упкамни босиб ололмаяпман, — деди миссис Корни. Тагин хўрсинди.

— Хонангиз жудаям шинам, файзли-да, хоним, — деди мистер Бамбл атрофни кўздан кечираркан. — Яна биттагина хона кўшилса борми, хоним, жуда ажойиб иш бўлади-да.

— Елғиз одамга ортиқчалик қилади, — деди пичирлаб хоним.

— Икки кишига ҳечам-да, хоним, — мулойим товуш билан қаршилиқ билдирди мистер Бамбл. — Шундай эмасми, миссис Корни?

Бидл шу сўзларни деганида миссис Корни бошини қуйи солди, миссис Корнинг юзига тикилиш мақсадида бидл ҳам бошини эгди. Миссис Корни бағоят муносиб тарзда, ийманибгина бурилиб, дастрўмолчасини олмоқлик учун қўлини бўшатди, бироқ ўзи ҳам билмагани ҳолда, қўлини мистер Бамблнинг қўлига қўйди.

— Кенгаш сизни кўмир билан таъминлаб туради, шунақаямасми, миссис Корни? — сўради бидл унинг қўлини оҳистагина сиқиб қўяркан.

— Шам билан ҳам, — жавоб берди миссис Корни, ўз навбатида астагина унинг қўлини сиқиб қўйиб.

— Кўмир, шам ва текин бошпана, — деди мистер Бамбл. — О, миссис Корни, сиз — фариштасиз!

Хоним бундайин ҳислар жунбишига тоб беролмади. У мистер Бамблнинг

кучоғига ташланди, муҳтарам жентльмен эса ҳаяжон ичра унинг покиза бурнидан кайноқ бўса олди.

— Эҳ, қавмнинг бекиёс нозанини! — хитоб қилди мистер Бамбл завқ-шавқ-ла. — Эй дилбар маликам, бугун мистер Слаутнинг аҳволи оғирлашиб қолгани сизга аёнми?

— Ҳа, — ийманибгина жавоб қилди миссис Корни.

— Докторнинг айтишича, у бир ҳафтага ҳам бормасмиш, — сўзини давом эттирди мистер Бамбл. — У киши ушбу ташкилотнинг раҳнамоси; у кишининг вафотларидан кейин ўрин бўшайди, бу ўринни кимдир эгаллаши лозим. О миссис Корни, қандай ажойиб истиқбол! Қалбларимизни қовуштириб, рўзғоримизни бирлаштиришнинг қанчалар қулай фурсати-я!

Миссис Корни хўрсиниб қўйди.

— Бир оғизгина сўз, — деди мистер Бамбл уятчан сулув хоним сари эгилиб. — Биттагина, жимитдаккина сўз, суюкли Корнигинам, хўш?

— Ҳ...ҳ... ҳа, — пичирлади нозира.

— Тагин битта сўз, жонгинам, — қисти-бастига олди мистер Бамбл. — Сал дадилроқ бўлингу яна битта сўз айтинг. Қачон амалга ошади бу?

Миссис Корни икки бора айтишга уриниб кўрди-ю, аммо икки мартасида ҳам муваффақиятсизликка учради. Ниҳоят, ўзини қўлга олиб, қўлларини мистер Бамблнинг бўйнига чирмаштирди-да, у истаган пайтда амалга ошишини ва у ўзининг «бекиёс лочини» эканини айтди.

Иш шу тариқа дўстона ҳамда зўр мамнуният билан битгач, шартномани хоним вужудига чанг солган ҳаяжон ва титроқ асоратидан халос бўлишида жуда-жуда асқотган тагин бир чинниоёқ пепперминт ичиш билан мустаҳкамлашди. Чинниоёқни бўшатгач, хоним мистер Бамблга кампирнинг қазоси етганини айтди.

— Жуда соз! — деди муҳтарам жентльмен пепперминт ича туриб. — Йўлакай Саурберникига кириб ўтаман, эртага эрта билан нимаики зарур бўлса, барини жўнатишини тайинлайман. Хў-ўш, шундоқ қилиб, сизни чўчитиб юборган шу экан-да, жонгинам?

— Айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ, жоним, — мужмал жавоб қилди хоним.

— Аммо, ҳар қалай, бирон гап бўлгандир-ку, ахир, жонгинам, — қисташда давом этди мистер Бамбл. — Наҳотки ўз Вамблингизга гапириб бермасангиз?

— Ҳозирмас... — жавоб қайтарди хоним, — яқин кунларда, никоҳ билан қовушганимиздан кейин, жоним.

— Никоҳ билан қовушганимиздан кейин! — хитоб қилди мистер Бамбл. — Наинки бу гадоваччалардан бирортаси безбетлик қилиб...

— Йўқ, йўқ, жоним! — дарҳол гапини бўлди хоним.

— Башартики мен, — сўзини давом эттирди мистер Бамбл, — башартики мен улар ўзларининг манфур кўзлари билан бу моҳитоб чехрага бақрайиб туриб, журъатлари етиб...

— Улар журъат қилолмасдилар ҳам, жоним, — жавоб қилди хоним.

— Бу ўзлари учун яхши, — деди мистер Бамбл қўлини мушт қилиб тугар экан. — Қавмдагиларданми ё ундан юқорироқдами, шундай қилишга юраги дов берадиган одамни менга бир кўрсатиб қўйинг, уни шундай адабини берайки, иккинчи марта юрак ютолмасин бунга.

Ушбу баёнот кескин ҳаракату имо-ишоралар билан мустаҳкамланган тақдирда дилбар хонимга мутлақо номақбул туюлиши мумкин эди, бироқ мистер Бамбл ўз дағдагасини жангари хатти-ҳаракатлар билан баён этгани сабабли унинг садоқатининг мазкур далилу исботидан хонимнинг кўнгли мумдай ийиб кетди ва бениҳоя қувонч-ла, тасанно ўқиб, чиндан ҳам Бамбл ўзининг лочингинаси эканини айтди.

Шундан сўнг унинг лочингинаси шинели ёқасини кўтариб, уч қирра шляпасини кийди-да, бўлажак умр йўлдоши билан узоқ ҳамда лаззатли бўса олишди. Кейин йўлакай қашшоқ эркаклар бўлмасига бирров кириб, уларни болохонадор қилиб койир экан, бу билан меҳнат уйи мутасаддиси вазифасини муносиб тарзда қаттиққўллик билан адо эта олишига ишонч ҳосил қилди. Шу сабабли бир неча сонияга ҳаяллаб қолгандан сўнг, яна тунги изғирин шамол истиқболи

сари мардона одимлай кетди. Уз иқтидорига ишонч ҳосил қилган мистер Бамбл дили еигил тортиб, мартабаси ортажаги ҳақидаги қувончли ораулар оғушида бораркан, бу ширин хаёллар вужудини то у тобутсоз дўконига етгунига қадар тарк этмади.

Мистер ва миссис Сауерберилар меҳмондорчиликда овқатланиб, чойхурлик қилишаётган эди бу паллада, Ноэ Клейполнинг эса, еб-ичиш учун зарур бўлганидан ташқари ҳар қандай жисмоний ҳаракатлар билан жонини койитишга майли йўқ эди асти. Шу сабабдан ҳам дўкон одатдаги беркитиладиган соати ўтиб кетганига қарамай очик эди. Мистер Бамбл ҳассаси билан пештахтани бир неча марта тақиллатиб урди, лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади, шунда дўконнинг орқа томонидаги меҳмонхонанинг ойнавон эшигидан ичкарида чироқ ёниқ эканини кўриб, у ерда нима гап бўлаётганини билиш ниятида ўша ёққа кўз ташлашга аҳд қилди. У ерда нималар содир бўлаётганини билгач эса, ҳайратда лол қолди.

Столга дастурхон ёзилган; устида нон билан ёғ, ликопча ва стаканлар, бир шиша вино ва кружкада қора пиво савлат тўкиб турибди. Столнинг тўр тарафида, креслода оёқларини ён тутқичи устидан ошириб ташлаганча мистер Ноэ Клейпол ялпайиб ўтирибди; бир қўлида тиғи очилган буклама пичоқ, иккинчисид а эса ёғ суртилган каттакон нон бўлаги. Енида тик турган Шарлотт бочкачадан олинган устрицани чиғаноғидан ажратиб беряпти-ю, мистер Клейпол ҳайрон қоларли очофатлик билан лиққа-лиққа ютяпти. Еш жентльменнинг бурни одатдагидан анча қизилроқ, бунинг устига ўнг кўзининг пириллаб учаётгани кайфи борлигидан шаҳодат бериб турибди; устрицани қандайин ҳузурланиб ютаётгани (унинг ҳузурланишини юрагини ўртаётган ҳароратни пасайтириб, чанқоғини босаётгани туфайлидан бу нарсани ниҳоятда қадрляпти деб тушунишгина мумкин эди) ушбу аломатни тасдиқлаб турарди.

— Мана ажойиб, биққидеккинаси, Ноэ жонгинам, — деди Шарлотт. — Келинг, ей қолинг, битта шугинани.

— Жуда ғалати нарса-да ўзиям, — деб қўйди мистер Клейпол уни лиққа ютиб. — Кўпроқ еб қўйсанг лохас қилгани ёмон-да! Тўғрими, Шарлотт?

— Шуниси жудаям чатоқ, ғирт шафқатсизлик бу, — деди Шарлотт.

— Тўппа-тўғри, — унинг гапига қўшилди мистер Клейпол. — Ўзингиз-чи, ўзингиз яхши кўрасизми устрицани?

— Унчаликмас, — жавоб берди Шарлотт. — Уни ейишдан кўра сизнинг қандай ютаётганингизни томоша қилиш ёқимлироқ, жонгинам Ноэ.

— Э худо-е... — деди Ноэ ўйчан. — Жуда ғалати-я!

— Тагин бир донагина! — таклиф қилди Шарлотт. — Манавинисини мана, киприк-тукчалари нозик, чиройлиқкинасини.

— Ортиқ бир донаям еяёлмайман, — деди Ноэ. — Аттанг... Берроқ келинг, Шарлотт, битта ўпай.

— Нима-нима? — қичқириб юборди мистер Бамбл хонага отилиб кираркан. — Қани, яна бир марта такрорланг-чи, сэр.

Шарлотт чийиллаганча, юзини пешбанди билан беркитиб олди. Клейпол ўша ҳолатда, фақат оёқларини ерга тушириб, мастларга хос даҳшат-ла бидлга бақрайганча тикилиб қолди.

— Қани, яна бир қайтаринг-чи, ярамас, сурбет бола, — койишни давом эттирди Бамбл. — Бунақанги гапни айтишга қандай тилингиз борди, сэр!.. Сиз-чи, номуссиз сатанг, уни васвасага солишга қандай журъат этдингиз?.. Упармишлар-а уни! — ўшқирди мистер Бамбл ғазабидан ўзини унуттаезиб. — Туф-э!

— Сираям бунақа демоқчимасдим, — ғингшиди Ноэ. — Унинг ўзи нуқул ўпади, бу менга ёқадими ё йўқми, бари бир.

— Вой, Ноэ! — таънаомуз хитоб қилди Шарлотт.

— Ҳа, ўпасан. Упишингни ўзинг яхши биласан, — эътироз билдирди Ноэ. — У доим шунақа қилади, мистер Бамбл, сэр; иягимга уриб-уриб қўядими-е, сэр, ҳар хил муқом-мулозаматлар билан ийдирмоқчи бўладими-е.

— Унингни ўчир!.. — жиддий ўшқириб берди мистер Бамбл. — Пастга тушинг, хонимча... Ноэ, дўконни ёпинг. Токи ўжайинингиз қайтгунича оғзингиздан тагин битта гап чиқадиган бўлса, аҳволингизга нақ маймунлар йиғлайди. Уйга келганида унга айтингки, мистер Бамбл эртага эрталабга, нонуштадан

кейин, битта кампирга тобут жўнатишни буюриб кетди, денг. Эшитяпсизми, сэр?.. Упишармиш-а! — вағиллади мистер Бамбл кўлларини пахса қилиб. — Бу қавмдаги қора халқнинг бузуқлиги ва гуноҳқорлиги чиндан ҳам даҳшатли даражага етган. Башарти, парламент уларнинг разолатга ботган хулқ-атворига эътибор бермаса, мамлакат, у билан бирга эса деҳқонларнинг ахлоқу маънавиёти хароб бўлди деяверинг!

Бидл ана шу сўзлар билан гамгин, айна чоқда, улугвор қиёфада тобутсоз масканини тарк этди.

Ана энди, бидлни уйига жўнатиб ва кампиршонинг дафн маросими учун жамики зарурий тадорикларни тугатиб, ёш Оливер Твист ҳолидан хабар олиб, унинг ханузгача Тоби Крекит ташлаб кетган зовурда ётган-ётмаганига ишонч ҳосил қилишга кўчамиз.

## XXVIII боб

*Оливер Твист билан машғул бўлади ва унинг бошдан кечирганларини ҳикоя қилади*

— Ҳа бўғзиларингни бўрилар ғажиб ташлагур! — тишларини гижирлатганча тўнғиллади Сайкс. — Менинг кўлимга тушганларингда борми, ув тортиб юборардиларинг-а.

Сайкс ўз хулқ-табиати қуввати етгунчалик бетийиқ қаҳру ғазаб билан шундай лаънат ўқиганича яраланган болани тиззасига туширди-да, таъқибчиларга қараш учун бир лаҳзага бошини бурди.

Қоронғилик ва туманда деярли ҳеч нима кўринмасди, лекин у бақирӣқ-чақирӣқларни эшитди, чор атрофдан ҳайҳайсурон уйғотиб юборган итларнинг вовиллаши келарди.

— Тўхта, ҳой кўёнорак махлуқ! — қичқирди у узун оёқларини аямай ундан анча илгарилаб кетган қароқчи Тоби Крекитнинг кетидан. — Тўхта, деяман!

Иккинчи қичқирӣқдан кейин Тоби Крекит таққа тўхтаб, қоққан қозиқдай қаққайиб қолди. Унинг тўппонча ўқи етмайдиган масофага бориб олганига бутунлай ишончи комил эмас, Сайкс ҳам шу паллада ҳазиллашадиган авзойда эмасди.

— Болани кўтаришга ёрдамлаш! — қичқирди Сайкс шеригини дарғазаб ёнига чорлаб. — Қайт ордангга!

Тоби ўзини қайтаётганга солди, лекин имиллаб одимларкан, паст товуш билан энтика энтика, қайтишга сира хоҳиши йўқлигини билдиришга журъат этди.

— Тезроқ бўл! — бақирди Сайкс болани қуруқ зовур тагига, оёғи ёнига ётқизиб, чўнтагидан тўппончасини чиқараркан. — Лақиллатиб бўпсан мени.

Худди шу дамда шовқин-сурон кучайди. Сайкс тагин ўгирилиб қараб, орқаларидан қувиб келаётган одамлар даланинг нариги бошидаги дарвозадан ошиб ўтишаётганини, иккита ит бўлса улардан бир неча қадам олдинда югургилаб келаётганини кўрди.

— Тамом, Билл! — қичқирди Тоби. — Болани ташлаб, туёқни шиқиллатиб қол!

Рақиблар кўлига тушишдан кўра дўстининг ўқидан ўлим топиш имконини афзал кўрган мистер Крекит шу маслаҳат билан хайр-маъзурни насия қилиб, оёғини кўлига олганча бадар қочди. Сайкс тишларини гижирлатди, тагин бир бор ўгирилиб қараб, чалқайиб ётган Оливернинг устига шошилишда болани ўраб олишган ўша елкапўшни ёпди-ю, таъқибчилар диққатини бола ётган жойдан чалғитиш мақсадида гов ёқалаб югурди, биринчисини тиккасига кесиб ўтган иккинчи гов олдида бир нафасга тўхтади-да ҳавога қарата ўқ узиб, говдан ошиб ўтиб, ғойиб бўлди.

— Ҳў, хў, бу ёққа! — эшитилди кетидан иккиланган овоз. — Пинчер! Нептун! Баҳ! Баҳ!

Итлар, афтидан, ўзлари берилиб кетган эрмакдан эгаларидан ортиқ ҳаловат

топмаётган эдилар чоғи, чақириқни эшитибоқ орқага зингиллаб қолишди. Бу орада пайкалга етиб келган уч эркак тўхтаб, маслаҳатлаша бошлашди.

— Менинг маслаҳатим, ёки балки менинг буйруғим, дейишим лозиммиди, бундай: тезда орқага қайтиш керак, — деди учовлари орасида энг семизи.

— Менинг таъбим мистер Жайлснинг таъбига жуда бошга келади-да, — деди сал бўйи пастроқ, лекин бир энлик ҳам эти кам бўлмаган, жудаям рангпар бошқа бирови аксар ўтакаси ёрилаётган одамларга хос тарзда ниҳоятда хушмуомалалик билан.

— Камина ҳам одобсиз бўлиб қолишни истамасдим, жентльменлар. — деди учинчиси, боғия итларни чақириб олгани. — Мистер Жайлс нима қилишни яхшироқ билади.

— Шубҳасиз, — жавоб берди паканаси. — Мистер Жайлс нимаики демасинлар, гапларини икки қилолмаймиз. Йўқ, йўқ, мен ўз ўрни-мавқеини биладиган одамман. Худого шукрки, ўз ўрнимни биламан.

Очигини айтганда, пакана одам гўёки ҳақиқатан ҳам ўз ўрни-мавқеини ва ўрни эса шу топда мутлақо ҳавас қиладиган эмаслигини ҳам жуда яхши биладиган кўринади, зотан, у сўзлаётганида тишлари такиллаб кетди.

— Сиз қўрқаяпсиз, Бритлс! — деди мистер Жайлс.

— Ҳечам қўрқаётганим йўқ-да, — деди Бритлс.

Қўрқаяпсиз! — деди Жайлс.

— Сиз ёлгончисиз, мистер Жайлс! — деди Бритлс.

— Узингиз ёлгончисиз, Бритлс! — деди мистер Жайлс.

Бу тўрт огизгина даҳанаки жанг мистер Жайлснинг мазаммати оқибатида келиб чиққанди, мистер Жайлснинг мазаммати эса аччиқ устида тугилганди, негаки, луқма ташлаш йўриғи билан уйга қайтиш масъулиятини унинг зиммасига юклаб қўя қолишган эди. Учинчи эркак мулоҳазакорлик билан даҳанаки жангга чек қўйди.

— Каминанинг гапим шуки, жентльменлар, — деди у, — учаламиз ҳам қўрқаяпмиз.

— Узингизни билинг, сэр, — деди жамилари орасида ранги энг қув ўчган мистер Жайлс.

— Ўзимни айтяпман-да, — жавоб қайтарди бу жентльмен. — Бунақанги вазиятда қўрқиш тамоман табиий ва ўринли. Ҳа, қўрқаяпман.

— Мен ҳам, — деди Бритлс. — Лекинига шуни шартиллатиб одамни юзига солиш керакми!

Ушбу ошқора эътироф мистер Жайлсни сал юмшатди-ю, шу заҳотиёқ ўзи ҳам қўрқаётганини тан олди, шундан сўнг учовлон орқага бурилишди-ю, токи мистер Жайлс (паншаха оғирлик қилиб, элдан бурун ҳансираб қола бошлаганди) ниҳоятда серилтифотлик билан тўхташни таклиф этгунича (негаки у ўзининг ўйламай айтиб юборган гаплари учун узр сўрамоқчи экан) бараварига югураверишди.

— Шуниси ҳайрон қоларлики, — деди мистер Жайлс тушунтиришларини тугатгач, — қони қайнаб кетганида одам нималарни қилиб қўймайди. Одам ўлдириб қўйишим ҳам ҳеч гапмасди — биламан, агар анави каззоблардан бит тасини қўлга туширганимизда шундоқ қилиб қўйишим мумкиниди.

Қолган иккиталари ҳам худди шундай ҳисни туяётганлари ва уларнинг ҳам қонлари худди шундоқ совуб улгургани туфайли бу ногаҳоний ўзгариш боиси устида ушбу топдаги босиқликлари меъёрида мулоҳаза юрита бошладилар.

— Сабабини биламан, — деди мистер Жайлс. — Бу дарвоза!

— Чиндан ҳам шундоқ бўлиб чиқса сираям ҳайрон қолмайман! — хитоб қилди Бритлс шу фикрга ёпишиб олиб.

— Шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, — деди Жайлс, — мана шу дарвоза совутиб қўйди. Ундан ошиб тушаётганимда вужудимдаги бутун гайрату газабим тўсатдан совиб қолганини сездим.

Мавжуд аҳволу вазиятнинг танг қоларли жойини қарангки, нариги икови ҳам айнан ўша дамда худди ўшанақанги кўнгилсиз туйғуни ҳис қилишибди-да. Хулласи калом, кундай равшан бўлдики, жамига ана шу дарвоза сабабчи экан;

бунинг устига десангиз, ўзгариш содир бўлган сония хусусида ҳеч қанақанги шубҳа-гумон қолмади, зеро уловлари ҳам қароқчиларга худди шу дақиқада кўзлари тушганини эсладиларди.

Қулфбузарлар қароқчиларни чўчитиб юборган икки эркак ва омборхонада ётган, икки кўппаги билан таъқибда қатнашсин учун уйғотиб чиқилган сайёр мисгар ана шундай суҳбатлашиб боришарди. Мистер Жайлс кекса хонимнинг хонадониди эшикоғаси ҳамда хўжалик мутасаддиси вазифасини ўтарди; Бритлс дастёрлик қиларди; у хоним хизматига ёш болалик чоғидан ёлланган ва гарчи ёши ўттиздан ошган бўлса-да, ханузгача бўладиган бола ҳисобланарди.

Уч эркак ана шундай гурунг билан ўзларига далда бериб, аммо бир-бировларига яқинроқ бўлишга интилиб ва ҳар шамол эпкини заптида шох-шаббалар чирсиллагани сайин атрофга олазарак бўлиб, чопганча фонусни қолдириб кетишган дарахт ёнига етиб келишди; зотан фонус шуўласи талончиларга қаёққа қараб ўқ узишни эслашиб, нишонлик вазифасини ўтамасин деб чўчишганди. Фонусни оласолиб, ғайрат-ла уйга қараб йўргалаб қолишди; уларнинг қораларини қоронғида мутлақо кўз илғамай қолганидан кейин ҳам хийла маҳалгача фонус милтиллаб, нам ва қўланса ботқоқ устида йилтиллаётган ёнар қўнғиздай липиллаб парвоз қилиб юрди.

Тонг яқинлашгани сари борлик янгиланиб, тетикланиб борар, ер узра эса туман бамисоли қуюқ тутун булути янглиғ ўралиб-бураларди. Майса жиққа ҳўл, сўқмоқ ва пасту баланд жойлар пилч-пилч лой эди; изғиринли, жунжитадиган нам шамол эринчоқлик билан босинқи ув тортиб бот-бот хуруж қиларди. Оливер Сайкс ташлаб кетган жойида ҳамон қимир этмай, ҳушсиз ётарди.

Тонг ёришиб келарди. Кўк тоқида нимтатир субҳи содиқ шуўласи илк жилава қила бошлаган паллада — куннинг таваллудидан кўра, туннинг завол палласида — шамол шиддат отига қамчи босиб, кучая бошлади. Зимистонлик оғушида чаплашиб, ваҳимали кўринган нарсалар аста-секин тарҳи аниқлашиб, борган сайин одатдаги шакл-шамойилига кираверди. Шариллаб қуйган жала яланғоч буталарни савай кетди. Бироқ Оливер ўзини ёмғир қандайин савалаётганини сезмади, зероки у ҳануз ўзининг лой тўшагида беҳуш, ожизу ночор бир аҳволда ётарди.

Мана, ниҳоят, сукунатни оғриқ ингроғи бузди-ю, ингроқ билан бирга бола кўзини очди. Шарф билан наридан-бери ўраб-боғланган кўли ҳолсиз, зил-замбилдай, шалвираб осилиб ётибди, шарф қонга беланган. У шунчалар дармонсизланиб қолганики, аранг қаддини кўтариб, туриб ўтирди; амаллаб ўтириб олгач, мадад истаб базўр атрофга аланглаган эди, оғриқдан инграб юборди. Ҳолсизлик ва совуқдан қалт-қалт титраб, туришга уриниб кўрди, аммо бошидан-оёғигача бутун аъзойи бадани зириллаб, худди оёғидан биров чалиб юборгандек гуппа қулади ерга.

Оливер худди туни давом этган ҳушсизликка ўхшаган ҳозирги бир-паслик беҳушлиги тарқаб ўзига келгач, юраги сари ўрмалай бошлаган ва гўёки шу ерда ётаверадиган бўлсанг ўласан, деб огоҳлантираётган беҳудлик қистовида оёққа босиб, юришга ҳаракат қилди. Боши айланар, худди мастдай каловланиб, гондираб кетарди. Бироқ у ўзини тик тутиб қолди ва бошини ҳорғин кўксига солинтириб, қоқиниб-суриниб, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмай, олға интилди.

Ана шунда унинг онгида аллақандай пойма-пой, мубҳам шарпалар гавдаланди. Назарида гўё ҳалиям Сайкс билан Крeкит икковларининг ўртасида кетаётгандек, улар ўзаро сўкишишаётгандек — ҳатто улар сўкишишган худди ўша сўзлар қулоғи остида жаранглаётгандек эди; йиқилиб тушмаслик учун қаддан зиёд зўр бериб, ўзига келиб қолганида қараса, улар билан ўзича гаплашаётганини фаҳмлади. Кейин у биргина Сайкс билан қолди ва худди кечагидек илгарига сурғалиб кетаверди; ёнларидан шаффоф одамлар ўтиб кетаётганида эса Сайкс унинг қўлини маҳкам сиқиб ушлаб оларди. Қўққисдан ўқ овозини эшитиб сапчиб тушди; дод-вой, бақир-чақирлар янгради; кўзлари олдида шуўла милтиллади; теварагида эса шовқин-сурон ва гумбура-гумбур; кимнингдир кўринмас кўллари уни сурғаб кетди. Бу рўёлар шигиллаб алмашиниб

тураркан, уни қандайдир мубҳам, вужудига ором бермаётган оғриқ ҳисси тарк этмасди.

У токи йўлга чиқиб олгунича йўлида учраган ёғоч дарвозаларнинг кўнда-ланг тўсинлари орасидан, гов-тўсиқларнинг тирқишларидан деярли ихтиёр-сиз ўта-ўта, галдираб, судралган кўйи олға интилаверди. Йўлга етганида эса шунақанги жала қуйиб бердики, бола зумда ўзига келиб қолди.

У атрофга аланглаб, яқингинадаги уйга кўзи тушди, у ерга етиб олишга қуввати етадигандек эди. Эҳтимол аянчли аҳволини кўриб, у ердагиларнинг раҳми келар, борди-ю, раҳмлари келмаганида ҳам, ҳар қалай, ҳувиллаган дала-дан кўра одамларга яқинроқ жойда ўлган яхшироқ-ку, деб ўйлади бола. У ана шу сўнгги синов учун бор кучини тўплади-да, зўр-базўр уйга қараб одимлай бошлади.

Яқинлашиб қолганида бу уйни илгари кўргандек бўлиб туюлди назарида. Майда-чуйда тафсилотлари ёдида йўғу, лекин уй унга танишдек кўринди.

Ўша боғнинг девори-ку! Бу деворнинг нарёғида у кечаси майсага тиз чў-киб, анави икки шеригидан шафқат қилишларини сўраб роса илтижо қилганди. Бу улар ўмариб кетишмоқчи бўлган худди ўша уй эди.

Уйни танигач, Оливернинг шунчалик капалаги учиб кетдики, бир лаҳзага азоб бераётган жароҳатини ҳам унутиб қўйиб, хаёлини фақат жуфтакни ростлаб қолиш фикригина банд этди-олди. Қочиб керак! Бироқ у оёғида аранг турарди, кейин, мабодо болакайнинг нозигу нимжон танасини ҳатто куч-қувват тарк этмаган тақдирда ҳам, қаёққа қочиб боради? Бола эшикни итарди: юзига ёпиқ экан, лангиллаб очилиб кетди. Оливер қоқина-суртина майсазорни кесиб ўтиб, зинадан кўтарилди-да, заиф қўли билан эшикни тикиллатди, аммо шу пайт дармони хиёнат қилди-ю, чоғроққина пиллапоё-айвонча устунларидан бирига курага билан суяганча зинага ўтириб қолди.

Худди шу аснода ушбу тунги қийинчилик ҳамда даҳшатлардан кейин мистер Жайлс, Бритлс ва мисгарлар ошхонада чойхўрлик қилиб, турли таомлардан тотиниб ўтирган эдилар. Мистер Жайлс оддий хизматкорлар билан муруватпарварона (илло ҳар қалай мазкур жамоат орасида ўзининг мавқеи хийла баланд эканини эслатиб тургучи) илтифот-ла муносабатда бўлар ва бу муомаласи қўли остидагиларга ёқиб тушарди. Шундай бўлса-да, мистер Жайлсни оддий хизматкорлар томонидан кўрсатиладиган ортиқча такаллуфотсизликка кўникиб кетган деб бўлмасди. Аммо ўлим, ёнғин ва ўғри уриб кетишдек фалокатлар ҳаммани баб-баравар қилиб қўяди; ана шу боисдан ҳам мистер Жайлс оёқларини ўчоқ панжараси сари узатган кўйи ўтираркан, чап тирсагини столга тираб, ўнг қўлини силкиганча ўғирлик тўғрисида батафсил ҳамда атрофлича ҳикоя қилар, тингловчилар (айниқсанги даврада ҳозир бўлган ошпаз аёл билан оқсоч) беадад қизиқиш билан қулоқ солишар эди.

— Соат уч яримлар чамаси эди... — ҳикоясини бошлади мистер Жайлс, — роппа-расо шундоқ деб қасам ичолмайману, лекин учлар атрофи бўлса керак... уйғониб кетиб, қаравотда ағдарилдим, айтайлик, мана бундоқ (гап шу ерга етганда мистер Жайлс ўтирган курсисида бурилиб, кўрпа вазифасини ўташи лозим бўлган дастурхоннинг бир чеккасини устига тортди), шунда десангиз, бирдан аллақандай шовқин чалингандай бўлди қулоғимга...

Ҳикоячи ўз ҳикоясининг шу жойига келганида ошпазнинг ранги қув ўчиб кетиб, оқсочдан эшикни ёпишини ўтинди; униси бўлса Бритлсдан, Бритлс мисгардан илтимос қилди, мисгар эса ўзини эшитмаганга солди.

— ... шовқин эшитилгандай бўлди десангиз, — ҳикоясини давом эттирди мистер Жайлс. — Олдинига: «Шундоқ туюлган бўлса керак», дедим ўз-ўзимга ва энди уйқуга кетай деб турсам, тўсатдан тагин, бу гал аниқроқ, шовқинни эшитдим.

— Қанақа шовқиниди? — сўради ошпаз.

— Худди бир нарса қирсиллагандай бўлди, — жавоб берди мистер Жайлс атрофга аланглаб.

— Йўқ, тўғрироғи, биров темирни мускат ёнғоғи қириладиган қирғичга ишкагандек бўлди, — гап қистирди Бритлс.

— Сиз шовқинни эшитганингизда шунақанги овоз чиқаётганди, сэр, — эъти-



роз билдирди мистер Жайлс, — лекин мен эшитганда қирсиллаганди. Шунда кўрпани очиб, — ҳикоясини давом эттирди мистер Жайлс дастурхон четини қайриб қўяркан, — ўрнимда туриб ўтирдиму қулоқ сола бошладим.

Ошпаз билан оқсоч бараварига: «Вой худойим!» — деб юборишди-ю, бир-бировларининг пинжига кириб олишди.

— Энди шовқинни аниқ-тиниқ эшитиб турардим, — сўзларди мистер Жайлс. — «Жимдир эшикни ёки деразани қўпоряпти, дейман ўзимга-ўзим. Нима қилсамикин? Шўрлик йигитгина Бритлсни уйғотиб, қутқариб қолай, тагин ётган каравотида ўлдириб кетишмасин, бунақада, дейман ўзимча, пичоқни ўнг қулоғи тагидан солиб чап қулоғигача тортиб юбориб, бўғизлаб ташлагунаричаям билмай ётаверади».

Ҳикоя шу ерга етганда ҳамманинг кўзи ҳикоячига бақрайганча оғзи каппа очилиб, бутун вужудидан ҳад-худудсиз даҳшату ваҳима ёғилганча тикилиб қолган Бритлсга қадалди.

— Кўрпани итқитиб ташладиму, — давом эттирди мистер Жайлс дастурхон четини итқитиб юбориб, ошпаз билан рўзгорбошига дағдағали ўқрайиб, — сенингина каравотдан тушиб, кий...

— Мистер Жайлс, хонимлар бор-а, — шивирлади мисгар.

— ... бошмоғимни, сэр, — деди Жайлс унга ўгирилиб қараркан, шу сўзга алоҳида урғу бериб, — ҳамиша кумуш анжомлар солинган саватга қўшиб тепага олиб чиқиб қўйиладиган ўқлоглиқ тўппончани ола солиб, оёқ учида бунинг хонасига кириб бордим. «Бритлс, — дедим уни уйғотиб, — қўрқма!»

— Тўғри, шундай дегандингиз, — оҳистагина луқма ташлади Бритлс.

— «Чамамда, кунинг битган кўринади, Бритлс, дедим, — ҳикоясини давом эттирди Жайлс, — лекинига чўчима».

— У қўрқиб кетгандир-а? — сўради ошпаз.

— Зигирчаям, — жавоб қилди мистер Жайлс. — У ҳам худди... ҳа, худди мендай қилт этмади.

— Ростини айтсам, унинг ўрнида мен бўлганимда, ўша ердаёқ юрагим паққа ёрилиб ўлиб қўя қолардим, — деди оқсоч.

— Сиз — аёл кишисиз, — қаршилиқ билдирди Бритлс сал дадиллашиб.

— Бритлс ҳақ, — деди мистер Жайлс, хайрихоҳона бош ирғаб, — хотин кишидан бундан бошқа ниманиям кутилари. Аммо биз, эркаклар, Бритлснинг каминида турган шишали фонусни олдиғу зимистон қоронғиликда пайпаслана-пайпаслана знапоядан туша бошладик — айтайлик, мана бундай қилиб...

Ўз ҳикоясини муқобил ҳаракатлар ила тасвирлар экан, мистер Жайлс ўридан турди ва кўзини юмиб икки қадам босди-ю, тўсатдан худди бошқалар сингари қаттиқ сесканиб тушиб, орқасига, курсиси томон ташланди. Ошпаз билан оқсоч чийиллаб юборишди.

— Жимдир тақиллатди, — деди мистер Жайлс ўзини осойишта-хотиржам кўрсатиб. — Қани, бирортанглар эшикни очинглар-чи.

Ҳеч зог қимир этмади.

— Бу ёғи ғалати бўлди-ку, — каллаи саҳарлаб тақиллатишса-я, — деди мистер Жайлс теварагидаги ранги паға бўлиб кетган башараларга бир-бир назар ташларкан, ўзининг ҳам ранги девор эди бамисоли, — шундоқ бўлсаям эшикни очиш керак-ку. Бирорталаринг туринглар, эшитяписизларми?

Шундай дея мистер Жайлс Бритлсга қаради, бироқ табиатан камсуқумгина бу йигит ўзини хокисор бир кимса ҳисобласа керак, шу боисдан мазкур гапнинг ўзига заррача алоқаси йўқ деб ўйлади чоғи: ҳар ҳолда у миқ этмади. Мистер Жайлс кейин мисгарга илтижо-ла жавдиради, аммо униси тўсатдан ухлаб қолди. Аёлларни-ку гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Мабодо Бритлс гувоҳлар ҳозирлигида эшикни очишга рози бўлса, — деди мистер Жайлс андак сукутдан сўнг, — улардан бири бўлишга тайёрман.

— Камина ҳам тайёр, — деди мисгар қандай дабдурустдан ухлаб қолган бўлса, ўшандай қўққисдан уйғониб.

Шу шарт билан Бритлс ён берди ва бутунлай кун ёришиб кетганидан пича кўнгли жойига тушган жамоат (дераза қопқоқларини очганда бунга ишонч ҳосил қилишганди) зинадан қўтарила бошлади — олдинда итлар борарди. Паст-

да қолишга қўрққан иккала аёл издиҳом охирида одимлашарди. Мистер Жайлснинг маслаҳатига биноан ташқаридаги ҳар қандай жиноятчини улар кўпчилик эканларидан огоҳ этиб ҳаммалари қаттиқ-қаттиқ гапиришарди; эшик олдига етганларида эса, яна ўша ихтирочи жентльменнинг калласида тугилган доҳиёна режани амалга ошириб, баланд овоз берсин, деган мақсадда итларнинг думидан қаттиқ тортиб қўйишди.

Ушбу эҳтиёт чоралари кўрилиб бўлингач, мистер Жайлс мисгарнинг қўлидан (унинг эҳтиром-ла таърифлашича, қочиб қолмасин деб) маҳкам чангаллаб олди-да, эшикни очишни буюрди. Бритлс буйруққа итоат этди; бошқалар қўрқа-писа бир-бировларининг орқаларидан мўралар эканлар, бечора, жимит Оливер Твистдан бўлак ҳеч қанақанги қўрқинчли зотни кўрмадилар. У ҳолсизликдан оғзини ҳам очолмай, фақат зилдай қовоғини кўтариб, шафқат тилаб унсизгина илтижо қила олди, холос.

— Бола-ку! — нидо солди мистер Жайлс мисгарни ботирлик билан орқага суриб. — Нима қипти унга... а?... Нима? Бритлс... қара-чи... Танияпсанми?

Бритлс Оливерни кўришга улгурмасиданоқ — очмоқчи бўлиб эшик орқасига тисарилган эди — бақириб юборди. Мистер Жайлс шапла Оливернинг ҳам оёғи, ҳам қўлига (яхшиямки соғ қўлига) чанг солиб, ичкарига тортди-да, ерга қўйди.

— Мана у! — бўкирди Жайлс ҳаяжонда ҳовлиқиб, зина томонга буриларкан. — Талончилардан бири шу, хоним! Мана у, талончи, мисс! Яраланган у, мисс! Буни мен отгандим, Бритлс бўлса чироқ тутиб турганди.

— Фонусни тутиб тургандим, мисс! — қичкирди Бритлс овозим баланд чиқсин деб қўлини оғзига карнай қилиб тутиб.

Ҳар иккала хизматкор аёл мистер Жайлснинг ўгрини тутганини хабар қилгани тепага зинғиллашди, мисгар бўлса дорга осмасларидан бурун ўлиб қолмасин учун Оливерни ҳушига келтиришга урина кетди. Ана шундай ҳай-ҳайсурон ва тўс-тўполон орасидан мулойим аёл киши овози эшитилди-ю, ҳаммаёқ сув қуйгандай тинчиди-қолди.

— Жайлс! — дея пичирлаган овоз келди зинанинг тепасидан.

— Бу ердан, мисс, — жавоб берди Жайлс. — Қўрқманг, мисс, унчалик жароҳатланганим йўқ. Жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатгани йўқ у, мисс! Бирпасда суробини тўғриладим.

— Секинроқ! — деди ёшгина хоним. — Холагинамни ўғрилардан баттар ўта-каларини ёриб юборасиз-а... Шўрликкина, оғир яраланганми?

— Жудаям, мисс! — жавоб қайтарди Жайлс тавсифга сиғмас бир мағрурлик билан.

— Ҳозир ўлиб қоладиганга ўхшайди, мисс, — қичкирди Бритлс ўша-ўша овозда. — Пастга тушиб, ўлиб қолмасидан бир кўрмайсизми, мисс?

— Барака топкур, сал секинроқ! — деди хоним. — Бир зумгина жим туринг, ҳозир холам билан гаплашиб олай.

Қисқаси, у ичкарига кириб кетди — одим олиши худди овози сингари мулойим, юмшоққина эди. Ҳадемай қайтиб чиқди ва ярадорни авайлаб тепага мистер Жайлснинг ҳужрасига олиб чиқишни — Бритлсга эса токи отни эгарлаб, имкони борича тезроқ констебель билан доктор жўнатишлари учун ҳаялламай Чертсига қараб йўлга тушишни буюрди.

— Олдин бир кўрмайсизми, мисс? — сўради мистер Жайлс кеккайиб, гўёки Оливер у отиб туширган антиқа қушдай. — Биттагина қиё боқмайсиз ҳамми, мисс?

— Йўқ, ҳозирмас, ҳозир сираям кўргим йўқ, — жавоб қилди ойимқиз. — Вой шўрликкина-я! Мени десангиз, Жайлс, унга мурувват билан муомала қилинг, тузукроқ қаранг!

Кекса хизматкор хоним кетишга чоғланиб энди бурилган онда унга шунақанги гурур ва завқ билан қараб қўйдик, буни кўриб гўё хоним унинг нуридийдаси экан-да, дейишингиз ҳеч гапмасди. Кейин у Оливер узра энгашиб, бамисоли аёл кишидай меҳр-муҳаббат-ла, авайлабгина болани тепага олиб чиқишларига ёрдамлашди.

## XXIX боб

*Оливер бошпана топган уй истиқоматчилари ҳақида дастлабки маълумотлардан хабар беради*

Жихозлари замонавий ҳашамдорликдан кўра кўпроқ кўҳна таомил қулайлигидан далолат бериб турганига қарамай, шинамгина хонада нафис идишлар-ла тузалган дастурхон устида икки хоним нонушта қилиб ўтиришарди. Қора бежирим уст-бош кийган мистер Жайлс уларнинг хизматида; Жайлс орқага ташланган бошини хиёлгина ёнга букиб, чап оёғини олдинга қўйиб, ўнг қўли билан нимчаси ёқасидан тутганча, пастга туширилган чап қўлида патнисни ушлаган қўйи қаддини роз тутиб тураркан, қиёфасида ўз хизмати ва мавқеини зўр мамнуният билан англаб етгани ифодаси намоён эди.

Иккала хонимга келганда эса, улардан бири ёши аллақерга бориб қолганди, лекин ўзи ўтирган юмшоқ эман курсининг суянчиғидай қаддини тик тутарди. У тамомила эскича бичимда, лекин назокату дид-ла тикилган қўйлақда, қўллари-ни столда бир-бири устига қўйиб, улугсифат бир қиёфада ўтирибди. Қўйлағи энг сўнгги бичимга пича ён босганди, бироқ бу нуқс умумий таассуротга асло зарар етказмаганди, аксинча, эски бичимнинг нафосатини янада бўрттириб турарди. Унинг кўзлари (йиллар бу кўзларнинг нур-жилвасини хиралаштиролмаган эди) навкирон сужбатдошига тикилганди.

Кичик хонимнинг эса гул-гул очиладиган, аёлларга хос латофату назокат баҳори етишган ва (таққирю масхаралаш ботқоғига ботмай, ҳалол тан олинадиган бўлса) башарти тангри таоло марҳамату лутф-карамини дариг тутмай бирон вақт малоикаларини фоний хилқат қобуғига жо этадиган бўлса, бу вужуд фаришталар жон-жон дея маскан тутадиган ёшда эди.

У ўн еттилар чамасида эди. Қадди-қомати шунчалар нозигу бежирим, чеҳраси эса шунчалар мулойиму нафис, шунчалар латофатлию ювош, шунчалар тинигу сулув эдики, гўё она-ер шундай махлиқо мавжудлигидан миннатдор бўлмоғи даркор эди, барча замин махлуқотлари унга номуносиб ҳамроҳга ўхшарди. Ҳатто тубсиз мовий кўзларида чақнаб, латиф манглайда акс этиб турган зукколиги на ёшига ва на бу дунёга Мосу мувофиқ келмайдигандек кўринарди; илло беозорлигию кўнгилчанлиги, чеҳрасини нурафшон этган ва унда зарра губор қолдирмаган минг-минглаб шууру шуъла яллиғи, энг асосийси эса — табассуми, ёқимтой, қувноқ табассуми оила учун, оилавий орому бахт нашидасини суриш учун яратилганди.

У дастурхон устида бекаликни ўрнига қўярди. Кекса хоним унга қараётган лаҳзада тасодифан кўзларини кўтариб қолди-ю, оддийгина таралган, пешонасига тушиб турган сочини қувноқлик билан орқага силкиди, шунда чақноқ нигоҳида шунчалар меҳр ва асл назокат жилва қилдики, буни кўрганда ҳатто самовий фариштаю малоикалар беихтиёр жилмайган бўлардилар.

— Бритлс йўлга чиққанига бир соатдан ошди-ёв, тўғриямасми? — сўради кекса хоним бирпас дам сақлагач.

— Бир соату йигирма дақиқа бўлди, хоним, — жавоб берди мистер Жайлс, қора лентасидан ушлаб киссасидан чиқарган соатига қараб.

— Доим имиллагани-имиллаган, — деди кекса хоним.

— Бритлснинг ўзиям ўлгундек тепса-тебранмаслиғича қолган-да, хоним, — жавоб қайтарди хизматкор.

Дарвоқе, агар Бритлснинг ўттиз йилдан берига тепса-тебранмаслиғича қолганини эътиборга олинса, унинг бирон вақт келиб чаққон йигит бўлиб кетиши даргумон кўринади-ёв.

— Назаримда, тузалиш ўрнига, баттарлашиб борапти у, — деди кекса хоним.

— Мабодо ўзига ўхшаш оғайнилари билан айланишиб ҳаяллаб қолган бўлса, уни сираям кечириб бўлмайди, — деди ёш хоним кулимсираб.

Мистер Жайлс, ҳурмат юзасидан жилмайиб қўйсам ўрнимикин ё ноҳўя чиқармикин, дея тарадудланиб турарди афтидан, бироқ айни шу сонияда бог эшик олдига икки ғилдиракли энгил извош келиб тўхтаб, ундан семиз жентльмен сакраб тушди-ю, тўғри эшикка қараб югургилади ва қандайдир сирли тарзда

кўз очиб юмгунчалик дақиқада уйда пайдо бўлиб, хонага отилиб кираркан, сал бўлмаса мистер Жайлсга қўшиб нонушталикка тузаб қўйилган столни ағдариб юбораёзди.

— Умрим бино бўлиб бунақа гапни эшитмагандим! — хитоб қилди семиз жентльмен. — Азизам миссис Мэйли... ё тангрим!.. Яна тагин тун қоронгусида-я... сираям эшитмагандим бунақасини!

Семиз жентльмен шу тариқа ўз ҳамдардлигини намоён этганча, ҳар иккала хонимнинг қўлини сиқиб кўришди-да, курсини яқинроқ суриб, улардан ҳол-аҳвол сўрашга тутинди.

— Омонатини топшириб қўйишингиз ҳеч гапмасди, ҳа, қўрқувдан ўлиб қолишингиз мумкинийди, — деди семиз жентльмен. — Нега менга одам юбормадингиз? Виждонан айтаман, хизматкорим кўз очиб-юмгунча етиб келарди, шунингдек ўзим ҳам, кейин ёрдамчим ҳам хизматингизда бўлса боши кўкка етарди, бошга фалокат тушганда ҳар қандай одам қараб турмайди-ку, ахир. Ё раб, ё тангрим! Шундай кутмаган бир пайтда-я! Яна тагин қоп-қоронғи тунда-я!

Чамаси, доктор, гўёки жаноби ўғрилар ўз ишларини куппа-кундузи бажаришлари ва алоқа бўлими орқали икки-уч кун бурун огоҳлантириб қўйишлари расм бўлиб қолгандай, уйни ўмариб кетишга тўсатдан, иннайкейин, кечаси уринганларидан айниқса ташвишга тушиб қолганди.

— Сиз эса, мисс Роз, — деди доктор ёш хонимга мурожаат қилиб, — мен...

— Шундай, албатта, — унинг сўзини бўлди Роз, — холам тепада ётган шўрликни кўриб қўйсин дегандилар.

— Ҳа, ҳа, турган гап, — жавоб берди доктор. — Тўппа-тўғри! Фикри ожимча, бу сизнинг ишингиз-а, Жайлс.

Идишларни жонсараклик билан йигиштираётган мистер Жайлс шолғомдай қизариб кетди ва бу шараф унга тегишли эканини айтди.

— Шараф дедиларми? — қайтариб сўради доктор. — Йўғ-э, яна билмадиму лекин ўн икки қадам масофадан туриб бировни отиш қанчалик шараф бўлса ўчоқбошида туриб ўғрини отиб яралаш ҳам ўшанчалик шарафдир-ов. Бир кўз олдингизга келтиринг-а, Жайлс, сиз дуэлда олишяписизу рақибингиз бўлса ҳавога ўқ узяпти.

Ишга бунчалик енгил-елпи муносабатда бўлишни ўз шухратини камситишга уриниш, деб ҳисоблаган мистер Жайлс эҳтиром-ла, бу борада бош қотириб ўтириш унинг вазифаси эмаслигини, аммо-лекин, ўзининг фикрича, рақиб томоннинг аҳволи ҳазилакам эмаслигини айтди.

— Ҳа, ҳақ гап! — хитоб қилди доктор. — Қаерда у? Енига бошланг-чи. Қайтишда бу ерга кириб ўтаман, миссис Мэйли. У ошиб тушган ўша деразами? Вой-бў, икки дунёда ҳам ишонмаган бўлардим бунга!

Доктор вайсаганча мистер Жайлснинг орқасидан тепага кўтарила бошлади. Токи у зинадан тепага чиқиб бораётган экан, бу фурсатдан фойдаланиб китобхонни мистер Лосберннинг шу ерлик табиб экани, ўн чақиримлаб теварақ-атрофдагиларнинг жамикиси уни «доктор» деб билиши, фаровон ҳаёт кечиритдан кўра кўпроқ бағри кенлигидан семириб кетгани, гоёта ёқимтой ва очик-кўнгиллиги, устига-устак бирорта кашфиётчи бу вилоятдан майдони беш барабар каттароғини чироқ ёқиб излаган тақдирида ҳам тополмайдиган чиза думбулроқ кекса бўйдоқ эканидан воқиф этсак бўлади.

Доктор ўзи ва иккала хоним ўйлаганидан кўра хийла узоқроқ тугилиб қолди. Извошдан каттакан япасқи яшиқни олиб киришди; кобгоҳда бот-бот қўнғироқ чалиниб турди, хизматкорлар эса зинадан бетўхтов чиқиб-тушиб танда қўйиб қолишди; ана шу белги-нишонларга асосланиб, тепада ниҳоятда жиддий иш бораётибди, деган ҳаққоний хулосага келинди. Ниҳоят доктор тушиб келди ва бемор хусусидаги ташвишли саволларга жавобан қиёфасига ўта сирли тус бериб, эшиқни зичлаб беритди.

— Бу гайриодатий бир ҳодиса, миссис Мэйли, — деди доктор, худди биров очмасин дегандек, орқаси билан эшикка суяниб.

— Наҳотки унинг ҳаёти хавф остида бўлса? — сўради кекса хоним.

— Бутун шарт-шароит эътиборга олинса, буниг ҳеч қанақанги гайриода-

тий томони бўлмаслиги ҳам мумкин-а, — жавоб берди доктор, — дарвоқе, менмича, хавфли жойи йўқ. Узингиз ўғрини кўрдингизми?

— Йўқ, — жавоб қилди хоним.

— У тўғрисида ҳеч нима эшитмадингиз ҳамми?

— Ҳеч нима.

— Афв этасиз, хоним, — гапга аралашди мистер Жайлс; — доктор Лосберн кириб келганларида у тўғрисида гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаб тургандим.

Гап шундаки, олдинга мистер Жайлснинг бор-йўғи бир болакайни отганини тан олишга қурби етмаганди. Унинг жасоратига шунақанги мақтову таҳсинлар ёғилган эдиким, у метин жасорати туфайли қозонган бебақо шуҳрати чўққисида кўкрак кериб турган мафтункор дақиқалар нашидасини сураркан, шарҳу изохотни ақалли бир неча фурсат кейинроққа суриш истагини асло тиёлмаганди.

— Роз уни бирровгина кўрмоқчи бўлганди, — деди миссис Мэйли, — лекин мен бунга эшитишни ҳам истамадим.

— Ҳм! — деб қўйди доктор. — Кўриниши мутлақо кўрқинчли эмас Каминанинг ҳамроҳлигида унга кўз қирингизни ташлашга қаршимасмисиз?

— Албатта, агар бу зарур бўлса, — жавоб берди кекса хоним.

— Камина зарур деб ҳисоблайди, — деди доктор. — Ҳар ҳолда, имоним комилки, агар бу ишни кейинга қолдириб, ҳозир кўрмайдиган бўлсангиз, жудаям афсусланасиз. Ҳозир у тинч, қимир этмай ётибди. Рухсат этинг... мисс Роз, ижозатми? Шаъним ҳаққи онт ичаман, кўрқишга ҳеч қанақанги асос йўқ!

## XXX боб

### *Оливерни зиёрат қилган янги зотларнинг қандай ҳаёлларга борганларини нақл этади*

Доктор жинойтчини кўриб ҳазилакам таажжубланмасликларини қайта-қайта такрорлаган кўйи навқирон хонимнинг қўлини қўлтиғига олди-да, иккинчи, бўш қўлини миссис Мэйлига тутиб, уларни тантанавор қиёфада, асасая дабдаба билан тепага бошлади.

— Ана энди, — пичирлади доктор астагина хобгоҳ эшиги бандини бурар экан, — бир эшитайлик-чи, у ҳақда нима деркансизлар. Одам Ато замонидан берига бетига устара тегмаган, шунга қарамай афти сираям ваҳимали эмас. Дарвоқе, шошмай туринглар-чи! Олдин қараб кўрай, меҳмонларни қабул қилишга тайёрмикин.

Доктор хонимлардан олдинга ўтиб, хонага қадам қўйди. Сўнгра, ортимдан кираверинглар, дея ишора қилиб, уларни ичкарига ўтказиб, эшикни беркитди-да, каравотнинг чодир-пардасини эҳтиёткорлик билан қайирди. Каравотда улар кутганидай бадбин, ўнғалмас газзоб ўрнида қилтириқ, оғриқдан азоб чеккан бир гўдак данг қотиб ухлаб ётарди. Жароҳати бойланган ярадор қўли кўксига, бошини соғ қўлига қўйиб ётибди, ёстик билан битта бўлиб ёйилган сочи билагининг ярмини қоплаган.

Муҳтарам жентльмен пардани қайирган кўйи бирон дақиқача болакайга индамай тикилиб турди. У беморини кузатаркан, ёш хоним лип этиб унинг қўли билан парда оралигидан ўтди-ю, каравот ёнидаги курсига ўтирди-да, Оливернинг юзини ёпиб турган сочларини қайтариб қўйди. Боланинг устига эгиларкан, қиз кўзларидан юмалаган ёш унинг пешонасига томди.

Бола қимирлаб, бамисли бу раҳм-шафқат ҳамда ҳамдардлик нишонаси бўлмиш ёш томчилари қандайдир бир ёқимли, у умрида кўрмаган меҳр-оқибату эркалаш орзусини туғдиргандай, уйқусида жилмайиб қўйди. Худди шунингдек, майин куй, сувнинг осудалик қўйнида чулдираши, чечак атри ёхуд таниш бир калима сўз ҳам гоҳо қўққисдан киши ҳаётида таг-туғида бўлмаган ширава хотиротни — бу хйла дориломон кунлар ҳақидаги оний учқур орзулар қано-тида пайдо бўлган ва бир хўрсиниқ мисоли учиб ғойиб бўладиган хотиротлар —

зўрлаш билан хотирот кўзгусида асло жонлантириб бўлмайдиган хотиротларни гавдалантиради.

— Бу қанақаси бўлди? — нидо солди кекса хоним. — Бу шўрлик гўдак ўғри-муттаҳамларнинг шериги бўлиши мумкин эмас.

— Қусуру иллат аксарият қасру эҳромлардан ўзига маскан топа олади, — деди табиб хўрсиниб, парда четини қўйиб юборар экан. — Шундоқ бўлгач, ажойиб қобик — келишган тана — унга мазгил бўлолмайди деб ким ҳам айта олади?

— Шундай ёш бола-я? — эътироз билдирди Роз.

— Азиз жажжи хонимгинам, — деди табиб надомат-ла бош чайқаб, — жиноят, худди ажал сингари, нафақат кексайиб, қилтиллаб қолганларгагина ҳукмини утказди. Энг ёшу энг ажойиб жонлар ҳам тез-тез тушиб турадилар бундай гуноҳ тузоғига.

— Наҳотки... о, наҳотки сиз шу мурғаккина гўдакни энг қабиҳ, расвойи радди маърака муртадларга ўз ихтиёри билан қўшилган, деб ўйлайсиз?

Доктор, жуда бўлиши мумкин-да, деган маънода бош иргаб қўйди; у хонимларни болани безовта қилмасликларини огоҳлантириб, икковларини қўшни хонага бошлади.

— Бордию у ҳатто йўлдан озган тақдиридаям, — сўзини давом эттирди Роз, — узингиз ўйланг, ҳали гирт гўдак-ку. Бир ўйлаб кўринг, балки у ҳеч қачон на она меҳрини, на оилавий ҳузур-ҳаловатни кўрмаган, билмагандир. Эҳтимол, ёмон муомала, калтаклашлар ёки очлик уни зўрлаб жиноятга бошлаган одамларга қўшилиб кетишга мажбур этгандир... Хола, ўргилай хола, худо ҳаққи, бечора касал болани қамоққа тикишларига рухсат беришдан олдин бир ўйлаб кўринг, у ёқда, турган гапки, тузалишига бўлган энг охирги умид учқуниям сўниб, адоий тамом бўлади-ку! Сиз мени севасиз, сизнинг меҳрибончилигингиз ва саховатингиз шарофати билан ҳеч қачон етимлигимни ҳис қилмаганимни яхши биласиз, лекин бунга ҳис қилишим, манави шўрлик гўдакка ўхшаб, ночору нотавон, ҳимоячисиз оғизга бўлиб қолишим ҳам мумкин эди-ку! Шунингчун, вақт борлигида бунга ҳам шафқат қила қолинг!

— Жоним болам-эй, — деди кекса хоним йиғлаб турган қизни бағрига босиб, — наҳотки мени унинг бошидаги ҳатто битта тукига қўл теккизади деб уйласанг?

— Йўғ-э! — дея қизгин хитоб қилди Роз.

— Албатта, ундай қилмайман, — гапини тасдиқлади кекса хоним. — Умрим поёни-заволига яқинлаб боряпти, шу сабабли ўзим марҳамату шафқат умидида эканман, одамларга нисбатан марҳаматли бўлишга ҳаракат қиламан... Уни қутқариб қолиш учун нима қилишим керак, сэр?

— Мулоҳаза юритиб кўришимга имкон беринг пича, хоним, — деди доктор, — бош қотириб кўришга...

Мистер Лосберн қўлларини чўнтагига суққанча, бир неча мартаба хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келди, дам-бадам юришдан тўхтаб, оёғи учига кўтарилган дамларида ваҳимали қиефада қовоғи уйилиб кетарди. Бир неча марта: «Топдим!» — «Йўқ, бўлмайди бу!» — дея хитоб қилди-да, яна қошларини чи-мирганча нари-бери бориб-келаверди, ахийри тўхтаб, шундай деди:

— Наздимда, башарти Жайлс билан анави болакай Бритлсни боплаб қўрқитиб қўйишимга изн берсангиз, бу ишни эпини қиларман-ов. Виламан, Жайлс — садоқатли одам ва эски хизматкор, лекин сизнинг измингизда у билан яна иноқлашиб кетиш, бунинг устига мерганлиги учун тақдирлашнинг минглаб йуриғи бор. Қаршиямасмисиз бунга?

— Агар болани қутқариб қолишнинг ўзга чораси бўлмаса, — жавоб берди миссис Мэйли.

— Бошқа ҳеч қанақанги чораси йўқ, — деди доктор. — Ҳа, ҳеч қанақанги! Гапимга ишонаверинг!

— Ундай бўлса холам сизга чекланмаган ҳақ-ҳуқуқ берадилар, — деди Роз кўз ёшлари орасидан жилмайиб. — Лекин, ўтинаман, у шўрликларга нисбатан керагидан ортиқча қаттиққўллик қилмасангиз.

— Сиз, мисс Роз, — эътироз билдирди доктор, — бугун ўзингиздан бошқа ҳаммани тошбағир деб ҳисоблаясиз чоғи. Усиб-улгайиб келаётган эркаклар

вакиллари бахт-саодати ҳаққи, шу нарсагагина умид қиламанки, сизнинг қалбингизда ачиниш ҳиссини туғдирган дастлабки муносиб йигитча худди мана шундай таъсирчан ҳамда раҳмдил кўнглингизни дарров ийдириб юборади. Қани энди шу топда йигитча бўлиб қолсаму бугунгидек қулай фурсатдан ҳаялламай фойдалансам.

— Сиз ҳам худди Бритлсга ўхшаган соқоли чиққан болакайсиз, — деди Роз лолақизғалдоқдек қизариб.

— Нимаям дердим, — самимий кулди доктор. — бу унчалик мушкул иш эмас. Лекин бола масаласига қайтайлик. Битимимизнинг асосий бандини муҳокама қилиб олишимиз керак ҳали. Тахминимча, у бирор соатдан кейин уйғонади. Гарчандки анави, пастдаги ҳафтафаҳм констеблга, болани безовта қилиш мумкин эмас ва гаплашиш соғлиги учун хавфли, деб айтган бўлсам ҳам, ўйлайманки, у билан гаплашиб олсак бўлади, буни хатарли жойи йўқ. Каминанинг шарти шу: сизларнинг шоҳидлигингизда ундан сўраб-суриштираман ва башарти, унинг сўзлари асосида (ақлу зехнимиз қаноатланса, албатта), бутунлай йўлдан озган, деган хулосага келсак (бу ҳақиқатга яқинроқ), болани ўз қисмати ҳукмига ҳавола қиламиз, ҳар ҳолда, мен ортиқ аралашмайман.

— Йўқ-йўқ, холажон! — илтижо қилди Роз.

— Хўп деъверинг холаси! — сўзини бўлди доктор. — Келишдикми?

— У ўнгалмайдиган ярамас эмасдир-ов! — деди Роз. — Ақлга сигмайди бу.

— Жуда соз! — деди доктор. — Демак, у тақдирда каминанинг таклифини қабул этиш янаям асосли бўлади.

Охир-оқибатда битим тузилиб, ҳар иккала томон Оливернинг уйғонишини бир қадар сабрсизлик билан кута бошлашди.

Иккала хонимнинг сабр-тоқатларини мистер Лосберн башорат қилганидан чандон ортиқроқ муддатга чўзиладиган имтиҳон кутаётган эди, зероки соат кетидан соат ўтиб борар, Оливер эса ҳануз тош қотиб ухларди. Кўнгли бўш доктор Оливернинг гаплаша оладиган даражада ўзига келгани хабарини келтирганида кеч кириб бўлганди. Докторнинг сўзига қараганда боланинг дарди жуда оғир ва қон кетишидан заифлашиб қолган экану, бироқ унинг ниманидир айтаман, деб жуда қийналаётганини кўриб, доктор унга бундай имконият беришни маъқул топди ва гўдакни эрталабгача безовта қилмасликни қатъиян талаб қилиб ўтирмади; акс ҳолда, у бу талабини мутлақо бўшаштирмаган бўларкан.

Сухбат чўзилиб кетди. Оливер оддийгина ҳаёти рўзномасини уларга икир-чикиригача сўзлаб бераркан, оғриқ ва дармонсизлик уни бот-бот жим қолишга мажбур этарди. Бошига бешафқат одамлар солган беҳисоб ранжу алам, фалокатларни маржон янглиғ қат-қат ипга тизиб ташлаётган бемор боланинг заиф овози ғира-шира хонада ҳазину ғамгин ғамгин эшитиларди. О, кошки эди биз, ўз яқинларимизни эзиб, зулм ўтказарканмиз, инсоний хатою янглишишларнинг даҳшатли далилу исботи — бошимиздан интиқом жаласини ёғдирмоқлик учун кўкка ўрлаётган қалин ва вазмин булутлар сингари аста-аста, аммо қатъий тарзда само сари парвоз қилаётган далилу исботлар хусусида лоақал бир марта ўйлаб кўрсагиди-я. О, қани энди биз марҳумларнинг оламда ҳеч қандай куч бўғиб қўя олмайдиган, ҳеч қандай гуруру такаббурлик унингни ўчира олмайдиган босинқи, фош этгувчи овозларини тасаввуротимиз қулоғи билан ақалли бир лаҳзагагина эшитолсак! Ҳаётнинг ҳар бир куни ёғдираётган ҳақорату адолатсизлик, ғам-аламу қашшоқлик, шафқатсизлигу таҳқирлаш, ранжу озорлардан нима қоларди у чоғда!

Уша оқшом Оливернинг ёстигини меҳрибон қўллар тўғрилаб қўйди, то уйқуга кетгунига қадар гўзаллигу саховат тимсоли қошида парвона бўлди. У хотиржам ва бахтиёр, ҳатто ғиқ этмай жон беришга ҳам тайёр эди.

Мазкур муҳим суҳбат тугагани ва Оливер яна уйқуга кета бошлагани ҳамонноқ доктор кўзларини ишқалаб, айни чоғда уларнинг кўнгилбўшликларидан ўпкалаганча пастга, мистер Жайлсга қарши иш бошлагани тушиб кетди.

Олд хоналарда ҳеч кимни кўрмагач, башарти ишни ўчоқбошида бошлайдиган бўлсам, балки катта муваффақиятга эришарман, деб ўйлади; шундай қилиб у ошхона сари йўл олди.

Бу ерда, хонадон парламентининг қуйи палатасида, оқсочлар, мистер Бритлс, мистер Жайлс, мисгар (кўрсатган хизматлари мукофоти тариқасида у кун охиригача меҳмон бўлиш хусусида махсус таклиф этилганди) ва констебль жам бўлишган эди. Бу кейинги жанобнинг ҳокимият вакили аломати бўлмиш каттакон асоси бор эди, калласи хумдай, юз тузилиши дағал, оёғида сўлоқмондай бошмоқ, башарасидан талайгина шароб ичган одамга ўхшаб ўтирар, аслида ҳам шундоқ эди.

Кечаги тунги саргузаштлар ҳануз муҳокама мавзуи хизматини ўтаётган эди чамаси, зеро, доктор кириб келган паллада мистер Жайлс ўзининг руҳан қандайин бардам эканлиги борасида оғиз кўпиртираётганди; мистер Бритлс қўлида кружкада шароб ушлаганча бошлиғининг оғзидан чиқаётган сўзларни тасдиқлаб турарди.

— Утираверинглар, — деди доктор қўлини силкиб.

— Ташаккур сизга, сэр, — жавоб қилди мистер Жайлс. — Бека бизга шароб беришни буюрдилар, сэр, иннайкейин десангиз, ўз хонамга қайтишга заррача майлим бўлмагани ҳамда кўнглим жамоат билан бир отамлашишни тусаб қолгани туфайлидан, ўзингиз кўриб турибсизки, шу ерда улар билан улфатчилик қилиб ўтирибман, сэр.

Биринчи бўлиб Бритлс, ундан кейин хонимлар ва жентльменлар мистер Жайлс кўрсатган илтифоту мурувватдан нечоғлик мамнун эканларини ичирлабгина изҳор этдилар. Мистер Жайлс, гўёки ўзларининг муносиб тутар экансизлар, сизларни тарк этмайман, деяётгандек, атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб чиқди.

— Беморнинг аҳволи қалай шу топда, сэр? — сўради Жайлс.

— Яхшимас, — жавоб қилди доктор. — Мистер Жайлс, мушкул аҳволга тушиб қолмадингизмикин, деб кўрқиб турибман-да.

— Умид қиламанки, сэр, — дея гап бошлади мистер Жайлс қалтираб кетиб, — бу билан, у оламдан ўтади, демоқчимасдирсиз? Агар бу ишни шундай уй билан қилган бўлсам, бир умрга оромим йўқоларди-я. Вирорта болани нобуд қилишга икки дунёда рози бўлмасдим — ҳатто манови Бритлсни ҳам — ҳа, бутун графликдаги жамики кумуш идиш-товоғу қошиқ-санчқиларни ваъда қилганларидаям кўнмасдим, сэр.

— Гап бунда эмас... — деди доктор сирли оҳангда. — Мистер Жайлс, ўзлари протестантмилар?

— Шундай, сэр, имоним шоҳид, — деди мистер Жайлс дудуқланиб.

— Хўш, сиз-чи, йигитча? — деб сўради доктор Бритлсга кескин ўгирилиб.

— Худони ўзи кечирсин, сэр, — деди Бритлс бир чўчиб тушиб. — Мен... мен мистер Жайлс нима бўлсалар, мен ҳам ўшаман, сэр.

— Ундоқ бўлса, — сўроқни давом эттирди доктор, — икковинглар жавоб беринглар-чи, ҳа икковинглар: анави, тепадаги болани — кеча кечаси ўғрилар деразадан туширишган айнан ўша бола деб қасам ичиб гувоҳлик беришга тайёрмисиз! Жавоб беринглар! Хўш? Қулоғимиз сизда.

Ҳаммалари оламда энг мулоим одамлардан бири деб ҳисоблайдиган доктор бу саволни шунчалар қаҳрли оҳангда бердики, шароб таъсирида етарли даражада қизишган ва ширакайф Жайлс билан Бритлс қутлари учиб, бир-бировларига қараб олишди.

— Диққат билан қулоқ солинг, констебль, — деди доктор шаҳодат бармоғини бағоят дағдағали ўйнатиб ва мазкур муҳтарам зотнинг бор зеҳнию синчковлигини сергак торттириш ниятида ўша бармоғи билан қаншарига тўқиллатиб нуқиб. — Ҳозир баъзи нарсалар ойдинлашиши керак.

Констебль уддасидан чиққанича донишмандона қиёфага кирди ва камин олдидаги бурчакда бекор турган ҳакамлик асосини қўлига олди.

— Кўриб турганингиздек, бу — шахсни аниқлаш масаласи, — деди доктор.

— Мутлақо тўғри, сэр, — жавоб қайтарди констебль қаттиқ-қаттиқ йўталиб негаки, у шаробини ҳовлиқиб кўтариб юборган ва шароб бошқа йўлга кетиб қолганди.

— Уйга ўғрилар бостириб киришади, — сўзида давом этди доктор, — шунда ичкаридаги икки киши қоронғида, хавфу хатар энг авжга чиққан бир пайтда,



яна тагин отишма дуди орасидан, аллақандай бир болакайни бирров кўриб қолишади. Эрта-мертан худди ўша уйга бир болакай келиб қолади, унинг қўли бойлоқ бўлгани важдангина боғия одамлар уни қўполлик билан чиппа ушлашади — бу ҳаракатлари билан боланинг ҳаётини жиддий таҳликага қўйишади ва уни ўғри деб оит ичишади. Бундан битта савол тугилади: бу одамларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақмикин, бордию ноҳақ бўлиб чиққудек бўлса-чи, у чоғда булар ўзларини қай вазиятга солиб қўйишади?

Констебль чуқур мулоҳазакорлик билан бош ирғади. У, башарти бу ғайриқонуний ҳаракат бўлмаса унда нима эканини билишни истагини айтди.

— Сизлардан яна бир қарра сўрайман, — деди доктор дағдағали овоз билан, — бу худди ўша бола, деб тантанали қасамёд қила оласизларми?

Бритлс иккиланиброқ мистер Жайлсга қаради, мистер Жайлс иккиланиб Бритлсга юзланди; констебль жавобни илғаб олиш мақсадида қўлини кулогига тутди; иккала аёл билан мисгар яхшироқ эшитиш учун олдинга эгилишди; доктор зийраклик билан атрофидагиларни кузатишга киришганди, шу аснода тўсатдан дарвозанинг қўнғироғи жингиллаб, айни чоғда гилдиракларнинг тарақлагани эшитилди.

— Бу полиция изқуварлари! — нидо солди Бритлс, афтидан, у хийла енгил тортганди.

— Нима дедингиз? — қичқириб юборди доктор, ўз навбатида, энди уни ваҳима босиб.

— Боу-стрит агентлари, сэр, — жавоб берди Бритлс шамни қўлига оларкан. — Мистер Жайлс икковимиз эрталаб уларга одам жўнатгандик.

— Одам жўнатгандик, ҳали шунақа денг! Падарига минг лаънат сизни... сизни ўша араваларингизни — аранг сургалиб юради-я! — деди доктор ошхонадан чиқаётиб.

## XXXI боб

*танг вазият хусусида ҳикоя қилади*

— Ким бу? — сўради Бритлс, кейин эшикни қия очди-да, занжирини туширмай, кафти билан шамни пана қилиб, ташқарига мўралади.

— Эшикни очинг, — жавоб қилди ташқаридаги одам. — Вугун одам юборганларинг — Боу-стрит агентлари бўламиз.

Бу жавобдан мутлақо кўнгли жойига тушган Бритлс эшикни ланг очди-ю, қаршисида пальто кийган басавлат одамга кўзи тушди; у одам ортиқ бир огиз ҳам сўз айтмай, ичкари кирди-да, гўёки шу ерда турадигандек совуққонлик билан оёқ кийимини бўйрага суртиб тозалайверди.

— Қани, йигитча, ошнамнинг ўрнига биронтасини жўнатиң-чи, — деди агент. — У извошда отни пойлаб қолди. Извошни беш-ўн дақиқага киритиб қўйса бўладиган жой-пойларинг борми?

Бритлс ижобий жавоб қилиб, уларга керакли бинони кўрсатгач, басавлат киши дарвоза ёнига қайтиб бориб, ҳамроҳига икки гилдиракли извошни бостирмага киритиб қўйишига ёрдамлашди, бу орада ўзида йўқ хурсанд Бритлс бажонидил уларга шам тутиб турди. Бу ишларни тугатгач, улар уйга қараб юришди ва меҳмонхонага бошлаб киришганида пальтолари билан шляпаларини ечиб, бутун ҳусн-жамолларию бўю бастилари ила намоён бўлишди.

Эшикни тақиллатгани чайир гавдали, эллик ёшлар чамасидаги, ўрта бўй, ниҳоятда калта қилиб кузалган қоп-қора ялтироқ сочли, чакка соқол қўйган, юмалоқ юзли ва ўткир кўзли одам эди. Шериғи эса малла, қотмадан келган, қайтарма қўнж этик кийган одам бўлиб, башараси совуқ, хунукдан-хунук танқа бурун экан.

— Соҳибингизга хабар қилинғ, Блетерс билан Дафф келишибди, денг, эшитяписизми? — деди басавлат киши, сочини силаб, бир жуфт кишанни столга қўяр экан. — О, оқшомлари хайрли бўлсин, тақсир! Ижозатлари билан ўзларига холи жойда икки огиз гап айтсам.

Ушбу сўзлар хонага кириб келган мистер Лосбернга қаратилган эди; мазкур

жентльмен Бритлсга имо билан гумдон бўлншни буюриб, иккала хонимни ичкарига киритди-да, эшикни ёпди.

— Бу киши хонадон соҳибаси бўладилар, — деди мистер Лосберн миссис Мэйлини кўрсатиб.

Мистер Блетерс таъзим бажо келтирди. Утиришга изн теккач, у шляпасини ерга қўйиб, курсига жойлашди-да, Даффа ҳам ўзидан ибрат олишини имо қилди. Тузукроқ даврага кўпда кўникмаганиданми, бундай даврада ўзини эмин-эркин сезмаганиданми, ҳайтовур мазкур жентльмен бир қатор эсанкираган, талвасаланган киши хатти-ҳаракатларидан сўнг, парокандалик билан ҳассаси тутқичини оғзига тикқан кўйи курсига чўкди.

— Ана энди ўгирлик масаласи билан шуғулланамиз, тақсир, — деди Блетерс. — Иш қандай ҳолатда?

Мистер Лосберн, чамаси, вақтдан ютиш истагида, шарт-шароитни ғоятда батафсил ҳам талайгина бўяб-бежашлар билан сўзлаб берди. Блетерс ва Дафф жанобларининг кўриниши ўта фаросатли, тийрак эди ва аҳён-аҳёнда бир бош ирғаб олишарди ўзаро.

— Токи воқеа содир бўлган жойни кўрмасдан туриб, қатъий бир гап айт-толмайман, албатта, — деди Блетерс, — локигин шу топдаги фикримча — бу жабҳада ўз ният-режаларимни ўртага ташлашга тайёрман, — менинг фикримча қандайдир бирон қишлоқнинг ишиямас бу. А лаббай, Дафф?

— Турган гап, — садо берди Дафф.

— Инчунин, «қишлоқи» деган сўзингизни хонимларга таржима қилиб берадиган бўлинса, сиз, каминанинг фикри ожизича, бу ишни қишлоқда турадиган одам қилмаган, деб ҳисоблайсиз экан-да, шундайми? — кулиб туриб сўради мистер Лосберн.

— Балли, тақсир, — жавоб берди Блетерс. — Угирлик юзасидан бўлак ҳеч қандай тафсилот йўқми?

— Ҳеч қандай, — деди доктор.

— Анави хизматкорлар алақандай бола тўғрисида валақлашяптими? — сўради Блетерс.

— Бўлмагур гап, — деди доктор. — Хизматкорлардан бири ўтакаси ёрилаёзганидан, кўрққанга қўша кўринади деганларидек, ўша болани талончиларга қандайдир алоқаси бор, деган гапга ёпишиб олибди, десангиз. Илло бу бемаъни гап, ғирт сафсата.

— Бордию, шундоқ бўлса, таъзирини бериб қўйишдан осони йўқ, — деди Дафф.

— Тўғри айтяпти у, — тасдиқлади Блетерс маъқуллаб бош ирғаб ва худди бир жуфт қайроқдек, қўл кишанини бепарвогина шиқирлатиб ўйнаганча. — Боланинг ўзи ким? Ўзи тўғрисида нималарни гапириб берди? Қаёқдан келиб қолибди? Ахир, осмондан тушмагандир-ку, тақсирим?

— Шубҳасиз, ундоқмас, — жавоб қилди доктор, иккала хонимга безовта нигоҳ ташлаб кўяркан. — Унинг бутун тарихи каминага аён, бироқ бу ҳақда кейинроқ гаплашсак ҳам бўлади. Ўйлайманки, авваламбор ўғриланинг уйга киришга уринган жойларини кўриш қизиқтирса керак сизни?

— Албатта, — гапни илиб кетди мистер Блетерс. — Олдинига ўша жойни кўздан кечирганимиз маъқул, ана ундан кейин хизматкорларни сўроқ қилармиз. Ишни текшириш ва тергов қилиш тартиби шундай ўзи.

Чироқ келтирдилар, жаноби Блетерс ва Даффар маҳаллий констебль, Бритлс, Жайлс ҳамда, қисқа қилиб айтганда, бошқаларнинг жамикиси кузатувида узун йўлакнинг нариги бошидаги ҳужрага кириб, деразадан бошларини чиқариб қарашди, шундан кейин уй теварагидаги майсалар устидан айланиб ўтиб, ўша деразадан ичкарига мўралаб кўришди; сўнгра дераза қопқоқларини кўздан кечириш учун қўлларига шам тутқаздилар; ундан сўнг изларни аниқламоқлик учун фокус тутдилар; энг охири буталар орасини титиб, ахтариб кўрмоқ учун паншаха бердилар. Жамики томошабинларнинг диққат-эътиборли кузатувлари остида шу ишлар ниҳоясига етказилгач, улар яна уйга киришди, ўша ондаёқ Жайлс билан Бритлс ўтган кечаси бошдан кечирган таъсирли ҳамда фожиавий саргузаштларини баён этишлари лозим эди; саргузаштларини улар

биринчи гал бир муҳим нуқтасида, охириги гал эса ўнга яқин жойида бир-бировларига зид гапириб, беш-олти марта такрорладилар. Блетерс билан Дафф ана шунақанги муваффақиятларга эришган, ҳаммани хонадан чиқариб юбориб, икковлон узоқ вақт шунчалар махфий ҳамда тантанавор кенгаш қурдиларким, бунинг олдида тиббиёт жабҳасидаги энг мушкул ҳол-ҳодисани муҳокама қилаётган улуг ҳакамларнинг маслаҳат мажлислари болалар эрмагидай бир гап эди.

Бу орада ташвиши ҳад-худудидан ортиб кетган доктор қўшни хонада у ёқдан-бу ёққа зир қатнар, миссис Мэйли билан Роз ўнга хавотир-ла тикилишарди.

— Ростини айтсам, — деди у хонада беҳисобу бесаноқ карра бориб-келиб, ниҳоят тўхтаркан, — нима қилишимниям билмай қолдим.

— Очиғи деди Роз, — агар бу кишиларга шўрлик боланинг тарихини ҳаққоний гапириб берилса, уни оқлаш учун шунинг ўзи кифоя бўлади-ку.

— Даргумон-ов бу, оймқизгинам, — бошини сарак-сарак қилиб эътироз билдирди доктор. — Бу нарса на манавиларнинг кўз ўнгида, на улардан кўра чандон юқорироқ мартабадаги одил суд ҳакамлари кўзи олдида оқлай олади болакайни. Сирасини айтганда, ким ўзи у? — дейишади. — Битта қочоқ-да! Башарти, фақат ақл-идрок ҳукми аъмолига риоя қилингудек бўлинса, унинг тарихи ниҳоят даражада ҳақиқатдан йироқ...

— Лекин ўзингиз-чи, ишонасизми ўнга? — унинг гапини бўлди Роз.

— Шуниси ҳайрон қоларлики, ўзим ишонаман, иннайкейин, мен қари аҳмоқ бўлсам керак аслида, — жавоб берди доктор. — Локин шунга қарамай, бунақанги сафсата тажрибали полиция мансабдори учун ярамайди деб ҳисоблайман.

— Нега энди? — сўради Роз.

— Шунинг учунким, менинг сулув терговчим, — жавоб қилди доктор, — уларнинг нуқтаи назари билан қаралса, бу ҳикоянинг хунук томонлари талайгина: бола ёмон таассурот қолдирадиган далилу жиҳатларнигина исботлаб бериши мумкин, холос, лекин ўзи учун фойдаси тегадиган бирорта нарсани исботлолмайди. Падарига лаънат бу нусхаларнинг! Нимагаю нима учун деб ҳамма гапни ипидан-игнасигача билишни ишташади, кейин оғзаки гапга ўла қолса ишонишмайди. Маълумингизким, унинг ўз оғзидан эшитган гапларга қараганда бола маълум муддат мобайнида ўғрилар даврасида бўлган; уни бир жентльменнинг чўнтагини шипириб кетишда айиблаб, полиция маҳкамасига жўнатганлар; ўша жентльменнинг уйдан уни зўрлаб аллақаяёққа олиб кетганлар, ўша жойни бўлса бола на тасвирлаб, на кўрсатиб бера олади, бунинг устига ҳозир ётган ери ҳақида заррача тасавуру тушунчага эга эмас. Хоҳлайдими ё хоҳламайдими, уни гўёки ўзига яқин аллақанақанги одамлар Чертсига олиб келадилар-да, уйни кўтариб кетиш мақсадида деразадан ичкарига итариб киргизадилар, кейин эса, бола хонадон истиқоматчиларини оёққа тургазмоқчи, бинобарин, зиммасидаги ҳар қандай жиноятни ювиб кетгучи ишни қилмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган айни ўша лаҳзада анави калтафаҳм махлуқ, тўнка эшикоғаси пайдо бўлади-ю, ўнга қарата ўқ узади. Худди атайлаб боланинг эзгу ниятига халал беришга қасд қилган дейсиз. Энди ҳаммаси тушунарли бўлгандир?

— Албатта, тушунарли бўлди, — жавоб берди Роз докторнинг ҳаяжонли нутқида жавобан кулимсираб, — лекин, ҳар ҳолда, бунинг шўрлик болага зарари тегадиган ҳеч қанақанги томонини кўрмаяпман.

— Ҳа, албатта, ҳеч қандай! — деди доктор. — Жинсдошларингиз намоядаларининг ўткир нигоҳларига худо қувват бергай. Улар ишининг бир томонинигина — яхши ёхуд ёмон томонинигина кўрадилар, иннайкейин десангиз, ҳаммаша дастлаб пайқаганларинигина.

Доктор ҳаётий тажрибаси самараларини шу тариқа баён этиб, қўлларини чўнтакларига суқди-да, хона бўйлаб янада илдамроқ кеза бошлади.

— Бу борада қанчалик кўп ўйлаганим сайин, агар бу одамларга боланинг ҳақиқий тарихини сўзлаб берадиган бўлсак, ташвишдан қутулолмаслигимизга шунчалик ишончим ортиб борапти. Турган гапки, ўнга ишонмайдилар. Борди-ю, таржимаи ҳоли ҳатто ўнга охир-оқибатда зиён етказмаган тақдирда ҳам, ҳар қалай, тарихини ошкор этиш, шунингдек бу ҳол тугдирадиган шубҳа-гумонлар

сизнинг болани азоб-уқубатдан халос қилишдек саховатли ниятингизга жиддий таъсир кўрсатади.

— Вой, унда нима қилдиг-а? — деди Роз ҳаяжон-ла. — Вой худойим, худойим-а! Нимага одам юборишибди-я буларга?

— Тўппа-тўғри айтасан, нега? — нидо солди миссис Мэйли. — Уларни икки дунёда қадам бостирмаган бўлардим-а уйимга.

— Мен ёлғиз бир нарсанигина биламан, — деди ниҳоят Лосберн, ҳар қанақанги ишга қўл уришга тайёр одам қиёфасида курсига чўқар экан, — ётиб қолгунча отиб қол қабилда иш тутиб, имкони бор нарсанинг жамини қилиш, қилганда ҳам дадил бажариш керак. Ниятимиз холис ва у қилмишимизни оқловчи омилимиз бўлсин. Болада иситманинг жамики белги-аломатлари зоҳир, баски, у гаплашадиган аҳволда эмас: бу эса бизга қўл келади. Биз бу ҳолатдан иложи борича фойдаланиб қолишимиз лозим. Башартики, оқибати хунук бўлиб чиққудек бўлса, бизнинг айбимиз эмас бу... Киринг!

— Хўш деганингиздан, тақсир, бу иш пишитилмаган, хом иш, — дея гап бошлади Блетерс ўз шериги билан ичкари кириб, эшикни зичлаб беркитаркан.

— Жин урсин! Хом иш деганингиз нимаси? — сабрсизлик билан сўради доктор.

— Пишитилган ўғирлик деб, хонимлар, — деди Блетерс, иккала хонимга мурожаат қилиб, уларнинг жоҳилликларига ачинган, аммо айни чоғда докторнинг омилигидан нафратланган бир авзойда, — биз хизматкорлар ҳам қатнашадиган талончиликни айтамыз.

— Маақур ишда ҳеч ким улардан шубҳалангани йўқ, — деди миссис Мэйли.

— Мутлақо бўлиши мумкин, хоним, — жавоб қилди Блетерс, — бироқ шунга қарамай уларнинг тили бир бўлиши ҳам мумкин эди-да.

— Улардан шубҳа қилмасликлари туфайлидан ҳам шундай бўлиб чиқиши эҳтимолдан холи эмасди-да, — кўшиб қўйди Дафф.

— Бу шаҳарликларнинг иши деб топдик, — деди Блетерс баённомасини давом эттириб. — Бағоят пухта иш.

— Ҳа, устомонлик билан бажарилган, — деб қўйди Дафф оҳистагина.

— Улар икки киши бўлишган, — давом эттирди Блетерс, — ёнларида бола ҳам бўлган. Деразанинг ҳажмига қараганда бу кундай равшан. Ҳозирча айта оладиган гапимиз мана шулар. Энди ижозатларингиз билан, биз ҳаялламай юқори қаватда ётган болани чиқиб кўрамыз.

— Юқорига чиқишдан олдин уларни бир ҳўпламгина бирон нима билан сийласак қандоқ бўларкин, миссис Мэйли, — деди доктор чиройи очилиб, хаёлига бирдан қандайдир янги фикр келиб қолди чоғи.

— Айтмоқчи, албатта! — сўзни илиб кетди Роз жўшқинлик билан. — Агар истасанглар, ҳозироқ келтириб беришади.

— Ташаккур сизга, мисс — деди Блетерс енги билан оғзини артиб. — Вази-фамиз ўзи шунақаки, томоғинг нақ қақраб кетади. Борига барака, мисс шу ерда боридан қуяверинг. Бизни деб азият чекиб, овора бўлиб юрманг тагин.

— Нимани хоҳлардингиз? — сўради доктор ёш хоним билан баравар жавонга яқинлашар экан.

— Агар малол келмаса, бир қултумгина спиртли ичимлик кифоя, тақсир, — жавоб қилди Блетерс. — Лондондан келаётиб йўлда совқотиб кетдик, хоним, кейин десангиз, мен ҳамини совқун кесадиغان нарса спирт эканини пайқанман.

Ушбу қизиқарли ахборот миссис Мэйлига қаратилганди ва хоним унга лутфан қулоқ солди. Токи бу ахборот шарҳи баён этиларкан, доктор лип этиб хондан чиқиб кетди.

— Эҳ-ҳе! — деди мистер Блетерс қадаҳни оёғидан эмас, шаҳодат ва бош бармоғи билан белидан қисиб ушлаганча кўкраги баравар кўтариб тураркан. — Камина ҳаётларида бунақанги ишларнинг озмунчасини кўрмаган, хоним.

— Лаоқал Эдмонтон яқинидаги қишлоқ йўлида қулфни бузиб кириб, уйни кўтариб кетганларини олайлик, Блетерс, — эслатди мистер Дафф ўз ҳамкасбига.

— У худди шу ишга ўхшарди-а, тўғрими? — гапни илиб кетди мистер Блетерс. — Бу Чикиуд Доғулининг иши эди.

— Сиз нуқул бу ишни ўшанга ёпиштирганингиз ёпиштирган, — қаршилиқ билдирди Дафф. — Мен бўлсам такроф айтаман, бу ишни Пет Оиламанд қилган.

— Қўйсангиз-чи! — унинг сўзини бўлди мистер Блетерс. — Бу камингага яхшироқ аён. Халиги, Доғулининг ўзини талаб кетганлари эсингиздами? Тоза хангома бўлганди-да. Ҳар қанақанги ҳикоятдан қизиқроқ десангиз.

— Қандай бўлганди бу? — деб сўради Роз номатлуб меҳмонларнинг очилиб-сочилиб турган кайфиятларини янада кўтаришни истаб.

— Бунақанги ўғирликни, мисс, бирор кимса жиддийроқ қоралаши амрима-хол эди, — деди Блетерс. — Уша Чикуйд Доғулининг ўзи десангиз...

— Доғули муғамбир дегани бўлади, хоним, — тушунтирди Дафф.

— Хонимлар бу сўзни тушуниб туришибди, шундай эмасми?.. — деди Блетерс. — Қачон қарасангиз гапимни бўлганингиз-бўлган-да, ошна... Қисқаси, ўша Чикуйд Доғулининг Вэтлбриж йўлида қовоқхонаси бўларди, ундан кейин десангиз, ёш-ёш жентльменлар хўроз уриштиришни, бўрсик билан итти олиштиришларини томоша қилгани унинг ертўласига тушиб туришарди. Бунақанги ўйинлар жудаям устомонлик билан ўтказиларди — мен ҳам уни тез-тез томоша қилиб турардим. Уша кезларда у ҳали ўғрилар тўдасига қўшилмаган эди. Қисқаси, бир куни кечаси каноп ҳамёнга солинган уч юз йигирма етти гиней пулини ўғирлаб кетишади; пулни ярим кечада унинг ётоқхонасидан аллақандай кўзига қора нарса тутиб олган новча одам ўмариб кетган; ўша эркак каравот тагига беркиниб олган экан, пулни ўмаргандан кейин эса иккинчи қаватдаги деразадан сакрабди. Жуда тезкорлик билан қилибди буни. Лекинига Доғули ҳам фурсатни ўтказмабди: шовқиндан уйғониб кетибди-ю, каравотдан сапчиб туриб, ўғрининг орқасидан ўқ узибди ва бутун қўшниларни уйғотиб юборибди. Уша заҳотиёқ қувишга тушишибди, у ёқ-бу ёқни кўздан кечира бошлашганда эса Доғулининг ҳар қалай ўғрини яралаганига ишонч ҳосил қилишибди: анча жойгача қон оқиб боргани шундоқ кўриниб турганмиш, бу из тўсиққача чўзилиб бориб, ўша ерга етганда йўқолибди. Бу ёғи қандоқ бўлса-бўпти-ю, ўғри ўлжаси билан жуфтаник ростлаб қолибди, спиртли ичимликлар билан савдо қилиш учун гувоҳномаси бўлган қовоқхона эгаси — мистер Чикуйднинг исм-шарифлари эса бошқа синганлар қатори «Газетада»\* босилиб чиқди. Шунда ҳар хил рўйхатлар тузиб, талончиликдан ниҳоятда эзилиб кетган жабрдийдага хайр-эхсон йиғиш деган гапларни ўйлаб чиқаришди: бечора уч-тўрт кунгача жон-жаҳди билан сочларини юлган кўйи кўчаларда дайдиб юрди, буни кўрган кўплар, ўз жонига қасд қилмаса гўрга эди, деб кўрқишди. Бир куни у ҳовлиқанча полиция судига кириб келади-да, судья билан бетма-бет суҳбатлашади, униси бўлса узоқ суҳбат қургандан сўнг қўнғироғини жингиллатади-да, Жем Спайерсни чақиртириб (Жем жуда эпчил агент эди-да ўзиям), унга мистер Чикуйд билан бирга бориш ва уйни ўмариб кетган одамни қўлга олишга ёрдамлашишни буюради. «Спайерс, — дейди Чикуйд, — кеча эрталаб унинг уйимнинг олдидан ўтиб кетаётганини кўриб қолдим». — «Унда нимага шартта ёқасидан олмадингиз?» — дейди Спайерс. «Шунақанги довдираб қолдимки, ўша пайтда бошимни тиш кавлагич билан уриб ёриш ҳам ҳеч гапмасди, — жавоб беради бечора, — лекин мана энди қўлдан чиқариб бўпмиз уни. Оқшом соат ўн бирлар орасида яна уйим олдидан ўтди». Бу гапни эшитиб Спайерс ўша заҳотиёқ, икки-уч кун ўша ерда тутилиб қолиш эҳтимоли борлиги туфайли, чўнтагига тоза рўмолчаси билан тароғини солади-да, йўлга тушади, қовоқхонага етиб келгач, чоққина қизил парда тутиғлик дераза олдига жойлашиб олади, исталган дамда ташқарига отилиб чиқиш учун шляпасини ҳам ечмайди. Уша ерда у то кечгача трубкасини тутатиб ўтиради, шунда Чикуйд қўққисдан: «Ана у? Ўғрини ушланглар! Ўлдирапти!» — деб дод солиб қолади. Спайерс кўчага отилиб чиқади-ю, жони борича югуриб, бақириб бораётган Чикуйдга кўзи тушади. Спайерс кетидан югуради; Чикуйд олға қараб ўқдай учиб боради: одамлар ўгирилиб қарашади; ҳаммалари: «Ўғрилар!» — деб қичқиришади; Чикуйднинг ўзи ҳам бами-соли телбалардай бўкиришини қўймайди. Спайерс уни муюлишдан бурилган сонияда бър лаҳзагагина кўздан қочиради, лекин орқасидан югуриб бораверди, етиб бориб, кичикроққина тўдани кўради-ю, ўзини тўда орасига уради: «Булардан қайси бири!» — «Жин чалгур, — дейди Чикуйд, — яна қўлдан чиқариб юбор-

дим». Қанчалик ғалати туюлмасин, у ердаям, кўкдаям кўринмайди — тагин қовоқхонага қайтишларига тўғри келади. Эрта-мертан яна ўша жойни эгаллаган Спайерснинг кўзига қора тутган баланд бўйли киши кўриниб қолар, деб парда ортидан мўралайвериш кўзлари огриб кетади. Ахийри пича дам бериш учун кўзларини юмишга мажбур бўлади, худди шу лаҳзада Чикиуднинг: «Ана у!» — деб бўкирганини эшитади. У яна қувишга тушади, Чикиуд бўлса бу орада кўчанинг қоқ ярмига бориб қолганди. Икковлашиб кеча кечқурунгига қараганда икки барабар масофани босиб ўтганларида ўша одам тагин ғойиб бўлади. Бу ҳол тагин икки бора такрорланади ва ниҳоят, қўшнилардан, аксари, мистер Чикиуднинг пулини шаҳсан иблисининг ўзи ўғирлаган, мана энди уни бурнидан ип ўтказиб олиб, аҳмоқ қилиб юрибди, дейишади, бошқалари эса — мистер Чикиуд шўрликни бошига тушган кулфатдан мияси айниб қолган, дейишади.

— Жем Спайерс-чи, у нима дейди? — сўради доктор, у мазкур ҳикоят бошланган пайтда хонага қайтган эди.

— Жем Спайерс узоқ вақтларгача узил-кесил ҳеч нима демайди, — ҳикоясини давом эттирди агент, — ва ҳамма нарсадан кўз-қулоқ бўлиб, илло ҳеч нимани билмаган-сезмаган бўлиб юраверади; бундан шундай хулоса чиқадики, у ўз ишини пухта билган. Лекигин у бир куни эрталаб қовоқхонага кириб келиб, трубкасини чиқарганча: «Чикиуд, бу ўғирликни ким қилганини билдим» — деган. «Ростдан-а! — хитоб қилган Чикиуд. — Эҳ, қадрдоним Спайерс, келинг, қасдимни олгани имкон беринг, ана ўшанда хотиржам оёқ узатаман. Эҳ, азизим, Спайерс, қаерда у, ўша ярамас?» — «Ўзингизни босинг! — дейди Спайерс шунда ва ҳидлагани тамаки тутади унга. — Вемаъни сафсатани бас қилинг. Буни сиз ўзингиз қилгансиз». Аслида ҳам шундай бўлган ва бу хангома орқасидан озмунча пул ишлаб олмаган экан, кейин агар Чикиуд уйдирмасини ҳақиқийга ўхшатишга камроқ уринганида ҳеч қачон ҳеч ниманинг иси чиқмаган бўларди, — дея ҳикоясини якунлади мистер Блетерс қадаҳни қўйиб, қўл кишанларини шиқирлатиб.

— Дарҳақиқат, жуда қизиқ воқеа экан, — деб қўйди доктор. — Ана энди, агар майлларинг бўлса тепага чиқишингиз мумкин.

— Ўзингиз ҳам лозим кўрсангиз, сэр, — жавоб қилди мистер Блетерс.

Иккала агент мистер Лосберннинг кетидан тепага, Оливер ухлаб ётган хонага кўтарилишди; издиҳомни шам кўтариб олган мистер Жайлс эргаштириб борарди.

Оливер мудрарди, бироқ кўриниши баттарлашганди, илгаригисига қараганда иситма хуружи қаттиқроқ исқанжага олганди. Докторнинг кўмаги ила у ўринда туриб ўтирди-да, нима бўлаётганига мутлақо ақли бовар қилмай, нота-ниш кимсаларга жавдиради — у, афтидан, қаердалиги ва нималар бўлаётганини эслолмаётганди.

— Мана шу болакай, — деди мистер Лесборн шивирлаб, аммо қайноқ меҳрла, — шўхлик қилиб ҳамсоя жанобнинг, исм-шарифи нимаиди-я, хулласи, бу уйнинг орқа томонидаги мулкка, ўша ёққа тушаётиб тасодифан ўзиотар қопқондан\* жароҳатланган бола. Бугун эрта билан бу ерга ёрдам сўраб келса манави шам кўтарган фаҳм-фаросатли жентльмен уни шартта ушлаб, саломатлигига жиддий хавф соладиган қўпол муносабатда бўлибди, бунинг оқибатини врач сифатида тасдиқлашим мумкин.

Блетерс ва Дафф жаноблари шу тариқа таништирилган мистер Жайлсга қарашди. Ҳангу манг бўлиб қолган эшикогаси бетиде ҳам қўрқув, ҳам эсанкираш ифодаси зуҳур ётиб, уларга жавдираб тикилди, кейин нигоҳи Оливерга, Оливердан мистер Лосбернга кўчди.

— Уйлайманки, буни инкор этиш ниятингиз йўқдир? — сўради доктор Оливерни авайлаб ёстиққа ётқизар экан.

— Мен... истагандимки, ҳалиги... ҳалиги иложи борица яхшироқ бўлсин дегандим-да, сэр, — жавоб қайтарди Жайлс. — Ростданам мен буни худди ўша бола деб ўйлагандим, сэр, йўқса унга қўл ҳам теккизмасдим. Ахир, мен ҳам жуда унақанги бағритош одаммасман, сэр.

— Қайси бола? — деб сўради агентлардан каттаси.

— Ўгри бола-да, сэр, — жавоб қилди Жайлс, — ёнларида бола ҳам борийди-да, албатта.

— Хўш? Ҳозир ҳам шу фикрдамисиз? — сўради Блетерс.

— Ҳозир ҳам шу фикрдамисиз, дейсизми? — гўлдиреди Жайлс сўроққа тутаётган кимсага анқовсираб тикилиб.

— Эҳ каллаварам, ҳозир ҳам бу ўша бола деган фикрдамисиз деяпман! — тоқатсизлик билан тушунтирди Блетерс.

— Хайронман. Очиғи, билмайман, — деди Жайлс мунғайиб. — Қасам ичиб тасдиқлаёлмасдим буни ҳозир.

— Унда қандай фикрдасиз, ахир? — сўради мистер Блетерс.

— Нима деб ўйлашимниям билмай қолдим, — жавоб берди бечора Жайлс. — Менимча, бу ўша боламас. Ҳа, деярли аминманки, уямас бу. Бунинг ўша бола бўлиши мумкин эмаслигини ўзингиз ҳам биласиз-ку, ахир.

— Бу одамнинг кайфи борми, сэр? — суриштирди Блетерс докторга юзланиб.

— Ғирт тўнкамижоз йигит эканлар-ку ўзлари! — деди Дафф беқиёс бир жирканиш-ла мистер Жайлсга қараб.

Ушбу қисқа муддатли савол-жавоб давомида мистер Лосберн беморнинг томир тегишини текшириш билан банд бўлди; мана энди каравот ёнига қўйилган курсидан турди-да, мабодо агентларда биронта шубҳа-гумонлари қолган бўлса, қўшни хонага ўтиб, Бритлс билан гаплашиш истаклари бор-йўқлигини сўради.

Улар бу таклифни қабул қилиб, ён хонага йўл олишди ва у ерга чақиртирилган мистер Бритлс ўзини ҳам, муҳтарам бошлигини ҳам янгидан-янги қарама-қарши фикрлару бемаъни гаплардан тўқилган антиқа ўргимчак тўри ила чирмаб ташладиким, биргина далил — Бритлснинг батамом ўзини йўқотиб қўйганини истисно этганда, бирорта жиноят белгисию аломатини аниқлаб бўлмади; дарвоқе, йигитча, агар ўша болани қаршисига келтириб қўйсалар уни танимаслигини, Оливерни эса Жайлснинг таъкиду тасдиқлашлари шарофати туфайлидангина ўша бола деб ўйлаганини ва беш дақиқагина бурун мистер Жайлс ўчоқ-бошида ортиқча шошқалоқлик қилмадиммикин, деб хавфсираётганини тач олганини устма-уст қалаштириб ташлади.

Сўнгра бўлак ўткиру оқилона тахминлар орасида — мистер Жайлс ҳақиқатан ҳам бировни отганмикин ўзи, деган савол туғилди; мистер Жайлс отган тўппончани текшириб кўрилганда ўқдонидан дори билан лосдан бўлак жароҳатлайдиган нарса чиқмади. Мазкур кашфиёт барчаларига, ўн дақиқача муқаддам ўқдондаги ўқни олиб қўйган доктордан бўлак албатта, бағоят қаттиқ таъсир қилди. Илло ҳаммадан кўра кўпроқ яқин биродаримни ўладиган даражада жароҳатламадиммикин деган хавотир ич-эттини таталаб, бир неча соатдан берига изтироб чекаётган мистер Жайлснинг ўзига айниқсанги катта таъсир кўрсатди-ю, у ҳаяжону севинч-ла ана шу янги фикрга ёпишиб олиб, жон-жаҳди ила қувватлашга тушди.

Охир-оқибатда агентлар Оливер ҳақда ўйлаб бошларини ортиқча қотириб ўтирмай, у билан чертсизлик констеблни уйда қолдириб, эрталаб келишни ваъда қилиб, тунагани шаҳарга жўнаб кетдилар.

Эрталабга бориб эса шубҳали вазиятда кеча тунда қўлга олинган икки эркак билан бир болани Кингстон қамоқхонасига қамаганлари тўғрисида мишмиш тарқалди-ю, Блетерс ва Дафф жаноблари Кингстонга йўл олдилар. Айтмоқчи, текшириш пайтида бу шубҳали вазият шунга бориб тақалдиким, ўша одамларни похол гарами остида ухлаб ётганларида қўлга туширганлар, бундай қол ниҳоятда огир жиноят ҳисобланса-да, фақат қамоққа ташлаш билан жазо берилади ва бу борада, қироллик фуқаросига меҳру марҳамат-ла йўғрилган одил инглиз қонунчилиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, гарам остида ухлаётган ёхуд ухлаётганлар қулф бузиб ўғирлик қилганлари ва турган гапки, ўлим жазосига мустаҳиқ эканликларини тасдиқловчи етарли далиллар йўқлиги инобатга олинади. Хуллас, Блетерс ва Дафф жаноблари қандай ақл билан жўнаган бўлсалар, ўша ақл билан қайтдилар яна.

Гапни қисқа қилиб айтганда, янгитдан ўтказилган сўроқ ва чеки-чегарасиз суҳбатлардан сўнг маҳаллий судья миссис Мэйли билан мистер Лосберн-

ларнинг, бирон кун келиб чақириладиган бўлса, Оливернинг етиб боражаги хусусидаги кафолатларини бажонидил қабул қилди, икки гинея мукофот олган Блетерс билан Дафф эса ўз сафарларни юзасидан бир фикрга келолмай, шаҳарга жўнашди: кейинги жентльмен жамики шарт-шароитни оқилона мулоҳаза қилиб кўриб, деразани бузиб кириб ўғирлик қилишга уринилган бу ишни Пет Оиламанднинг иши деб ишонтиришга мойил бўлса, биринчиси бу хизматларнинг жамини худди ўшайчаллик ишонч-ла буюк Чикиуд Доғули шаънига ёпиштиришга тайёр эди.

Бу орада Оливер миссис Мэйли, Роз ҳамда кўнгилчан мистер Лосбернларнинг гамхўрлигию меҳрибончиликларидан баҳраманд бўлиб, аста-секин тузала бошлади ва ҳаловат топди. Миннатдорчилик ила тўлиб-тошган қалбдан чиқаётган оташин дуо-илтижолар арши аълога етиб, мустажо бўладиган эрса — арши аълога етмайдиган дуою илтижолар муножот бўлиб қайга борди! — ул чоғда есир тилаги билан кўкдан ёғилаётган раҳматлар уларнинг қалбига жо бўлиб, орому бахт бахшида этмоқда эди.

## XXXII боб

*Оливернинг саховатли дўстлари орасида кеча бошлаган бахтиёр ҳаётдан нақл этади*

Оливернинг дарди узоққа чўзиладиган ҳамда огир эди. Ўқ теккан кўлидаги жароҳатнинг секинлик ила битиши ва азобини гапириб ўтирмаган чоғда ҳам, Оливернинг ёмғир ҳамда совуқда талай вақт қолиб кетиши иситмага мубтало қилгандиким, унинг ҳуружи аллақанча ҳафталарга чўзилиб, боланинг мажолини қуритди. Илло, ниҳоят, аста-аста дарди арий бошлади, иккала хонимнинг бениҳоя меҳру саховатидан баҳраманд бўлаётганини, тузалиб, қувватга кирганидан сўнг уларга бирон хизмати билан ўз миннатдорлигини изҳор этиш умидида эканини ва бу хизмати (қандайдир арзимас хизмат бўлса ҳамки), қалби уларга нисбатан қанчалар муҳаббату садоқатга тўла эканининг исботи бўлажагини, олиҳимматликлари шарофати-ла азоб чекиш ёки ўлим чангалидан қутулиб қолган бечора бола уларнинг мурувату марҳаматларига муносиб, хизматларини астойдил адо этиш иштиёқида эканига ишонтирадиган бирон иш қилажаги ҳақида икки оғизгина сўзлашга мадори етадиган бўлиб қолди.

— Шўрликкина! — деди Роз бир куни Оливер гезарган лабларини қимирлатиб, минг машаққат-ла миннатдорчилик билдиришга уринганида. — Агар истасанг, ҳали бизга хизмат қиладиган пайтинг кўп келади. Биз шаҳардан четга, далага жўнаймиз, холам сениям ола кетмоқчилар. Осудалик, соф ҳаво ва баҳор чиройию барча шодликлари бир неча кунда дармонга киришингга ёрдам беради. Агар кучинг етадиган бўлса, сенга юзталаб иш буюрамиз.

— Иш буюрасиз! — хитоб қилди Оливер. — О азиз хоним, агар сизнинг хизматингизни қилолсам, агар гулларингизни суғориб, қушларингизга қараб ёки кун бўйи дастёрчилик қилиб кўнглингизни ололсам, сизни хурсанд этолсам — бунинг учун жонимниям аямасдим-а!

— Қўй, жонингни беришни оғзингга олма, — деди Роз Мэйли кулиб, — ахир айтдим-ку, юзлаб иш буюрамиз сенга деб, бизни хурсанд қилиш учун агарда ҳозир ваъда бераётганингни ярмичалик ишлайдиган бўлсанг ҳам бошим осмонга етади.

— Хурсанд бўламан, дедингиз-а, хоним?! — суюниб кетди Оливер. — Жудаям меҳрибон, сахийсиз-да!

— Мени шунчалик бахтиёр, шунчалик хурсанд қиласанки, асти қўяверасан, — жавоб берди ёш хоним. — Азиз, меҳрибон холажонимнинг бировни сен тасвирлаб берган аянчли қисмат чангалидан қутқариб қолганини ўйлашни ўзи олам-жаҳон ҳаловат беради, лекин холам меҳрибонлик ва раҳм-шафқат кўрсатган одамнинг, ўз халоскорига нисбатан чин юракдан миннатдорлиги ҳамда садоқатини изҳор этаётганини билиб-англаб турганим сен тасаввур қилганингдан кўра кўпроқ қувонтиради мени... Гапимга тушуяпсанми? — деб сўради қиз Оливернинг ўйчан юзига боқиб.



— Ҳа, ҳа, тушуняпман, хоним! — деди Оливер жўшиб. — Лекин ўзимни қандай нонкўрлигимни ўйлаётгандим.

— Кимга нисбатан? — сўради ёш хоним.

— Менга шунчалик ғамхўрлик қилган саховатли жентльмен билан меҳрибон кекса энагага нисбатан, — деди Оливер. — Ҳозир менинг шундай бахтиёрлигимни билишганида борми, жуда хурсанд бўлиб кетишармиди.

— Эҳтимол, — деб қўйди Оливернинг нажоткори. — Иннайкейин, оққўнги мистер Лосберн йўлга чиқа оладиган бўлиб қувватга киришинг билан сени уларникига олиб боришга сўз берди.

— Сўз берди дейсизми, хоним? — қичқириб юбораёзди Оливер хурсандлигидан гул-гул яшнаб. — Вилмадим, уларнинг меҳрибон дийдорларини яна кўрганимда суюнганимдан қай аҳволга тушаркинман.

Кўп ўтмай Оливер ушбу саёҳат муносабати билан бўлажак йўл азобига дош бера оладиган даражада соғайиб қолди. Бир куни эрталаб миссис Мэйлининг чоккина извошида мистер Лосберн икковлари йўлга чиқишди. Чертси кўпригига етганларида Оливернинг бирдан ранги қув ўчиб, қичқириб юборди.

— Болага нима бўлди ўзи? — ўз одатича ҳовликиб қолди доктор. — Бирон нимани кўриб қолдингми... эшитдингми... сездингми, а?

— Ана, сэр, — қичқирди Оливер извош ойнасидан кўрсатиб. — Шу уй!

— Хўш? Нима қипти? Ҳой аравакаш! Шу ерда тўхтатинг-чи, — қичқирди доктор. — Бу қанақа уй, бўтам? А?

— Угрилар... Улар мени шу ерга олиб келишганди, — шивирлади Оливер.

— Ҳа жаббор чалгур-а! — нидо солди доктор. — Ҳей, у ёқдагилар! Тушишга ёрдамлашиб юборинглар!

Извошчи ўриндигидан тушиб улгурмасиданоқ доктор аллақачон қандайдир йўсинда извошдан чиқиб олди-ю, чопганча ташландиқ уй ёнига бориб, эшикни телбаларча гурсиллайтиб тепа бошлади.

— Ким у? — жавоб берди зуваласи кичкинагина, таъвиядан таъвия букри тўсатдан эшикни очиб юбориб, жон-жаҳди билан эшикни тепаётган доктор охирги тегишида тўғри даҳлизга отилиб кириб кетишига бир баҳя қолди. — Бир гап бўлдимми?

— Бўлди! — ўшқирди доктор, ўйлаб-нетиб ўтирмай букрининг ёқасига чанг солиб. — Кўп нарса бўлди. Уғирлик — мана, нима бўлди!

— Агар ёқамни қўйиб юбормасангиз, устига-устак қотиллик ҳам бўлади бунақада, — совуққонлик билан жавоб қилди букри. — Эшитяпсиэми?

— Эшитяпман, — деди доктор чангалидаги асирини астойдил силкилаб. — Қани ўша, бўғзига иблис сиртмоқ солгур, оти нимаёйди малъунни. Ҳа, Сайкс. Қани ўша Сайкс, жавоб беринг, қароқчи?

Букри ҳайрат ва ғазаб ичра кўзлари ола-кула бўлиб кетди, кейин докторнинг чангалидан эпчиллик билан сугрилиб чиқди-ю, ифлос ҳақоратларни қаторасига тизиб ташлаб, уйга чекинди. Аммо эшикни беркитиб улгурмасидан доктор «ҳа» йўқ «бе» йўқ, хонага бостириб кирди. У кўзлари олма-кесак териб, атрофга аланглади: на жиҳозлар, на буюмлар, на ҳаттоки жавонларнинг жойлашиши Оливер тасвирлаганига мувофиқ келарди.

— Хўш? — деди уни зийрак кузатиб турган букри. — Нима сабабдан менинг уйимга бостириб кирдингиз, бу қанақаси бўлди? Мени таламоқчи ёки ўлдирмоқчимисиз?

— Эй қонхўр овсар дажжол, шу ниятда извош миниб келган одамни кўрганмисиз сира? — деди қизиққон доктор.

— Нима керак ўзи сизга? — бақирди букри. — Фурсат борида туёгингизни шиқиллатиб қолинг! Ҳазор лаънат сизга!

— Лозим топган пайтимда жўнайман, — деди мистер Лосберн бошқа хонага бош суқиб, уни кузатаркан, буниси ҳам биринчиси каби Оливер тасвирлаганига тирноқчалик ўхшамасди. — Қараб туринг, ҳали таъзирингизни берадиган пайти ҳам келади, ошна.

— Шунақа денг! — деди манфур майриқ гижиниб. — Мабодо ўзларига зарур бўлиб қолсам, шу ердан топадилар каминани. Бу ерда йигирма беш йилдан бери сўққабош ўтиравериб ақлдан озиб бўлаёздимиз сиз бўлсангиз тагин дўқ-

пўписа қиласиз-а! Бунинг жавобини берасиз, ҳали, ҳа, жавобини!

Шундай деб таъвия жимит иблис дод солиб, жазаваси кўзиб хонада ўйин туша кетди.

— Жуда аҳмоқона иш бўлди-ку, — минғирлаб қўйди доктор мийигида, — бола янглишган кўринади. Мана, буни чўнтагингизга солингу овозингизни ўчининг!

Шу сўзлар билан доктор букрига танга ташлаб, извош ёнига қайтди.

Букри извош эшигигача ортидан эргашиб келаркан, оғзидан бетиним ношоён ҳақоратлар ёғилиб турди; мистер Лосберн извошчига гап қотган бир пайтда извош ичига мўралаб Оливерга шундай ўткир, нақ баданни тешиб ўтгудек, айни чоғда шундайин ғазабнок ва қасоскорона нигоҳ ташладики, бир неча ойгача бу ўқрайиш болақайнинг на ўнгию на тушида кўз олдидан нари кетмади. Букри извошчи то ўз ўрнини эгалламагунича жирканч сўқишларини бас қилмади; извош йўлга равона бўлгандан кейин эса, чинакамигами ёки ясамами, тутқаноқ жазавасида унинг нуқул депсиниб, сочларини юлаётгани олдидан ҳам бемалол кўриниб турди.

— Мен — эшшакман... — деди доктор хийла жим боргандан сўнг. — Буни олдин билармидинг, Оливер?

— Йўқ, сэр.

— Бўлмаса кейинги сафар эсингдан чиқармагин буни. Эшшак! — такрорлади доктор яна бир неча дақиқа сукут сақлагач. — Бордию бу ҳаттоки худди ўша жой ва у ерда худди ўша одамлар бўлгани тақдирдаям бир ўзимни кўлимдан нима келарди? Башарти, ёнимда кўмакчиларим бўлган чоғдаям, бари бир, бундан нима манфаат чиқарди, ақлим етмай турибди. Эҳтимол, бу ишим оқибатида калтак ўз бошимга келиб тушарди-ю, мазкур воқеани сир сақлаб қолганим албатта ошқор бўларди. Дарвоқе, қилган гуноҳимнинг жазоси шу эди. Доим қизиққонлик устида иш тутиб, касофатига қолганим-қолган. Балки бу эсимни киритар.

Қалби дарё доктор дарҳақиқат умри бўйи фақат майл иштиёқию дил истаги даъватига амал қилиб келар, жиддий мушуқликлар ёхуд муваффақиятсизликлардан сал бўлса-да ўзини четга олмас, шунингдек, уни танийдиганларнинг жамикисининг ҳурматию эҳтиромини қозонган экан, бу ана ўша фаолиятини бошқариб турган майлу истақлар шарофатидан эди. Агар ҳақиқа кўчадиган бўлсак, доктор бир-икки нафасгагина афсус-надомат ҳис этиб турди, негаки у дастлабки имконият туғилган бир пайтда Оливер гапириб берган воқеани тасдиқлайдиган далилу исботларни қўлга кирита олмаганди. Бироқ тезда хотиржам тортди, Оливернинг ўз саволларига худди илгаригидек эркин, изчил ва бамаъни жавоб қайтараётганига, бинобарин, худди ўшундай самимий ҳамда ҳаққоний сўзлаётганига қаноат ҳосил қилиб, шу дамдан эътиборан боланинг гапига тўла ишонч билан қарашга аҳд қилди.

Оливер мистер Браунлоу турадиган кўчанинг номини билгани сабабли улар извошни тўғри ўша ёққа қараб ҳайдашди. Извош муюлишдан бурилганида Оливернинг юраги шунақанги дукирлаб ура бошладики, нақ нафаси бўғзига тикилиб қолаёзди.

— Хўш, бўтам, қани ўша уй? — деб сўради мистер Лосберн.

— Ана у, ана! — деди Оливер бидирлаб, извош ойнасидан кўрсатганча тоқатсизланиб. — Оқ уй. Эҳ, тезроқ ҳайдасангиз-чи! Илтимос, тезроқ! Ҳозир ўлиб қоладиганга ўхшайман. Ҳаммаёғим титраб кетяпти.

— Узингни бос, кўркма, — деди оқкўнги доктор боланинг кифтига қоқиб. — Ҳозир кўрасан уларни, сени соппа-соғлигингни кўриб қувониб кетишади.

— Бўлмасам-чи, ишонаман бунга! — деди Оливер севинчи ичига сиғмай. — Улар менга шундай меҳрибон эдиларки, жудааям, жудааям меҳрибонидилар.

Извош ғизиллаганча олға борарди. Кейин у тўхтади. Йўқ, бу уй эмас; кейинги эшик. Яна бир неча одимлик масофани босгач, извош тагин тўхтади. Оливер деразаларга тикилди. Қувончли кўз ёшлари ёноқларидан шашқатор қуйиларди.

— Эҳ, аттанг, оқ уйда ҳеч ким турмас экан, деразадаги: «Ижарага берилади», деган ёзув шундоққина кўриниб турибди.

— Кейинги эшикни тақиллатиб кўринг! — деб қичқирди мистер Лосберн Оливерни қўлидан ушларкан. — Қўшни уйда турадиган мистер Браунлоуга нима бўлганидан хабарингиз йўқми?

Оқсочнинг бундан хабари йўқ экану, бироқ сўраб-суриштириб беришга тайёр эканини айтди. У ҳаял ўтмай қайтиб чиқиб, мистер Браунлоу мол-мулкани сотиб, бир ярим ой муқаддам Вест-Индияга жўнаб кетган экан, деди. Оливер муштумини қаттиқ қисганча, ўзини бемажол ўриндиқнинг суянчиғига ташлади.

— У кишининг рўзгорбошисиям кетган эканми? — сўради мистер Лосберн пича жим қолгач.

— Ҳа, сэр, — жазоб берди оқсоч. — Кекса жентльмен, рўзгорбоши ва тагин битта жентльмен, мистер Браунлоунинг ўртоғи, ҳаммалари бирга кетишган.

— Модомики гап шундоқ экан, тўғри уйга қайдангу, — деди мистер Лосберн извошчиға, — бу лаънати Лондондан чиқиб кетгунимизча бирон ерда отга ем бераман, деб тўхтатиб ўтирманг.

— Китобфуруш-чи, сэр? У ёққа борадиган йўлни биламан. Утинаман, ўшанга учрашинг. Ушанга учрашиб кўринг.

— Бечора бўталоғим, шунча ҳафсаламиз пир бўлгани бугунга етади, — деди мистер Лосберн. — Икковимизга етиб-ортадиям. Агар китобфурушникига борадиган бўлсак, унда, турган гапки, унинг вафот этганини, ё уйига ўт қўйиб юборганини, ёки қочиб кетганини эшитамиз. Йўқ, тўғри уйга жўнаймиз.

Шундай қилиб, докторнинг ногаҳоний қистовига итоат этиб, уйга жўнашди.

Ушбу умиди пучга чиқиш Оливерга, ҳатто бахти кулиб боққан бир пайтда ҳам, талай қайғу-алам келтирди. Касали давомида мистер Браунлоу ва миссис Вэдуинлар билан учрашишларини, ана ўшанда уларнинг нима дейишларини хаёл қилиб, қандай хурсанд бўлишларини кўз олдиға келтириб неча-неча мартаба ўзига таскин бермаганди. Кўрсатган меҳрибончиликларию ҳимматларини ўйлай-ўйлай, шафқатсиз жудолик дастидан мотам тутатган неча-неча узоқ кунлару йилдай тунларни изтиробда ўтказганини уларга сўзлаб бериш орзуеида эди. Ўзини оқлаб олиш ва зўрлаб судраб кетганларини ҳикоя қилиб бериш умиди яқингинада бошдан кечирган синов кунларида унга мадад берганди, руҳлантирганди; улар шунчалар олисга кетиб қолишибди ва мени алдамчи, ўғри деган ишонч билан кетишган, деб ўйларкан, энди уларнинг бу ишончи то ўла-ўлгунимча ҳам рад этилмай қолар балки, деган фикр-хаёлға асти чидаёлмасди бола.

Дарвоқе, бу гапларнинг бари валинеъматларининг унга бўлган муносабатларини қатрача ўзгартмади. Яна икки ҳафтадан сўнг, ҳаво жўнашиб, дов-драхтлар куртак ёзган, ғунчалари лаб очган илиқ кунларда Чертсидан бир неча ойга жўнаб кетиш тадорикни кўрила бошлади. Феджининг иштаҳасини қўзғатиб, нафсини ҳакалак оттириб юборган кумуш идиш-оёқларни банкка жўнатишди-да, уйни Жайлс билан яна бир хизматкорнинг ихтиёриға топшириб, шаҳардан хийла олнсадаги боғ ҳовлиға кўчиб ўтишди. Оливерни ҳам ўзлари билан ола кетишди.

Овлоқдаги қишлоқни қуршаб турган кўм-кўк адирлару қалин ўрмонлар кўйнида, муаттар, сарин ҳаводан касалманд бола туйган қувончу завқ-шавқ, руҳий осудалиғу безавол осойишталикни ким тавсифлаб бера олади? Тору танқис, ғала-ғовур шаҳар аҳлининг изтироб чеккан, толиққан қалбларига ором-бахш табиат манзараларию сокинлик қанчалар чуқур таъсир эъаётганини ва уларнинг жозиба-латофати хун бўлган дилларида қанчалар томир ёя бораётганини ким тасвирлаб бера олади? Ўзининг бутун заҳматли умрини одам қалин, тор кўчаларда ўтказган ва ҳеч қачон ўзгаришни қўмсамаганлар, тарки одат амримаҳол қолипига тушиб қолганлар, кундалик саёҳатлари ҳади-чегараси бўлиб хизмат қилувчи ҳар битта гишту ҳар битта тошни жондан севиб қолаётганлар — ҳатто шундай одамлар ҳам бошларига ажал соя ташлаганида, пировард-оқибатда кўз қирлари билангина бўлса ҳамки Табиат жамолиға боқиш иштиёқида зориқадилар; илгари азият чеккан ва қувонган жойларини тарк этарканлар, улар гўёки бирданиға ҳаётнинг янги палласи кошонасига қадам кўйганға ўхшайдилар. Улар кун-бакун бирорта ям-яшил, офтоб нурида чўми-

лаётган ўтлоққа ўрмалаб қолишаркан, осмон, адиру тепалар, водий, зилол сувни кўриб кўнгилларида шундай хотиралар ўйнардикки, ҳаттоки вужудларига қутқу солган охират туйғуси уларнинг тақдирга тан беришларини тезлатарди. Улар бор-йўғи бир неча соатгина муқаддам овлоқ ётоқхоналарининг деразасидаи ўзалари кузатгандаги ожиз, хира тортиб бораётган кўзлари ўнгида қирмизи шафақ ҳосил қилиб ботган қуёш сингари осойишта, тинчгина қабрга кирардилар. Осида қишлоқ манзаралари уйғотган хотиралар ушбу оламга, унинг ўй-хаёлларию орзу-ниятларига бегонадир. Кўнгилларга орому осойиш берар экан, бу хотиротлар биз осий бандаларга суйган кишиларимиз қабрини янги гулчамбарлар билан безашни ўргатиши, фикр-ўйларимизни покизалаб, илгариги адовату нафратга барҳам бериши мумкип; хаёл дафтарини варақлаб кўришга қодир ҳар бир қалбда бундай хотиралар кўри остида лоақал зиғирчалик бўлса-да, мубҳам бир туйғу мудраб ётади. Бундай туйғулар қачонлардир, узоқ ўтмишда бошдан кечган; бу шундай туйғуларки, узоқ келажак замонлар ҳақида улугвор фикрлар уйғотади, такаббурлик ҳамда беҳуда бесаранжомлик каби иллатларни жиловлаб қўяди.

Улар келиб кўнган маъзил сўлим бир жой эди. Чувринди, исқирт оломон орасида, шовқин-сурону ҳақоратлар оғушида ўсган Оливер наздида худди ана шу, янги ҳаёт бошлангандек эди. Учқату атиргуллар эркаланб уй деворларига суйқанади, дарахтлар танасига печакгуллар чирмашган, боғдаги гулларнинг муаттар бўйи ҳавони тутган. Шундоқ яқингина жойда чоғроққина қабристон жойлашган. У ерда баланду бесўнақай қабртошлар йўқ, ҳилпираган майсаю йўсин билан қопланган; остида қишлоқнинг қари-қартагилари ётган оддийгина гумбазчалар дўппайган. Оливер бу ерни тез-тез кезиб турар ва гоҳо онаси ётган ғарибгина қабр ёдига тушиб, киши кўзидан овлоқда ўтириб йиғларди; бироқ бошини кўтариб, тепасидаги тубсиз кўк тоқига тикиларкан, у энди онасининг ер қаърида ётганини кўз олдига келтиролмас ва алам билан эмас, балки ғамгин кўз ёши тўкарди.

Қанчалар бахтли дамлар эди. Кунлар осойишта ва чароғон кечар, тунлар на ваҳима, на ташвиш келтирмай — манфур қамоқхонада совқотмай, жирканч одамлар билан мулоқотда бўлмай — беғалва ўтар, дили қувончга, боши ёрқин ўйларга тўла эди.

Оливер ҳар куни эрталаб кичиккина черков яқинида турадиган соч-соқоли оппоқ кекса жентльменникига қатнар, у боланинг хат-саводини такомилга етказишга ёрдам берарди; кекса жентльмен Оливердан мулойим сўзю диққат-эътиборини сира аямасди, шу боис бола кучи борича қарияга ёқишга тиришарди. Кейин у миссис Мэйли ва Роз билан сайрга чиқар, уларнинг китоб устидаги мулоҳазаларига қулоқ солар ёки бирор салқин ерда ёнларида ўтириб, ёш хоним ўқиб бераётган китобни тингларди; у токи қош қорайиб, ҳарфларга кўз ўтмай қолгунига қадар тинглашга ҳам тайёр эди. Кейин у эртанги кунги сабоқларини тайёрлар ва ўзининг боққа қараган мўъжазгина ҳужрасида аста-секин кеч кира бошламагунича тиришиб-тиртишиб тер тўкарди. Оқшом яқинлаганда эса иккала хоним яна айлангани чиқишар, бола ҳам уларга эргашар, сҳбатларига бажонидил қулоқ тутарди. Мабодо уларга бирорта гул ёқиб қолса ва гулни олиб келиш қўлидан келадиган бўлса, бола шундай суюниб кетардики, оёғини қўлтиққа урганича уларга хизмат қилгани отиларди. Қош қорайгач эса, улар уйга қайтишарди-да, ёш хоним фортепьяно ёнига ўрнашиб, ажойиб куй чалишга ёки холасига ёқадиган бирорта қадимий қўшиқни паст ва ширани овозда куйлашга киришарди. Бундай кезларда шам ёқишмас, дераза ёнига ўтириб олган Оливер мўъжизакор куйга завқ-шавқ-ла қулоқ соларди.

Якшанба кунларини айтмайсизми-я! Бу ерда якшанбани у илгарилари ўтказганидан мутлақо бўлакча ўтказишарди. Мазкур бахтли дамларидаги жамики кунлар қатори — қандайин бахтли кун эди-я бу якшанба куни. Эрта билан — кичкинагина черковда ибодат қилинади; у ёқда, дераза ортидаги дарахтларнинг япроқлари шовиллаб-пичирлашади, қушлар наво қилади, сарин, муаттар ҳаво эса пастак эшикдан ёпирилиб кириб, камтарона бикони хушбўй атиргга тўлата боради. Қамбагаллар шундайин озода-покиза кийинган, шундайин ихлос-ла

тиз чўкишадики, уларни бу ерга оғир бурчлари шарофати билан эмас, балки бамисоли ҳузур-ҳаловат топиш учун тўпланишган дейсиз; қасида куйлашларини айтмайсизми, унчалик маҳоратли чиқмасдир-ку, лекин буларнинг қасидаси самимий, астойдил, кейин, чамаси (ҳар ҳолда, Оливернинг наздида), у илгари эшитганларига қараганда анча хушоҳангроқ, ёқимлироқ янграйди. Сўнгра, одатдагидек — сайр қилишади, заҳматкаш кишиларнинг чинийи чирокдек кул-баларига ташриф буюришади. Оқшом эса Оливер ҳафта бўйи сабоқ олган илгари бир-икки сурани такрорларкан, бамисоли ўзи руҳоний бўлиб қолгандай, ҳатто ўзини ундан ҳам мағрур ва бахтиёрроқ ҳис қилади.

Саҳарги соат олтида Оливер ўриндан туриб олган бўлади; дала чечакларини излаб далаларни кезади, кўкат тўсиқлар орасию ортларини титкилайди; гул-чечакларни бир қучоқ қилиб кўтариб келади уйга, шундан кейин нонушталик дастурхонни безаш учун ҳафсала ва қунт билан гулдаста тузайди. Мисс Мэйлиннинг паррандаларга аталган қўналғаси ҳам бор эди; Оливер зўр диди билан уларнинг қафасини ясатади, бу санъатни у кўпни кўрган қавм ходимидан ўрганиб олганди. Шу ишлар битгач, уни одатда бирортага ёрдамлашгани кишлоққа жўнатишади ёки баъзан майсазорда крикет ўйнашади. Гоҳо эса шунақаси ҳам бўладики, боғда биронта юмуш топилиб қолиб, Оливер то мисс Роз чиқиб келгунича уни жон-жон деб (бундай юмушлар илмини яна ўша асли касб-кори боғбон бўлган мураббийсидан ўрганганди), хушвақтлик ила битказиб қўяди. Ана шундай кезларда қилган иши учун мактовга кўмиб ташлашади.

Шу тариқа орадан уч ой — энг омадли ҳамда энг дориламон яшаётган бандасининг ҳаётида бениҳоя бахтли кунлар ҳисобласа арзигулик, Оливернинг ҳаётида эса чинакамига ҳузур-ҳаловатли бўлган уч ой ўтди. Бир томон беқиёс мусаффо ҳамда меҳр билан йўғрилган мурувату ҳиммат кўрсатса, иккинчи томон бунга жавобан энг самимий, энг қизгин ҳамда энг чуқур миннатдорлик намоён этарди. Оливер Твистнинг ана шу кисқа муддат ичида кекса хоним ва унинг жияни билан ниҳоятда яқинлашиб, диллари оғушта бўлиб кетгани ва бинобарин, унинг мурғак, зийрак қалбида жўш урган қайноқ муҳаббати хонимлар дилини ром этиб, у билан фахрлана бошлаганларининг ҳеч бир муъжиза жойи йўқ.

### XXXIII боб

*Оливер ва унинг дўстлари бахтига ногоҳдан хавфу хатар тажоеуз қилгани ҳақида*

Ҳаш-паш дегунча баҳор ўтиб, ёз фасли етди. Агар қишлоқ баҳорда дилрабо бўлган бўлса, эндиликда у ўз бойликларини кўз-кўз қилиб, серҳашам сепларини ёйиб, борлиқ жамолини тўлиқ намоён қилди. Илгари яланғоч ҳамда қунушиб тургандек кўринган азамат дарахтларга жон битиб, куч-қувватга тўлди, ташна ер узра чор-атрофга қулоч ёзиб, очиқ-яйдоқ жойларни қуюқ, тангадек офтоб тушмайдиган сўлим оромгоҳларга айлантирди; бу оромнишин мазгиллардан офтоб нурига кўмилган, олисларда ястаниб ётган бепоён далалар живирлаб кўзга ташланиб турарди. Ер ўзининг энг ёрқин яшил чакмонига бурканиб, анвойи бўйлар таратарди. Иилнинг энг аъло фасли келди — борлиқ табиат шодиёна тантана қиларди.

Чоқкина боғ ҳовлида ҳаёт тинчу осойишта, ўз мароми билан кечиб борар, ана шу бегаму беташвиш хотиржамлик унинг истиқоматчиларини ҳам ўз оғушига олганди. Оливер аллақачонлар соғайиб, кучга кириб кетганди, бироқ у касалдир ёхуд соғдир, атрофидагиларга нисбатан қизгин ҳис-туйғулари заррача ўзгармасди; аслида эса одамлар ҳис-туйғусида бунақанги ўзгаришлар бот-бот учраб турарди. Илло у ҳамон ўшандай, дарду изтироблар силласини куритган ва ҳаёти бутунлай ўзини парвариш қилаётган кимсаларнинг гамхўрлигию илтифотига боғлиқ бўлиб турган кезлардагидай ювош, миннатдор, меҳрибону оқибатли бола бўлиб қолаверди.

Кунлардан бир куни, сўлим оқшом чоғи одатдагидан хийла узоқроқ сайр

қилиб қолдилар, негаки кундуз анча иссиқ ўтганди; сутдек ойдин, одатдагидан хийла салқинроқ шабада гир-гир эсиб турарди, иннайкейин, Рознинг ғоятда димоғи чоғ эди. Хулласи калом, шўх-хандон суҳбатлашган кўйи ҳамон илгарилаб боравердилар, ҳар кунги сайр қилиб қайтадиган жойлари анча орқада қолиб кетди. Миссис Мэйли чарчагач, бир-бир босиб уйга қайтдилар.

Ёш хоним одмигина шляпасини ечиб, одатига кўра фортепьяно ёнига ўтирди. Бир неча дақиқа давомида у фаромушлик билан бармоқларини клавишлар узра йўрғалатиб турди-да, кейин осуда ва тантанавор бир куйни чала бошлади; ўзи чалаяпти-ю, бу ёқдагиларнинг назарида у йиғлаётгандек туюлди.

— Роз, жонгинам! — ҳайрон бўлди кекса хоним.

Роз индамади, лекин худди бу сўзлар уни аллақандай толиқтирувчи ўйлардан чалғитгандек, пича тезроқ чала бошлади.

— Роз, азизим! — деди миссис Мэйли шошилиб ўрнидан туриб, унга энгашиб қарар экаи. — Бу қанақаси? Кўзларингдан ёш оқяптими? Болагинам, нима ранжитди сени ўзи?

— Ҳеч нима, хола, ҳеч нима! — жавоб қилди ойимқиз. — Нимаиканини ўзим ҳам билмайман... гапириб беролмайман... лекин сезиб, ҳис қилиб турибман...

— Бирон жойинг оғрияптими, қизалогим? — унинг сўзини бўлди миссис Мэйли.

— Йўқ, йўқ! Сираям оғриётгани йўқ! — жавоб қайтарди Роз, бироқ шу сўзларни айтаркан, худди вужудига ўлим нафаси теккандек, бир жунжикиб кетди. — Ҳозир тузалиб қоламан. Утинаман, ойнани ёпсанглар.

Оливер унинг илтимосини адо этишга шошилди. Ойимқиз илгариги хуш-чақчақ кайфиятини қайтаришга зўрма-зўраки тиришиб, чандон шўхроқ куйни чала бошлади, аммо бармоқлари клавишлар устида бемажол тек қолди. У юзини кўллари билан яширганича диванга чўқди-ю, ортиқ тийиб туролмаган кўз ёшларига эрк берди.

— Болажоним! — уни бағрига босганча нидо солди кекса хоним. — Сени сира бундай аҳволда кўрмаганман-а.

— Қўлимдан келса сизни ҳечам безовта қилмасдим-а, — жавоб қайтарди Роз. — Рости, росаям уришиб кўрдим, лекин ҳеч нима қилолмадим. Чинданам касалманми, деб кўрқиб турибман, хола.

Рознинг дарҳақиқат тоби қочиб қолганди: шамни келтиришганида сайрдан қайтишганидан бери орадан ўтган ана шу қисқагина фурсат ичида қизнинг ранги дока янглиғ оқариб кетганини кўрдилар. Бояги-бояги гулдай яшнаб турган чехрасидаги ифода қандайдир бўлакча бўлиб қолганди. Унинг нафису мулојим чехрасида илгари бўлмаган қандайдир хавотирли ҳамда таҳликали бир нарса пайдо бўлибди. Орадан бирон дақиқа ўтар-ўтмас ёноқлари ол тусга кирди, мулојим боқувчи мовий кўзлари ғалати чақнаб кетди. Сўнгра барчаси булут парчаси ташлаб ўтган оний соядек йўқолди-ю, туси яна мурдадай кўкариб-оқарди.

Кекса хонимни безовталиқ-ла кузатаётган Оливер унинг бу аломатлардан ташвишга тушиб қолганини пайқади: ҳақиқа кўчганда, у ҳам хавотирга тушганди-ю, бироқ хонимнинг бунга эътибор бермасликка уринаётганини кўриб, ўзи ҳам худди шундай қилишга тиришди; хулласи, икковлари шунга эришишдики, холасининг маслаҳати билан ётгани йўл олган Рознинг кайфияти кўтарилди, ҳатто унчалик тоби қочмаган кўринди ва эрталаб соппа-соғ туришига қатра шубҳаси йўқ эканига ишонтирмоқчи ҳам бўлди.

— Жиддий ҳеч гап бўлмаса керак, а? — сўради Оливер миссис Мэйли қайтиб киргач. — Кўринишидан касалга ўхшайди-ю, лекин...

Кекса хоним имо билан сўзлашмасликни ўтинди-да, хонанинг қоронғи бурчагига бориб ўтирганча, узоқ жим қолди. Ниҳоят, у титроқ овоз билан деди:

— Мен ҳам шундай умиддаман, Оливер. У билан бир неча йил бахтиёр умр кечирдим, эҳтимол, ҳаддан зиёд бахтиёр яшагандирман. Бошимга бирор фалокат тушадиган фурсат келару, лекин бу фалокат ишқилиб биз ўйлаган нарса бўлиб чиқмасин-да, деб умид қиламан.

— Нимайкин ўша, — сўради Оливер.

— Оғир жудолик, — деди кекса хоним, — шунча йиллар овунчоғим ва саодатим бўлиб келган кадрдон қиздан айрилиб қолиш.

— О, худо асрасин! — деб юборди Оливер ўша ондаёқ.

— Омин, илоё айтганинг келсин, болам! — деди кекса хоним қўл қовуштириб.

— Ахир ҳеч қанақанги хавотирли жойи йўқ-ку, ҳеч қанақанги кўрқинчли иш бўлмади-ку? — хитоб қилди Оливер. — Икки соат олдин соппа-соғ эди.

— Ҳозир қаттиқ оғриган у, — деди миссис Мэйли. — Аҳволи янаям ёмонлашади, бунга имоним комил. Жонгинам, ўргилай Розгинам-а! Усиз қайга бораману нима қиламан?

У шу қадар куйиб-ёниб кетаётгандики, Оливер ўз хавотирлигини яшириб, ёш хонимнинг саломатлиги учун тинчланишини ўтиниб, ялиниб-ёлвориб илтижо қила бошлади.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — дерди-ю, Оливер, ўзининг бўлса, ҳар қанча уринмасин, кўзларида ёш ҳалқаланарди, — ўйлаб кўринг-а, у қандай ёш, меҳрибон, ҳаммани қандай қувонтириб, юпатиб юради! Биламан, инонаман... қаттиқ ишонаман, худди ўзидай сахий, меҳрибон холаси — сизни деб, ўзини деб ўзи шундай бахтиёр қилиб юрган ҳамма одамларни деб ўлмайди у! Ешгина бўлиб ўлиб кетишига худо қўйиб қўймайди.

— Секин! — деди миссис Мэйли Оливернинг бошига қўлини қўйиб. — Шўрлик болагинам, ёш боланинг гапини гапиряпсан. Лекин, ҳар ҳолда, бурч-вазифамни ўргатяпсан менга. Уни бир нафасгагина унутган эканман, Оливер, бироқ умид қиламанки, мени кечирса бўлади; негаки мен қари одамман ва умримда севган одамингдан жудо бўлиш қанчалик аламли бўлишини билиб олгунимча озмунча қасалу ўлимларни кўрмадим. Ҳа, буларни кўравериб, ўзларининг суйган одамларини деб ёш ва меҳрибон ниҳоллар ҳамишаям омон қолавермаслигига ишонч ҳосил қилганман. Лекин, илоё сен айтган гап ҳақ бўлсину, ҳам-қайғули дилимизга тасалли берсин. Ҳаллоқи олам одил, марҳамати бениҳоя; ушбу эса бу дунёдан яхшироқ ўзга дунё борлигининг аломатидир... у ёққа равона бўлишга келганда, зумда содир бўлади. Яратганининг иродаси бўлғай! Мен Розни севман, уни қанчалик суйишим тангрининг ўзига аён!

Оливер миссис Мэйлининг шу сўзларни айтarkan, нолаю зорини мажбуран тийиб, қаддини ростлагани ва хотиржаму вазмин тортганини ҳайрат-ла кўриб турди. Кейинчалик ҳам бу вазминликнинг давомли, барқарор эканлигига қаноат ҳосил қиларкан, таажжуби янада ортди. Бундан кейинги беморни парвариш қилиш давомидаги жамики ташвишу югур-югурларга қарамай миссис Мэйли (ўз бурчини оғишмай адо этаркан) ҳамиша сергайрат, хотиржам, вазмин ва ҳатто, ҳамаси, тетик бўлиб қолаверди. Бироқ бола ёш ва шу бовисдан ҳам бошга оғир синов тушганда матонатли кишилар нималарга қодир эканлигини билмасди. Айтмоқчи, башарти, матонатли одамларнинг ўзлари буни камдан-кам ҳолда пайқаганларидан сўнг, у қаёқдан ҳам билсин.

Таҳликали тун кирди. Эрталабга бориб, таассуфки, миссис Мэйлининг башорати амалга оша бошлади. Розда қаттиқ, хавфли иситма бошланди.

— Оливер, қўл қовуштириб, беҳуда гам-ҳасрат чекиб ўтиравермаслигимиз керак, — деди миссис Мэйли бармогини лабига босиб, боланинг афтига тикилганча. — Манави хатни иложи борица тезроқ мистер Лосбернга жўнатиш зарур. Буни шаҳар, бозорбошига элтиш лозим — агар даладаги сўқмоқдан борилса бу ердан тўрт милядан ошмайди; шаҳарчадан бўлса уни отлиқ чопар билан тўғри Чертсига жўнатишади. Меҳмонхонадагилар йўқ дейишмайди, ҳаммасини кўнгилдагидек қилиб бажаришингга ишонаман. Буни биламан.

Оливер ҳеч нима демади, бироқ ҳозироқ йўлга отилишга тайёрлиги шундоқ кўриниб турарди.

— Мана яна битта хат, — деди миссис Мэйли ва ўйга толиб қолди. — Очиғи, билмадим, шу топдаёқ жўнатсаммикин ёки сабр қилиб, Рознинг дарди қандоқ кечишини пича кута турсаммикин. Охири хунук бўлишига кўзим етмагунича буни жўнатмасам дегандим.

— Буниям Чертсига жўнатиш керакми, хоним? — сўради Оливер, у топшириқни тезроқ бажара қолай деб тоқатсизланаркан, титраб турган қўлини хатга чўзганча.

— Йўқ, — деди кекса хоним, беихтиёр хатни тутқизаркан.

Оливер унга кўз қирини ташлаб, мактубнинг устига машхур лорднинг мулкида — аниқ қаер эканлигини у ўқиёлмади — турувчи эсквайр\* Гарри Мэйлига деб ёзилганини кўрди.

— Буни ҳам жўнатайми, хоним? — сабрсизлик билан сўради Оливер кўзларини мактубдан узиб.

— Йўқ, яхшиси, керакмас, — жавоб қилди миссис Мэйли хатни қайтариб оларкан. — Эртагача кута тураман.

Шундай дея у Оливерга картонини тутқазди ва бола шу замоноқ қулидан келганича тез-тез одимлай кетди.

Оливер пайкаллар ва уларни кесиб ўтган ёлғизоёқ сўқмоқлардан югуриб борарди; у дам баланду бўлиқ ғалла поялари орасида кўринмай кетар, дам ўти ўрилиб, ғарам қилинаётган яйдоқ пичанзорга чиқиб қоларди; фақат аҳён-аҳёнда нафасини ростлагани бир неча лаҳзагагина тўхтарди: шу тариха югура-югура охири терлаб-бўгриқиб, чангга беланиб, кичкинагина шаҳарчанинг бозорбошисига чиқиб келди.

Шу ерга етганда у тўхтаб, меҳмонхонани излаб, атрофга аланглади. Майдон теграсида оппоқ банк биниси, қизилга бўялган пиво пишириладиган бино ва сариқ ратуша биниси жойлашганди; бурчакда эса данғиллама ёғоч уй бўлиб, яшилга бўялган, киравериш пештоқидаги: «Жорж» деган лавҳа кўзга ташланиб турибди. Кўзи тушгани ҳамоноқ Оливер ўша уйга қараб югурди.

У дарвоза олдида мудраб ўтирган от ҳайдовчи билан гаплашди, ҳайдовчи гапини эшитиб бўлиб, болани отбоқар ёнига, униси эса отхона дарвозаси олдидаги сув насосига суянганча оппоқ тиш тозалагич билан тишини кавлаштираётган кўк ғалстукли, оқ шляпа, одми иштон, қайтарма қўнж этик кийган баланд бўйли меҳмонхона эгаси ҳузурига йўллади.

Мазкур жентльмен ҳисоб-китобни ёзиб чиққани эран-қаран ичкарига қараб юрди, бу иш ҳам анча-мунча вақтни олди; ҳисоб-китоб битиб, ҳақи тўлаб бўлинганидан кейин отни эгарлаш, чопарнинг эса кийинишига тўғри келди, бу тадорик учун ҳам бемалол ўн дақиқа вақт кетди. Оливер шунчалик ташвиш ва хавотирда оёғи куйган товукдай типирчилаб турар, кўйиб берса лип этиб ўзини эгарга отиб, кейинги бекатгача отни учириб боришдан ҳам тоймасди шу топда. Аҳийри ҳамма нарса тайёр бўлди; кичиккина қоғоз жалтача тайинлашу тезроқ етказиш борасидаги ўтинчлар билан чопар кўлига тутқазилгач, у отни ниқтади-ю, тош ётқизилган нотекис бозор майдони бўйлаб йўрттириб кетди; икки дақиқалар ўтмаёқ у шаҳарни ортда қолдириб, катта шаҳар йўлидан елиб борарди.

Ердам сўраб мактуб жўнатилгани ва бирон дақиқа ҳам фурсат бекор кетмаганини ўйлаб, бир қадар хотиржам тортган Оливер кўнгли сал-пал жойига тушиб, меҳмонхона қовлисидан югурганча кетди. Дарвозадан чиқишда кутилмаганда меҳмонхонадан чиқиб бораётган, елкапўшга ўралиб олган баланд буйли кишига урилиб кетди.

— Ия! — кичқириб юбораёзди бу одам Оливерга кўзи тушиб, бирдан орқасига тисарилганча. — Жин урсин, бу қанақаси бўлди?

— Афв этасиз, сэр, — деди Оливер, — уйга жуда шошилганимдан сизнинг чиқиб келганингизни кўрмай қолибман.

— Минг лаънат! — тўнгилади у одам йирик, қора кўзлари билан болага еб қўйгудек тикилганча. — Ким ҳам ўйлабди буни! Қийма-қийма қилиб ташласангиз ҳам, бари бир, тош тобутдан ҳам сакраб чиқади-я менинг йўлимни тўсгани!

— Афв этинг, — деди Оливер дудуқланиб, бу ғалати одамнинг телбаёна ўқрайишидан хижолат тортиб.

— Ҳе жин уриб, жаббор чалсин сени! — деди у киши жазавада тишларини гижирлатиб. — Агар бир оғиз шама қилишга юрагим дов берганидами, сендан бир кечанинг ўзидаёқ қутулган бўлардим. Бошингга лаънату вабо тошлари ёғилсин-э, иблисвачча! Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Бу сўзларни пойма-пой қилиб вайсаган кўйи мушт дўлайди у киши. Гўё мушт туширадигандек Оливерга томон бир қадам ташлади-ю, аммо таппа ерга қулаб, оғзидан кўпик келганча, тутқаноқ талвасаси тутиб қолди.



Оливер бир сониягиња жиннининг (у жинни деб ўйлаганди бу кишини) оёқ-қўлларини типирчилатишга ҳанг-манг бўлиб турди, кейин ёрдамга чақиргани ичкарига отилди. Оливер жиннини меҳмонхонага эсон-омон олиб кириб кетганларига ишонч ҳосил қилгач, беҳуда кетган вақтининг ҳиссасини чиқариб олиш учун имкони борича илдамроқ югурганча, беҳудуд таажжуб ва ҳадик-ла ҳозиргина ажралишган одамнинг ғалати хулқ-атворини ўйлаб борарди.

Дарвоқе, бу ҳодиса Оливернинг хаёлини кўпдан банд қилмади, зотан бола боғ ҳовлиларига қайтиб келаркан, у ердаги воқеалар ўзи ҳақидаги жамики ўйларни хоби-хотиридан ситиб чиқариб, бўлак фикрлар билан банд этишга етиб-ортгулик эди.

Роз Мэйлининг аҳволи баттар оғирлашибди; ҳали тун ярмига бормасданоқ алаҳдай бошлади у. Шу кишлоқлик врач тўшаги тепасидан жилмасди; беморни назоратдан ўтгазгач, у миссис Мэйлини чеккароққа чорлаб, хавfli касал эканини айтди.

— Мабодо тузалиб кетса — бу бир мўъжиза бўлади, — деди у.

Уша кеча Оливер ўрнидан туриб, секингина зинапояга чиқиб, беморнинг хонасидан эшитилаётган тик этган овозга неча марталаб қулоқ осмади дейсиз! Бехосдан эшитилиб қолган шошилич одим товушларидан неча марталаб титраб кетмади-ю, ўйлашнинг ўзи бир олам даҳшат бўлган нарса содир бўпти-да, деган кавотирдан неча-неча марталаб пешонасидан муздек тер чиқиб кетмади! Унинг шу топдаги лаҳад ёқасида турган дилбару меҳрибон кимсасининг ҳаёти ва соғлигини тилаб ҳасрату алам ичра қилаётган дуою илтижоларини илгариги кизгин муножотлари билан тенглаштириб бўлармиди!

О, жондан ортиқ севадиган кишимизнинг ҳаёти қил устида, тарозунинг бир палласида — жон, иккинчисида ажал тоши турса — қанчалар бешафқат қийноғ-а бу! О, миянгда гужғон ўйнаб, юрагингни ўйнатиб, энтиктириб қўядиган ўй-фикрлар қанчалар изтиробли-я! О, қўлимиздан келмайдиган иш — азоб-уқубатларни энгиллатиш ёхуд хавфу хатарни камайтишга даъват этиб, ақалли бирон чора кўришга ундовчи жўшқин истак; ўз ожизлигимизни ўйлаганимизда қалбимизга қутқу соладиган ноумидликни айтмайсизми, қайси бир қийноқ тенглаша олади булар билан; энг машаққатли ва таҳликали онда қайси ўй-фикр ёхуд қай куч уларни бўшаштира олади!

Тонг отди, чоққина боғ ҳовлида эса сув қуйгандек жимжитлик. Ҳамма пичирлашиб гаплашарди. Вақт-вақти билан дарвоза олдида ташвишли чеҳралар кўриниб қоларди; хотин-халажу болалар кўзларида гилққа-гилққа ёш билан чиқиб кетардилар. Йилдай чўзилган кун давомида Оливер то қоронғигача боғда кезди; у титраб-қалтираб дам-бадам бемор ётган хонанинг деразасига қараб кўярди, наздида ойна узра ажал қанот қоқиб тургандек туюлаверди. Хуфтонга бориб мистер Лосберн етиб келди...

— Қанчалик оғир бу! — деди кўнгилчан доктор, шундай деяркан, у юзини четга буриб олди. — Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, шундай суюкли навниҳол-а. Умид жуда кам.

Яна тонг отди. Офтоб шунақанги чарақлаб турардики, гўёки у на ғам-алам, на мусибату фалокатни кўрмагандай; атроф-борлиқ қуюқ япроқлару чаман-чаман гул-чечакларга бурканган; шодлигу қувонч башоратчиси бўлмиш сас-садолару сўлим манзаралар ҳаёт ва соғломлик нафасини уфуриб турарди; ёшгина гўзал бир жон эса шитоб-ла сўниб борарди. Оливер кўҳна қабристонга ўтиб бориб, ям-яшил гумбазчага ўтирди-да, сокинлик қўйнида унинг дуойи жонини қилиб, юм-юм йиғлади.

Атроф шунчалар осуда ва шунчалар сўлим, қуёш нурига чўмган манзара шунчалар кўзни қувнатар, қушлар шунчалар шўх-шодон наво қилар, борлиқ шунчалар жўшқин ҳаёту шодидёналикка тўлган эдиким, бола шундоққина бошига тегай-тегай деб бемалол учиб ўтган қузғун ортидан йиғидан оғрик кирган кўзларини кўтариб, теваракка боқаркан, беихтиёр хаёлидан ҳозир ўлим фурсати эмаслиги, жамики оддий жонзоту жондорлар шунчалар шодон, бегаму беташвиш бир пайтда Роз ўлмаслиги керак, албатта, гўрни эса бутун олам нурга чўмилаётган ва муаттар бўйлар нашъу намосини сураётган паллада эмас, совуқ ҳамда

хафагазак киш фаслида қазилади-ку, деган ўй кечди. Яна бола ихтиёрсиз равишда ўйлади: кафан ҳам ажин босган қариларга аталган, у ҳеч қачон ёш ва ажойиб танларни ўзининг даҳшатли қучоғига олган эмас.

Шу пайт черков қўнғироқларининг дафн маросимидан огоҳ этувчи жанг-журунги ушбу гўдагона ўйларни чўрт узиб қўйди. Қўнғироқлар тагин бонг урди! Яна бир бор! Улар жанозага чорларди. Дарвозадан ҳассакашларнинг чоғроққина тўдаси кириб кела бошлади; улар оппоқ капалакнусха бант тақиб олгандилар, чунки марҳум ёш эди. Улар қабр тепасида бошяланг туришар, йиғлаётганлар орасида она — боласидан айрилган она ҳам — зор қақшаяпти. Аммо қуёш ҳамон чарақлаб нур сочяпти, қушлар эса наво қиялпти.

Оливер ёш ойимқиздан қанчадан-қанча яхшилик кўргани ҳақда ўй суриб, яна ўшандай кунлар келиб, у қизга ўз миннатдорлиги ва меҳрини ҳормай-толмай исбот этишини орзу қилганча уйга йўл олди. Ўзини эътиборсизлик ёхуд илтифотсизликда айблайдиган ҳеч қанақанги асосли таънаси йўқ эди — у қизга садоқат-ла хизмат қилди; шунга қарамай, юзлаб майда-чўйда нарсалар ёдига келардики, унинг назарида, ўша ҳолларда янаям кўпроқ ғайрату ҳафсала кўрсатса бўладигандек туюлиб, ўшандай қилмаганидан ўкинарди. Атрофимиздаги яқинларимизга эҳтиёткорона муомала қилишимиз даркор, негаки ҳар бир ўлим ҳаёт қолганларнинг мўъжазгина даврасида қанчалар кўп хатоларга йул қўйилгани ва бир-бирларига қанчалар кам нафлари теккани борасида афсуснадоматлар уйғотади, қанча нарсалар унутилгани ва ундан ҳам зиёдроқ тузатиб бўлмас нуқсонлар содир бўлгани хусусида беадад ўкинчларга солади. Сўнги пушмон — ўзга душмаи деганларидек, бефойда афсусдан кўра бешафқат нарса йўқ оламда; башартики бефойда афсуснинг азобу изтиробидан ўзимизни халос этиш ниятида бўлсак, фурсат ўтмасидан эсга олайлик уни.

У уйга кириб келганида миссис Мэйли кичик меҳмонхонада ўтирган экан. Унга кўзи тушибоқ Оливернинг юраги нақ тўхтаб қолаёзди: хоним жиянининг тўшаги тепасидан бирон марта жилмаганди, шунинг учун ҳам болани миссисни бу ёққа чиқишга қандай ўзгариш мажбур этди экан, деб ваҳм босди. У Рознинг қаттиқ уйқуга кетганини, уйқудан уйгонгач эса ё соғайиб кетиши, ё булар билан видолашиб, ўлимга юз тутиши мумкин эканини билиб олди.

Икковлон бир неча соат мобайнида чурқ этиб овоз чиқаргани чўчиб, жимгина кулоқ солиб ўтиришди. Тушлик тамаддини қандай бўлса шундайича олиб чиқиб кетдилар; қуёш пастлай-пастлай бориб, ниҳоят еру само оқшом чойшабига ўралаётганини кузатарканлар, ўй-хаёллари аллақайлардадир, ўзга ерларда чарх уриб юргани кўриниб турарди. Шу аснода уларнинг сергак кулоқлари яқинлаб келаётган одим шарпаларини илғаб олди. Улар эшик томон ташлангандиларки, шу вақт хонага мистер Лосберн кириб келди.

— Рознинг аҳволи қалай? — деярли қичқириб сўради кекса хоним. — Шартта айтинг-қўйинг! Чидайман бунга, номаълумликдан бўлак ҳамма нарсага чидайман! Худо ҳаққи, гапирсангиз-чи!

— Ўзингизни босинг! — деди доктор уни суяб. — Утинаман, хоним, тинчланинг, азизам!

— Қўйиб юборинг мени, барака топкур! Вой болажоним-а! Ўлдими-я! Жон беряптими-я!

— Асло! — қизишиб хитоб қилди доктор. — Худованди каримнинг марҳамати бениҳоя, ҳаммамизни шобён шод этиб, у яна узоқ йиллар яшайди!

Хоним тиз чўкиб, қўлларини қовуштиришга уринди, аммо шунча вақтгача қаддини тик тутиб турган қуввати илк шукрона билан бирга адоий тамом бўлганди, шу боис дўстининг қўлига шилқ этиб тушди.

## XXXIV боб

*сахпада пайдо бўлган навқирон жентльмен ҳақдаги баъзи бир дастлабки маълумотларни, шунингдек, Оливернинг янги саргузаштларини ўз ичига олади*

Бу бахтга дош бериш амримаҳол эди. Кутилмаган хабардан Оливер эсанкираб ва гарангсиб қолганди. У на йиғлай олар, на гаплаша ва на дам ола

биларди. У содир бўлган ишларни анчайин машаққат-ла англаб етаётган эди; оқшом хавосидан симирганча узоқ тентиради; ахийри қуйилиб келган ёшдан енгил тортиб, худди бирдан кўзи очилиб кетгандек, содир бўлган қувончли ўзгаришни яхлитича англади-ю, елкасидан босиб ётган хавотиру ғам-ташвишнинг беҳад оғир юки ағдарилди-қўйди.

Беморнинг хонасини безаш учун айниқсанги ҳафсала билан терган гуллари бир кучоқ қилиб уйга қайтаётганида қош қорая бошлади. Шаҳдам одимлаганча уйга қайтаётганда, орқа томондан учиб келаётган арава шовқинини эшитди. Угирилиб қараб, шитоб-ла бостириб келаётган почта аравасига кўзи тушди-ю, йўл торлиги сабабли уни ўтказиб юбориш учун кимнингдир дарвозасига биқиниб олди.

Арава унинг ёнига етиб келганида Оливер кўз қири билан оқ тунги қалпоқ кийиб олган одамни кўриб қолди; унинг афти (гарчи зув этиб ўтиб кетганидан таниёлмаган бўлса-да) таниш кўринди. Икки лаҳзалар ўтмаёқ тунги қалпоқ эгаси арава дарчасидан мўралади-ю, унинг аравакашга тўхтатишни буюрган баланд овози эшитилди ва аравакаш отларни эплаштирган замони, буйруқни бажо келтирди.

— Бери кел! — бақирди ҳалиги овоз. — Оливер, нима янгиликлар бор? Мисс Роз қалай? О-ли-вер!

— Ўзингизмисиз, Жайлс? — деб қичқирди Оливер араванинг дарчаси ёнига чопиб келаркан.

Жайлс жавоб бермоқчи бўлиб яна тунги қалпоқли бошини чиқарган эди, ўриндиқнинг нариги томонида ўтирган ёш жентльмен уни нари итариб, сабрсизлик билан қандай янгилик борлигини сўради.

— Бир оғиз қилиб айт! — қичқирди жентльмен. — Тузукми ё ёмонми?

— Тузук, анча тузук! — шоша-пиша жавоб қилди Оливер.

— Худога шукр! — дея шукрона ўқиди ёш жентльмен. — Ўзингнинг ишончинг комилми бунга?

— Мутлақо комил, сэр! — жавоб берди Оливер. — Хатар бир неча соат бурун ўтди, мистер Лосбернинг айтишича, энди хавотир олмаса ҳам бўлади.

Жентльмен бир оғиз ҳам сўз айтмай, арава эшигини очиб сакраб тушди-да, Оливернинг қўлтигидан олиб, бир чеккага бошлади.

— Бунга имонинг комилми? Мабодо янглишаётганинг йўқми, укажон? — титроқ овозда сўради у. — Тагин бўлмайдиган, йўқ нарсага умидвор қилиб ўтирмагина мени.

— Икки дунёдаям бундай қилмасман, сэр, — жавоб қайтарди Оливер. — Ростки, ўзингизга ишонгандек ишонаверинг менга. Лосбернинг «ҳаммамизни шоён шод этиб, яна узоқ йиллар яшайди у», — деганини ўз қулогим билан эшитдим.

Шундайин бахтни ато қилган сонияни тилга оларкан, Оливернинг кўзларида ёш ҳалқаланди; жентльмен бўлса индамай тескари бурилди. Оливернинг наздида бир неча бор унинг қўнғироғини эшитаётгандек туюлди-ю, бироқ бирон нима деб халал беришдан чўчиди; зеро бола йигитнинг қалбидан нелар кечаётганини фаҳмлаб турарди, шу боисдан ҳам чеккароқда ўзини гуллари билан банддек қилиб кўрсатарди.

Бу орада тунги оқ қалпоқ кийиб олган мистер Жайлс усти берк араванинг зинасида, иккала тирсагини тиззаларига тираган қўйи, кўзларини хол-хол оқ гулли ҳаворанг ип дастрўмоли билан ишқаб ўтирарди. Бечора мутлақо ўзини ҳаяжонланаётганга солаётгани йўқ — навқирон жентльмен ўгирилиб, сўз қотганида, унга тикилган кўзларининг қип-қизариб кетгани бунинг яққол далили эди.

— Жайлс, сиз фойтунга ўтириб, онам ҳузурига жўнаганингиз маъқулга ўхшайди, — деди жентльмен. — Мен фурсатдан ютиш ниятида бир оз пиёда юрнб, кейин хонимча билан кўришсам дегандим. Онамга мени ҳозир келади, деб қўя қолинг.

— Маъзур тутасизу, мистер Гарри, — деди Жайлс ҳаяжон-ла афтини дастрўмоли билан арта туриб, — мабодо ушбу топшириқни адо этишни фойтунчига юкласангиз, бағоят мамнун бўлардим. Оқсочларнинг каминани бундай аҳволда

кўришлари яхшиямас, сэр... Уларнинг олдида обрўим бир пул бўлади-я.

— Яхши, — жилмайган кўйи жавоб қилди Гарри Мэйли, — билганингизни қилинг. Агар таъбингизга хуш келадиган бўлса, майли, фойтунчи юклар билан олдинроқ кетаверсиз, сиз эса биз билан бирга борарсиз. Лекин аввал манави тунги қалпоқни биронта тузукроқ бош кийим билан алмаштириб олинг, йўқса бизни жинни деб ўйлашлари ҳеч гапмас.

Мистер Жайлс беўхшов бош кийими ҳақдаги танбеҳни эшита солиб қалпоқни дарҳол юлкиб олди-ю, чўнтагига урди-да, фойтундан бичими оддий, айни пайтда салобатли шляпа олиб, бошига қўдирди. Бу иш ўринлатилгач, фойтунчи отларни жилдирди; Жайлс, мистер Мэйли ва Оливерлар унинг ортидан шотилмай йўлга тушишди.

Йўлакай Оливер янги келган йигитни зўр қизиқиш ва синчковлик ила кузатиб борди. Кўринишидан йигирма беш ёшлар чамасида; ўрта бўйли, чиройли ва очиқ чеҳрали, муомаласи содда-самимий. Еш жиҳатидан фарқларига қарамай, у кекса хонимга шундоқ ўхшаб кетарди-ки, ҳатто йигит уни онам деб атамаган тақдирда ҳам Оливер уларнинг қариндош эканликларини фаҳмлаган буларди.

Боғ ҳовлига етиб борганларида миссис Мэйли ўглини нигорон кутиб турганди. Кўришаётганларида икковлариям ниҳоятда ҳаяжонда эдилар.

— Ойижон, — шивирлади йигит, — нимага илгарироқ езиб юбормадингиз?

— Езишга езиб қўйгандим, — деб жавоб қилди миссис Мэйли, — лекин ўйлаб кўриб, токи мистер Лосбернинг фикрини эшитмагунимча жўнатмасликка аҳд қилдим.

— Лекин рўй беришига бир баҳя қолган фожиа содир бўлай деб турган бир пайтда таваккал қилишнинг нима ҳожати бориydi? — дея сўзини давом эттирди йигит. — Борди-ю, Роз... йўқ, айтолмайман бу сўзни... борди-ю, касалнинг оқибати бошқача бўлиб чиққанида ўзингизни кечира олармидингиз сира? Ахир, унда мен яна бахтиёр бўла олармидим?

— Мабодо энг хунук иш юз берганида, Гарри, — деди миссис Мэйли, — қўрқаманки, сенинг ҳаётинг бир умрга чилпарчин бўлган ва бу ерга бир кун олдин ё бир кун кейин етиб келдингми, бари бир, бунинг аҳамияти жуда, жудаям кам бўларди.

— Борди-ю, шундоқ бўлган тақдирдаям, қандай таажжубланадиган жойи бор? — Эътироз билдирди йигит. — Мабодо дейишнинг нима кераги бор? Аслида шундоқ, ҳа, аслида шундоқ... буни ўзингиз биласиз, ойижон... билишингиз керак.

— Биламан, у эркаклар қодир бўла олган энг назокатли ва энг пок муҳаббатга лойиқ, — деди миссис Мэйли, — унинг садоқатли ҳамда меҳрибон феъл-атвори енгил-елпи туйғуга эмас, балки теран ҳамда барқарор ҳис-туйғуга муҳтож. Мабодо мен бундан беҳабар бўлганимда ва бунинг устига у меҳр қўйган одам хиёнат қилгудек бўлса ўша ондаёқ ҳасратда жон бериб қўя қолишини билмаганимда, ўз вазифамни унчалик мушкул ҳисобламас ва ўзимнинг шакшубҳасиз бурчимни амалга оширишга хотиржам киришган бўлардим.

— Бу бағритошлик-ку, ойижон, — деди Гарри. — Наҳотки сиз менга шу маҳалгача ўз юрагини бошқаролмайдиган ва ўз қалби майлини тушунмайдиган ёш бола деб қарасангиз?

— Менимча, жоним ўғлим, — жавоб қилди миссис Мэйли унинг кифтига қўлини қўйиб, — ёшликка олиҳиммат, мардонавор аммо умри қисқа орзу-тилаклар йўлдош бўлади; улар орасида шунақангилар ҳам борки, муродлари ҳосил бўлгач, майлу иштиёқлари ўткинчи, беқарор эканлиги билинади-қўяди. Авваламбор мен ўйлайманки, — сўзини давом эттирди хоним ўғлидан кўзини узмай, — бордию, хушчақчақ, жўшқин, шуҳратпараст одам (гарчи унинг айби билан бўлмаса-да) шаънига доғ тушган қизни никоҳига олса, тошбағир ва ярамас одамлар бир умр уларни, ҳатто болаларини ҳам лаънатлаб, ёзгирадилар. Эри олий табақа даврасида муваффақият қозона боргани сайин унга ҳар қадамда дакки бериб, масхаралашга тушадилар; шундоқ экан, ўйлайманки, ўша одам — табиатан қанчалик оғиркарвон ва саховатли бўлмасин — бари бирам бир кунмас-бир кун ёшлик қилиб бундай аёлга уйланганига афсусланиши турган гап. Аёл эса, буни кўриб, ўз ёгига ўзи қовурилади.

— Ойижон, — деди йигит бетоқатлик билан. — худди ўшандай хаёлга борган кимса эркак номига нолойик, сиз таърифлаётган аёлнинг тирноғига ҳам арзимади.

— Ҳозир шундай деб ўйлай бошладим, Гарри, — жавоб қайтарди онаси.

— Ва ҳамиша шу фикримда қоламан! — дея хитоб қилди йигит. — Шу икки кун қалбан чеккан қийноғу изтиробларим ўзингизга яхши маълум бўлган майлу истагим куни кечагина бунинг устига енгилтаклигим оқибатида туғилган эмаслигини тан олишга, сиртимга чиқаришга мажбур этяпти. Менинг юрагим, қалбим — эркак кишининг юраги аёлга қандай бахшида этилса, худди ўшандайча — бир умрга Розга, меҳрибон, беозор, дилбар қизга бахшида этилган. Бутун фикр-зикрим, ўйларим, истакларим, орзу-умидларим у билан чамбарчас боғланган; борди-ю, бу масалада раъйимга зид чиқсангиз, орому тинчлигимни, бахту саодатимни ўз қўлингизга олиб, шамолга совурган бўласиз. Ойижон, шулар ҳақда, мен ҳақимда яхшилаб ўйлаб кўринг ва мендан кам қайғурмаётганингиз бахтга нописандлик билан қараманг!

— Гарри! — дея хитоб қилди миссис Мэйли. — Айнан ана шу жўшқин ва таъсирчан қалбларни кўп ўйлаётганим учун ҳам уларни беҳуда жароҳатлардан асраб қолишни истайман. Лекин ҳозир бу хусусда етарлича, керагидан ҳам ортиқча гапирилди...

— У тақдирда, Рознинг ўзи ҳал қилсин, — онасининг сўзини бўлди Гарри. — Иўлимга тўғаноқ бўлиш учун фикрингизда қойим туриб олмайсизми?

— Йўқ, — жавоб берди миссис Мэйли, — лекин ҳар ҳолда яхшилаб ўйлаб кўришингни истардим...

— *Ўйлаганман!* — деган бетоқат жавоб эшитилди. — Ойи, йиллаб ўйладим. Жиддий мулоҳаза юриштишга қодир бўлган пайтимдан бошлабоқ бу ҳақда ўйлашга тушганман. Туйғуларим барқарор ва улар шундайлигича қолади. Охири бахайр бўлмаганидан кейин буни ичимга ютиб, орқага суриб азоб чекиб юришимнинг қандай нафи бор? Йўқ! Бу ердан жўнаб кетишимдан олдин Роз дилрозимни билиши лозим.

— У сени эшитишга тайёр, — деди миссис Мэйли.

— Гап оҳангингизга ва тахминингизга қараганда, ойижон, у мени совуқ қарши оладиганга ўхшайди, — деди йигит.

— Йўқ, бўлмаган гап, — жавоб берди кекса хоним. — Асло ундаймас.

— Бўлмаса қандай? — тикилинч қилаверди йигит. — Мабодо у қалбини бошқа бировга ҳада қилиб қўймадимикин?

— Албатта йўқ! — деди онаси. — Агар янглишмасам, кўнгли сенда. Лекин шунга айтмоқчийдимки, — дея гапини давом эттирди кекса хоним ўглининг гапини оғзидан олиб, — ҳаммасини кўтара савдо қилишдан олдин, орзу қаноатида кўкларга парвоз қилмасдан бурун, жон болам, Рознинг тарихини бир нафасгина ўйлаб кўр ва ўзининг шубҳали келиб чиқишидан хабардорлиги унинг аҳдига қанчалик таъсир этиши мумкинлиги борасида хулоса чиқар; сабабки унинг ҳимматли қалби бизга нисбатан чин садоқат-ла лиммо-лим; кейин хоҳ жиддий, хоҳ майда-чуйда иш бўлсин — ҳамиша ўз манфаатидан воз кечишга жон-тани билан тайёр.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— *Ўйлаб кўришингни маслаҳат берардим*, — жавоб қилди миссис Мэйли. — Мен беморнинг ёнига қайтишим керак. Илоё ўзи ярлақасин сени!

— Бугун кечқурун кўришамизми? — дея ҳаяжон-ла сўради йигит.

— Пича кечроқ, — жавоб берди хоним, — Рознинг ёнидан чиққанымдан кейин.

— Шу ердалигимни айтасизми унга? — сўради Гарри.

— Албатта, — жавоб қилди миссис Мэйли.

— Кейин, қанчалик хавотирланганимни, азоб чекканим ва уни кўришга интиқлигимни ҳам айтинг. Бунга йўқ демассиз-а, ойижон?

— Албатта, — деди кекса хоним. — Мен унга ҳаммасини айтаман.

Шундан сўнг ўглининг қўлини меҳр-ла қисиб, чиқиб кетди.

Ушбу ошиғич суҳбат давомида мистер Лосберн билан Оливер хонанинг нариги бурчида туришганди. Ниҳоят мистер Лосберн Гарри Мэйлига қўлини

узатди ва улар қизгин кўришишди. Сўнгра доктор ўз навқирон дўстининг беҳисоб саволларига жавобан беморнинг ҳолати хусусида муфассал ахборот берди. Бу жавоб Оливернинг сўзларидан кейин йигитнинг қалбида уйгонган умидни яна мустаҳкамлади. Мистер Жайлс эса ўзини бамисоли юк билан овора қилиб кўрсатса ҳам, лекин қулогў динг бўлиб эшитиб турарди.

— Кейинги пайтларда арзирли бирон нимани қўлга туширолганингиз йўқми, Жайлс? — дея суриштирди доктор ахборот бериб бўлгач.

— Арзирли ҳеч нима, сэр, — жавоб қайтарди мистер Жайлс қулогўгача шолгомдай қизариб.

— Бирон-бир ўғриниям ушламадингиз, ҳеч қандай талончиниям таниб қолмадингизми? — тегажакликни давом эттирди доктор.

— Ҳеч қандай, сэр, — жавоб қайтарди мистер Жайлс сиполик билан.

— Аттанг, — деб қўйди доктор, — нвга деганингизда, ўзлари бунақанги ишларнинг устаси фарангилар-да... Хўш, айтинг-чи Бритлснинг аҳволи қалай?

— Йигитча отдай, сэр, — жавоб қилди мистер Жайлс, яна одатий рио-гарчилик оҳангига қайтиб, — у сизга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини етказишни қаминига топширди.

— Тасанно, — деди доктор. — Сизни кўриб, мистер Жайлс, бу ёққа шошилинч қақиртиришларидан бир кун олдин саховатли бекангизнинг илтимоси билан кичкинагина, сизга ёқадиган бир топшириқни адо этганим эсимга тушди. Бемалол бўлса, бир нафасгагина бу ёққа, бурчакка ўтолмайдиларми?

Мистер Жайлс салобату жиндак таажжуб ила бурчакка ўтиб, доктор билан қисқагина пичирлашиб гаплашиш шарафига ноил бўлди ва суҳбат интиҳосида беҳисобу бесаноқ мартаба таъзим бажо келтира-келтира, бағоят сипоҳона одимлаганча узоқлашди. Маазкур суҳбат мавзуи меҳмонхонада сирлигича қолди-ю, аммо ўчоқбошида сира ҳаялламай ошқора эълон этилди; зотан мистер Жайлс тўппа-тўғри ўшоққа йўл олган ва бир қадах эл (ароқ) эвазига, тантанавор доनावор жасоратини тақдирлаб, бека унинг ҳисобига маҳаллий омонат кассага йигирма беш фунт топшириб қўйишни ихтиёр этганини хабар қилди. Шунда ҳар иккала оқсоч қўллари ва кўзларини кўкка қададилар, негаки улар, энди мистер Жайлснинг димоғидан эшакқурт ёғиладиган бўпти-да, деб тахмин қилишганди. Мистер Жайлс бунга жавобан томоқ кириб олиб: «Йўқ, йўқ, асло», дея жавоб қилди ва бордию улар ўз қўл остидагиларга заррача бўлсин киброна муомала қилганини пайқасалару шартта бетига айтсалар, ғоятда мамнун бўлажагини қўшиб қўйди. Сўнгра эса ўз камтарину камсуқумлиги қимматини зигирчалик камайтмайдиган яна оламжаҳон фикру мулоҳазаларни қайд қилдиким, булар худди улуг зотларнинг одатдаги бағоят жўяли ҳамда бамаъни панд-насиҳатларидек илтифоту маъқуллаш-ла инобатга олинди.

Хуфтон палласи хушчақчақ ўтди: докторнинг жуда кайфи чоғ эди. Гарри Мэйли эса дастлабига қанчалик ҳоргин ва дилхун бўлмасин, бари бир у ҳам муҳтарам бағри кенг жентльменнинг турфа аскияларию ҳазил-ҳузуллари, табиблигига оид турли-туман хотиралари олдида дош беролмади. Оливернинг назаридою бу ҳангомалар шу пайтгача эшитганлари ичида энг қизиги бўлиб туюлар ва ўзи ҳам тинимсиз қаҳ-қаҳ ураётган докторни ошқора хурсанд этиб, хандон уриб куларди; айни чоғда Гаррини ҳам ўшандай завқ-шавқ-ла кулишга мажбур қиларди. Шу тариқа улар, муайян вазият имкон берганича, вақтни ғоят кўнгили ўтказдилар ва ўзлари енгил тортиб, диллари ёзилиб, яқингинадаги хавотиргарчилигу ташвишлардан сўнг ғоятда эҳтиёж сезилган ором — дам олгани турганларида алламаҳал бўлиб қолганди.

Оливер эрталаб тетик-бардам уйғонди ва одатий машгулотига беқиёс ишонч ҳамда хурсандчилик билан киришди, негаки талай кунлар мобайнида бундай ҳис-туйғуни унутиб қўйганди. Қушлар эски жойларида сайрасин деб, қафаслар яна илиб қўйилди, яна хоналарга кўрк-чиройи Розга қувонч бахш этсин, деб исли-уфорли дала чечаклари сочилди. Гарчи асли сўлимлигича қолган бўлса-да, ташвишга тушган боланинг гуссали кўзига муғли кўринган борлиқ мавжудот устидаги қайғу сояси гўё сеҳрғар амри билан тумандек тарқаб кетганди. Ям-яшил

япроқлару майсаларга қўнган шабнам томчиси тиниқроқ йилтираётгандай, шабада барглари майинроқ шитирлатаётгандай, осмон мовийлиги шаффофлик касб этгандек туюларди. III! хсий фикр-ўйларимиз борлиқ мавжудотнинг ҳатто зоҳирий қиёфасига мана шундай таъсир ўтказади. Табиат ва ўз дўст-ёрларини назар-писанд қилмайдиган, ҳамма нарсани бадбину бадқовоқ деб ҳисоблайдиган одамлар ҳақ; бироқ қора бўёқлар уларнинг жаҳолату сафродан хира торган кўзу қалбларининг оксидир. Аслида эса бу ранглар нафис ва хийла тиниқроқ, бегуборроқ нигоҳни талаб этади.

Оливер эндиликда ўзининг эрталабки сайрларига ёлғиз отланмаётганини — бунга унинг ўзи ҳам эътибор беришни унутмагани — айтиб ўтсак, халал бермас. Гарри Мэйли Оливерни бир кучоқ гул билан уйга қайтаётганида учратган тонгдан бошлаб гулга беқиёс меҳр қўйиб, гулдаста тузишда шунчалик диди нозикликни намоен қилдики, бу соҳада ёш ҳамроҳидан сезиларли даражада ўзиб кетди. Гарчандки бу жабҳада Оливер ортда қолган бўлса-да, бари бир энг аъло гулларни қайдан топишни яхши биларди; қисқаси, ҳар тонгда икковлон теварак-атрофни кезиб, уйга ажойиб гулдасталарни олиб қайтишарди. Ёш хоним ётоқхонасининг деразаси эндиликда очиб қўйилаётганди; зотан у хонага муаттар ёз ҳавоси ёпирилиб кириб, вужудига суруру ҳаловат, бардамлик бахш этишини ёқтирарди; дераза рафида эса ҳар куни тонгда беқиёс тузилган гулдастача солиб қўйилган гулдон турарди. Мўъжазгина кўзача мунтазам янги узилган гуллар билан тўлатиб турилганига қарамай, сўлиган гуллар ҳеч қачон ташлаб юборилмаганлигини Оливер пайқамай қолмади; шунингдек доктор боққа қай вақтда чиқишидан қатъий назар, албатта дераза томонга нигоҳ ташлар ва бағоят маънодор қилиб бош ирғаб қўярди, сўнг йигитчаларнинг эрталабки сайрга жўнашлиги ҳам унинг эътиборидан қочиб қутулолмади. Оливер кузатишлар билан банд бўлар, кунлар эса учиб-елиб ўтар, Роз ҳам тез тузала бошлаганди.


Гарчи, миссис Мэйли билан ҳар замонда бир атрофни айланишларини айтмаса, ёш хоним ҳали хонасини тарқ этмаётган ва кечки сайрга чиқолмаётган бўлса-да, Оливер учун вақт имиллаб ўтяпти дейишнинг ўрни йўқ эди. У кекса, оппоқ соқолли жентльмендан олаётган сабоқларига жаҳду жадал-ла мук тушган ва шундайин ғайрат билан тер тўқа бошлагандиким, бунчалик тез муваффақиятга эришаётганидан ҳатто ўзи ҳам ҳайрон эди.

Аммо-лекин бир куни дарс қилиб ўтирганида, қўққисдан юз берган воқеа уни беҳад қўрқитиб, эсхонасини тескари қилиб юборди.

Одатда у китоблари билан шугулланиб ўтирадиган мўъжазгина хужра пастки қаватда, уйнинг орқа томонида жойлашган эди. Бу қишлоқдаги бог ҳовлининг оддий бир ҳонаси бўлиб — панжарали дераза нарёғида биноми анвойи атирларга тўлдирган ясмин буталари, учқат гуллари дераза ромига чирмашиб кетганди. Дераза боққа қараганди, бог эшигидан иҳотланган ўтлоққа чиқиларди; ундаги нарида ажойиб яйлов ўрмонга тутшиб кетади. Бу тарафда яқин-орада тураржой йўқ, олис-олисларгача бепоён кенгликлар кўзга ташланиб туради.

Ажойиб оқшом палласи, энди қош қорая бошлаган бир пайтда Оливер китоблари устида мук тушиб ўтирарди. У анча вақтдан бери шугулланаётгани, кун ҳаддан зиёд иссиқ бўлгани ва яхшигина тер тўкканлиги сабабли — китоб муаллифлари ким бўлишларидан қатъий назар бу ҳол уларни заррача камситолмайди — Оливер ўзи ҳам билмаган ҳолда уйқуга кетди.

Гоҳо уйқу шундай писибгина келади-ю, жисмимизни банди қилгани ҳолда, руҳимизни атрофда бўлаётган воқеаларни сезишдан халос этмайди ва хоҳлаган ерида чарх уриб юраверишига қўйиб беради. Башарти, сира енгиб бўлмас бир оғирликни ҳис этиш, оёқ-қўлда қувват қолмаганини, ўй-фикрларимизу хатти-ҳаракатимизни бошқара олмай қолишликни туйиш уйқу деб аталса — бу уйқудир; аммо биз атрофимизда бўлаётган ҳамма нарсани англаб, бордию ниманидир тушимизда кўраётган бўлсак, унда ҳақиқатан айтилган сўз ва айни шу дамда чинакамга эшитилган товушлар ҳайрон қоларли даражада осонгина тушимизга мослашади-қолади; охир-оқибатда воқеий ҳамда ҳаёлий тасав-





вуротлар шундай галати бир таъзда уйғунлашиб, қоришиб кетадики, кейин уларни деярли бир-бировидан ажратиб бўлмайди. Бу масаланинг бундай ҳолатга хос бўлган энг танг қолдирарли жиҳати эмас ҳали. Қизиғи бу ёқда, кўриш ва сезиш ҳиссиётимиз бу пайтда ўлик бўлишига қарамай, уйқуга кетган тафаккуримиз ва қаршимизда липиллаб турган рўёларга биронта унсиз, аммо мавжуд нарса (гарчи у кўзимизни юмган пайтда ёнимизда бўлмаган, яқинлигини эса ўнгимизда ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эсак-да) моддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Оливер ўз ҳужрасида ўтирганини, олдидаги столда китоблари ётганини, дераза ортида ифорли бўй уфураётган шабада гул япроқларини шитирлатаётганини жуда яхши билиб турарди. Лекин, шунга қарамай, у ухлаётганди. Қўққисдан манзара ўзгарди-қўйди. Ҳаво бўғиқ ҳамда дим бўлиб қолди, шунда у даҳшат-ла ўзини жуҳуднинг уйида ўтиргандек ҳис этди. У ерда, ўзининг одатдаги жойида ўтириб олган бадбуруш чол нуқул уни кўрсатиб, ёнида тескари қараб ўтирган одамга нималардир деб пичирлармиш.

— Секинроқ, азизим! — бола наъзида гўё жуҳуднинг овозини эшитаётгандек бўлди. — Шубҳасиз, бу ўша! Кетдик.

— Ўша! — гўёки жавоб берибдимиш бошқаси. — Нима, мени танймайди деб ўйлайсизми уки? Агарда бир тўда арвоқлар унинг қиёфасига кирган бўлса-ю, ўзи ҳам улар орасида турса, бари бир нимадир уни таниб олишимга ёрдам берган бўларди. Агарда унинг жасадики етти қават ер остига кўмиб юборган чоғларидаям, қабрида на ёдгорлик тошию на бирон белгиси йўқлигига ҳам қарамай, бари бир топиб олган бўлардим.

Чамаси, бу одам шундай нафрат-ла сўзлаётган эдики, Оливер кўрқиб уйфонди-ю, сапчиб туриб кетди.

Е раб! Уни юрагини ўйнатиб, овоздан айирган, оёқ-қўлини шол қилиб қўйган нима? У ёқда... у ёқда... ойнанинг нарёғида... шундоқ яқингинада — агар орқага сапчиб кетмаганида шундай қўли етадиган яқинликда — жуҳуд турарди. У ҳужра ичкарасига мўраларкан, бола билан кўэлари тўқнашди. Ёнида бўлса — ғазаб ё қўркувдан, ёхуд ҳар икковидандир, ранги девордай оқариб кетган — меҳмонхона ховлисида ўшқириб берган анави одамнинг ёвуз башараси яққол кўзга ташланди.

Бу қақиндай тилкаловчи нигоҳ бир онгина давом этди, холос. Улар ғойиб бўлдилар. Аммо улар болани танидилар; бола ҳам уларни таниди; уларнинг башараси боланинг хотирига шунчалик муҳрланиб қолгандики, гўё уларнинг нускалари тошга ўйиб туширилгану дунёга келганидан берига кўз олдидан нари кетмагандек. У бир сония михлаб қўйилган янглиғ серрайганча туриб қолди. Кейин деразадан сакраб тушди-ю, боғни бошига кўтариб ёрдамга чақира бошлади.


## XXXV боб

*Оливернинг саргузашти қандай муваффақиятсиз тугагани, шунингдек, Гарри Мэйли билан Роз орасидаги аҳамиятга молик суҳбат ҳақида ҳикоя қилади*

Уй истиқоматчилари бақирик эшитилаётган жойга югуришиб келганларида ранги қув ўчган, ҳаяжондан ларзага тушган Оливер ҳовли ортидаги яйлов томонни кўрсатиб, аранг: «Чол! Чол!» — деб гўлдиарди.

Мистер Жайлс, бу бақирик нимани англатишига ақли етмаётганди, бироқ Оливернинг тарихини онасидан эшитган, зукко Гарри Мэйли дарҳол ҳаммасини фаҳмлади.

— У қайси томонга қараб қочди? — сўради у бир бурчакда турган оғир сўйилни ола солиб.



— Анави ёққа! — жавоб берди Оливер қароқчилар қочган томонни кўрсатиб. — Кўз очиб юмгунча йўқ бўл қолишди.

— Демак, улар зовурда! — деди Гарри. — Орқамдан! Енма-ён юришга ҳаракат қилинглр.

Шундай деди-ю, у бута девордан сакраб ўтиб, жон-жаҳди билан югура кетдики, қолганларнинг унга етиб олишлари амримаҳол эди.

Жайлс баҳоли қудрат унинг ортидан югурди; Оливер ҳам унга эргашди, икки дақиқалардан кейин эса сайр қилиб эндигина уйга қайтган мистер Лосберн бута девордан ошамай деб ағдарилиб тушди-ю, лекин ғайритабиий чапдастлик билан сакраб турганча, оёғини қўлга олиб, овозининг борича: «Нима гап? Нима гап?» — деб бақирган куйи ўша тарафга қараб югурди.

Ҳаммалари токи йўлбошчилари даланинг Оливер кўрсатган жойига бурилиб, зовур ва унинг атрофидаги буталар орасини синчиклаб тит-пит қилишга киришмагунга қадар нафас ростлагани бирон марта ҳам тўхтамай олға қараб югураверди. Гаррининг тўхташи бошқаларнинг унга етиб олишларига, Оливерни бўлса мистер Лосбернга бундай ошиғич таъқибнинг боисини тушунтиришига имкон берди.

Қидир-қидирдан наф чиқмади. Ҳатто янги тушган излардан асар ҳам кўринмади. Ҳозир ҳаммалари атрофдаги даланинг уч-тўрт миля нарисигача кафтдагидек кўзга ташланиб турган чоғроққина тепалик устида эдилар. Сўл томондаги пастликда қишлоқ жойлашганди, аммо у ерга Оливер кўрсатган йўлдан бориладиган бўлса очик жойдан айланиб ўтишга тўғри келарди, шу туфайлидан бу қисқа муддат орасида боягиларнинг кўринмай чап бериб кетишлари эҳтимолдан узоқ эди. Йилоннинг бу тарафи эса қалин ўрмонга туташган бўлиб, айнан ҳозир зикр этганимиз сабабларга кўра уларнинг бу паноҳгоҳга ҳам етиб олганлари даргумон эди.

— Тагин тушингга кирган бўлмасин, Оливер? — деди Гарри Мэйли.

— Йўқ, худо ҳаққи, сэр! — хитоб қилди Оливер қари аблақнинг башарасини қайта кўз олдига келтирганиданоқ сесканиб кетаркан. — Аниқ-таниқ кўрдим! Иккаларини ҳам худди ҳозир сизни кўриб тургандай аппа-аниқ кўрдим.

— Иккинчиси ким эди? — деярли бараварига сўрашди Гарри билан мистер Лосберн.

— Анавинда сизга айтгандим-ку, худди ўшанинг ўзи. Меҳмонжона олдида тўсатдан менга ўдағайлаб берган ўша киши, — жавоб берди Оливер. — Кўзларимиз тўқнашди, худди ўшанинг ўзилигига онт ичишим мумкин.

— Шу ёққа қараб қочишдими ўзи? — сўради Гарри. — Бунга ишончинг комилми?

— Дераза олдида турганларига қандай ишончим комил бўлса, бунга ҳам шундай, — жавоб қилди Оливер ва уй боғчаси билан яйловни ажратиб турган бута деворни кўрсатиб: — Новча киши манави жойдан сакраб ўтди, жуҳуд бўлса ўнги томонга бир неча қадам чошиб борди-да, ҳув анави очик ораликдан чиқиб кетди, — деди.

Оливер ҳикоя қилаётганда, иккала жентльмен унинг ҳаяжон балқиган афтига тикилиб туришарди, кейин кўз уриштириб олишди, афтидан, боланинг гаплари тўғрилигига ишонч ҳосил қилишганди. Аммо шунга қарамай, ҳозиргина жуфтакни ростлаб қолган одамларнинг бирон жойда изи кўринмасди. Ўт баланд ўсганди, лекин ўзлари босиб ташлаган ерлардан бўлак биронта ҳам эгилган-топталган жойи йўқ. Зовурнинг икки бети лойроқ эди-ю, бироқ бирорта эркак киши бошмоғининг изи ёхуд бир неча соат бурун бу ерга лоақал бирор кимса оёқ босганидан далолат берувчи белги кўринмасди.

— Ғалати бўлди-ку, — деди Гарри.

— Ғалати ҳам гапми! — қўшилишди доктор. — Влетерс билан Дафф бўлганидаям тагига етишолмасди бун.

Излашдан заррача наф чиқмаслиги ошқора кўриниб турган бўлса-да, улар қанотини ёйиб келаётган тун бундан-буёнги қидиришлардан умидларини узиб

қўймагунича уйга қайтишмади; шундан кейин ҳам чор-ночор ниятлари баҳридан ўтишди. Жайлсни, Оливер қўлидан келганича таърифлаб берганига мувофиқ, нотаниш кимсаларнинг афт-башаралари ва кийимлари хусусидаги аниқ тавсифу тафсилот билан қуроллантириб, атроф қишлоқлардаги қовоқхоналарга жўнатишди. Жухуд ҳар қалай, бирон ерга қиттак ичгани кирганида ёки яқин-атрофда ўралашиб юрганида кўзи тушган одамнинг эсида қоладиган турқ-тароватли эди, лекин Жайлс сирдан воқиф этадиган ёхуд ақалли бирон нимани ойдинлаштирадиган ҳеч қандай хабар-маълумотсиз, икки қўлини бурнига тик-қанча қайтди.

Эртасига излашни янгитдан бошладилар, қайтадан сўраб-суриштирдилар, бари бир натижа чиқмади. Индинига Оливер билан мистер Мэйли бу одамлар дараж-парагани эшитиб қолиш умидида бозорли шаҳарчага йўл олдилар; аммо бу уринишлари ҳам зое кетди. Бир неча кун ўтгач, бу воқеа, қизиқсиниш ва синчковлик янги озуқа топмаганидан кейин ўз-ўзидан унутиладиган жамики ҳодисалар сингари, эсдан чиқа бошлади.

Розга келганда эса у бу орада хийла тузалиб қолди. Эндиликда у уй ичида бемалол юрадиган, боққа чиқадиغان бўлиб қолган ва ҳаммаларининг дилларини қувнатиб, яна оила ҳаёти оқимига қўшилиб кетганди.

Гарчи ана шу бахтли ўзгариш чоққина оилавий давра ҳаётида сезиларли даражада аксини топган ва гарчи боғ ҳовлида қайтатдан бегаму беташвиш овозлар, кулги янграй бошлаган бўлса-да, Оливер гоҳо баъзи бировларда — ҳатто Розда ҳам — одатланилмаган маҳдудлик, сиқилиш аломатларини сезиб қоларди. Миссис Мэйли билан ўгли бот-бот ҳамда узоқ-узоқ якка-ёлғиз суҳбат қуришар, Роз эса кўпинча йиғидан кўзи қизариб кириб келарди. Мистер Лосберн Чертсига жўнайдиган кунини белгилаганидан кейин бу аломатлар айниқсанги сезиларли бўлиб қолдики, ёш хоним билан яна кимнингдир оромига рахна солаётган алланима содир бўлаётгани кундай равшан эди.

Ниҳоят, кунлардан бир кун эрталаб Роз мўъжазгина емакхонада ёлғиз ўзи ўтирганида Гарри Мэйли кириб келди-да, иккиланиброқ у билан бир неча дақиқагина сўзлашишга ижозат сўради.

— Андак... жиндаккина... кўп вақтингизни олмайман, Роз, — деди йигит курсини унга яқинроқ сураркан. — Сизга айтмоқчи бўлган гапимни аллақачон пайқаган бўлсангиз керак... Ҳали ўз оғзимдан эшитмаган бўлсангиз ҳам, юрагимдаги эзгу орзу-умидларим сизга маълум.

У кириб келганида Рознинг ранги қув ўчиб кетганди, аммо бунинг қизнинг кунини кечагинадаги бетоблягига йўйиш мумкин эди. У бошини ҳам қилгани куйи, ёнгинасидаги гуллар узра энгашганича, жимгина гапнинг давомини кутди.

— Мен... мен бу ердан аввалроқ жўнаб кетишим керагиди, — деди Гарри.

— Ҳа... шундай, — жавоб қайтарди Роз. — Бу сўзларим учун кечирингу, лекин мен кетишингизни истардим.

— Мени бу ёққа энг даҳшатли ва қаттиқ изтиробга соладиган хавотир-гарчилик, — сўзини давом эттирди йигит, — бутун орзу-умидларим, ишончу истакларим муроди бўлмиш яккаю ягона азиз кишимдан айрилиб қолиш хавфи етаклаб келди. Сиз ажал қазган чоғ ёқасига бориб қолгандингиз, жонингиз ер билан арши аъло орасида учиб юрганди. Бизга аён: гўзал ва меҳрибон ёш қалбларга ажал ўқи текканда уларнинг руҳи бехос боқий оламнинг нурафшон маскани сари интилади... Шуниси ҳам аёнки бизга — яратганнынг ўзи мададкор бўлсин бизга! — яхшига умр йўқ, деганларидек, кўпинча орамизда энг яхшиларимизу энг сараларимиз энди гунча очиб, яшнаё бошлаган қирчил-лама пайтимизда сўлиб, хазон бўламиз.

Ушбу сўзларни эшитганда кўнгли бўш қизнинг кўзларига ёш қалқди; у устига энгашиб турган гулга ёш гавҳари томчилаб, гулбаргида жавоҳирдай йилтирай бошлаганида гулнинг чиройи чандон очилиб кетди — бамисли унинг навқирон, маъсума қалбидан учган изҳори дили ҳақли равишда Табиатнинг мўъжизавор хилқати ила қондошлигини намойиш этаётгандек туюлди.

— Фариштадай гўзалу пок бир жон ҳаёт-мамонт талашувида қолганди, —

гапини давом эттирди йигит куйиб-ёниб. — Ох, унинг кўз ўнгида ўзи учун қадрдон бўлган олис олам жамоли намоён бўлган бир пайтда, унинг қайғу-гам ва мусибатлар макони бўлмиш бу дунёга қайтишига ким ҳам умид боғлай оларди! Эҳ, Роз, Роз, сизнинг самовий зиёнинг ерга тушган майину нозик кўлкасидек сирғалиб, кўкка ингилаётганингизни кўриб туриш, бу оламда муз қотаётганларни деб (нима учун айнан уларни деб сизнинг омон қолишингиз кераклигини билишлари даргумон) омон қолишингиздан умид узиб, қанчадан-қанча гўзалу сахий қалб эгалари шунчалар барвақт парвоз қилган нурафшон оламга мансуб эканлигингизни туйиб туриш ва бари бир, мазкур тасалли берувчи ўй-фикрларга қарамай, сизни севадиган кишиларга қайтиб беришини яратганга илтижою тавалло қилиш — бундай азобу қийноққа дош беришни ақл бовар этмайди! Мен бу изтиробни кечаю кундуз ҳис этиб турдим. У билан бирга вужудимга қўрқув, хавотирланнш ҳамда худбинона шубҳа-гумонлар — яъни сиз менинг қанчалик садоқат-ла севишимни билмай туриб ўлиб қолаётгандек — шалоладай ёпирилиб, бостириб келаверди, ана шу шалола эс-ҳушимни, ақлу онгимни ҳам оқизиб кетиши мумкин эди!.. Мана, тузалиб ҳам қолдингиз. Ботмонлаб келган дард кун-бакун, соат-басоат мисқоллаб ариб, саломатлик томчи-томчи бўлиб қайтиб, силласи қуриган, жилдираб турган қаёт чашмангизга жон ато қила бориб, бу чашмага яна шашту шитоб, қувват бахш этди. Оташин ва бениҳоя муҳаббатдан қамашган кўзларим билан ажал остонасидан қандай қайтганингизни кузатиб турдим. Келинг, мени ана шу бахтдан маҳрум этман деманг! Сабабки, юрагимни севги банд этгандан буён одамлар менга янада яқинроқ бўлиб қолганлар.

— Мен бундай демокчимасдим, — деди Роз кўзларига ёш олиб. — Мен фақат сизнинг бу ердан жўнаб кетиб, бошқатдан юксак ва олижаноб мақсадлар — ўзингизга муносиб мақсадларга эришишга ингилишингизга тилакдошман, холос.

— Мен учун, мендан кўра олиҳиммат одам учун ҳам, сизнинг қалбингизни ром этишга ҳаракат қилишдан кўра муносиброқ мақсад йўқи — деди йигит қизнинг қўлидан ушлаб. — Роз, азизам, жонгинам Роз! Сизни талай, талай йиллардан бери севиш билан бирга шон-шухрат йўлики забт этиш умидида яшадим ниятим ана ундан кейин, уйга мағрур қайтиб, уни сиз билан баҳам кўриш эди... Уша бахтли дам келганида муҳаббатимнинг унсиз далилларини ёдингизга солиб, орамизда сукут-ла тузилган кўҳна унсиз битимни амалга ошириш тимсоли сифатида қўлингизни сўрашни хаёл сурганим-сурганди! Бу рўёбга чиқмади. Лекин шу топда, на шон-шухрат ортиролмай, на бирорта орауим ушалмай, сизга аслида аллазамонлардаёқ бахшида этилган юрагимни таклиф қиламан ва бундан-буёнги тақдирим бу таклифимга нима жавоб беришингизга боғлиқ.

— Сиз ҳамиша меҳрибон ва олиҳиммат бўлиб келгансиз, — деди Роз борлигини қамрай бошлаган ҳаяжонни аранг босиб. — Сиз мени беҳис, бемехр ёки нонкўр деб ҳисобламайсиз, шунинг учун жавобимни охиригача эшитинг.

— Менга муносиб бўла оласиз, деган жавобни берасиз-а, тўғриямасми, азизам Роз?

— Жавобим шуки, — деди Роз, — мени унутишга ҳаракат қилишингиз керак; йўқ, эски ва содиқ дўстингизни эмас — бу мени қаттиқ жароҳатлаган бўларди — балки севгилингиз сифатида. Теварак-атрофингизга бир назар ташланг-а! Ўзингиз ўйлаб кўринг, ром этиб мақтанишингизга арзигулик қанчадан-қанча юраклар бор оламда. Агар хоҳласангиз, ўзим бош-қош бўлай янги севгингизда... Мен энг садоқатли, сизни суядиган ва вафодор дўстингиз бўлай.

Орага жимлик чўкди-ю, Роз юзини бир қўли билан беркитганча кўз ёшларига эрк берди. Гарри унинг иккинчи қўлини қўйиб юбормасди.

— Бунга қандай важларингиз бор, Роз, бундай хулосага келишга қандай сабабларингиз бор? — секингина сўради у ниҳоят.

— Буни билишга ҳаққингиз бор, — деди Роз. — Лекин, бари бир сизнинг гапларингиз уни ўзгартиролмайди. Бу — бурч, мен уни адо этишим керак. Бошқалар учун ҳам, ўзим учун ҳам бажаришим шарт уни.

— Ўзим учун ҳам дедингизми?

— Ҳа, Гарри. Шахсан ўзим учун, ёр-биродарлари ва давлатидан маҳрум.



шаънига доғ тушган мендай одам дўстларингизнинг гўёки мени сизнинг биринчи муҳаббатингизга тама-ғараз билан ён берган ва сизнинг бутун ният-режаларингизга тўғаноқ бўлган, деб гумонсирашларига важ-баҳона бўлишимга йўл қўёлмайман. Сиз ва қариндошларингиз учун мардлик ва олиҳимматлигингиз қистови заптида ўз измингиз билан ҳаётдаги муваффақиятларингиз йўлига ана шундай тўсиқ қуриб қўйишингизга халақит беришга мажбурман...

— Агар туйғуларингиз бурчингизни англаш ҳисси билан мос келса... — дея гап бошлади Гарри.

— Йўқ, мос келмайди... — жавоб берди Роз лолақизғалдоқдай ловиллаб.

— Демак, севгим жавобсиз қолмайди экан-да? — сўради Гарри. — Фақат шунгагина жавоб бера қолинг, азизам Роз, битта шунгагина! Машъум ноумидлик аламини хиёлгина юмшатинг!

— Башарти бу саволга севган одамимга шафқатсизона кулфат етказмай жавоб бера олсам, — деди Роз, — унда мен...

— У чоғда бу изҳори дилни мутлақо бошқача қабул қилармидингиз? — сўради Гарри. — Лоақал шуни яширманг мендан, Роз!

— Ҳа! — деди Роз. — Етар энди! — деб қўшиб қўйди у қўлини бўшатиб оларкан. — Бу машаққатли суҳбатни чўзишимизни нима ҳолати бор? Бир умрга бахтиёрлик ваъда қиляпган бундай суҳбатни давом эттириш менга жуда оғир. Ўз муҳаббатингиз билан кўксимни тоғдай кўтариб юборганингизни, ҳаёт жанггоҳида қозонган ҳар битта зафарингиз менга куч ва қатъият бахш этишини англаб туришнинг ўзи бир бахтдир. Хайр, Гарри! Энди ҳеч қачон бугунгига ўхшаган тахлитда учрашмаймиз, аммо муносабатимиз ушбу суҳбат оқибатда келтириб чиқариши мумкин бўлган муносабатга ўхшамаса ҳамки, биз кўп замонларгача бир-бировимиз билан қалин дўст бўлиб қолишимиз мумкин. Илоё садоқатли ва жўшқин қалбнинг дуою илтижолари шарофати билан ҳақиқат чашмасидан отилиб чиққан обирахмат сизга қувончу фароғат келтирсин!

— Яна бир оғиз гап, Роз! — деди Гарри. — Айтинг-чи, қандай асосу сабабларингиз бор? Уларни ўз оғзингиздан эшитай!

— Сизни ажойиб истиқбол кутяпти. — қатъий жавоб берди Роз. — Олдинда беқиёс иқтидорингиз ёҳамда эътиборли қариндошларингиз кўмагида жамоатчилик орасида ортиражак шон-шухрату иззат-икромлар маҳтал сизга. Лекинга ўша қариндошларингиз калондимоғ одамлар, менга келганда эса, жисмига жон бахш этган онага ҳазар кўзи билан қараб, жирканиб муомала қилиши мумкин бўлган одамлар билан ош-қатиқ бўлишни истамайман. Яна шунингдек, мени меҳр-муҳаббат-ла бағрига олиб, онам ўрнини босган мушфиқ аёлнинг ўғлини иснодга қўйишни хоҳламайман. Гапнинг пўскаллasi, — сўзини давом эттирди қиз тескари ўғрилиб, негаки шу дамда матонати тарк этганди уни, — менинг номимга доғ тушган, одамлар эса бу иснодни бегуноқ бир кимсага тақашади! Қўйинг, ёлғиз мени маломат қилаверишин, бунинг жабру ситамини ҳам, майли, бир ўзим тортай.

— Яна бир оғиз, Роз, жонгинам Роз, бир оғизгина гап! — китоб қилди Гарри қиз қаршисида тиз чўкиб. — Агар борди-ю мен бундай, бундай бахтли бўлмасам... бордию қисматимда осойишта, ими-жимиди яшаб ўтиш битилган бўлса-ю, мен қашшоқ, дардчил, ночор аҳволда бўлсам, ўшанда ҳам мендан юз ўғирармидингиз? Еки бу шубҳа-гумонлар менинг келажакда бойлигу шон-шавкат ортиражагим замирида тугилганми?

— Жавоб бер деб кистайверманг, — деди Роз. — Бундай савол ҳеч қачон тугилмаган ва тугилмайди ҳам. Жавоб берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан деб қийин-қистовга олиш яхшимас, бу деярли бағритошлик!

— Агар жавобингиз мен деярли умид қилишга журъат этганимдай бўлса, — эътироз билдирди Гарри, — у қаршимда ёлғизоёқ йўлимни бахт нури билан йўғириб, бораётган сўкмоғимни нурафшон этади. Бир нечтагина сўзни айтиш билан оламда сени ҳаммадан кўпроқ севадиган кимсага оламжаҳон нарсани бахш этиш — бу ҳазил гапмас! О Роз, оташин ва собит муҳаббатим ҳаққи, сизни деб чеккан изтиробларим ҳаққи, ўзингиз мени маҳқум этаётган нарса ҳаққи биттагина шу саволга жавоб беринг!

— Ҳа, агар қисматингиз сал бошқачароқ бўлганида эди, — деди Роз, — кейин, сиз жамиятда мендан анча баландда турмаганингизда, башарти мен шуҳратпарасту машҳур киборлар орасида сизни иснодга қўйиб, йўлингизга тўсиқ бўлмай, бирорта осуда ҳамда хилват бир манзилгоҳда сизга мададкор ва тасалли бўла олганимда эди — унда бирор қарорга келиш осонроқ кўчармиди. Ҳозир бахтиёр, беҳад бахтиёр бўлишимга ҳамма асослар бор, лекин тан оламан, Гарри, унда янаям бахтиёрроқ бўлардим.

Роз ушбу иқрори дилни изҳор этаркан, аллазамонларда, қизалоқлик пайтларида ардоқлаб юрган орзу-умидлари хотира кўзгусида ёрқин жонланди; бироқ ҳаммиша дилмиизга сўниб, хира тортиб қайтадиган ўтмиш орзу-умидларимиз каби бу ёрқин хотиралар кўзларига ёш қалқтирди ва у кўз ёшларидан енгил тортди.

— Бу ожизликни енголмаяпману, лекин у менинг аҳдимни янада мустаҳкамлайди, — деди Роз йигитга қўлини узатиб. — Ана энди хайрлашишимиз керак.

— Фақат бир нарсага сўз беринг, — деди Гарри, — бир марта, бир мартагина холос — масалан, айттайлик, бир йилдан кейин, балки сал илгарироқ — сиз бу ҳақда яна гаплашишга... охирги марта гаплашишга руҳсат этсангиз!

— Лекин аҳд-паймонингни ўзгартирасан, деб қистамаслик шарти билан, — маънос жилмайиб жавоб қилди Роз. — Бари бир буйдан фойда чиқмайди.

— Розиман! — деди Гарри. — Аҳдингизни яна бир қарра такрорлашингизни эшитсам бас; агар истасангиз — охирги марта такрорлайсиз! Ушанда эришган мансабу жамики давлатимни оёқларингиз остига пояндоз қиламан, ўшандаям ўз аҳдингизда қоим турадиган бўлсангиз, унда тақдирга тан бериб, йўлингизга ров бўлмасликка ҳаракат қиламан.

— Майли, сиз айтганча бўла қолсин, — жавоб қилди Роз, — бу ярамга қайтадан туз сепади, лекин у пайтга бориб бунга чидашга бардошим етадиган бўлиб қолар балки.

Қиз яна қўлини узатди. Бироқ йигит қизни бағрига тортиб, пешонасидан ўпди ва жондан шаҳдам юриб чиқиб кетди.

## XXXVI боб

*жуда қисқа ва айни ўринда унчалик аҳамиятга эга эмасдек туюлади.*

*Аммо, шунга қарамай, уни аввалгисининг давоми ҳамда кези келганида берилажак боб қопқасининг калити сифатида ўқиб чиқмоқлик даркор*

— Хўш деганингиздан, бугун эрталаб камина билан йўлга тушишга қарор берибдилар-да? — деб сўради доктор, Гарри Мэйли Оливер билан нонушталикка ўтираётганида. — Ҳар ярим соатда ё режангиз, ё кайфиятингиз ўзгариб қолади-я!

— Вақти-соати келиб бутунлай бошқача гапириб қоларсиз менга, — жавоб қайтарди Гарри бесабабдан-бесабаб қизариб.

— Ишонаманки, ўшанда бунга жиддий асосларим бўлади, — жавоб қилди мистер Лосбери, — дарвоқе, негадир шундай бўлишига ишончим комил эмас. Ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, кеча эрталаб шошмашошарлик билан бу ерда қолишга ва меҳрибон ўғилга муносиб тарзда онангизни денгиз соҳилига олиб боришга қарор бергандингиз. Кейин чошгоҳга бормай турибоқ менга илтифот кўрсатиб, каминани Лондонгача кузатиб бориш шарафидан баҳраманд этиш ниятида эканингизни хабар қилгандингиз. Кечга томон гоётда сирли бир тарада хонимлар уйқудан турмасларидан буруноқ йўлга тушишга унатмоқчи бўлдингиз — бунинг оқибатида эса йигитча Оливер ҳар хил чиройли гиёҳларни излаб яйловда изғиш ўрнига бу ерда нонушта қилиб ўтиришга мажбур бўлди... Ишлар чаток, тўғриямасми, Оливер?

— Агар, сэр, сиз билан мистер Мэйли жўнаб кетаётганингларда уйда бўл-



май қолсам жудаям афсусланардим-да, — дея эътироз билдирди Оливер.

— Боракалло! — деди доктор. — Шаҳарга қайтганингда мени зиёрат қилгани киргин... Илло, беҳазил гапирганда, Гарри, ушбу қўққисдан йўлга отланиш этукли зотлардан келган бирорта хабар важҳидан эмасми ишқилиб?

— Сиз, ўйлашимча, амакимни ҳам қаторига қўшаётган эътиборли зотлардан бу ерга келганимдан буён ҳеч қанақанги хабар-пабар келгани йўқ, кейин, йилнинг бу фаслида менинг улар орасида бўлишимни тақозо этувчи биронта ҳодиса юз бериши мушкул-ов.

— Ғўрсиз-да, гўр! — деди доктор. — Шубҳасиз, улар сизни парламентга мавлуд байрами арафасида бўладиган сайловлар пайтида тақдим этишади, бу тўсатдан ўзгариб, айниб қолишар — сиёсий ҳаёт учун чакки тайёргарлик эмас. Бунда қандайдир ўзига хос маъно, ўзига яраша наф бор. Мансаб учун баҳслашинадими, кубок ёки пойга соврини учунми, ҳамиша яхши машқ қилиш, ҳадисини олиш асқатади.

Гарри Мэйлининг важоҳатидан гўёки бу қисқагина савол-жавобни докторни ҳазилакам ҳайратга солмайдиган икки-уч оғиз гап билан чўзмоқ нияти борлиги кўриниб турганга ўхшарди-ю, бироқ у «кўрамиз» дейиш-ла кифояланиб қўя қолди ва бу мавзуда қайтиб оғиз очмади. Кўп ўтмай эшик олдига почта араваси келиб тўхтади, Жайлс юкларни олиб чиққани кириб келганида эса оқкўнгил доктор уларни қандай жойлаштираётганларини кузатиб тургани ҳовлиққанича хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Оливер, — деди Гарри Мэйли оҳиस्ताгина, — сенга икки оғиз гапим бор эди.

Оливер мистер Мэйли имлаб чақирган дераза ёнидаги тахмонга ўхшаган камгак жойга кирди; йигитнинг авзойи ғамгин ва айни пайтда ажабтовур ҳаяжонли эканини кўриб жуда таажжубланди.

— Энди тузук ёзадиган бўлиб қолдингми? — сўради Гарри қўлини унинг елкасига қўйиб.

— Емонмас, сэр, — жавоб қилди Оливер.

— Мен, балки, уйга тез қайтмасам керак... Менга хат-пат ёзиб турсанг дегандим — айтايлик икки ҳафтада бир марта, душанбада, Лондондаги бош алоқа бўлимига. Бўптими?

— Бош устига, сэр! Мен буни гоятда фахр билан адо этаман! — дея хитоб қилди Оливер ўзига бундай топшириқ топширилганидан боши осмонга етиб.

— Мен ҳалиги... ҳалиги... ойим билан мисс Мэйлининг аҳволларидан хабардор бўлиб турсам дегандим, — давом эттирди илтимосини йигит, — сен бир вараққина қоғозга қандай сайр қилаётганинларни, нималар тўғрисида сухбатлашганларингни, кейин унинг... уларнинг демоқчийдим... кўринишлари қандайлигини, хурсандми ва соғлиги қалай... шуларни ёзиб турсанг. Гапимга тушуняпсанми?

— Бўлмасам-чи, жуда яхши тушуняпман, сэр, — деди Оливер.

— Лекин бу ҳақда уларга айтмасанг, — деди Гарри шошиб, — унда ойим тез-тез хат ёзаман, деб чарчаб, ташвишга тушишлари мумкин. Бу икковимизнинг орамизда сир бўлиб қола қолсин. Едингда бўлсин — менга ҳеч нимани қолдирмай, ҳаммасини ёзгин-а! Сенга ишонаман-а!

Ўзининг ҳам зарур, керакли одам эканлигини ҳис этишдан кўнгли тоғдай ўсган, ҳаяжонга тушган Оливер сирни ошкор қилмасликка ва ҳаммасини аниқ-равшан ёзиб туришга ваъда берди. Мистер Мэйли ҳам ўз навбатида мураббийлик қилиш ҳамда илтифот кўрсатишга сўз бериб, у билан хайрлашди.

Доктор усти берк араваининг ичида ўтирар, Жайлс (келишганларига биноан шу ерда қолаётган эди) арава эшигини ушлаб турар, оқсочлар эса боғда тўпланиб олиб, ўша ердан кузатишарди. Гарри панжарадор деразага бирров қаради-ю, лип этиб ўзини ичкарига олди.

— Ҳайданг! — қичқирди у. — Тезроқ, янаям, чоптириб ҳайданг! Бугун кўнглим фақат учиб-елишни қўмсаепти.

— Ҳей, менга қаранг! — бақирди доктор олдинги туйнук ойнасини шоша-ниша пастга тушириб, аравакашга қарата. — Учириб ҳайдаш сираям ёқмайди менга. Эшитяпсизми?

Усти берк арава токи шовқини эшитилмайдиган, илгарилаб бораётганини фақат кўзгина илғаб турган масофага етгунига қадар чанг булутига кўмилиб, гоҳ ғойиб бўлиб, гоҳ йўлда учраган нарсалар ва бурилишлар изми билан яна кузга ташланиб, титраб-силкиниб, тарақа-туруқлаб йўлдан учиб бораверди. Кузатиб қолувчилар ҳатто чанг булутини ҳам кўринмай кетгандан кейингина тарқалишди.

Кузатувчилардан бири эса алламаҳалгача йўлнинг арава кўринмай кетган нуқтасидан кўз узолмай турди (арава бир неча миля олислаб кетган бўлса ҳам): ўгирилиб қараган Гаррининг кўзларидан ўзини пана қилиб оппоқ парда орқасида Роз ўтирган эди.

— У хурсанд ва бахтиёр кўринади, — деди қиз ниҳоят. — Кайфияти бошқача бўлиб қолмасайди деб кўркиб ўтиргандим. Янглишган эканман. Жуда, жуда хурсандман.

Кўз ёшлари ҳам қувонч, ҳам алам аломати бўла олади: бироқ дераза олдида ҳануз ўша томонга тикилиб хаёлга толиб ўтирган Рознинг ёноқларидан шашқатор юмалаётган ёш маржони, афтидан, қувончдан кўра кўпроқ мотамсаро гуссадан сўйлаб турарди.

## XXXVII боб

*унда китобхон оилавий ҳаётда тез-тез бўлиб турадиган можарони кўзатмоғи мумкин*

Мистер Бамбл меҳнат уйининг қабулхонасида, ёз бўлгани сабабли шўхчан олов тиллари липилламаётган ва туссиз қуёш нурларигина ялтироқ сиртида акс этиб турган совуқ камин ланжарасига тикилган кўйи қош-қовоғи уйилиб ўтирарди. Шифтдан қоғоз нашшатутқич осилиб турар, у ҳар замон-ҳар замонда бир ғамгин ўй сурганча шунга тикилиб қолар ва ола-була қоғоз тўрда эҳтиётсиз ҳашаротларнинг уймалашаётганини кўриб, мистер Бамбл чуқур хўрсиниб қўяр, шунда башараси янада тундлашиб кетарди. Мистер Бамбл хаёл уммонига гарқ бўлганди; эҳтимол, ҳашаротлар ўз ҳаётида содир бўлган бирон юракни эзувчи ҳодисани ёдига солгандир.

Кузатувчининг кўнглини ғаш қиладиган нарса нафақат мистер Бамблнинг ғамгин кайфиятигина эди. Талайгина аломатлар, бунинг устига десангиз, у кишининг шахсияти билан чамбарчас боғлиқ белгилар зоҳир эдиким, булар бул зотнинг иш жабҳасида улуғвор ўзгаришлар рўй берганини аён-ошкор этиб турарди. Заррин уқали шинели билан уч қирра қалпоқ — қайда қолди улар? Танясининг кўйи қисмини илгаригидек калта чолвор билан қора ип пайпоқ бежаб турибди; бироқ бу сираям илгариги чолвори эмасди. Камзули худди илгарчгисидек этаги кенг бўлиб, шу жиҳатдан илгариги шинелини эслатиб турибди, аммо — фарқи қандоқлигини айтмайсизми-я! Важоҳатли уч қирра қалпоғи оддийгина думалоқ шляпа билан алмашиниб қолибди.

Мистер Бамбл эндиликда қавм бидли эмасди.

Оламда шунақанги мансаблар борки, ўзлари билан боғлиқ бўлган арзирли фароғатлардан қатъи назар, уларга атоғлиқ камзул ва нимчалари туфайлидан кадр-қиммату айрича обрў-эътибор касб этади. Фельдмаршалнинг мундири бор; епископнинг — шоҳи жуббаси; оқловчининг — ипак ридоси; қавм бидлининг — уч қирра қалпоғи. Епископнинг жуббасини ёхуд қавм бидлининг уч қирра қалпоғи билан уқаларини тортиб олинг-чи — унда ким бўлиб қолади улар? Одам. Оддий одам! Гоҳо одамнинг кадр-қиммати ва ҳатто авлиёлиги баъзилар ўйлагандан кўра кўпроқ камзулу нимчаларга боғлиқ.

Мистер Бамбл миссис Корнига уйланиб, меҳнат уйи назоратчиси бўлиб қолди. Қавм бидлиги ҳақ-ҳокимияти бошқа бировнинг қўлига ўтиб кетди — уч қирра қалпоқ ҳам, заррин уқали шинель ҳам, бежирим асо ҳам ўшанга теғди.

— Бу иш содир бўлганига эртага икки ой бўлади-я! — деди мистер Бамбл чуқур хўрсиниб. — Менинг назаримда бўлса худди асрлар ўтиб кетганга ўхшайди.

Мистер Бамбл, эҳтимол ҳаётимдаги жамики бахтиёр кунларим саккиз ҳаф-

талиқ ана шу қисқа муддатли вақт бўлагига жо бўлган экан-да, демоқчи бўлгандир, бироқ хўрсинигини айтмайсизми, ниҳоятда маънодор эди бу хўрсиниқ.

— Олтигагина чойқошиқ, қанд ушатадиган омбир, сутдон ва устамасига бир-иккита тақир-туқур билан нақд йигирма фунт пулга сотилдим, — деди мистер Бамбл худди хаёлини давом эттириб. — Нархимни арзон қилиб юбордим. Арзон кетдим, ҳа, деярли сув текинга сотилдим!

— Арзон! — мистер Бамблнинг нақ қулоққинаси остида чийиллаган овоз янгради. — Сенга ҳар қанча берганда ҳам бари бир қимматлик қилади: сен учун ортиқча тўлаганим яратганининг ўзига аён!

Мистер Бамбл ўгирилиб қараб, ўзининг ёқимтой жуфти қалолининг башарасини кўрди; у писибгина қулоқ солиб туриб эрининг нолаи-зоридан эшитиб қолгани бир неча оғиз сўзнинг маънисига етиб-етмаёқ юқорида зикр этганимиздек қичқириб юборган эди.

— Миссис Бамбл, хоним! — деди мистер Бамбл таъсирли, жиддий бир оҳангда.

— Ҳа, нима? — бобиллади хоним.

— Марҳамат қилиб, кўзимга бир қарасалар, — деди мистер Бамбл кўзларини хонимга қадаб. («Агарда у қарашимга бардош берса, — деди мистер Бамбл ўз-ўзига, — демак, у ҳар қанақанги нарсага дош бера олади. Бунақанги тикилишимга бирорта қашшоқнинг чидаш беролганини эслолмайман. Агарда тикилиб қарашим бунга кор қилмаса, демак, ҳукми-ҳокимиятимдан айрилганим».)

Қашшоқларни мулойим тортириб қўйиш учун илгарилари кўзларини салгина олайтириб қўйишининг ўзи кифоя эди; улар оч-наҳор юришар ва аҳвол-руҳиялари ҳам маймунлар йиғлайдиган ҳолатда экаилиги туфайлидан шундайди балки; ёки бўлмаса собиқ миссис Корнига аслида бунақанги ўкрайишу тикилишлар чивин чаққанчалик таъсир қилмас — бу қайси нуқтаи назардан қаралишига боғлиқдир. У ёғи қандоқ бўлмасин, мистер Бамблнинг киши қутини ўчирадиган дағдағали важоҳати нозирани заррача шаштидан туширолмади, аксинча, хоним беқиёс нафрат-ла қаради ва ҳатто хандон уриб кулди, кулгиси эса мутлақо ясамага ўхшамасди.

Мистер Бамбл ушбу сира қутилмаган товушни эшитаркан, олдинига юзида ишоичсизлик, сўнгра эса таажжуб ифодаси акс этди. Шундан кейин у бояғи ҳолатига тушиб қолди ва токи турмуш ўртоғининг овози яна диққатини жалб этмагунига қадар ўзига келолмади.

— Нима, кун бўйи шу ерда мук тушиб, хуррак отиб ўтирмоқчимсан? — суриштирди миссис Бамбл.

— Мен бу ерда қанча лозим кўрсам, шунча ўтираман, хоним, — жавоб қайтарди мистер Бамбл. — Ҳозир-ку хуррак отганимча йўқ, лекин хоҳлаб қолсам, хуррак ҳам отаман, эснайман, чучкираман, куламан ёки йиғлайман. Ихтиёрим, ҳаққим бор бунга.

— Ол-а, ҳақлари бормиш! — тасвирлаб бўлмас бир нописандлик билан ишшайди миссис Бамбл.

— Ҳа, худди шундоқ дедим мен, хоним, — деди мистер Бамбл. — Эрнинг ҳақ-хуқуқи — буюрмоқ, бошқармоқ!

— Худо хайрларини бергур, унда хотинларнинг ҳақ-хуқуқи қандоқ? — дея чинқирди марҳум мистер Корнининг собиқ рафикаси.

— Итоат этмоқ, хоним! — деди мистер Бамбл гулдурак овоз билан. — Бахтиқаро марҳум эрингиз сизга бунини ўргатиши керагиди, ана унда эҳтимол шу кунгача ҳаёт бўлармиди. Қани энди ҳозир тирик бўлса, бечора!

Миссис Бамбл ҳал қилувчи дақиқа етганини, у ёхуд бу томон берган зарба оилада ким ҳукмрон бўлишини узил-кесил ва қатъиян тасдиқлаяжagini дарҳол фаҳмлади-ю, марҳумнинг тилга олиниши қулоғига кирар-кирмаёқ ўзини юмшоқ курсига таппа кўтариб урганча, мистер Бамблнинг тошбағир махлуқ деб бўқирди-да, телбаларча ўкириб йиғлай бошлади.

Аммо кўз ёшлари мистер Бамблнинг қалбига таъсир кўрсатолмади: унинг юраги нам ўтказмайдиган юрак эди. Унинг асаблари бемалол ювса бўладиган, ёмғир тегса қайтага очиладиган мовут қалпоққа ўхшаб селава бўлиб қуйилаётган кўз ёшларидан янада мустаҳкамлаша ҳамда қайишқоқлаша борди; зотан

бу кўз ёшлар ожизлик аломати ва шунинг тазйиқи остида эрнинг кудратини сас-садосиз тан олиш тимсоли эдики, ушбу ҳол унга ёқаётган, уни руҳлантираётган эди. Ўзининг суюкли рафиқасига у зўр мамнуният билан тикилар ҳамда хомиёна оҳангда яхшилаб йиглаб олишини ўтинарди, негаки, ҳакимларнинг фикрича, бундай машғулот соғлиқ учун гоёта фойдали эмиш.

— Кўз ёши ўпкани тозалайди, бетни ювади, кўзни ўткир қилади ва асабни тинчлантиради, — деди мистер Бамбл. — Шундоқ бўлганидан кейин, мириқиб йиглаб ол.

Мистер Бамбл ана шундай деб ҳазиллашганидан кейин қозикдан шляпасини олди-да, ўзининг устунлигини тегишли равишда тасдиқлаганига амин бўлган киши сингари чапаничасига чаккасига дол кўндириб, қўлларини чўнтагига тикди-ю, батамом мамнун киёфада, шўхчан кайфиятда эшикка томон йўналди.

Собиқ миссис Корни эса юмдалашишдан кўра камроқ чарчатиши сабабли кўз ёши қилаётганиди, бироқ у охирига таъсир ўтказиш чорасига ҳам тайёр эдиким, мистер Бамбл ҳаял ўтмаёқ бунга ишонч ҳосил қилди.

Бу тадбирнинг унинг онгига етиб борган илк далолати шу бўлдики, аввал қандайдир гурсиллаган товуш эшитилди, кейин ўша заҳотиёқ бошидаги шляпаси хонанинг нариги бурчига қараб учди. Мазкур дастлабки тадбирдан сўнг унинг боши яланг бўлиб қолгач, устаси фаранг хоним бир қўли билан бўйнини маҳкам гиррага олди-ю, иккинчи қўли бошига дўлдай мушт ёғдира кетди (муштарлар шунақанги лол қолдирарли зарб ва чаптастлик билан ёғилардики, ёқангизни ушлайсиз). Бу усулни ниҳоясига етказгач, хоним усулинн ўзгартириб, эрининг юз-кўзларини тимдалаб, сочидан ушлаб тортқилашга тушди; унинг фикрича эри ҳақорати эвазига тегишли жазосини олганидан сўнг, бахтига нақ керакли жойда турган курсига итариб юборди-да, агар мард бўлсанг, ўз ҳақ-ҳуқуқингдан яна бир марта оғиз очиб кўр-чи, деб писанда қилди.

— Тур ўрпингдан! — деди миссис Бамбл буйруқ оҳангида. — Жаҳл устида бир бало қилиб қўймасин десанг, қорангни ўчир!

Мистер Бамбл маҳзуи киёфада ўрнидан кўзгаларкан, тагин қанақанги бало бўлиши мумкин, дея ганграб қолди. Шляпасини олиб, эшикка қараб юрди.

— Кетяпсанми? — сўради миссис Бамбл.

— Шундай, жонгинам, шундай, — дея жавоб берди мистер Бамбл эшикка томон интилганича. — Мен истамагандим... кетяпман мен, жонгинам! Шу топда жазаванг тутиб турибди, тагин, ростданам, мени...

Шунда миссис Бамбл муштлашув пайтида сурилиб, йигилиб қолган гиламни тўғрилагани шоша-пиша олға қадам ташлаган эди, мистер Бамбл ҳатто бўғзида қолган гапини тугатишни хаёлига ҳам келтирмай, хонадан отилганча чиқиб кетди, жангоҳ эса бутунича собиқ миссис Корнининг измига ўтди.

Мистер Бамбл бундай баногоҳ зарбани кутмагани боисидан каловлаб қолган ва узил-кесил тор-мор келтирилган эди. Шубҳасиз у дўқ-пўписига мойлиги билан ажралиб турар, майда-чуйда, арзимаган қаттиққўллик кўрсатиб олам-олам ҳаловат топарди ва бинобарин (ўз-ўзидан аёнким), аслида қўрқоқ эди. Бу қусур унинг шахсиятига гард юқтирмасди асло, зеро одамлар беадад ҳурмат-эҳтиром билан қарайдиган, тасанно ўқийдиган аксар мансабдор шахслар ана шу ожизлик қурбонидирлар. Мазкур шарҳу изоҳлар унга нисбатан мақтов сифатида зикр этилди ва бундан мурод — китобхонда унинг хизматга лойиқ эканлиги хусусида тўғри тасаввур туғдиришдир.

Бироқ унинг хўрланиши меъёрига етмаган, таҳқир жоми тўлмаган экан. Мистер Бамбл илк бора камбағаллар хусусидаги қонуннинг чиндан ҳам ҳаддан зиёд даражада шафқатсиз, қаттиқ эканлиги устида, ўз хотинларини қавм қаромоғига ташлаб қочган эрлар эса, ҳақиқа кўчганда, жазогина эмас, балки кўп азоб кўрган ҳурматли зотлар сифатида тақдирга лойиқ экани борасида ўй сурган кўйи бинони айланиб юриб, одатда бир неча боқиманда аёл қавм кирини ювадиган хона ёнига келиб қолди, шу топда ичкаридан говур-ғувур эшитилиб турарди.

— Ҳм! — деб қўйди мистер Бамбл ўзига хос қадр-эътибори қайта тикланаркан. — Жилла бўлмаганда манави хотинлар менинг ҳақ-ҳуқуқимнинг ҳурматини қилишади-ку... Ҳей! Намунча вақирлашмасаларинг, ярамас маҳлуқлар?!

Мистер Бамбл шундай деб эшикни очиб, ичкарига кирди-ю, нигоҳи кутилмаганда иззатли рафиқасига тушаркан, қиёфасидаги дарғазаблик ҳамда бешафқатлик ифодаси зумда ўз ўрнини мўминтой-мулойимлик ва кўрқоқлик ифодасига бўшатиб бера қолди.

— Жонгинам, — деди мистер Бамбл, — сенинг бу ердалигингни билмабман.

— Бу ердалигимни билмабсан! — такрорлади миссис Бамбл. — Бу ерда пишириб қўйибдимни сенга?

— Булар иш қилиш ўрнига нуқул гап сотиб ётишибди деб ўйлабман, ази-зам, — жавоб берди мистер Бамбл эсанкираганидан тоғора ёнида туриб олиб, меҳнат уйи нозирининг мўминтой бўлиб қолганидан завқланиб пичирлашишаётган икки кампирга жавдираганча.

— Булар нуқул валақлашиб ётишибди деб ўйладиларми? — сўради миссис Бамбл. — Хўш, сени нима ишинг бор булар билан?

— Тўппа-тўгри айтдинг, жонгинам, бу ерда сен хўжайинсан, — итоаткорона унинг гапига қўшилди мистер Бамбл. — Лекинига сени бу ерда бўлмаса керак деб ўйлабман-да.

— Гап бундоқ, мистер Бамбл, — деди рафиқаси, — сенинг аралашинингга муҳтож эмасмиз. Узинг ҳам сира алоқаси йўқ ишга бурнингни суқишни ўлгудек яхши кўрасан; шундоқ бурилишинг биланоқ орқангдан майна қилиб кулишади, доим аҳмоқ бўлиб қолганинг-қолган... Қани, бир жўнаб қол-чи.

Мистер Бамбл иккала кампиршонинг ҳиҳилашиб, қувнаб-яйрашаётганини юраги сиқилиб қузатганча, бир дақиқа тараддудланиб турди. Ҳар қандай имиллашга тоқат қилолмайдиغان миссис Бамбл, шартта совун кўпигига беланган ёглоғини олди-ю, эшикни кўрса-тиб, дарҳол чиқиб кетишни буюрди; акс қолда давангирдай қоматини ёглоғи ичидаги магзава билан бежаб қўяжagini айтиб дағдаға қилди.

Мистер Бамбл нима ҳам қила оларди? У атрофига маъжос аланглаб, аста жуфтаник ростлаб қолди. У эшик олдига етганида кампирларнинг ҳиҳилаши завқ-шавқлари ошиб-тошиб кетганидан нишона бергувчи қулоқни қоматга келтирарли кулгига айланди. Шуниси етишмай турганди-да ўзиям! У шу манжалқиларнинг кўзи олдида қаро тупроқ бўлди; ҳатто ана шу қашшоқлар олдида обрўйи ва кадр-қиммати бир пул бўлди-я; у бир мегажиннинг оёқлари остида ётган эрига айланиб, маҳобатли бидллик тахтидек юксакликдан тубсиз жаҳаннамга қулаб ўтирса-я!

— Икки ой ичида шунча ишлар бўлиб ўтса-я! — деди мистер Бамбл қайғунадоматдан хун бўлиб. — Икки ойда-я! Атиги икки ойгина муқаддам ўзим хон, кўланкам майдонгина бўлиб қолмай, бошқаларга ҳам султон эдим-а — ақалли меҳнат уйида, хўш, энди-чи!..

Буниси энди қуошқондан чиқиб кетганди. Мистер Бамбл ўзига дарвозани очиб берган болаканинг қулоқ-чаккасига тарсаки тушириб қолди (зотан у хаёл гирдобида, ўзи ҳам билмаган ҳолда дарвоза олдига келиб қолган эди) ва довдираб кўчага чиқиб кетди.

У токи сайр дастлабки умидсизлиги маъжослик хуруши нафасини ўчиргунча бир кўчани босиб ўтди, кейин иккинчисини, кайфият-руҳиятининг бундай ўзгаришидан эса томоғи қақраганини туйди. У бир талай қовоқхоналар ёнидан ўтиб, ниҳоят тор кўчадаги бир қовоқхона олдида тўхтади-да, дераза парда устидан ичкарига бирров назар ташлаб, яккаю ёлғиз мижоздан бўлак ҳеч зор йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Худди шу пайт ёмгир қўйиб берди. Бу уни бир қарорга келишга мажбур этди. Мистер Бамбл ичкарига қадам қўйди; пештахта ёнидан ўзига бирон ичкулик нарса беришни буюриб ўтиб бораркан, кўчадан мўралаган хонасига кириб қолди.

У ерда ўтирган одам қорачадан келган, бўйи баланд бўлиб, кенг-ковул ёмғирпўш кийиб олганди. У муҳожирга ўхшар, қорғин кўриниши, уст-боши чанг-чунглигига қараганда олис йўл босиб келган кўринарди. Бамбл кириб келганида у, кўз қирини ташлаб ва саломига базўр бош қимирлатибгина қўя қолди.

Башарти нотаниш киши ҳатто улфатироқ одам бўлган чоғидаям, мистер Бамблнинг икки кишига татигулик иззат-нафси бориydi; шу сабабдан ҳам

сув қўшилган жинни индамай қўплаганча, бағоят сиполик ва важоҳат-ла газета ўқиб ўтираверди. Аммо-лекин шундай ҳол рўй берди — бундай вазиятда учрашган кишиларда тез-тез бўлиб туради бу нарса; мистер Бамбл ўзи тизгинлашга ожизлик қиладиган туйғу — нотаниш кишига ўгринча кўз ташлаб қўйишдек кучли иштиёқни ҳис этаверди ва ҳар гал хижолатда кўзларини олиб қочаверди; зеро худди шу сонияда нотаниш киши ҳам унга ўгринча қараб турган бўларди. Мистер Бамблнинг саросималаниши нотаниш кимсанинг галати нигоҳи таъсирида орта борарди, негаки унинг кўзлари ўткир ҳамда чақноқ эди-ю, лекин аллақандай ширава ишончсизлик ва нафрат акс этиб турарди. Мистер Бамбл бундай ифодани шу пайтгача ҳеч кўрмаган ва сира кўнглига ўтиришмаётган эди.

Нигоҳлари шу тариқа бир неча марта учрашгач, нотаниш кимса дағал, паст товуш билан жимликни бузди.

— Деразадан мўралаганингизда мени изламаётганмидингиз? — сўради у.

— Уйлайманки, ундаймасдир-ов, мабодо сиз мистер...

Гап шу ерга келганда мистер Бамбл ямлиниб қолди, негаки у нотаниш кимсанинг исмини билишга қизиқаётган ва тоқатсизлик билан унинг гапни чала қолган жойини тўлдиришига умид боғлаётган эди.

— Кўриб турибманки, мени изламаётган экансиз, — деди нотаниш кимса; шунда истеҳзоли кулгидан лабларининг бурчи хиёлгина қийшайиб қўйди. — Йўқса исминини билардингиз. Сизга маслаҳатим шуки, суриштираман деб овора бўлиб ўтирманг.

— Мен сизни ранжитмоқчи эмасдим, ошна, — виқор билан жавоб кайтарди мистер Бамбл.

— Ранжитганингиз ҳам йўқ, — деди нотаниш кимса.

Қисқагина савол-жавобдан сўнг орага яна сукунат чўмди ва уни тагин нотаниш кимса бузди.

— Назаримда, сизни илгари кўргандайман, — деди у. — Кўчада бир кўзимни қири тушиб қолганди, унда бошқачароқ кийинган эдингиз, лекин, афтидан, бари бир танияпганга ўхшайман. Сиз бир пайтлар бу ерда бидл эдингиз-а, шундай эмасми?

— Тўппа-тўғри, — деди мистер Бамбл ҳайрон бўлиб, — қавм бидли эдим.

— Балли, — деди нотаниш кимса бош ирғаб. — Сизни учратганимда худди шу вазифада эдингиз. Хўш, ҳозир қандай вазифадасиз?

— Меҳнат уйи нозирини, — деди мистер Бамбл нотаниш кимсанинг ножоиз бетакаллуфликка йўл қўйиши олдини олиш мақсадида бафуржа ҳамда салобатли оҳангда. — Меҳнат уйининг нозириман, йигит.

— Уйлайманки, сиз, худди илгаригидек, ўз манфаатингизни эсдан чиқармассиз? — сўзини давом эттирди нотаниш кимса бу саволдан ҳайрон бўлиб бошини кўтарган мистер Бамблнинг кўзларига тикилиб туриб. — Хижолат чекманг, очикчасига гапираверинг, қария. Кўриб турибсизки, мен сизни яхши биламан.

— Назаримда, — жавоб кайтарди мистер Бамбл қўли билан кўзларини пана қилиб, ошқора саросималик-ла нотаниш кимсани бошидан-оёғигача кузатиб чиқаркан, — оилали одам, худди бўйдоқ киши сингари, кези келиб қолганида ҳалол бир пенни ишлаб олишдан қайтмас керак. Қавм мансабдорларига кўпдаям тузук маош тўланмайдики, улар жиндаккина қўшимча даромадни рад этишса; мабодо бу мукофот иззат-нафсга тегмайдиган қилиб, ҳушфёъллик билан тақлиф этилса, албатта.

Нотаниш кимса кулимсираб, бу одам хусусида янглишмаганини англатгандек, яна бош ирғаб қўйди-да, кўнгироқни жингиллатди.

— Тагин бир марта такрорласалар, — деди у мистер Бамблнинг бўш қадаҳини қовоқхоначига узатар экан. — Сал ўткирроқ ва илиқроғидан бўлсин... Умид қиламанки, бундайи ўзларига ёқса керак-а?

— Жудаям ўткир бўлмасин, — жавоб қилди мистер Бамбл сиполик билан йўталиб қўяркан.

— Қовоқхоначи, бу билан унинг нима демоқчи бўлганини тушуняпсизми? — сўради нотаниш кимса қуруққина.

Соҳиб жилмайди, ғойиб бўлиб, зумда кружкада иликкина пунш<sup>1</sup> кўтариб келди: бир ҳўллагандаёқ мистер Бамблнинг кўаларидан ёш чиқиб кетди.

— Энди гапимга қулоқ беринг, — дея гап бошлашдан олдин нотаниш кимса эшик ва деразани ёпиб келди. — Мен бу ерга сизни қидириб топиш учун бугун келдим ва гоҳо иблис ўз дўстларига эҳсон этиб турадиган омад шарофати билан худди мен ўтирган хонага, хусусан, худди ўзларини ўйлаб турган пайтимда ўз оёғингиз-ла кириб келдингиз. Сиздан баъзи бир маълумотларни олсам дегандим. Гарчи улар анчайин гаплар бўлса ҳамки, эвазига сизни қуруқ қўймасдим. Хамир учидан патир деганларидек, бошламасига манавини чўнтагингизга солиб қўйсангиз.

Шундай дея у стол устидан — мисоли тапқаридагилардан бирор кимса танганининг жиринглашини эшитиб қолишидан чўчигандай астагина — суҳбатдоши олдига икки соверенни суриб қўйди. Мистер Бамбл тангани сохта эмасмикин деб хафсала билан текшириб кўриб, нимчасининг киссасига бағоят хурсанд ҳолда яшириб қўйганидан кейин, нотаниш кимса сўзида давом этди:

— Хаёлан ўтмишга бир назар ташланг... Масалан, айтайлик, ўн икки йил илгариги кишни эсланг.

— Анча олис замонлар экан, — деди мистер Бамбл. — Хўп, майли. Эсладим.

— Воқеа бўлиб ўтган жой — меҳнат ўйи.

— Яхши.

— Вақти — тун.

— Шундай дейлик.

— Ўша ернинг қаеридадир — жирканч махлуқлар кўпинча ўзлари жудо бўлган ҳаёту соғлиқлари ўрнига янгиларини дунёга келтирадиган манфур ковак — ингалаган гўдакларни туғиб, уларни қавм қарамоғига ташлаганлару ўзлари эса, жин ургурлар, шайнларга тушган доғу иснодларини гўрга олиб кетганлар.

— Бу дейман, кўз ёрийдиган хонани айтяпсиз чоғи? — деб сўради мистер Бамбл нотаниш кимса беҳудуд ҳаяжон-ла тасвирлаган хонани тузук-қуруқ кўз олдига келтиролмай.

— Тўппа-тўғри, — деди нотаниш кимса. — Ўша ерда бир ўғил бола дунёга келган.

— Талай ўғил болалар туғилган у ерда, — гап қистирди мистер Бамбл гамнок бош чайқаб.

— Жаҳаннамга даф бўлсин ўша шайтонбаччалар! — хитоб қилди нотаниш кимса. — Мен фақат биттаси тўғрисида гапирапман: баёвгина, дардчил, шу ердаги тобутсозга шогирд бўлган — минг афсус, тобутсоз тобут ясаб, ичига гумдон қилиб дўя қолмаган-да уни — кейинчалик эса, тахмин қилишларича, Лондонга қочиб кетган бола ҳақда.

— Ие, Оливерни айтяпган экансиз-да? Твистними? — хитоб қилди мистер Бамбл.

— Мен унинг тўғрисида бирор гап эшитмоқчи эмасман; у тўғрисида эшитганларим етиб-ортади, — деди нотаниш кимса мистер Бамблнинг бечора Оливернинг қусурлари борасидаги нутқини бўлиб. — Мен анави шумкампир, унинг онасига қараб турган ёсуман тўғрисида сўраяпман. Қаерда у?

— Қаерда у дейсизми? — такрорлади сув қўшилган ароқдан сўнг ҳазилга мойил бўлиб турган мистер Бамбл. — Бунга жавоб бериш осонмас. Қаёққа жўнаган бўлсаям, у ерда доянинг кераги йўқ, шунинг учун ҳам у бекорчихўжа деб ўйлайман.

— Нима демоқчисиз бу билан? — зарда билан сўради нотаниш кимса.

— Мана шу қишда бандаликни бажо келтирганини айтмоқчиман, — жавоб берди мистер Бамбл.

Ушбу сўзни эшитган нотаниш кимса унга тикилиб қолди ва гарчи узоқ пайтгача кўзини узмаган бўлса-да, нигоҳи чуқур ўй домига тортилгандек аста-секин паришонлаша борди. Олдинига у худди бу хабарни эшитганидан энгил тортишини ёхуд умидсизликка тушишини билмай иккиланаётганга ўхшади,

<sup>1</sup> Шакар, сув ва мева ширасини қайнатиб қилинган спиртли ичимлик. (Тарж.)

биноқ ахийри эркин нафас олди-да, нигоҳини олиб қочаркан, бунинг унчалик аҳамияти йўқ, деб қўйди. Шундай деркан, гўё кетишга ҳозирланаётгандек, ўр-нидан қўзғалди.

Аммо-лекин мистер Бамбл ҳам анойилардан эмас, ўзига етгунча айёр эди — ўша замоноқ ёстиклошига тегишли бир сирдан фойдаланиб қолиш имко-нияти туғилганини англади. Қари Салли жон таслим қилган қошом жуда яхши эсида эди, зотан ўша кунги шарт-шароит асосли равишда хотирахонасида муҳрланиб қолганди: ана ўша вазият шарофати билан у миссис Кюрнига юраги-ни таклиф этганди ва гарчандки мазкур хоним ўзи яккаю ягона шоҳиди бўлган нарсани ишониб айтмаган бўлса-да, бари бир у кўп нарсани эшитган, бу сир-нинг кампир Оливер Твистнинг ёшгина онасини меҳнат уйи ҳамшира-энагаси сифатида боқиб ўтирган кезларида содир бўлган қандайдир ҳодисага тааллуқ-ли эканини фаҳмлаган эди. Ўша вазиятни зудлик билан хотирида тиклаб, сирли бир қиёфада нотаниш кимсага шум кампирнинг жони узиладиган пайтида бир аёл билан ёлғиз қолганини ва ана шу аёлни излаш ишларида унга ёрдами тегиши мумкин, деб тахмин қилишига асоси бор эканини айтди.

— Ўша аёлни қандай топсам бўлади? — деб сўради гофиллик тузоғига илин-ган нотаниш кимса бу хабар барча хавотирларига, улар қандай бўлиши-дан қатъи назар, қайта жон ато этганини очиқ-ойдин ошкор қилиб.

— Фақат менинг ёрдамим билангина, — деди мистер Бамбл.

— Қачон? — хитоб қилди нотаниш кимса сабрсизлик билан.

— Эртага, — жавоб берди Бамбл.

— Кечкурун соат тўққизда, — деди нотаниш кимса ва бир парча қоғоз чиқариб, ҳаяжонини фош этиб турган дастхат билан дарё ёқасидаги аллақайси кўчанинг номини ёзди унга. — Кечкурун соат тўққизда ўша аёл билан бирга мана шу жойга борасизлар. Ҳаммаси ўртада сир бўлиб қолсин, деб тайинлашим-нинг ҳожати йўқ сизга. Бу ўзингизнинг манфаатингизга дахлдор.

Шундан сўнг у эшик томонга йўналди ва ичкилик ҳақини тўлаш учунгина чиза ҳаяллади, холос. У бир оғизгина йўлимиз шу ерда ажралишади деди-ю, эртаси кунига белгиланган учрашув соатини таъкидлаб, хайр-маъзурни насия қилганича жўнаворди.

Қавм мансабдори қўлидаги қоғозга кўз ташларкан, унда исм ёзилмаганини кўрди. Нотаниш кимса ҳали олислаб кетмаганди, шунинг учун ҳам мистер Бамбл отини сўрагани унинг кетидан югурди.

— Нима керак сизга яна? — Ўшқириб берди у Бамбл қўлига турганида. — Кетимдан пойлаяпсизми?

— Бир нарсани билмоқчийдим, холос, — деди мистер Бамбл қоғоз парча-сини рўпара қилиб, — кимни сўроқлайман у ерда?

— Монксни сўрайсиз, — деб жавоб қилди у ва шаҳдам илгарилаб кетди.

## XXXVIII боб

*эр-хотин Бамбллар билан мистер Монкс ўртасидаги хуфтонги  
учрашув вақтида содир бўлган воқеалар  
ҳисоботини ўз ичига олади*

Бадқовоқ, дим, булутли ёз оқшоми. Мистер ва миссис Бамбллар бош кўчадан бурилиб, шаҳар марказидан тахминан бир ярим миляча масофадаги дарё ёқаси-даги лой, ботқоқли пасқамликда жойлашган баланд-пасту қинғир-қийшиқ ярим хароба уйлар тўдаси томон одимлай бошлаганларида кун бўйи сузиб-судралиб юрган булутлар бирлашиб, қалин. корамтир-сур парда ҳосил қилган, аллақачон йирик-йирик ёмғир томчилай бошлаган ва қаттиқ момақалди роқ иси келиб тур-ган бир пайт эди.

Уларнинг кийилавериб унқиқиб кетган эски устки кийимлари икки мақсад-га хизмат қилиши мумкин эди: ёмғирдан сақлаш ҳамда бировнинг диққатини тортмасликка. Эр ҳозирча ҳеч қандай шуъла сочмаётган фонусни кўтариб, гўё хотиним ботқоқ изларимдан юрсин дегандек, бир неча қадам олдинда лў-



киллаб боряпти: йўл лой эди. Улар чурқ этмай одимлашяпти; вақти-вақти билан мистер Бамбл қадамини секинлатиб, умр йўлдоши орқада қолиб кетмаганига қаноат ҳосил этмоқлик учун орқасига аланглаб қўяди; кейин у изидан орқама-орқа келаётганини кўриб одимини жадаллатиб, саёҳатларидан кўзланган мазгил сари янада илдамроқ интилади.

Бу жойнинг таърифу тавсифи ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин қолдирмайди: аллазамонлардаёқ бу ер ўзини бамисоли ҳалол меҳнат-ла кун кўраётган қилиб кўрсатиб, аслида ўғирлик ҳамда жинояткорона ишлар билан тириклик ўтказадиган уччига чиққан газзоблар маскани экани отнинг қашқасидек аён бўлган. Қаёққа қарасангиз, каталагу кулбалар: бир хиллари — наридан-бери эски гиштардан қурилган, бир хиллари — қурт-қумурсқа ғалвир қилиб ташлаган кўҳна кема тахта-ёғочларидан тикланган; бу кулбалар тартиботу ободончиликни мутлақо назар-писанд қилмай гуж-гуж тўдаланиб олган ва дарёдан бир неча газгина берироқда жойлашгандилар. Лой қиргоққа тортиб чиқарилиб, ўзларини қуршаб турган пастак тўсиқларга боғлаб қўйилган илма-тешик қайиқлар, шунингдек, у ер-бу ерда ётган эшаклар ва қўлтиқда ўрам-ўрам қилиб уйиб қўйилган арқонлар аввалига бу қашшоғона кулбаларнинг эгалари дарё ёрдамида рўзғор тебратар эканлар, деган фикр туғдирарди. Аммо чор-атрофда сочилиб ётган бу алмисоқдан қолган ва ҳеч нимага ярамайдиган увадаларга бир нигоҳ ташлашни ўзидаёқ йўловчи осонгина улардан бирор кимсанинг фойдаланиши даргумон, кейин шунчаки кўзни чалғитиш ниятида қўйиб қўйилган, деган хулоса чиқарар эди.

Ана шу кулбаю каталакларнинг ўрта белида, нақ дарёнинг лабгинасида илгарилари фабрика бўлган бино савлат тўкиб турар, қиргоққа яқинлигидан унинг юқори қаватлари ҳатто сув тепасига туртиб чиққанди. Тўғри, фабрика бир вақтлар теварагидаги кулба истиқоматчиларини маош билан таъминлаб турган, бироқ у замонлардан берига хийла путурдан кетиб қолган. Сичқону каламушлар, қурт-қумурсқа ва нам касофатидан танасини кўтариб турган қоziқоёқлару сепоялар чириб, қийшайиб-қинғайиб кетган — бинонинг катта қисми аллақачон сувга ёнбошлаган, қийшайиб, лиқиллаб турган омон қолган қисми эса қадимий ошнаси ортидан бориш ва унинг қисматига шерик бўлиш учун қулай фурсат келишини кутаётгандек туюлади.

Мухтарам эр-хотинлар олис кўк тоқида чақнаган илк момақалдироқ овози тўлқинланиб-таралиб, шаррос ёмғир қуя бошлаган дамда худди ана шу уй қаршисида тўхтадилар.

— Шу атрофда бўлиши керак, — деди Бамбл кўлидаги қоғоз парчасига синчиклаб тикилган кўйи.

— Ҳей, пастдагилар! — тепадан кимнингдир овози эшитилди.

Мистер Бамбл бошини кўтарган эди, иккинчи қаватдаги эшикдан қаддини белигача ташқарига чиқариб қараб турган одамни кўрди.

— Бир зум кута тулинглар, — давом эттирди сўзини у, — ҳозир тушаман олдиларингга. — Сўнг ўша одамнинг боши ғойиб бўлиб, эшик ҳам қарсиллаб ёпилди.

— Ўша одамми шу? — сўради мистер Бамблнинг назокатли рафиқаси.

Мистер Бамбл «ҳа» деган маънода бош ирғади.

— Тайинлаганларим эсингда бўлсин-а, — деди нозира, — иложи борица кам гапиришга ҳаракат қил, йўқса бирпасда сиримизни очиб қўясан.

Уйни афтини буруштириб кузатаётган мистер Бамбл, чамаси, ўйлаган режаларини шу топда амалга ошириш ўринли эканлиги устида баъзи шубҳаларини айтмоққа чоғланиб турган эди, бироқ Монкснинг пайдо бўлиши калал бериб қолди — у эр-хотин шундоқ рўпарасида туришган эшикни очиб, ичкарига чақирди.

— Киринглар! — сабрсизлик билан шанғиллади у ер тепиниб. — Вақтимни олманглар бу ерда!

Дастлабига иккиланиб турган аёл яна тақлиф қилишларини кутиб ўтирмай, дадил ичкари кирди. Мистер Бамбл уялганиданми, ё орқада қолиб кетишдан ҳайиққаниданми, ишқилиб ўзини ниҳоятда беҳузур сезиб ва ўз хулқ-атворига хос беқиёс улуғворлигидан асар ҳам кўринмай, хотини ортидан эргашди.

— Нима жин уриб ёмғирда ивирсиб турибсизлар у ерда? — сўради Монкс Бамблдан улар кетидан эшикни беркитгач, ўгирилиб қараб.

— Биз... биз пича шамолламоқчи эдик, — деди Бамбл тутила-тутила, хавотирлик билан атрофга аланглаб.

— Шамолламоқчийдик! — такрорлади Монкс. — Шу топгача ёққан ва бундан кейин ёғадиган жамики ёмғирлар баъзи одамларнинг вужудидаги дўзахи оташни сўндиrolмайди. Шундоқ бўлгач, салқинлашларинг осонмас, бунга умид қилмай қўя қолинглар!

Шундай кушмуомала нутқдан сўнг Монкс шартта нозирага ўгирилиб, унга қаттиқ тикилганди, ҳатто унча-мунчага чўчитиб бўлмайдиган хонимдай зот ҳам кўзларини опқочиб, ерга қадаб қолди.

— Бу ўша айтган хотинингизми? — сўради Монкс.

— Ҳим... Ўша аёл бу, — жавоб қилди хотинининг огоҳлантиришлари ёдида турган Бамбл.

— Сиз, аёллар сир сақлаёлишмайди, деб ўйлаётганга ўхшайсиз-а? — гапга аралашди нозира, айни чоғда Монкснинг синовчан нигоҳига у ҳам тик боқиб.

— Улар фақат биттагина сирни, токи чуви чиқиб қолмагунича, сақлашни жойига қўйишади, — деди Монкс.

— Қанақа сир экан ўша? — сўради нозира.

— Покдомонликларини йўқотганларини, — жавоб қайтарди Монкс. — Шундоқ бўлгач, мабодо аёл киши ўзини дор остига ёки қамоққа олиб борадиган сирга ошно экан, бундан чўчимайман, у ҳеч қачон бирор одамга оғзидан гуллаб қўймайди, асло! Гапимга тушунаяпгандирсиз, хоним?

— Йўқ, — деди нозира салгина қизаринқираб.

— Ҳа, турган гап бу, — деди Монкс. — Буни тушуна олармидингиз?

Монкс ҳар иккала суҳбатдошига ё киноямуз, ё маънос қараб қўйиб, эр-хотинни яна кетидан эргаштириб ҳайхотдай, лекин шифти паст хонани шитобла кесиб ўтди. У бир вақтлар мол қўйилган омборлар жойлашган иккинчи қаватга олиб чиқадиган, худди нарвонга ўхшаган тик зинаподдан кўтарилла бошлаган ҳам эдики, қўққисдан чақнаган чақин тепадаги дарчани ёритиб юборди, кетидан бостириб келган момақалдироқ гулдурани ярим хароба бинони таг-заминигача ларзага солди.

— Эшитяпсизларми? — дея қичқирди у орқасига тисарилиб. — Эшитяпсизларми? Иблису шайтонлар яшириниб ётган минг-миглаб ёрларни кезиб чиқаётгандай гулдуралар, қаҳ-қаҳ уришини қаранг. Момақалдироқни ўлгудай ёмон кўраман!

У бир неча сония жим қолди, кейин бирдан юзини яшириб турган қўлларини олди, шунда мистер Бамбл тавсифга тил лол бир саросима ичра Монкснинг башараси бужмайиб, ранги қув ўчиб кетганини кўрди.

— Ўзи шунақа тутқаноққа ўхшаб тутиб туради, — деди Монкс унинг қўриқиб кетганини кўриб, — кўпинча момақалдироқ пайтида бўлади бу. Қўяверинг, парво қилманг менга, ўтиб кетди ҳаммаси.

Шундай деб у зинадан кўтарилла бошлади ва чиқиб борган хонасидаги дераза қопқоқларини дарҳол беркитиб, арқоннинг бир учига боғлаб, галтакдан ўтказиб қўйилган чироқни пастга туширди. Арқон шифтдаги йўғон харининг устидан ўтказилганди, шу боис фокус остида турган кўҳна стол билан учта курсини хирагина ёритиб турарди.

— Ана энди, — деди Монкс учалалари ҳам ўтиришгач, — ишга қанчалик тез киришсак, ҳаммамиз учун ҳам шунчалик яхши... Гап нима ҳақда бораётганини хоним биладиларми?

Ушбу савол Бамблга қаратилган эди, бироқ хотини олдинроқ жавоб бериб, ишнинг моҳияти ўзига жуда яхши маълум эканлигини айтди.

— Бу киши сизни, анави жодугар жон берган куни кечаси тепасида бўлган ва кампир алланиманидир айтган, деб тўғри гапиряптими?...

— Сиз айтган анови боланинг онаси тўғрисидами? — унинг сўзини бўлди нозира. — Ҳа.

— Биринчи масала ушбу маълумотнинг қиммати — хусусиятиги билишдан иборат, — деди Монкс.

— Бу иккинчи масала, — луқма ташлади аёл ўта мулоҳазакорлик билан. — Биринчиси бу маълумотга қанча тўланишини келишиб олиш.

— Жин урсин, унинг қимматини билмай туриб ким ҳам жавоб бера олади бунга? — сўради Монкс.

— Имоним комилки, сиздан бўлак ҳеч ким, — деди жасоратлилиқ бобида беқусур миссис Бамбл, бу жабҳада эса унинг умр йўлдоши ҳақли равишда гувоҳлик бериши мумкин эди.

— Ҳм!.. — деб қўйди Монкс маънодор қилиб, беҳад қизиқсиниш оҳангида. — Демак, унинг кўмагида пул ишлаб олса бўларкан-да?

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин, — вазмин жавоб қайтарилди бу саволга.

— Унинг нимасинидир олишган экан, — деди Монкс. — Қандайдир нарса-сини ечиб олишган экан. Қандайдир буюмини...

— Яхшиси, олдин баҳосини айтсангиз бўларди, — сўзини бўлди миссис Бамбл. — Шу эшитган гапларимнинг ўзи ҳам сизнинг худди мен гаплашишим зарур бўлган одам эканлигингизга қаноат ҳосил қилишим учун етарли.

Шу пайтгача меҳрибон ёстиқдоши бир вақтлар айтганидан бўлак ҳеч нима-ни эшитмаган мистер Бамбл бўйнини чўзиб, кўзларини чақчайтириб ушбу савол-жавобга қулоқ тутар, дам хотинига, дам Монксга тикилар экан, таажжубини яширмасди. Монкс сирни очиш учун қанча талаб қилишларини зарда билан сўраганида ҳайрати чандон ортиб кетди.

— Сиз учун қанчалик қимматга эга у? — сўради аёл худди боягидек вазмин.

— Эҳтимол бир пакирга қимматдир, балки йигирма фунтга арзир, — жавоб берди Монкс. — Сўрайдиганингизни айтингу бор барака қила қолайлик.

— Ўзингиз айтганга тағин беш фунт қўшинг. Олтин пул билан йигирма беш фунт берсангиз, — деди аёл, — ана ундан кейин билганларимни барини айтаман сизга. Фақат шундан кейингина айтаман.

— Йигирма беш фунт! — хитоб қилди Монкс курси суянчиғига суяниб қоларкан.

— Оппа-ойдин қилиб айтдим сизга, — жавоб берди миссис Бамбл. — Унчалик катта пулмас бу.

— Нархи бир пулга қиммат бўлиши мумкин арзимас сир учун бемалол етарли, — қичқириб юборди Монкс тоқатсизлик-ла. — Иннайкейин, ўн икки йил муқаддам лаҳадга кирган сир, балки бундан ҳам илгарироқдир.

— Бунақанги нарсалар яхши сақланади, вақт ўтгани сайин эса, худди ўткир шаробга ўхшаб, қиммати икки-уч карра ортиб боради, — жавоб берди нозира ҳамон боягидек мулоҳазакорона ҳамда бепарво қиёфада. — Лаҳадга кириши масаласига келсак, ким билади, шунақанги буюмлар ҳам бўладики, ўн икки минг ёки ўн икки миллион йил кўмилиб ётиб, охир-пировардида ғалати-ғалати воқеаларни сўзлаб бериши мумкин.

— Борди-ю, пулни шамолга совурган бўлиб чиқсам-чи? — сўради Монкс ҳардамхаёллик билан.

— Уни оппа-осонгина қайтариб олишингиз мумкин: мен бор-йўғи аёл кишиман, ҳимоячим ҳам йўқ бу ерда.

— Елгизмассан, жонгинам, кейин ҳимоясиз ҳам эмассан, — эҳтиром-ла луқма ташлади мистер Бамбл қўркувдан овози титраб. — Мен шу ердан, жонгинам. Иннайкейин, — гапини давом эттирди мистер Бамбл тишлари такиллаб, — мистер Монкс — жентльмен одам, у қавм амалдорларига нисбатан зўравонлик ишлатмайди. Азизам, менинг ёш йигитча эмаслигим ва таъбир жоиз бўлса, пичагина сўлганим мистер Монксга маълум. Аммо у эшитган, бунга заррача шубҳам йўқ, мистер Монкс каминанинг қитиғига тегиб қўйилса ғайрати жўшиб кетадиган ниҳоятда жасур, бекиёс бақувват одам эканимни эшитган. Сал қитиқ патимга тегиб қўйиш керак, вассалом.

Мистер Бамбл шундай деб вазоҳатли жасорат-ла фонусни ушлашга уринди, бироқ ўтақаси ёрилаётган башарасидан бирорта жангари ҳаракатни бошлашидан олдин ростдан ҳам унинг қитиғига тегиш, шундаям жонини огригадиган қилиб қитиғига тегиш даркор экани яққол кўриниб турарди; бу ҳаракатлари

камбагалларга қарши ёки худди ана шу мўлжалу мақсадда қўлбола қилиб ўргатилган зотларга қарши қаратилган бўлсагина, албатта.

— Аҳмоқсан-да, — деди миссис Вамбл, — жимгина тилангни тишлаб турганинг яхшийди бундан кўра!

— Секинроқ гапиришни билмаганидан кейин, бу ёққа келишдан олдин тилини таг-туғи билан шартта кесиб ташлагани маъқул экан! — деди Монкс қовоғи уйилиб. — Хўш, шундай қилиб, бу киши эрингиз экан-да?

— Ҳа — эрим, — тасдиқлади нозира ҳиринглаб.

— Кириб келаётганларингда шундай бўлса керак, деб ўйлагандим ўзим ҳам, — деркан, Монкс ушбу сўзларни айтаётганида хонимнинг эрига нақ еб қўйгундек ўқрайиб қўйганини пайқади. — Унда янаям яхши. Бир ёқадан бош чиқариб иш тутаётганларини кўриб-билганимдан кейин эр-хотин билан қайтага жон-жон деб биргалашиб иш кўришга тайёрман. Жиддий гапиряпман. Мана, қаранглар!

У ён чўнтагига қўл суқиб, лос ҳамённи чиқарди-да, столга йигирма беш дона соверени санаб қўйиб, аёлнинг олдида сурди.

— Ана энди, — деди у, — олиб қўйинг буларни. Лаънати момақалди роқ тинганидан кейин — ҳозир тепамизда гумбурлаб қолади, сезиб турибман — ҳикоянгизни эшитамиз.

Янада яқинроқда, деярли худди тепаларида гулдураган момақалди роқ тинганидан кейин Монкс бошини хиёл кўтариб, аёлнинг ҳикоясини тинглаш учун олдинга энгашиди. Иккала эркак сабрсизлик билан чоғроққина стол узра энгашишган, пичирлаганимни эшитишсин, деб аёл ҳам эрилганида уювларининг юзлари деярли бир-бирига теккундай яқинлашди. Фонуснинг хира шуъласи тўппа-тўғри уларга тушиб турганидан башаралари баттар хавотирли-заъфарон тус олган, теваракларини қуршаган қоронғилик қўйнида хаёлий рўёларга ўхшаб кетишарди.

— Уша хотин, Салли кампир жон бераётганида, — дея гап бошлади нозира, — икковимиз ёлғиз эдик.

— Бошқа ҳеч зог йўқмиди? — худди ўшандай аста шивирлаб сўради Монкс — Бирорта бемор кампир ёки бирор телба-тескари ётмаганмиди ёнидаги каравотда? Гапларингни эшитадиган, эҳтимолки, маъзини фаҳмлаб етадиган ҳеч ким йўқмиди?

— Бирортаям жон зоти, — жавоб берди аёл, — ёлғиз эдик. Жони чиққанида бир ўзим тепасидайдим.

— Жуда соз, — деди Монкс аёлга диққат-ла тикилиб. — Давом этаверинг.

— У битта ёш жувон тўғрисида гапирди, — сўзини давом эттирди нозира, — ўша жувоннинг бир вақтлар худди ўша хонада, фақат ўша хонадагина эмас, ҳатто кампир жон бераётган каравотда кўзи ёриган экан.

— Ростданми? — деб қўйди Монкс лаблари пирпираб, елкаси оша орқасига аланглаб қўяркан. — Минг лаънат-э! Тўғри келганини қаранг-а!

— Бу киши кеча кечқурун сизга айтган худди ўша бола бўлади у, — ҳикоясини давом эттирди нозира нописандлик билан эри томонга ишора қилиб. — Касал боқиб ўтирган кампир унинг онасини қоқиштирган экан.

— Ҳаётлигидаёқми? — сўради Монкс.

— Жони узилганидан кейин, — жавоб берди аёл бир сесканиб тушаркан. — Жувон жон бераётган гўдаги учун асраб қўйишини илтимос қилган буюмини кампир унинг танаси совимасданоқ ечиб олган экан.

— Кампир ўша нарсани сотиб юборибдими? — хитоб қилди Монкс ҳаяжондан ўзини йўқотаёзиб. — Сотиб юборибдими уни? Қаерда? Қачон? Кимга? Кўп бўлдим бунга?

— Нима қилганини қийнала-қийнала, аранг гапириб берди-да, — ҳикоясини давом эттирди нозира, — ўзини шундоқ орқага ташлади-ю, жон берди-қўйди.

— Бундан бошқа бирон оғиз ҳам гап айтмасдан-а?! — дея ҳайқирди Монкс, унинг нақ ғазабдан бўғилаёзгани овози янада бўғиқ чиққанидан сезилиб турарди. — Елғон! Мен билан ҳазиллашишнинг охири вой бўлади-я. У яна нима-нидир айтган. Икковларингни жаҳаннамга жўнатиб бўлса ҳамки, айнан нима деганини билиб оламан бари бир.

— У бошқа бир оғиз ҳам гапирмади, — деди аёл, чамаси у бу галати одам-

— У бошқа бир оғиз ҳам гапирмади, — деди аёл, чамаси у бу галати одамнинг газабидан тирноқчалик ҳам чўчимаганди (мистер Бамбл ҳақида-ю асло бундай дейишнинг ўрни йўқ эди). — У жон-жаҳди билан кўйлагимни чангаллаб олганди, жони узилганини кўрганимдан кейин панжасини очиб, ифлос қоғоз парчасини кўрдим.

— Қарасангиз, ичида... — унинг сўзини оғзидан олди Монкс янаям энгашиб.

— Ичида ҳеч нима йўғийди, — жавоб берди аёл. — Кафолат паттаси экан.

— Қанақанги буюм учун берилган? — сўради Монкс.

— Ҳадемай биласиз, — жавоб қайтарди аёл. — Олдинига у қимматбаҳо тақинчоқни авайлаб асрамоқчи бўлган шекилли, кейин эса гаровга қўйган ва оз-оздан пул жамғарган, буюм яна тагин қўлдан чиқиб кетмасин деб судхўрга гаров ҳақи тўлаб турган. Демак, агар қўлига тузукроқ нарса тушиб қолса, хоҳлаган пайтида қайтариб олиши мумкин эди. Лекин қўлига тузукроқ нарса тушмаган ва оқибатда, ҳозиргина айтганимдек, саргайиб кетган қоғоз парчасини чангаллаганича кўз юмди. Муддати битишига икки кун қолган экан. Шунда мен ҳам балки бирон нимага яраб қолар, деб ўйладим-да, ҳақини бериб, гаровдан қайтариб олдим.

— Ҳозир қаерда у? — оғзидан чиқмасиданоқ сўради Монкс.

— Шу ерда, — жавоб қилди аёл.

Шундай дея аёл, қутулганига шукр қилгандек, шоша-пиша французча соат зўр-базўр сигадиған жимитдаккина майин тери картмонни столга ташлади. Монкс ола солиб, қўллари қалтираб, апил-тапил очди — картмончада чоғроққина тилла медальон, медальоннинг ичида эса иккита соч толаси билан никоҳ узуги бор экан.

— Ичкари томонига «Агнес» деб ўйиб ёзилган, — деди аёл. — Унинг ёнида ота исмига жой қолдирилган, ундан кейин бўлса йил ёзилган, аниқлашимча бу бола туғилган йилдан бир йил олдинги сана.

— Бор-йўғи шугинами? — сўради Монкс митти картмончадан чиққан нарсаларни диққат ва хирс-ла кўздан кечириб.

— Бори шу, — жавоб қайтарди аёл.

Мистер Бамбл, гўё ҳикоя тугагани ва йигирма беш фунтни қайтариб олиш борасида оғиз ҳам очилмаганидан хурсанд бўлгандек, енгил сўлиш олди; энди у дадилланиб, бутун савол-жавоб давомида ғар-ғар терлаётган бурни устидаги тер томчиларини артди.

— Мен бу воқеа ҳақида, ўзимча тахмин қилган нарсадан бўлак, ҳеч нимадан хабарим йўқ, — деди аёл қисқагина сукутдан сўнг Монксга, — кейин билишни ҳам истамайман, шуниси беҳавотирроқ. Шундоқ бўлсаям, сиздан иккитагина савол сўрасам майлими?

— Бемалол, сўрайверинг, — деди Монкс ҳайрон бўлиб, — лекинига, саволларингизга жавоб бераманми ё йўқми — бу бошқа масала.

— Жами учта бўларкан-да, — деб қўйди мистер Бамбл аския қилмоқчи бўлиб.

— Мендан умид қилган, мўлжалингиздаги нарсангизни олдингизми? — сўради нозира.

— Ҳа, — жавоб берди Монкс. — Хўш, иккинчи саволингиз-чи?

— Бу нарсани нима қилмоқчисиз? Менга қарши ишлатилмайдими гагин бу?

— Ҳеч қачон, — деди Монкс, — на сизга қарши, на менга қарши. Бу ёққа қаранг. Лекин бирорта қадам қўя кўрманг, йўқса ҳаётингиз сариқ чақага ҳам қиммат бўп қолади-я.

Шундай деб, у тўсатдан столни нари сурди-да, оёқлари тагидаги темир ҳалқадан ушлаб, нақ мистер Бамблнинг остигинасидаги тубсиз туйнук қоқоғини очиб юборганди, бу жаноб жонҳолатда бир неча одим орқага тисарилди.

— Пастга бир қаранг-а, — деди Монкс фонусни туйнукдан пастга тушириб. — Қўрқманг. Буни менга фойдаси бўлганида сизни туйнук устида ўтирганингизда бамайхотиргина шўнғитиб юборишим ҳеч гапмасди.

Бу сўзлардан далда олган нозира туйнук четига яқинлашди, ҳатто қизиқсиниш ич-этини таталаётган мистер Бамблнинг шахсан ўзлари ҳам шундай қилишга журъат этдилар. Пастда жаладан кейин тўлиб-тошган дарё айқириб,

қайнаб-кўпириб оқяпти, кўм-кўк сув гиёҳлари қоплаган сепоя-қозикоеқларга ташланиб, пешоюси қоқ ёрилайтган оқимнинг гувиллаши жамики бошқа товушу шовқинларни босиб кетяпти. Қачонлардир бу ер сув тегирмони бўлган: сув чирик устуилару машиналарнинг омон қолган бўлак қисмлари теварагидан айланиб, қайнаб-кўпириб оқар ва унинг қутуриб қилаётган ҳамлаларини жиловлашга беҳуда уринаётган тўсиқлардан халос бўлгач, янги куч-ла олға интилайтгандек туюларди.

— Мабодо унга бировнинг мурдасини ташлаб юборилгудек бўлса, у эрталаб қаерга бориб қолади? — сўради Монкс фонусни қудуқдай қоп-қоронғиликда у ёқдан-бу ёққа чайқатиб.

— Оқим бўйлаб бу ердан ўн икки миля қуйига, бунинг устига тилка-пораси чиқиб кетади, — жавоб берди мистер Бамбл бу ўйдан афти бурушиб.

Монкс митти картмончани шошилиб солиб қўйган қўйнидан чиқарди-да, бир вақтлар чигирнинг бир қисми вазифасини ўтаган ва ҳозир ерда ётган қўрғошин парчасига боғлаб, уни сувга ташлади. Картмонча қўломли соққадай сувга чўлп этиб тушди-ю, ғойиб бўлди.

Учовлари бир-бировларига қараб олишиб, енгил нафас олгандек бўлдилар.

— Мана, тамом, — деди Монкс туйнук қопқоғини тушираркан, қопқоқ тарақ этиб бояги жойига тушди. — Мабодо денгиз, китобларда ёзилганидай, бирон вақти келиб ўз бағридаги мурдаларни юзага чиқариб ташлаган чоғидаям, бари бир олтинку кумушни, шу қаторда бу икир-чикир гапни қаърида олиб қолади. Ортиқ гаплашадиган гапимиз қолмади, бу кўнгилли учрашувга чек қўй-сак ҳам бўлади.

— Мутлақо ҳақсиз, — дарҳол жавоб қайтарди мистер Бамбл.

— Тилингизни тийиб юринг-а, эшитяпсизми? — дағдағали қиёфада деди Монкс. — Хотинингиздан сира хавотирланмайман-а...

— Бемалол ишонаверинг менга, йигит, — бағоят такаллуф билан жавоб берди мистер Бамбл, икки букилиб орқасига тисарилган кўйи. — Ҳаммамизнинг манфаатимиз учун, шахсан ўзимнинг манфаатим учун, йигит, буни тушунапсизми, мистер Монкс?

— Эшитдим, гоят хурсандман ўларидан, — деди Монкс. — Фонусингизни ёқингу иложи борича тезроқ жўнаб қолинглар!

Яхшиямки суҳбат шу ерда туггани, йўқса таъзим қилганича тисарилиб бораётган мистер Бамбл пастки қаватдаги хонага учиб тушиши турган гап эди, чунки унинг зинага етишига бир қаричча қолганди. У қўлидаги фонусни Монкс арқондан ечиб, кўтариб турган фонусдан ўт олдириб, суҳбатни давом эттиришни хаёлига ҳам келтирмай, индамайгина зинадан туша бошлади, хотини эса ортидан эргашди. Монкс эҳтиётдан ёмғир ва айқириб оқаетган дарёнинг шовуллашидан бўлак шарпа эшитилмаётганига ишонч ҳосил этмоқлик учун зинапояда бир нафасгина тугилиб қолгач, кетларидан туша бошлади.

Пастки қаватдаги хонани оҳиста ҳамда эҳтиёткорлик билан босиб ўтишди, сабабки, Монкс ҳар битта шарпага кўзи тушганида сесканиб кетар, мистер Бамбл бўлса фонусни ердан бир ярим қаричча баландроқда осилтириб ушлаб олганча нафақат ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик билан, айни чоғда шундайин барваста жентльмен учун ҳайрон қоларли бир тарада енгил одим ташлаб, бирон жойда махфий туйнук йўқмикин, дея асабий аланглаган кўйи илгариларди. Монкс эшикни шарпа чиқармай очди, шунда эр-хотин сирли танишлари билан бош иргаб хайрлашиб, ёмғир ёғаётган қоронғилик қўйнига чиқиб қолдилар.

Улар кетишлари биланоқ Монкс, афтидан, ёлғизликни жинидан суймайди шекилли, қаердадир пастда яшириб қўйилган болани чақирди. Болага олдинда чироқ тутиб юришни буюрди ва ҳозиргина тарк этган хонасига қайтди.

## XXXIX боб

*китобхонларга таниш бир неча ҳурматли зотларни саҳнага чиқаради  
ea муҳтарам Монкс билан муҳтарам жухуднинг қандай суҳбат  
қурганлари хусусида ҳикоя қилади*

Уч муҳтарам зот, олдинги бобда тилга олиб ўтганимиздек, ўзаро кичкинагина иш юзасидан битгишиб олганларининг эртаси куни кечки пайт мистер Уильям Сайкс мудроқдан уйғониб кетиб, уйқу аралаш хирилдоқ товуш билан соат неча бўлганини сўради.

Ушбу саволни мистер Сайкс Чертсига қилинган сафардан илгари турадиган хонасида эмас, бўлак жойда бераётган эди. Бу янги тураржойи ўша районда, лекин эскисидан пича нарироқда эди. Шубҳасиз, буниси илгариги тураржойидан хароброқ — ифлосу тор жинкўчага қараган, нишаби баланд томидаги шапалоқдеккина деразачасидангина ёруғлик тушиб турадиган, қашшоғона жиҳозланган, аянчли ҳужрача эди. Бу ерининг мазкур ажойиб жентльменнинг кейинги пайтларда омади юришмаётганидан далолат берувчи бўлак аломатлардан камчилик жўи йўқ эди; зотан ғарибона уй жиҳозлари ва қулайликдан мутлақо ном-нишон йўқлиги, шунингдек, заҳира кийим-кечак ҳамда ич кийимдек мол-мулкнинг гўйиб бўлгани унинг ортиқ даражада қашшоқланиб қолганидан дарак бериб турарди; бунинг устига мистер Сайкснинг ориқлаган ва ҳорғин қиёфаси (мабодо исботга муҳтож бўлса) бу ҳолни тўлиқ исботлаши мумкин эди.

Талончи халат ўрнига оқ пальтосига ўраниб каравотда ётар, касал туфайли мурдадек оқарган туси ҳали ўзига келмаган, ифлос тунги қалпоғи ва бир ҳафтадан бери устара кўрмаган тикандай қоп-қора соқоли рангини баттар заъфарон қилиб кўрсатарди. Ити каравот ёнида чўққайиб ўтирибди, у дам эгасига ўйчан тикилади, дам қулоғини динг қилиб қолади; гоҳо эса, агар кўчадаги ёки уйнинг пастки қаватидаги бирорта шовқин диққатини тортиб қолса, ириллаб қўяди. Дераза олдида бир аёл талончининг кундалик уст-бошининг бир қисми бўлмиш эски нимчани ҳафсала билан ямаб ўтирибди; қийинчилик ва касал боқишдан у шунақанги озиб-тўзган, шунақанги рангини олдириб қўйгаидики, мистер Сайкснинг саволига жавоб қайтаргандаги овозини эшитмасангиз унинг мазкур ҳикоятда илгарироқ саҳнага чиққан худди ўша Нэнси эканини пайқашингиз амримаҳол эди.

— Ёттидан сал ошди, — деди қиз. — Ўзингни қандай сезяпсан, Билл?

— Зигирчалик ҳам дармоним йўқ, — жавоб берди мистер Сайкс, ўз кўзлари, қўл ва оёқларига лаянатлар ўқиб. — Қўлингни бер, бу хонасаллот каравотдан бир амаллаб тушиб олишимга ёрдамлашвор.

Мистер Сайкснинг феъл-атворини касаллик ҳам тузатолмаганди: қиз ўрnidан туришига ёрдамлашиб, стол олдига суяб олиб келар экан, у қўполсан деб тоза сўкди, кейин бир урди.

— Ҳиқилляяпсанми? — сўради Сайкс. — Бас қил! Обидийдангни кераги йўқ! Агар қўлингдан шундан бошқа иш келмайдиган бўлса туёғингни шиқиллатиб қол! Эшитяпсанми?

— Эшитяпман, — жавоб қилди қиз юзини буриб, жилмайишга уринаркан. — Калланга яна қанақанги хаёл келиб қолди?

— Э, нима бало, айниб қолдингми дейман? — тўнғиллади Сайкс қизнинг кўзларида ҳалқаланган ёшни кўриб. — Ўзингга яхши бу.

— Ахир сен, Билл, шу бугун ҳам менга бағритошлик қилишни истамасан, — деди қиз қўлини унинг кифтига қўйиб.

— Хўш, нимага энди? — хитоб қилди мистер Сайкс. — Нимага?..

— Неча-неча кечадан бери, — деди қиз хиёлгина аёлларга хос назокат билан, бунинг таъсирида ҳатто овозида ҳам эркалаш оҳанглари сезилди, — шунча кечадан бери сабр-тоқат билан тепангда парвона бўлдим, худди ёш боладай парвариш қилдим, бугун бўлса ўзингга келганингни биринчи марта кўриб турибман. Ахир менга ҳозиргига ўхшаб муомала қилмасан, тўғрими? Кел, айта қол, ундай қилмайман дегин.

— Бўпти, — жавоб қайтарди мистер Сайкс, — энди бундай қилмайман. Оббо, жин ургур, бу қиз тагин обидийда қияпти-ку!

— Ҳеч гапмас бу, — деди қиз ўзини курсига ташларкан. — Парво қилма. Ҳозир ўтиб кетади.

— Нима ўтиб кетади? — зарда билан сўради мистер Сайкс. — Қанақанги аҳмоқона қилиқ бўлди бу яна? Тур ўрнингдан, ишингчи қил, бунақанги хотинча машмашаларинг билан бошимни қотирма!

Бошқа пайт бўлганида-ку бу койиш ва у айтилган оҳанг йигит истагандек қор қилган бўлармиди-я, лекин чиндан ҳам мадордан кетиб силласи қуриган қиз бошини курси суянчиғига ташлаганча, мистер Сайкс бундай ҳолатларда одаган ўз пўписасига сайқал берадиган муносиб сўкишларни айтиб улгурмасиданоқ, ҳушидан кетди-қолди. Бундай фавқулодда вазиятда (одатда миссис Нэнсининг асабий тутқаноқ жазаваси қўзиш билан бошланиб, охирида бемор бировнинг кўмагисиз ўзини ўнглаб оларди) нима қиларини тузук-қуруқ билмайди-ган мистер Сайкс устма-уст сўкиб кўрди ва бу хилдаги муолажа тадбири мутлақо натижа бермаслигига қаноат ҳосил қилгач, шовқин солиб ёрдамга чакирди.

— Нима бўлди, азизим? — сўради Феджин хонага кириб келаркан.

— Анави қизга ёрдамлашиб юборинг, — бетоқатлик билан жавоб қайтарди Сайкс. — Алланималар деб мингиллаб иршайиш, лўқ бўлиб тикилишнинг кераги йўқ менга.

Феджин ҳайратда «воҳ» деганича қизга кўмакка ташланди, мўътабар дўсти ортидан хонага кириб келган мистер Жек Даукинс (ўзгача қилиб айтганда — Абжир Туллак) эса қўлидаги тугунни дарҳол ерга қўйди-ю, ўзи билан изма-из келаётган ёш Чарли Бейтснинг қўлидаги шишани юлқиб ола солиб, ҳаш-паш дегунча бўғзидаги тиқинни тишлари билан чиқарди-да, ундаги суюқликдан бир қисмини (тагин хатога йўл қўймаслик учун, албатта, олдин ўзи татиб кўргач) бемор қизнинг оғзига қўйди.

— Босқонни ол, Чарли, тоза ҳаводан оғзига тўғрила, — деди мистер Даукинс, — сиз, Феджин, Билл то юбкаси тасмасини егунича қўлларини шапатайлаб, уқалаб туринг.

Барчалари ҳамкорликларида, гайрат билан амалга оширилган ушбу чораларнинг бари — айниқсанги ўзига топширилган муолажавий тадбирни очиқчасига беқийс эрмак деб ҳисоблаган ёш Бейтс қўллаган чора — дарҳол кўнгилдагидек самара кўрсатди. Қиз аста-секин ўзига келди, гандираганча каравот ёнидаги курсига бориб ўтирди-ю, меҳмонларни кутиб олишни уларнинг бехосдан кириб келишларидан пича таажжубга тушган мистер Сайксга ҳавола қилиб, юзини ёстиққа босган кўйи ётди-олди.

— Қай иблиснинг шамоли учириб келди ўзларини бу ёққа? — деб сўради у Феджиндан.

— Ҳеч қанақанги иблис-пиблиснинг шамолиямас, азизим. Иблиснинг шамоли ҳеч кимга яхшилик келтирган эмас. Мен бўлсам сизга унча-мунча тузуккина нарсаларни келтирдим... Туллак, азизим, тугунни ечгин-да, бугун эрталаб бисотимизда бор пулни ҳаражат қилиб олиб келган арзимас нарсаларни Биллга олиб бер.

Абжир Туллак мистер Феджиннинг амрини адо этиб, каттакон эски дастурхонга тугилган тугунни ечди-да, ичидаги нарсаларни бирма-бир Чарли Бейтсга узата бошлади; у бўлса бу нарсаларнинг нодиру камёб сифатларини оғиз кўпиртириб мақтаганча столга тераверди.

— Оҳ-оҳ, қандай қойилмақом қуён қиймаси-я, Билл! — каттакон қийма бўлагини қўлига олаётиб хитоо қилди бу ёш жентльмен. — Шунақанги майин, шунақанги ширин, шунақанги нозикки жонивор, ҳатто суягигача оғзингда эриб кетади, Билл; қаеридан бошласамикин, деб бош қотириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Етти шиллингу олти пенслик, қайнаб турган сувга бир чимдим солсанг, чойнакнинг қопқоғини итқитиб юборадиган қулинг ўргилсин кўк чойдан ярим қадоқ; то қиёмига етгунича занжилар роса тер тўккан, сал нам тортган қанддан бир ярим қадоқ. Икки қадоқлик булкадан икки дона; бир қадоқ нафасингга эриб кетадиган янги сариғ ёғ; бир бўлак тушингизда ҳам ҳидлаб кўрмаган аъло навли сермой голстер пишлогидан.

Ёш Бейтс ушбу маддоҳона мадҳияю мақтовларни ўқиган кўйи оттўрвадай чўнтагидан каттакон, оғзи маҳкам беркитилган виноли шишани чиқарди ва айни чоғда бояги шишадаги соф спиртдан қадаҳни чипиллатиб қуйган эди, бемор тап тортмай, шартта оғзига қуйворди.

— Э-э! — хитоб қилди Феджин мамнун қиёфада қўлларини ишқаб. — Нобуд бўлмайсиз, Билл, энди омон қоласиз.



— Омон қоламан! — такрорлади Сайкс. — То сиз ёрдамга етиб келгунингизгача йигирма марта нобуд бўлиб кетишим мумкиниди-я. Шундоқ аҳволдаги одамни уч ҳафтадан зиёдроқ вақт ичида қисмат чангалига ташлаб қўйганингиз қандоқ бўлди, эй ёлгончи, тилёглама жонивор?!

— Бунинг гапини қаранг-а, болалар! — деди Феджин елкасини қисиб. — Биз бўлсак унга манави ажойиб нарсаларни олиб келиб ўтирибмиз-а.

— Нарсаларингиз ўз йўли билан чаккимасга ўхшайдику-я, лекин ўзингизни нима билан оқлай оласиз? — гап қўшди мистер Сайкс столдаги нарсаларга кўз қирини ташлаб олгач. — Нега энди мени оч, касал, пулсиз, умуман, ҳеч вақосиз бир аҳволда ташлаб қўйдингиз бу ерда? Яна ким билади, менга манави итчалик эътибор бермаслигингиз тагин қанча вақт чўзилиши мумкиниди?.. Уни нарироққа ҳайда, Чарли!

— Бунақанги ажойиб итни ҳеч қачон кўрмаганман! — хитоб қилди ёш Бейтс унинг илтимосини бажарар экан. — Худди бозорга кетаётган қари хонимга ўхшаб, ейдиган нарсани ўн чақирим наридан ҳидини олади-я. Саҳнага чиққудек бўлса бу ит роса бойлик ишлаб беради, бунинг устига десангиз, томошагаям жон киритиб юборарди-да.

— Э овозингни ўчир!.. — ўшқириб берди Сайкс ит ғингшиб каравот тагига ўрмалаб кираркан. — Ҳўш, шарти кетиб, парти қолган, кўҳна қонхўр, тараशा чол, ўзингизни нима билан оқлайсиз?

— Бир ҳафтадан мўлроқ Лондонда бўлмадим. Ҳар хил ишлар билан, — жавоб берди жухуд.

— Қолган икки ҳафтада-чи? — сўради Сайкс. — Мен худди инида кулала бўлиб ётган касал қаламушдай бу ерда беҳуш ётган икки ҳафтада-чи!

— Ҳеч нима қила олмадим, Билл. Одамларнинг олдида узундан-узун қилиб тушунтириб бўлмайди буни... Ҳеч нима қиллолмадим, ор-номусим ҳаққи онт ичаман.

— Нималари ҳаққи онт ичяптилар? — тўнғиллади Сайкс жирканиб. — Ҳей, болалар, бирорталаринг анави қиймадан бир бўлак кесиб беринглар, оғзимдаги тамни кеткизмасам, томоғим қақраб, бўғилиб қолишим ҳам ҳеч гапмас.

— Қўйинг, аччиқланманг, азизим, — ювошлик билан тинчлатишга уринарди Феджин. — Сизни ҳечам эсдан чиқарганим йўқ, Билл, сираям.

— Ҳа, мени эсдан чиқармагансиз, бу хусусда гаров ўйнашга ҳам тайёрман, — жавоб қайтарди Сайкс аламангиз кулимсираб. — Мен алангаи оташ бўлиб, алаҳлаб ётган пайтимда сиз ҳар хил режаю найранглар устида бош қотиргансиз: тузалиши билан Билл анави ишни қилади, Билл манави ишни бажаради, иннайкейин, Билл ҳар қанақанги ишни сув текинга қотириб ташлайди — у шунчалик қашшоқки, сиз учун ишлашга мажбур. Бордию, ана шу қиз бўлмаганидами, у дунёга жўнашим тайин эди.

— Қўйинг-э, Билл, — эътироз билдирди Феджин дарҳол шу гапга ёпишиб оларкан. — «Бордию ана шу қиз бўлмаганида» дедингиз-а! Ҳўш, шундай чаққон қизни бечора қари Феджин топиб бермай, ким топиб берди сизга?

— Тўғри айтяпти у, — деди Нэнси илдам олдинга одим ташлаб. — Қўй уни, ҳа, тинч қўй.

Нэнсининг аралашуви суҳбат тарзини ўзгартириб юборди, негаки болалар эҳтиёткор жухуднинг айёрона кўз қисисини пайқаб, қизни ичкилик билан сийлашга киришдилар — дарвоқе, қиз ниҳоятда оз-оздан, эви билан ичарди, Феджин эса ўзига етти ёт бегона қувноқликни намоён қилиб, ўзини гўёки дағдаға-пўписаларни ҳазил деб санаётганга солиб, бунинг устига талончининг олдин спиртли шишадан ютиб олиб, кейин бўралаб сўккан бир-икки қўпол ҳақоратидан астойдил кулиб, аста-секин мистер Сайкснинг кайфиятини кўтара борди.

— Келтирган нарсаларингизнинг ҳаммаси жуда яхши-ю, — деди мистер Сайкс, — лекин сиздан қуруғини нақд олишим керак.

— Енимда бир чақа ҳам йўғийди-ку, — жавоб берди жухуд.

— Лекин уйингизда бижғиб ётибди, — қаршилик билдирди Сайкс. — Ана ўша тоғдай уйилиб ётганидан унча-мунча тегиши керак менга ҳам.

— Уйилиб ётибди! — қичқириб юбораёзди Феджин қўлларини ёзиб. — Қўйинг-э, ҳатто ақалли...

— Бисотингизда қанча йиғилиб қолганини билмадим, лекин, айтмоқчи, буни ўзингиз ҳам билмайсиз, нега деганда уни санаб чиқишга анча-мунча вақт керак, — деди Сайкс. — Лекинига менга пул шу бугун керак, тамом, вассалом!

— Яхши, яхши! — деди Феджин хўрсиниб. — Тулладан бериб юбораман.

— Бунақаси кетмайди, — эътироз билдирди мистер Сайкс. — Туллак жудаям эпчил — бордию бу ишни топширадиган бўлсангиз, бу ёққа етиб келиш эсидан чиқиб қолиши ҳеч гапмас; ё йўлдан адашиб қолади, ё исковучларни чалғитаман деб йўлни бошқа томонга буриб кетади, ёки ўзини оқлагани бошқа бирорта баҳонани ўйлаб топади. Яхшиси, уянгизга Нэнси борсин, пулни ундан бериб юборинг. Шунда ҳаммаси жойида бўлади, у бориб-келгунича эса мен ётиб, андак мизгиб оламан.

Феджин узоқ савдолашиш ва талашиб-тортишишлардан сўнг талаб қилинаётган қарз миқдорини беш фунтдан уч фунт тўрт шиллингу олти пенсгача тушираркан, қасам ичиб шунда тирикчилик учун бисотида атиги ўн саккиз пенсгана қолишига ишонтирмоқчи бўлди. Мистер Сайкс қош-қовоғи уюлиб, агар бундан ортиғига умид қилишнинг фойдаси бўлмаса, шунга ҳам қаноатланишга мажбур эканини айтди. Сўнгра Нэнси Феджин билан бирга йўлга тушишга ҳозирланди, Туллак билан мистер Бейтс таомларни жавонга олиб қўйишди.

Жухуд «шакарпалак» дўсти билан хайр-маъзурлашиб, Нэнси ва болалар рафоқатида уйига жўнади; айни чоғда мистер Сайкс токи ёш хоним қайтиб келгунига қадар ухлаш ниятида ўрнига узанди.

Улар Феджиннинг масканига ҳеч қандай монеликсиз етиб келдилар. У ерда Тоби Крекит билан мистер Читлинг криббедж ўйинининг ўн бешинчи давраси устида берилиб тер тўкмоқда эдилар; шуниси ҳам борки, кейинги жентльменининг ушбу даврани, давра билан бирга эса ўн бешинчи ва охирги олти пенслик чақасини (ёш дўстларининг димоғини бениҳоят чоғ қилиб) ютқизаётганини айтиб ўтириш жоизмикин. Жамоат орасида тутган мавқеи ва ақлий лаёқати жиҳатидан ўзидан анча-мунча пастроқ бўлган жентльмен билан ўйнаётгани устидан чиққанлари сабабли изза тортган мистер Крекит эснаб қўйди-да, Сайкснинг аҳволини суриштириб, кетмоқчи бўлиб шляпасини қўлига олди.

— Ҳеч ким келмадим, Тоби? — сўради Феджин.

— Бирон тирик жон зоти, — жавоб берди Крекит ёқасини кўтараётиб. — Зерикшдан худди бемаза пиводай ачиб-бижғиб кетишимга бир баҳя қолди. Феджин, ўйингизни шунча пойлаб ўтирганим эвазига ўткир ичимликка қарздорсиз. Жин урсин! Худди суд маслаҳатчисига ўхшаб миям ғовлаб, қарахт бўлиб қолаёзим. Мабодо камсуқумлик қилиб манави йигитчани овунтириб ўтиришни ўйлаб топмаганимда бамисоли Ньюгет турмасидагидек тош қотиб ухлаб қолишим тайин эди. Нақ юрагинг ёрилиб кетгудек зерикарли-я!

Мистер Тоби Крекит шу сўзлар билан ютуқ пулларни йиғиштириб, гўё майда кумуш чақалар унингдек зот учун арзимас матоҳдай, кеккайганча нимчаси чўнтагига солди; бу ишни адоғига етказгач, у мардона ва салобат-ла одимлаганча хонадан чиқиб кетди. Шундан сўнг то ғойиб бўлгунича унинг оёғи ва этигига завқ-шавқ-ла қараб-қараб қўяётган мистер Читлинг бугун улфатларига қарата, шундай зот билан танишиш шарофатига муяссар бўлганидан хурсанд эканини ва бу йўлдаги ҳар бир учрашувлари бор-йўғи қандайдир ўн бешта олти пенслик чақага тушишиди, бунақанги ютқизиқ ўзи учун бир черткичалик ҳам қимматга эга эмас эканлигини айтди.

— Ўлгудай думбулсиз-да, Том, — деди мистер Бейтс унинг гапидан кулгиси қистаб.

— Сираям-да, — жавоб қилди мистер Читлинг. — Наҳотки думбул бўлсам-а, Феджин?

— Сен жудаям доно йигитсан, азизим, — деди Феджин унинг кифтига қоқиб, бошқа шогирдларига кўз қисиб қўяр экан.

— Мистер Крекит бўлса ҳақиқий пўрим йигит. Тўғрими, Феджин? — сўради Том.

— Шубҳасиз, азизим.

— У билан ошна-огайнигарчилик қилишни ўзи катта шараф. Тўғрими, Феджин? — давом этди Том.

— Албатта, катта шараф ҳам гапми, азизим. Булар ҳасад қилишяпти сенга, вассалом, нимага десанг, Тоби булар билан пачакилашишни хоҳламайди.

— Ана! — хитоб қилди Том тантанавор оҳангда. — Гап мана бу ёқда! У мени шипшийдам қилиб шилиб олди. Лекин мен хоҳлаган пайтимда бориб, яна ишлаб олишим мумкин-ку, тўғрими, Феджин?

— Тўппа-тўғри, ишлаб олишинг мумкин тагин, Том; айтмоқчи, қанчалик тез борсанг шунчалик яхши. Ютқизирингни ҳаялламай чиқариб ол, ҳа, фурсатни ўтказма... Туллак! Чарли! Ишга жўнайдиган вақтларинг бўлди. Қимирлай қолинглар! Ҳадемай ўн бўлади, шу вақтгача эса ҳали ҳеч вақо қилинмади.

Мазкур шамани инobatга олиб, болалар Нэнсига бош иргашди-да, шляпаларини кўтариб хонадан чиқиб кетишди; йўл-йўлакай Туллак ва унинг қўвноқ жўраси мистер Читлингга қаратилган турли хил аскияю ҳазилларни ўйлаб топиб, хушхандон кетиб боришарди; мистер Читлингнинг феъл-атворида, тан бериш керакки, ҳеч қанақанги алоҳида кўзга ташланиб турадиган ёхуд ғалати жиҳати йўқ эди; модомики пойтахтда тузукроқ ошна-огайнигарчилик даврасига қўшилишдек шарафга сазовор бўлиш учун мистер Читлингга нисбатан талайгина кўпроқ тўлаётган уддабурон олифта йигитчалар оз эмас; шунингдек, обрўшаън иморатини деярли юлдузни бенарвон урадиган Тоби Крекит сингари пойдевор устига қурадиган назокатли жентльменлар (ҳозиргина айтганимиз тузукроқ ошна-огайнигарчилик даврасини ташкил этган) ҳам кам эмас.

— Ана энди, — деди Феджин болалар хонадан чиқиб кетишгач, — чиқиб, сенга пул олиб кирай, Нэнси. Бу, азизам, шунчаки болалар олиб келадиган унча-мунча нарсаларни сақлайдиган жавоннинг калити. Ўзимнинг пулимни ҳеч қачон қулфлаб қўймайман, сабабки, қулфлайдиган пулнинг ўзи йўқ тагида, жонгинам... Ҳи-хи-ҳи... қулфлаб қўядиган нарсанинг ўзи йўқ. Нафи йўқ касб-да, Нэнси, кейин десанг, арзимас, нотинч касб. Шундоқ бўлсаям, ёш-яланглар атрофимда ўралашиб юрганини яхши кўраман, шунинг-чун барига тоқат қилиб, ҳа, барига чидаб келяпман. Жим, — хитоб қилди у шоша-пиша калитни қўйнига яшираркан. — Ким бўлдийкин у ёқдаги? Қулоқ сол-чи.

Қиз биров келяптими ё кетяптими, заррача қизиқмай, токи қулогига эркак кишининг ноаниқ овози чалингунига қадар стол ёнида қўл қовуштириб ўтираверди. Бу товуш қулогига кирар-кирмас, ярқ этиб ўтган яшин мисол, тезликда бошидаги шляпаси билан шолрўмолини юлқиб олди-ю, стол остига суқди. Жуҳуд қайрилиб қараганида ҳозиргина Феджин орқа ўгириб тургани сабабидан пайқамай қолган ҳайратга ҳозиргина Феджин орқа ўгириб тургани сабабидан пайқамай қолган ҳайратга соларли чапдасту чаққон ҳаракатига тамом тескари бир хаста товуш билан иссиқдан нолиди.

— Воҳ! — халал берганларидан гўёки аччиқлангандай тўнғиллаб қўйди у. — Бу мен илгарироқ кутган одам; зинадан тушиб келяпти у. У шу ердалигида пулдан оғиз оча кўрма, Нэнси. Бирпасгина бўлади бу ерда. Ун дақиқалардан ортиғмас, азизам.

Қоқ суяк шаҳодат бармогини лабларига босиб ишора қилгач, жуҳуд эшик орқасидаги зинапоядан одим товушлари эшитилган паллада чироқни кўтариб, ўша томонга юрди. У меҳмон билан бир пайтда эшикка етиб борди, униси эшикни шартта очиб ичкари кираркан, қизни пайқашдан бурун нақ ёнгинасига келиб қолди.

Бу — Монкс эди.

— Ёш шогирдларимдан бири, холос, — деди Феджин Монкснинг нотаниш одамни кўриб тисарилганини пайқаб. — Кетма, ўтиравер, Нэнси.

Қиз столга яқинроқ сурилиб, Монксга бепарвогина бирров кўз қирини ташлади-ю, тескари қараб олди; аммо Монкс ундан кўзини узиб, Феджинга қараганида Нэнси бошқатдан шундай бир ўткир ҳамда синчков нигоҳ ташладики, башарти хонада бўлак бирор кузатувчи ҳозир бўлиб, ушбу ўзгаришни кўриб турганида борми? Ҳар иккала қараш ҳам биргина шахснинг қараши эканига ишониши мушкул эди!

— Янгилик борми дейман-а? — суриштирди Феджин.

— Жуда муҳим.

— Ҳ... ҳалиги... хушхабарми? — деб сўради Феджин ўзининг ҳаддан зиёд

бепарво ва мулойимлиги билан суҳбатдошининг ғашига тегишдан хавфсираётган-дек иккиланиб.

— Хар қалай, нохуш эмас, — жавоб берди Монкс илжайиб. — Бу гал вақтни беҳуда исроф қилмадим. Сиз билан гаплашиб олишим керак.

Шунда қиз янаям столга яқинроқ сурилди ва гарчи Монкс ўзини имлаб кўрсатаётганини пайқаган бўлса-да, хонадан чиқиб кетиш нияти борлигини англатувчи бирон ҳаракат қилмай, ўтираверди. Жухуд, ташқарига чиқиб туришни сўрайдиган бўлсам, пулдан гап очиб қолмасин тагин, деб чўчиди чоғи, кўзлари билан тепага имлаб, Монксни эргаштириб чиқиб кетди.

— Фақат илгари кирганимиз лаънати каталаккаямас, — меҳмоннинг овозини эшитди қиз улар зинадан чиқиб кетишаётганида. Феджин кулиб қўйди, кейин алланима деб жавоб қайтарди, нима деганини у тушунмади; тахталарнинг ғижирлашидан суҳбатдошини учинчи қаватга бошлаганга ўхшади.

Уларнинг одим шарпалари акс садоси бино ичра тиниб улгурмаёқ, қиз бошмоғини ечиб, қўйлаги этагини бошига ёпинди-да, қўлларини ҳам ўраб олганча эшик олдига бориб, қулоқ сола бошлади. Одим шарпалари тинган заҳоти хонадан лип этиб чиқди-ю, зинадан қайрон қоларли даражада энгил ҳамда шарпасиз, зипиллаганча тепага кўтарилиб, зулмат қўйнига сингиб кетди.

Чорак соатлар чамаси, бундан ортиқмасдир-ов, хонага ҳеч ким кирмади; сўнгра қиз худди боягиндай сас-садосиз кириб келди. ўша заҳотиёқ зинадан тушаётган икки эркакнинг одим шарпаси эшитилди. Монкс ҳаялламай, ўшанақаси кўчага чиқиб кетди, жухуд эса пул олиб тушгани имиллаганча тагин тепага кўтарилла бошлади. У кириб келганида қиз гўёки отланаётгандек шляпасини кийиб, рўмолини ўрай бошлаганди.

— Нима гап, Нэнси? — хитоб қилди шамни столга қўйган жухуд ўзини орқага ташлаб. — Рангинг девордай оқариб кетибди-ку!

— Девордай оқариб кетибди? — такрорлади қиз чолга диққат-ла тикилиб қарамоқчидай қўллари билан кўзини тўсиб.

— Жудаям. Нима бўлди ўзи сенга?

— Ҳеч нима. Бу диққинафас хонада, худо билади, қанча ўтириб қолдим, бор гап шу, вассалом, — жавоб берди қиз бепарво. — Қани, барака топкур, мени жўната қолинг тезроқ.

Феджин ҳар битта танга устида минг уҳ тортиб, пулни битта-биттадан санаганча унинг кафтига ташлайверди. Улар бир-бировларига хайрли тун тилаб, ортиқча гап-сўзсиз хайрлашишди.

Қиз ташқарига чиққач, эшик тагидаги зинага ўтириб қолди ва бир неча лаҳза давомида мутлақо довдираб, юришга қурби етмаётгандек туюлди. Ваногоҳ у ўрнидан даст турди-ю, ўзини Сайкс кутаётган тарафга эмас, тамоман тескари томонга отилиб, тобора одимини жадаллатганча бораркан, охири деярли югуришга ўтди. Батамом силласи қуриганидан кейингина нафасини ростлагани тўхтади; ана шунда ҳуши жойига қайтиб, ўйлаган режасини амалга ошира олмаслигини фаҳмлади чоғи, аламидаи хўнграб йиғлаб юборди. Кўз ёшидан энгил тортиди ё бутунлай ноҷор аҳволда қолганини тушундими, ишқилиб, у шартта бурилди-ю, худди боягидек югурганча — бир тарафи беҳуда кетган вақтнинг ҳиссасини чиқариб олиш, бир тарафи эса одимини қайнаб-тошиб бораётган фикр-ўйлари оқимига мосламоқ ниятида — орқага қайтди ва ҳеч қанча ўтмай газзобни қолдириб кетган уйга етиб келди.

Вашартики у мистер Сайксга рўпара бўлганида ўз ҳаяжонини бирон ҳаракати билан фош этиб қўйган чоғда ҳам бари бир йигит буни пайқамади; у қиздан пул келтирган-келтирмаганини суриштириб, ҳа, деган жавобни олди-ю, алланима деб мамнун ғудранди-да, тагин бошини ёстиққа ташлаб, қиз келганда бузилган уйқусини давом эттираверди.

Қизнинг бахтига эртаси куни қўлида нақд пули борлиги Сайксни таом ва ичкиликка зўр беришга ундади; бунинг устига унинг феъл-атворига яхши таъсир кўрсатди-ю, қўполлиги хийла барҳам топиб, қизнинг хулқию хатти-ҳаракатини танқид қилишга на вақти ва на истаги бўлди. Бир қарорга келишдан олдин жиддий ички олишувни талаб этувчи бирор мардонавор ҳамда хатарли ишга қадам қўйишга ҳозирланаётган одамда бўлгани каби, қиздаги паришон-

ҳоллик ва асабийлик Феджиннинг силовсинча ўткир кўзларидан қочиб қутулолмаслиги, чолнинг эса дарҳол хатар боигини уриши шаксиз эди. Бироқ мистер Сайкс, зеҳну зийраклик бобида «маиан-ман» деб ажралиб турадиган зотлар тоифасига кирмасди; шу пайтгача ҳар ким ва ҳамма билан бўладиган мулоқотида ҳамишаги қўполлиги кўмагида ўзи бемалол даф эта оладиган хавфу хатардан кўра ўткирроқ ҳадик дилига қутқу солмаганди; устига-устак, янгидагина зикр этиб ўтганимиздек бағоят димоғи чоғ кайфиятда бўлган мистер Сайкс қизнинг юриш-туриши, афт-ангорида ҳеч қанақанги ғайриодатий аломатни сезмади: сирасини айтганда эса, қизга шунчалик кам эътибор бердики, ҳатто унинг ҳаяжони юз карра сезиларли бўлган тақдирда ҳам йигитнинг кўнглида шубҳа уйғотиши дарғумон эди.

Кун адоғига бориб қизнинг ҳаяжони янада зўрайди. Кеч кириб, талончининг ёнида беморнинг маст бўлиб ухлаб қолишини пойлаб ўтираркан, қизнинг ранги шунчалар паға бўлиб кетган, кўзлари шундайин чақнаб турардики, ҳатто Сайксдек одам ҳам таажжубланди бундан.

Мистер Сайкс иситмадан силласи қуриб каравотда ётган жойида сал кучи қирқилсин деб ароққа илик сув қўшиб ичарди; шу тариқа, тўлатсин деб стаканни Нэнсига томон учинчи ё тўртинчи марта суриб қўйишида қўққисдан қизнинг тусига кўзи тушиб ҳайрон бўлди.

— Эҳ, ётган жойимда ҳаром қотайин-а! — хитоб қилди у тирсагига таяниб сал қаддини кўтарганча қизнинг юзига тикилиб. — Худди ўлиб тирилган мурдага ўхшаб кетибсан-ку! Нима бўлди ўзи?

— Нима бўлди? — такрорлади қиз. — Ҳеч нима. Намунча бақраясан менга?

— Яна нима жин урди? — сўради Сайкс қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб, қўполлик билан силкилаб. — Нима гап ўзи? Қалланга қанақа ўй келиб қолди? Нимани ўйлаяпсан?

— Кўп нарсани, Билл, — жавоб қайтарди қиз бир сесканиб тушиб, кўзларини қўллари билан тўсаркан. — Лекин сенга бари бир эмасми?

Охири сўзларнинг ясама қувноқ оҳанги хиёл олдинроқ ўзига қадалган ваҳшиёна жавдираган нигоҳдан кўра кучлироқ таъсир этгандай кўринарди Сайксга.

— Сенга айтадиган гапим шуки, — деди Сайкс, — мабодо иситма юқмаган ва тобинг қочмаган бўлса, демак, унда бошқа нарсанинг, жиддий, бунинг устига хавфли нарсанинг иси келиб турибди. Яна тагин сен... Йўқ, жин чалсин, қўлингдан келмайди бу!

— Нима қўлимдан келмайди? — сўради қиз.

— Бутун жаҳонда, — деди Сайкс қиздан кўзини узмай, бу сўзларни эшитилар-эшитилмас пичирлаб, — бутун жаҳонда ундан ишончлироқ қиз йўқ, акс ҳолда ҳақиқат уч ой бурун бўғизлаб ташлаган бўлардим. Унда иситма ҳуруж қиялпти, бор гап шу.

Сайкс шундай ваз-корсон билан ўз кўнглини тинчлантириб, стаканни охиригача сипқорди, сўнгра эса алжираб сўкинганича дорисини сўради. Қиз дик этиб турди-да, унга орқа ўгириб турганича, тезгина доридан қуйиб, то ичиб бўлгунича оғзига тутиб турди.

— Ана энди, — деди газзоб, — ёнимга ўтир, кейин турқинг ҳамишагидек бўлсин, йўқса уни шунақанги бежаб қўяманки, ҳатто ўзинг ҳам танимай қоласан.

Қиз итоат этди. Сайкс унинг қўлини маҳкам ушлаб, афтига тикилган қўйи ўзини ёстиққа ташлади. Кўзлари юмилди, яна очилди, тагин юмилди ва тагин очилди. У безовталаниб аганади, бир неча марта икки-уч дақиқа мудраб ҳам кетди, ўшанча марта чўчиб уйғониб, сапчиб тушди ва атрофга бемаъно аланглади; бир пайт қўққисдан, сал қаддини кўтармоқчи бўлиб шайланган гайтида боши шилқ этиб тушиб, тошдек қаттиқ уйқуга кетди. Панжалари ёзилди, пайлари таранг тортилган қўли шалвираб тушди — у бамисоли бутунлай беҳуш ётарди.

— Афюн ахийри таъсир қилди-я, — дея пичирлади қиз каравотдан узоқлашаркан, — лекин энди жудаям кеч бўлиб кетгандир.

У чаққон шляпасини кийиб, рўмолини ёпинаркан, таган уйқу дори берга-

нимга қарамай Сайкс елкамга қўлини ташлаб қолмасин, дегандай ҳадиксираб ора-сира орқасига қараб қўярди; кейин астагина тўшак узра энгашиб, қароқчининг лабидан ўпди-да, хона эшигини шовқин чиқармай очиб, кўчага отилди.

Асосий кўчага олиб борадиган қоронғи жинкўчада қоровул тўққиз ярим бўлди, дея жар соларди.

— Кўп бўлдими бунга? — сўради қиз.

— Чорак соатдан кейин ўннга занг уради, — деди қоровул қўлидаги фонусни унинг юзига тутиб.

— Мен бўлсам у ёққа бир соатдан олдин етиб боролмайман, — дея гўлдиради қиз ва унинг ёнидан йўрғалаганча ўтиб, кўча бўйлаб югура кетди.

Қиз Спител-Филдсдан Лондон Вест-Энди томон югургилаб бораётган паскам жинкўчаю тор кўчалардаги дўконларнинг аксарияти аллақачон ёпилган эди. Соат ўнга занг урганидан кейин эса унинг бетоқатланиши ошгандан-ошиб кетди. У камбаргина йўлқадан бамисола учиб боради; одамлар кўчани кесиб ўтиш имконияти туғилишини кутиб тўдаланишиб турган ерларда йўловчиларни итариб-туртиб, гавжум кўчаларнинг нариги бетига эса нақ отларнинг тумшуқлари остидан елиб ўтарди.

— Жинни-минни бўлганга ўхшайди бу жувон, — деб қўйишарди ўткинчилар, тиғи паррондай узоқлашиб бораётган қизнинг орқасидан қараб қолишаркан.

Қиз шаҳарнинг бирмунча бадавлатроқ қисмига етганида кўчалар нисбатан бўшроқ эди, шу бовсдан ҳам бу ерда унинг бунчалик югуриши ўзи оралаб бораётган сийрак йўловчиларда кўпроқ қизиқиш уйготарди. Баъзилар қизнинг қаёққа ошиқаётганини билмоқчидек қадамларини тезлатишар ва етиб олганлар ўгирилиб қараб, унинг ҳамон ўшандай тезликда чопиб бораётганини кўриб ҳайрон бўлишарди.

Бироқ улар бирин-кетин орқада қолиб боришарди, шундай қилиб, у кўзлаган мазгилига етиб келганида ёлғиз ўзи қолганди кўчада. Бу Хайд-парк яқинидаги осуда, гўзал кўчада жойлашган оилавий қўниладиган меҳмонхона эди. Эшик олдида кўзни олгудек чарақлаб турган фонуснинг чорлови билан қиз уйга яқинлашган пайтда соат ўн бирга занг урди. Дастлабига қиз бир оз нафасини ростлаб, кейин яқинлашиш ниятида қадамини секинлатгандай бўлди, аммо соат занги унга дадиллик бахш этди-ю, тўғри ичкари кирди. Дарвозабон одатдаги жойида кўринмади. У тараддудланиб у ёқ-бу ёққа аланглади-ю, зинапояга қараб юрди.

— Бу ёққа қаранг, — деди башанг кийинган бир аёл орқа томондаги эшик ортидан мўралаб қараб, — бу ерда ким керак сизга?

— Шу уйга тушган хоним, — жавоб берди қиз.

— Хоним дейсизми? — дея сўради аёл жирканганнамо нигоҳ ташлаб. — Қайси хоним?

— Мисс Мэйли, — деди Нэнси.

Бу орада Нэнсининг ташқи қиёфасига разм сола бошлаган башанг кийинган аёл саховатангиз ирганишни ифодаловчи нигоҳ билангина жавоб қайтарди-ю, у билан гаплашишга бир эркакни чақирди. Нэнси унга ўз илтимосини такрорлади.

— Ўларини ким деб айтай? — сўради хизматкор.

— Исминни айтишни кераги йўқ, — жавоб қилди Нэнси.

— Бўлмаса қандай иш билан кепти дей? — суриштиришни давом эттирди хизматкор.

— Буни ҳам айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ! — эътироз билдирди қиз. — Мен хонимга йўлиқишим керак, вассалом.

— Қани, бир жўнаб қолсинлар-чи! — деди хизматкор уни эшик томон итариб. — Етар, бас, туёқларини шиқиллатиб қолсинлар!

— Мени итариб чиқариб ташлашингиз мумкин, лекин ўз оёғим билан чиқиб кетиб бўлман! — қаттиқ кичқириб деди қиз. — Шундоқ оёғимни тираб олайки, икки кишилашиб ҳам чиқариб бўлсизлар. Наҳотки бу ерда мендай бир аянчли ожизанинг илтимосини бажаришга рози бўладиган бирор кимса топилмаса? — дея сўзини давом эттирди у атрофга аланглаб.

Бу зорланиш бошқа хизматкорлар билан биргаликда ушбу манзарани хо-

тиржамгина кузатиб турган ошпазга таъсир қилди-ю, у можарога аралашмоқчи бўлиб олдинга чиқди.

— Кириб айта қолинг, Жо, бирон ерингиз ейилиб қолмайди-ку ахир, — деди бу зот.

— Бундан нима маъни чиқарди? — қаршилиқ билдирди униси. — Нима бало ойимқиз мана шунақанги таъвияни қабул қилади, деб ўйлаётисиз шекилли, а?

Нэнсининг шубҳали кечмишу шаънига қилинган бу шама шу ерда ҳозир бўлган тўртала оқсочнинг қалбида маъсумона газаб тугёнини уйғотди, улар ёниб-жўшиб, бунақанги махлуқлар ўз жинсини иснодга қўйяпти, деб бобиллаганча, уни ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай, тўппа-тўғри анҳорга улоқтиришларини қатъиян талаб эта бошладилар.

— Мени нима қилсанглар қилаверинглару, — деди қиз яна эркакларга муурожаат қилиб, — лекин олдин илтимосимни бажаринглар, учрашмоқчи эканимни кириб айтинглар, яратган парвардигор ҳаққи.

Кўнгли бўш ошпаз илтимосу илтижоларни қалаштириб ташлади ва охир-оқибатда иш шу билан тугадики, биринчи бўлиб чиққан хизматкор бу илтимосни адо этишни ўз зиммасига олди.

— Хўш, нима дей кириб? — деб сўради у бир оёғини зинанинг биринчи поясига қўйган жойида.

— Бир ёш аёл мисс Мэйли билан танҳо сўзлашишни ўтиниб сўраяпти, — жавоб берди Нэнси, — у айтмоқчи бўлган гапдан ақалли битта сўзни эшитганидан кейин бу аёлнинг гапларига охиригача қулоқ соладими ё ёлғончи сифатида қувиб юборадими, унинг ихтиёри деяпти, денг.

— Ўзиям ўлгудай қайсар одам экансиз-да, — деди хизматкор.

— Шу гапни айтсангиз бас, — деди қиз қатъий, — жавобини олиб чиқинг-а.

Хизматкор зинадан югурганча чиқиб кетди. Ранги қум ўчган Нэнси энтика-энтика нафас олган кўйи, лаблари титраганча ифбатли оқсочлар овозларини баралла қўйиб, зикналик қилмай оғзиларидан чиқариб юбораётган нафратомуз койишу қаргашларга қулоқ тутганча пастда турарди; хизматкор қайтиб тушиб, ёш аёлга тепага чиқишини айтган, улар янаям саҳийлик билан таъна-дашномларни ёғдира кетишди.

— Бу дунёда инсофу тавфиқ қолмаганидан кейин, ахлоқ-одобга риоя қилишдан нима фойда борақан? — деди биринчи оқсоч.

— Олтин ўтда куймаса, сувда зангламаса ҳамки, баъзан жезни ундаи аълоқроқ кўришади, — деб қўйди иккинчиси.

Учинчиси: «Бу хонимлар нимадан ясалган ўзи?» деган ҳайратангиз савол билан кифояланиб қўя қолди; тўртинчилари эса: «Қандай шармандалик!» — дея яқун ясади — қулласи калом, мазкур фаришталарнинг фикри бир жойдан чиққанди.

Нэнси ана шуларнинг барига қарамай — чунки юрагини бундан кўра чандон оғирроқ тош босиб ётганди — бутун вужуди титраб, хизматкор изидан шифтда осиглиқ фонус ёритиб турган мўъжазгина даҳлизга кирди. Хизматкор қизни шу ерда қолдириб ўзи чиқиб кетди.

## XL боб

*Олдинги бобда тасвирланган воқеаларнинг давоми бўлмиш антиқа учрашув*

Гарчанд қизнинг ҳаёти кўча-кўйда, Лондоннинг энг чиркин фаҳшхонаю энг қабиҳ ўғрихоналарида кечган бўлса-да, ҳар қалай у аёл зотига хос инсофу андишани андаккина сақлаб қолганди; шу сабаб, ўзи кириб келган эшикнинг қарама-қаршисидаги эшикка яқинлашиб келаётган энгилгина одим шарпасини эшитганида лаҳза ўтмай ушбу мўъжазгина хона шоҳиди бўладиган; кескин тафовутни ҳаёлига келтираркан, ўз аҳволи қанчалар шармандали ва аянчли эканини ҳис этиб, учрашишни талаб қилиб туриб олган кимсасига рўбарў бўлишга гўёки қурби етмайдигандек қунишиб олди.

Аmmo ана шу мақбул туйғулари билан гурур — энг фақш ҳамда энг таққирланганлар, айни чоғда улугвор ҳамда ўзига бино қўйган киборларнинг ҳам қусури бўлмиш гурур — олишмоқда эди шу топда. Ўгри ва талончиларнинг аянчли ҳамтовоғи, чиркин фақшхоналар чиқиндисию разолат ҳосиласи, энг палид жиноятчиларнинг дор кўлагасида истиқомат қилувчи шериги — ҳатто иллатлар ботқоғига ботиб кетган махлуқсифат бир зотнинг ҳам гурури аёлларга хос бир чимдимгина кўнгилчанлик кўрсатишга йўл қўймаётганди; гарчи оғир турмуш болалик йилларидаёқ изини сидириб ташлаган кўнгилчанлик инсонлик табиати билан ўзини боғлаб турган бирдан-бир ришта бўлса-да, бу ягона риштани у ожизлик ҳисобларди. У қаршисида ҳозир бўлган қизнинг келишган қадди ва гўзал чехрасига бирровгина нигоҳ ташлаш учунгина бошини кўтарди, холос; сўнгра ерга қараганича, ясама бепарволик билан бош силкиб қўйиб:

— Ҳузурингизга кириш осон эмасакан, хоним, — деди. — Бордию ранжиб, бор-э, деб кетиб қолганимда (меинг ўрнимда бўлганида кўпчиликнинг шундай қилиши турган гап эди), вақти-соати келиб пушаймон қилардингиз — ҳа, беҳуда пушаймон бўлмасдингиз.

— Агар сизга қўпол муомала қилишган бўлса, маъзур тутасиз, — жавоб берди Роз. — Буни унутишга ҳаракат қилинг. Айтинг-чи, менда нима гапингиз бориydi? Мен ўша сиз сўраган одамман.

Ширин тил, мулойим овоз, дилбарона эҳтиром, такаббурликдан ёхуд норозиликдан асар ҳам сезилмайдиган муомалани кутмаган ғофил қиз беҳос кўзларига ёш олди.

— Эҳ, хоним! — нидо солди у тўлқинланиб. — Кошкийди сизга ўхшаганлар кўпроқ бўлса-ю, менга ўхшаганлар камроқ бўлса... жудаям кам...

— Ўтиринг, — деди Роз. — Агар қашшоқ бўлсангиз ёки бошингизга бирор фалокат тушган бўлса, чин қалбимдан, баҳоли кудрат сизга ёрдам беришга тайёрман. Ўтиринг.

— Тик туришимга руҳсат этинг, хоним, — деди қиз ҳануз пиқиллаб, — кейин токи кимлигимни билмай туриб бунақа мулойим гапирманг менга. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Анави... Анави эшик беркми?

— Ҳа, — деди Роз, агар лозим бўлиб қолса тезроқ ёрдамга етиб келишсин дегандай бир неча қадам ортга чекинар экан. — Нимага сўраяпсиз буни?

— Чунки, — деди қиз, — чунки ўз ҳаётимни ва яна бошқаларнинг ҳаётини сизнинг измингизга топшироқчиман. Мен кечки пайт Пентонвидаги уйдан чиққан Оливерни қўлидан ушлаб олиб, Феджин чолниқига сургаб кетган ўша қиз бўламан.

— Сиз-а?! — деб юборди Роз Мэйли ҳовлиқиб.

— Ҳа, мен, ойимқиз, — жавоб қайтарди қиз. — Мен ўзингиз аллақачон таърифимни эшитган, ўгри-муттаҳамлар орасида яшайдиган ўша беномус қиз бўламан. Эсимни таниган, кўзларимни очиб Лондон кўчаларини кўрган кезларимдан берига мени сийлашган сўзлардан мулойиму ёқимлироқ сўзни эшитмадим, менга ҳада этганларидан яхшироқ ҳаётни татиб кўрмадим. Бу ёғига яратганинг ўзи мададкорим бўлсин илоё! Қўрқманг, мендан бемалол юз ўгиришингиз мумкин, хоним. Аслида кўринишимга қараганда анча ёшману, лекин кўникиб кетганман бунга. Одам гавжум кўчадан ўтиб бораётганимда энг қашшоқ аёллар ҳам юзини тасқари буриб, шаталоқ отиб қочиб қолишади ёнимдан.

— Қандай даҳшат! — деди Роз, беихтиёр ғалати суҳбатдошидан нарироқ тисарилар экан.

— Қимматли хоним, гўдаклик чоғларингизданоқ сизга ғамхўрлик қилган, кўз қорачиғидек асраб-авайлаган дўстларингиз бўлгани, ҳеч қачон очлигу совқотиш нималигини билмаганингиз, бадмастлигу ғавро-тўполонларни кўрмаганингиз, яна... яна мен бешикдалигимдаёқ татиб кўрган бундан кўра баттарроқ баъзи нарсалардан беҳабар эканлигингиз учун тиз чўкиб тангрига шукрона ўқинг, — хитоб қилди қиз. — Мен бу сўзни бемалол айта оламан, чунки гадой топмас жинкўчалару пасқам жар-журлар бешиклик қилган менга... ажал тўшагим ҳам ўшалар бўлади.



— Раҳмим келади сизга, — деди Роз овози титраб. — Гапингизни эшитиб, юрагим тилка-тилка бўлиб эзилиб кетаяпти.

— Бу раҳмдиллигингиз учун сизни тангри ярлақасин, — жавоб қилди қиз. — Агарда гоҳо-гоҳо қандай аҳволга тушганимни билганингизда эди, ростдан ҳам ачиниб кетардингиз менга. Бу ерга яширинча қулоқ солган гапларимни етказгани келганимни билиб қолишса албатта тириклайин теримга сомон тикадиган одамларга билдирмай қочиб чиққанман-а, ахир. Монкс деган одамни танийсизми?

— Йўқ, — жавоб берди Роз.

— У бўлса сизни танийди, — деди қиз, — шу ерга тушганингизни ҳам билади. Бу ерни унинг оғзидан яширинча эшитиб топиб келдим-да сизни.

— Бу исми қечам эшитмаганман, — деди Роз.

— Демак, бизникига бошқа ном билан бораркан, — деди қиз, — илгарироқ ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Бундан бир неча вақт бурун, уйларингни ўмариб кетмоқчи бўлиб Оливерни деразаларингдан туширишганидан кейин кўп ўтмай, мен ўша кишидан шубҳаланиб, бир куни тунда Феджин билан гаплашаётганида яширинча қулоқ солдим. Шунда Монкс ҳозир мен сиздан сўраб турган худди ўша одам эканини тушундим...

— Ҳа, — деди Роз, — тушунаман.

— ...Монкс худди ўша. — сўзини давом эттирди қиз, — биз Оливерни биринчи марта йўқотиб қўйган кунимиз, уни икки боламиз билан юрганида тасодифан кўриб қолиб, ўзи излаб юрган бола эканини шу заҳотиёқ таниган худди ўша одам эканини тушундим; нима мақсадда излаб юрганини бўлса билолмадим. Феджин билан шартлашиб олишди, агар Оливерни яна қўлга туширишса чолга маълум миқдорда пул тегадиган, кейин, агар уни ўғри қилиб егишгирса бундан ҳам кўпроқ ақча оладиган бўлди, шундай бўлиши нима учундир Монксга жудаям зрур экан.

— Нима учун? — сўради Роз.

— Нима гаплигини билиб олмоқчи бўлиб гап пойлаётганимда девордаги соямни кўриб қолди у, — жавоб берди қиз, — мендан бошқа камдаи-кам одам вақтида жуфтакни ростлаб, қутулиб кетарди-ёв бундай пайтда. Лекин мен уддасидан чиқдим бунини, ўшандан кейин уни кеча оқшомгача кўрмай юргандим.

— Кеча нима бўлди, айта қолинг?

— Ҳозир гапириб бераман, хоним. Кеча кечқурун у тагин келди. Икковлари тагин тепага қиқиб кетишди, шунда мен соям сирни очиб қўймайдиган қилиб ўраниб-чирманиб олдим-да, яна эшик орқасида гап пойладим. Қулоғимга биринчи чалинган нарса Монкснинг: «Шундай қилиб, боланинг шахсини аниқлаб берадиган яккаю ягона далил дарёнинг тубида ётибди, уни боланинг онасидан олган шумкампир эса тобутда қуртларга ем бўлиб, чириб ётибди», деган сўзлари бўлди. Кейин Феджин икковлари қаҳқаҳлаб кулишди-да, бу ишларни омади чопиб, хамирдан қил суғургандай болагани тўғрисида гаплашишди. Монкс эса болани тилга олганида қутуриб кетиб, шайтонбаччанинг пулини гумдон қилишга қурби етса ҳамки, бошқача йўл билан қўлга киритгани маъқул эканини айтди; отасининг такаббуруна васиятини масхаралаб, болани шаҳарнинг ҳамма қамоқхоналарида бирма-бир сайр қилдириб чиқсак, ундан кейин бирорга оғир жинояти учун дорга торттириб юборсак, роса қойилмақом ҳангома бўларди-да, деди; кейин, бу иш Феджиннинг қўлидан бемалол келишини, унғача эса боладан анча-мунча фойдаланиб қолиши мумкинлигини айтди.

— Бу қандоқ гап бўлди?! — хитоб қилди Роз.

— Бу гапни мен айтаётган бўлсам ҳам, хоним, чиппа-чин гап, — жавоб қилди қиз. — Кейин Монкс менга таниш, лекин сизга бегона ҳақоратларни қаторлаштириб, адовату нафратини қондирди, болани ўз жонини таҳликага қўймай гумдон қилишнинг иложи бўлса, аллақачон шундай қилган бўлишини айтди; лекин бунинг иложи йўқлиги туфайли ўзининг сергак юришини, унинг қисмати кўндаланг қиладиган бевафоликларни кузатиб боришини, иннайкейин, унинг келиб чиқиши ва ҳаётидан хабардор эканлиги — бу ўзининг қўли баланд деган гап эканини ва балким болага бирон зиён етказишга муваффақ бўлиши мумкинлигини валдиради. «Қисқа қилиб айтганда, Феджин, — деди у, — сиз

жуҳуд бўлсангиз ҳам, ҳеч қачон мен инижоним Оливерга қўйганимдақа тузоқ қўймагансиз».

— Иним! — деди Роз юраги қинидан чиққудек бўлиб.

— Унинг оғзидан чиққан сўз бу, — деди Нэнси, ҳадик билан атрофга аланглаб оларкаи; сирасини айтганда, у сўзлаётганида деярли муттасил ана шундай чўчинқираб аланглаб қўярди, негаки уни Сайкснинг тимсоли муттасил таъқиб этиб турарди. — Лекин бу ҳаммасиямас ҳали. Сиз тўғрингизда, кейин бошқа хоним тўғрисида гап очганида дедики, худонинг ўзи ёки иблис унга қасдма-қасдликка шундай қилганмишки, Оливер сизларнинг қўлингизга тушиб қолганмиш, бу шундоққина кўриниб турганмиш. Шунда у хоҳолаб кулди-да, ҳатто шунисигаям хурсандмиш, негаки, агар бисотингизда бўлса икки оёқли итвач-чангизнинг кимлигини билиш учун минг-минглаб ва юзлаб фунтларни берган бўлармишсиз.

— Наҳотки шуларнинг барини жиддий гапирган бўлса? — деб сўради Роз ранги паға бўлиб.

— У ҳаддан ташқари қатъий ва ғазаб билан гапирди, — дея жавоб берди қиз бошини сарак-сарак қилганча. — Нафрати қайнаб, ғазаби кўзиб турганида у ҳазиллашмайди сира. Бундан минг карра ёмонроқ ишларни қиладиган кўпларни биламан, Монкснинг гапини бир марта эшитгандан, ана ўшаларнинг гапига ўн марталаб қулоқ солган яхшироқ. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб кетди, нима иш билан чиқиб кетганимни пайқаб қолмасларидан уйга етиб олишим керак, ҳа, тезроқ уйга етиб олишим зарур.

— Лекин мен нима ҳам қила олардим? — сўради Роз. — Бу хабардан сизсиз нима наф чиқара оламан? Уйга етиб олишим керак дейсизми? Нега энди шундай даҳшат билан таърифлаб берган ўша ошналарингизнинг ёнига қайтингиз келиб қолди? Агар шу топдаёқ қўшни хонадаги жентльменни чақирсаму, ўша кишига бу гапларингизни сўзлаб берсангиз, ярим соат ўтмаёқ, қарабсизки, сизни бирорта бежавотир ерга жойлаштириб қўйишади-да.

— Йўқ, қайта қолай, — деди қиз. — Қайтишим зарур, нимагаки... сиздай покиза хонимга буни қандай айтсамикин-а?.. Нимагаки, сизга ҳикоя қилиб берган кишиларим орасида биттаси, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган энг ашаддийси бор, ана ўшани ташлаб кетолмайман; ҳа, ҳатто ҳозирги турмуш тарзимдан қутулиб олиш эвазига ҳам ташлаб кетолмайман уни.

— Илгарироқ бу ёқимтой боланинг ёнини олганингиз, — деди Роз, — ниҳоят-да хатарли эканига қарамай, эшитган нарсангизни менга етказиш учун бу ерга келганингиз, айтаётган сўзларингизнинг тўғрилигига мени ишонтира олган самимий қиёфангиз, очикчасига пушмон еяётганингиз ва хижолат чекаётганингиз—буларнинг бари сизнинг ҳали тузалиб кетиш қўлингиздан келажагига ишонишга мажбур этипти. О, — дея хитоб қилди кўнгилчан қиз қўлларини чалиштириб, жўшиб, кўзларидан эса ёш юмалаб, — сизга раҳми келиб, ҳамдардлик билан мурожаат қилаётган биринчи аёлнинг — ҳа, биринчи, бунга имоним комил! — илтижосига қулоқ солинг. Гапимга кириг, келажак эзгу кунлар учун сизни қутқариб қолишимга имкон беринг!

— Хоним, — нидо солди қиз тиз чўкиб, — меҳрибон, фариштадай саховатли ойим қизгинам! Ҳа, мени бундай сўзлар билан бахтиёр этган биринчи аёл сизсиз. Агарда бу сўзларни бир неча йил бурун эшитганимда эди, унда мени гуноҳ ва гам-гуссага элтувчи йўлдан қайтарган бўлармиди. Лекин ҳозир вақт ўтган, ҳа, энди жудаям кеч.

— Тавба қилиш ва гуноҳларни ювиш ҳеч қачон кеч бўлмайди, — деди Роз.

— Вақт ўтган! — қичқариб юборди қалбан изтироб чекаётган қиз. — Энди уни ташлаб кетолмайман. Унинг жонига зомин, ўлимга сабабчи бўлгим йўқ.

— Нега энди сиз сабабчи бўларкансиз? — сўради Роз.

— Унда ҳеч нима қутқариб қололмасди уни! — деди қиз қизишиб. — Бордию сизга гапириб берганларимни бошқаларга сўзлаб берганимда борми, ҳаммани қўлга олишарди, турган гапки, у ўлимдан қочиб қутулолмасди. У ораларида энг довюраги, иннайкейин, энг бераҳми.

— Шунақасиям бўларканми, — овозини кўтарди Роз, — шундоқ одамни деб

келажакка бўлган орзу-умидларингиздан, гуноҳу жиноятлардан тезгина фориғ бўлишдек шак-шубҳасиз имкониятдан воз кечиб ўтирибсиз-а. Ақлсизлик-ку бу!

— Нима бу, билмадим, — жавоб қайтарди қиз. — Фақат бир нарсани билманман, худди шундоқ бўлиб келган ва ёлғиз менгина эмас, менга ўхшаган юзлаб фақш йўлга кирган нотавонларнинг ёзмиши шундай бўлиб қолаверади. Мен қайтишим керак. Билмадим, қилган ёмонликларим учун худо буюрган жазоми бу, ишқилиб, чеккан шунча азоблариму еган калтакларимга қарамай, унинг ёнига қайтгим келяпти. Кейин, ҳатто ажалим ўшанинг қўлида акаини билган тақдиримдаям, бари бир оёгим ўшоққа тортавериши тайин эди.

— Энди нима қилдим-а? — деди Роз. — Сизни қўйиб юбормаслигим керак.

— Рухсат беришингиз керак, ойимқиз! Қўйиб юборасиз мени, буни билиб турибман, — эътироз билдирди қиз тиззалаган жойидан қўзғалар экан. — Кетишимга тўсқинлик қилмайсиз, чунки кўнгилчанлигингизга ишониб, сиздан ҳеч қандай сўз беришингизни талаб қилмадим; шундай қилсам бўларди-ку, ахир.

Унда сиз келтирган хабардан нима фойда чиқди? — деди Роз. — Бу сирни фош этиш зарур, йўқса ўзингиз ёрдам қилмоқчи бўлган Оливерга менга айтганларингизнинг нима нафи тегади?

— Танишларингиз орасида ҳаммасига қулоқ солиб, сирни очмай туриб, сизга нима қилиш кераклигини маслаҳат берадиган биронта ҳимматли жентльмен топилиб қолар, албатта, — деди қиз.

— Мабодо зарурати чиқиб қолса сизни қаердан топаман? — сўради Роз. — Ўша разилларнинг қаерда туришларини билишни сира-сира истамайман, лекин сиз шу бугундан эътиборан маълум вақтда бирон ерда сайр қилгандай айланиб юролмайсизми?

— Менга бу сирни қаттиқ асрайман ва ёлғиз ўзим ёки сирни ишонган одамим билангина бирга бораман, деб сўз берасизми? Мени изимга тушмасликлари ёки кузатмасликларига ваъда берасизми? — сўради қиз.

— Қатъий сўз бераман, — жавоб қилди Роз.

— Ҳар якшанба кечаси соат ўн бирда, — деди қиз заррача иккиланмай, — агар тирик бўлсам, Лондон кўпригида у ёқ-бу ёққа юриб тураман.

— Яна бир лаҳзагина сабр қилинг! — хитоб қилди Роз, қиз тезгина эшикка қараб йўналар экан. — Ўз шахсий қисматингиз ва уни ўзгартиш имконияти устида яна бир марта ўйлаб кўринг. Мен сизнинг олдингизда ўз ихтиёрингиз билан бу хабарни етказганингиз учунгина эмас, деярли ҳалокат ботқоғига ботиб кетган аёл бўлганлигингиз учун ҳам қарздорман. Наҳотки сиз бир оғиз сўз ҳалокатдан қутқариб қоладиган бир пайтда ўша талончилар тўдаси ва ўша одамнинг ёнига қайтсангиз? Сизни орқага қайтишга ва ўзингизни ёвузлик ҳамда бузуқлик домига уришга мажбур қилаётган қандақанги вазваса бўлди? О, наҳот қалбингизда мен черта оладиган бирорта тор бўлмаса? Наҳот кўмакка чақириб, бу бош-кўзингизни кишанлаб олган даҳшатли жодуни енга оладиган ҳеч нима қолмаган бўлса вужудингизда?

— Сизга ўхшаган шундай ёш, гўзал ва оққўйил хонимлар қалбларини бировга бахш этарканлар, — деди қиз пухта қилиб, — муҳаббат уларни истаган кўйига солади... ҳатто сизга ўхшаган ўз бошпанаси, дўстлари, хушторлари — хулласи, турмуши беками-кўст ўтиши учун жамики зарур нарсаси муҳайё хонимларни ҳам. Тобут қопқоғидан бўлак ишончли бошпанаси, оғриб-нетиб қолган ёки вафот этганида касалхона энагасидан бошқа қорига ярайдиган бирорта ҳам ёр-жўраси йўқ менга ўхшаганлар ўзларининг фосиқ қалбларини бирор эркакка тўхфа қилиб, бутун мусибатли ҳаёти давомида ҳеч зог банд этмаган жойни эгаллашга йўл қўйиб берадиган бўлсак, биз шўринг қурғурларни бундай дарддан халос этишга ким ҳам умид боғлай олади? Раҳмингиз келсин биздай бахтиқароларга! Аёл сотига мансуб жамики туйғу фазилатлардан биздақангиларда биттагинаси сақланиб қолган, сирасини айтганда, бу ҳам орому фахрланиш ўрнига янгидан-янги зўравонлик ва азоб-уқубатларга дучор қилади, ана шунинг учун ҳам шафқат қилинг биз шўрпешоналарга.

— Лоақал янаги учрашгунимизча ҳалол кун кечириб туришингизга етгу-

лик озроққина пул берсам майлими, оласизми уни? — пича сукутдан кейин деди Роз.

— Бир пенниям! — жавоб қилди қиз қўлини силкиб.

— Қўйинг, бунақанги оёқ тираб туриб олманг, ёрдамга чўзган қўлимни ҳадеб қайтараврманг! — мулоимгина деди Роз унга яқинлашар экан. — Сизга чин юракдан ёрдам бермоқчиман.

— Шу ернинг ўзидаёқ жонимни суғуриб ололганингизда эди, менга берган энг яхши ёрдамнингиз бўларди бу, ойимқиз, — жавоб қайтарди қиз куйиб-ёниб, — чунки бугун ҳар қачонгидан кўра аччиқроқ мусибатни тотиб кўрдим; ўзим кимману нимаман, деб роса бош қотирдим; ўлсам ҳам ўша яшаб турган жаҳаннамда эмас, бўлак жойда ўлганим маъқулроққа ўхшайди. Илоё ўзи яллақасин сизни, меҳрибон хонимгинам, мен ўз бошимга қанчалик шармисорлик ёғдирган бўлсам, сизга ўшанчалик бахт ато қилсин тангри!

Шу сўзларни деб, шўрпешона қиз ҳўнграб йиглаганча чиқиб кетди. Ушбу ўнгида бўлган воқеий ҳодисадан кўра кўпроқ бир зумлик тушга ўхшашроқ антиқа учрашувдан эзилиб кетган Роз Мэйли эса юмшоқ курсига чўкиб, пароканда фикр-ўйларини ипга тизишга уринди.

## XLI боб

*янги кашфиётлардан ҳикоя қилади ва тасодиф ҳам худди фалокатга ўхшаб қўша-қўшалаб келишини намойиш этади*

Чиндан ҳам қиз тангу танқис ҳамда мушкул аҳволга тушиб қолганди. У вужудини чулғаган бетизгин, енгиб бўлмас майлу иштиёқ-ла Оливерни қуршаган сирдан воқиф бўлиш истагида ёнар, аини вақтда эса, ҳозиргина суҳбатлашгани бахтиқаро аёл ўзига — ёшгина ва покиза зотга — ишонган махфий хабарни муқаддас билмай иложи йўқ эди. Унинг сўзлари, қиёфаси мисс Мэйлининг кўнглини бузиб юборди; ёш асрандаси — шогирдига бўлган меҳри устига энди бу таҳқирланган аёлни тавба-тазарру ва умид йўлига буришдек худди ўшандай самимий ҳамда қайноқ тилак қўшилган эди.

Улар Лондонда бор-йўғи уч кунгина туришмоқчи, кейин бир неча ҳафтага соҳил бўйидаги бирор овлоқ жойга кетишмоқчи эди. Ҳозир пойтахтга келганларининг дастлабки кунни, ярим тун палласи эди. Қолган қиққ саккиз соат ичида ўйлаган режасини қай йўл билан амалга оширсин экан? Еки сафарларини қандай қилиб шубҳа туғдирмай кейинга сурсин экан?

Мистер Лосберн ҳам келганди, у яна икки кун бўлиши керак бу ерда; бироқ Роз ушбу ажойиб жентльменнинг шошқалоқ, тез одамлигини жуда яхши биларди. Оливерни ўғирлаб кетишга иккинчи бора уринаётганларини айтса-ю, мабодо анави қизнинг ҳимояси учун у келтирган далилу исботларни бирон тажрибалироқ одам қувватлаб турмаса, докторнинг ғазабдан жазаваси тутиб повиллаб кетишини ҳам яққол кўз олдига келтирарди, шу боисдан ҳозирча бу сирни ишониб бўлмасди унга. Хулласи, ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик-ла иш тутишга асослари етарли эди. Борди-ю, миссис Мэйлини бу ишдан хабардор этилгудек бўлса, у дарҳол муҳтарам докторга маслаҳат солишини ихтиёр қилади. Адлия маслаҳатчисига келганда эса — ҳатто унга қандай мурожаат қилишни билгани тақдирда ҳам — яна бояги сабабларга кўра, буни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Едига Гарридан ёрдам сўраш фикри келиб қолди, бироқ бу кўз олдида охириги учрашувлари ҳақдаги хотирани жонлантирди ва наздида ўша манзарани такрорлаш номуносибдай туюлди; балки йигит — хаёлидан шу ўй кечаркан, кўзларида ёш йилтиради — уни ўйламасликка, ундан олисроқда ўзини бахтиёр ҳис этишга кўникиб кетгандир.

Роз ана шундай ўй-мулоҳазаларнинг ҳаяжонли тазийқи остида, барча далилу исботларни бир-бир фикр элагидан ўтказганча, гоҳ бир йўлни тутишга мойил бўлиб, гоҳ бошқасига кўчиб ва яна жамикисини йигиштириб қўйиб, бутун тунни талвасада бедор ўтказди. Эртасига тагин бош қогириб кўриб, ноумидликка тушаркан, Гаррига мурожаат этишга аҳд қилди.

«Агар бу ерга келиш унинг учун оғир бўлса, — ўйлади қиз, — менга қанчалик азоб беради бу! Эҳтимол келмас у; хат ёзиб юбориши ёки келса ҳам мен билан учрашишдан ўзини олиб қочиши мумкин — кетаётганида худди шундай қилганди-ку. Бундай қилади деб ўйламагандим сира, лекин икковимиз учун ҳам яхши бўлганди қайтага». Ўйлари шу ерга етганда Роз патқаламни қўлидан тушириб юборди ва ҳатто ўзининг хабарчи чопари бўлажак қоғоз кўз ёшларим шоҳиди бўлмасин дегандек, бурилиб олди.

Патқаламни у элик марталаб қўлига олиб, яна жойига қўяркан, мактубнинг биринчи сатри устида қайта-қайта бош қотириб, ҳали биронта ҳам сўзини қоғозга туширолмади гарангсиз ўтирганида, мистер Жайлс мухофазасида кўчаларни сайр қилиб юрган Оливер қўққисдан хонага шунақанги қовлиқиб, шунақанги отилиб кириб келдики, бу ҳолни кўрган ҳар қандай одамнинг, яна янги фалокат юз берибди-да, деб капалаги учиб кетиши тайин эди.

— Ҳа, ҳа, нимага ҳовлиқиб кетдинг? — сўради Роз унинг истиқболи сари ўрнидан тураркан.

— Нима десамикин... Назаримда, ҳозир нафасим чиқмай бўғилиб қоламан, — жавоб берди бола. — Эй худойим! Буни қаранг-а, ахийри уни кўрадиган бўлдим-а, сиз бўлсангиз рост гапирганимни кўрасиз!

— Бунга ҳечам иккиланган эмасман, — деди Роз уни тинчлантириб. — Лекин нима бўлди ўзи! Кимни айтяпсан?

— Анави, анави жентльменни, менга жудаям кўп яхшилик қилган жентльменни кўрдим! — жавоб берди Оливер аранг тушунадиган қилиб. — Мистер Браунлоу бор-ку, кўп гаплашиб турардик-ку у тўғрисида, ўшани!

— Қаерда? — сўради Роз.

— Усти берк извошдан тушиб, битта уйга кириб кетди! — жавоб қилди Оливер хурсандлигидан йиғлаганча. — У билан гаплашганим йўқ, гаплашолмадим у билан, нимага десангиз, у мени кўрмади, мен бўлсам титраб кетганимдан яқинига ҳам боролмадим. Лекин Жайлс менинг илтимосим билан, у шу ерда турадим, деб сўраганиди, ҳа, дейишибди. Мана кўринг, — деди Оливер қоғоз парчасини ёяркан, — манави ерда, мана шу ерда тураркан... Ҳозироқ бораман ўша жойга!.. Эй худойим, худойим-а, уни яна кўрганимда овозини эшитганимда қай аҳволга тушаркинман-а!

Узуқ-юлуқ ҳамда қувончли гаплар эътиборини чалғитиб турган Роз қоғоздаги тураржой номини ўқиди — Стрэнндаги Крейвн-стрит. У дарҳол ана шу учрашувдан фойдаланишга қарор берди.

— Тез бўл! — хитоб қилди у. — Бориб айт, извош ёллашсин. Мен билан бирга борасан. Ҳозироқ, бир лаҳзаниям ўтказмай, ўшоққа олиб бораман сени. Бир соатга бир ёққа бориб келамиз, деб холамини огоҳлантириб қўяман-у, мен ҳам тайёр бўламан унганча.

Оливерни шоширишнинг ҳожати йўқ эди, қисқаси, орадан беш дақиқа ўтмаёқ улар Крейвн-стритга қараб кетиб боришарди.

У ерга етиб келишгач, Роз гўёки олдин кириб жентльменни бола билан учрашишга ҳозирлаш мақсадида, Оливерни извошда қолдириб, ичкари кирди-да, ташриф қоғозини хизматкорга тутқазиб, ошиғич иш юзасидан мистер Браунлоуга учрашмоқчи эканини хабар қилишни сўради. Хизматкор тезда қайтиб, қизни орқасидан тепага чиқишга таклиф қилди; мисс Мэйли унга эргашиб тепа қаватдаги хонага кираркан, юзи фариштали, шишаранг фрак кийган кекса жентльменга рўбарў бўлди. Ундан хиёл нарироқда сариқ тусли дағал ип матодан тикилган калта иштон билан қўнжлик кийган бошқа бир кекса жентльмен ўтирарди; унинг қиёфаси унчалик мулоийм кўринмас ва йўғон ҳассасининг тутқасини тутамлаганча, иягини тираб олганди унга.

— Е рабано! — деди шишаранг фрак кийган жентльмен шоша-пиша ўридан қўзғалиб, бағоят хушфезллик билан. — Маъзур тутасиз, ойимқиз. Мен бўлсам ҳалигидақанги хирапашша бирорта хоним шекилли деб ўйлабман... афв этасиз каминани. Марҳамат, ўтиринг.

— Ўзлари мистер Браунлоулар-а, шундай эмасми, сэр? — сўради Роз гап бошлаган жентльменга юзланиб.

— Ҳа, менман бу, — деди кекса жентльмен. — Бу киши менинг дўстим,

мистер Гримуиг бўлади... Гримуиг, бизни бир неча дақиқага холи қолдиrol-майсиами?

— Муҳтарам жентльменни уринтирмасак ҳам бўлаверади менимча, — гапга аралашди мисс Мэйли. — Агар янглишмасам, билишимча, сиз билан сўзлашмоқчи бўлган ишдан бу киши хабардорлар.

Мистер Браунлоу қуллуқ қилди. Такаббуруна таъзим билан ўрнидан турган мистер Гримуиг яна бир карра мағруруна таъзим бажо келтириб, тагин жойига ўтириб олди.

— Шубҳасиз, гапимни эшитиб жуда ҳайрон бўларсизу, — дея гап бошлади Роз мутлақо тушунарли тарзда хижолат тортиб, — лекин бир пайтлар сиз менинг ёш дўстимга катта меҳрибонлик ва мурувват кўрсатган экансиз, шунинг учун ҳам унинг тўғрисида яна эшитиш сизни қизиқтиришига имоним комил.

— Шундоқ денг! — деди мистер Браунлоу.

— Сиз уни Оливер Твист сифатида танирдингиз, — қўшиб қўйди Роз.

Қизнинг лабларидан шу сўзлар учган заҳоти гўё ўзининг бутун диққатини столдаги каттакон китоб маҳлиё этган қилиб кўрсатиб ўтирган мистер Гримуиг китобни шалоплатиб пастга тушириб юборди-да, ўзини курси суянчигига ташлаб, бақрайиб қизга қараб қолди, аммо-лекин унинг афтидан беададу беҳудуд ҳайратдан бўлак нарсани ўқиб бўлмасди; у узоқ ва бемаъно бақрайиб туриб қолди, сўнг ўзининг бундай енгилтаклигидан хижолатга тушди чоғи, дарҳол бояги ҳолатига қайтди ва тўғрига қараганча, чўзиқ, босинқи ҳуштак чалиб қўйдик, ҳуштаги ҳавога таралиб кетмай, балки унинг қорин хилватхоналарида муаллақ қотгандай туюлди.

Мистер Браунлоу, гарчи унинг ҳайрати бунчалик антиқа қиёфада намоён бўлмаган эса-да, ҳар қалай, ундан кам таажжубга тушмади. У тагидаги курсисини мисс Мэйлига яқинроқ сурди-да, деди:

— Сулув оймқиз, барака топгур, меҳр-шафқат ҳамда мурувватдан оғиз очмай қўя қолинг: бу борада ҳеч ким ҳеч нимани билмайди. Мабодо бир вақтлар ўша шўрлик бола хусусида менда туғилган нохуш фикрни ўзгартиришга қобил бирорта далил-исбот келтириш имкониятингиз бўлса, унда худо ҳаққи, баҳам кўринг бунимен билан.

— Ярамас бола! Агар шундоқ бўлмаса, ўзимни бошимни гажишга тайёрман, — гўлдираб қўйди мистер Гримуиг худди оғзини очмай, ичида сўзлагандай, юзидаги бирор туки ҳам қилт этмади.

— Бу бола табиатан кўнгилчан, дили пок, — деди Роз қизариб, — пешонасига ёшига номуносиб кўргиликларни лозим топган тангри унинг кўксига шундай туйғу ва шундай садоқатни жо қилганким, бу фазилатлар ундан кўра олти баравар каттароқ талайгина одамларнинг иззат ҳурматини кўкка кўтариб юборган бўларди.

— Мен энди олтмиш бирга қадам қўйдим, — деди мистер Гримуиг ҳамон боягиндай безрайганича. — Башарти иблисининг ўзи ишга аралашмаган бўлса, Оливернинг ёши ўн иккидан кам эмас... Шундоқ бўлгач, кимни назарда тутяпсиз, билолмай қолдим?

— Парво қилманг дўстимнинг гапига, мисс Мэйли, — деди мистер Браунлоу, — у бундай демоқчимасди.

— Йўқ, худди шундоқ, — тўнғиллади мистер Гримуиг.

— Бекор айтибсиз, ундоқ эмас, — деди мистер Браунлоу, ошкора жаҳли чиқа бошлаб.

— Агар шундоқ демоқчи бўлмаган бўлса, у ўз бошини гажишга ҳам тайёр, — тўнғиллади мистер Гримуиг.

— Ундоқ бўлса, калласи танасидан жудо қилишга жуда боп-да ўзи, жазоси шу уни, — деди мистер Браунлоу.

— Кошкийди у бунга қўл уришга журъат этадиган ўша ботирни бир кўриб қўйса, — жавоб қайтарди мистер Гримуиг ҳассаси билан ерни дўқиллатиб.

Даҳанаки жанг баҳсида жанггоҳ сари шунчалик ичкарилаб кетган иккала кекса жентльмен бир чимдим-бир чимдим тамакидан искашди-да, кейин ўзгармас одатларини адо этиг учун бир-бировлари билан қўл олишишди.

— Шундай қилиб, мисс Мэйли, — деди мистер Браунлоу, — сизнинг сахо-

ватли қалбингизни шунчалар ийдирган нарсага қайтамыз. Уша бечора болакай ҳақида менга биронта хабарни етказмоқчимидингиз? Ижозатингиз билан олдиндан айтиб қўяй, уни излаб топиш йўлида изми-ихтиёримда бўлган жамки чора-воситаларни ишлатиб бўлганман ва Англияни тарк этганимдан берига гўёки, у мени лақиллатиб кетди, илгариги ошнолари бисотимни ўғирлашга кўндиришган, деган дастлабки фикрим маълум даражада зил кетган.

Бу орада фикрларини жамлаб улгурган Роз шу заҳотиёқ жўнгина ва қисқагина қилиб, мистер Браунлоунинг уйдан чиққан дамдан бери Оливернинг бошидан кечган ҳангомаларни (кейинроқ ўзига холи айтарман деган мақсадда Нэнси етказганини гапирмай) сўзлаб берди; у ўз ҳикоясини Оливернинг сўнгги бир неча ой мобайнида илгариги валинеъмати ҳамда дўсти билан учрашиш имконияти бўлмаётганидан хафа юргани, унинг бундан бўлак эзгу тилаги йўқ эканига ишонтиришга уриниш билан якунлади.

— Худого шукр! — суюниб кетди кекса жентльмен. — Бу мен учун бир олам, ҳа, оламжаҳон қувонч! Илло, мисс Мэйли, у ҳозир қаерда эканини айтмадингиз-ку? Мабодо таъна бўлиб туюлса маъзур тутасизу... нега энди уни бирга ола келмадингиз?

— У ташқарида извошда кутиб турибди, — жавоб берди Роз.

— Менинг эшигим тагида-я! — деди кекса жентльмен ҳаяжонда.

Ортиқ ҳеч нима демай, чопганча хонадан чиқиб, зинадан пастга бамисоли учиб тушди, юргунанича извош ёнига етиб бориб, ўзини унинг ичига урди.

Эшик унинг кетидан қарсиллаб беркилганда мистер Гримуиг бошини кўтарди-да, курсининг бир оёғини таянч нуқтаси қилиб, ўрнидан турмай, столи ушлаб ва ҳассаси ёрдамида уч марта доира ясаб айланди. Ана шундай машқни бажаргач, у оқсоқланганича уддасидан чиққан тезликда хонада ўн бора у ёқдан-бу ёққа бориб келди, кейин тўсатдан Роз қаршисида тўхтади-ю, ҳе йўқ, бе йўқ, қизни ўпиб олди.

— Жим! — деди у ёш хоним бу антиқа қилғилиқдан салгина чўчинқираб ўрнидан хиёл кўтарилаётганини кўриб. — Чўчиманг. Мен кекса, бобонгиз тенги одамман. Сиз жуда ажойиб, яхши қиз экансиз. Менга ёқяспиз... Мана, улар ҳам келишди!

Дарҳақиқат, у илгариги жойини эгаллаб улгурмасидан мистер Браунлоу Оливерни бошлаб кириб келди; мистер Гримуиг болани бағоят мулоимлик билан қарши олди; башарти бу бахтиёр он Оливерни деб чеккан барча ташвишларию қилган ғамхўрликлари эвазига берилган мукофот ўрнига ўтгудек бўлса, Роз Мэйлини сахийлик-ла тақдирланган санаш мумкин эди.

— Дарвоқе, яна бир кимса борки, уни ёддан чиқармаслик лозим, — деди мистер Браунлоу қўнғироқни чалар экан. — Марҳамат қилиб, миссис Вэдуинни бу ёққа айтиб юборсангиз.

Кекса рўзғорбоши шу замоноқ етиб келди-ю, остонадан ўтибоқ, таъзим бажо келтириб, буйруқни кута бошлади.

— Кундан-кунга кўзингиз хираллашиб боряпти-да, Вэдуин, — деди мистер Браунлоу чизагина қизишиб.

— Ҳақиқатан ҳам кўзим хира тортиб боряпти, сэр, — жавоб қайтарди кампир. — Менинг ёшимда кўз йил ўтиши билан ўткирлашмас экан, сэр.

— Ўзим ҳам сиздан қолишмайман билсангиз, — деди мистер Браунлоу, — лекинига кўзойнагингизни тақиб, бу ёққа бир қаранг-чи... Сизни нимага чақиртирганимизнинг боисини ағнаб қоларсиз балки.

Кекса хоним чўнтагини тимирскилаб кўзойнагини қидира бошлади. Бироқ Оливернинг тоқати бу янги синонга бардош беролмади, ўзини тутиб туролмай, кампирнинг кучоғига отилди.

— Вой худойим-а! — деди кекса хоним болани бағрига босганича. — Ахир бу ўзимнинг нораства, бегуноҳ болагинам-ку!

— Мехрибон энагажонгинам! — қичқириб юбораёзди Оливер.

— Мана у қайтиб келди — келишини билардим ўзим ҳам! — нидо солди кекса хоним уни бағридан бўшатмай. — Афт-ангори туппа-тузук, кийимиям худди жентльменларнинг ўғиллариникидай. Шунча вақтдан бери қаёқдадинг?

Ўргилиб кетай, юзлари ўша-ўша ёқимтойгина, лекин унақанги ранги бир ҳолат-дамас, кўзлариям ўша-ўша мулойим, у пайтдагидақа ғамғиммас. Бу кўзларни, ёқимтой кулгисини сира-сира унутганим йўқ; шўх-шодон ёшлик чоғларимда ўлиб кетган азиз болажонларим қаватида ҳар куни кўриб турардим бугинани.

Бетиним сўзлаганча, Оливерни бўйи ўсиб қолибдими деб дам ўзидан узоқлаштириб, дам яна бағрига босиб, эркалатиб сочларини бармоқлари билан тараган кўйи меҳри дарё кампир бошини боланинг кифтига қўйиб ҳам кулар, ҳам йиғларди.

Мистер Браунлоу кампир билан Оливерни ўз таассуротларидан гаплашиб бир дардлашиб олишсин деб ҳоли қолдириб, Розни бошқа хонага бошлаб чиқди ва ўша ерда қизнинг Нэнси билан бўлган учрашуви ҳақидаги ҳикоясини батафсил эшитиб, зўр таажуб ҳамда саросима исқанжасида қолди. Шунингдек Роз ўз дўсти мистер Лосбернга аввало нима сабабдан ушбу сирни инонмаганини ҳам тушунтирди. Кекса жентльмен унинг бу қилмишини оқиллона деб топди ва муҳтарам доктор билан шахсан ўзи ушбу борада мажлис қуришга бажонидил розилик берди. Мазкур режани тезроқ амалга ошириш имконини бериш учун кекса жентльмен меҳмонхонага кечқурун соат тўққизда борадиган, унгача эса мисс Мэйлини ётиги билан содир бўлган жамики гапдан хабардор этиб туришадиган бўлди. Ана шундай келишиб олингач, Роз билан Оливер меҳмонхонага қайтишди.

Роз оққўнгил докторнинг қандайин даргазаб бўлишини олдиндан тасаввур этишда хато қилмаганди. Нэнси ҳангомасини айтиб берганлари заҳоти у шунчалик тутақиб кетиб, шунақанги пўписаю койишларни қалаштириб ташладики, асти қўявераси; уни биринчи бўлиб мистер Блетерс ва мистер Даффларнинг зийрак ақллари қурбони этганим бўлсин, деб дағдага қилди; қатто ўша хурматли зотлардан кўмак сўрагани тараддудланиб, шляпасини кийди ҳам. Шубҳасиз, жаҳлу ғазаб устида у (бирон сония оқибати қандай бўлажagini ўйлаб ҳам турмай) дарҳол ушбу ниятини амалга оширардиям, лекин худди ўшандай жиэзаки мистер Браунлоунинг қизиққонлиги, шунингдек, уни бемулоҳаза иш тутишдан қайтариш учун ўринли бўлиб туюлган далилу эътирозлар тўхтатиб қолди.

— Жин урсин, нима қилиш керак унда? — деб сўради тиниб-тинчимас доктор улар иккала хоним ёнига қайтишгач. — Эркагу аёл жинсидан бўлган ўша жамики мутаҳам саёқларга миннатдорчилик билдириб, Оливерга кўрсатган меҳрибончиликлари учун уларга бўлган иззат-эҳтиромимизнинг камтарона рамзи сифатида ҳар битталарига тахминан юз фунтдан мукофот таклиф этиб, таклифимизни рад қилмасликларини илтижо этмасмиз ахир?

— Асло ундай қилмаймиз, — деди мистер Браунлоу кули, — локигин биз эҳтиёткорлик билан, ғоятда оқиллона иш тутишимиз лозим.

— Эҳтиёткорлик ва оқиллик денг! — деди доктор жазаваси тутиб. — Менга қолса битталаригача қўймай жамикиларини...

— Қаёққа жўнатишингизнинг аҳамияти йўқ! — унинг гапини бўлди мистер Браунлоу. — Локигин ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: уларни бирон ёққа жўнатадиган бўлсак, мақсадимизга ета оламизми?

— Қанақа мақсад? — сўради доктор.

— Оливернинг насл-насабини билиш ва агарда бу гап рост бўлса, фирибгарлик билан маҳрум қилишган меросини унга қайтариб олиб бериш.

— Шундоқ денг! — деди мистер Лосберн дастрўмолини сидкиб. — Бу мутлақо ёдимдан кўтарилиб кетибди-ку.

— Иннайкейин, — гапини давом эттирди мистер Браунлоу, — борингки бу бечора қизни ҳисобга қўшмай, унга зиён-заҳмат етказмай туриб, ўша аблаҳларни судга берса бўлади-ку, деб фараз ҳам қилайлик, хўш, унда нимага эришамиз?

— Ақалли бир нечталарини осишарди, — деб қўйди доктор, — қолганларини бўлса бадарга қилишарди.

— Жуда соз! — кулиб жавоб берди мистер Браунлоу. — Локигин ҳеч шубҳа йўқки, вақти-соати етиб дор остига ўз оёқлари билан борадилар; бордию биз бунга аралашадиган ва уларни оғоҳланттириб қўядиган бўлсак, наздимда, ўз



манфаатимизга ҳеч бўлмаганда Оливернинг манфаатига зид, дон Кихотча иш тутиб, қош кўяман деб кўз чиқариб қўйишимиз ҳеч гапмасга ўхшайди.

— Қанақасига? — сўради доктор.

— Мапа бунақасига. Кундай равшан кўриниб турибдики, сирни билиб олишга уриниб, борди-ю анави одамни — Монксни тиз чўктиришга муваффақ бўлолмасак, биз ниҳоятда катта қийинчиликларга дуч келамиз. Бунга эса фақат ҳийла билан эришиш мумкин; атрофида шериклари йўқ, танҳо пайтида қўлга тушириш керак уни. Мабодо ҳибсга олишларига йўл қўйиб, бунга имкон яратиб берадиган бўлсак, унга қарши ҳеч қанақанги далилимиз йўқ кўлимизда. У ҳатто (бизга маълум бўлишича ёки ушбу ишнинг шарт-шароитини тасаввур қилишимизча) бу қароқчилар билан биронта талончиликка қатнашмаган. Ҳатто уни оқлаб юбормаган чоғларида ҳам, нари борганда уни қаллоблик ва дарбадарликда айблаб, қамоққа ҳукм этадилар; ана унда, шаксиз, биз учун бу Монксдан бир умрга жудо бўлдик деган гап, кейин ундан бирорта телбадан, бунинг устига гунг, кар, сўқир бир одамдан чиқадиغان бемаъни гапдан кўра бамаънироқ гап ололмайсан.

— Ундоқ бўлса, — деди доктор қизишиб, — қани айтинг-чи, сиз ўша қизга берилган ваъда билан ҳаммамизни қўл-оёғимиз тушовланган деб ўйлайсизми? Тўғри, яхши, эзгу ниятда сўз берилган, аммо очигига кўчганда...

— Утинаман, қўрқманг, азизам, оймқизгинам, — деди мистер Браунлоу сўзламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган Рознинг гапини оғзида олиб. — Ваъдангиз бузилмайди. Бу ҳол ишимизга тирноқчалик халал бермайди, деб ўйлайман. Локигин бирон аниқ чора-тадбирни танлашдан бурун албатта ўша қиз билан учрашишимиз ва ундан Монксни бизга кўрсатиб бера олиш-олмаслигини билишимиз зарур; турган гапки, Монкс одил судлов ҳакамлари билан эмас, биз билан муомалада бўлади, деган шарт қўйиб. Мабодо қиз буни ё хоҳламаса, ё уддалаёлмаса, у чоғда қайси фаҳшхонаю ўғрихоналарга қатнаб туришини айтиб, тўрқани тасвирлаб берсин, бир кўрғанда таниб олайлик ўша муттаҳамни, ана шунга эришишимиз керак. У билан яқшанба оқшомидан олдин учрашишнинг иложи йўқ экан, бугун эса сешанба. Мен шундай маслаҳат берардимки, ўзларингизни босиб олсанглар ва бу ишни ҳатто Оливернинг ўзидан ҳам сир тутсанглар.

Мистер Лосберн ишни бутун бошли беш кун кейинга суришни талаб этувчи ушбу таклифни гарчи афтини бужмайтириб эшитган бўлса-да, аини дамда бирор тузук-қуруқроқ режани тополмаганини беихтиёр тан олдига мажбур бўлди. Шундай қилиб, Роз билан миссис Мэйли мистер Браунлоуни қаттиқ қувватлаётганлари боисидан эса мазкур жентльменнинг таклифи бир овоздан қабул қилинди.

— Менга қолса, — деди у, — дўстим Гримуигдан кўмак сўрасак дегандим. Ўзи ғалатироғу, локигин зийрак, фаросатли одам, катта ёрдами тегиши мумкин бизга; шуни айтиб қўяйки, ўзи ҳуқуқ-адлия маълумотини олган ва оқловчилик фаолиятдан нафрат-ла бўйин товлаган. Ўзиям йигирма йил мобайнида атиги биттагина иш топширилганди унга, локигин бу тавсиянома ўрнига ўтадимиз ёки йўқми — ўзинглар ҳал қилинглар.

— Агарда менга ўз дўстимга мурожаат этишимга рухсат этадиган бўлишса, сизнинг ҳам дўстингиздан кўмак сўрашингизга қарши эмасман, — деди доктор.

— Буни кўпчилик овоз билан ҳал қилишимиз лозим, — жавоб берди мистер Браунлоу. — Ким у?

— Манави хонимнинг ўғли... бу навқирон хонимнинг эса эски дўсти, — деди миссис Мэйлига ишора қилиб, кейин эса унинг жиянига маънодор нигоҳ ташлаб қўяр экан.

Роз лоламисол қизариб кетди-ю, лекин бу таклифга лом-мим дея эътироз билдирмади (эҳтимол, албатта яққаланиб қолишини фаҳмлагандир) ва оқибатда Гарри Мэйли билан мистер Гримуиг комитетга киритилдилар.

— Шубҳасиз, токи ушбу текширувни муваффақиятли давом эттиришга зигирдаккина умид бор экан, биз шаҳарда қоламиз. Мен ҳаммамизни шунчалик қизиқтираётган мақсад йўлида ҳеч қанақанги ташвишу уринишлардан, ҳар қанча сарфу харажатдан қочмайман; иннайкейин, агар умид ҳали пучга чиқмаганига ишонтира олсанглар бу ерда бир йил туришга ҳам тайёрман.

— Жуда соз! — гапни илиб кетди мистер Браунлоу. — Атрофимни қуршаб турганларнинг чеҳраларидан дилларида Оливернинг ҳикоясини тасдиқлаш учун каминани уйимдан топа олмаганлари ва менинг бундай қўққисдан мамлакатдан жўнаб кетганим сабабини сўрамоқчи эканликларини пайқаб турибман. Бунга тайёрману, локигин битта шартим бор: токи шахсий ҳаётимни ҳикоя қиларканман, мақсадга мувофиқ топмаган нарсаларимни сўраб суриштириб, ҳеч қанақанги савол бермайсиэлар. Ишонинглар, бундай илтимос қилиш учун жиддий асосларим бор, зотан мен, акс ҳолда, шундоқ ҳам етарлича бисёр бўлган мушкулликлар ҳамда ноумидликларни кўпайтириб, рўёбга чиқмайдиган орзуларни уйғотишим мумкин. Юринглар! Кечлик овқат тайёр эканини хабар қилишди; аллақачон; кейин, қўшни хонада ёлғиз ўзи шўппайиб ўтирган Оливер яна тагин, уларнинг жонига тегибман, мендан қутулиш учун ҳаммалари тил бириктириб олишибди-да, деб ўйламасин.

Кекса жентльмен шундай дея миссис Мэйлига қўлини тутди-да, уни емак-хонага бошлади. Розни кўлтиқлаб олган мистер Лосберн уларга эргашди ва шу билан мажлис ёпилди.

## XLII боб

*Оливернинг эски таниши яққол даҳолик аломатларини намойиш этгани ва пойтахтда машҳур арбоб бўлиб қолгани ҳақида*

Нэнси мистер Сайксни ухлатиб, ўз-ўзича зиммасига юклаган вазифани ало этиш учун Роз Мэйли ҳузурига шовилган ўша оқшом Катта шимол йўлидан Лондонга қараб яқинлашиб келаётган икки кимсага пича диққат-эътиборимизни ажратмоғимиз лозим ҳикоятимизда. Булар эркак ва аёл киши эди — ёки эркак ҳамда аёл жинсидан бўлмиш кимсалар деб атасак тўғрироқдир балки, негаки биринчиси ешини аниқ-тиниқ аниқлаш мушкул бўлган бўйчан, маймоқ, бе-ўхшов, қотма одамлар тоифасидан эди; ёш болаликларидан бундайлар чала болага, вояга етгач эса ёшинга нисбатан катта кўринадиган ўсмирга ўхшаб кетадилар. Аёл бўлса ёшгина, лекин дуркун-бақувват ва чидамлигина эли, чидамлилиги эса шу топда орқалаб олган каттакон тугунининг оғирлигига дош беришида асқатаётганди. Унинг ҳамроҳининг деярли юки йўқ эди, зотан йигитчанинг елкасига ташлаб олган таёгининг учгинасида дастрўмолга тугилган, афтидан пардай енгил муштдаккина тугунча ликиллаб борарди. Бу ҳол, шунингдек, оёқларининг ҳаддан ташқари узунлиги йигитчага сира жон койитмай, гоҳо-гоҳо қайрилиб қараб, намунча имиллайсан, тузукроқ ғайрат килсанг-чи, дегандай таънаомуз бошини сарак-сарак қилиб қўяётгани ҳамроҳидан бир неча одим олдинроқда юришига имкон берарди.

Почта араваларига йўл бўшатиб, ўзларини марзага олган пайтларидеги атрофдаги нарсаларга эътибор бериб, шу тахлит тупроқ кўчадан илгарилаб боришарди; Хайгет дарвозасидан ўтишганларидан сўнг эса олдинда одимлаётган саёҳатчи тўхтаб, бесабрлик билан ҳамроҳига ўшқирди:

— Юра қолсанг-чи! Нима бало, оёгинг сургалиб қоляптими? Улгундай танбалсан-да ўзингем, Шарлотт!

— Юким жудаям оғирлик қияпти, — деди аёл унга яқинлашаркан, толиққанидан аранг нафас олиб.

— Оғирлик қиялтимиш! Нималар деб валдираяпсан? — деди ўспирин ўз юкини бир кифтидан иккинчисига олаётиб. — Мана, тагин дам олмоқчилар! Гостини айтганда, билмадим, сендан бошқа шунақанги бировни хит қилиб юборадиган одам бормикин бу оламда?!

— Ҳали узоқми? — сўради аёл чеккадаги тупроқ кўтармасига суяниб, йигитга тикилган қўйи; юзларидан эса шовуллаб тер қуйиларди.

— Узоқмимиш! Етиб келдик десак ҳам бўлади, — деди узуноёқ йўловчи олд томонга ишора қилиб. — Қарамайсанми! Ана, Лондонни чироқлари кўри-ниб турибди.

— У ергача кам деганда яна икки мялядан ортиқ юриш керак-ку, — деди аёл маъюс.

— Икки милями ё йигирмами, бошни қотирмай юравер, — деди Ноэ Клейпол, зотан бу ўша эди. — Яхшиси, қаддинги ростлаю йўлга туш, йўқса, олдиндан айтиб қўйяпман, шундоқ бошлаб тепиб қоламанки!

Ноэнинг бурни газабдан бешбаттар қизариб кетгани ва шу сўзлар билан худди пўписасини амалга оширишга ҳозирланаётгандай йўлни кесиб ўтганини кўрган аёл ортиқ гап сотиб ўтирмай қаддини тиклаб, ёнма-ён илгарилай бошлади.

— Кечаси қаерда тунамоқчисан, Ноэ? — деб сўради у яна бир неча юз қадам юришганидан сўнг.

— Қаёқдан биламан, — юраверишдан авзойи айний бошлаган Ноэ гижиниб деди.

— Бирон яқин-атрофда бўлса керак-а, — деб қўйди Шарлотт.

— Йўқ, яқин-атрофдаямас, — жавоб қилди мистер Клейпол. — Эшитяпсанми? Яқин-атрофдаямас. Буни хаёлинггаям келтирмай қўя қол!

— Нимага энди яқин-атрофдаямас?

— Бирон нимага ҳушим йўқлигини айтдимми сенга, тамом-вассалом, нега, нимага деган гапларни йиғштириб қўй, — деди мистер Клейпол виқор-ла.

— Нимага жаҳлинг чиқади? — деди ҳамроҳи.

— Шундоқ шаҳар чеккагинасидаги қовоқхонага тушсаг-у, орқамиздан қувиб йўлга тушган бўлса, Сауербери чол шундоққина кириб келиб, қўлимизга кишан урсаю аравага солиб орқага қайтариб олиб кетса, саз иш бўларди, а, — деди мистер Клейпол истеҳзоли оҳангда. — Э-йўқ! Узоқроққа бораман, иложи берича гадой топмас жинкўчаларга уриб кетаман, йўлимизда учрайдиган энг хароб қовоқхонага тушаман. Омадли юлдузинг билан бахтли қисматингга шукрона ўқи, негаки елкамдаги қовоқ эмас, калла: агар мен айёрлик қилиб йўлни чалкаштираганимда, далалардан ўтиб келмаганимизда, сиз, хонимча, бир ҳафта бурунроқ қулф-калит остида ўтирган бўлардингиз! Қилмишингга яраша жазо бўларди-я бу, нимага деганда аҳмоқсан ўзи!

— Сенга ўхшаган донишманд эмаслигимни ўзим ҳам биламан, — жавоб берди Шарлотт, — лекин ҳамма айбни бунақа менга юкламай қўя қол, иннай-кейин, қамоқда, ўтирардинг, дема унақа. Агар бошимга шундай савдо тушганида, турган гапки, ўзингни ҳам тикиб қўйишарди қамоққа.

— Кассадан пулни сен олгансан, буни яхши биласан, — деди мистер Клейпол.

— Пулни сени деб олдим-ку, азизим Ноэ, — эътироз билдирди Шарлотт.

— Хўш, мен-чи, мен қўлингдан олдимми уни? — сўради мистер Клейпол.

— Йўқ. Менга ишондинг уни, ўзинг олиб юравер дединг, чунки сен шунақанги яхши, шунақанги ажойиб йигитсан-да, — деди хоним йигитчанинг иягига шапатилаб қўйиб, қўлтигидан оларкан.

Бу таъриф ҳақиқатга тўғри келарди, бироқ мистер Клейполнинг ўз ишончини кўр-кўрона ҳамда ўйламай-нетмай бировга ҳада этиш одати йўқ эди; шу боисдан ҳам мазкур жентльменга тан бериб, айни пайтда шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, у Шарлоттга фақат мабодо қўлга тушгудек бўлсалар, пул қизининг ёнидан чиқсин деган ўйдагина ишониб қўйганди; бу нарса ўзини ўгриликка ҳеч қандай алоқам йўқ дейишига ва секингина жуфтакни ростлаб қолиш умидини рўёбга чиқаришига имкон берган бўларди. Ҳозирги вазиятда у, албатта, ўзининг бу важ-корсонларини, тушунтириб ўтирмаслиги тайин эди. Шунинг учун ҳам улар тинчу иноқлик билан ёнма-ён йўлларига равона бўлдилар.

Ўзининг оқилона режасига амал қилган мистер Клейпол то Иэлингтондаги «Фаришта»га етиб боргунича тўхтамай йўл босди. Бу ерга етгач эса, тўда-тўда ўтиб турган йўловчилар ва арава-извошларнинг сонига қараб Лондон чиндан ҳам шу ердаг бошланади деган донишмандона хулосага келди. Фақат қайси кўчалар энг гажаму қайсисини айниқса четлаб ўтиш лозимлигини аниқлаш учунгина бирров тўхтаб, ҳануз илгарилаб борар экан, у Сент-Жон-Роудга бурилди ва кўп ўтмай Грейс-Инн-Лейн билан Смитфилд оралигидаги ифлосу чалкаш-чулкаш, зимистон жинкўчалардан ичкарилаб кетди. Гарчи бу даҳа Лондоннинг қоқ киндигида жойлашган ва тубдан қайта қурилаётган бўлса-да, ана

шу кўчаларнинг шарофати билан шаҳарнинг ушбу қисми энг аянчли ҳамда энг хунук жойлардан биридек туюларди.

Ноэ Клейпол Шарлоттни эргаштирганча ана шу кўчалардан илгарилаб бораверди; ахён-ахёнда бирорта қовоқxonани кўздан кечиргани тош йўлга тушарди-да, агар бу ер ташқаридан қараганида серодам кўринса, яна нарига кетаверарди. Ниҳоят, у сиртидан олдин учратганларига қараганда тагин ҳам хароб ва ифлосроқ кўринган қовоқxона қаршисида тўхтаб, кўчани кесиб ўтди-да, уни рўпарадаги йўлкада туриб кузатди, кейин илтифот-ла ана шу ерда тунашини айтди.

— Тугунни бу ёққа бер-чи, — деди Ноэ аёлнинг елкасига танғилган тасмани еча туриб, сўнг тугунни ўзи орқалаб олиб, — то сенга гапирмагунларича озингни оча кўрма тагин. Нимайкан бу жойнинг номи... у-уч... уч ким дебди?

— Мажруҳ, — деди Шарлотт.

— «Уч мажруҳ», — такрорлади Ноэ. — Нимаям дердик, ажойиб лавҳа. Қани, олға! Орқада қолма тагин. Кетдик!

Шу гапларни тайинлаганча, у гийқиллайдиган эшикни елкаси билан итарди-да, ҳамроҳи икковлари ичкарига киришди.

Буфетxонада пештахтага тирсақларини тираганча ифлос газетани ўқиётган жухуд йигитдан бўлак ҳеч зог йўқ экан. У Ноэга, Ноэ эса унга тикилиб қарашди.

Ноэ башарти етимxона кийимида бўлганида жухуднинг бунчалик бақрайиб тикилиши асосли бўларди; бироқ Ноэ етимxона камзули билан нишонидан қутулиб олган, тери иштониға қўшимча қилиб калта ишчилар кўйлагини кийганди, шу сабаблидан унинг ташқи кўриниши қовоқxона муштарийлари диққатини жалб этишиға алоҳида важ йўқдек туюларди.

— «Уч мажруҳ»ми бу? — сўради Ноэ.

— Ҳа, шундай деб аталади бу дўкон, — жавоб берди жухуд.

— Йўлда учраган қишлоқдан келаётган бир жентльмен бизга шу ерга тушишни маслаҳат берганди, — деди Ноэ, ўзини ҳурмат этишлари учун бағоят усталик билан муомала қилаётганиға қизнинг эътиборини тортиш ниятидами, ёки ҳайрон бўлиб сирни очиб қўйма деб огоҳлантирмоқчи бўлибми, хуллас, тирсағи билан Шарлоттни туртиб қўяр экан. — Шу ерда тунасақ дегандик.

— Бу масалада бирон нима деёлмайман, — деди қовоқxonачининг ёрдамчиси Барни. — Кириб сўраб чиқаман.

— Унгача бизни бошқа хонаға бошланг, яхна мол гўшти билан пиво беринг, кейин кириб сўраб чиқаверасиз, — деди Ноэ.

Барни шундай қилди — уларни орқадаги чоғроққина хонаға бошлаб кириб, буюрилган таомларни олдиларига келтириб қўйди; бу юмушларни адо этиб бўлгач, уларға шу ерда тунаб қолишлари мумкин эканини билдириб, илтифотли жуфтни бемалол тамадди қилишлари учун ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

Бу орқа хона шундоққина буфетxона ортида жойлашган бўлиб, ундан сал пастроқ, бир неча зина билан тушиларди; шу туфайлидан қовоқxonанинг ўз одами саналган ҳар қандай кимса мазкур хонанинг деворидаги, уй сахнидан тахминан олти-етти қарич баландда жойлашган шалалоқдеккина ойна пардасини суриб, ўзини пайқаб қолишларидан асло чўчимай (деразача бурчакда, девор билан йўғон устун оралиғида бўлиб, кузатувчи худди ана шу оралиққа туриб олиши мумкин эди), нафақат орқа хонада ўтирган меҳмонларни кўриши, балки тўсиққа қулоғини босиб туриб, гапларини аниқ-тиниқ эшитиши ҳам мумкин эди. Қовоқxона соҳиби мазкур хуфия ойнадан беш дақиқалар чамаси кўзини узмади. Барни эса Феджин ёш шогирдларини суриштириш ниятида қовоқxонаға кириб келган пайтда юқорида зикр этганимиз хабарни етказиб, энди ўз жойиға қайтганди.

— Тиш... — шивирлади Барни. — Қўшни хонада бегоналар бор.

— Бегоналар? — чол ҳам шивирлаб такрорлади.

— Ҳа. Ажойиб жуфт, — қўшиб қўйди Барни. — Чеккадан, лекиниға, мабодо янглишмасам, сизға боп келадиғанлардан.

Феджин бу хабарни зўр қизиқиш билан эшитгандай бўлди. У курси устиға чиқиб, эҳтиётлик билан кўзларини ойнаға тақади ва хуфия жойдан мистер Клейполнинг товоқдаги яхна гўштан олиб, кружкадаги пиводан ҳўплаётганини,

ёнида ўтирган Шарлоттга жиндак-жиндаккинадан тутқизаётганини, аёлниинг эса итоаткорлик ила дам гўшт еб, дам пиво ичаётганини бемалол кўриб турди.

— Уҳў, — шивирлади Феджин Барнига ўгириларкан. — Меига ёкиб қолди бу йигитча. Иш бериши мумкин бизга. Қизни қандоқ қилиб қўлга ўргатишни аллақачон билиб олибди. Бамисоли сичқондай пилдирпис бўлинг, азизим, эшитшимга халал берманг, нималарни гаплашаётганларини эшитай-чи.

У юзини яна ойнага яқинлаштирди ва қулогини тўсиққа босиб, афтини энг қари иблисга ярашгулик бир айёрона тарзда бужмайтирганча диққат-латинглай бошлади.

— Хўш деганингиздан, мен жентльмен бўлишни истайман, — дерди мистер Клейпол оёгини узатиб, бошланишини Феджин эшитмай қолган суҳбатни давом эттириб. — Шунча шалағи чиққан тобутлар билан ўралашиб ётганим етар энди, Шарлотт. Мен жентльменчасига яшашни хоҳлайман, сен эса, агар хоҳласанг, хоним бўласан.

— Жуда-жуда хоҳлайман-да, жоним! — жавоб қайтарди Шарлотт. — Лекин ҳар куни кассани ўмариб, исини чиқармай жуфтакни ростлаб қолиб бўлмайди-да.

— Падарига лаънат ўша кассаларни! — деди мистер Клейпол. — Кассадан бошқа ўмарса бўладиган нарсалар ҳам бор.

— Тагин нималар келиб қолди каллангга? — сўради ҳамроҳи.

— Чўнтаклар, хотинларнинг сумкачалари, уйлар, почта аравалари, банклар бор, — деди мистер Клейпол пиво таъсиридан илҳомланиб кетиб.

— Лекин буларни удалолмайсан-ку, жонгинам, — деди Шарлотт.

— Удалайдиганлар даврасига кириб олишга ҳаракат қиламан, — жавоб берди Ноэ. — Ана ўшалар оёққа туриб олишимизга ёрдамлашишади. Ахир сеннинг бир ўзинг элликта хотинга арзийсан-а; умрим бино бўлиб сенга ўхшаган хийлагар ва маккора хотин зотини кўрмаганман; мен рухсат берган пайтагина ишлатасан бунақанги устомонликни, албатта.

— Вой худойим-эй, тилингга шакар-э, мойдай ёқяпти-я гапларинг! — деди Шарлотт унинг таъвия афтидан ўпиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

— Бас, бас! Эркаланаверма жудаям, йўқса жаҳлим чикиб кетади бир! — деди Ноэ виқор билан, ўзини четроқ тортиб. — Бирорта тўдага бошлиқ бўлиб олишни истардим; қани энди одамларнинг жилови қўлимда бўлса, уларни изидан шундоқ пойлардимки, ўзлариям билмай қолишарди. Тушуми тузукроқ бўлса, бу жуда менбоп иш эди-да. Бордию шунақанги тоифадаги жентльменлар билан топишиб қолгудек бўлсак, мен уларга сен яшириб қўйган, йигирма фунтлик бай пулиям гап бўлгани, дердим, бунинг устига ундан қандай қутулишни ўзимиз ҳам мундоқ тузукроқ билмаймиз.

Шу сўзларни айтиб, мистер Клейпол буюк донишмандона қиёфада пиво кружкаси ичига кўз ташлади-да, яхшилаб чайқатиб туриб хўплаган эди, афтидан, ниҳоятда тетик тортгандай бўлди. У яна хўпласаммикин, деб хаёл қилиб турган эди, тўсатдан эшик ланг очилиб, кириб келган нотаниш одам халал бериб қолди.

Бу нотаниш одам Феджин эди. Назарларида у гоятда назокатли кўринди; у яқинроқ келиб, икки букилиб таъзим қилди ва энг яқиндаги стол ёнига чўкиб, илжайиб турган Барнига биронта ичимликдан келтиришни буюрди.

— Жуда ёқимли оқшом-а, сэр, локин бу фасл учун хиёл салқинроқ, — деди Феджин қўлларини ишқалаб. — Чамамда шаҳарга чеккароқдан келган кўрина-сиаларми, сэр?

— Қаёқдан била қолдингиз бунинг? — сўради Ноэ Клейпол.

— Биззи Лондонда бунақанги чанг йўқ, — жавоб берди Феджин Ноэнинг, сўнг ҳамроҳининг бошмоғига ва ниҳоят иккала тугунга ишора қилиб.

— Зеҳни ўткир одам экансиз-ку, — деди Ноэ. — Ҳа-ҳа!... Буни қара-я, Шарлотт, эшитясанми?

— Эҳ, азизим, бу шаҳарда идрокли, зийрак бўлиш керак, — жавоб қилди жуҳуд сирини ишонаётгандек пичирлашга ўтиб. — Очигига кўчганда, гапни пўскаласи шу.

Феджин кўрсаткич бармоғи билан бурнининг биқинига нуқиганча ушбу

фикрини тасдиқлаган бўлди; Ноэ ҳам буни такрорлашга беҳуда тиришиб кўрди, зотан унинг бурни бунинг учун хийла кичиклик қиларди. Шунга қарамай Феджин, чамаси, унинг уринишини ўзича фикримга тўлиқ қўшилди деб талқин қилди ва Барни келтирган вино билан йигитчани дўстона меҳмон қилди.

— Ажойиб нарсда-да! — деб кўйди мистер Клейпол лабларини чўлпиллатиб.

— Азизим, — деди Феджин, — муттасил тотиниб турадиган бўлсанг касса, ё чўнтак, ёки аёллар сумкачасини, ёинки уй, ёки почта аравасини, ё банкни шилишга тўғри келади.

Мистер Клейпол ўз нутқидан келтирилган мазкур мисолни эшитиб ўзини стул суянчиғига ташлади-ю, кўрқув ичра нигоҳини жухуддан олиб қочиб, Шарлоттга қадади.

— Каминага парво қилманг, азизим, — деди Феджин курсисини яқинроқ суриб. — Ҳа-ҳа! Омадингиз боракан, гапингизни фақат менгина эшитдим. Бахтингизни қарангки, ёлғиз мен ўзимгина эшитдим гапингизни.

— Мен олганим йўқ уни, — деди Ноэ дудуқланиб: у энди эркин-озод жентльменларга хос тарзда оёқларини олдинга узатмай, шоша-пиша курси остига сукди, — манавининг иши ҳаммаси... Ҳозир сенда-я у, Шарлотт, ўзингдалигини биласан-ку ахир!

— Пул кимдаю буни ким қилганининг аҳамияти йўқ, азизим, — деди Феджин, аммо-лекин қизга ҳам, иккала тугунга ҳам йиртқичона қараб кўйди. — Менинг ўзимни касбим шу, ана шунинг учун ҳам менга ёқясиз.

— Касбим нима дедингиз? — сўради мистер Клейпол пича ўзига келиб.

— Ана шунақанги ишлар билан шуғулланаман, — жавоб берди Феджин. — Бу уйда турадиганлар ҳам шунақанги иш билан шуғулланишади. Сиз зап нишонга келиб тушибсиз-да ўзиям, бу ерда бутунлай беҳавотир бўласиз. Бутун шаҳарни излаганингизда «Мажруҳлар»дан беҳавотирроқ жойни тополмайсиз; айтмоқчи, бу каминага боғлиқ. Сиз ва бу ёш хоним икковинглар менга жуда ёқиб қолдинглар. Шунинг учун ҳам айтяпман-да бу гапларни, чўчиманг, кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Эҳтимолки ана шу сўздан кейин Ноэ Клейполнинг кўнгли хотиржам тортгандир, бироқ танасига эса бунинг мутлақо алоқаси йўқ эди; зеро у дам қунишиб, дам эгилиб-букилиб беўхшов ҳолатга кирар ва янги ошнасига ҳуркиброқ ҳамда шубҳаланиб жавдирарди.

— Сизга айтадиган икки оғизгина гапим бор яна, — дея сўзини давом эттирди Феджин дўстона бош иргаб, бир-иккита далда берадиган сўз билан қизнинг кўнглини тинчитганидан кейин, — мени сизнинг ораунгизни рўёбга чиқара оладиган бир дўстим бор. У сизни тўғри йўлга солиб юборади. Ана ундан сўнг ўзингизча дастлабига энг муносиб кўрган ишни танлайсиз-да, кейин бошқаларини барини ўрганаверасиз.

— Назаримда жиддий гапиряпсиз дейман-а! — деди Ноэ.

— Узгача сўзлашдан нима фойда менга? — елкасини қисиб деди Феджин. — Биласизми, қўшни хонага чиқсак, сизга бир оғиз гапим борибди.

— Чиқиб овора бўлишнинг нима кераги бор? — қаршилик билдирди Ноэ, у аста-секин оёғини тагин олға қараб чўза бошлаганди. — Бу буюмларни тепага чиқариб қўяди унғача... Шарлотт, тугунларни эплаштир!

Амирона оҳангда берилган ушбу фармойиш ҳеч қандай эътирозсиз адо этилиб, Шарлотт тугунларни орқалаб чиқиб кетди. Ноэ эса эшикни ушлаганча унинг кетидан кузатиб турди.

— Бошлаб қўлбола қилиб олибманми уни, тўғриямасми? — жойига қайтгач сўради у йиртқич хайвонни қўлга ўргатган ўргатувчидек бир оҳангда.

— Қойиллатгансиз! — деди Феджин унинг кифтига қоқиб. — Сиз — даҳосиз, азизим!

— Нимаям дердим, агар ўшандай бўлмаганимда ҳозир бу ерда ўтирмасдим чоғи, — жавоб қилди Ноэ. — Лекин менга қаранг, агар имиллайдиган бўлсангиз у қайтиб тушиб қолади.

— Хўш, ўзингиз қандай фикрдасиз бу ҳақда? — сўради Феджин. — Бордию ошнам кўнглингизга ўтиришиб қолса, унга шогирд туша қолмайсизми?

— Хўш, унинг иши тузуқми ўзи? Энг муҳими ана шунда, — жавоб берди Ноэ бир кўзини қисиб қўйиб.

— Тузуқ ҳам гапми, зўр! Талай-талай одамларни ёллайди. Бу касб-кордаги манаман деганлар у билан шерик.

— Ҳақиқий шаҳарликларми? — сўради мистер Клейпол.

— Чекка ерлардан бирортаям йўқ. Шу кунларда ёрдамчиларга муҳтожлиги бўлмаганида, ҳатто менинг тавсиям билан ҳам сизни қабул қилмасди-ёв.

— Унга унча-мунча бериш керакдир-а? — деб сўради Ноэ чолвори чўнтаги устидан шапиллатиб уриб қўяркан.

— Бусиз иш битарканми, — жавоб қилди Феджин қатъий оҳангда.

— Лекинига йигирма фунт... жуда катта пул-да.

— Банк қоғози бўлса ишлатолмайсиз бари бир, — қаршилиқ билдирди Феджин. — Иили ва рақами, ўйлайманки, ёзиб қўйилгандир? Банклар тўланмасин деб огоҳлантириб қўйилгандир? Ана кўрдингизми, у ҳам бу қоғоздан тузуқ фойдаланолмайди. Уни чет элга жўнатишга тўғри келади, бозорда юқори нарх билан сотолмайди.

— Қачон кўрсам бўлади уни? — иккиланиброқ сўради Ноэ.

— Эртага эрталаб.

— Қаерда?

— Шу ерда.

— Ҳм, — деб қўйди Ноэ, — хизмат ҳақим қанча бўлади?

— Худди жентльменлардай яшайсиз, стол ва бошпана, тамаки ва ичимлик истаганингизча, ўзингиз ишлаб топганининг ярми, у қизнинг топганини ярми ҳам ўзларингизники, — жавоб берди Феджин.

Хирсу ҳарислигининг чеки-чегараси йўқ Ноэ Клейпол инон-ихтиёри ўзида бўлганида, ҳатто ана шундай ажойиб шарт билан ҳам, бунга розилик бериши даргумон эди-ёв: аммо рад этган тақдирида бу янги таниши унинг оёғини ерга теккиздирмай суд қўлига топширажагини ёдда тутаркан (бундан ҳам ақл бовар қилмайдиган воқеалар бўлган-ку), аста-секин юмшаб, охири бу ўзига тўғри келишини айтди.

— Лекин, биласизми, — деди Ноэ, — анави қиз оғирроқ юмушларни ҳам эплаштиради, шундоқ бўлгач, мен ўзим бирорта енгилроқ иш билан шуғуллансам дегандим.

— Бирорта кичикроқ, кўнгилга ўтиришадиган иш бўлса-а? — тақлиф этди Феджин.

— Ҳа, балли, — жавоб қайтарди Ноэ. — Сизнингча, қандай, ҳозирча қайси иш билан шуғулланганим маъқул? Масалан, айтайлик, одамни унча қийнаб қўймайдиган, биласизми, кейин, сал бежавотирроқ бўлса. Хуллас, шунга ўхшаш-роқ бир иш.

— Азизим, бировнинг орқасидан айғоқчилик қилсам, дегандай бўлувдингиз шекилли, қулоғимга чалинувди бу, — деди Феджин. — Ошнам худди шу ишни котирадиган одамга муҳтож-да.

— Ҳа, шундай дегандим, гоҳо шундай қилишгаям қаршиямасман, — деди Ноэ бафуржа, — лекин, биласизми, бу иш ўзини оқламайди унчалик.

— Тўпна-тўғри, — деб қўйди жухуд ўйга толиб ёки ўзини ўйлаётганга солиб. — Йўқ, бўлмайти.

— Хўш, унда нима маслаҳат берасиз? — деб сўради Ноэ безовталаниб унга тикилганича. — Ишончлироқ, худди уйдан ташқарига чиқмагандай, хавф-хатарсиз иш бўлса. Ими-жимиди, пайт пойлаб туриб ўғирлик қилганга нима етсин эди-я.

— Қари хонимлар ҳақда қандай фикрдасиз? — деб сўради Феджин. — Уларнинг қўлларидаги сумка ва тўрвачаларни юлқиб, муюлишдан ўтиб қуён бўлишнинг тушуми жуда зўр-да.

— Э, уларингиз шунақанги войдодлаб қолишадими, қўяверасиз, баъзан бўлса афт-башарангни юмдалаб ташлашади, — эътироз билдирди Ноэ бошини сарак-сарак қилиб. — Бу менга тўғри келмас-ов. Бундан бошқа бирорта юмуш топилмасмикин?

— Шошманг, — деди Феджин қўлини унинг тиззасига қўйиб. — Қушчаларни илантириш бор-ку.

— Бу нима дегани? — суриштирди мистер Клейпол.

— Қушчалар, азизим, бу оналари қўлларига олти пенслик ва шиллинг тутқизиб, нарса олиб келгани чиқарадиган ёш болалар. Илантиришга келсак — бу пулларни тортиб олиш дегани... улар ҳамиша таппа-тайёр қилиб қўлларида ушлаб олишади... кейин ўзларини йўлка ёнидаги ариққа итариб юборилади-да, худди ҳеч нимани кўрмагандай, йиқилса битта болакай йиқилиб, лат ебди-да, дегандай хотиржамгина кетилаверади. Ҳи-ҳи-ҳи!

— Ха-ха-ха! — қаҳ-қаҳ урди мистер Клейпол завқ-ла оёқларини силкиб. — Худо ҳақки, бу жуда менбоп экан-да!

— Албатта, шубҳасиз, — жавоб берди Феджин. — Кейин жойни Кемден-Таундан, Бэтл-Бриждан, яна шунга яқин-атрофдан танласангиз бўлади; уларни ҳамиша бирор нарса олиб келгани юбориб туришади ўшоққа, куннинг истаган пайтида бир айланишда кўнглингизга сиққанича қушчани тузоққа илантирсангиз бўлади бемалол. Ҳи-ҳи-ҳи!

Шундай деркан мистер Феджин мистер Клейполнинг биқинига нуқиб қўйди ва улар бараварига, узоқ қотиб-қотиб кулишди.

— Мана, ҳаммаси жойида, — деди Ноэ; Шарлотт хонага қайтганида у аллақачон бемалол гапира оладиган ҳолга келганди. — Эртага соат нечада?

— Унга имконингиз қалай? — деб сўради Феджин ва мистер Клейпол розилигини билдириб бош иргагач, қўшиб қўйди: — Саховатли ошнамга ким деб тавсия қилай ўзларини?

— Мистер Болтер, — деб жавоб берди бундай саволга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйган Ноэ. — Мистер Морис Болтер. Бу киши миссис Болтер.

— Хизматларига ҳозирман, миссис Болтер, — деди Феджин масхараомуз таъзим бажо келтираркан. — Умидворманким, энг яқин фурсат орасида ўзлари билан яқиндан танишиб оламиз.

— Жентльменининг гапларини эшитяпсанми, Шарлотт? — шанғиллади мистер Клейпол.

— Ҳа, жонгинам Ноэ, — жавоб қилди миссис Болтер қўлини узатиб.

— У, мени эркалатиб Ноэ дейди, — деди мистер Болтер, собиқ Клейпол, Феджинга мурожаат қиларкан. — Тушуняпсиами?

— Бўлмасам-чи, тушуниб турибман, жуда яхши тушуняпман, — деди Феджин, бу гал ростини айтаётган эди у. — Хайр, яхши ётиб турунглар!

Узундан-узоқ хайр-маъзур ва пурмаъно яхши тилаклар изҳор этилганидан сўнг мистер Феджин ўз йўлига жўнади. Ноэ Клейпол муҳтарам эстикдоши диққатини жалб этиб (ўз қадр-қимматини англаб етган ҳолда), кучли жинс вакили сифатидагина эмас, шунингдек, Лондондек шаҳри азимда қушчаларни илантиришдек лавозимга мушарраф бўлиш шарафига эришган жентльменга ярашиб тушадиган калондимоғлик ила ўзи амалга оширган битишув ҳақида ҳикоя қила бошлади.

## XLIII боб

*абжир Туллакнинг қандай фалокатга учраганини ҳикоя қилади*

— Ия, ўша айтган дўстингиз шахсан ўзингиз экансиз-да? — сўради мистер Клейпол, бўлакча қилиб айтганда Болтер, келишилган битимга кўра Феджиннинг уйига кўчиб ўтгач. — Худо ҳаққи, бу гап кечаёқ хаёлимга келганди-я ўзиям.

— Ҳар бир инсон ўз-ўзига дўстдир, азизим, — жавоб берди Феджин маккоруна жилмайиб. — Боз устига, у бунақанги содиқ дўстни ҳеч ердан тополмайди.

— Бунинг тескариси, истисно ҳам бўлади, — қаршилиқ билдирди мистер Болтер киборона важоҳат билан. — Баъзи бир хиллар, билсангиз, ҳеч кимгамас, ўз-ўзига душман, холос.

— Бунга инонманг, — деди Феджин. — Мабодо бирор киши ўзига душман бўлса, бунинг сабаби ҳаддан зиёд даражада ўз-ўзига дўст эканидир, мутлақо



ўзидан бўлак барчанинг ғамини еганидан эмас. Сафсата, ғирт елгон бу! Оламда сираям бўлмайдди бунақаси.

— Бордику бўлгани тақдирда ҳам бундай бўлмаслиги керак, — жавоб қайтарди мистер Болтер.

— Ҳа-ха-ха! — хохолади мистер Болтер. — Бирдан ўтаверсин.

— Бизникидай кичкинагина жамоатда, азизим, — деди Феджин ўз мулоҳазасини тушунтиришни зарур деб билиб, — бизда умумий ҳисоб — бир; бошқача қилиб айтганда, токи мени, шунингдек, ҳамма йигит-қизларимизни ҳам биринчи санамай туриб ўзингизни биринчи ҳисоблаёлмайсиз.

— Ҳе, жин урсин! — деб юборди мистер Болтер.

— Виласизми, — Феджин ўзини бу хитобни эшитмаганга олиб, сўзини давом эттирди, — биз ҳаммамиз умум манфаати йўлида бир-бировимизга чамбарчас боғланганмиз, ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мана, масалан, сизнинг мақсад ва бурчингиз — биринчи рақамнинг, яъни ўзингизнинг ғамингизни ейиш.

— Албатта-да, — жавоб қилди мистер Болтер. — Бу борада сиз ҳақсиз.

— Баракалло. Сиз камина — биринчи рақамнинг ғамини емай туриб, ўзингиз, яъни биринчи рақамли учун жон куйдиролмайсиз.

— Иккинчи рақамли демоқчисиз чоғи, — деб қўйди қисмат худбинликдек бекам-кўст «фазилат» ато этган мистер Болтер.

— Асло ундай демоқчимасман, — эътироз билдирди Феджин. — Ўзингиз учун ўзингиз қанчалик аҳамият касб этсангиз, мен ҳам сиз учун шунчалик аҳамият касб этаман...

— Менга қаранг, — унинг сўзини бўлди мистер Болтер, — сиз жудаям ажойиб одам экансиз, менга жуда ёқяспиз, лекинга ҳали иккаламиз ҳам орадан қил ўтмайдиган бўлиб дўстлашиб кетганимизча йўқ-ку.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — деди Феджин елкаларини қисиб, — ҳа, мулоҳаза қилиб кўринг. Сиз тузуккина бир ишни дўндирибсиз, шу туфайли дилимга ўтириб қолдингиз. Аммо эндиликда бўйнингизга бўйинбоғ таҳдид қилиб турибдики, уни учидан силтаб тортиш осону аммо ечиб ташлаш амримаҳол, оддий инглиз тили билан айтганда, бу — сиртмоқ.

Мистер Болтер беихтиёр кўли билан бўйнидаги рўмолчани ушлади, наздида гўёки у ҳаддан ортиқ даражада маҳкамлаб боғлангандек туюлди; кейин алланима дея гўлдиради, сўзи эмас, оҳанги розилик берганини англатди.

— Дор, — гапини давом эттирди Феджин, — дор, азизим, кенгу катта йўлда талайгина жасуру довроқ одамларнинг мартабаю рутбасига чек қўйган энг қисқа ҳамда энг тик бурилиш сари йўловчи йўл ёқасидаги мудқиш устундир. Тўғри йўлдан оғишмаслик ва ўша устундан йироқроқ бўлиш — мана сизнинг ният-мақсадингиз, биринчи рақамли жанобим.

— Албатта, бу тўғрику-я, лекинга бунақанги нарсаларни гапириб нима қиласиз? — деди мистер Болтер.

— Сўзларимнинг маъно-моҳиятини тушунтириб бериш учунгина гапиряпман, холос, — деди жуҳуд елкасини қисиб. — Бунга эришмоқлик учун менга суянасиз. Ўзимнинг фақирона ишим билан тинчгина шуғулланмоқлик учун эса мен сизга суянаман. Бири — сиз учун биринчи рақамли, бошқаси — мен учун биринчи рақамли. Ўз биринчи рақамингизни қанчалик қадрласангиз, менинг биринчи рақамимнинг шунчалик кўпроқ ғамини ейсиз; мана, ниҳоят, боя бошда айтган гапимга қайтдик яна; биринчи рақамлига ғамхўрлик қилиш барчамизни бир-бировимизга боғлаб туради. Аслида ҳам худди шундоқ бўлиши шарт, йўқса бутун жамоамиз пардай тўзиб кетади.

— Бу рост гап, — деди мистер Болтер ўйчан қиёфада. — Эҳ, ўлгудай устмон экансиз-да, вой доғули чол-эй!

Мистер Феджин бу тавсиф ўзининг истеъдодига нисбатан айтилган шунчаки бир хушомадли мақтов эмаслигига, бинобарин, ҳақиқатан ҳам янги шогирдида ўзининг доҳиёна маккорлиги хусусида маълум тасаввур туғдира олганига қувонч-ла ишонч ҳосил қилди; шогирди вужудида ниш урган бу тасаввурни мустаҳ-

камлаш эса бағоят муҳим иш эди. Бундай матлубу мақбул ҳамда фойдали таассуротни мустаҳкамлаш ниятида у Ноэни ўз фаолиятининг миқёс-кўлами билан янада батафсилроқ таништиришга тушди; рост гапу уйдирмаларни қўшиб-чатиб, шунақанги бўяб-бежаб, шунақанги маҳорат билан тасвирлай кетдики, охир-оқибатда мистер Болтернинг унга нисбатан ҳурмату эҳтироми ошқора орта бориб, вужудини нажотбахш ваҳима чулғаб олди. Феджиннинг нияти ҳам худди шу эди.

— Оғир жудолик дамларида худди ана шу бир-бировимизга бўлган ишонч тасалли беради менга, — деди Феджин. — Кеча эрталаб энг яхши кўмакчимдан айрилдим.

— Нима, уни ўлди демоқчимисиз?! — деди мистер Болтер ўтакаси ёрилиб.

— Йўқ, — жавоб берди Феджин, — иш унчалик хунук тугагани йўқ. Унчалик хунук эмас.

— Бўлмаса уни, балки...

— Чақиртириб олишди, — луқма ташлади Феджин. — Шундай, чақиртириб олишди.

— Жудаям муҳим иш юзасиданми? — сўради мистер Болтер.

— Йўқ, — жавоб қилди мистер Феджин, — унчалигамас. Ули чўнтакни шимон қилишга уринишда айбланган ва ёнидан кумуш тамакидон топишган — ўзиники, азизим, шахсан ўзиники эди у; нега деганингизда унинг ўзи тамаки искашни жонидан яхши кўрарди. Уни шу пайтгача қамоқда тутиб туришибди, сабабки, тамакидоннинг эгасини танишармиш. Э-воҳ, элликта тамакидонга арзирди-я, уни бўшатиб олиш учун шунчасини пулини тўлашга ҳам тайёр эдим-а. Туллакни билганингизда чакки бўлмасди, азизим қа, Туллакни билганингизда чакки бўлмасди.

— Қа энди, танишиб оларман у билан ҳали, сиз нима деб ўйлайсиз бу тўғрида? — деди мистер Болтер.

— Даргумон-ов, — жавоб берди Феджин хўрсиниб. — Агарда улар яна бир-орта янги далилни топишолмас, унда кам беришади, бир ярим ойларда ёни-мизга қайтади; бордию топишадиган бўлишса, унда урди худо, мусто маҳкам тиқинни иси келиб турибди-да. Қандай ақлли йигитчалиги маълум уларга. Бир умрликка дуҳоб бўлади у. Туллакни тўппа-тўғри бир умрликка дучор қилишади.

— Тиқин, бир умрликка деганингиз нимади? — сўради мистер Болтер. — Мен билан бунақанги тилда гаплашсангиз ниманиям тушунардим? Мен тушунадиган қилиб гапирсангиз бўлмайдимми?

Феджин мазкур сирли ибораларни оддий тилга таржима қилиб бермоқчи бўлиб чоғланган эди-ю (у чоғда мистер Болтер бу сўзлар мажмуаси умрбод қамоқни ифодалашини билиб олган бўларди), бироқ шу топда қўлларини чўнта-гига суққан, башараси эса кулгили бир тарзда ғамнок буришиб кетган ёш Бейтснинг кириб келиши суҳбатга раҳна солди.

— Ҳаммаси тамом, Феджин! — деди Чарли, у ва янги ошнаси бир-бирлари билан таништирилганидан кейин.

— Бу нима деганинг?

— Анавилар ўша жентльменни, тамакидоннинг эгасини қидириб топишибди. Тагин икки-уч киши юзлаштиришга келармиш, ана ундан кейин Туллакни саёҳатга жўнади деяверинг, — жавоб берди ёш Бейтс. — Менга, Феджин саёҳатга жўнаб кетишидан олдин уни зиёрат қилгани мотам либоси билан шляпамга қора лента керак. Қаранг-а, Жек Даукинс — азамат Жек — Туллак — Абжир Туллакдай одам икки ярим пенслик арзимаган битта тамакидонни деб ўзга юртларга сафар қилиб ўтирса-я. Мен доим, борди-ю, бошига шундай иш тушадиган бўлса бунинг сабабчиси кам деганда занжири ва тамғаси бор тилла соат бўлади, деб ўйлардим. Эҳ, нега энди у сафарга иззат-излому шон-шухратсиз, худди бир патак ўғрисидай эмас, ҳақиқий жентльмендай жўнаш учун биронта бадавлат чолнинг бор бойлигини ўмара қолмади-я!

Ёш Бейтс бахтиқаро дўстига бўлган ҳамдардлигини шу тариқа баён этиб, ғамгин ва эзилган қиёфада яқинроқдаги курсига чўкди.

— Нималарни валдираяпсан? — ўшқирди Феджин шогирдига ўқрайиб қа-

раб қўяркан. — Ахир у ҳаммаларингдан юқори турмасмиди? У билан тенглаша оладиган, бирон нимада баслашиш қўлидан келадиган топиладими ораларингда ўзи?

— Бирортаям, — жавоб берди ёш Бейтс дилсиёҳликдан овози бўғилиб. — Бит-таям.

— Хўш, унда нималар деб валақлаяпсан? — жаҳл билан сўради Феджин. — Нима деб обидийда қияляпсан?

— Бу гаплар суднинг ҳукми қарориди бўлмайди деб куйяпман, — деди Чарли, шу топда дилига селдай ёпирилиб келган афсусу надоматлар қари дўстини очикдан-очик мунозарага чақиришга ундаётганди, — бу гаплар айбномада кўрсатилмайди деб, ҳеч ким ҳеч қачон унинг кимлигини тўлиқ билмайди деб ўртаняпман. Ньютет мажмуасида\* қайси ўринни эгаллайди? Балки бутунлай кирмас унга. Е ҳоёт, қандай кўргилик бу!

— Ҳи-ҳи-ҳи! — қийқириб кулди Феджин ўнг қўлини мистер Болтер томон чўзиб ва гўёки акашак одамдай ўз ҳиринглашидан бутун танаси силкиниб. — Қаранг-а, азизим, ўз касб-корлари билан қандай фахрланишади-я булар. Ажойиб эмасми бу ахир?

Мистер Болтер маъқуллаб бош ирғади. Бир неча сония мобайнида Чарли Бейтснинг қандайин қайгураётганини ошқора мамнуният билан кузатиб турган Феджин эса ёш жентльменга яқинлашиб, кифтига қоқди.

— Бас, Чарли, етар, — деди Феджин юпатиб, — булар маълум бўлади, албатта маълум бўлади. Унинг қанчалик зеҳли йигит экани барчага аён бўлади, буни унинг ўзи кўрсатиб қўяди ва қадрдон дўстлари билан устозларини уятга қолдирмайди. Ўзинг бир ўйлаб кўргин-а, Чарли, ҳали у қандай ёппа-ёшгина-я! Шу ёшда илиниш қанчалар шараф!

— Ростдан ҳам шарафдир бу балки, — деди Чарли жиндаккина таскин топиб.

— Истаган нарсасининг жами муҳайё бўлади, — сўзини давом эттирди жуҳуд. — Уни худди жентльменлардай тош кўзада асраб-авайлашади, Чарли. Ҳа, худди жентльмендай. Ҳар куни пивосию пули тайёр, нимага сарфлашини билмаса довга тикади.

— Йўғ-э? — ажабланди Чарли Бейтс.

— Ҳаммаси бўлади, — жавоб берди Феджин. — Ундан кейин десанг, бизни каттакон — уни ҳимоя қилиш учун ҳаммадан ҳам қотириб ваъзхонлик қиладиган ўз ясама сочлимиз бўлади. Туллак, агар хоҳласа, ўзи ҳам нутқ сўзлаши мумкин, биз бўлсак уни бошидан-охиригача газеталарда ўқиймиз: «Абжир Туллак — томни кўтаргудек кулги кўтарилди, судьялар чангак бўлиб тиришиб қолишди». Хўш, қалай, Чарли, а?

— Ха-ха-ха! — хохолаб юборди Чарли. — Роса қангома бўлади-да! Тўғрими, Феджин? Туллак бошлаб таъзирларини бериб, қонларига ташна қилади, тўғрими?

— Тўппа-тўғри! — овозини кўтарди Феджин. — Ҳа, жонларини бўғизлари-га келтиради у.

— Бўлмасам-чи, албатта хит қилади, — такрорлади Чарли қўлларини ишқаб.

— Шу, назаримда, уни шундоққина кўриб тургандайман, — деди жуҳуд шогирдига тикилиб.

— Мен ҳам! — қичқириб юборди Чарли Бейтс. — Ха-ха-ха! Мен ҳам. Ҳаммасини кўриб турибман, худо ҳаққи, кўриб турибман, Феджин. Қойил-э! Тоза қангома бўлди-ку бу ёғи! Катта ясама сочлиларнинг ҳаммалари ўзларини ва-жоҳатли қилиб кўрсатишга тиришишяпти, Жек Даукинс бўлса уларга худди судьянинг ўз ўғлидек, тушликдан кейин табрик нутқи сўзлаётгандек, хотиржам ва дилкашлик билан гапиряпти. Ха-ха-ха!

Мистер Феджин дарҳақиқат ёш дўстининг бетутуриқ антиқа табиатига шунчалик усталик билан таъсир ўтказгандики, олдинга қўлга олинган Туллакни қурбон деб билган Бейтс эндиликда унга беқиёс ва ажойиб ҳажвчилиги билан яққол ажралиб турадиган энг олди сахна ижрочиси деб қарай бошлаган, қадрдон дўстининг ўз истеъдодини намоён этиш имкони туғиладиган дамни сабр-сизлик-ла кутишга тушганди.

— Ҳозир ишлари қай аҳволдалигини ими-жимиди билиб олишимиз зарур, — деди Феджин. — Қани, бир бош қотириб кўрай-чи.

— Мен бора қолсам бўлмайдими? — сўради Чарли.

— Икки дунёдаям! — у жавоб қилди Феджин. — Миянг айниб қолганми дейман, азизим, агар ўшоққа боришни хаёл қилган бўлсанг, бутунлай эсингни еб қўйибсан... Бўлмайди, Чарли, йўқ. Бир йўла икки қурбон бериб бўлмайди.

— Менимча, ўзингиз бормоқчимасдирсиз ахир? — деди Чарли ҳазиллашиб кўз қисаркан.

— Бу унчалигам тўғри келмайди, — жавоб берди Феджин бошини қимирлатиб.

— Манави йигитчани жўнатсак нима қилади? — сўради ёш Бейтс Ноэнинг елкасига қўлини ташлаб. — Уни ҳеч зоғ танимайди.

— Нимаям дердим, агар қаршилиги бўлмаса... — дея гап бошлади Феджин.

— Қаршилиги? — унинг гапини бўлди Чарли. — Қанақанги қаршилиги бўлиши мумкин?

— Айтарли ҳеч қанақанги, азизим, — деди Феджин мистер Болтерга томон ўгириларкан, — айтарли ҳеч қанақанги.

— О, жудаям унчалик эмасдир-ов! — қаршилик билдирди Ноэ эшик сари тисарилиб, ҳадиксираб бош чайқаганча. — Йўқ, йўқ, қўйинг бу гапингизни! Бу менинг вазифамга кирмайди.

— Қандай вазифани зиммасига олган бу ўзи, Феджин? — деб сўради ёш Бейтс Ноэнинг қотма қаддига жирканиб назар ташларкан. — Сал ишқал бўлса жуфтани ростлаб қолишу ҳаммаси жойидалигида томогига тиралгудек овқат туширишними? Унинг вазифаси шундайми?

— Бари бир эмасми? — эътироз билдирди мистер Болтер. — Менга қара, тирмизак, ўзингдан катталарга бунақанги беадабчилик қилма, бўлмаса нақ абжағингни чиқариб қўяман-а.

Бу пўписага жавобан ёш Бейтс шундай хандон ташлаб кула бошладики, токи Феджиннинг мистер Болтерга полиция бошқармасида ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид қилмаслигини, негаки, на у қатнашган арзимас иш ҳақидаги ҳисобот ва на шахси ҳақидаги маълумот пойтахтга етиб келмагани, шу боисдан унинг пойтахтдан бошлана излаганини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган бўлишлари кераклигини, ана шу сабабдан у тегишли тарзда уст-бошини ўзгартириб олса, Лондоннинг исталган ерига, шу қатори ўзини ҳеч ким кутмаган ўша жойга ҳам бемалол борса бўлаверишини тушунтириш учун гапга аралашгунича пича вақт ўтди.

Қисман ана шу далилу исботлардан дадилланган, аммо вужудини кўпроқ Феджиндан қўрқиш ҳисси чулғаб олган мистер Болтер бундай сафарга худди жонини суғуриб олгудек оғриниш-ла ахийри рози бўлди. Феджиннинг амри билан ўша заҳотиёқ эғнидаги кийимларини извошчиларнинг камзули — калта чийдухоба иштон ва кўн қўнжлик билан алмаштирди. Буларнинг бари Феджиннинг бисотидан чиқди. Шунингдек, уни дарвозахоналарда берилган патталар қистириғлиқ намаат шляпа ҳамда аравакашлар қамчиси билан таъмин этишди. Ана шу либосда у Қовент-Гарден бозорига келган биронта қишлоқи йигит сиёқда гўёки қизиқиб, томоша қилгани суд биносига кириб бориши лозим эди. Мистер Феджин айнан шундай қўпол, бесўнақай ва қоқсуяк йигит бўлгани туфайлидан Ноэнинг ўз ролини қойиллатиб, беками-кўст ижро этажагига шубҳаланмаётган эди.

Мазкур тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилгач, унга Абжир Туллакни таниш учун зарур бўлган белги ва аломатларини айтиб беришди, кейин ёш Бейтс уни пасқама айланма йўллардан бошлаб кетди. Боу-стритга яқин қолганда тўхтаб, полиция бошқармаси жойлашган ерни аниқ-равнан қилиб тасвирлаб берди. Бунинг устига, бир талай йўл-йўриқлар берди — жинкўчадан қандай боришни, ҳовлини қандай кесиб ўтишни, ўнг томондаги эшикка олиб чиқадиغان зинадан кўтарилиб, ичкарига киришни, киргач, дарров шляпасини ечишни ўргатиб, энди ажралишамиз, деди Чарли Бейтс ва тезроқ боришни тайинлаб, ажралишган жойларига уни кутиб туришга сўз берди.

Ноэ Клейпол ёхуд, мабодо китобхонага маъқул келса, Морис Болтер ўзига

берилган аниқ-равшан йўл-йўриқларга бандма-банд амал қилиб (ёш Бейтс бу атроф билан жуда яхши ошно эди), полиция бошқармасига ҳеч кимдан сўраб-суриштирамай, ҳеч қандай монеликсиз, тўппа-тўғри кириб борди. Эшикни очиб, аксарияти хотин-халажлардан иборат одамлар тирбанд, ифлос ва дим хонага кириб қолди. Хонанинг нариги бошида, чап томондаги девор тагида панжара билан тўсилган, судланувчилар ўтирадиган курси қўйилган супача; ўртада гувоҳлар шохидлик берадиган минбар, ўнг томонда судьяларнинг узун столи; мазкур кейинги даҳшатга солувчи ўрин ҳакамларни оддий бандалар кўзидан пана қилиб турадиган ва авомнинг одил суднинг буткул улугворлигию салобатини тасаввур этишига (агар бунга муваффақ бўла олса, албатта) эркин-озод изн берадиган тўсиқ билан тўсилган эди.

Судланувчилар қора курсисида иккитагина аёл ўтиришар, токи суд мирзаси стол узра энгашиб турган икки полициячи билан фуқароча кийимда бир амалдорга қандайдир гувоҳликларни ўқиб бераркан, бу аёллар ҳайратланиб, қойил қолаётган дўстларига бош ирғаб, имо-ишора қилишарди ҳадеб. Турма назоратчиси судланувчилар курсиси тўсиғига суянган кўйи қўлидаги каттакон калит билан ялқовланиб бурнини тўқиллатиб уриш билан овора эди; у бирорта томошаталабнинг айбдорларни гапга солишдек ножўя уринишларига барҳам бериб ўшқириб қўйиш ёки бирор рамақижон гўдак одил суднинг тантанавор ишини давом эттиришига халал етказиб, онасининг рўмоли остидан хиёлгина гингшиб қолганида ўша аёлга нақ еб қўйгундек ўқрайиб: «Йўқот бу гўдакни!» деб ўдағайлаш учунгина бу машғулотини тўхтатарди, холос. Хонанинг ҳавоси ниҳоятда сасиб-бижғиб кетган ва дим эди; ифлосланганидан деворнинг ранг-туси айниб, шифт эса қорайиб кетганди. Тош тоқчада эски, ис босган ҳайкалча турибди, қора курсининг тепасида эса — чанг босган соат — иллатлар, қашшоқлик ёхуд шулар билан яқиндан ошно биронта қусур ўз тажовузи асарини қолдирган жамики жонли хилқатлар ва атрофида содир бўлаётган ҳодисаларни бадқовоқлик-ла кузатаётгандек туюлаётган ёқимсизу кўримсизликда улардан қолишмайдиган, устини қалин ва қуюқ қурум босган жамики жонсиз буюмлар орасида етарли даражада саранжом-саришта турган нарса бамисоли ана шу соатгина эди.

Ноэ бетоқатлик билан аланг-жаланг бўлиб Туллакни изларди, бироқ бу ерда ҳозир бўлганлардан талайгинаси ўша маълуму машҳур зотнинг онаси ёхуд опаси тенги, бир неча эркак эса отаси қатори бўлишига қарамай, мистер Даукинснинг ташқи қиёфасини чизиб, Ноэнинг қўлига топширишган тасвир қолипига тушадиган биронта зот кўринмасди. Ноэ то икки аёлнинг ишлари жиноятни кўрадиган судга оширилиб\*, беадабларча жилпанглаб чиқиб кетгунларича беқиёс безовталиқ ҳамда иккиланиш-ла кутиб турди; кейин эса бошқа маҳбуснинг пайдо бўлиши ўша замоноқ кўнглини жойига туширди-қўйди, негаки у кўришни истаб келган одами шу йигитча эканлигини дарҳол фаҳмлади.

Дарҳақиқат, бу одатдагича камзулининг узун енгларини ҳимариб олган мистер Даукинс эди; хонага чап қўлини чўнтагига суқиб, ўнг қўлида эса шляпасини ушлаганча турма назоратчиси кузатувида тасвирга тил лол қоладиган бир алфозда — оёқларини сургаб босиб, лапанглаб кириб келди-да, қора курсидан жой оларкан, баланд овозда ўзини нима сабабдан бундай таққиромуз аҳволга солиб қўйганларини билиш истагини баён этди.

— Тилларини тийиб турсалар, эшигиптиларми? — деди турма назоратчиси.

— Мен — инглизман, ёки бундай эмасми? — эътироз билдирди Туллак. — Хўш, унда менга берилган имтиёзлар қай гўрда қолди?

— Ўша имтиёзларингизга эга бўласиз ҳадемай, — шартта гапини бўлди турма назоратчиси, — устига мурч ҳам сепиб беришди десангиз!

— Бордию шундай бўлмаса, кўрамиз, бу лўттибозларга ичкн ишлар ми-нистри нима деркин... — жавоб қайтарди мистер Даукинс. — Қани, хўш, ишларимиз қандоқ бўлди бу ёғига? Ушбу жимитдаккина ишни тезроқ ойдинлаш-тирсалару, кейин, газета ўқиб вақтимни олмасалар, судьялардан бағоят миннатдор бўлурдим; негаки мен Ситида бир жентльмен билан учрашишга келишиб қўйганман. Ҳамиша ўз сўзининг устидан чиқадиған ҳамда ишларини аниқ-пухта адо этадиган одам бўлганинг сабаблидан ўз вақтида егиб бормасам, у кетиб

қолади. Шу хусусдан, булар мени мабодо кўпроқ тутиб қолишадиган бўлишса, ўша жентльмен кўрган зарарини тўлашларини даъво қилмайди, деб ўйламаяп-тимикинлар? О, унда овора бўлишади!

Гап шу ерга етганда Туллак ўзини, борди-ю, иш шу асосда тус олгудек бўлса, судьяларнинг аҳволлари не кечишига жуда-жуда қизиқаётган одам қиё-фасига солиб, турма назоратчисидан «анави ҳакамлик курсисида ўтирган икки юлғичнинг» исми-шарифи нималигини суриштирди. Бу нарса томошатаалаб-ларнинг шунақанги завқини келтирдик, бундай талабни эшитганида ёш Бейтс қандай хандон ташлаши мумкин бўлса, булар ҳам худди ўшандайига қотиб-қотиб кула бошлашди.

— Хей, секинроқ! — ўшқирди турма назоратчиси.

— Нимада айбланыпти бу? — сўради судьялардан бири.

— Киссавурликда, жаноби олийлари.

— Бу бола илгари ҳеч бўлганми бу ерда?

— Жуда кўп марталаб бўлиши керак эди аслида, — жавоб берди турма назоратчиси. — Деярли бошқа ҳамма жойга кириб чиққан. Мен уни беш қўлдай биламанку-я, жаноби олийлари.

— О, мени биларканлар-да ўзлари, шунақа денг-а? — жавоб қилди Туллак бу ахборотни эшитиб. — Жуда соз! Шундоқми ё йўқми, бари бир бировни обрў-сиэлантиришга уриниш бу.

Шунда яна гурр кулги кўтарилди ва яна тиичланинг, деган ўкирик яигради.

— Хўш, гувоҳлар қани унда? — сўради суд мирзаси.

— Балли, — гапни илиб кетди Туллак. — Қани улар? Бир кўриб қўяй улар-ни.

Ушбу истак дарҳол қаноатлантирилди, зеро ҳибсга олинган айбланувчи-нинг бир жентльмен чўнтагига қўл суққани ва ҳатто у ердан эски дастрўмонни сугуриб олгани, ҳеч нимага арзимайдиган бўлгани туфайли ўзининг бурнини артиб, хотиржамгина тагин жойига тикиб қўйганини кўриб турган полициячи олдинга чиқди. У Туллакни худди шунга асосланиб, ёнига етиб борган заҳоти қўлга олган ва тинтув пайтида чўнтагидан қопқоғига эгасининг исми-шарифи ўйиб ёзилган кумуш тамакидон чиққан эди. Ўша жентльменни «Суд маълумот-номаси» кўмагида излаб топишибди. Айни пайтда шу ерда ҳозир бўлганлиги сабабли у қасам ичиб, тамакидон уники эканини, қуни кечагина худди ўша оломон орасидан амаллаб қутулиб чиққан вақтида йўқотганини айтди. Шунингдек, у оломон орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб келаётган бир жентльменга кўзи тушганини, ҳозир қаршисида турган маҳбус худди ўша ёш жентльмен эканини тасдиқлади.

— Болакай, гувоҳга биронта саволингиз борми? — деди судья.

— У билан суҳбатлашадиган даражада паст кетиш истагим йўқ, — жавоб берди Туллак.

— Ҳеч қандай гапингиз йўқми?

— Эшитяпсизми, биронта гапингиз борми, деб сўраяптилар жаноби олий-лари? — дея такрорлади турма назоратчиси миқ этмай турган Туллакни тирсаги билан туртиб.

— Маъзур тутасиз! — деди Туллак ҳайрон бўлгандек бир қиёфада кўзла-рини кўтариб. — Менга айтяпсизми, муҳтарам зот?

— Дунёга келиб бунақанги учига чиққан саёқ болани кўрмаганман, жаноб олийлари, — деб қўйди полициячи мийиғида кулиб. — Бирон нима демоқчи эмасмисиз, йигитча?

— Йўқ, — жавоб қилди Туллак, — бу ерда демоқчимасман, негаки бу дў-кочча одил суд олиб боришга муносиб жой эмас, устига-устак, каминанинг ҳимоячиси бугун эрталаб жамоа палатасининг вице-президенти билан нонушта қилиши керак эди. Аммо-лекинга бўлак жойда айтадиган унча-мунча гапим бор, шунингдек, ҳимоячим ва бисёр ҳамда эътиборли танишларимнинг ҳам, айтадиган гаплари бор. Ана унда бу лўттибозлар дунёга келганлари ёки бугун эрталаб менинг устимдан мана шундай майнабозчилик қилгани отланаётган-лариде малайларига ўзларини шляпалари ўрнига қозиққа осиб қўйишни буюр-маганлари учун минг-минг пушаймон ейдилар. Мен...

— Бас қил! Судга оширишга ҳукм қилинади. Олиб чиқинг уни, — гапини бўлди мирза.

— Юр! — деди турма назоратчиси.

— Кетяпман, — жавоб қилди Туллак кафти билан шляпасини тозаларкан. — Ҳей (судьяларга қарата деди), ўзларингни қўрққанга солмай қўя қолинглар, мен тарикчаллик ҳам раҳм-шафқат қилмайман, ҳа, ярим пеннилик ҳам! Бу қилмишларинг учун жавоб берасизлар, муҳтарам зотлар! Бутун дунёнинг бойлигини ваъда қилганларингда ҳам сизларнинг ўрниларингда бўлишга рози бўлмасдим. Энди ҳатто оёқларимга йиқилиб, ер ўпиб илтижо қилганларингда ҳам бари бир озодликка чиқмаган бўлардим. Ҳей, қани, турмага бошланглар мени! Олиб боринглар мени!

Туллак ана шу сўнги сўзларини айтаркан, ўзини ёқасидан олиб судраб кетишларига рухсат этди ва токи ҳовлига чиқиб қолгунича парламентда иш кўзгайман дея дағдаға қилиб борди; сўнгра эса полициячининг башарасига тикилиб, қувноқлик ҳамда мағрурона илжайиб қўйди.

Даукинсни каталақдек бир кишилик ҳибсхонага тиқиб, эшикни қулфлаб қўйганларига ишонч ҳосил қилгач, Ноа ёш Бейтсни қолдириб, келган жойига томон илдам одимлай кетди. Ўша жойга етиб келгач, оқилона иш тутиб пана ердан атрофни диққат-ла текшириб кўриб, янги дўстининг орқасидан ҳеч қанақанги шилқим шахс илакишиб келмаётганига қаноат ҳосил қилмагунича кўзга кўринмаган ёш жентльменни бирпас кутиб қолди.

Кейин икковлон Туллакнинг тарбият бобида олган сабоқларига муносиб тарзда амал қилиб, ажойиб обрў-эътибор қозонаётгани ҳақдаги хушхабарни мистер Феджинга етказиш учун уйга шошилдилар.

## XLIV боб

*да Нэнсининг Роз Мэйлига берган сўзининг устидан чиқиш фурсати етади. У муваффақиятсизликка учрайди*

Нэнси айёрлик ҳамда ҳийла-найранг, соддамуғамбирлик санъати бобида қанчалик тажрибакор бўлмасин, ўз қилмиши дучор этган саросимаю эсанкирашни бутунлай яшира олмади. Жодугар жуҳуднинг ҳам, бағритош Сайкснинг ҳам қизни ишончга лойиқ кўриб (уни ҳар қандай шубҳа-гумондан мустасно билиб ва бунга тўлиқ инонганлари ҳолда) ҳамма учун сир бўлиб қолган режаларидан воқиф этганлари унинг ёдида эди. Бу режалар қандай мудҳиш, уларни ўйлаб чиққан одамлар қандай ашаддий газзобу разил бўлмасин, уни қадамбақадам жиноятлар ва ноумидликнинг тубсиз ўпқонига изчиллик билан яқинлаштираётган Феджинга нисбатан газабу аламзадалиги қанчалик беҳудуд бўлмасин, шунга қарамай, ҳар ҳолда, тагин сирни фош этганим чолни шунча йиллар мобайнида қочиб-қутулиб юрган темир исканжага илинтирмаса (гарчи қилмишига яраша жазоси айнан шу бўлса ҳамки) — чол менинг касофатим туфайли ҳалок бўлмаса эди, деган хавф билан ўша ёвузга ачинган онлари ҳам бўларди.

Гарчи қиз ҳеч қандай ўй-мулоҳазага қарамай, бутун фикр-ёдини бир мақсадга қаратишга ва ўйлаган ниятидан оғишмасликка қодир бўлса-да, бу тахлитдаги руҳан иккиланишлар илгариги шерик ва ошналаридан бутунлай айириб ташлай олмасди уни. Унинг Сайксдан олаётган хавотири ҳали вақт бор эканида ўйлаган йўлидан чекинishi учун жиддий сабаб бўлиши мумкин эди; бироқ у сирини эҳтиром-ла пинҳон тутишни келишиб олганди. Қиз Сайксни топишга ёрдам берадиган бирорта ип учини тутқизмаган эди; йигитни деб у ҳатто ўзини тўр янглиг қуршаган жиноятлар ҳамда қабоҳату разилликлардан халос бўлишини ҳам рад этганди — бундан ортиқ яна нима қила оларди? У шунга жазм этди.

Гарчандки қалбидаги олишув шундай аҳд билан тугаган бўлса ҳам, бари бир у такрор ва такрор бош кўтариб чиқаверди, изсиз йўқолавермади. Ана шу бир неча кун ичида Нэнси озиб-тўзиб, ранги бир ҳолатда бўлиб қолди.

Баъзан у атрофида бўлаётган воқеаларга мутлақо эътибор бермас ва гап-сўзларга аралашмасди; илгарилари эса ҳаммадан баландроқ шангиллагани-шангиллагани эди. Баъзида маъюс жилмайиб кўяр ё ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ шовқин кўтарарди. Гоҳо — орадан бирор дақиқа ўтар-ўтмас, кўпинча — у жимгина, ўйга толганча бошини қўлларига қўйиб ғамгин ўтирар ва бундай пайтда зўр бериб сал тетикланишга уринаётгани, унинг ҳуши жойида эмаслигини ҳамда ўй-хаёлининг ошналари гаплашаётган гапга заррача алоқаси йўқ эканлигини ҳозиргина айтган жамики аломатларимиздан кўра ошқорароқ айтиб турарди.

Якшанба окшоми эди, яқиндаги черков қўнғироғи соатни билдириб жом ура бошлади. Суҳбатлашиб ўтиришган Сайкс билан жуҳуд жим бўлиб, жом овозига қулоқ сола бошлашди. Пастаккина курсида мункайиб ўтирган қиз бошини кўтарди-да, у ҳам қулоқ тутди. Ун бир.

— Ярим кечага бир соат қолибди, — деди Сайкс чий пардани кўтариб кўчага кўз ташлаб, ўз жойига қайтар экан. — Бунинг устига зим-зиё, ҳаво булут. Обвоп антиқа кеча.

— Эҳ! — хўрсинди Феджин. — Аттанг, чамалаб қўйилган овимизнинг йўқлигини қаранг-а, азизим.

— Бу гал сиз ҳақсиз, — деди Сайкс тумтайиб. — Минг афсус, нега деганингизда, шу топда жуда кўнглим чопиб турувди-да.

Феджин уф тортиб, маъюс бош чайқаб қўйди.

— Ишимиз жўнашиб кетди дегунича бекор кетган вақтнинг ҳиссасини чиқаришимиз керак, шу тўғрида бош қотириб турибман, ҳозир, — деб қўйди Сайкс.

— Жуда тўғри ўйлабсиз, азизим, — жавоб берди Феджин, унинг кифтига қоқиб қўйишга журъат этиб. — Бу гапингиз мойдай ёқяпти-да, каминага.

— Мойдай ёқяпти денг! — вағиллади Сайкс. — Нимаям дердим, майли, екса ёқа қолсин.

— Ҳи-ҳи-ҳи! — гўёки бу гап кўнглини тинчитгандек, кулиб юборди Феджин. — Илгарилари қандоқ бўлсангиз, бугун худди ўшандоқсиз, Билл. Бутунлай ўшандоқ.

— Кифтимга манави қоқшоқ панжаларингизни қўйган пайтингизда мен ўзимни ўшандоқ ҳис қилмайман асло. Шундоқ экан, олинг уни, — деди Сайкс жуҳуднинг қўлини силтаб ташларкан.

— Бу жазавангизни кўзитяпти, Билл; наздимда, худди сизни ушлаб олишгандек бўлиб туюляпти шекилли-да, а? — деди Феджин хафа бўлмасликка аҳд қилиб.

— Назаримда елкамдан иблиснинг нақ ўзгинаси чангаллагандай бўлди, — жавоб қилди Сайкс. — Турқи ўзлариникига ўхшаган одам дунёга келганмас сира. Отангизники шунақа бўлган чоғимда, ҳозир оқ оралаган бўрғил соқолини жизгинак қилишаётгандир-ов. Еки, масалан, ўзлари ҳеч қанақанги ота-потасиз, нақ алвастидан туғилгандирсиз балки, борди-ю, шундоқ бўлганидаям тирноқчалик ҳайрон бўлмасдим.

Феджин ушбу тавсифга ҳеч нима деб жавоб қайтармади, лекин Сайкснинг энгидан тортиб, уларнинг гапга тушиб кетганларидан фойдаланиб шляпасини кийиб олган ва эндиликда хонадан чиқиб кетишга чоғланган Нэнсига ишора қилди бармоғи билан.

— Ҳей! — ўшқирди Сайкс. — Нэнси! Шу маҳалда бу қиз қаёққа отланиб қолди?

— Узоққамас.

— Бу қанақанги жавоб бўлди? — деди Сайкс. — Иўл бўлсин?

— Узоққамас, дедим-ку.

— Мен, қаёққа, деб сўраяпман! — ўдағайлади Сайкс. — Гапимни эшитяпсанми ўзи?

— Қаёққалигини ўзим ҳам билмайман, — жавоб берди қиз.

— Унда мен биламан, — деди Сайкс, қизни ташқарига чиқармасликка асосли сабаблари борлиги туфайлидан эмас, қайсарлиги сабаблидан. — Ҳеч қаёққа бормайсан!.. Утир!

— Мазам қочиб турибди. Буни айтгандим-ку сенга, — қаршилиқ билдирди қиз. — Биргас соф ҳавога чиқмоқчиман.



— Бошингни ойнадан чиқариб, нафас олавер, — жавоб қилди Сайкс.

— Кор қилмайди унда менга, — деди қиз. — Ташқарига чиқиб нафас олишим керак.

— Улиб қолмайсан! — жавоб қилди Сайкс.

Шундай деб у ўрнидан туриб бориб, эшикни қулфлади, калитини суғуриб олди-да, қизнинг бошидан шляпасини юлқиб, эски жавонга улоқтирди.

— Мана шундоқ, — деди газзоб. — Энди жойингга бориб, жимгина ўтир, эшитяпсанми?

— Шляпасиз ҳам чиқиб кетавераман, — деди қиз ранги қув ўчиб. — Сенга нима бўлди ўзи, Билл? Нима қилаётганингни биласанми ўзинг?

— Биласанми ўзинг дегин-а... Ҳо! — таажжуб билан деди Сайкс Феджинга юзланар экан. -- Буни қаранг, миясини еб қўйибди, йўкса, мен билан бунақанги гаплашишга богинолмасди.

— Бирорта ножўя, ишқал иш қилиб қўйишимга сабабчи бўласан бунақада, — гўлдиради қиз, худди жазавасини тийишга урингандек икки қўлини кўксига босиб. — Қўйиб юбор, эшитяпсанми... ҳозироқ... шу лаҳзадаёқ!

— Йўқ, — деди Сайкс.

— Феджин, айтинг унга, мени чиқариб юборсин. Яхшиси, чиқариб юборсин. Узи учун яхши бу. Эшитяпсанми гапимни? — дея қичқирди Нэнси депсиниб.

— Эшитяпсанми дегин? — деди Сайкс курсида ўтирган жойида унга бурилиб қараркан. — Агар тагин бир дақиқа гапингни эшитадиган бўлсам, кўппак шундоқ гирибонингдан олади-ю, ўша чийилдоқ овозингни ўчиради-қўяди. Нима жин урди сени, алвасти? Нима жин урди деяпман?!

— Чиқариб юбор мени, — деб туриб олди қиз икки оёғини бир кавушга тикиб ва эшик олдигинасида ерга ўтириб, қўшиб қўйди: — Билл, чиқариб юбор мени! Нима қилаётганингни ўзинг ҳам билмаяпсан. Ҳа, билмаяпсан... Атиги бир соатгагина... Чиқариб юбор! Чиқариб...

— Бу қизнинг мияси айниб қолмаган бўлса, майли, танамни бурда-бурда қилишларига ҳам тайёрман, — хитоб қилди Сайкс қизнинг елкасига қўполлик билан чанг солганча. — Тур ўрнингдан!

— Бу ердан чиқариб юбормайдиган бўлсанг... чиқармасанг... ҳечам... ҳечам турмайман!.. — чийиллади қиз.

Сайкс қулай фурсатни кутиб бир нафасгина қизга тикилиб турди, кейин бирдан қўлини қайирди-ю, қаршилигига парво қилмай чоққина қўшпи хонага сургаб кетди. У ерда қизни стулга ташлаб, қўлини қўйиб юбормай, ўзи ҳам ёнидаги курсига чўкди. Қиз то соат ўн иккига жом урилгунича дам юлқиниб, дам ялиниб-ёлвориб кўрди, вақт шу паллага етгач эса, чарчаб ва қолдан тойиб, ортиқ тихирлик қилмай қўйди. Сайкс беҳисобу бесаноқ койишлар билан бугун уйдан чиқишга ортиқ урина кўрма деб огоҳлантириб, уни тинчлансин учун ўз ҳолига қолдириб, Феджиннинг ёнига қайтди.

— Антиқа гап бўлди-ку! — деди томтешар бетидаги терни артаркан. — Ўлгудек галати қиз-да бу.

— Нимасини айтасиз, Билл... — ўйчан қиёфада жавоб қайтарди Феджин, — нимасиниям айтасиз.

— Сизнингча қандай, ярим кечада уйдан чиқиб кетиш хаёли калласига нимага ва қаёқдан кея қолдийкин? — сўради Сайкс. — Менга қаранг, уни менадан кўра яхшироқ биласиз-ку ахир. Бу қилиғи қанақа бўлди?

— Қайсарлик. Менимча, аёлларнинг қайсарлиги бу, азизим.

— Менимчаюм шунақага ўхшайди, — тўнғиллади Сайкс. — Уни гаҳ деса қўлга кўнадиган қўлбола қилиб олдим, деб ўйлагандим, аммо у ўша-ўша бир пақирга арзимайдиган ярамаслигича қопти.

— Ундан ҳам баттарроқ, — деди Феджин ўйчан. — Бунақанги арзимаган нарса учун шунақанги жазаваси тутишини сира кўрмагандим илгари.

— Мен ҳам, — деди Сайкс. — Ўйлайманки, қонида ўша иситма-безгакнинг асорати бормикин ҳалиям, а?

— Шунақага ўхшайди.

— Агар яна бир марта шунақанги қилиқ қиладиган бўлса, докторни овора қилиб ўтирмай, жиндаккина қонидан оламан-қўяман, — деди Сайкс.

Феджин бундай муолажани маъқуллагандек маънодор бош ирғаб қўйди.

— Уласи бўлиб қимир этмай ётганимда, сизга ўхшаган ёвуз бўривачча қорангизни кўрсатмай қочиб юрганингизда, у туну кун тепамдан кетмади, — деди Сайкс. — Бу камлик қилгандек, ҳеч вақосиз муҳтожликда қийналдик, ана шу нарса қийнаб, асабини қақшатмадимикин деб ўйлайман. Иннайкейин, узоқ вақт ҳеч ёққа чиқмай қамалиб ўтираверишдан шунақанги бетоқат бўлиб қолгандир, эҳтимол.

— Худди шундоқ бўлган, азизим, — шивирлаб жавоб қилди жуҳуд. — Секин.

У шу сўзни айтиб бўлиши билан қиз хонага кириб келиб, бояги жойига ўтирди. Қовоқлари шишиб, кўзлари қизариб кетганди; қиз орқага ва олдинга силкиниб-тебраниб, бошини силкиб турди-да, қўққисдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Мана, энди бошқа навони бошлади! — деди Сайкс ҳайрат-ла ўз суҳбатдошига тикилиб.

Феджин, қўявер, эътибор берма, деган маънода имо қилди ва бир неча дақиқа ўтгач, қиз ўзига келди. Феджин Сайксга, янги тутқаноқ хуружидан чўчимаса ҳам бўлади, деб шивирлаб, шляпасини олди-да, хайрли тун тилади. Эшик ёнига етганида пича тўхтаб, ўгирилиб қаради ва қоронғи зинапойни ёритиб юбормайсизларми бирорталарингиз, деб сўради.

— Чироқ тутиб юбор, — деди Сайкс трубкасини тўлатаётди. — Тагин қоқиниб кетиб қулоғи тагида қолиб, бундай томошага қизиқадиганларни доғда қолдирадиган бўлса жуда алам қилади-да. Шам тутиб юбор унга.

Нэнси шамни олиб, чолнинг кетидан зинапоядан туша бошлади. Даҳлизга тушганларида чол бармоғини лабига босиб, қизга яқинлашди-да, шивирлаб сўради:

— Нима бўлди, Нэнси, азизим?

— Нимани айтяпсиз? — қиз ҳам худди ўшандай оҳистагина сўради.

— Бу машмашаларнинг боисини сўраяпман, — жавоб қилди оҳистагина Феджин. — Агар-чи у, — қоқсуяк бармоғи билан тепани кўрсатди чол, — сенга бунақанги қаҳр қиладиган бўлса (ахир у фирт мол, Нэнси, ҳўкизни ўзгинаси-ку), унда нимага ҳалигиндай...

— Хўш? — деди қиз Феджин лабларини деярли қизнинг қулоғига қадаганча, афтига тикилган кўйи жим қолганида.

— Ҳозир бу ҳақда гаплашмай қўя қолайлик. Кейинроқ суҳбатлашармиз. Мени дўст деб бил, Нэнси, содиқ дўст. Менда ишончли ва беҳавотир воситаси бор бунинг. Мабодо сенга бир ит ўрнида муомала қиладиганлардан ўч олмоқчи бўлсанг — йўқ, итдан ҳам баттар, нега деганингда у баъзан итни эркалаб қўяди — менинг олдимга бор. Эшитяпсанми, олдимга боргин-а! Бу ярамасни билганингга атиги беш кунгина бўлди, мени эса кўпдан биласан, Нэнси.

— Ҳа, сизни жуда яхши биламан, — жавоб қилди қиз мутлақо хотиржам. — Яхши бординг.

Қиз Феджин қўлини қисиб хайрлашмоқчи бўлганида бир сапчиб ўзини четга олди, бироқ унга қатъий овозда хайрли тун тилади, яна чолнинг хайрмаъзур-ла боққан нигоҳига маънодор бош ирғаб, ортидан эшикни қулфлади.

Феджин чуқур ҳаёлга толиб уйи сари борарди. Унинг кўнглида аста-секин шубҳа — гарчанд бугунги машмаша бунинг исботи ўрнида хизмат қилган бўлса-да, нафақат шунинг учунгина — бу газзобнинг қўполлигидан қийналиб кетган Нэнси янги дўст орттириш пайига тушган деган шубҳа туғилиб, мудом қатъийлашиб бормоқда эди. Унинг муомаласидаги ўзгаришлар, уйдан тез-тез гойиб бўлишлар, қачонлардир ўзи шунчалар садоқатли бўлган шериклари манфаати-га қизиқсиниши бир қадар совишию эътиборсизлиги ва устига-устак, шу бугун оқшомги маълум соатда ўламан саттор уйдан чиқиб кетаман дейиши — ана шуларнинг жами унинг гумону тахминларини ҳақиқатга ўхшатиб, ақалли унинг учун ишончга айлантирган эди. Ушбу янги муҳаббат эгаси унинг шогирдларидан эмасга ўхшайди. Нэнсидай ёрдамчиси билан биргалашса у бебаҳо ўлжа бўлиши мумкин, шу боисдан (шу тахлит мулоҳаза юритарди Феджин) қизнинг маҳбубини фурсатни ўтказмай, дарҳол оғдириб олиш зарур.

Яна бошқа бир, тағинам жинояткорона мўлжални ҳам назардан қочирмас-

лик лозим. Сайкс кўп нарсадан хабардор, унинг кўполдан-кўпол масхарау истеҳзолари Феджинни, у қанчалик сир бой бермасин, озмунча ғижинтирмасди. Қиз шу нарсани яхши билиши керакки, борди-ю, Сайксни ташлаб кетадиган бўлса, ҳеч қачон унинг газабидан қочиб қутулолмайди. Бу газаб, шак-шубҳасиз, қизнинг янги муҳаббати эгаси бошига ёғилади, ушбу ҳол эса майиб қилишгача, эҳтимолки, ўлимгача олиб боради. «Қизни кўндиришга уриниб кўриш арзийдиган гап, — фикр юритарди Феджин, — уни заҳарлашга розилик беришим эҳтимолдан холи эмас сира. Бундай ниятларига эришиш учун аёллар бешбаттар ишларниям қилишган. Ана унда мен ўлгудек ёмон кўрадиган одам, хавфли газзоб йўлдан ғойиб бўлади; унинг ўрнини бошқаси эгаллайди, жинояти менга маълумлиги туфайлидан эса унга нисбатан бўлган таъсирим беҳад ортади».

Феджин томтешарнинг уйида ўтирган қисқа вақт орасида ана шу ўй-фикрлар миясидан чаппор уриб ўтган ва вужуди бу ўйлар билан банд бўлиб, кейинроқ, хайрлашув олдидан имконият туғилганидан фойдаланиб, бир неча муҳкам шамалар билан қизни синаб кўрганди. Қиз таажубланмади, бироқ ўзини гўёки унинг гапига тушунмаётган қилиб кўрсатди. Қиз ҳаммасини фаҳмлаганди. Хайрлашаётган пайтдаги нигоҳи яққол айтиб турарди буни. Аммо, балки Сайксни гумдон қилишни таклиф этганида қиз мутлақо рад этар; бу эса ҳаммиса у ёдда тутиши керак бўлган асосий мўлжаллардан бири эди. «Бу қизга бўлган таъсиримни қандай кучайтириб, жиловидан қандай маҳкамроқ тутсамикин?» — деб уйларди Феджин уйи томон сурғалиб бораётди.

Бу тоифадаги одамлар чора-тадбир топишга уста бўладилар. Айтайлик, Феджин қизни дилини ёришга мажбур қилиб ўтирмай, изидан пойлаб, унинг янги кўнгли қўйган кимсасини билишга уринади; ана унда борди-ю, қиз унинг ниятини рад этса, ҳаммасини Сайксга айтаман деб пўписа қилади (Сайксдан бўлса қиз қазилакам кўрқмайди). Хўш, шунда қизни рози қила олмасмикин?

— Албатта шундоқ қиламан, — пичирлаб қўйди Феджин. — Ана унда гапимни қайтаришга журъат этолмайди. Ҳечам, ҳа, ҳечам журъат этолмайди. Ҳаммасини пухта қилиб ўйлаб қўйдим. Дори кўлимда, чора-тадбир башанг, шаксиз ишга соламан барини. Куним битди деявер, жонинг менинг кўлимда!

У орқасига ўгирилиб, гамгин назар ташлаб, ўзидан чандон бора довурак аблаҳни ташлаб келаётган томонга мушт дўлайиб қўйди-да, бамисоли манфур рақибини ғижимлаётгандек, қоқсуяк панжалари билан йиртиқ ёпинчиги қатларини юлқиб, мижгилаганча ўз йўлига равона бўлди.

## XLV боб

### *Феджиннинг Ноэ Клейполга махфий топшириқ бергани*

Эртасига эрталаб чол барвақт туриб, янги ҳамтовоғининг келишини сабр-сизлик билан кута бошлади; у бўлса хийла кечикиб кириб келди-ю, кира солиб очофатлик билан нонушта қилишга ташланди.

— Болтер, — деди Феджин курсисини яқинроқ суриб, Морис Болтернинг рўпарасидан жой оларкан.

— Мана, каминалари ҳозир бўдилар, — жавоб қилди Ноэ. — Нима гап? То овқатланиб бўлгунимча гапга солмай туринг мени. Бу ерда сира бемалол-хотиржам овқатланишга вақт етмас экан, шуниси ёмон экан-да.

— Нима бало, бир вақтда ҳам гаплашиб, ҳам овқатланаёлмасизми? — сўради Феджин ичиди хушмуомала ёш дўстининг мечкайлигига лаънатлар ўқиб.

— Хўш, ҳалигиндай, гаплаша оламан. Гаплашиб турганимда қайтага ишим унумлироқ бўлади, — деди Ноэ нондан лўмбоздай бўлагини қирқиб оларкан. — Шарлотт қаёқда?

— Кетди, — жавоб берди Феджин. — Эрталаб уни бошқа ёш аёлга қўшиб жўнатдим, сабабки, сиз билан танҳо қолмоқчийдим.

— Эхе! — деди Ноэ. — Эсизгина, олдин унга нонни ёққа қоғуриб қўйишни буюрмабсиз-да. Ҳа, майли. Гапира қолинг. Менга халал бермайсиз.

Дарҳақиқат, ҳеч нима билан унга халал бериш хавфи йўққа ўхшарди, зотан у стол ёнига астойдил тер тўкиш ниятида ўтирган эди.

— Кеча бинойи ишладингиз, азизим, — деди Феджин. — Қойил, қилдингиз. Биринчи куниеқ олти шиллингу тўққиз ярим пенс. Қушчаларни тузоққа илинтириш бобида туппа-тузук бойлик ортириб оласиз.

— Бунга учта қалайи кружка билан сут соладиган кўзани қўшиб қўйишни унутманг-а, — деди мистер Болтер.

— Ҳа-ха, тўғри айтасиз, азизим. Кружка масаласига келсак — ўхшатиб ясалган, кўзага-ку, ҳаваси келади одамнинг.

— Назаримда, янги иш бошлаётган ҳаваскор учун чаккиямас бу, — деб қўйди мистер Болтер мағрурланиб. — Кружкаларни ровга илиб қўйган жойларидан ўмардим, кўза бўлса қовоқхона остонасида нақ мени ол, мени ол, деб турибди-да. Тагин ёгин-сочинда занглаб ёки, билсангиз, шамоллаб-памоллаб ўтирмасин дедим-да. А лаббай? Ҳа-ха-ха!

Феджин ўзини астойдил кулаётганга солди, мистер Болтер эса мириқиб қаҳ-қаҳ урганича олдинма-кетин бир нечта бўлакни оғзига ташлади ва биринчи лўмбоздек нон бўлагини мой билан еб битиргач, иккинчисига киришди.

— Болтер, мен учун битта ишни, ниҳоятда эҳтиёткорлик ва тиришқоқликни талаб қиладиган юмушни адо этишингиз керак, азизим.

— Менга қаранг, — деди Болтер, — тагин мени хавфли ишга ундаш ёки яна полицияхонага юборишни хаёл қила кўрманг-а. Бу сираям тўғри келмайди менга, шартта юзингизга айтиб қўйяпман буни.

— Ҳеч қанақанги хавотирли жойи йўқ, зиғирчалигам, — деди жуҳуд, — фақат бир аёлни кузатиш керак, колос.

— Вирорта кампирними? — сўради мистер Болтер.

— Еш жувонни, — жавоб берди жуҳуд.

— Бунақанги ишни қотириб ташлайман, — деди Болтер. — Мактабда жуда эпчил чақимчийдим. Хўш, нимага кузатаман уни? Тагин анавинақанги...

— Ҳеч нима қилмайсиз, фақат унинг қаерга боргани, ким билан учрашгани ва агар имкони бўлса, нималарни гаплашганини менга хабар қилиб турасиз, вассалом; агар кўча бўлса — қайси кўчалигини, агар уй бўлса — қайси уйлигини; кейин қандай маълумотни қўлга киритсангиз, ҳаммасини менга етказасиз.

— Хизматимга қанча ҳақ берасиз? — сўради Ноэ қўлидаги чинниоеқни қўйиб, ўз хўжасининг башарасига ҳарислик-ла тикилиб.

— Қойиллатиб эплаштирсангиз — бир фунт, азизим. Роппа-расо бир фунт, — деди Феджин уни айгоқчиликка қизиқтириб. — Ҳеч қанақанги фойда келтирмайдиган иш учун ҳеч қачон берганмасман бунча.

— Ким ўзи ўша жувон? — суриштирди Ноэ.

— Ўзимизникилардан бири.

— Е тангрим! — нидо солди Ноэ бурнини жийриб. — Демак, ундан шубҳаланаётган экансиз-да?

— У аллақанақанги янги дўстлар орттирибди, азизим, мен эсам улар кимлигини билишим керак, — жавоб қилди Феджин.

— Тушунаман, — деди Ноэ. — Мабодо улар ҳурматли одамлар бўлса танишш шарафига мушарраф бўлиш учунгина экан-да, а? Ҳа-ха-ха!.. Хизматингизга тайёрман.

— Розилнк беришингизни билгандим ўзим ҳам! — хитоб қилди Феджин ўз режаси муваффақиятли чиқаётганидан завқи ошиб.

— Албатта, шубҳасиз! — жавоб қайтарди Ноэ. — Қаерда у? Қаерда пойлашим керак уни? Қаерга боришим керак?

— Ҳаммасини ўзим айтаман сизга, азизим. Вақти-соати етганда уни ўзим кўрсатиб қўяман сизга, — деди Феджин. — Сиз шай бўлиб тураверингу бу ёгини менга қўйиб бераверинг.

Ўша куни оқшомгача ва кейинги икки кун мобайнида айгоқчи оёғида этик, Феджиннинг буйруғи билан ташқарига чиқишга шай бўлиб, аравакашлардай тўлиқ кийиниб ўтирди. Орадан олти оқшом — изтиробли, йилдай чўзилган олти оқшом ўтди. Ҳар гал Феджин уйга ҳафсаласи пир бўлиб, қовоқ-тумшуги осилиб кириб келар ва ҳали фурсати етгани йўқ, деб гапни қисқа қилиб қўя қоларди.

Еттинчи кун деганда у одатдагидан барвақтроқ, ҳаяжонини аранг яширганча пайдо бўлди уйда. Якшанба куни эди.

— Бугун уйдан чиқади у, — деди Феджин. — Имоним комил, худди ўша иш билан... Уззукун ёлғиз ўтирди уйда, у қўрқадиган одам бўлса саҳардан олдин қайтмайди. Юринг. Тезроқ бўла қолинг.

Ноз гинг демай ўрнидан сакраб турди, зеро жуҳуд шунақанги кучли ҳаяжонда эдики, бунинг таъсири унга ҳам юққанди. Улар уйдан писибгина чиқишиб, иланг-биланг, айланма жинқўчалардан зуд илгарилаб боришаркан, ахийри Ноз Лондонга ташриф буюрган куни тунаган қовоқхона қаршисида тўхташди, айғоқчи уни таниди.

Шу топда осат ўн бирдан ошган, эшик эса қулфлоглиқ эди. Феджин секингина ҳуштак чалганди, у шарпа чиқармай очилди. Улар астагина ичкари киришди-ю, кетларидан эшик ёпилди.

Феджин билан уларни ичкарига киритган ёш жуҳуд шивирлаб гаплашишга базўр ботиниб ва сўз ўрнига имо-ишора билан Нозга шапалоқдеккина ойнани кўрсатиб, ён хонада ўтирган аёлни кўриб олишни имлашди.

— Бу ўша жувонми? — эшитилар-эшитилмас қилиб сўради у.

Феджин «ҳа» деган маънода бош ирғади.

— Афтини тузукроқ кўролмаёйман-ку, — шивирлади Ноз. — У бошини эгиб олибди, шам бўлса орқа томонида.

— Сабр қилинг, — пичирлади Феджин.

У Барнига имо қилганди, йигит чиқиб кетди. Лаҳза ўтмаёқ у ён хонага кириб, тўё шамнинг сўхтасини олиб ташламоқчи бўлгандек зарур жойга суриб кўйди-да, қизни гапга солиб бошини кўтаришга мажбур этди.

— Энди кўряпман уни, — шивирлади айғоқчи.

— Аниқми?

— Минг одамни орасидан ҳам таниб олардим уни!

У тез пастга тушди, негаки хонанинг эшиги очилиб, қиз остонада кўринганди. Феджин айғоқчини хонанинг парда билан тўсилган бурчагига тортди ва икковлон қиз бир неча қаричгина нариларидан ўтиб, ҳозир ўзлари кирган эшикдан чиқиб қойиб бўларкан, нафасларини ичларига ютиб туришди.

— Жим! — деди уларга эшик очган йигит. — Вақт бўлди!

Шунда Ноз Феджин билан кўз уриштириб олиб, қовоқхонадан чопганча чиқиб кетди.

— Чапга! — қулогига шивирлади йигит. — Чапга қараб юринг, кейин кўчанинг у бетига ўтиб олинг.

Ноз худди шундай қилди ва фонуслар ёруғида анча нарида узоқлашиб бораётган қизнинг қорасини кўрди. Мудом кўчанинг нариги бетидан илгарилаб бораркан, у ўзи зарур ҳисоблаганича қизга яқинлаб борди, шунда кузатиши қулай бўларди. Қиз икки ёҳуд уч марта хавфсираб ўгирилиб қаради, бир гал орқасидан келаётган икки эркакни ўтказиб юбориш ниятида пича тўхтади ҳам. Чамаси, узоқлашиб боргани сайин у дадиллашаётганга ўхшарди, мана энди шахдам, ишонч-ла қадам босаяпти. Айғоқчи ўзи билан қиз оралигидаги бояги масофани сақлаган ҳолда, ундан кўзини узмай одимларди.

## XLVI боб

### Учрашув содир бўлди

Лондон кўпригида икки кишининг қораси пайдо бўлганида черков соати чораккам ўн иккига занг ура бошлади.

Олдинда, тез-тез шошилиноч одимлаётгани аёл киши бўлиб, худди бировни кутаётган ва излаётгандек тоқатсизлик билан атрофга алангларди; иккинчиси, имкони борича қоронғи, кўлага қуюқроқ жойлардан юришга ҳамда олисдан туриб аёлнинг одимига мослаб қадам ташлашга интилаётгани эса эркак киши эди. У аёл тўхтаганда тўхтар, юриши билан олға силжир, аммо таъқиб қизи-гида ҳам ўзига аёлга етиб олишга изн бермасди. Улар шу тариқа кўприк



орқали Мидлсексдан Сарри томонга ўтишди, шунда йўловчиларнинг юзларига хавотирланиб, тикилиб бораётган аёл, умиди рўёбга чиқмади чоғи, тўсатдан орқага қайтди. У қўққисдан орқасига бурилди, бироқ уни кузатиб келаётган одам гафлатда қолмади: кўприк устунлари оралигидаги камгаклардан бирига биқиниб, яхшироқ беркиниш учун панжара оша энгашган кўйи то аёл нариги бетдаги йўлқадан ўтиб кетгунича писиб тураверди. Аёл бояги масофачалик олдинга ўтиб кетганидан сўнг у панагоҳидан астагина чиқди-да, тагин жувоннинг изидан йўлга тушди. Жувон кўприкнинг деярли ўртасига етганида тўхтади. Шунда эркак ҳам тўхтади.

Тун зимистон, ҳаво бузук, бунинг устига бемаҳалда бундай жойда йўловчилар ниҳоятда кам эди. Сийрак йўловчилар чамаси на аёлни, на уни кўздан қочирмай, турган гапки, ўткинчиларга эътибор ҳам бермай келаётган эркакка парво қилмай, ёнларидан зипиллаганча ўтиб боришарди. Уларнинг қиёфалари тунагани бирор муздек ковак ёхуд эшик-деразасиз бирорта капани излаб ўша оқшом кўприкка тасодифан келиб қолган Лондон гадоларининг безорижон қилувчи шилқим нигоҳу диққатларини тортгундай эмасди. Ҳар икковлари ҳам жимгина туришар — ҳеч кимга гап қотишмас, йўловчилардан ҳам ҳеч бири уларга гап ташламасди.

Дарё узра булут янглиғ сузаётган туманда турли бандаргоҳларга келиб қўнган кичик-кичик кемаларда ёниб турган чироқларнинг қизғиш шуъласи янада қуюқлашар, соҳилдаги маҳзун иморатлар бешбаттар бадбинлашиб, чаплашиб кетгандай туюларди. Дарёнинг икки қиргогида қалашиб-уйқашиб, бир-бировига мингашиб кетган томлару раҳ-бўғотлар узра кўҳна, қурум босган омборхоналар вазмину бадқовоқлик-ла юксалиб, бамисли ғамнок бир қиёфада сувга термилиб тургандай, сув аса ниҳоятда қоралигидан ҳатто уларнинг ҳайбатли шакли-тарҳини акс эттиришга ожизлик қилаётгандай эди. Қоронғилик қаърида кўҳна Нажоткор ибодатхонасининг миноралари ҳамда Сент-Мангус черковининг минора найзаси — қадимий кўприкнинг азамат посбонлари—кўзга ташланиб турибди; аммо пастдаги кема мачталаридан ҳосил бўлган ўрмону юқоридаги чор атрофда бодрган черковлар мезана-миноралари деярли назардан яширинган.

Қиз ташвишланиб бир неча марта у ёқдан-бу ёққа бориб келди—ортидан айгоқчи ҳам муттасил кузатишда давом этди; ниҳоят авлиё Павел жомесининг залворли қўнғироғи яна бир куннинг умри тугаганидан дарак бериб бонг урди. Ғажум шаҳар узра ярим тун ўз чодрасини ёйди. Қасру саройларни, тунги майхоналарни, турмаю жиннихоналарни, етимхона, туғруқхонаю ўлимхоналарни, шифохонаю касалхоналар, қотиб-сарғайган мурдалар бетико тинчгина ухлаётган маъсум гўдакларни — жами-жамини тун ўз бағрига олди.

Соат занг урганидан икки дақиқача фурсат ўтмаёқ кўприк яқингинасида тўхтаган ёлланган извошдан ёш хоним билан нуроний жентльмен тушишди-ю, извошни жўнатиб юбориб, тўғри кўприкка қараб юришди. Улар кўприкка қадам қўйганлари ҳамоноқ қиз бир сесканиб тушди-ю, ўша ондаёқ уларнинг истиқболлига шошилди.

Қаршиларидан тўсатдан қиз пайдо бўлганида улар амалга ошиши амримаҳол алланималарнидир кутаётган бир қиёфада атрофга тикила-тикила илгариларга келинаётган эди. Улар ҳайратдан воҳ деганча тўхтаб қолишди, бироқ ўша замоноқ нафасларини ичга ютишди, негаки худди шу дамда шувдоқ ёнгиналаридан — ҳатто уларга сурканиб қишлоқча кийинган қандайдир бир одам ўтиб кетди.

— Бу ердамас! — деди Нэнси шоша-пиша. — Бу ерда сизлар билан гаплашгани кўрқаман. Юринглар... йўлдан нарироққа... манави зинадан пастга тушайлик.

Қиз шу сўзларини айтиб, қўли билан уларни бошлаб бормоқчи бўлган томонни кўрсатаётганида қишлоқи йигит орқасига ўгирилиб, қўполдан-қўпол қилиб, нимага энди бутун йўлкани эгаллаб олдинлар, деб тўнғиллаб, нари кетаверди.

Қиз кўрсатган зина Сарри томонда, Нажоткор ибодатхонаси жойлашган соҳилда бўлиб, дарё бандаргоҳи хизматини ўтарди. Қишлоқи йигитга ўхшаб кўринган эркак ҳеч кимга сездирмай ўша ёққа ошиқди ва бу жойга тезгина разм солди-ю, пастга туша бошлади.

Ушбу зина кўприкнинг бир қисми эди; у учта равоқдан иборат эди. Иккинчи равоқнинг охиридаги куйига қараб кетган тош девор сўл томонда, Темзага қараган нақшинкор тўрт қирра устун билан тугарди. Бу ерга келганда зинанинг куйи поялари кенгайиб кетарди, шу боис деворнинг бурилган жойи орқасига ўтиб олган одам, мабодо улар яширинган одамдан лоақал биттагина поя баландда туришган бўлса ҳам, зинадагиларга кўринмасди. Қишлоқи йигит худди шу жойга етиб келиб, теваракка тезгина кўз югуртирди ва ҳеч ерда бундан бўлак хилватроқ паноҳгоҳ кўринмагани, кейин сув қайтгани сабабли бемалол турса бўладиган жой борлиги важидан у шиппа ўшоққа бурилди-ю, нақшинкор устунга қапишганича, уларнинг пастга тушмасликларига мутлақо ишонган ҳолда кута бошлади; борди-ю, ҳатто гапларини эшитолмаган тақдирда ҳам йигит бутунлай бежавотир яна уларнинг изидан бориши мумкин эди.

Мазкур хилватгоҳда вақт шу қадар имилаб ўтаётган ва айғоқчининг ўзи кутганига бутунлай ўхшамаётган бу учрашув сабабини билишга шунчалик сабри чидамаётган эдики, бир неча марта ўзини ишни ютқизган ҳисоблашга ҳам тайёр бўлди ё улар анча тепада тўхташган, ё махфиёна суҳбат қургани бутунлай бошқа ёққа кетишган, деб қўйди ўз-ўзига. У энди панагоҳидан чиқиб, тагин тепага кўтарилишга шайланган ҳам эдики, тўсатдан одим шарпаларини, орқама-орқасидан эса нақ қулоғи теппагинасидан келган овозларни эшитиб қолди.

У деворга суянганча қаддини ростлади-да, даммини ичга ютиб, диққат-ла қулоқ сола бошлади.

— Бас, етар! — деди жентльмен, шубҳасиз бу ўшанинг овози эди. — Ойимқизнинг янаям нарига боришига йўл қўёлмайман. Сиз билан бу ерга унча-мунча одам ишониб келмасди, илло, кўриб турибсизки, мен сизнинг ихтиёрингизданман.

— Йўл қўёлмайман! — У кузатаётган қизнинг овози келди. — Ҳақиқатан ҳам жуда хушмуомала, мурувватли экансиз, сэр. Ихтиёримга қўйиб бериш-а! Ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ.

— Хўш, нима мақсадда, — деди жентльмен хийла мулоим оҳангда, — нима мақсадда бу ғалати ерга бошлаб келдингиз? Бизни бу зимистон ва пасқам жойга бошлаб келиш ўрнига ўшоқда, ҳам ёруғроқ, ҳам одамлар ўтиб турган тепада гаплашишимизга нимага йўл қўймадингиз?

— Боя айтдим-ку, ахир, — жавоб қилди Нэнси, — сиз билан у ерда гаплашгани кўрқаман деб. Нимагалигини билмайману, — титраб-қалтираб қўшимча қилди қиз, — мени шунақанги ваҳм босяптики, оёғимда аранг турибман.

— Ниманинг ваҳмаси? — деб сўради жентльмен, афтидан, қизга ачиниб.

— Ҳиммат ҳам билмайман, — жавоб қайтарди қиз. — Кошқийди билолсам. Кун бўйи ўлим тўғрисидаги даҳшатли ўйлар миямдан сира нари кетмади, кўзимга аллақанақанги қонга беланган кафан кўринаверди, вужудимни шунақанги ваҳима чулғаб олдики, алангайи оташ бўлиб ўртаниб кетдим. Кечқурун, вақт ўтсин деб қўлимга китоб олсам, сатрлари орасида тагин ўшанақанги нарсалар кўринаверди десангиз.

— Хаёлингизда шунақа кўринган, — деди жентльмен уни тинчлантириб.

— Йўқ, бу хаёл эмас, — деди қиз овози хириллаб. — Онт ичиб айтишга тайёрман, китобнинг ҳар битта саҳифасида катта-катта қора ҳарфлар билан ёзилган «тобут» сўзига кўзим тушаверди, бугун кечқурун бўлса шундоққина ёнимдан тобутни кўтариб ўтишди.

— Буни сира ҳайрон бўладиган жойи йўқ, — деди жентльмен. — Менинг ёнимдан ҳам тез-тез олиб ўтиб туришади уни.

— Сиз айтаётганингиз ростакан тобут, — эътироз билдирди қиз. — Буниси бўлса бошқача.

Қизнинг овозида шундай бир ғалати оҳанг бор эдики, у айтган сўзларни эшитганида биқиниб турган айғоқчининг терисидан қумурсқа ўрмалаб, эти музлаб кетгандай бўлди. Қизнинг тасаввури маҳсули бўлмиш бундай хаёлий рўёларни писанд қилмай, тинчланишга даъват этувчи ойимқизнинг товушини эшитгани дамда у шундай энгил тортиб кетдики, ҳеч қачон бунчалик ҳис этмаганди ўзини.



— У билан мулойимроқ гаплашинг, — деди оймқиз ўз ҳамроҳига. — Шўрликкина! Менимча, у жуда-жуда ташна бунга.

— Ўша сизнинг калондимоғ олижаноб одамларингиз, ўша танишларингиз, ҳозирги аҳволимни кўришса бурниларини жийришиб, дўзахи дошқозону жазодан ваъз айтиб, панд-насиҳат ўқишган бўларди! — хитоб қилди қиз. — Эҳ, жонгинам, нимага энди ўша ўзларини яратганнинг амри маъруфини бажо этувчи санайдиганлар биз аянчли махлуқларга худди сизга ўхшаб мулойим ва меҳрибонлик билан муомала қилишмайди? Ахир улар йўқотган нарсалар — ёшлик, хусн-латофатга эга сиздек одам жиндаккина мағрурлансангиз ярашарди-ку, аслида бўлса сиз улардан анчагина камсуқумроқсиз.

— Ой! — деб қўйди жентльмен. — Таҳорат олган турк саждага бош қўймоқлик учун қиблага юзланади, бу ёруғ жаҳон билан юзлашган паллаларидаёқ табассум бетларини бир умрга тарк этган тақводорлар эса албатта оламнинг энг қоронғи тарафига ўгирилиб оладилар. Вашарти, мусулмон билан бу мунофиқлардан бирини танлашга келганда, мен биринчисини танлаган бўлардим.

Афтидан, бу сўзлар оймқизга қаратилган эди ва эҳтимолки Нэнсининг ўзини босиб олишига имкон бериш ниятида айтилгандир. Ҳеч қанча вақт ўтмай жентльмен яна қиз билан гаплаша бошлади.

— Ўтган якшанба кечқурун келмадингиз бу ерга? — деди у.

— Келолмадим, — жавоб берди Нэнси, — зўрлик билан ушлаб қолишди мени.

— Ким?

— Оймқизга илгари айтган одамим.

— Умид қиламанким, сиз ҳақингизда бизни бу ерга етаклаб келган иш юзасидан бирор кимса билан музокара олиб боришда шубҳа уйғонмагандир уларда? — деб сўради кекса жентльмен.

— Йўқ, — жавоб берди қиз бош чайқаб. — Нимага кетаётганимни билмаса, ундан қутулиб чиқиш осонмас. Агар ўша гал унга чиқиб кетиш олдидан афюн қўшилган ичимлик бермаганимда оймқизга учрашолмаган бўлардим.

— У сиз қайтиб бормасингиздан бурун уйғониб кетибдими? — сўради жентльмен.

— Йўқ. На у, на улардан бирортаси мендан шубҳаланади.

— Жуда соз, — деди жентльмен. — Энди гапимга қулоқ беринг.

— Қулоғим сизда, — жавоб қилди қиз жентльмен бир лаҳза жим қолганида.

— Бу оймқиз, — дея гапини бошлади жентльмен, — менга ва хотиржам ишонса бўладиган баъзи дўстларига сиз деярли икки ҳафта бурун гапириб берган нарсаларни хабар қилди. Тан оламан, олдинига сизга тўлиқ ишонса бўлармикин, деган шубҳам бориydi, локигин эндиликда бунга аминман.

— Бўлади! — дея тасдиқлади қиз жўшқинлик билан.

— Такроран айтаман, аминман бунга. Сизга бўлган ишончимнинг исботи сифатида, чалғитиб-нетиб ўтирмай, очиғини айтиб қўя қолай, сир қандай бўлишидан қатъи назар, биз уни ўша Монксни қўрқитиб билиб олишни чамалашдик. Локигин, мабодо... мабодо, — сўзини давом эттирди жентльмен, — уни қулоқ туширишнинг иложи бўлмаса ёки борди-ю, қўлга туширсагу, аммо унга ҳақини ўйлаганчалик таъсир ўтказолмасак унда сиз жуҳудни фош қиласиз.

— Феджинни-я! — қичқириб юбораёзди қиз четга қараб сапчиб кетаркан.

— Ҳа, ўша одамни тутиб беришингиз керак, — деди жентльмен.

— Бундай қилмайман! Ҳеч қачон қилмайман бундай! — деди қиз ўзини йўқотаёзиб. — Гарчи у иблис бўлса ҳам, мен учун эса иблисдан ҳам баттар бўлса ҳам, ҳеч қачон бундай қилмайман.

— Қилмайсизми? — қайтариб сўради жентльмен, чамаси у бундай жавобга олдиндан ҳозирланиб қўйганга ўхшарди.

— Асло, — такрорлади қиз.

— Тушунтириб беринг менга — нима учун?

— Битта сабабдан, — қатъий жавоб берди қиз, — манави оймқизга маълум бўлган битта сабабдан, бундай қилолмайман; оймқиз менинг тарафимни олади, буни биламан, чунки унинг ваъдасига ишонаман. Кейин бошқа сабабиям бор: у қанчалик бемаъни ҳаёт кечирган бўлмасин, мен ҳам худди ўшандай бемаъни

яшаб келдим; кўпчилигимиз бир йўлда бирга қадам ташлаганмиз, бир қушга қушилганмиз, улардан истагани мени сотиши мумкин эди-ю, лекин қанчалик ярамас одам бўлишларига қарамай сотишмади, мен ҳам сотмайман уларни.

— Ундай бўлса, — асли муроиди ҳам худди шу экандай, ўша заҳотиёқ деди жентльмен, — Монксни менинг қўлимга топширгину у билан гаплашишни ўзимга қўйиб беринг.

— Мабодо у бошқаларни сотадиган бўлса-чи?

— Сўз бераман сизга, агар ундан ҳаққоний иқрорини оладиган бўлсак, иш шу билан тугайди-ю, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Оливернинг қисқагина ҳаётда шубҳасиз ошкор этиш оғир ҳолатлар бор, шунинг учун мабодо ҳақиқатга етадиган бўлсак, айтган одамларингиз ҳеч қанақанги жазо тортмайдилар.

— Борди-ю бунга эришолмасангиз-чи? — сўради қиз.

— Унда, — сўзини давом эттирди жентльмен, — ўша Феджин сизнинг розилигингизсиз судга берилмайди. Уйлайманки, у қолда сизга шундай далил-исботларни келтиришим мумкинки, улар сизни ён беришга мажбур қилади.

— Ойимқиз ҳам шундай сўз берадими? — сўради қиз.

— Ҳа, — жавоб берди Роз. — Ваъда бераман сизга!

— Монкс буларнинг ҳаммаси сизга қаёқдан маълум бўлганини билмай-дими? — деб сўради қиз бир нафас жим қолгач.

— Ҳеч қачон, — жавоб берди жентльмен. — Бу маълумотларни унга шундай йўсида етказиладики, калласида биронта шубҳага ўрин қолмайди.

— Мен ёлғончидим, ёш болалигимданоқ ёлғончилар орасида яшаб келганман, — деди қиз яна жиндаккина тин олгач, — лекин сизнинг сўзингизга ишонманам.

Қиз ҳар иккалаларидан қатъий ишонса бўладиган ваъда олгач, паст товуш билан, — пинҳона қулоқ солаётган айғоқчи бир неча бора унинг сўзлари маъносини зўр қийинчилик-ла тушуниб қолди, — ҳикоясини бошлаб, шу кунни кеч-қурундан эътиборан ўзини кузатишга тушишган қовоқxonанинг қаерда жойлашгани ва номини тилга олди. Унинг гоҳо-гоҳо тўхтаб қолаётганига қараганда, гўёки жентльмен апил-тапил қиз айтган ахборотларни ёзиб олаётгандек туюлиши мумкин эди. Қиз мазкур қовоқxonанинг жамики белгию аломатларини, Монкснинг диққатини тортмай туриб кузатса бўладиган энг қулай жойни, одатда унинг қайси кунлари ва қайси соатларда қовоқxонага келишини ҳафсала билан сўзлаб бераркан, гўёки у Монкснинг афти ва қилиқларини хотирлашга уриниб бир неча лаҳза ўйланиб қолгандек бўлди.

— У баланд бўйли, — деди қиз, — бақувват, қоматдор, лекин семизмас; у гўёки юрмайди, балки писиб келаётганга ўхшайди; юрган йўлида дам-бадам елкаси оша олдин бир томонга, кейин бошқа ёғига алаинглаб қўяди. Шунисини эсдан чиқармангки, кўзлари ўрадай ўпирилган, бунақа косасига чуқур жойлашган кўзни бошқа ҳеч кимда кўрмаганман, ўйлайманки, битта шу белгисини ўзиданоқ уни таниб олишингиз мумкин. Юзи буғдойранг, сочи кўзлари қора; ёши йигирма олти—йигирма саккизлардан ошмаган бўлса ҳам, кўриниши ҳорғин ва маъюс. Лаблари рангпар ва кемтилганга ўхшайди, нега деганингизда жудаям қўрқинчли тутқаноғи тутиб туради, баъзида қатто қўлларини қонаб кетгунича тишлаб ташлайди. Нимага сесканиб кетдингиз? — деб сўради қиз тўсатдан гапи оғзида қолиб.

Жентльмен ошиғич, сизга шундай туюлгандир, деб жавоб қайтарди-да, ундан ҳикоясини давом эттиришни сўради.

— Сизга гапириб берган бу белгилардан бир қисмини ўша уйда турувчилардан сўраб-суриштириб билдим, нега десангиз, ўзим уни бор-йўғи икки марта кўрганман, холос, иккаласидаям кенг ёпинчиққа бурканиб олганди. Уни танишингиз учун керак бўладиган ва мен сизга айтиб бера оладиганим мана шулар чамаси. Айтмоқчи, шошманг! — қўшиб қўйди у. — Бўйнида, галстугининг остида, бошини бурган пайтларида...

— Каттакон қизил нори бор, худди қуйган жойга ўхшайди-а? — қичқириб юбораёзди жентльмен.

— Қандай?.. — деди қиз. — Сиз уни таниркансиз-да!

Ойимқиз ҳайратдан воҳ деб юборди ва ҳаммалари бир неча ои шунчалик тек қолишдики, айғоқчи уларнинг нафас олишини аниқ-тиниқ эшитиб турди.

— Назаримда шунақага ўхшайди, — деди жентльмен жимликни бузиб. — Сизнинг тасвирингизга қараб таниб оларман уни. Яна кўрармиз. Бир-бировига бир олманинг икки палласидек ўхшаб кетадиган одамлар кўп. Эҳтимол, у эмас-дир.

У ясама бепарволик билан шундай деб, биқиниб турган айғоқчи томон икки қадам ташлади, буни эса айғоқчи жентльменнинг: «Шубҳасиз ўша!» дея гўнгиллаб қўйгани аниқ эшитилганидан фаҳмлаши мумкин эди.

— Сиз, азизим, — деди жентльмен, овози қандоқ эшитилганига қараганда бояги жойга қайтганди у, — бизга ниҳоятда катта хизмат қилдингиз, шу боис яхшилигингизга яхшилик билан жавоб қайтарсам, деган ниятдаман. Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Ҳеч қандай, — жавоб қилди Нэнси.

— Ужарликни қўйинг, — деди жентльмен, овози ва сўз оҳангида шу қадар кўнгилчанлик ҳамда эзулик уфуриб турардики, бу қизнинг юрагидан кўра минг қарра мегинроғу шафқатсизроқ қалбларни ҳам эритиб юборгудек эди. — Уйлаб кўриб, тортинмай айтаверинг.

— Ҳеч қандай, сэр, — йиги аралаш деди қиз. — Менга ҳеч нима билан ёрдам беролмайсиз. Ортиқ ҳеч қанақанги орзу-умидим қолмади, ҳаммаси чилчил бўлди.

— Сиз ўзингизни ўзингиз маҳрум эътиқсиз ундан, — деди жентльмен. — Сиз то шу кунгача ҳаллоқи олам биз бандаларига бир маротаба ато этадиган, кейин ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бебаҳо казина — ёшлик куч-қувватингизни беҳуда исроф қилиб келгансиз, холос. Келажак борасига келганда эса, умидвор бўлишингиз мумкин. Мен сизнинг юрагингиз ва қалбингизга ором ато этиш бизнинг ҳукмимизда демоқчи эмасман, зеро ором уни излаган одамнинг вужудига қўнади; аммо Англияда ёхуд, агар бу ерда қолишга қўрқсангиз, бирор бўлак юртдан сизга тинчу осуда бошпана топиб бериш қўлимиздан келадигина эмас, балки эзгу истагимиздир. То тонг ёришгунича, ҳали бу дарё илк қуёш нурлари билан юз кўришиб уйғониб улгурмасидан, худди бир лаҳзада ер юзидан ғойиб бўлгандек, ҳеч қандай из қолдирмай, сиз илгариги ошналарингизнинг қўли етмайдиган жойда бўласиз. Юринг, кетдик! Ушоққа қайтиб боришингизни, собиқ ҳамтовоқларингиздан бирортаси билан лоақал бирон оғиз гаплашишингизни, эски масканингизга қиё боқишингизни, ўзингизни ҳалокат ва ўлим чоғи ёқасига элтувчи ўша ҳаводан нафас олишингизни истамайман. Токи вақт ҳамда имконияти бор экан, барининг баҳридан ўтинг!

— Ҳозир кўндирса бўлади уни! — нидо солди ойимқиз. — Имоним комилки, иккиланиб турибди у.

— Ундоқмасдир деб қўрқаман, жонгинам, — деди жентльмен.

— Тўғри айтяпсиз, сэр, мен иккиланаётганим йўқ, — жавоб берди қиз қисқа фурсатлик ички олишувдан сўнг. — Мен илгариги ҳаётимга кўринмас занжирлар билан чамбарчас кишанланиб ташланганман. Ҳозир ҳаётим кўзимга жирканч ва қабиҳ кўриняпти, лекин уни бари бир ташлаёлмайман. Чамамда, қайтиб чиқолмайдиган даражада олислаб кетган кўринаман бу кўйда, лекинига, яна билмадим: агар сиз менга шу тўғрида илгарироқ гапирганингизда хандон ташлаб кулган бўлармидим. Мана, тагин дилимни ваҳм босяпти, — қўшиб қўйди у апил-тапил атрофга аланглаб. — Уйга кетишим керак.

— Уйга! — дея урғу бериб такрорлади ушбу сўзни ойимқиз.

— Уйга, хоним, — жавоб қилди қиз. — Умр бўйи тер тўкиб ўзим учун қурган уйимга. Хайрлашайлик энди. Мени орқамдан пойлаб келишлари ёки кўриб қолишлари мумкин. Боринглар! Бора қолинглар! Агар ороққина ёрдамим теккан бўлса, сизлардан биттагина илтимосим бор — ўз ҳолимга қўйинглар, ўз йўлимдан боришимга халақит берманглар.

— Бунинг бари беҳуда уриниш, — деди жентльмен хўрсиниб. — Балки бу ерда тураверадиган бўлсак уни хавф-хатарга қўярмиз. Чамаси, мўлжаллаганидан кўра кўпроқ тутиб қолган кўринамиз.

— Ҳа, ҳа, — гапни илиб кетди қиз. — Анча тутиб қолдинглар.

— Бу шўрлик жоннинг пировард кўргилиги нима бўларкин?! — деди ойимқиз тўлқинланиб.

— Кўргилиги нима бўларкин? — такрорлади қиз. — Тўғрингизга бир қаранг-а, ойимқиз. Манави қоп-қора сувга қаранг. Орқасида бирорта унга қуядиган, унга аза тутадиган кимсаси бўлмаган менга ўхшаганларнинг ўзини сувга отгани тўғрисида китоблардан неча-неча марталаб ўқимаганмисиз ахир! Эҳтимол, йиллар, балки ойларгина ўтар, лекин бари бир пировард-оқибатда мен ҳам бундан қочиб қутулолмайман.

— Утинаман сиздан, бундай деманг, — деди ойимқиз пиқиллаб.

— Сиз буни ҳеч қачон эшитмайсиз, ўргилай ойимқиз, бунақанги даҳшатни худойимнинг ўзи эшитгулик қилмасин сизни! — жавоб қилди қиз. — Хайр, яхши қолинглар!

Жентльмен тескари қараб олди.

— Мана ҳамён! — деди ойимқиз ҳаяжонланиб. — Мени десангиз оласиз, зорикиб қолган пайтларингизда сзгина бўлса ҳам эм бўлар.

— Йўқ! — деди қиз. — Мен бу ишни пул деб қилганим йўқ. Буни доим эсда сақласам дейман. Лекин... ўзингизнинг бирорта буюмингиздан бера қолинг, ҳа, бирорта буюмингиз бўлсин менда... Йўқ, йўқ, узунгизнимас... қўлқопингиз ёки дастрўмолчангизними... шунга ўхшаган сиздан эсдалиқ бўладиган бирорта нарсангизни, ойимқизгинам... Мана, бўлди! Илоё бахтли бўлинг! Худойимни ўзи ярлақасин сизни! Яхши қолинглар, хайр!

Қизнинг, мабодо кўриб қолгудек бўлсалар дўппослайдилар, дея қаттиқ ҳаяжонланиши, афтидаи, жентльменни қизнинг илтимосини адо этишга ундаганди. Мана, узоқлашиб бораётган одим шарпаси эшитилди-ю, гўнғир-гўнғир овозлар тиңди.

Ҳадемай кўприқда икки кишининг қораси — ойимқиз билан унинг ҳамроҳи кузга ташланди. Улар зинанинг юқориги майдончасида тўхташди.

— Тўхтанг-чи! — деди ойимқиз қоронғиликка қулоқ тутиб. — У худди бизни чақиргандек бўлди! Қулогимга унинг овози чалингандек бўлди.

— Йўқ, азизим, — жавоб берди мистер Браунлоу орқасига ғамгин ўгирилиб қараркан. — Ҳалиям ўша жойида қимирламай турибди, то биз кетмагуни-мизча жойидан жилмайди ҳам.

Роз Мэйли имирсиларди, бироқ кекса жентльмен унинг қўлини ушлаб, ўз қўлтигига қистирди-да, меҳрибонлик билан, аммо қатъий тарзда бошлаб кетди. Улар кўздан йироқлашишлари ҳаманоқ қиз тош зинага таппа ўзини ташлаб, деярли чалқайиб ётгудек бир ҳолатда, аччиқ-аччиқ йиғлаб, дард-аламга тўла юрагини бўшатишга тушди.

Орадан бирмунча вақт ўтган, у ўрнидан турди-да, гандираганча, энтак-тентак қадам ташлаб, тепага — кўчага кўтарилди. Ҳайрат ичра данг қотган айгоқчи ўз хилватгоҳида тагин бир неча дақиқа қимир этмай туриб қолди, кейин теварак-атрофга эҳтиёткорлик билан бир неча бор кўз ташлаб, ўзи танҳо эканига ишонч ҳосил қилгач, аста панагоҳидан чиқиб, худди бу ёққа тушиб келганидагидек, девор соясидан писганча зинадан кўтарила бошлади.

Ноз Клейпол зинанинг энг юқори поясига етган, биров кузатмаётганмикин деб кўрқа-писа орқасига кетма-кет аланглаб олди-ю, оёгини қўлига олганича жон-жаҳди ила жухуднинг уйи сари зинғиллади.

## XLVII боб

### Машғум оқибат

Кўчалар сув қўйгандек жимжит ва бўм-бўш бўладиган, ҳатто товушлар ҳам бамисоли уйқуга кетгандек, фаҳш ҳамда айшу ишрат гандираганча дам олгани масканига қайтаётгандек туюлувчи, куз фаслида ҳақли равишда ярим кеча деб атаса бўлувчи, тонг отгунига қадар икки соатлар чамаси фурсат қолган сахар палласи. Ана шу сокину осуда паллада Феджин ўзининг кўҳна уйида афт-башараси бужмайиб, ранг-қути ўчган, кўзларига қип-қизил қон қуйилганча

бедор ўтирибди, бу қиёфасида у одамдан кўра зах лаҳаддан чиқиб келган, кўксини ёвузлик тирнаётган манфур арвоҳга ўхшаб кетарди.

У ўчоқ олдида эски, йиртиқ аёлга ўраниб, ёнгинасидаги столда эриб тугаётган шамга юзланганча букчайиб ўтирибди. Уй гирдобига толган кўйи ўнг қўлининг ўсиқ, қоп-қора тирноғини мужияпти, милклари оралигида ит ёки каламушникига ўхшаган бир нечта сўйлоқ тиши кўриниб турибди.

Хона саҳнида, тўшақда Ноз тош қотиб ухлаб ётибди. Аҳён-аҳёнда чолнинг нигоҳи унга қадалиб, тагин шамга қайтади, шамнинг сўхтаси деярли икки букилиб тушгани, эриган қайноқ мумнинг столга томчилаётгани эса қариянинг хаёли олисларда чаппор уриб юрганидан далолат беради.

Аслида ҳам худди шундоқ эди. Ажойиб режасининг пучга чиқиши боисидан тугилган алами, етти ёт бегоналар билан алоқа боғлашга журъат этган қизга бўлган нафрати, қизнинг уни сотишни рад этгани самимий эканлигига мутлақо ишонмаслик, беҳудуд умидсизлик (зотан, Сайксдан қасдини олиш имконидан ажраганди у), фош бўлиш хавфи, ҳалокат, ўлим ва бетизгин қутуришу васваса — жамикиси Феджиннинг миёсида чарх урар, иблисона, ашаддий ёвузона фикрлару гараз дил-дилини кемирарди.

У ҳолатини бузмай, қилт этмай ўтирибди, токи сезгир қулоғи кўчадаги одим шарпаларини илиб олгунига қадар қанчалар узоқ ўтириб қолганини гўёки пайқамаетгандек эди.

— Ниҳоят-э! — дея мингиллаб қўйди у қуруқ, қовжирок лабларини артаркан. — Ниҳоят келди-е!

Унинг оғзидан ушбу сўз чиққан маҳалда кўнғироқча оқистагина жингиллади. Феджин зинапоядан шарпа чиқармай эшик ёнига кўтарилди ва иягигача бурканиб, тугун қўлтиқлаб олган аллақандай одамни бошлаб қайтди тезгина. Ўтира солиб пальтосини ечганди, бу девқомат одам, Сайкс бўлиб чиқди.

— Мана! — деди у тугунни столга қўйиб. — Буни ўзингиз эплаштирингу мўмайроқ ундиришнинг йўриғини қилинг. Қўлга киритгунча озмунча овора бўлинмади: бу ерга уч соатча бурунроқ келарман деб ўйлагандим.

Феджин чурқ этмай тугунни олди-да, жавонга беркитиб қўйиб, яна жойига ўтирди. Бу орада сира газзобдан кўзини узмади; мана ҳозир икковлари рўпарамарўпара ўтиришганидан кейин ҳам чол йигитга ўқдай тикиларкан, лаблари пир-пир учарди, ҳаяжонланганидан афти шунчалар ўзгариб кетгандики, том-тешар беихтиёр ўтирган курсисини орқароққа суриб, чинакам қўрқув-ла бақрайиб қолди унга.

— Нима бўлди? — шангиллади Сайкс. — Намунча тикилиб қолдингиз мена?

Феджин ўнг қўлини баланд кўтариб, титроқ кўрсаткич бармоғини силкиб дағдага қилди-ю, бироқ ҳаяжони зўрлигидан бир сония тили калимага келмай турди.

— Минг лаънат! — ўшқирди Сайкс безовта қиёфада қўйнидаги алланарсанни пайпаслаб. — Ақлдан озганми дейман бу. Сергак бўлишим керакка ўхшаб қолди-ку.

— Йўқ! — эътироз билдирди Феджин тилга кириб. — Бу унга муносибмас... сиз ундай одаммассиз, Билл. Мен ҳеч қандай... ҳеч қанақанги айбингизни билмайман.

— Билмайман ден! Шунақами ҳали! — деди Сайкс унга еб юборгудек ўкрайиб ва кўзи олдида тўппончасини чиқариб, устироқдаги бошқа чўнтагига солиб қўяётиб. — Бу сабил икковимиздан биримизга боп. Қай биримизга боп эканининг бўлса — аҳамияти йўқ.

— Билл, сизга битта гапни айтишим керакки, — дея гап бошлади Феджин курсини яқинроқ суриб, — эшитиб мендан кўра бешбаттар аҳволга тушасиз.

— Шундоқми? — ишонинқирамай жавоб қилди газзоб. — Гапиринг! Тезроқ бўлинг, йўқса Нэнси мени гумдон бўлиб кетди деб ўйлайди.

— Гумдон бўлди! — деди Феджин энтикиб. — Унинг учун бу масала ҳал бўлган аллақачон.

Сайкс тасвирга тил лол қоларли бир ҳайрату эсанкираш-ла жуҳудга боқди

ва ушбу жумбоқнинг бўлак қониқарли ечимини топа олмай, паншахадай қўллари билан ёқасидан гиппа бўғиб, астойдил силкилади.

— Гапира қолсангиз-чи, ахир! — ўшқирди у. — Агар тилга киравермасангиз, ҳаш-паш дегунча бўлмай гиппа гирибонингиздан оламан-қўяман. Қани, бўла қолинг, очиқ-ойдин, лўнда қилиб тушунтирсинлар-чи! Гапиринг, лаънати қари кўп-пак, гапиринг дейпман!

— Масалан, айттайлик, анави ерда ётган йигитча... -- деди Феджин.

Сайкс. худди илгари пайқамангандек, Ноэ ухлаб ётган томонга ўгирилиб қаради.

— Хўш? — деди у тагин бояги ҳолатига қайтиб.

— Масалан, айттайлик, ана шу йигитча, — гапини давом эттирди Феджин, — сотишни хаёл қилиб қолди дейлик... ҳаммамизни тутиб бериш ниятида олдинига қўл келадиган одамларни топиб, ана ундан кейин бизнинг қиёфамизни, бизни қўлга олишлари учун зарур бўлган ҳамма белгиларимизни тасвирлаб, ҳаммадан кўра бизни осонроқ қўлга туширса бўладиган жойни айтиб бериш учун ўшалар билан кўчада учрашишни келишиб олган, дейлик. Фараз қилайлик, у ана шуларни амалга оширишни ўйлаб қўйди, бунинг устига биз ҳаммамиз озми-кўпми алоқадор бўлган бир ишни фош қилишни ўз инжиқлиги туфайлидан дилига тугиб қўйди, дейлик; руҳонийнинг ундови билан эмас ёки қуруқ нон-сувга кунини қўйиб эмас, йўқ, ўз бемаъни тантиқлиги оқибатида, ўз ҳаловатини ўйлаб; яширинча, тагин тунд, ҳаммадан кўра кўпроқ бизга қарши тиш қайраб, яниб юрган одамларни излаб топиб, ўшаларга чақимчилик қилди, дейлик. Гапларимни эшитяпсизми ўзи? — деб чинқирди жуҳуд кўзларидан ғазаб учқунлари чақнаб. — Фараз қилайлик, у ана шу нарсаларни бажарди. Унда нима бўлади?

— Унда нима бўлади? — дея такрорлади Сайкс қўланса қилиб сўкиб қўйгач. — То мен келгунимча тирик қолган бўлса, этигимнинг нағалли пошнаси билан бошида нечта сочи бўлса мия косасини шунча бўлак қилиб қиймалаган бўлардим.

— Борди-ю, мен шундай қилган бўлсам-чи? — фарёд уриб юбораёзди Феджин. — Мен, шунча нарсадан хабардор ва аллақанча одамни, ўзимни ҳисобга олмаганда, дор остига етаклаб борадиган мендай бир кимса қилганида-чи?!

— Билмадим, — жавоб қилди Сайкс тишини-тишига босиб, кўнглида тугилган бир гумондан ранги қув оқариб. — Авахтада шундай бир нағма кўрсатардимки, қўлимга кишан уришарди, ана ундан кейин мени таксиримни ўзлари билан бирга суд қиладиган бўлишса, судда ўша кишан билан ўхшатиб тушириб, миянгизни пачақ-пачақ қилиб, қатигини ўйнатиб юборардим. Каллангизни ғақ уйиб юк ортилган арава пачақлаб ўтгандай янчиб ташлашга кучим етади бемалол, — тўнғиллади газзоб мушакдор қўлларини баланд кўтариб.

— Шундоқ қилган бўлармидикгиз ростдан?

— Ростдан қилармидикгиз дейсизми? — қайтариб сўради томтешар. — Синаб кўра қолинг бўлмаса.

— Агар бу Чарли бўлса-чи, ёки Туллак, ёки Бет, ё...

— Ким бўлсаям бари бир менга! — тоқати тоқ бўлиб жавоб қилди газзоб. — Ким бўлганидаям, худди шундоқ, калласини аталасини чиқарардим.

Феджин талончига тикилди ва унга жим бўлишни ишора қилиб, хона саҳнига тўшалган тўшак устига энгашди-да, ухлаб ётган йигитчани уйғотиш ниятида силкита бошлади. Сайкс қўлларини тиззасига қўйиб олдинга энкайган қўйи, бу савол-жавобу тайёргарликларнинг баридан мурод нима эканини фаҳмлаёлмай ҳайрон эди.

— Болтер, Болтер дейман! Вечора бола! — деди Феджин жумбоқнинг ечимидан лаззат топиш хаёлида қаҳрли чақнаган кўзларини кўтариб, бафуржа ҳамда маънодор таъкидлаб. -- Чарчаган у... узоқ кузатиб, уни узоқ кузатиб... ҳа, уни кузатиб чарчаган, Билл!

— Нима деганингиз бу? — сўради Сайкс ўзини курси суянчигига ташларан.

Феджин ҳеч нима демади ва тагин ухлаётган йигит устига энгашиб, қўтариб ўтқазиб қўйди уни. Ўзи янгидан танлаган исм-шарифи бир неча бор так-

роплангач, Ноэ кўзларини ишқалаб, чўзиб ҳомуза тортиди-да, уйқусираб аланглай бошлади.

— Менга ҳаммасини яна бир марта гапириб беринг, бу киши ҳам эшитсин, — деди жуҳуд Сайксни кўрсатиб.

— Нимани гапириб бераман? — деди уйқусираб Ноэ, норози қиёфада мудрогини ҳайдаб.

— Анави... Нэнси тўғрисида гапириб беринг, — деди Феджин, тагин гапни охиригача эшитмай уйдан отилиб чиқиб кетмасин учун Сайкснинг қўлидан ушлаб. — Унинг изидан пойлаб бордингизми ўзи?

— Ҳа.

— Лондон кўпригигачами?

— Ҳа.

— Уша ерда у икки киши билан учрашдими?

— Балли, шундоқ...

— Ўз хоҳиши билан илгарироқ жентльмен ва хонимга учрашган, улар бўлса Нэнсига ҳамма дўстларини, биринчи навбатда Монксни сотишни таклиф қилишган, қиз худди шундоқ қилган ҳам; биз қаерда йиғилишадиган ва бориб турадиган уйни ҳам сўрашган, у буни ҳам айтган; кейин Монксни писиб туриб кузатиш қулай жойни сўрашган, қиз буни ҳам айтиб берган; у ерда қай пайтда жам бўлишимизни суриштиришган, қиз буни ҳам сотган. Ҳамма-ҳаммасини сотган. Ҳеч қанақанги дағдаға қилишмаган бўлса ҳам, ўз ихтиёри билан ипидан-игнасигача гапириб берган у. Шундоқ қилдими у ё йўқми? — қичқирди Феджин ғазабдан телбаланиб.

— Тўппа-тўғри, — жавоб қилди Ноэ бошини қашиб. — Ҳаммаси худди шундоқ бўлди!

— Анавилар ўтган якшанба тўғрисида нима дейишди?

— Ўтган якшанба тўғрисида дейсизми? — хиёл ўйлаб туриб сўради Ноэ. — Ахир айтгандим-ку сизга.

— Яна бир марта. Тагин бир марта гапириб беринг! — қичқирди Феджин бир қўли билан Сайксни қаттиқроқ ушлаганча, иккинчисини паҳса қилиб ўйнатаркан, оғзи бурчида кўпик пайдо бўлиб.

— Уша икковлари ундан сўрашди... — деди Ноэ, гўёки у уйқуси таркагани сайин Сайкснинг кимлигини англаб бораётганга ўхшарди, — икковлари ундан шартлашилганидай ўтган якшанба куни нимага келмаганини сўрашди. У: «Иложини қилолмадим», — деди.

— Нимага? Нимагалигини айтинг бунга.

— Нимага деганда, уни Билл деган одам — уларга илгарироқ гапириб берган одам — зўрлик билан ушлаб қолибди, — жавоб берди Ноэ.

— Бунинг тўғрисида яна нималар деди? — чийиллади Феджин. — Уларга илгари гапириб берган одами тўғрисида тагин нималар деди? Шунини айтинг бунга, айтиб беринг бунга!

— Ҳалиги, агар қаёққа кетаётганини у билмаса уйдан чиқиб кетиши осон-маслигини айтди, — деди Ноэ, — шуничун биринчи гал, хонимнинг ҳузурига борганида у ўша одамга — шундай деганида тоза кулгимни қистатди-да ўзиям! — афюн қўшилган ичимлик ичирибди.

— Минг лаънат! — ўкириб юборди Сайкс қутуриб, жуҳуднинг қўлидан чиқмоқчи бўлиб юлқиниб. — Қўйворинг мени!

Чолни итқитиб юбориб, у хонадан отилиб чикди-ю, ғазабдан ўзини йўқотиб, зинадан пастга югуриб тушиб кетди.

— Билл, Билл! — бақирди Феджин орқасидан югурганча. — Бир оғиз гап! Бир оғизгина гап бор!

Газзоб эшикни оча олганида бу гап айтилмаган бўларди. Жуҳуд энтикканча етиб борганида у кучи ва сўкишларини беҳуда исроф қилиб, ҳадеб эшикни очишга уринарди.

— Чиқариб юборинг мени! — ўдағайлади Сайкс. — Жонингиздан умидингиз бўлса, гапга солманг. Сизга айтяпман, чиқариб юборинг тез!

— Қулоқ солинг, бир оғизгина гап, холос, — эътироз билдирди Феджин қўлини қулф устига қўяр экан. — Тагин сиз...

— Хўш?! — деди газзоб.

— Тагин... жудаям ҳалигидақанги жазовага тушиб, ваҳшийлашиб кетмас-сиз-а, Билл?

Тонг ёришиб, ҳар икковлари ҳам бир-бировлариининг юзини кўра оладиган бўлиб қолганди бу орада. Улар яшин теалигида кўз уриштириб олишди; иккаловининг кўзи заррача шубҳага ўрин қолдирмайдиган бир тарзда ўт бўлиб чақнарди.

— Шунини айтмоқчиманки, — сўзини давом эттирди Феджин, эндиликда ҳар қандай муғамбирлигу ясамалик бефойда деб билаётганини яширмай, — шунини айтиб қўймоқчиманки, ҳаддан ташқари жазовага тушиб кетиш хатарли. Туллакроқ бўлинг, Билл, ҳаддан зиёд шафқатсиз бўлманг...

Сайкс ҳеч нима деб жавоб қилмади, Феджин қулфини очган эшикни шартта очди-ю, кимсасиз кўчага отилиб чиқди.

Газзоб на бирор марта тўхтамай, бирон сония ўйлаб кўрмай, бошини на ўннга, на сўлга бурмай, кўзларини на осмону на ерга қадамай, шафқатсизона қатъият ила тўғрига боққанича, тишларини нақ чакаги терисини ёриб чиққудек даражада маҳкам бир-бирига босганча, то ўз эшигига етгунига қадар шитоб-ла, чурқ этмай, бирорта мушагини ҳам бўшаштирмай олиб борди. Шунда у ёнидаги калит билан шарпа чиқармай эшикни очди, зинадан шипиллаганча кўтарилиб, ўз хонасига кирди-да, калитни икки марта бураб, оғир столни эшикка тақаб суриб қўйди, кейин каравот пардасини очди.

Қиз ярим яланғоч ётган эди. Унинг шарпасидан уйғониб кетиб, шоша-пиша чўчиб қадрини хиёл кўтарди.

— Тур! — деди йигит.

— Вой, сенмисан, Билл! — деди қиз, афтидан у йигитнинг келганидан қувонганди.

— Бу, менман, — деган жавоб бўлди. — Тур!

Шам ёниб турарди, бироқ йигит уни шамдондан юлқиб олди-ю, камин панжараси тагига улоқтирди. Ёришиб қолган куннинг ширавагина ёруғини пайқаган қиз дераза пардани очиб қўймоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Керакмас, — деди Сайкс қўли билан йўлини тўсиб. — Ниятимни ўринлатишга етади шу ёруғни ўзиям.

— Билл, — деди қиз оҳиста, хавотирли товушда, — менга нимага бунақа тикиляпсан?

Талончи бурун парраклари кенгайиб, кўкраги кўтарилиб-тушган кўйи бир неча лаҳза қизга тикилганча ўтирди; кейин боши ва бўйнидан чангаллади-ю, хона ўртасига судраб борди-да, эшикка қараб олиб гурзидай қўли билан қизнинг оғзини гижимлади.

— Билл, Билл, — хириллади қиз ўлим хавфи тугдирган қўрқув ичра йигит чангалидан қутулишга уриниб. — Мен... мен додламайман ҳам, бақирмайман ҳам... ҳатто гиж демайман... Гапимга қулоқ сол... гаплаш мен билан... нима қилибман, айт!

— Ўзинг биласан буни, шайтоннинг урғочиси! — жавоб қилди босқинчи нафасини ростлаб. — Бугун кечаси кетингдан пойлашган. Ҳар битта гапингни эшитишибди.

— Худо ҳаққи, ёш жонимга раҳм қил, мен сенга раҳм қилгандим-ку, ахир! — нидо солди қиз унинг пинжига суйканиб. — Билл, жонгинам Билл, мени ўлдиргани қўлинг бормайди бари бир. О, лоақал шу кеча сени деб нималардан воз кечганимни бир ўйлаб кўргин-а. Ўзинг ўйлаб кўр, жиноят ботқоғидан қутқар ўзингни; сени қўйиб юбормайман, мени улоқтириб юборолмайсан бари бир. Билл, Билл, худованди карим ҳаққи, ўзингни, мени десанг, қонимни тўкишга шошилма! Мен сенга содиқ қолдим, гуноҳдор тани-жоним ҳаққи, сенга содиқ қолдим!

Йигит жон-жаҳди-ла қўлларини бўшатишга уринар, бироқ қизнинг қўллари уларни чирмаб олганди, у қанчалик тиришмасин қизни ўзидан ажратолмасди.

— Билл! — деди қиз энтикиб, бошини йигитнинг кўксига босишга ҳаракат қиларкан. — Ўша жентльмен билан меҳрибон ойимқиз менга бугун қолган умримни тинчгина ва танҳоликда ўтказгани биронта ўзга юртдан бошпана топиб



беришни ваъда қилишди. Ушалар билан тагин бир марта учрашгани рухсат бер, оёқларига бош уриб, сенга ҳам худди шунақа саховат ва меҳрибонлик қилишларини илтижо этиб, ёлворай; ана унда иккаловимиз ҳам бу даҳшатли жойни ташлаб, бир-бировимиздан олисда янгича ҳаёт бошлаймиз, илгариги турмушимизни унутамиз, фақат ибодат пайтларидагина эслаб қўямиз, кейин бошқа учрашмаймиз. Тавба қилишнинг эрта-кечи бўлмайди. Улар менга худди шундай дейишди... буни мана ҳозир шундоққина ҳис қилиб турибман... лекин бизга вақт керак... озроққина бўлсаям вақт керак.

Томтешар бир қўлини бўшатиб, тўппончага чанг солди. Қайнаб-тошиб келган ғазаб туғёнига қарамай, агар отадиган бўлса дарҳол қўлга тушажаги ҳақидаги фикр йилт этиб ўтди миясидан. Шу сабабли у бор кучини жамлаб туриб, ўзига қараган, деярли юзига тегай-тегай деяётган юзга тўппонча билан устма-уст туширди.

Қиз бир чайқалиб, пешонасида ҳосил бўлган чуқур жароҳатдан қуйилаётган қон кўзларини деярли тўсиб қўйди-ю, шилқ этиб қулади; аранг тиззалаб, қўйнидан оппоқ дастрўмолчани — Роз Мэйлининг дастрўмолини — чиқарди-да, уни қовуштирилган қўллари билан мадори етганча баланд кўтариб, пичирлаб, халлоқи оламга илтижо қила бошлади.

Шу топда у даҳшатли аҳволда эди. Қотил гандираклаб девор сари чекинаркан, кўзларини қўли билан беркитган кўйи зил-замбил сўйилни олиб, бир зарба билан қизни ер тишлатди-қўйди.

## XLVIII боб

### *Сайкснинг қочиши*

Кенг қулоч ёйган Лондон доирасида тун ўз чодрасини ёпган дамдан буён зулумот қаноти остида содир бўлган ёвузликлар ичида энг даҳшатлиси эди бу ёвузлик. Сахарги сарин ҳавони қўланса иси билан булғаган мудҳиш жиноятлар ичида бу жиноят энг қабиҳ ҳамда энг шафқатсизи эди.

Қуёш — инсон учун нафақат зиё, аини чоғда янги ҳаёт, умид ва тетиклик бахш этгувчи қуёш — кулиб, чарақлаб жамол кўрсатди азим шаҳар узра. Рангли қимматбаҳо ойнаю қорғоз ёпиштирилган деразалардан, жоме гумбазларию афтодаҳол девор ёриқ-тирқишларидан баб-баравар нур пуркади. У ўлдирилган аёл ётган хонани ҳам ёритиб, унинг жасадини нурга кўмди. Сайкс унинг йўлини тўсишга уринди, аммо нур ҳар қалай даста-даста бўлиб тушаверди. Ушбу манзара сахарги ғира-ширада даҳшатли кўринганди, эндиликда. кўзни қамаштиргувчи ёруғликда қандай қиёфа касб этаркин-а!

Сайкс қимир этмасди: у қилт этгани кўрқарди. Ингрок эшитилди, аёлнинг бир қўли силкиниб қўйди, шунда у ғазаб-ла омихта бўлиб кетган кўрқув ичра кетма-кет зарба туширди. Кейин аёл жасади устига адёлни ташлади, аммо, гўёки хона саҳнидаги қон ҳалқобининг акси шифтда қуёш нурида қандай титраб, рақс тушаётганини кузатаётгандек мудом тикилиб қолган кўзларни кўриб туришдан кўра бу кўзларни ўзига қадалиб турган, дея тасаввур этиш оғирроқ эди. Шу боис у адёлни яна олиб ташлади. Бу ерда эту қондангина иборат тана ётибди, холос — аммо қандай тана ва нега мунча қон кўп!

У гугурт чақиб, ўчоққа ўт ёқди ва сўйилни оловга тутди. Сўйилнинг учига соч толалари ёпишиб қолганди, ана шу толалар жизгинак бўлиб, буралиб, кулга айланди-ю, мўридан юқорига ўрлади. Қанчалар довюраклигига қарамай, ҳатто шу ҳол ҳам чўчитиб юборди уни, бироқ газзоб қуролни то икки бўлиниб тушгунича ҳам ўтга тутиб тураверди; ана шундан кейин эса уни буткул ёниб кулга айлансин деб ўчоққа ташлади, У ювиниб, кийимини тозалади; лекин бир нечта доғни кеткизолмади, ўша жойларни қийиб олиб, ёқиб юборди. Хонада бунақанги доғлардан қанча эди-я! Ҳатто итнинг панжаларни ҳам қон эди.

Бу юмушлар мобайнида у бирор марта ҳам жасадаг орқасини ўгириб турмади бирор лаҳзага ҳам. Тадорик ишларини битиргач, у эшик ёнига орқаси билан тисарилиб борди, яна панжаларини қонига булғаб, кўчага янги жиноят изини

илаштириб чиқмасин учун итни етаклаб олганди. У эшикни астагина очди, уни қулфлаб, калитни ёнига солди-ю, уйни тарк этди.

У кўчани кесиб ўтиб, ташқаридан ҳеч нима сезилмаётганига ишонч ҳосил қилиш ниятида деразасига қаради. Қиз ўзи кўролмай кетган ёругликни тушсин, деб суриб қўймоқчи бўлган парда ҳануз ёпиқ турарди. Ҳозир у шундоққина дераза тагида ётибди. Газзоб буни билади. Е тангри, худди ўша жойга қанчалар қуёш нури қўйилаётганини қаранг-а!

Дақиқалик кўз ташлаш. Уша хонадан чиқиши билан энгил тортгандек бўлди. У итига ҳуштак чалиб, шахдам одимлади.

У Излингтондан ўтиб бориб, Виттингтон шарафига тош қўйилган\* Хайгет яқинидаги тепаликка кўтарилди-да, Хайгет-Хилл томонга туша бошлади. У бемақсад, қаерга боришини билмай одимлаяпти; пастга туша бошлаганига ҳеч қанча бўлмай, тагин ўннга бурилди ва далалар оралаб кетган ёлғизоёқ йўлдан бориб, Сиин-Вудни айланиб ўтди-да, шу тариқа. Хэмстед-Хитга чиқиб қолди. Кейин Вейл-Хит сойлигини босиб ўтиб, тепага нариги томондан чиқиб келди-да, Хэмстед ва Хайгет қишлоқларини боғловчи йўлни кесиб, супургигуллар босиб ётган ялангликнинг нариги чеккасига етиб бориб, Нор-Энд далаларига ўтди-да, кўкат девор остига чўзилиб, ухлаб қолди.

Кўп ўтмай тагин ўрнидан туриб, йўлга тушди — Лондондан нарига қараб эмас, тескарисига, шаҳарга қараб юрди; кейин қатнов йўлидан яна орқага қайтди, бояги ялангликни энди бошқа томондан кесиб ўтди, сўнгра далаларда тентирашга тушди; зовур ёқасида ётиб дам олар, тагин сакраб туриб, бошқа қулайроқ жой излаб кетарди, яна орқасига қайтар ва тагин боши оққан томонга тентиб кетарди.

Пича ичиб, тамадди қилиб олгани қаерга кирса бўларкин? Хэндонга! Бу ажойиб жой, ўзи ҳам яқин, йўловчилар ҳам кам қиради. Дам югургилаб, дам инжиқлиги тутган шиллиққуртдай имиллаб, гоҳо эса ҳатто тўхтаб, қўлидаги таёғи билан буталарнинг шохчаларини уриб синдирган кўйи худди ўша ёққа йўл олди. Бироқ у ерга етиб келганида назарида йўлда учраган одам борки — ҳатто эшиклари олдида турган болақайларгача — ҳамма унга шубҳаланиб қараётгандек бўлди. Шунда яна орқага қайтди, талай вақтдан бери туз тотмаганига қарамай, тамадди қилгани ёхуд ичгани бирор нима сотиб олишга ботинолмади; қаеққа боришини билмай, тагин супургигуллар қоплаган ялангликни кеза бошлади.

У чақирим кетидан чақирим йўл босиб, тагин эски жойига қайтарди. Эрта-лаб ҳам, ярим кун ҳам ўтди, кеч ҳам кириб қолди, у бўлса ҳамон бояги-бояги гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бориб-келар, дам тепага кўтарилар, дам пастга тушар, тагин орқага қайтар, ҳануз бир жой теварагида гирдикапалак бўлиб ўралашарди. Ахийри у олға жилиб, Хэтфилд томонга қараб юрди.

Бутунлай силласи қуриган йигит билан кўникилмаган бунчалик йўл босишдан оёғи оқсаб, сурғалиб қолган ит тепадан черков ёнидаги осуда қишлоққа тушиб келиб, чоққина кўчадан ўтиб, хирагина чироғи ўзларини чорлаган чоғроққина қовоқхонага секингина кириб келган пайтда кечки соат тўққиз бўлган эди. Ичкарида каминга ўт ёқилган, унинг олдида қишлоқликлар ичиб ўтиришарди. Улар меҳмонга жой бўшатишди, аммо у бир бурчакка бориб ўтирди-да, ёлғиз, тўғрироғи, ўз ити билан (унга вақти-вақти билан овқатдан ташлаб турарди) биргаликда еб-ичиб, тамадди қилишга тушди.

Бу ерда ҳозир бўлган жамоат қўшни далалар, фермерлар ҳақда суҳбат қуради, бу мавзу тугаганидан кейин эса ўтган якшанба дафн этишган қайсидир чолнинг ёши хусусида сўзлаша бошладилар; ёш-яланглар уни мункиллаб қолганди дейишса, қариялар, ҳали жуда ёш эди, деб таъкидлашар, оқсоқол бир бобо эса, у мендан каттамасди, ўзини авайлаганида тагин ўн-ўн беш йил умр кўрса бўларди, деб қўйди... ўзини авайлаганида эмиш-а!

Бундай суҳбат асло диққатни тортмас ёки хавотирга солмасди. Шу туфайли қотил ҳисоб-қитоб қилиб бўлиб, ўз бурчагида чурқ этмай ва ҳеч кимнинг кўзига ташланмай ўтирар, ҳатто мудроқ боса бошлаганди, шунда тўсатдан янги бир одамнинг шовқин-ла кириб келиши уни уйғотиб юборди.

Бу қишлоқма-қишлоқ пиёда кезадиган, қайроқтош, устара чархлайдиган

тасма, устара, юмалоқ совун, эгар-жабдуқ мойи, мойупа, ит ва отларга ишлатиладиган дори, арзонгаров атир, упа-элик ва шунга ўхшащ ашқол-дашқолларни яшикка солиб орқалаб юрадиган чорбозорчи аттор, масхарабоз ҳамда қаллоб бир одам эди. Унинг кириб келиши қишлоқликлар учун ҳар хил енгил-елпи ҳазил-мутойибаларга ишора бўлди-ю, бу ҳазил-ҳузуллар токи аттор тамадди қилиб олиб, бойлиги солинган яшигидаги бисотини ёймагуни ва устомонлик билан ёқимли-жимжимадор гаплар билан фойдали сўзларни омихта қилиб, иш бошлаб юбормагунича тинмади.

— Анави қанақанги нарса? Таъми қанақа ўзи, Гарри? — сўради бир қишлоқи мийгида жилмайиб, яшикнинг бир бурчида турган пайсача қилиб ўралган нарсага ишора қилиб.

— Манави-да, — деди йигит ўшандан биттасини яшикдан оларкан, — бу ҳар қанақанги доғни, зангни, ифлосни, у хоҳ атласу ипакликда, хоҳ ип матою батистда, хоҳ мовуту юпқа газламада бўлсин, хоҳ жун газлама, гиламда бўлсин, хоҳ нозик-майин жунли, хоҳ дагал жунли матода бўлсин — бари-барини чинию чироқдай қилиб кеткизадиган тенги йўқ ва бебаҳо дори. Шаробнинг доғими, мевачеваникими, пивоникими, сувникими, бўёқ ёки қорамойникими — ҳар қанақанги доғга мана шу тенги йўқ ва бебаҳо дорини шундоқ сурилди дегунча, йўқолади-қўяди. Мабодо бирор хоним ўз покиза номига доғ туширган бўлса, мана шундан биттагинасини ютиб юборса вассалом — ўша заҳоти яраси битадиколади, нега деганингизда бу заҳар. Мабодо бирор жентльмен буни текшириб кўрмоқни истаса, мана шу жимитдаккина пайсани ичиб олса кифоя — ҳеч қанақанги шубҳа-ғумони қолмайди, негаки бу ўқдан кам жароҳатламайди: иннайкейин, таъми ҳам бадтаъмгина, шундоқ экан, ушбуни ютишни ўзи унга шоншараф келтиради кўпроқ... Бир донаси бир пенни, холос! Шунча ҳаёну нафи бору нархи атиги бир пеннигина!

Уша заҳотиёқ дорига иккита харидор чиқди, қулоқ солаётганлардан аксариятининг қизиқиши ортиб қолди унга. Буни пайқаган атторнинг янаям гапдони очилиб кетди.

— Бу ёқдан етказиб бермасларидан бу ёқдан талаб кетишади десангиз! — дийдесини давом эттирди йигит. — Ун тўртта сув тегирмон, олтига буғ машинаси, битта гальваник батарея бетўхтов ишлаб чиқариб турса ҳамки, бари бир етказиб беролмаяпти-да; бунинг устига одамлар ҳам то жонлари узилгунича тер тўкиб ётишибди, уларнинг беваларига дарров нафақа белгилашиб, ҳар бир боласига йилига йигирма фунт, эгизакларга бўлса эллик фунтдан бериб ётишибди... Шунга қарамай, бир донаси бир пенни, холос! Шаробнинг доғими, мевачеваникими, пивоникими, сувникими, қорамойми, бўёқми, қонми жамини!.. Манави жентльменнинг шляпасида доғ бор экан, у то менга пиво буюриб улгурмасидан топ-тоза қилиб кетказиб бўламан.

— Эй! Бу ёққа беринг! — қичқирди Сайкс сесканиб тушиб.

— Зумда кетказиб бераман уни, сэр, — қаршилик билдирди аттор жамоатга қараб кўз қисиб қўяркан, — хонанинг у бурчидан етиб келгунигизча кетказиб бўламан. Жентльменлар, жамоат, мана қаранглар, бу жентльменнинг шляпасидаги шиллингдан катта бўлмаган, лекин қалинлиги ярим кронликдай келади-ган қора доғга эътибор беринглар-а. Бу доғ ниманики бўлмасин — шаробникими, меваникими, пивоникими, сувникими, ё қорамой, бўёқ тегиб ифлосланганми, қон текканми...

Аттор гапини ниҳоясига етказолмади, зеро Сайкс қабиҳона ҳақорат-ла столни тўнтариб ташлади-ю, унинг қўлидан шляпани тортиб олиб, бинодан отилганча чиқиб кетди.

Ихтиёрига зид равишда кун бўйи вужудини қамраб олган ғалати талвасаю инжиқлик ҳамда иккиланишлар таъсирида бўлган қотил орқасидан таъқиб этмаётганларига, эҳтимолки ўзини шунчаки бадқовоғу одамови маст йигит, деб қўя қолганларига қаноат ҳосил қилгач, шаҳар томон бурилди ва кичиккина алоқа идораси олдида турган усти берк извош ёнидан лип этиб ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин араванинг Лондондан келганини билиб қолди. Шу топда қандай гапларни эшитиши мумкинлигини фаҳмласа ҳамки, йўлни кесиб ўтди-да, секин қулоқ сола бошлади.

Эшик олдида почта сумкасини пойлаганча арава паттачиси турарди. Шу пайт ўрмончи либосидаги бир одам унга яқинлашди, паттачи тош йўлда турган саватни ўрмончига топширди.

— Бола-чақангизга бу, — деди паттачи. — Ҳей, ичкаридагилар, қимирланглар сал! Э падарига ланнат ўша сумканинг, кечаям тайёрмасди шунақа. Бунақаси кетмайди, билиб қўйинглар!

— Шаҳарда нима янгиликлар бор, Бен? — сўради ўрмончи, отларни тузукроқ томоша қилиш учун дераза дарчалари сари чекинаркан.

— Деярли ҳеч гап чалинмади-ёв қулоғимга, — жавоб қайтарди униси қўлқопини кия туриб. — Ноннинг нархи жиндаккина кўтарилди. Яна Спител-Флидсда бировни ўлдириб кетганлари сал-пал қулоғимга чалингандай бўлувдиюв, лекин кўпам ишонавермайман бунга.

— Йўк, бу тўғри, — деди почта аравасида деразачадан ташқарига қараб ўтирган жентльмен. — Бунинг устига десангиз, ваҳшиёна қотиллик.

— Шунақа денг-а, сэр! — деди паттачи шляпасини ушлаб қўяркан. — Кимни ўлдиришибди, сэр: эркакними ё аёлни?

— Аёлни, — жавоб қилди жентльмен. — Тахмин қилишларича...

— Ҳей, Бен! — қичқирди аравакаш тоқатсизлик билан.

— Ҳе жаҳаннамга даф бўлсин-а ўша сумка! — хит бўлди паттачи. — Нима бало, ухлаб қолдиларингми ўзи?

— Кетяпман! — қичқирди идора мудир чопганча чиқаётиб.

— Кетяпманмиш! — тўнғиллади паттачи. — Худди менга кўнгил қўйишга чоғланиб, муҳаббат изҳор қиладиган ёш ва бадавлат оймқизга ўхшаб (қачон етиб келаркин ўзи, буни билмайман) имирсилашларини қаранг-а! Қани, бера қолинг бу ёққа! Бўлди, тайёр!

Шунда мугуз шўхчан садо таратди-ю, почта араваси йўлга равона бўлди.

Сайкс кўчада туриб қолди; чамаси ҳозиргина эшитган хабари уни ҳаяжонга солмаган, қаёққа боришини билмай иккиланаётганидан бўлак бирон ҳис-туйғу безовта қилмаётганга ўхшарди. Ниҳоят, у яна орқасига бурилди-да, Хэтфилддан Сент-Элбансга элтувчи йўлдан кета бошлади.

У саркашлик билан олға интиларди. Бироқ шаҳарни ортда қолдириб, ҳувилаган ва қоп-қоронғи йўлга чиқиб олгач, дилига қўрқув ҳамда ваҳима қутқу солиб, вужудининг энг хилватгоҳларигача кириб бораётганини ҳис этди. Олдинда нимаики бўлса — мавжуд нарсами ёхуд шарпа-кўлагами, ҳаракатланадиганми ё қўзғолмасми — жамикиси ваҳимали қиёфага кирарди; аммо бу ваҳима ўзи эрталаб кўрган шаффоф тана бамисоли бир қарич ҳам ортда қолмай изма-из эргашиб келаётгандек туюлаётган ҳиссиёти олдида ҳеч гапмасди. У хаёл кўзи билан зимистонликда шарпани кузатиши, шакл-шамоилини аниқ-тиниқ тиклаши ва унинг сира оғишмай, тантанавор бир тарзда одимлаётганини кўриб туриши мумкин эди. Барглар шилдирашида унинг кўйлаги штирлашини эшитар, шабаданинг ҳар бир нафас эпкени унинг сўнгги бемажол ингроғини учириб келарди қанотида. Агар у тўхтайдиган бўлса, шарпа ҳам тўхтарди. Агар у югурадиган бўлса, тана ҳам эргашарди ортидан — йўқ югурмасди тана (унда анча енгил тортардику-я), балки қандайдир беихтиёр ҳаракатланадиган, бир маромдаги, кучайиб, кучаймайдиган, тиниб тинмайдиган мунгли шамол суриб келаётган мурда янглиғ сузиб келарди.

Баъзан у мазкур рўени, ҳатто унинг бир қиё боқилишининг ўзи ўлимга гирифтор қилган чоғдаям, қувиб-солиш учун шашт билан орқасига бурилиб ҳам қўярди; бундай дамда унинг сочлари типпа-тик бўлиб, юраги қинидан чиқиб кетаёзарди; зеро рўё ҳам у билан Сирга бурилар ва орқа томонига ўтиб олган бўларди. Эрталаб уни кўз ўнгидан — рўпарасидан жилдирмаганди, энди бўлса орқа томонига ўтиб олганди. У йўл четидаги кўтармага суянди ва рўё тепасида, тунги муздек ҳавода муаллақ турганини ҳис этди. У ерга чўзилиб, чалқанчасига ётиб олди, рўё пойида қабр тошига қон билан битилган марсияси бор жонли ҳайкал мисоли унсизгина, қилт этмай, қоматини тик тутганча боши узра қотиб тураверди.

Ҳеч кимса одил ҳакаму интиқомдан қутулиб кетган қотил ҳақида сўз очмай, арвоҳу рўёлар гафлат уйқусида, дея башорат қилмай кўя қолсин. Изти-

робга солувчи ана шундай ваҳимали, беинтиҳо лаҳзанинг ўзиёқ ўнлаб мажбурий ўлим билан баробардир.

У ўтиб бораётган далада тунаса бўладиган омбор бор эди. Эшиги олдида ўсган уч туп осмонўлар терак кўлагасида омбор ичкараси баттар қоронгилашиб, терак шох-шаббаларига урилаётган шамол зорланиб нола қиларди. У то тонг отмагунича бундан нарига боролмасди, шу сабабли янги қийноқларга кўксини қалқон қилиш учун нақ девор таккинасига узана қолди.

Эндиликда яна бояғи-бояғидай шилқим, бироқ ундан ҳам баттарроқ, қу-тулганидан кўра даҳшатлироқ рўё рўпарасига келиб туриб олди. Қоронғилик қаъридан тикилиб турган хира, чақчайиб қотиб қолган кўзларни хаёлида ўйлашдан кўра кўриб тургани енгилроқ кўчарди унинг учун; бу кўзларда нур бор эди-ю, бироқ ҳеч нимага зиё сочолмас, ҳеч нимани кўрмасди. Бир жуфтгина кўз, қаёққа қараса ўша ёқдан тикилиб турибди. Бордию у кўзини юмса, қаршисида жамики жиҳозу ашёлари жуда яхши таниш бўлган хона гавдаланарди (мабодо жиҳозларни хотирасида тикламоқчи бўлса, улардан баъзиларини эслолмаслиги турган гап эди, албатта), ҳар бир буюм жой-жойида турган бўларди. Жасад ҳам ўша жойида ётибди, кўзлари ҳам у психигина чиқиб кетаётганида қандай бўлса, худди ўшандай бақрайиб турибди.


У сакраб туриб, дала бўйлаб югура кетди. Жасад шарпаси орқасидан қувиб келарди. У омборга қайтди ва яна гужанак бўлиб олди. У оёгини узатиб улгурмасидан илгарироқ тагин чақчайган кўзлар рўпарасида пайдо бўлиб қолди.

Шунда вужудини ҳеч қачон ҳеч зор туймаган ваҳима чулғаб олди-ю, аъзойи бадани қалтираб, борлиги муздек терга гарқ ботиб турган бир пайтида кўққисдан тун шамол олислардан бақир-чақир ҳамда таҳликага тушган, ваҳима босган одамлар гала-говурини қанотларида учириб келиб қолди. Бундай хилват жойда инсон овозини эшитиб — майли, шовқин ҳатто қандайдир фалокатдан дарак бераётган бўлса ҳам — у бир оз енгил тортди. Таҳдид солаётган хавфни туйиш ҳисси Сайксга янги куч бахш этди-ю, ўрнидан сапчиб туриб, омбордан отилиб чиқди.

Бепоен самога нақ ўт туташганга ўхшарди. Бир-бири билан баслашиб кўкка ўрлаётган аланга тиллари атрофга сон минг учқун сачратиб, бир неча чақиримлаб теваарак-атрофни машъала янглиғ ёритиб турар, у томонга қараб тутун булутларини уфурарди. Қий-чув янада кучайди, негаки дод-войларга янгидан-янги фарёдлар қўшила борарди; шунда у кўнғироқлар бонги, аллақандай оғир нарсаларнинг гумбурлаб қулаши, оловнинг бирор янги тўсиққа кўндаланг бўлганида ялмоғиз тиллари билан ямлаб, янги озуқа қуввати билан кўкка янада баландроқ сапчий бошлаганида баттарроқ чарсиллаб-гувиллашига қоришиб кетаётган: «Енгин!» деган бақир-чақирларни англай олди. У кузатиб турар экан, шовқин тобора зўрайиб борарди. У ёқда одамлар — эркагу аёл барчаси, ёруғлик, аланга тўс-тўполон. Бу манзара унга гўё янгича ҳаёт бўлиб кўринди. У олға ташланди — тўппа-тўғрига қараб, жони борича, супургиётлар ва буталарни оралаб, тўсигу ғовлардан сакраб ўтганча, олдинда қаттиқ-қаттиқ ҳурганча бамисоли учиб бораётган ити сингари сира тўхтамай югураверди.

Чопганча етиб борди. Ярим яланғоч одамлар зир югуришяпти: бир хиллар отхоналардан кўрқиб кетган отларни ташқарига олиб чиқишга ҳаракат қилишяпти, бошқалар мол-қолларни ҳовлиу қўралардан, оғилхоналардан далага ҳайдаб чиқишяпти, тепаларидан учқун ёмғирдай ёғилиб, лаққа чўғ тўсинлари босиб тушаётган, аланга ичида қолган уйлардан қақир-қуқурларини ташмалашяпти. Бир соатгина муқаддам эшик ва деразалар беркитиб турган дарчалардан жунбишга келган олов уммони кўзга ташланиб турарди; деворлар лопиллаб-лопиллаб туриб, жаҳаннамий ўт денгизига қулаяпти; ўтда эриган кўрғошину темир-терсак қиров боғлаган лаққа чўғдай ерга қуйилиб-оқиб тушяпти. Хотин-халажу бола-бақралар чуввос солишяпти, эркаклар эса бақир-чақир-ришиб бир-бировларига далда беришяпти. Сув сепгичларнинг жаранг-журунги, ловиллаб ёнаётган ёгоч тахталарга урилаётган сувнинг вишиллаши қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурону ўкирикка қоришиб кетяпти.

У ҳам овози бўғилиб қолгунича бақир-чақирди, хотиротлари ҳамда ўз-ўзлигидан йироқроқ қочиб, оломон қалин ерга урди ўзини. Шу тунни у дам



сув пуркагичлар ёнида тер тўкиб, дам тутуну ўт орасига шўнгиб, аммо ҳамшиша одам қалину шовқин-сурон кучлироқ жойда бўлишга тиришиб, у ёқдан-бу ёққа змир югуриб ўтказди. У деворга қўйилган нарвонда дейсизми, тепаю пастда дейсизми, тому ўзининг оғирлигидан тўшама тахталари ғижирлаб-лопиллаётган, тошу ғиштлар дўлдай ёгилиб турган бино ичида дейсизми — қаердаки ўт қутураётган бўлса ўша жойда ҳозир эди. Аммо-лекин унинг ҳаёти сеҳру жоду қилинганди бамисоли: на бирон жойи тирналди, на бирон ери лат еди; токи тонг отиб, атрофда дуду қоп-қора кўмирга айланган харобазор қолгунича на чарчоқни билди, на бирон нимани ўйлади.

Бу телбаёна ҳаяжон тарқагач, қилган жинояти ҳақидаги даҳшатли ўй ўн карра кучлироқ бўлиб қайтди. У шубҳаланиб атрофига аланглаб қўйди; одамлар тўда-тўда бўлишиб гаплашишарди, шунда у, тагин мени гаплашишаётган бўлишмасин, дея хавотирга тушди. Ити унинг бармогининг маънодор ҳаракатига итоат этди ва улар ими-жимиди нари кета бошладилар. У сув пуркагич ёнидан ўтиб бораркан, ўша ерда ўтирган бир неча киши, кел, биз билан тамадди қилиб ол, деб чақириб қолишди. У нон билан ғўштдан еб, энди пиводан ҳўплай бошлаган ҳам эдики, Лондондан келган ўт ўчирувчиларнинг қотиллик ҳақида гаплашаётганлари қулоғига чалиниб қолди.

— Айтишларича, у Бирмингем тарафга кетганмиш, — деди улардан бири, — бари бир ушлашади уни, нега деганда, изқуварлар оёққа туришган, эртага кечгача бўлса буни бутун мамлакат эшитади.

У шоша-пиша йўлга тушди, то оёқлари чалишиб қолгунича юраверди, ана шундан кейин тўғридан-тўғри сўқмоққа чўзилди-ю, узоқ, аммо беҳаловат ухлади. Кейин тараддудга тушиб, иккиланиб, тунни яна ёлғиз ўтказишдан нақ юраги ёрилгудек бўлиб, тагин сургала кетди. Баногоҳ у таваккалига Лондонга қайтишга қарор берди.

«У ерда ақалли гаплашадиган одамим бор-ку, — ўйлади у, — иннайкейин, яширингани ишончли жой ҳам. Ростки мени шу атрофда деган гап таркаган экан, у ёқда тузоққа илинтириш хаёлларига келмайди. Олдин бирор ҳафта беркиниб ётиб, кейин Феджиндан лой қоқиштириб, Францияга қуён бўлсам-чи? Таваккал, шундоқ қилганим бўлсин!»

У дарҳол ўз азми қарорига амал қилишга киришди ва энг пасқам йўлларни танлаб, пойтахт яқинида бирор жойга бориб яшириниб туриш, қош қорайганидан сўнг эса гадои топмас кўчалардан шаҳарга кириб, мўлжаллаб қўйган даҳасига жўнаш ниятида йўлга равона бўлди.

Хўш, ит-чи? Агар унинг қиёфасию белгиларини ҳаммаёққа тарқатишган бўлса, унда итнинг ҳам ғойиб бўлганини эсдан чиқаришмайди ва эгаси билан кетган, деб ўйлашлари шубҳасиз. Бу нарса кўчалардан ўтиб бораётганида қўлга тушиб қолишига сабабчи бўлиши ҳеч гапмас. У итни сувга чўктириб юборишга аҳд қилиб, бирорта ҳовуз-повуз учраб қолар, дея йўлида давом этди; йўлакай оғир тошни дастрўмолига тугиб олди.

Ана шундай тайёргарлик кўрилар экан, ит эгасидан кўз узмади; итни хатардан савқи табиий огоҳ этдими ёхуд газзобнинг шиграйиб қараши одат-дагидан қаҳрлироқ чиқдими, ҳар қалай, у эгасидан ҳамшишадан сал орқароқда, думинн қисиб келар ва томтешар одимини секинлатиши билан у ҳам сал нарироқда тўхтарди. Эгаси бир ҳовузнинг олдида тўхтаб, уни ёнига чақирганида жойидан қимирламади ҳам.

— Эшитяпсанми, чақиряпман сени! Кел бу ёққа, ба! — қичқирди Сайкс.

Ит одати таъсирида ёнига келди, бироқ Сайкс рўмолчани бўйнига боғлайман деб энгашар экан, у бўғилиб ириллаганча четга қочди.

— Қайт орқангга! — қичқирди газзоб.

Ит думини жилпанглатди-ю, лекин турган жойида қолаверди. Сайкс яна ва яна чақирди.

Ит яқинроқ келди, тагин нарироққа тисарилди, бир лаҳзагина туриб қолди, кейин шартта бурилди-ю, зипиллаганча қочди-кетди.

Сайкс кетма-кет ҳуштак чалди, ўтириб, у қайтиб келади деган умидда кута бошлади. Бироқ ит шу кетганча бадар кетди ва эгаси ниҳоят яна йўлга тушди.

## XLIX боб

*Монкс билан мистер Браунлоу ниҳоят учрашадилар.  
Улар ўртасидаги суҳбат ва ушбу суҳбатга раҳна солган хабар*

Мистер Браунлоу уйи кираверишида ёллаган извошидан тушиб, эшикни тақиллата бошлаганида, қош қорайиб қолган эди. Эшик очилгач, извошдан чиқиб келган девқомат эркак извош зинасининг бир томонидан жой олди; бу орада извошчи ўриндиғида ўтирган одам эса ўз навбатида пастга тушиб, иккинчи томонига ўтиб турди. Мистер Браунлоунинг ишораси билан улар извошдаги учинчи эркакнинг пастга тушишига ёрдамлашишди-да, ўнгу сўлдан ўртага олганларича тезгина уйга олиб кириб кетишди. Бу одам — Монкс эди.

Худди шу тарзда улар индамайгина зинадан юқорига кўтарилишди, олдинда бораётган мистер Браунлоу уларни орқа хонага бошлади. Ошкора нори-золик-ла аранг тепага чиқаётган Монкс хона эшиги олдида тўхтади.

— Майли, иккидан бирини танласин, — деди мистер Браунлоу, — агар тижирлик қилса ёки салгина қаршилик кўрсатадиган бўлса, кўчага сургаб чиқиб, полицияни чақиринглар-да, менинг номимдан айб қўйиб, топшириб юбо-раверинглар.

— Мен ҳақимда шундай дейишга қандай тилингиз борапти? — сўради Монкс.

— Йигит, мени бунга мажбур қилишга сиз ўзингиз қандай журъат этияпсиз? — саволга савол билан жавоб қайтарди мистер Браунлоу йигитнинг афтига тик боққанча. — Бу уйдан қочиб қолмоқчи бўлаётганингизга қараганда ақлдан озган кўринасиз чоғи?.. Қўйиб юборинглар уни... Гап бундоқ, сэр: сиз озодсиз, бораверинг, биз эса кетингиздан юрамиз. Локигин огоҳлантириб қўй — жамики мен учун муқаддас бўлган нарсалар ҳаққи онт ичаман! — кўчага қадам босдим деганингиздаёқ сизни қаллоблик ва талончиликда айблаб ҳибсга олдиртираман. Қарорим қатъий ва сўзим жиддий. Агарда бу ёғига ўзингизни худди шундоқ туттишга аҳд қилган бўлсангиз, гуноҳу уволингиз ўз бўйингизга.

— Бу кўппаклар кимнинг буйруғи билан мени кўчада ушлаб олиб, бу ерга олиб келди? — сўради Монкс ёнида турган эркакларнинг бетига бирма-бир тикиларкан.

— Менинг буйруғим билан, — жавоб берди мистер Браунлоу. — Бу одамлар учун мен жавоб бераман. Башарти сиз, мени озодликдан маҳрум этишди, деб шикоят қиладиган бўлсангиз — бу ёққа келаётганингизда сиз озодлигингизни қайтариб олиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга эдингиз, локигин шовқин кўтармасликини афзал топдингиз — у чоғда, такрор айтаман, ўзингизни қонун паноҳига топширинг. Камина ҳам ўз навбатида қонунга мурожаат этгум. Илло бу кўйдан кейин орқага қайтиб чиқа олмайдиган даражада ичкарилаб кетадиган бўлсангиз, ҳақ-ҳуқуқ бошқа қўлларга ўтганидан сўнг, мендан мурувват кутманг ва ўзингизни ўзингиз улоқтирган жаҳаннамга сиз итариб юбордингиз, дея таъна қилиб ўтирманг.

Монкснинг хижолат тортгани ва бунинг устига хавотирга тушгани кўри-ниб турарди. У тараддудланмоқда эди.

— Тезроқ бир қарорга келишингиз лозим, — деди мистер Браунлоу ба-роят қатъий ва босиқлик билан. — Башарти жамоатчилик шохидлигида зим-мангизга айб юклашим ва жазога (гарчи бу жазони надомат-ла олддан кўра олишга қодир, аммо ўзгартишга ожиз бўлсам-да) дучор этишимни маъкул кўрсангиз, у ҳолда, яна бир карра айтиб қўяйки, йўлни биласиз, марҳамат. Бордию маъкул бўлмаса ва мендан муруввату ўзингиз шунчалик ёвузлик қилган кимсаларингиздан марҳамат истасангиз, у чоғда ортиқча гап-сўзсиз манави курсига ўтиринг. Икки кундирки, у сизга мунтазир.

Монкс алланимадир деб мужмал гудранди-ю, ҳануз иккиланиб тураверди.

— Бўла қолинг, — деди мистер Браунлоу. — Бир оғизгина сўз айтсам бас — қай бирини танлашингизнинг имконияти йўққа чиқади.

Монкс ҳамон тараддудланарди.

— Музокара олиб боришга майлим йўқ, — сўзини давом эттирди мистер



Браунлоу. — Бунинг устига, башартики ўзгаларнинг энг зарур манфаатларини ҳимоя қилаётган эканман, бунга ҳаққим ҳам йўқ.

— Ҳалиги... — деди Монкс дудуқланиб, — ҳалиги бирорта мурасага келиш чораси йўқми?

— Ҳеч қанақанги.

Монкс кекса жентльменга хавотирланиб қаради, бироқ унинг чеҳрасида бешафқатлигу қатъиятдан бўлак нарсани кўрмагач, хонага кирди-да, елкасини қисиб қўйиб, стулга чўкди.

— Эшикни ташқаридан қулфлаб қўйинглар, — деди мистер Браунлоу хизматкорларга, — ўзим қўнгироқ чалганимдан кейингина киришлар бу ерга.

Хизматкорлар унинг амрини адо этишди ва улар танҳо қолишди.

— Чаккиямас муомалангиз, сэр, — деди Монкс шляпаси билан елкапўшини ечаркан, — тагин отамнинг қадрдон дўстисиз-а.

— Баракалла, отангизнинг эски қадрдони бўлганим сабабидан ҳам шундай, йигит! — жавоб берди мистер Браунлоу. — Айнан ёшлик ва бахтиёрлик йилларимдаги орзу-умидларим у билан ва унга қондош, навқирон палласида тангри ҳузурига йўл тутиб, мени ёлғиз қолдириб, ғам-қайғу қучоғига ташлаб кетган соҳибжамол билан боғлиқ бўлгани сабабли; унинг ёш болалигидаёқ яратганининг иродаси билан менга насиб этмаган, менга умр йўлдоши бўладиган куни эрталаб пешонасидаги яккаю ёлғиз опасининг ўлим тўшаги тепасида, шундоқ ёнгинамда тиз букиб турганлиги сабабли; менинг музтар юрагим ўша кундан бошлаб токи умрининг охиригача, у тортган жамики мусибату жамики янглишмовчиликларига шерик, ҳамдаму ҳамроз бўлиб келганлиги сабабли; айнан юрагим ўша кўҳна хотиралару меҳр-оқибатга тўла эканлиги ва ҳатто сизни кўрган чоғларимда у ҳақдаги аллазамонлардаги ўй-фикрларим қайта жонлангани туфайли; айнан сизга нисбатан кўнглимда меҳр сақланиб қолганлиги, мулойим муомала қилиш истаги мавжудлиги сабабли шундай муомала қиляпман... Ҳа, шундай, Эдуард Лиффорд, ҳаттоки шу кундаям... Бу номга нолойиқ бўлганингиздан сиз учун мен номус қиламан!

— Менинг номимни нима алоқаси бор бу гапларга? — сўради шу топгача суҳбатдошининг ҳаяжонини ҳайрат-ла, қовоғини солиб, чурқ этмай кузатиб ўтирган Монкс. — Мен учун номни ўзи нима деган гап экан?

— Ҳеч вақо, — жавоб берди мистер Браунлоу, — сиз учун ҳеч нима. Илло ўша фариштанинг ҳам номи эди бу, ҳаттоки ҳозир, орадан шунча йиллар ўтганидан кейин ҳам бу номни эшитсам бас, у менинг, қария бир одамнинг вужудига ўт қалаб, танасини ларзага келтиради. Уни ўзгартирганингиздан ғоят хурсандман... ҳа, ғоятда хурсандман.

— Буларнинг ҳаммаси ажойиб гаплар, — деди Монкс (ўзи қўйиб олган исмини сақлаб қоламиз) қўллари билан юзини тўсганича жимгина ўтирган мистер Браунлоуга қовоғини солиб, еб юборгудек тикилган кўйи курсида ғужанак бўлиб, узоқ сукут сақлагач. — Лекин мендан нима истайсиз?

— Сизни инингиз бор, — деди мистер Браунлоу ўзига келиб. — укангиз... Кўчада орқангиздан кетаётганимда сизни ҳайрат ва хавотирга тушиб кетимдан эргашшига мажбур этиш учун қулоғингизга исмини шивирлаб айтишимнинг ўзи кифоя эди.

— Ҳеч қанақа укам йўқ, — эътироз билдирди Монкс. — Яккаю ягона бола эканимни ўзингиз биласиз. Нега энди уканг бор деб бошни қотирасиз? Буни мендан кўра яхшироқ биласиз-ку!

— Қани, менга аён бўлган ва эҳтимолки ўзингиз беҳабар бўлган гапларга қулоқ беринг, — деди Браунлоу. — Ҳаш-паш дегунча гапимга қизиқтириб қўйсам керак ўзларини. Виламан, ўша машъум никоҳ, ҳали ёшгина йигитча эканига қарамай, оиланинг ғурури ҳамда ғаразли, шафқатсизона шухратпарастлик тазйиқи остида отангизни зўрлаб ўқитилган никоҳдан бунёдга келган яккаю ягона ҳамда манфур зурриёд — бу сизсиз!..

— Бунақанги аччиқ-тизиқ гапларни парвойимга келтирмайман, — унинг гапини бўлди Монкс заҳаролуд кулиб. — Бу ҳақиқат ўзларига аён, шунинг ўзи кифоя менга.

— Илло мен ушбу муваффақиятсиз никоҳ оқибатида туғилган жонни қий-

маловчи қийноқ, беҳад азобларни ҳам биламан, — сўзини давом эттирди кекса жентльмен. — Яна тагин бу бахти қаро эр-хотиннинг зил-замбил турмуш занжирини ўзлари учун огуланган ҳаёт сўқмоғидан қанчалар силлалари қуриб, бемаъноу бемақсад сургаб юрганлари аён менга. Узаро совуқдан-совуқ, расмий муомалалари қандай очиқ-ошкора таҳқирлашга айланганини, бепарволигу лоқайдлик қандай адоватга, адоват — нафратга, нафрат эса жирканишга жой бўшатиб берганини, пировард-оқибатда бу нарса ўша занжирларни жаранглайтиб чилпарчи қилишларигача олиб борганини ҳам биламан. Ажралишиб, ҳар қайсиси ҳар ёққа кетаркан, ўзи билан ўша меъдаларига теккан жирканч занжирнинг ўлимдан бўлак ҳеч нарса парчалай олмайдиган ҳалқаларини жингирлатганча ола кетишди ва янги шароитда ота-онангиз уни қўлидан келганини қувноқлик пардаси остига яшириб юришди. Онангиз бунинг уддасидан чиқди; у ўтмишини тез унутди; илло машъум занжир ҳалқалари талай йиллар мобайнида занглай бориб, отангизнинг қалбини кемириб битказди.

— Тўғри, улар ажралишганди, — деди Монкс. — Хўш, ажралишса нима бўпти?

— Улар ажралишганидан бирмунча муддат ўтгач, — жавоб қилди мистер Браунлоу, — онангиз қитъада буткул беғаму беташвиш пуч ҳаётга шўнғиб кетиб, ўзининг келажагию дунёдан умидини узган бир кайфиятда она юртида қолган ёшгина эрини мутлақо унутиб юборди. Илло отангиз шунда янги дўстлар орттирдиким, бундан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, ҳар қалай.

— Йўқ, хабарим йўқ, — деди Монкс кўзларини четга олиб қочиб, жамини рад этишга қасд қилгандек, оёғи билан ер депсиб. — Бежабарман.

— Авзойингиз, қилмишларингиз қатори, бу нарсани ҳеч қачон эсдан чиқармаганлигингиз ва ҳамиша алам билан ўйлаб юрганингизни исбот қилиб турибди, — эътироз билдирди мистер Браунлоу. — Бундан ўн беш йил муқаддам, сиз ҳали ўн бир яшарлик пайтингизда содир бўлган воқеани айтялман; отангиз бўлса ўша пайтда эндигина ўттиз бирга қадам қўйган эди, зеро, тақрор айтаман, отаси уйланишни буюрган палласида у ҳали ёш йигитча эди. Падарингизнинг хотирасига кўлага ташлайдиган ўша воқеаларга қайтишим керакми ёки бундан мени халос этиб, ўзингиз ҳақиға кўчасизми?

— Ҳақиға кўчадиган ҳеч қанақанги гапим йўқ мени, — қаршилиқ билдирди Монкс. — Агар хоҳласангиз, бемалол гапираверишингиз мумкин.

— Нима ҳам дердим, бўпти! — сўзини давом эттирди мистер Браунлоу. — Шундай қилиб десангиз, ўша янги дўстларидан бири истеъфога чиққан денгиз зобити бўлиб, хотини икки боласини унга қолдириб ярим йил бурун оламдан ўтган эди. Болалари кўпроқ бўлгану лекин бахтларига иккитасигина омон қолишганди. Булар: бири ўн тўққиз яшар соҳибжамол қиз, иккинчиси ҳали гўдак, икки-уч ёшлардаги қизалоқ эди.

— Бу билан менинг нима ишим бор экан? — сўради Монкс.

— Улар мамлакатимизнинг отангиз саргардон бўлиб юрган кезларида бориб, ўрнашиб қолган қисмида яшашарди. Улар тезда танишиб, яқинлашиб, дўстлашиб кетишди. Отангиз ниҳоятда иқтидорли йигит эди. Қалби ҳам, феъл-атвори ҳам худди опасиникига ўхшарди. Кекса зобит яқиндан билгани сайин унга бўлган меҳр-муҳаббати орта борди. Иш шу билан тугаган бўлса қошки эди-я. Лекинига қизи ҳам уни севиб қолганди.

Кекса жентльмен тек қолди. Монкс лабини тишлаганча ерга тикиларди. Буни пайқаган жентльмен дарҳол ҳикоясини давом эттирди:

— Иил охирига бориб у ўз зиммасига мажбурият, муқаддас мажбурият юклаб, бу қиз олдида бурчли бўлиб қолди, яъники у соддадил, маъсума қизнинг самимий, қизгин, чинакам илк муҳаббатини қозонди.

— Ҳикоянгнининг ниҳояси кўринмайдиганга ўхшайди-ку, — деб қўйди Монкс ўтирган жойида бесаранжомланиб.

— Бу, йигитча, изтироб, азоб-уқубат ва ғам-ташвиш ҳақидаги ҳаққоний ҳикоя, — эътироз билдирди мистер Браунлоу, — бунақанги ҳикоялар одатда узун бўлади; башарти беғубор бахту хурсандчиликдан ҳикоя қилганимда қисқагина бўларди. Ниҳоят, манфаатлари йўлида отангиз қурбон қилинган бадавлат қариндошлардан бири оламдан ўтади (бундай қурбонлик эса оддий

бир ҳодисадир), ўзи қуроли бўлган ёвузликни эндиликда тузатиш истагида у отангизга пул қолдириб кетаркан, бу пул жамики бало-қазою фалокатларнинг давоси бўлиб туюлган унга. Зудлик билан Римга етиб бориш зарурати туғилади шунда, зеро бу одам даволангани бориб, ишларини ўлда-жўлда қолдириб, ўша ерда вафот этган. Отангиз йўлга отланган ва ўша ёқда бедаво дардга чалинган. Бу ҳақдаги хабар Парижга етиб келиши биланоқ онангиз сизни олиб йўлга тушган. Сизлар етиб борган куннинг эртасига ҳеч қандай васият — *ҳеч қандай васият* қолдирмай жони узилган унинг, шундай қилиб, бор бойлиги онангиз билан сизга теккан.

Эндиликда Монкс, гарчи ҳикоячининг бетига қарамаётган бўлса-да, бутун вужуди диққатга айланиб, нафасини ичига ютиб қулоқ солаётган эди. Мистер Браунлоу тин олганида қўққисдан ўзини енгил торгандек туйган одам сингари авзойи-ҳолатини ўзгартиб, бўғриқиб кетган афти ва қўлларини артди.

— Чет элга жўнашидан олдин, Лондон орқали ўтиб бораётиб, — мистер Браунлоу унинг афтидан кўз узмай, ошиқмай, бафуржа давом эттирди ҳикоясини, — у менга йўлиққанди...

— Буни сираям эшитмагандим, — гапини бўлди Монкс ўзича шубҳаланганини англатиши лозим бўлган оҳангда, лекин овози ёқимсиз, ҳайратомуз чиқди.

— У менга йўлиқиб, бошқа буюмларидан ташқари бир расми — ўша бечора қизнинг ўз қўли билан чизган расмини ҳам ташлаб кетди. У расми қолдириб кетишни истамас, айни чоғда ошиғич сафарга ўзи билан олиб ҳам кетолмасди. Чеккан ташвишию виждон азобидан рамақижон бўлиб қолганди, ўзи келтирган ҳалокат ҳамда беномуслик тўғрисида ийманиб, минг хижолат билан, пойма-пой қилиб гапирди; ҳар қандай зиён-пиёнига қарамай, бор бисотини пулга айлантириш ниятида эканини ва олажак меросидан бир қисмини хотини билан сизга ажратиб бериб, мамлакатдан қочиб қолишини — ёлғиз ўзи қочмоқчиюмаслигини жуда яхши тушуниб турардим ўшанда — ва бу ёққа ортиқ қайтиб келмасликка қасд қилганини айтганди менга. Ҳатто мендай одамга, иккаламиз учун қадрдону азиз кишимизнинг ўлими боғлаб турган мендай қадрдон дўстига ҳам дилидаги гапларни ёрилмади буткул; ҳаммасини мактув орқали ёзиб юборишга ва мен билан яна бир марта, ҳаётида охири марта учрашишга сўз бериб қўя қолди. Афсус, афсус! Уша галгиси охириги учрашувимиз экан. Ундай ҳеч қандай хат олмадим, ўзи билан ҳам қайтиб дийдор кўришмадим... Ҳамма иш ана шундай тугагач, — пича тин олиб, сўнгра ҳикоясини давом эттирди мистер Браунлоу, — мен ўша жиноятқорона муҳаббат туғилган жойга — одамлар бемалолу хотиржамгина ишлатадиган иборани ишлатаяпман, зеро инсоний шафқатсизлик ва мурувватнинг эндиликда унинг учун аҳамияти йўқ — ўша жойга бордим. Мен мабодо хавотиру ташвишларим тўғри чиқса, адашган гўдакка бошпана ҳамда паноҳ бўла оладиган уйиму қалбимнинг тўрини ҳада этишга аҳд қилгандим. Мен етиб бормасимдан бир ҳафта бурун бу оила у жойлардан кўчиб кетибди; улар майда-чуйда жамики қарзларидан узилишиб, тунда жўнаб кетишибди. Қаёққа ва нимагалигини ҳеч зоғ айтиб беролмади менга.

Монкс янада енгилроқ нафас олди ва тантанавор қиёфада хонага кўз югуртиб чиқди.

— Укангиз, — деди мистер Браунлоу унга яқинроқ суриларкан, — укангиз, қилтириқдай, жулдур-жулдур кийинган, бошида бирон паноҳи йўқ ташландиқ болакай тасодифдан кўра хийла қудратлироқ бир кучнинг азми билан каминанинг йўлида қўндаланг бўлиб, уни шармандали ҳамда иллатларга кон ҳаёт ботқоғидан халос этган бир пайтимда...

— Нима-нима? — қичқириб юборди Монкс.

— Мен халос этганимда! — такрорлади мистер Браунлоу. — Ҳаш-паш дегунча гапимга қизиқтириб қўяман деб огоҳлантириб қўйгандим ўзларини. Ҳа, мен томонимдан. Кўриб турибман, айёр ҳамтовогингиз, гарчи сизга нотаниш деб ҳисоблаган бўлса ҳамки, менинг исм-шарифимни яширибди ўзларидан. Укангиз мен томонимдан халос этилгач ва менинг уйимда аста-секин дарддан фориғ бўлиб ётар экан, юқорида айтиб ўтганим расмга қўйиб қўйгандай ўхшаб

кегиши ҳайратга солди мени. Ҳатто кир-чир ва аянчли бир ҳолатда ҳам дастлабки кўзим тушганидаёқ юзидаги нимасидир менда ғайритабиий таассурот қолдириб, гўёки қайсидир эски қадрдонимнинг қиёфаси ярқ этиб кўз ўнгимдан ўтгандек, тушимда аниқ-тиниқ кўргандек бўлдим. Бошига тушган савдоларни билиб ул-гурмасимдан бурун уни ўғирлаб кетганларини сизга айтиб ўтиришимнинг ҳо-жати йўқ...

— Нега энди ҳожати бўлмас экан? — шоша-пиша сўради Монкс.

— Сабабки, бу сизга беш қўлдай аён.

— Менга-я?

— Рад этиш бемаънилик бўлади, — жавоб қилди мистер Браунлоу. — Бун-дан кўра хийла кўпроқ нарсани билишимни исбот қилиб бераман сизга.

— Сиз... сиз... менга қарши... ҳеч нимани исботлаб беролмайсиз, — деди Монкс тутила-тутила. — Қани, бир уриниб кўринг-чи?

— Кўрамиз! — деди кекса жентльмен унга синовчан кўз ташлаб қўяр экан. — Мен болани йўқотиб қўйдим ва ҳар қанча уринмай, уни тополмадим. Онангиз бу пайтда оламдан ўтганди, билардимки, сиздан бўлак ҳеч ким сирни очиб беролмасди; охирги марта эшитганимга қараганда сиз Вест-Индидаги мулкин-гизда экансиз, онангиз вафотидан сўнг энг охирги бемаъни қилмишларингиздан қочиб қутулиш учун ўша ёққа жўнаворганингиз ўзингизга жуда яхши аён, шу туфайлидан мен сафарга отландим. Бир неча ой муқаддам у ердан жўна-гансиз ва чамаси, Лондонда эдингиз, илло ҳеч зог айнан қаерда эканингизни айтиб беролмади. Мен орқага қайтдим. Мулозиму хизматчиларингиз қаерда турганингиздан беҳабар эдилар. Уларнинг сўзларига қараганда ҳамшағидек сирли равишда кириб келар ва худди ўшандай ғойиб бўларкансиз. Гоҳ ҳар куни пайдо бўлар, гоҳ ойлаб гумдон бўлиб кетаркансиз, наздимда, илгариги фақшхоналарга қатнаган, яна ўша сурбет ҳамда қайсар ёшлигингиздаги ош-наларингиз бўлмиш манфуру жирканч одамлар билан мулоқотда бўлиб турган-сиз. Мен янги-янги саволлар билан мулозимларингизни безори жон қилдим. Кечасию кундузи кўча кездиму, локигин барча уринишларим, бундан атиги икки соатгина муқаддам ҳам беҳуда кетаётгандай эди, сизни ҳаттоки бирровгина бўлса-да, кўришга эришолмай юргандим.

— Мана энди қўриб турибсиз, — деди Монкс дадил ўрнидан туриб. — Хўш, бу ёғига нима демоқчисиз? Уз фикрингизча аллақанақанги иблисваччани ўлган одамнинг қўли билан чаплаган бемаза бир расмга ўхшашлигини тусмоллаб, шуни рўқач қилиб, қаллоблик ва талончилик деган тумтароқ сўзларни қалаш-тириб ётибсиз. Укангмиш! Бу ошиқ-маъшуқлар бола кўришган-кўришмаганини ҳаттоки билмайсиз ҳам. Ҳатто, шунинг ҳам билмайсиз.

— Ҳа, билмасдим, — жавоб қилди мистер Браунлоу, у ҳам ўрнидан турар экан, — локигин кейинги икки ҳафта мобайнида барини билиб олдим. Сизнинг укангиз бор! Буни биласиз, уни танийсиз ҳам. Онангиз ўлими олдидан сизни сирдан ҳамда ундан келадиган ҳаёндан воқиф этган, васиятнома ҳам бўлган. Ўша васиятномада бу қайгули мулоқотдан дунёга келиши мумкин бўлган гў-дак тилга олнган; ўша гўдак туғилган ва сиз уни тасодифан учратганингизда илк марта кўнглингизда отамга ўхшайдими, деган гумон туғилган. Сиз у ту-ғилган жойга йўл олгансиз. У ерда далиллар — унинг туғилиши ва шажараси ҳақидаги узоқ вақтлардан буён пинҳон ётган далиллар сақланиб қолган. Бу далилларни йўқотгансиз, эндиликда, ўзингизнинг тилингиз билан суҳбатдо-шингиз бўлмиш жухудга айтганингиздек, «боланинг шахсини аниқлаб беради-ган яккаю ягона далил дарёнинг тубида ётибди, уни боланинг онасидан олган шумкампир эса тобутда қуртларга ем бўлиб, чириб ётибди». Номуносиб ўғил, ярамас ёлғончи! Сиз, эй тунлари зим-зиё хоналарда ўғрию қотиллар билан пичирлашадиган нусха! Сиз, эй ўзингизга ўхшаганларнинг миллионтасига ар-зийдиган аёлни фитнаю фириблари билан ажалидан бурун ўлимга олиб борган разил! Сиз, эй бешиқдалигидаёқ ўз отасининг қалбини аламу ситам-ла яралаб, вужудини захарлаган ва танасида уя қуриб, камол топаётган бебурдона майл-истаклар, иллату бузуқликлар охир-оқибатда манфур дардга айланиб, баша-расини мурдор қалбининг кўзгусига айлантириб қўйган пасткаш зот! Сиз, эй Эдуард Лифорд, мени кураш майдонига чорлашда давом этасизми ҳамон?

— Йўқ, йўқ, йўқ... — шивирлади ана шу жамияки айбловлардан сунг аблақ.

— Уша ёвуз билан гаплашган ҳар бир сўзингиз, ҳа, ҳар битта сўзингиз менга аен! — хитоб қилди кекса жентльмен. — Девордаги кўлагалар сизнинг шивирлашларингизни пинҳона эшитиб, каминанинг қулогигача етказганлар. Зада қилинган болакайнинг афт-ангори ҳатто фақш жонга таъсир қилиб, ву-жудига жасорат, оз бўлса-да олижаноблик туйғусини солган. Мана, қотиллик содир бўлди, аслан бўлмаса ҳамки, маънан иштирокчисисиз бу қотилликнинг...

— Йўқ, йўқ! — унинг сўзини бўлди Монкс. — Мен... мен... бу тўғрисида ҳеч нимани билмайман. Мени қўлга туширган пайтигизда бу воқеани аниқроқ билгани кетаётувдим. Сабабидан беҳабар эдим. Буни одатдаги жанжаллашувлардан деб ўйлагандим.

— Сизнинг сирларингиздан бир қисмининггина фош бўлиб қолгани сабаб бўлган бунга, — жавоб қайтарди мистер Браунлоу. — Хўш, энди ҳаммасини очасизми?

— Ҳа, ҳаммасини.

— Далилларни ҳаққоний хатга туширилса имзо чекиб, шоҳидлар олдида тасдиқлайсизми уни?

— Бунга ҳам сўз бераман.

— Шундай ҳужжат тузилмагунча тинчгина кутиб, кейин уни тасдиқдан ўтказгани мен маъқул топган ерга биргалашиб боришга тайёрмисиз?

— Агар талаб қиладиган бўлсангиз, бунга ҳам тайёрман, — жавоб қилди Монкс.

— Бундан кўра кўпроқ нарсаларни қилишингиз керак ҳали, — деди мистер Браунлоу. — Бегуноҳ ҳамда беозор болакайга, гарчанд жинояткорона ва энг бадбахтона муҳаббат меваси бўлса ҳамки, аслида шундай бола у, мол-мулкни қайтарасиз. Васиятномадаги шартлар ёдингиздан кўтарилиб кетмаган бўлса керак-а?.. Уларни адо этасиз, зеро бу шартлар укангизга тааллуққидир, ана ундан кейин тўрт томонингиз қибла, истаган ерингизга жўнайверасиз! Бу оламда у билан бошқа учрашишингизнинг ҳожати йўқ!

Монкс қош-қовоғи осилиб, зардаси қайнаб ушбу таклиф ва унга чап бериб қолиш борасида бош қотириб, бир томондан хавфсираш ич-этини таталаб, иккинчи томондан нафрати қайнаб-тошиб у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, эшикни шоша-пиша очишди ва хонага ниҳоятда ҳаяжонланган бир жентльмен (мистер Лосберн) ҳовлиққанча кириб келди.

— Уша одам албатта қўлга тушади! — хитоб қилди у. — Шу бугун кеч-қуруноқ қўлга олинади.

— Қотилми? — сўради мистер Браунлоу.

— Ҳа, — жавоб қилди униси. — Кўҳна бузуқхоналардан бирининг атрофида ити ўралашиб юрганини кўришибди; чамаси, эгасининг ё ўша ердалиги, ё қоронги тушганда у ерга келишига шубҳалаймаса ҳам бўлади. Ҳаммаёқда из-қуварлар изғиб юришибди. Уни қўлга тушириш топширилган одамлар билан гаплашдим, ўшалар қочиб қутулолмайди дейишяпти уни. Бугун оқшомда юз фунт мукофот берилажаги эълон қилинибди ҳукумат томонидан.

— Мен ҳам устига эллик фунт қўшаман, — деди мистер Браунлоу, — агар етиб боролсам, ўша жойнинг ўзида ўз оғзим билан эълон қиламан буни... Мистер Мэйли қаерда?

— Гаррими? Манави ошнангиз сиз билан извошга соғ-саломатгина ўтирганини кўрган заҳоти бу хабарни эшитган ерига от қўйиб кетди, шаҳар чеккасидаги шартлашилган аллақайси жойда дастлабки бўлинмага бориб қўшилиши керак экан.

— Феджин-чи? — сўради мистер Браунлоу. — Унинг тўғрисида нима гаплар бор!

— У тўғрисида охириги марта эшитганимда ҳали қўлга олинмагани, лекин ушлашади уни, балки қўлга тушириб ҳам бўлишгандир аллақачон. Бунга ишончлари комил эди уларнинг.

— Бир қарорга келдингизми? — оҳистагина сўради мистер Браунлоу Монксдан.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Сиз... сиз... менинг сиримни сақлаб қоласизми?

— Сақлаб қоламан. Мен қайтиб келгунимча шу ерда қоласиз. Хавфдан қутулиб қолишингизнинг бирдан-бир умидли чораси шу.

Жентльменлар хонадан чиқишди ва эшик яна қулфлаб қўйилди.

— Нимага эришдингиз? — шивирлаб сўради доктор.

— Мўлжалимдагининг барига, ҳатто ундан ҳам кўпроққа. Бечора қиздан эшитган, шунингдек, илгари билган маълумотларимни, жойида саховатли дўстим олиб борган текширувлар натижасини бирма-бир ёғдириб ташлаб, тонишга ақалли тариқчалик важ-сабаб қолдирмай, жамики қилган қабихлигу разилликларини бежамай-нетмай рўйирост башарасига айтиб, туриш-турмушини нақ кўзгуда кўрсатгандек яққол кўрсатдим-қўйдим. Мактуб ёзиб учрашувимизни индинга кечки соат еттига белгиланг. У ерга бир неча соат олдинроқ етиб борамиз, илло аввал, айниқсанги ойимқиз, дам олволишимиз зарур; негаки содир бўлажак гаплар ундан ҳозир сиз билан биз ўйлаётгандан кўра ортиқроқ матонатни талаб этиши мумкин. Локигин шу топда анави разилларча ўлдирилган бечора қизгинанинг ўчини олиш истаги зўрлигидан томирларимдаги қон қайнаб кетяпти. Қаёққа қараб кетишди улар?

— Тўғри полиция мақкамасига қараб бораверинг — шунда нақ вақтида етиб борасиз, — жавоб берди мистер Лосберн. — Мен шу ерда қоламан.

Жентльменлар шошилишча хайрлашишди — ҳар иккаласи ҳам жиловлаб бўлмайдиган бетизгин ҳаяжон исканжасида эди.

## L боб

### Таъқиб ва қочиш

Темзага яқингина ерда, Ротерхиздаги черков кад кўтарган ва соҳилбўйи иморатлари энг чиркин, дарёдаги кемалар эса кўмир ташийдиган баржалардан кўтарилган кукун ҳамда қалашиб ётган пастак-пастак кулбалардан таралган тутундан қорайиб кетган жойида ушбу шаҳарнинг беҳисоб истиқоматчилари ҳатто номини ҳам билмайдиган даҳалари ичида энг ифлос, энг галати, энг антиқаси жойлашган.

Йўловчи бу масканга фақат шу атрофда бозори чаққон буюмлар сотиладиган, соҳилбўйи аҳли орасида энг қўполию энг қашшоқлар ишғол этган ифлос, тору танқис жинкўчалар оралабгина бора олади. Бу даҳадаги пештахтаю дўкончаларга энг арзон ва энг бемаза озиқ-овқатлар уйиб ташланган; дўкондорларнинг эшикларига ва дераза панжараларига энг жўну энг дағал матодан тикилган либослар илиб ташланган. Йўловчи ҳеч қандай ҳунару касб-кори йўқ заҳматқашлар, ҳаммоллар, кўмирчилар, бузуқ аёллар, жулдур болалар, хулласи, бандаргоҳдаги жамики қаланги-қасангиларга дуч келиб, улар орасидан аранг йўл очиб, жирканч манзараю ўнгу сўлга тармоқ отган тор кўчалардан гуп-гуп уфураётган бадбўй ҳидлар исканжасида, ҳар бир муюшда учраб турадиган омборхоналардан уйиб мол ортиб кетаётган оғир араваларнинг тарақатуругидан қулоги битиб олға юради. Ниҳоят, хийла чеккароқ ҳамда одам сийракроқ кўчаларга чиқиб, шундоқ йўлқа тепасида бамисоли муаллақ осилиб турган омонат босгирмаю болохоналар остидан ўтиб боради; ёнидан ўтиб бораётганида гўёки лопиллаб кетгандек туюлган чирик деворлар ёқалаб илгариллайди; бошига тушиб кетай-тушиб кетай деб турган ярим хароба мўрилар, зангланган сим билан тўсилган чириб битаёзган деразалар — жамики тасаввурга сизмас қашшоғлигу вайроналикнинг шаҳодати бўлмиш нарсалар биқинидан ўтади.

Бир замонлар Милл-Ронд деб аталган, бироқ биз ҳикоя қилаётган кунга келиб Фолли-Дич номи билан машҳур бўлган, сув кўтарилиши пайтида чуқурлиги беш-саккиз, эни ўн беш-йигирма футга борадиган ифлос ҳандақ билан қуршалган. Жекоб Ороли худди ана шу чекка ерда, Докхед ортидаги Саутуоркда жойлашган. Мазкур хандақ, ёхуд Темзанинг тармоқчаси, башарги Лид-Миллс ёнидаги шлюзлар очик бўлса, сув кўтарилган паллада лиммо-лим тўлади ҳаминча, қадимги номини ирмоқча ана шу жой номидан олган. Бундай пайтда йўловчи Милл-Лейн яқинидаги ёғоч кўприклардан бирортасида туриб, ҳар икки бетдаги

уйларнинг истиқоматчилари орқа томондаги эшигу деразаларидан сув тортиб олгани ёғоч пақир, челак ва турли хил рўзгор идишларини пастга тушираётганини кузатиши мумкин. Мабодо унинг нигоҳи бу машғулотдан узилиб, уйларнинг ўзига қадаладиган бўлса, унда кўз ўнгида намоён бўлган манзарадан ёқасини ушлаб қолади. Орқа деворлар ёқалаб кетган беш-олти хонадоннинг ўртасидаги лиқилдоқ айвонча-шийпонларнинг остки тўшамма тахталари пастдаги лой-балчиқ кўриниб турадиган бўлиб ёрилиб-тешилиб ётибди; синган кўзларига қоғоз ёпиштирилган ойналардан кир ёйиладиган дорлар саланглаб чиқиб турибди, уларга аслида ҳеч қачон кир ёйилмаган; хоналар шунақанги кичкина, шунақанги аянчли, шунақанги торки, уларнинг ҳавоси ҳатто ўзлари яшириб турган ифлослик ва разолат учун ҳам ҳаддан зиёд палағда, захарлилик қиладигандек туюлади; чиқиндию ахлатлар узра соябон бўлиб турган қўшимча ёғоч шийпону болохоналар худди қулаб тушаётганга ўхшайди — гоҳо баъзилари шундай босиб ҳам қолади; деворларни қуруму ис босиб кетган, пойдеворлар чириб-нураган; оламдаги жамики қашшоқлик белгилари, жамики чиркинлик, чиқинди, ахлату лой — Фолли-Дич қирғоғини ана шулар безаб туради.

Жекоб Оролидаги омборхоналарнинг тепасида томи ҳам йўқ, ичлари бўм-бўш, деворлари увалиб-уқаланган, ойналари ойна нусхини йўқотган, эшиклари кўчага ағдарилиб, қийшайиб ётибди, мўрилари қорайиб кетган, аммо улардан тутун чиқаётгани йўқ. Уттиз-қирқ йиллар муқаддам, бу ерлар ҳали зарар кўриш ҳамда Канцлер Судида\* даъволашиш нималигини билмайдиган пайтларда гуллаб-яшнаган эди, бироқ ҳозир чинакамига ташландиқ орол бу. Уйлар эгасиз; эшиклари қўпориб ташланган. Жасорати етган, юраги дов берган ҳар қандай одам кира олади уларга; улар шу ерда яшайди ва шу ерда ўлади. Жекоб Оролидан бошпана истаганларнинг хуфия жой излашлари учун асосли сабаблари бўлиши керак, ёқуд улар ғирт қашшоққа айланиб қолганлар.

Ана шу уйлардан бирининг — бошқаларидан алоҳида, ярим хароба, аммо эшигу дарчалари мустаҳкам, орқа девори юқорида таърифлаганимиз хандаққа қараган қайҳотдай уйнинг юқориги хонасида жам бўлган уч эркак дам-бадам бир-бировларига саросима билан, ниманидир кутаётгандай қараб-қараб қўйганча бир муддат миқ этмай, қовоқ уйиб ўтиришди. Улардан бири Тоби Крекит, иккинчиси мистер Читлинг, учинчиси эса муштлашувлардан бирида бурни пачақ бўлган, юзида ваҳимали чандиғи бор (эҳтимолки бу ҳам ўша пайтда тушгандир бетига) ўн беш ёшлардаги ўғри йигитча эди. Бу нусха қочоқ қаторгачи бўлиб, исми Кэгс эди.

— Иккала эски масканимизда пойи-патагимизга ўт қалашганидан кейин бу ёққа қадамранжида қилмай, бошқа бирорта янги уй излашингизни истардим, қадрдон, — деди Тоби Крекит мистер Читлингга.

— Нега энди шундай қилмадингиз, эй каллаварам? — сўради Кэгс.

— Мени кўришдан бундан кўра жиндаккина кўпроқ хурсанд бўласизлар деб ўйлагандим, — жавоб қилди мистер Читлинг ранжинқираб.

— Биласизми, йигитча, — деди Тоби, — мабодо биров менга ўхшаб танҳо яшаса ва теварагида ҳеч зог ўралашиб, искаб юрмайдиган шинамгина уй бўлса-ю, тўсатдан сизнинг ҳозирги шароитингиздаги йигитчанинг илтифот кўрсатиб хонадонига ташриф буюриши (бемалол вақти борида қарта ўйинида у қанчалик кўнгилли ҳамда шинаванда шерик бўлмасин) уни бағоят нохуш ақволга солиб қўяди.

— Бунинг устига ўша танҳоликда яшайдиган йигитникига ўзга юртлардан кутганларидан анча эртароқ қайтган ва қайтиши билан судьяларга учрашишга камсуқумлиги йўл қўймайдиган ошнаси келиб тушган бир пайтда, — дея қўшиб қўйди мистер Кэгс.

Орага қисқагина жимлик чўкди, сўнг Тоби Крекит, афтидан ўзининг одадий чапанинамо такаббуруна қиёфасини сақлаб қолишга уриниши ишонарли чиқмаслигини фаҳмлади чоғи, Читлингга ўгирилиб:

— Шундай қилиб, Феджинни қачон қўлга олишди? — деб сўради.

— Қоқ тушлик пайтида — бугун пешинги соат иккида. Чарли икковимиз кир ювиладиган хонанинг мўрисидан куён бўлдик, Болтер эса боши билан

бўш бочкага калла қилганди, шотидай узун оёқлари бочкадан чиқиб қолиб, унияма олиб кетишди.

— Бет-чи?

— Шўрлик Бет! У кимни ўлдирганларини кўргани бориб, — жавоб берди Читлинг, чаккаси тиришгандан-тиришиб бораркан, — жинни бўп қопти: дод деб бақириб, шайтонлаб, деворга бошини ураверганидан, жиннилар кийимини кийдиришиб, касалхонага жўнатишибди. Ҳозир ўшоқда у.

— Бейте-чи, у қаёқда? — сўради Кэс.

— То қоронғи тушгунича бу ерда кўзга ташланмаслик учун қаерлардадир сандироқлаб юрибди, лекин тез орада келиб қолади, — жавоб берди Читлинг. — Энди борадиган жойи йўқ бошқа, нега деганда, «Мажруҳлар» дагиларнинг ҳаммаларини ҳайдаб кетишган, қовоқхонада бўлса исковучлар бижиб ётганини ўтиб бораётиб ўз кўзим билан кўрдим.

— Бу узил-кесил тор-мор қилиндик деган гап, — деди Тоби лабини тишлаб. — Кўпларимизни илинтиришади тузоққа.

— Ҳозир мажлис қуришяпти, — деди Кэс. — Агар улар терговни тугатадиган ва Болтер бошқаларни сотадиган бўлса — шу кунгача қилган ишларига қараганда албатта сотади, — Феджиннинг қотилликка алоқаси борлигини исботлаб, судни жумага белгилашлари мумкин, олти кундан кейин эса бўйнига сиртмоқ солишмаса отимни бошқа қўяман!

— Оломоннинг қанақанги бақириб-чақирганини эшитганларингга борми, — деди Читлинг. — Полициячилар бамисоли иблисдай олишишди, бўлмаса унинг этини парча-парча қилиб бурдалаб ташлашарди. Бир марта уни уриб йиқитишди ҳам, лекин полициячилар атрофини ўраб олиб, аранг йўл очишди ўзларига. Унинг қоп-қора қонга, лойга беланиб, худди энг қалин ошналаридай полициячиларга ёпишиб олганини бир кўрсаларинг эди. Ҳозир ҳам уларни шундоққина кўриб турибман: ўзларини аранг тутиб, зўрга дош бериб боришяпти, негаки оломон устиларига ҳар томондан ёпирилиб келиб, чолни тортқилаб-судраяпти; оломон мушт ўқталиб, дўппослаб, тишларини гижирлатиб, унинг устига ташланибганини худди ҳозиргидай кўриб тургандайман. Сочи ва соқолидаги қон шундоққина кўзимнинг олдида турибди, хотинларнинг қичқариқларини қулогим эшитиб турибди — улар муюлишда одам энг қалин жойни ёриб ўтиб, юрагингни юлиб оламиз бу ёққа, деб шанғиллаб қаргаб ётишибди.

Мазкур манзаранинг даҳшатида борлиги ларзага келган гувоҳ қулоқларини қўллари билан беркитиб, кўзларини юмиб олган кўйи ўрнидан турди-да, худди ақлдан озгандай тез-тез у ёқдан-бу ёққа бориб-келаверди.

У бетоқатланиб нари бориб-бери келар, қолган икки шериги оёқлари остига тикилганча ўтиришар экан, тўсатдан эшикни аллаким ёхуд нимадир қитирлатиб тимдалаётганини эшитдилару хонага Сайкснинг ити югуриб кирди. Улар деразага ташланишди, сўнг зинадан пастга, кўчага отилишди. Ит очиқ деразанинг рафига сакраб чиқди; у йигитлар кетидан тушмади, эгаси эса ҳеч ерда кўринмади.

— Бу қанақаси бўлди? — деди Тоби улар қайтиб келишгач. — Бу ёққа келиши сира ақлга тўғри келмайди. Иш... ишонаманки, бундаймасдир.

— Агар бу ерга келаётган бўлса, ит билан бирга кириб келарди, — деди Кэс энгашиб, тилини осилтирганча ҳансираб ётиб олган итни кўздан кечираркан. — Менга қаранглар, унга сув берайлик, узоқ юурганидан ўлар ҳолатга келиб қолибди...

— Бир томчисиниям қолдирмай ҳаммасини ичди, — деди итни жимгина кузатиб турган Читлинг. — Лойга беланибди, оқсаяпти, кўзиям хиралашиб қолибди... росаям узоқ чопганга ўхшайди.

— Қай гўрдан келиб қолдийкин бу? — деди Тоби ҳовриқиб. — Турган гап, ҳамма бошқа қовоқхонаю майхоналарга борган, ҳамма ерда бегона, нотаниш одамлар оломонини кўриб, илгарилари тез-тез бўлиб тургани учун зингиллаганича бу ерга келган. Лекин бундан олдин қаердан келганин, кейин эгасисиз бу ерга қандай келиб қолдийкин?

— Ахир у (улардан ҳеч қайсилари қотилнинг исмини тилга олмаётгандилар),



ахир у ўз жонига қасд қилмагандир? Сизлар нима деб ўйлайсизлар? — сўради Читлинг.

Тоби бош чайқади.

— Агар ўзини-ўзи ўлдирганида, — деди Кэс, — ит бизни ўша ёққа сургарди. Йўқ. Менимча, у Англиядан қуён бўлгану итни ташлаб кетган. Бир йўлини қилиб адаштириб кетган, бўлмаса ит бунақанги жимгина ётмасди.

Ҳақиқатга энг яқин бўлиб туйилган бу фикр тўғри деб топилди: стол тагига кириб олган ит кучала бўлиб уйқуга кетди-ю, ортиқ диққатларини тортмай қўйди.

Қоронғи тушгани боисидан дераза қопқоқларини ёпиб, шамни ёқишди-да, уни столга келтириб қўйишди. Сўнгги икки кун мобайнидаги даҳшатли воқеалар учовларига ҳам жуда қаттиқ таъсир этган ва ўзларига таҳдид солиб турган хавф-хатар бунини янада ошириб юборганди. Улар тиқ этган шарпадан бир чўчиб тушганча, курсиларини бир-бировларига яқинроқ суришди. Улар кам, шунда ҳам шивирлашиб сўзлашишар ва гўёки ўлдирилган қизнинг жасади қўшии хонада ётгандай пилдирписгина, чурқ этгани чўчиб ўтиришар эди.

Улар бир муддат шу кўйи ўтиришди, кейин қўққисдан пастда аллаким эшикни бетоқат гурсиллатиб қолди.

— Вейтс келди, — деди Кэс вужудига чирмашган ваҳимани енгил учун жаҳл билан атрофига аланглаб.

Эшик яна тарақлади. Йўқ, бу Вейтс эмасди. У ҳеч қачон бунақанги тақиллатган эмас эшикни.

Кремит дераза ёнига борди-да, бутун танаси қалт-қалт титраганча мўралаб қаради. Ошналарига ким келганини айтиб ўтиришининг зарурати қолмаганди: ранги қув ўчиб кетган башараси ўз-ўзидан айтиб турарди бунини. Вунинг устига ит ҳам сапчиб турди-ю, гингшиганча эшикка қараб югурди.

— Ичкарига киритишимиз керак уни, — деди Кремит шамни олаётиб.

— Наҳотки бошқа йўриғи бўлмаса? — хирилдоқ товуш билан сўради ошнаси.

— Ҳеч қанақанги. Ичкарига кириши керак у.

— Бизни бунақа қоронғида қолдирманг-да, — деди Кэс камин тоқчасидан бошқа шамни оларкан; шамни ёқаётганида қўллари қалтирарди, шу туфайли у то шамни ёндириб олгунича эшик тагин икки марта тақиллади.

Кремит пастга тушиб кетди ва оғзию иягини битта рўмолча, шляпали бошини бошқа дастрўмол билан боғлаб олган бир одами бошлаб қайтди. У рўмолчаларни шопилмай ечди. Ранги заъфарон, кўзлари ўпирилиб тушган, чаккалари ич-ичига кириб, уч кун орасида соқол-мўйлови ўсиб кетган, юзлари сўлгин, нафаси хириллаб чиқяпти; бу — Сайкснинг бамисоли арвоҳи эди.

У хонанинг ўртасида турган курсининг суянчиғидан ушлаб, унга ўтирмақчи бўлди-ю, бироқ елкаси оша орқасига кўз ташлаб қўяркан, сесканиб кетиб курсини девор гомон суриб, иложи борица тақаб қўйди-да, кейин ўтирди.

Ҳеч бирлари чурқ этиб оғиз очишмади. У индамай дам унисига, дам бунисига тикиларди. Мабодо бирорталари ўғринча қараётган бўлса, нигоҳлари тўқнашиши биланоқ юзини буриб оларди. Унинг хирқироқ овози орадаги жимликни бузганида учовлари сесканиб тушишди. Чамаси, бу овозни улар умрларида эшитмаганга ўхшашарди.

— Ит қандай кириб келди? — сўради у.

— Елғиз ўзи. Уч соатча бўлди.

— Оқшомги газетада Феджинни қўлга олинди деб ёзишибди. Шу тўғримини ё ёлғонми?

— Тўғри.

Яна жим қолишди.

— Ҳаммаларингни падарларингга лаънат! — дея жазаваси тутди унинг, кафти билан пешонасини артаркан. — Нима, менга айтадиган ҳеч қанақанги гапларинг йўқми?

Улар хижолатомуз бесаранжомланиб қўйишди-ю, лекин ҳеч қайсылари миқ этмади.

— Сиз бу уйнинг эгасисиз, — деди Сайкс Кремитга юзланиб. — Хўш, мени

тутиб бермоқчимисиз ёки бу ов тугагунича шу ерда тура-туришимга рухсат этасизми?

— Агар бежавотир деб ҳисоблайдиган бўлсангиз қолаверишингиз мумкин, — дея жавоб берди у мурожаат қилган одам бирпас иккиланиб тургач.

Сайкс хиёл бошини буриб, орқасидаги деворга қараб қўйди-да:

— Анави... жасад... кўмишдими уни! — деб сўради.

Улар йўқ деган маънода ишора қилишди.

— Нега энди кўмишмайди? — дея хитоб қилди у, тагин орқасига қараб қўяр экан. — Бунақанги жирканч нарсани нимага ушлаб туришибди ўзи?.. Ким тақиллатяпти у ёқда?

Хонадан чиқишдан олдин Крекит, хавотир оладиган ҳеч нима йўқ, деган ишорани қилиб, пастга тушиб кетди-ю, ўша заҳотиёқ Чарли Бейтсни эргаштириб қайтди. Сайкс эшикнинг тўғрисида ўтиргани сабабли бола остона ҳатлаб ичкарига қадам қўйиши биланоқ унга кўзи тушди.

— Тоби! — деди у орқасига тисарилиб, Сайкс унга тикиларкан. — Нега ўшоқда, пастда айтмадингиз буни?

Анавиларнинг, уч ошнанинг кўрқув аралаш бу бадбахт одам ҳатто шундай содда бола олдида мулозамат қилишга ҳам тайёр шекилли деган ҳайратлари сезилиб турарди. Мана у, бош ирғади, афтидан, боланинг қўлини қисишга ҳам тайёрга ўхшайди.

— Мени бирорта бошқа хонага бошланг, — деди бола яна тисарилиб.

— Чарли, — деди Сайкс, олға бир қадам ташлаб. — Наҳотки сен... сен мени танимаётган бўлсанг?

— Яқинлашманг менга, — жавоб қайтарди бола тағинам нарироққа чекинар экан, қотилнинг афтига даҳшат-ла тикилиб. — Евуз!

Қотил ярим йўлда тўхтади, улар бир-бировларига тикилиб қолишди, бироқ Сайкснинг кўзлари оҳиста ерга қадалди.

— Учовларинг гувоҳсизлар! — Қичқирди бола маҳкам тугилган муштини силкиб, сўзлагани сайин ҳаяжони ортгандан-ортиб борарди. — Учовинглар гувоҳ бўлинглар — мен ундан кўрқмайман! Агар бу ерга қидириб келишадиган бўлишса, уни сотаман, худди шундоқ қиламан, кўрасизлар. Олдиндан огоҳлантириб қўйяпман сизларни. Бунинг учун мени, агар хоҳласа ёки ботинса, ўлдирар қолсин, лекин мен шу ерда бўлсам, сотаман уни. Уни тириклайин ёқишадиган бўлишсаям бари бир тутиб берардим... Улдиришяпти! Ердан беринглар!.. Учовларинг битта одамни ушлашга юракларинг дов берса, менга ёрдамлашиб юборасизлар... Улдиришяпти! Ердан беринглар!.. Ушланглар уни!..

Бола ана шу тахлит дод солганча ва аламли ишораю мардона ҳаракатлар билан чиндан ҳам бир ўзи бакувват эркакка жон-жаҳди-ла ҳамда кўккисдан ташланиб қолгани туфайли гуппа қулатди уни.

Учала томошабин ўзларини йўқотиб, мутлақо эсанкираб қолишганди чоғи. Улар аралашшга уришиб ҳам кўришмади, бола билан эркак ерда думалай кетишди; бола ўзига ёғилаётган зарбаларга парво қилмай, қотилнинг кўйлагидан маҳкам чангаллаб олганича овозининг борича ёрдамга қақирарди.

Бироқ олишув кучлар бағоят нотенглиги сабабли кўпга бормади. Сайкс болани тагига босиб олиб, тиззаси билан томоғидан эза бошлади, шунда Крекит уни Бейтснинг устидан тортиб тушириб, хавотирлик билан дераза томонни кўрсатди. Пастда ўтлар милтиллаб, бақирик-чақириклар, оширич қадам товушлари эшитилаётганди — чамаси улар беҳисоб бўлиб, энг яқиндаги кўприкдан келаётганди. Афтидан оломон орасида отлиқ ҳам бор кўринарди, негаки нотекис тош йўлдан туёқ дупури эшитилди. Машъалалар шуъласи янада кучайди: одим шарпалари кучайгандан-кучайиб борарди. Кейин эшикни қаттиқ тарақлатишди, шундайин ғазабнок ва босинқи ғовур-ғувур босиб кетдики, ҳатто энг довюрак одам бўлганида ҳам бу сурон эсини тескари қилиб юбориши турган гап эди.

— Ердан беринглар!.. — деб бақирди бола, овози нақ ҳавони пармалаб, ташқарига отилди бамисоли. — Ц у ерда у. Эшикни бузиб киринглар!

— Қирол номи билан! — деган овоз эшитилди ташқаридан ва кетидан яна ҳайқириклар янгради, бу сафаргиси боягисидан ҳам кучлироқ янгради.

— Эшикни бузинглар! — бақирарди бола. — Сизларга айтяпман; ўлсаям

очишмайди уни! Тўғри чирок ениб турган хонага қараб чопинглар! Эшикни бузиб кининглар!

Унинг овози тингач, эшик ҳамда пастки қаватдаги дераза қопқоқларига устма-уст ва залварли зарбалар ёғила кетди-ю, оломоннинг қанчалик беҳисоб экани ҳақда озми-кўпми тўғри тасаввур ҳосил қилишда ичкаридагиларга илк марта имкон яратиб берган ҳайбатли «ура» садолари кўкка ўрлади.

— Манави чийилдоқ иблисваччани тикиб қўйишга бирорта хонанинг эшигини очсангиз-чи! — бўкирди Сайкс кутуриб, болани мисоли бўш қопдай у ёқдан-бу ёққа судраганча. — Манавинисини! Тезроқ! — у болани ўша хонага улоқтириб юбориб, лўкидонни сурди-да, калитни буради. — Пастки эшик кулфлогми?

— Калитини икки марта бураб, занжирини ҳам илиб қўйганман.

— Тавақалари мустаҳкамми ўзи?

— Тунука қоплоглик.

— Дераза қопқоқлариямми?

— Ҳа, қопқоқлар ҳам.

— Минг лаънат санларга! — бўкирди уччига чиққан аблаҳ дераза ромини кўтариб, оломонга дағдаға қиларкан. — Билганларингни кининглар! Сизларга кўрсатиб қўяман ҳали!

Олам яралгандан берига инсон боласи кулоғи эшитган жамики дилга қутку солувчи даҳшатли ўкириклардан ҳеч бири ушбу даргазаб оломоннинг ҳайкириғидан баландроқ чиққан эмас. Бир хиллар яқинроқда турганларга, уйга ўт қўйиб юборинглар, деб бакиришар; бошқалари полициячиларга, отинглар уни, деб бўкиришарди. Оломон орасида ҳеч ким даргазабликда ўзи минган отдан сакраб тушиб, худди сувни кечиб келаётгандек, оломонни ёриб ўтган ва нақ дераза остига келиб олиб, барчанинг овозини босиб кетадиган килиб:

— Кимки нарвон келтирса йигирма гиней олади! — деб бакирган одам билан баслашолмасди.

Яқинроқда турганлар унинг ҳайкиригини илиб кетишди ва кетидан юзлаб овозлар такрорлади уни. Баъзилар нарвон, бошқалар болға келтиришни талаб қилишарди; учинчи хиллари машъалаларини силкитганча у ёқдан-бу ёққа ташланишар, яна жойларига қайтиб, тагин бакиришга тушиб кетишарди; бир хиллар томоқлари йиртилгудек бўлиб шафқатсизона лаънатлар ёғдиришарди; баъзилар эса телбаёна жазавага тушиб, тикилишиб олдинга ўтишар ва у ерда ишлаётганларга халақит беришарди; довжаракроқлари бўлса тарнов ҳамда девордаги дўнг-дунглар ёрдамида тепага чиқишга тиришишарди. Ҳаммалари кутуриб эсаётган шамолда тўлқинланаётган бошоклар янглиғ коронгида ҳаяжон-ла чайқалиб туришар, вақти-вақти билан бакириғу ҳайкириқлари қўшилиб қудратли ўкириққа айланиб кетарди.

— Сув кўтарилганди-ку! — кичкирди котил хонага сакраб, дераза ромини пастга туширар экан. — Мен келган пайтимда сув кўтарилиб бўлганди. Аркон беринглар менга, узун аркон! Ҳаммалари кираверишда уймалашиб ётишибди. Фолли-Дичга тушиб, жуфтакни ростлаб қоламан. Аркон беринглар менга, йўкса тагин уч кишини суробини тўғрилаб, кейин ўзимни гумдон қиламан!

Кўркувдан данг қотиб қолган йигитлар аркон турадиган жойни кўрсатишди. Котил шоша-пиша ичиди энг узун ва энг пишигини ола солиб, тепага отилди.

Уйнинг терскай томондаги фақат бола кулфлаб қўйилган хонанинг кичкинагина ойнасида ташқари ҳамма деразалар аллақачонлардаёқ гишт билан уриб ташланган эди. Бу ойна ниҳоятда торлик қилар, у сиғмасди. Аммо ўша шапалоқдеккина ойнадан бола ташқарида турганларга қараб тинмай, уйнинг орка томонини кўриқланглар, деб бакириб ётганди; шунинг учун ҳам котил чордоқ эшикчасидан ахийри томга чиқиб олганида, каттик кичкириқ уйнинг олд томонида тўпланганларни огоҳ этди бундан ва ўша заҳотиёқ оломон бир-бировини суриб-итаришиб, узлуксиз ирмоқдай орка томонга айланиб ўта бошлади.

Сайкс чордоқ эшикчасига айнан шу мақсадда олиб чиққан тахтани тираб, мустаҳкам беркитиб қўйдик, уни ичкаридан очиш амримаҳол бўлиб қолди; кейин черепицалардан эмаклаб бориб, бўғотдаги пастаккина панжарадан пастга мўралади.

Сув қайтиб, хандақ туби балчиқли узанга айланиб қолганди.

Оломон унинг ҳаракатларини кузатганча, нияти нималигини билмай, бир неча лаҳза мобайнида тинчиб қолди; бироқ бунинг фаҳмига етиб, қотилнинг иши ўнгидан келмаганини кўргач, шунақанги тантанавор ҳамда жон-жаҳди билан ҳайқирдики, бунинг қаршисида илгариги жамики ўкириклари шивирлашдай бир гап бўлиб қолди. Кетма-кет ҳайқирдиқлар янгради. Бу ҳайқирдиқларга унинг моҳиятини англаб олишга хийла олислик қиладиган ерда турганлар ҳам жўр бўлишарди; гўёки шаҳар бу разил одамни лаънатламоқ учун ўз сийнасидаги жамики фуқаросини шу ёққа келтириб ағдарганми, дейсиз.

Уйнинг киравериш томонидан шошиб келяпти одамлар — олға ва яна олға — қудратли, шиддатли дарғазаб одамлар оқими, бу оқимни гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда лангиллаб ёнган машъалалар ёритиб турибди. Хандақнинг нариги бетидаги уйларни забт этди оломон; ҳар бир деразадан башаралар тикилиб турибди; ҳар бир томда шамалоқдай одам. Ҳар бир кўприкча (бу ердан уларнинг учтасигина кўриниб турибди) оломон оғирлигидан букилиб-майишиб кетай дейди. Одамлар оқими эса ҳануз оққандан-оқиб келяпти, улар газзобни кўрса ва уни бирор оғиз сўкиб қолса бўладиган кафтдаккина жойни излаб ётишибди.

— Ана энди қўлга туширишади уни! — деб қичқирди кимдир энг яқиндаги кўприкдан. — Ура!

Оломон узра қалпоқлар силкитила бошланди. Яна ҳайқирдиқ янгради.

— Уни тирик тутган одамга эллик фунт бераман! — қичқирди худди ўша кўприкчада пайдо бўлган кекса жентльмен. — Токи ўша одам пулни олгани келгунича шу ерда кутаман.

Тагин кўк сари ўкириклар ўрлади. Айнан шу сонияда оломон оралаб ашиқни ниҳоят бузганлари ва боя нарвон сўраган одамнинг биринчи бўлиб тепадаги хонага чиққани ҳақидаги хабар ўрмалаб қолди. Ушбу хабар оғиздан-оғизга ўта бошлаши биланоқ одамлар оқими шартта орқага бурилди; деразалардан қараб турганлар кўприклардаги халойиқнинг орқага оқа бошлаганини кўриб кўчага отилиб чиқишиб, ҳозиргина ўзи ташлаб келган жойга тўс-тўполон билан талпинаётган оломонга қўшилиб кетишарди. Одамлар итаришиб-туртишиб, полициячилар уйдан олиб чиқаётганда бирровгина бўлса-да жиноятчини кўриб қолиш ниятида шиддат-ла ашиқ сари интилишарди. Оз бўлмаса оломон эзиб қўяёзган ёхуд йўлакай йиқитиб юбориб оёқ остида қолганларнинг дод-вои ва бақирдиқлари авжи фалакка чиққанди; тор йўлчалар тирбанд; бировлар уй эшиги олдига қайтиб бориш истагида олдинга интилаётган, бошқалар эса оломон орасидан чиқиб кетишга беҳуда уринаётган айни дамда, гарчи умумнинг газзобни қўлга тушганини кўриш истаги (мабодо имконияти бўлса, албатта) ўсиб бораётган бўлса-да, кўпчилиқнинг диққати қотилдан алаҳсиб қолганди.

Қотил оломоннинг ғазаби, қочиб қутулишнинг иложи йўқлигидан бутунлай тушкунликка тушиб, ғужанак бўлиб ўтириб олганди, аммо ҳозиргина эслатганимиз баногоҳ ўзгаришни пайқади-ю, ҳаёти учун кураш йўлида сўнгги бор уриниб кўриш — хандаққа тушиб, ботиб қолишдан чўчимай таваккал қилишга ва қоронғилик ҳамда тўс-тўполондан фойдаланиб туёқни шикиллатиб қолишга қарор бериб, ўрнидан сапчиб турди.

Янгитдан куч-ғайратга кирган, ичкарига бостириб кирганларидан далолат бериб турган шовқин қичаб ҳайдай бошлаган қотил оёғини мўрига тираб, арқоннинг бир учини унга маҳкам боғлади-да, қўллари ва тишлари билан кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмаёқ иккинчи учиде сирғаладиган мусте-мустаҳкам сиртмоқ ясади. У арқондан ерга етишига ўзининг бўйи баробар масофа қоладиган даражада осилиб тушса бўларди, қўлида эса пичоғи тайёр, шартта арқонни кесади-ю, сакрайди-қўяди.

Айнан шу паллада, у сиртмоқни бўйнига солиб, энди қўлтиғидан ўтказмоқчи бўлиб шайланган, юқорида қайд этилган кекса жентльмен эса (у оломон пачақлаб юбормасин деб кўприк панжарасига маҳкам ёпишиб олганди) ҳаяжон-ла атрофидагиларни газзобнинг томдан хандаққа осилиб тушишга ҳозирланаётганидан огоҳ этиб турган айни сонияда қотил орқасига, томга назар ташлаган кўйи қўлини боши узра кўтарди-ю, даҳшатдан воҳ деб юборди.

— Яна ўша кўзлар! — бўғзидан гайринсоний фарёд отилиб чиқди.

Шунда бамисоли яшин теккандай чайқалиб кетиб, мувозиятини йўқотди-ю, панжара оша пастга ағдарилди. Сиртмоғи эса бўйнида эди. Оғирлигидан сиртмоқ камон ипидай таранг тортилди; қотил худди куч билан ёйдан узилган камон ўқи сингари ўттиз беш фут пастга шиғиллаб учиб тушди. Танаси қаттиқ силтанди, қўл-оёқлари питирлаб чангак бўлиб, тиғи очиқ пичогини чангаллаганча осилиб қолди.

Эски мўри силтовдан қимирлаб кетди-ю, аммо мардонавор дош берди. Жонсиз қотил девор ёнида осилиб турар, бола эса деразачани тўсиб қўйган жасадни нари итарганча, худо номини шафе келтириб, ўзини чиқариб олишларини илтижо қиларди.

Шу пайтгача қаердадир писиб ётган ит мунгли ғингшиганча том панжараси ёқалаб у ёқдан-бу ёққа югуриб турди-да, тўсатдан мурданинг кифтига сакради. Мўлжалга етолмай, хандаққа чувиллаб тушаркан, ҳавода бир ўмба-лоқ ошди-да, тошга урилиб, бошини пачақ-пачақ қилди.

## LI боб

*баъзи сирларнинг шарҳу баёни ҳамда келинга бериладиган маҳр ва «қалин» пули тилга олинмайдиган никоҳ тақлифи ҳақида ҳикоя қилади.*

Олдинги фаслда баён этилган воқеалардан икки кунгина ўтгач, тушки соат учларда Оливер она шахрига қараб гизиллаб бораётган сафар аравасида ўтирарди. У билан бирга миссис Мэйли, Роз, миссис Бэдуин ва оққўнгил доктор, изма-из келаётган почта аравасида эса номи тилга олинмаган яна бир киши ҳамроҳлигида мистер Браунлоу кетишяпти.

Улар йўлда гаплашмай боришарди, негаки нима гаплар бўлаётганига тушунолмаган, ҳаяжонланган Оливер фикр-ўйларини жамлаб ололмаётган ва деярли тилдан қолаёзган эди; чамаси, ҳамроҳлари ҳам худди шундай ҳаяжонда эдилар. Мистер Браунлоу уни ва иккала хонимни Монкснинг тилидан деярли ситиб олинган маълумотлар билан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан таништирганди, гарчи улар сафарларидан мурод шундай муваффақият-ла бошланган ишни ниҳоясига етказиш эканини билсалар ҳам, содир бўлаётган воқеалар шунчалар сирли-махфий тусда эдики, бундан улар қаттиқ безовталиққа тушгандилар.

Худди мана шу меҳрибон дўстлари мистер Лосберн кўмагида яқин кунларда рўй берган даҳшатли ҳодиса ҳақда уларнинг қулоғига ҳеч қандай хабар етиб келмаслигининг ғамини ёишиганди. «Турган гапки, — деди у, — тез орада эшитиб қолишади бу ҳақда, лекигин, назаримда, ҳозир билмай турганлари маъқул; ҳар қалай ёмон таъсир қилади».

Хулласи калом, улар жимгина кетишяпти. Ҳар қайсиси ўзларининг бошларини қовуштирган нарса нима экани хусусида ўйга толган ва ҳаммаларининг хаёлларини банд этган ўйни овоз чиқариб айтишга ҳеч қайсиларининг майли ҳам, раъйи ҳам йўқ эди шу топда.

Токим туғилган жойига ўзи умрида кўрмаган нотаниш йўлдан боришаркан, Оливер ана шундай таассуротлар таъсири остида чурқ этмай ўтирди, бироқ ўзи — бечораҳол, на ёрдам берадиган дўсти, на мизғийдиган бошпанаси бор беватан, сарсону саргардон болакай — пиёда босиб ўтган йўлга бурилганларида хотиралар гирдоби уни қандай кечмиш кунларга сургаб кетганини ва кўксига қандай ҳис-туйғулар чаппор ура бошлаганини асти қўяверасиз.

— Кўряписизларми, ҳув ана! Ана! — дерди Оливер ҳовлиқиб, ҳаяжон-ла Рознинг қўлидан ушлаганча, извош ойнасидан ташқарини кўрсатиб. — Ҳув ана ўша камгак, ўша жойдан ошиб тушганман; ҳув ана кўкат девор, тагин биров орқамдан қувиб келиб, қайтариб олиб кетмасин деб қўрққанимдан ўшани орқасидан бекиниб қочганман. Анави ёқда жудаям кичкиналигимда турганимиз эски уйга борадиган сўқмоқ бор. Эҳ, Дик, Дик, қадрдон ўртоқжоним, қанийди сени бир кўрсам!

— Ҳадемай кўрасан уни, — деди Роз боланинг маҳкам мушт бўлиб тутилган қўлчасини эркалатиб силаганча. — Қандай бахтиёрлигингни, қандай

бой бўлиб кетганингни гапириб берасан унга; тагин, ҳеч қачон ҳозиргичалик бахтиёр бўлмаганингни, бу ерга уни ҳам бахтиёр қилгани келганингни айтасан!

— Бўлмасам-чи! — сўзни илиб кетди Оливер. — Виз... биз уни бу ердан олиб кетамиз; янги кийимлар олиб берамиз, ўқитамиз, кучга кириб, соғайиб олиши учун бирорта осойишта қишлоққа жўнатамиз, тўғримиз?

Роз фақат бош иргаб қўя қолди; бола кўз ёшлари орасидан шунақанги қувнаб жилмаярдики, буни кўриб у гапира олмади.

— Сиз суйиб-эркалайсиз, чунки сиз ҳаммагаям шунақа меҳрибонсиз, — деди Оливер. — Биламан, у бошдан ўтганларни гапириб берганида йиғлайсиз; майли, йиғласангиз ҳам майли, ҳаммаси ўтиб кетади; унинг тузалиб қолганини кўрганингиздан кейин яна куладиган бўласиз — буниям биламан... Менгаям худди шунақа қилгандингиз... «Худони ўзи яллақасин сени», деганди у қочиб кетаётганимда, — хитоб қилди бола кўнгли ийиб. — Мана энди мен унга: «Худо яллақасин сени», дейман, уни қандай яхши кўришимни исботлайман.

Ниҳоят шаҳарга етиб келиб, унинг тор кўчаларидан боришар экан, болани мулоҳазакорлик доирасида тутиб туриш осонмаслиги аён бўлди. Тобутсоз Сауерберининг дўкони илгари қандоқ бўлса худди ўшандоқлигича турибди, лекин унинг ёдида сақланиб қолганидек катта ҳамда салобатли кўринмасди ҳозир; шу ерда тизилиб кетган уйу дўконларнинг оз бўлмаса ҳар биттаси билан боғлиқ бирор кичкинагина воқеани эсларди; ана, Гэмфилднинг араваси — илгари қандоқ бўлса, худди ўшандоқ — кўҳна қовоқхона эшиги олдида турибди; юракни эзадиган мудҳиш деразалари кўчага қараган, болаликдаги бадбин қамоқхонаси — меҳнат уйи ҳам шу ерда; дарвозаси олдида ҳалиям ўша ориқ қоровул турибди, уни кўрганида Оливер жонҳолатда ўзини орқага ташлади, кейин бўлса ўзининг тентаклигидан кулди, сўнг йиғлади, кейин тагин кулди. Эшиклар олди ва деразаларда ўнлаб таниш одамларни кўрди; бу ерда ҳамма нарса, гўёки у куни кечагина кетгандек, бояги-боягисидай, охири пайтлардаги ҳаёти эса яхши тушгагина ўхшарди. Аммо бу чинакам, қувончли воқелик эди.

Улар тўғри бош меҳмонхона эшигига келиб тўхташди, илгарилари Оливер бу бинони бир қадар ҳашамати ҳамда салобатини йўқотган, шунга қарамай ажойиб бир қаср билиб, унга эҳтиром-ла тикилган пайтлари ҳам бўлиб турар эди. Бу ерда уларни мистер Гримуиг кутиб олди; у извошдан тушишлари биланоқ ойимқизни, шунингдек, кекса хонимни ҳам, гўёки ҳаммаларининг боболаридек, ўпиб қаршилади. Мистер Гримуиг оғзи қулоғига етиб илжаар, чиройи очилиб кетган ва ўз бошини ғажиш истагидан асар ҳам сезилмасди; ҳа, бундай гапни бирор марта оғзига олмади, ҳатто атиги бир сафаргина юрган, шунда ҳам донг қотиб ухлаб келган бўлса-да, кўпни кўрган извошчи билан Лондонга бориладиган энг қисқа йўл шу деб роса тортишганида ҳам бундан оғиз очмади. Уларга дастурхон мунтазир, хобхоналар бадастир қилиб қўйилган, ҳаммаси афсунгар амри билан бажо келтирилган эди.

Шунга қарамай, ярим соатлар давом этган шовқин-сурону ғала-ғовур тингач, орага тагин сафарлари мобайнидаги ноқулай сукут чўмди. Таом устида мистер Браунлоу улар даврасига қўшилмади, ўз хонасида қолди. Бўлак икки жентльмен гоҳ шошиб кириб, гоҳ ҳаяжонланган қиёфада чиқиб туришар, ичкарида бўлган қисқагина вақтда ҳам бир чеккада ўзаро суҳбатлашиб туришарди.

Бир гал миссис Мэйлини чақириб чиқиб кетишди, у бирор соатчадан кейин йиғидан қовоқлари шишиб қайтиб кирди. Бу тадорикларнинг бари янги сирсиноатдан воқиф этилмаган Роз билан Оливерни безовталантириб, саросимага солиб қўйди. Икковлари таажжубда жимгина ўтиришар ёхуд башарти, гаплашгудек бўлсалар ҳам, ўз овозларини эшитишдан қўрққандек шивирлашиб сўзлашишарди.

Пировардида, соат тўққизга занг урган, улар бугун оқшом бошқа ҳеч қандай янгиликни билмас эканмиз-да, деган хаёлга бора бошлаган пайтларида хонага мистер Лосберн билан мистер Гримуиг мистер Браунлоу ва яна бир киши ҳамроҳлигида кириб келишди; бу одамни кўрганида Оливер ҳайратдан оз бўлмаса «вой» деб юбораёзди: аканг келади деб огоҳлантириб қўйишган эди уни, бу бўлса у анави шаҳарча бозорида учратган, кейин мўъжазгина ҳужраси деразасидан Феджин билан бирга мўралаганида кўриб қолган одам-

нинг нақ ўзгинаси эди. Монкс довдираб қолган болакайга (ҳатто шу топда ҳам нафратини яшира олмаётганидан) еб юборгундек қараб қўйди-да, эшикнинг ёнгинасига чўкди. Қўлида аллақанақанги қоғозларни ушлаб олган мистер Браунлоу теграсида Роз билан Оливер икковлари ўтиришган столга яқинлашди.

— Бу гоятда оғир вази-ю, — деди у, — илло ушбу баённомалар, гарчи Лондонда талайгина жентльменлар шоҳидлигида имзоланган бўлса-да, шу ерда уларнинг асосий, муҳим жиҳатлари такрорлаб ўтилиши лозим. Мен сизни таҳқирланишдан халос этишни истардим-ку, локигин ажралишимиздан бурун бу гапларни биз ўз оғзингиздан эшитишимиз шарт. Сабаби ўзингизга аён.

— Давом этаверинг, — тескари қараб жавоб қилди у мурожаат этган киши. — Тезроқ бўла қолинг. Уйлайманки, мендан талаб этилган жамики нарсани деярли бажардим. Мени бу ерда узоқ тутиб қолмасангиз.

— Бу болакай, — деди мистер Браунлоу Оливерни ўзига тортиб, бошига қўлини қўяр экан, — сизнинг яккаю ёлғиз укангиз, сизнинг отангиз, менинг қадрдон дўстим Эдвин Лифорд билан бунга ҳаёт ато этган заҳоти оламдан кўз юмган шўрлик навнихолгина Агнес Флемингнинг ғайриқонуний ўғли.

— Ҳа, — жавоб қилди Монкс титраб-қалтираб, юракчаси нақ у эшитадиган даражада дукурлаётган болакайга хўмрайиб қараб қўяркан. — Бу уларнинг ғайриқонуний ҳаромилари бўлади.

— Сиз биздек осий бандаларнинг аянчли таъналаримиз етиб боришга ожизлик қиладиган боқий оламга аллақачонлар йўл олган марҳумларни ҳақоратлашни эп кўряпсиз ўзингизга, — деди мистер Браунлоу жаҳл билан. — Тўғри, бундай дейиш бирон тирик инсон боласи учун уят эмас, аммо сиз мустасносиз бундан, сабабки, сиз айнан шу нарсадан фойдалангансиз. Бу тўғрида ортиқ гапириб ўтирмаймиз... У мана шу шаҳарда дунёга келган.

— Шу ердаги меҳнат уйида, — заҳаролуд жавоб қайтаришди унга. — Бу машмашалар анави ерда ёзилди, — Шундай дея Монкс тоқатсизлик билан қоғозларга ишора қилди.

— Буни шу топда такрорлашингиз лозим, — деди мистер Браунлоу ҳозир бўлганларга назар ташлаб қўяр экан.

— Эшитинглар бўлмаса! — зарда қилди Монкс. — Бунинг отаси Римда тоби қочиб қолганида ёнига хотини, аллақачонлар ажралишиб кетган менинг онам йўл олди. У Париждан йўлга чиққан, мени ҳам ола кетганди — назаримда, у отамнинг бойлигининг пайдидан бўлганди, нега деганингизда, эрига заррача муҳаббати йўқ эди, шунингдек, эрининг унга нисбатан ҳам. Отам бизни танимади, чунки у беҳуш бўлиб, эртасига, то жони узилгунича ҳам ўзига келмади. Столдаги қоғозлари орасидан оғриб қолган куни кечкурун тамғаланиб, сизнинг номингизга ёзилган мактубни топиб олдик, — дея у мистер Браунлоуга ўғирилди. — Унда қисқача ёзув бўлиб, сиздан ўлимидан кейин бу конвертни тайинланган жойга жўнатишни илтимос қилган эди. Конвертнинг ичида иккита қоғоз: анави жувон — Агнесга ёзган мактуби ва васиятнома бор эди.

— Мактуб хусусида нима дея оласиз? — сўради мистер Браунлоу.

— Мактуб хусусидами?.. Тавба-тазарру билан, қизга мадад сўраб худога қилинган таваллою илтижолар билан чаплаштириб тўлдирилган бир варақчина қоғоз эди. У аллақанақанги афсоналар билан лақиллатиб, гўёки охир-оқибатда очилиши керак бўлган қандайдир жумбоқли сир ҳозирги пайтда ўзининг қиз билан никоҳдан ўтишига халал бериб турганини айтган; қиз ҳам унга ишониб, ишончи ҳаддан ортиб, ҳеч зоғ қайтариб бера олмайдиган нарсасидан айрилгунича тоқат-ла яшаб келган. Бу пайтга келиб аёлнинг кўзи ёришига бор-йўғи бир неча ойгина қолган. Шу сабабли у, токи ҳаёт экан, қизнинг шармисорлигини яшириш учун нималар қилиш ниятида эканини барини ёзган ва мабодо вафот этгудек бўлса, ўзининг хоби-хотирига лаънатлар ўқимаслигини ўтинган, қилган гуноҳлари қизга ёки гўдакка тушади деб ўйламаслигини, чунки ҳамма гуноҳ унда эканини айтган. У яна қизга кичкинагина медальон билан ичига қизнинг исми ўйиб ёзилган ва ёнида ўзи вақти келиб эҳсон этадиган исм учун жой қолдирилган узук ҳадя қилган кунни тилга олган; кейин медальонни асрашини ҳамда худди илгаригидек кўкси устида тақиб юришини тавалло қилган: кейин бўлса, худди ақлдан озгандек, ҳадеб палапартиш бир нарсани такрорлайверган.

Аслида ҳам шундоқ бўлган деб ўйлайман.

— Хўш, васиятнома-чи? — савол берди мистер Браунлоу.

Оливер юм-юм йиғларди.

Монкс жим қолди.

— Васиятнома, — унинг ўрнига гапира бошлади мистер Браунлоу, — у ҳам худди шу руҳда битилган. У хотини бошига солган бахтиқароликлар, аёлининг қайсар хулқ-атвори, суюқлиги, заҳарлиги тўғрисида; ёш болалигингизданок сизда, уни ёмон кўриш руҳида тарбияланган ёлғиз ўғлида бемаъни майл-иштиеклар намоён бўлгани тўғрисида ва сиз билан онангизга ҳар қайсингиз учун йилига саккиз юз фундан даромад берадиган бойлик қолдиражаги ҳақда ёзган. Қолган жамики мол-мулкни теппа-тенг икки қисмга бўлган: бир улуши Агнес Флемингга, иккинчиси — агар у тирик тугиладиган ва вояга етадиган бўлса — болага аталган. Башарти қиз туғилганида, у ҳеч қандай сўзсиз бу пулларни мерос қилиб олиши лозим эди; бордию ўғил бўлса, битта шарт билан — то вояга етгунича ҳеч қандай шармандали, беандиша, разилонга ёхуд бадхулқона қилмишлари билан номига доғ туширмасанига эга бўла оларди меросга. Унинг сўзларига қараганда, бўлажак онага бўлган ишончини ҳамда ўлими яқинлашуви оқибатида боланинг шаксиз мулоим қалбли ва олижаноб феъл-атфори онасига тортажагига бўлган ишончини таъкидлаш учун шундай қилган. Мабодо унинг умидлари пуч бўлиб чиққан тақдирда, пул сизга тегарди; зотан шунда — фақат шундагина, ҳар иккала ўғилнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг бўлмай қолгандагина у ўзининг ҳамёнига эгалик қилишга биринчи навбатда сизнинг — ҳеч қачон унинг меҳрини қозонолмаган, аммо гўдаклигиданок бемеҳрлиги ва бадқирдорлиги билан кўнглини совутган сиздек ўғлининг ҳақли бўлишингизни тан олишга розилик берган.

— Онам, — деди Монкс овозини кўтариб, — ҳар қандай аёл қилиши мумкин бўлган ишни қилди. Уша васиятномани ёқиб юборди. Мактуб бўлса тегишли ерига етиб бормади; лекин у, бу одамлар мабодо бир кун келиб ўз шармисорликларини яширишга уринадиган бўлсалар иш бериб қолади, деган ниятда хатни ва бошқа далилларни асраб қўйди. Қизнинг отаси бор ҳақиқатни онамдан эшитган; онам бешафқат ва чексиз нафрат зуғуми билан имкони борича қўшиб-чатиб етказган. Ана шу хизматлари учун ҳам шу кунгачайин яхши кўраман уни. Шунда ота уят ва шармисорлик юкидан букчайиб, болаларини олади-ю, Уэльснинг энг овлоқ бурчакларига қочади; дўстлари излаб топмасин учун ҳатто исм-шарифини ҳам ўзгартиради; ана ўша ёқда, орадан сал вақт ўтгач, ичкари кириб, тўшақда ўлиб ётганини кўришади. Бу воқеадан бир неча ҳафта аввалроқ қизи уйдан яширинча қочиб қолган экан; у қизини теварак-атрофдаги шаҳару қишлоқлардан излаган. У қизини ўзи ва отанинг бошига тушган шармисорликни ювиб кетиш учун ўз жонига қасд қилган деган ишонч билан уйга қайтган кун тунда юраги ёрилиб ўлган.

Орага бирпасгина жимлик чўкди, кейин мистер Браунлоу ҳикоясини давом эттирди.

— Орадан талай йиллар ўтиб, — деди у, — бу одам — Эдуард Лифорднинг онаси ҳузуримга кириб келди. Ун саккизга кирар-кирмас ўғли онасини ташлаб кетибди, у онасининг қимматбаҳо буюмлари билан пулини ўмариб жўнаган-ворган; қимор ўйнаган, пулини ҳавога совурган, қаллоблиғи фирибгарликдан ҳам қайтмаган; Лондонга қочиб келиб, бу ерда икки йил мобайнида жамиятнинг энг чиркин чиқиндилари билан алоқада бўлган. Онаси азоб берадиган, бедаво дарддан изтироб чекарди, ўлими олдидан ўғлини топишни истарди. Шунда тафтишу изловлар бошланиб кетди. Узоқ вақтларгача бундан наф чиқмади, илло ахийри бу қидирувлар муваффақиятли тугади-ю, у онаси билан Францияга жўнади.

— Узоққа чўзилган касалликдан кейин ўшоқда вафот этди у, — ҳикояни давом эттирди Монкс, — ўлим тўшағида ана шу сирларни, шу қатори бу сирлар кимгаки дахлдор бўлса жамикиларига қарши беҳудуд ва ўла-ўлгунча тугамайдиган нафратни (гарчи буни менга мерос қилиб қолдиришига ҳожат бўлмаса-да, негаки бу нафратни анча-мунча илгарироқ ўзлаштириб олгандим) васият қилиб кетди. У қизнинг ўз жонига қасд қилганига, демакки, боланинг ҳам ўлганига асло ишонмасди ва ўғил бола туғилганига, ўша боланинг эса



ҳаётлигига сира-сира шубҳаланмасди. Бир кун келиб йўлимга гов бўладиган бўлса болани албатта захарлайман, деб қасамёд қилдим онамга; бирор дақиқаям уни тинч қўймасликка; бетизгин шафқатсизлик билан таъқиб этишга; бутун вужудимни ўртаётган нафратни унга сочишга ва агар иложини қилолсам, уни дор остигача сургаб боришга, бу билан эса отамнинг таҳқиroomуз васиятларидан кулишга онт ичдим. Онам ҳақ экан. Ниҳоят, йўлимда пайдо бўлди бу. Ишни яхши бошладим ва анави вайсақи шилталар бўлмаганида, уни қандай бошлаган бўлсам, ўшандайича муваффақиятли ниҳоясига етказардим!

Муттаҳам қўлларини кўксига чалиштириб, ожизона дарғазаблик билан гудранганча ўз-ўзини лаънатларкан, мистер Браунлоу ҳайратда лол қолган тингловчиларга ўгирилиб, жуҳуд — Монкснинг ҳамтовоғи ва ишончли вакили Оливерни тузоқда тутиб тургани учун катта мукофот олганини, бордию бола қочиб қутулиб кетадиган бўлса ўша мукофотдан бир қисмини қайтариши лозим эканини, айнан ана шу хусусда чиққан довлашув — болани ўша-ўшамаслигини кўриб-билиш мақсади уларни шаҳар чеккасидаги боғ ҳовлига етаклаб келганини тушунтириб берди.

— Медальон билан узук масаласи-чи? — деди мистер Браунлоу Монксга бурилиб қараб.

— Уша матохларни илгари сизга айтганим эркак билан аёлдан сотиб олдим, улар эса мурдадан ечиб олган касал боққан кампирдан ўғирлаб олишган экан, — дея жавоб қилди Монкс кўзларини кўтармай. — Уларга нима бўлгани ўзингизга аён.

Мистер Браунлоу мистер Грумуигга бош ирғаган эди, у йўрғалаганча хонадан чиқиб кетди-ю, миссис Бамблни турткилай-турткилай олдига солганча, унамаётган эрини эса сургаганча қайтиб кирди бир зумда.

— Ҳимнинг кўзимми бу, ё бошқами, ростданам жажжи Оливерга ўхшайдими бу? — хитоб қилди мистер Бамбл очиқ-ойдин ясама ҳайрат-ла. — Эҳ, Оливер, сени деб қанчалар ҳам чекканимни билсайдинг-а!..

— Тилгинангни тийиб тур, тўнка! — гижинди миссис Бамбл.

— Табиатим ўзи шунақа, табиатим, миссис Бамбл! — эътироз билдирди меҳнат уйи нозири. — Наҳотки мендай одам — уни қавм таомилича тарбиялаган мендай одам унинг хонимлар ва жентльменлар ўртасида савлат тўкиб, бежиримгина кийиниб ўтирганини кўриб таъсирланмаса, шунақанги тошбағир одамманми-я мен! Бу болакайни ҳамиша яхши кўрганман, худди туғишганимдай... туғишган бобосидай, — дея сўзини давом эттирди мистер Бамбл ва бопта келадиган ўхшатишни тополмай дудуқланиб қолди. — Оливер, азизим, анави оқ нимчали бообрў жентльмен эсингдами? Эҳ, Оливергинам, у ўтган ҳафта нақшинкор кумуш тутқичли эман тобутда арши аълога жўнади!

— Бас, сэр! — деди мистер Грумуиг шартиллатиб. — Меҳр-оқибатли туй-гуларингизни тия туринг.

— Баҳоли қудрат ҳаракат қиламан бунга, сэр, — жавоб қилди мистер Бамбл. — Аҳволларингиз қалай, сэр? Умид қиламанким, тўрт мучангиз соғомондир.

Бу такаллуфот ҳурматли эр-хотинлардан икки қадам берида тўхтаган мистер Браунлоуга қаратилган эди. У Монксни кўрсатиб деди:

— Бу одамни танийсизларми?

— Йўқ, — деди миссис Бамбл қатъий.

— Балки сиз ҳам танимассиз? — деди мистер Браунлоу эрига мурожаат қилиб.

— Умримда кўрган эмасман, — деди мистер Бамбл.

— Хўш, дейлик, ҳеч нима сотмагандирсиз ҳам унга?

— Ҳеч нима, — жавоб берди миссис Бамбл.

— Хўш, деганингиздан, балки сизда ҳеч қачон олтин медальон билан узук ҳам бўлмагандир? — деди мистер Браунлоу.

— Албатта, бўлмаган! — жавоб қилди нозира. — Бизни нимага бошлаб келиб, бунақанги аҳмоқона саволларга жавоб беришга мажбур қилишяпти ўзи?

Мистер Браунлоу яна мистер Грумуигга имо қилганди, бу жентльмен сал оқсаганча шу замоноқ чиқиб кетди. Бу гал у хотини билан давангирдай эркакни

эмас, балки қалтираб, галдираб кетаётган икки фалаж хотинни бошлаб кирди.

— Кекса Салли оламдан ўтаётганида сиз эшикни беркитиб қўйгандингизу, — деди олдинда келаётгани қоқсуяк қўлини ҳаволатиб, — лекин овозини йўқ қилиб, тўйнуқ-тешикларни беркитиб ташлолмагандингиз бари бир.

— Тўппа-тўғри, — деди иккинчиси атрофига аланглаб, тишсиз жағини лиқиллатиб. — Худди шундоқ...

— Саллининг нима ишлар қилганини сизга айтиб беришга урингандаги ҳамма гапини эшитиб турганмиз, кейин қўлидаги қоғозни қандоқ олганингизни ҳам кўриб турганмиз, эртасига бўлса орқангиздан ижарахўрнинг дўконигача пойлаб бордик, — деди биринчиси.

— Тўппа-тўғри! — тасдиқлади иккинчиси. — Медальон билан тилла узук. Виз буни суриштириб билдик, иннайкейин, қўлингизга тутқизишаётганини ҳам кўргандик. Виз яқингинада тургандик, ҳа, яқингина жойда!

— Буям ҳолва, биз бунданам кўпроқ нарсани биламиз, — сўзини давом эттирди биринчиси. — Анча-мунча вақт илгари марҳуманинг ўз оғзидан, ёш она чақалогининг отасини қабрига, ўша ерда жон бергани кетаётган экан, деганини эшитганмиз: аҳволи чатоқлашгач, тирик қолмаслигини кўнгли сезган экан шўрликнинг.

— Мабодо ижарахўрни кўришни истамайдиларми? — деб сўради мистер Гримуиг эшикка қараб юраркан.

— Йўқ! — жавоб қилди миссис Бамбл. — Агар у, — дея Монксга ишора қилди хоним, — қўрқиб кетиб тан олган бўлса — кўриб турибман, худди шундоқ қилган у — сиз эса бошқа тузукроқ одам қуриб қолгандай мана шу жодугарлардан сўраб-суриштирган экансиз, бошқа айтадиган гапим йўқ. Ҳа, ўша нарсаларни сотганман, ҳозир ўша нарсалар сизлар ҳеч қачон ололмайдиган жойда ётибди! Яна нима дейсизлар!

— Ҳеч нима, — жавоб қайтарди мистер Браунлоу. — Фақат биргина нарсани айтиб қўяй: ҳар иккаларингизни ҳам ишонч талаб қилинадиган вазифада ортиқ қолмасликларингизнинг ҳаракатини қилишимиз қолади, холос. Жуананлар!

— Умидворманки... — деди мистер Бамбл мистер Гримуиг иккала кампирни хонадан эргаштириб чиқиб кетгач, бағоят маъюслик билан атрофига жаланглаб, умидворманки, мазкур бахтсиз, арзимас тасодиф мени қавм қошидаги лавозимимдан маҳрум этмас?

— Шак-шубҳасиз, маҳрум этажак, — жавоб берди мистер Браунлоу. — Бунга тан бермогингиз ва омадингиз бор эканидан шукр қилмогингиз лозим.

— Ҳаммаси миссис Бамблнинг иши! Ўша мажбур қилди бунга, — аввал умр йўлдоши хонадан чиқиб кетганига қаноат ҳосил қилиш учун аланглаб олган мистер Бамбл шундай дея оёқ тираб туриб олди.

— Бу важ бўлолмайди! — қаршилиқ билдирди мистер Браунлоу. — Ўша тақинчоқлар сизнинг ҳозирлигингизда йўқ қилинган ва қонунга қаралса, сиз янада кўпроқ айбдорсиз; зотан қонун хотинингизни сизнинг йўл-йўригингиз билан иш тутган, деб ҳисоблайди.

— Агарда қонун шундоқ деб ҳисобласа, — деди мистер Бамбл, шляпасини маънодор қилиб иккала қўли билан гижимлаганча, — бундан чиқди, қонун — эшшак... оварар экан! Агарда қонун нуқтаи назари шундоқ бўлса, демак, қонун — бўйдоқ экан, унга тилайдиган энг ёмон тилагим шуки, ҳаёт тажрибаси кўзларини очиб қўйсин... ҳа, илоё бошига тушиб кўзи очилсин!..

Мистер Бамбл кейинги сўзларни қайта-қайта таъкидлаган кўйи шляпасини чаккасига бостириб кийди-да, қўлларини чўнтагига суққанча зинапоя орқали умр йўлдоши кетидан пастга тушиб кетди.

— Азиз ойимқизгинам, — деди мистер Браунлоу Розга мурожаат этиб, — қўлингизни беринг менга. Қўйинг, титраманг. Айтадиган охирги икки оғизгина гапимизга сира қўрқмасдан қулоқ солсангиз бўлади.

— Агар у... бу имкониятни қўлдан чиқариб юбормоқчимасман-ку... лекин бу гаплар мабодо... менга алоқадор бўлса, — деди Роз, — ўтинаман сиздан, бош-

қа сафар қулоқ солишимга рухсат этинг. Ҳозир бунга на қувватим, на жасоратим етади.

— Йўқ, — эътироз билдирди кекса жентльмен қизнинг қўлини ўз қўллари орасига олиб, — имоним комилки, матонатингиз дош беради бунга... Бу ойим-қизни танийсизми, сэр?

— Ҳа, — жавоб берди Монкс.

— Мен сизни ҳеч кўрмаганман, — деди Роз паст овозда.

— Мен сизни тез-тез кўриб турардим, — деди Монкс.

— Бахтиқаро Агнеснинг отасининг икки қизи бўлган, — деди мистер Браунлоу. — Иккинчиси — кичик қизининг тақдири нима бўлган?

— Қизалоқни, — жавоб қилди Монкс, — отаси бегона жойда, бегона исм-шариф остида, ёр-биродарлари ёки уруғ-аймоқларини қидириб топса бўладиган на хат, на бирор парча қоғоз қолдирмай, оламдан ўтганидан кейин қизалоқни бечораҳол деҳқонлар боқиб олиб, ўз фарзандларидай тарбия қилишган.

— Давом эттиринг, — деди мистер Браунлоу, миссис Мэйлига яқинроқ келишни имо қилиб. — Давом эттираверинг!

— Бу одамлар кетиб қолган жойни излаганингизда ҳам тополмасдинлар, — деди Монкс, — лекин дўстлик инқирозга учраган ерга кўпинча нафрат йўл топиб боради. Онам бир йилга чўзилган моҳирона излашлардан сўнг ўша жойни топиб борган, қизни ҳам топган.

— Онангиз ўзи билан олиб кетганми қизни?

— Йўқ. Ўша одамлар жуда хароб туришаркан, бу пайтга келиб ўзларининг мақтовга лойиқ инсонпарварликлари жонларига — ақалли эрининг — тега бошлаган экан; шу сабабли онам қизни уларникида қолдирган ва кўпга етмайдиган озроққина пул бериб, тағин жўнатишни ваъда қилган, аммо бундай ният хаёлида ҳам бўлмаган. Айтмоқчи, у норозилик билан қашшоқлик қизни бахтсиз қила олишига бутунлай ишонмаган; шунинг учун ўша одамларга ўзи лозим топган қўшиб-чатишлар билан бежаб опасининг шармисорли қилмишини гапириб берган, қизга яхшилаб кўз-қулоқ бўлиб туришларини тайинлаб, таг-зоти бузуқ, ўзи ҳам ҳароми, эртами-кечми албатта бузуқ йўлга кириб кетади, деган. Буларнинг барини оиланинг жумбоқли турмуши мисолида тасдиқлаб берган; ўша одамлар чиппа-чин ишонишган. Шундан кейин гўдак ҳатто бизни ҳам қаноатлантирадиган даражада муҳтожликда аянчли кун кечири бошлаган, лекин ўша пайтларда Честерда турадиган бир бева хоним қизни тасодифан кўриб қолиб, раҳми келган-да, уни боқиб олган. Назаримда, бизга қарши қандайдир лаънати жодугар иш кўрган, негаки, барча уринишларимизга қарамай, қиз ўша хонимникида қолиб, бахтли бўлиб кетди. Икки-уч йил бурун уни назардан қочириб қўйдим, бор-йўғи бир неча ойгина илгарироқ яна учратиб қолдим.

— Ҳозир уни кўриб турибсизми?

— Ҳа. У сизнинг қўлингизга суяниб турибди.

— Лекин бари бир у бояги-бояги жиянимлигича қолаверади, — хитоб қилди миссис Мэйли дармони қуриб бораётган қизни бағрига босиб, — у илгари қандоқ бўлса, ўшандоқ азиз болажоним бўлиб қолаверади! Эндиликда дунёдаги жамики бойликка ҳам алишмасман уни: бу менинг меҳрибон, жондан азиз болагинам-ку!

— Оламда яккаю ягона меҳрибоним! — деди Роз жўшиб, унинг пинжига кириб. — Қадрдонларим орасида энг сахий, энг меҳрибон, энг сарасисиз! Юрагим тарс ёрилиб кетай деяпти. Бу гапларни кўтаришга мажолим етмаяпти.

— Бундан кўра ортиқроғини ҳам кўтаргансан ва ҳеч нимага парво қилмай, ҳамиша мўмин-мўлойим, меҳрибон қизалоқлигингча қолиб, билган-кўрган яқинларингни ҳамиша бахтиёр этиб келгансан, — деди миссис Мэйли уни эркалаб бағрига босганча. — Бўлди, бас, жонгинам! Бағринга отилишга сабри чидамай турганларни ҳам эсдан чиқармагин-да! Бу ёққа қара... қара, қарасанг-чи, жоним болам!

— Йўқ, у мени холаммас! — қичқириб юборди Оливер қизнинг бўйнидан ачомлаганча. — Икки дунёдаям уни хола демайман!.. Опа... бир кўргандаёқ нимагадир жонимдан яхши кўриб қолган опажоним! Роз, азизим, меҳрибоним Роз!

Бир-бировларини маҳкам-маҳкам, узоқ кучган етимлар кўзидан оққан бу шашқатор ёшлару оғзиларидан учган узуқ-юлуқ қовушимсиз тўғлар мунаввар ўлғай! Ота, опа ва она бир лаҳзанинг ўзида топилди-ю, яна йўқотилди. Хурсандчилик билан ҳам бир кўз қароғида жам бўлди, бироқ бу аччиқ кўз ёшлари эмасди; зеро ҳам ташвишнинг ўзи нозик хотиралар пардасига чирмалиб, шундай мулойим тортиб қолгандики, у изтиробга солувчи аламдан тантанавор қувончга айланган эди.

Икковлон узоқ танҳо қолишди, ниҳоят эшикнинг оҳистагина тикиллаши остонада кимдир турганидан далолат берди. Оливер эшикни очди, лип этганча хонадан чиқди-ю, ўрнини Гарри Мэйлига бўшатиб берди.

— Ҳаммасидан хабарим бор! — деди у соҳибжамол қизнинг ёнига ўтирар экан. — Азизам Роз, ҳаммасини биламан!.. Бу ерга тасодифан келиб қолганим йўқ, — деб қўшиб қўйди у хийла сукутдан сўнг. — Кейин, бу гапларни бугун эмас, кеча — ҳа, кечагина эшитдим... Битта ваъдангизни эслатгани келганимни фаҳмлаб тургандирсиз?

— Шошилманг, — деди Роз. — Ҳаммасини биласизми ўзи?

— Ҳаммасини... Бир йил давомида истаган пайтимда охириги суҳбатимиз мавзусига қайтишимга ўзингиз рухсат бергандингиз менга.

— Шундай, рухсат бергандим.

— Сизни аҳдингизни ўзгартиришга мажбур этиш эмас, балки ўша гапни қай йўсинда такрорлашингизни эшитиш ниятидаман, бунга истасангиз, албатта, — сўзини давом эттирди йигит. — Мен жамиятда ортирғай мавқеиму жамики бойлигимни оёқларингиз остига келтириб ташлашим лозим эди ва башарти сиз дастлабки аҳдингиздан қайтмайдиган бўлсангиз, унда мен ўз зиммамга на сўзу на иш билан уни ўзгартиришга уринмаслик мажбуриятини юклаганман.

— Ўша пайтда аҳдимга нима таъсир кўрсатган бўлса, ҳозир ҳам худди шу сабаблар таъсир кўрсатаверади, — қатъий деди Роз. — Башарти вужудимда мени қашшоқлик ва азоб-уқубатлардан ўзининг меҳру саховати билан халос этган кимса олдида қатъий ҳамда мустаҳкам бурчлиман деган туйғу бўлса, хўш, ўша туйғу қачон бўлмасин бугунгисидан кўра кучлироқ бўла олармиди?.. Бу бир кураш, — қўшиб қўйди Роз, — бироқ мен гурур-ла олишаман бу кураш бобида. Бу дарду алам, лекин менинг юрагим дош беради бунга.

— Бугун оқшомги сир очилиши... — дея гап бошлади Гарри.

— Бу оқшомги сир очилиши, — мулойимгина қилиб қайтарди Роз, — менинг аҳволимни ўзгартолмайди.

— Сиз ўз қалбингизни менга қарши қайраяпсиз, Роз, — қаршилиқ билдирди ошиқ йигит.

— Эҳ, Гарри, Гарри-я! — деди оймқиз кўзларида ёш қалқаланиб. — Кошки эди шундай қилолсаму бундай азобдан қутулсам-қўйсам!

— Ўзингизни қийнашингизнинг нима кераги бор, ахир? — деди Гарри унинг қўлини ушлаб. — Ўйлаб кўринг, азизам Роз, бугун оқшом эшитганларингизни бир ўйлаб кўринг.

— Ниманиям эшита қолибман? Нимани? — деди Роз қизишиб. — Шарманда бўлганини билиши отамга шунчалар қаттиқ таъсир қилиб, ҳаммадан қочиб қолган... Мана мен эшитган гап! Бас... шунча гаплашганимиз етар, Гарри, етарли шу гапларнинг ўзи!

— Йўқ, етарлимас! — деди йигит қиз ўрnidан тураркан, уни тўхтатиб. — Менинг умидларим, истақларим, келажакдан орзу-ниятларим, ҳис-туйғуларим, ўй-хаёлим — жами, фақат сизга бўлган муҳаббатим мустасно, жами остин-устун бўлиб кетди. Эндиликда сизга беҳуда-пуч киборлар оламидан иззат-икромли мавқе таклиф этаётганим йўқ; мен сизга чинакам исноду шармандаликка мутлақо алоқаси бўлмаган ҳалол одамни қизаришга мажбур этадиган бадбинлик ва таққирлар олами билан мулоқотда бўлишни таклиф қилаётганим йўқ... Мен сизга ўз уйимни — қалбимни ва кулбамни таклиф этаман, шундай, азизим Роз, фақат шунигина, сизга фақат шунигина таклиф эта оламан, холос.

— Нима демоқчисиз ўзи? — деди Роз аранг, тили тутилиб.

— Мен яккаш бир нарсани айтмоқчиман, сиз билан охириги марта ажралиш-

ганимизда, ёнингиздан икковимиз ўртамизга раҳна соладиган жамики хаелий тўсиқларни тупроққа қориб, яқсон қилиб ташлашга қатъий аҳд қилиб жўнагандим. Башарти, менинг даврам сизники бўла олмас экан, сизнинг даврангизни ўзимники қилишга астойдил қарор бердим; мен яна шунга аҳд қилдимки, ўз насл-насаби билан кибрланадиганлардан бирортаси сизга нафратланиб қаролмайди, негаки мен улардан юз ўгираман. Шундай қилдим ҳам. Шунинг учунгина мендан юз ўгирганлар, сиздан ҳам юзларини тескари буриб, бу масалада сиз ҳақ эканингизни исботладилар. Уша пайтларда менга кулиб боққан ҳомийларим, мансабдор ва амалдорлар, эътиборли ва машҳур қариндошларим эндиликда совуқ тикилиб қўядилар. Аммо Англиянинг энг яшнаган, ҳузур-ҳаловатли бир графлигида сўлим далалар, шамолда чайқаладиган дарахтзор ва ўрмонлар бор; ўша ердаги қишлоқ ибодатхоналаридан бирининг биқингинасида — менинг ибодатхонамининг, Роз, менинг-а! — боғ ҳовли маҳтал турибди; сиз мени ўзим рад этган орзу-ниятларимнинг жамидан кўра ўша кўргоича билан минг карра ортиқроқ ғурурланишга даъват эта олишингиз мумкин. Менинг ҳозирги мавқе ва рутбам ана шундай, уларни мен оёғингиз остига пояндоз қилиб тўшашга тайёрман.

— Ошиқ-маъшуқларни дастурхон тепасида кутишдан нохушроқ иш йўқ-да! — деди мистер Гримуиг уйғониб, бошига ёпиб олган дастурмолини юлқиб оларкан.

Ростига кўчганда, кечки овқатни кишининг аччиғи келадиган даражада жудаям кечиктириб юборишганди. На миссис Мэйли, на Гарри, на Роз (ҳаммалари барабар кириб келишган эди) ўзларини оқлаш учун чурқ этиб бирон нима дея олмадилар.

— Бугун оқшом ўз бошимни ғажиждек жиддий ниятим йўқ эмасди, — деди мистер Гримуиг, — сабабки, бугун бундан бўлак нарса насиб қилмаган экан-да, деган хаёлга бориб қолгандим. Ижозатингиз билан қаллиқни ўпишдек жасоратни ўз зиммамга оламан.

Мистер Гримуиг фурсатни ўтказмай ушбу сўзларни амалга ошириб, лоладай қизарган қизни ўпди, унинг бу юқумли ибратига эргашиб мистер Браунлоу ҳам, доктор ҳам шундай қилишди. Ваъзилар эса, Гарри Мэйли кўшни хонада биринчи бўлиб ибрат кўрсатган, деб исботламоқчи бўладилар, аммо энг мўътабар ва нуфузли шахслар буни ғирт бўҳтон ҳисоблашади, сабабки, у ҳали ёш, бунинг устига руҳонийдир.

— Оливер, бўталоғим, — деди миссис Мэйли, — қаерда эдинг, нега бунчалик гамгин кўринасан? Мана, шу топдаям йиғлаб турибсан. Нима бўлди?

Бу олам — умидсизлик оламидир, кўпинча биз ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ардоқлаб келган умидларимиз пучмоғида ҳам, бизнинг табиату атворимизга беқиёс шараф бағишлагувчи ниятларимиз қатида ҳам озмунча ноумидлик яшириниб ётмайди.

Вечора Дик рихлатга йўл тутганди!

## ЛII боб

### *Феджиннинг сўнги тун*

Суд залининг пастидан юқорисигача одам тирбанд. Ҳар бир қарич ерда синчков, сабрсизлик билан ёнган кўзлар чақнайди. Судланувчилар ўтирадиган қора курсининг олди тўсилган панжарадан тортиб тор-танқис йўлагу шийпончаларнинг кафтдаккина бурчакларигача зич жойлашган кишиларнинг нигоҳлари яккаш бир одамга — олд томондан, орқадан, тепаси ва пастидан, ўнгу сўлидан — Феджинга қадалган, бамисоли у чақноқ кўзлардан ташкил топган гумбазнинг қоқ киндигида муаллақ турганга ўхшайди.

У ана шу жонли шуълалар туташган ерда бир қўлини олдидаги панжара ёғочига қўйганча, иккинчи қўлини эса шу топда маслаҳатчиларга қарата нутқ

сўзлаётган суд раисининг ҳар бир сўзини аниқроқ эшитиш ниятида қулоғи ортига тутиб, бўйинини олға чўзганча турибди. Гоҳо ўз фойдасига айтилган бирорта кичкинагина ҳамда деярли аҳамиятсиз далил қандай таъсир этганини пайқаш дардида дарҳол ҳакамларга тикиларди; айблов бандлари даҳшатли тарзда аппа-аниқ қилиб баён этилган пайтларда эса, лоақал энди мени ҳимоям учун бирон нима десанг-чи, деган маънода ўз ҳимоячисига унсиз илтижо-ла жавдирарди. Башарти, ана шу безовталаниш кўринишларини ҳисобга олинмаса, на қўли, на оёғи қилт этиб қимирларди. Судда ишини кўра бошлаганларидан берига уни бирон марта қимирлади дейиш амримаҳол; мана ҳозир ҳам, судья жим бўлгач ҳам диққат-эътиборни намойиш этувчи худди ўшандай тарангу паришонҳол ҳолатда қолаверди, гўёки ҳануз тинглаётгандек судьядан кўзини узмай тураверди.

Залда кўтарилган енгилгина ғовур-ғувур уни ҳушига келтирди. Аланглаб қараркан, у маслаҳатчиларнинг бир-бировларига яқинроқ сурилиб, ҳукмни муҳокама қилишга тушганларини кўрди. Унинг нигоҳи йўлак ва шийпончалар бўйлаб изгиркан, одамларнинг ўринларидан хиёл кўтарилиб, ўзининг афтини тузукроқ кўришга ҳаракат қилаётганларини кузатиши мумкин эди: бир хиллар шошапиша кўзларига дурбинларини тутишар, бошқалари нафратни англатиб турган бир қиёфада ёнидаги қўшниларига нималарнидир шивирлашар эди. Бу ерда озчилик бўлса-да, шундайлар ҳам бор эдики, булар гўёки унга эътибор бермаётганга ва намуноча имиллашмаса, дея аламзада бир ҳайрат-ла фақат маслаҳатчиларга тикилишарди. Аммо бирорта чехрада — ҳатто, бу ердагиларнинг аксариятини ташкил этган хотин-халажлар юзида ҳам — заррача ҳамдардлик асари у ёқда туршин, уни нимага ҳўкм қилишаркин деган саволу жамики нарсани орадан ситиб чиқарувчи истакдан бўлак ҳеч нимани кўрмади.

У атрофга меросираб назар ташлаб, ана шуларни пайқаган бир пайтда ўртага тагин сув қуйгандек жимлик чўкди-ю, бурилиб қараб, маслаҳатчиларнинг судьяга томон ўгирилишганини кўрди. Жим!

Бироқ улар фақатгина ичкарига киришга рухсат сўраётган эдилар, холос.

У, худди кўпчилиги қандай фикрдалигини уқиб олмоқчидек, олдинма-кейин чиқиб боришаётган маслаҳатчиларнинг юзларига тикилди, бироқ бу беҳуда уриниш эди. Турма назоратчиси кифтига туртиб қўйди. Шунда у беихтиёр назоратчига эргашиб, супачадан тушиб бориб, курсига чўкди. Курсини бўлса унга назоратчи кўрсатди, йўқса кўрмасди ҳам.

У яна тепага қаради. Халойиқнинг баъзилари тамадди қилишга тушганди, баъзилар эса одам тирбанд зал димиқиб кетганидан рўмолчалари билан елпиниб ётганди. Қандайдир бир йигит чокқина ёндафтарчага унинг расмини чизяпти. У ўхшатаптимикин, деб ўзига-ўзи савол берди-да, қалами учини синдириб қўйиб, қаламтарош билан бошқатдан учини чиқараётганида (худди бекорчи томошатаблардай) рассомни кузатиб турди.

Кейин нигоҳини судьяга кўчирганида эса фикр-хаёлини, ҳакам либосининг бичими, қанча туриши ва буни қандай кийиши хусусидаги ўй банд этди. Ҳакамлар курсисидан бирида бақалоқ кекса бир жентльмен ўтирибди, у ярим соатча бурун қиқиб кетиб, ҳозиргина қайтганди. У ўз-ўзига савол берди, бу одам тушлик қилгани чиқиб келди, тушликка нима тамадди қилганикин, қаерда овқатланганикин; токи бошқа бир одам диққатини тортиб, миясида янги ўйлар тугдирмагунича ана шу каби беҳуда мушоҳадалар билан овора бўлди.

Бироқ ана шу вақт орасида унинг миясини бирор сонияга бўлса-да, руҳиятини эзиб, ақлни шошириб қўйгувчи — оёқлари остида лаҳаднинг оғзи янги очилиб тургани ҳақдаги ўй тарк этмади; ҳа, у тарк этмасди, аммо бу жира, мубҳам тасаввур бўлиб, ушбу борадаги фикрларини жамлаёлмасди. Ҳатто шу топда, ўлими яқинлиги ҳақда ўйлаганининг ўзиданоқ титраб, аъзойи бидъатнинг лов-лов иситма чиқиб турган бир паллада ҳам у қаршисидаги тасвир вақфий чивикларини санашга тутинди, улардан бирининг учи қандай келди, иккинчиси бунини тузатишадими ёки шундоқлигича қўйиб қўяверишадими. Шундан кейин бош қотира бошлади. Кейин у сиртмоғу дор супаси билан боғлиқ жараҳатларни хотирлади-ю, ўша замонда сал салқин бўлсин, деб айтган сўз сепаетган одамнинг ҳаракатини кузатишга чалғиб кетди, сўнгги вақтда ҳаммаи толди.

Нихоят, жим бўлишга даъват этувчи хитоб эшитилди-ю, ҳамма нафасини ичга ютганча эшикка тикилди. Маслаҳатчилар ичкаридан чиқиб, унинг ёнидан ўтиб кетишди. У маслаҳатчиларнинг юзидан ҳеч нима уқолмади; булар бамисли тош одамлар эди. Қабристон сукунати чўкди... на тик этган товуш... на нафас олганлари эшитилди... Айбдор!

Ҳайҳотдай хона устма-уст янграётган даҳшатли ҳайқириқлардан ларзага келди, сўнгра эса ваҳимали момақалдироқ гумбури тўлқинларидай зўрайиб, қудратли наърага айланиб, акси садо бўлиб қайтди. Бу унинг душанба куни ўлажаги ҳақдаги хабарни эшитиб, суд биноси олдида тантана қилаётган оломоннинг шодиёна ўкириги эди.

Шовкин тинди, ундан чиқарилган ўлим ҳукми хусусида бирон нима дейиш-демаслигини сўрадилар. У боғидек сарангу паришонҳол ҳолатга кирди-ю, сўроқловчисига бақрайиб қолди; Феджин эшитиб, фаҳмига етгунича саволни икки бор такрорладилар; шундан кейингина у — қари одамман... қари... қари... — дея гудранди холос, шу тариқа овози ичига тушиб, тагин жим бўлиб қолди.

Судья қора қалпоғини кийди, ҳукм қилинган айбдор бўлса ҳамон ўша қиёфаю ўша ҳолатда турарди. Ушбу ваҳимали дам тазйиқида тепада — шийонда турган аёллар бўғзидан ҳайқириқ отилиб чиқди. Шунда Феджин, бу гўё ўзига халал бергандек, дарҳол кўзларини кўтариб, янаям кўпроқ диққату эътибор-ла олдинга энгашди. Унга қаратилган нутқ дабдабали ҳамда таъсирли эди; ҳукмномага қулоқ солиш даҳшатли эди. Бироқ у нақ мрамор ҳайкалдай қотиб турарди, бирор туки ҳам қилт этмасди. Пастки чакаги осилиб қолган, кўзлари чақчайган, башараси сўлгин эди; турма назоратчиси елкасига қўлини қўйиб, эшикка томон бошлаганида ҳануз бўйнини чўзиб турарди. У атрофга бемаъно аланглаб олиб, буйруққа итоат этди.

Суд зали остидаги маҳбуслардан бир хиллари ўз навбатларини кутаётган бошқалари эса ҳовли томонга қараган панжара олдида тўдалашиб турган ёр-биродарлари билан сўзлашаётган, саҳнига тош ётқизилган хонадан олиб ўтдилар уни. У билан гаплашгудек бирон кимса топилмади; аммо у ўтиб бораётганида маҳбуслар нариги томонда панжарага ёпишиб турганлардан уни тўсиб қўймаслик учун ортга чекиндилар; нариги томондагилар бўлса сўкишу ҳақоратларга кўмиб ташладилар, бақиришиб, ҳуштак чалишиб қолдилар. У мушт ўкталиб, башараларида, тупурмоқчи бўлди, бироқ қўриқчилари бир нечтагина хира чироқ билан ёритилган нимқоронги йўлак бўйлаб турма ичкарисига олиб кириб кетдилар.

Бу ерда уни — ҳукм ижросини вақтидан олдинроқ адо этиб қўя қоладиган бирорта қурол-пуроли йўқмикин деб, тинтиб кўрдилар; ушбу маросим тугагач, уни ҳукм этилганларга ажратилган зиндонхоналардан бирига бошлаб кириб, ўша ерда ёлғиз қолдирдилар.

У эшик рўпарасидаги ҳам курсию ҳам тўшак вазифасини ўтайдиган тош супага чўкди-да, қон қуйилган кўзларини ерга қадаган кўйи фикр-хаёлини жамлашга ҳаракат қилди. Орадан бир оз фурсат ўтгач, судьянинг нутқидан ўзаро қовушмаган баъзи гаплари ёдига кела бошлади, ўша пайтда эса назарида қулоғига бирорта сўз кирмаётгандек бўлиб туюлганди. Аста-секин бу қовушиқсиз жумлалар тегишли тартибда сафлана бориб, улар кетидан бошқалари ташриф буюра бошлади. Ҳадемай у деярли бутун бошли нутқни тиклади. Токи жони узилгунича бўйнидан дорда осилиб турсин — ана шундай эди ҳукм. Токи жони узилгунича осилиб турсин.

Бутунлай қош қорайиб бўлганида у дор супасида ўлим топган — баъзилари унинг ёрдами билан — ўзи билган ҳамма одамлар ҳақида ўйлай бошлади. Булар кўз ўнгида шунақанги шитоб-ла пайдо бўлиб, шунақанги тез ўтиб боришардим, у арағ санаб улгурарди. Чол булардан бир хиллари қандай ўлганларини кўриб қулган эди, сабаби, улар ўлим олдидан пичирлаб дуо ўқигандилар. Тахта қандай тарақлаб тушганини\* ва уларнинг ўша ондаёқ бақувват ҳамда забардаст одамдан чайқалиб турган бир қоп кийимга айланиб қолганларини айтмайсизми!

Балки улардан бир хиллари мана шу хонада бўлган, худди мана шу жойда ўтиргандирлар. Зимистон қоронги эди; нега чироқ келтиришмади? Бу зиндон-





хона талай йиллар муқаддам қурилган. Унлаб одамлар ўзларининг сўнги соатларини шу ерда ўтказган бўлишлари керак. Гўёки мурдалар қалаштириб тахлаб қўйилган дахмада ўтирганга ўхшайсан — бошга кийгизиладиган бошлиқ, сиртмоқ, боғлоғлиқ қўллар ва ҳатто бу манфур бошлиқ устидан ҳам у таниб турган юзлар... Чироқ, чироқ!

Ахийри, у зил-замбил эшигу деворларни муштлайвериб қўли қонга беланганидан кейингина, икки киши кириб келди: бири қўлида кўтариб келган шамни деворга михлаб қўйилган тунука фонусга ўрнатди; бошқаси эса ўзи ётадиган тўшагини кўтариб олганди, зотан маҳбусни ортиқ ёлғиз қолдирмасликлари лозим эди.

Тезда тун кирди — зим-зиё, ғамбода, унсиз тун. Ўзгалар, бедор юрганлар учун черков соатларининг зангига қулоқ осиб завқли, негаки у ҳаёт ва эртанги кундан дарак бериб туради. Унга эса соат занги ноумидлик келтирарди. Мис қўнгироқнинг ҳар бир бонги, унинг босинқи ва оқиста «даранг-дурунги» қулоғига «ўлим, ўлим» бўлиб эшитиларди. Ҳаттоки бу ёққа, унгача етиб келаётган, беғаму парвои фалак тонг келтирган говур-ғувур ва шовқин-сурондан нима фойда? Бу ҳам худди ўша масхаралаш билан огоҳ этиш қоришиб кетган мотам бонгининг ўзгинаси.

Кун ҳам ўтди. Кун? Ҳеч қанақанги кун бўлгани йўқ; қандай тез кирган бўлса, худди ўшандай тез елиб ўтди-кетди ва тагин тун чўкди, ҳа, йилдай узун, айни чоқда дақиқадой умри қисқа тун: дилга кутқу солғувчи сокинлиги жиҳатидан узуну соатлари ғизиллаб ўтиши вадидан қисқа эди у. У дам жазаваси қўзиб, ношоён вайсар, дам додлаб, сочларини юларди. Эътиборли диндошлари у билан бирга ибодат қилгани келишди, аммо у бўралаб сўкиб ҳайдаб солди. Художўйлар имон ўғиртиришга қайтадан уриниб кўрдилар, бироқ у итариб-туртиб чиқариб юборди.

Шанбадан якшанбага ўтар кечаси. Унинг яна бир кечалик умри қолди. У шу тўғрида ўй суриб улгурмасидан кундузи — якшанба ҳам етиб келди.

Бу сўнги, даҳшатли куннинг оқшомига боргачина унинг нуқсон ва иллатларга маскан қалбини ночору ноилож ҳамда мушкул аҳволда қолганига тан бериш фикри қулғади-олди — афв этишларига қандайдир қаттиқ умид боғланганидан эмас, балки шу топгача ўлими яқинлиги ҳақдаги ўйни ўзига юқтирмай келаётгани сабабли содир бўлганди бу. Унга кўз-қулоқ бўлиб, бир-бирлари билан алмашилиб турган икки пойлоқчи билан камдан-кам гаплашарди, ўз навбатида пойлоқчилари ҳам унинг диққатини тортмасликка тиришардилар. У бедор, аммо хаёл уммонига шўнғиб ўтирарди. Гоҳо у ана шу хаёл уммонидан қалқиб чиқарди-да оғзи очилганча аъзойи бадани алангаи оташ бўлиб ёниб, шунақанги қўрқув ва жаҳолат хурушида у ёқдан-бу ёққа югуриб қолардики, ҳатто бунақанги манзарага кўникиб кетган пойлоқчилар ҳам ўтакалари ёрилиб, ўзларини четга олиб қочардилар. Пировард-оқибатда чол нопок виждони қийноғида шунчалар даҳшатли важоҳатга кирдики, бирор инсон боласи у билан яккама-якка ўтиришга дош беролмай қолди — шундай қилиб, пойлоқчилар маҳбусни икковлашиб қўриқлай бошладилар.

У ўзининг тош тўшагида ғужанак бўлиб, ўтмишини ўйлай кетди. Қўлга олинган кун оломон орасидан ўзига қараб улоқтирилган алланимадир тегиб жароҳатланган боши латта-путталар билан боғлаб ташланганди. Қўнғир сочлари қонсиз бетига тушиб турарди; соқолининг бир неча тутами юлиб олинган; кўзлари қутни учиргудек ўт бўлиб ёнмоқда; ювуқсиз териси танасини лағча чўғ бўлиб куйдираётган ҳароратдан порсиллаб ёрилиб кетган. Саккиз... тўққиз... ўн... Борди-ю, бу уни кўрқитиш учун қилинаётган найранг бўлмаса, борди-ю, бу чиндан ҳам бири ортидан иккинчиси қувалашиб келаётган соат бўлса, миллари яна бир марта айланиб чиққанида қаерда бўлади у! Ун бир! Тагин занг урди, олдингисининг эса ҳали акс садоси тиниб улгурганича йўқ. Соат саккизда у ўзининг мотам маросимида якка-ёлғиз гиранда бўлиб ўтиради. Ун бирда эса...

Шунчалар уқубат, шунчалар изтироб, таърифга сиғмас ғаму ҳасратларни одамларнинг нафақат кўзлари, ҳатто ақлу тафаккуридан (ғоятда тез-тез ва ғоятда узок муддат мобайнида) пинҳон тутгувчи даҳшатли Ньюгет деворлари

бундай қўрқинчли манзарани ҳеч қачон кўрмаган. Енидан ўтиб бораётиб қаддини секинлатган ва ўз-ўзидан, осишга ҳукм этилган одам нима қилаётганикин, деб сўровчи санокли кишилар уни кўрганларида борми, бу кеча ухлолмай тўлғониб чиқардилар.

Кеч кира бошлаганидан то ярим тунгача одамлар икки-уч кишидан бўлишиб дарвозахонага яқинлашиб келишар ва ташвишли қиёфада, ўлим ҳукми бекор қилинмадими тагин, дея сўраб-суриштиришарди. Йўқ деган жавобни олиб, бу манзиру матлуб хабарни кўчада тўпланган бошқа тўдаларга етказишар, бир-бировларига у олиб чиқиладиган эшикни, кейин дор қуриладиган жойни кўрсатишар, сўнгра эса, истар-истамас кетаётиб, бу манзарани хаёлан кўз олдларига келтириб ўша ёққа аланглаб қўйишар эди. Аста-секин улар бирин-кетин тарқалиша бошлашди ва бирор соатлар чамаси, вақт ярим кечадан оққан паллада кўча жувиллаб, қоп-қоронғи бўлиб қолди.

Мистер Браунлоу билан Оливер дарча олдига келиб, шерифлардан\* бири имзо чеккан, маҳбусни кўриш учун берилган рухсатномани кўрсатиб турган пайтларида турма олдидаги майдон тозалаб бўлинган ҳамда оломоннинг бос-тириб келишининг олдини олиш учун қора рангга бўялган бир нечта бақувват тўсин ҳозирлаб қўйилган эди. Уларни дарҳол дарвозахонага киритишди.

— Бу йигитча ҳам кирадимми, сэр? — деб сўради уларни бошлаб бориш топширилган одам. — Бунақанги манзарани кўриш ёш болага тўғри келмайди-ку, сэр.

— Ҳақ гап, дўстим, — деди мистер Браунлоу, — локигин бола каминани бу одам ҳузурига етаклаб келган ишга бевосита алоқадор; гўдак уни ишлари гуркираб, ёвузлиги авж паллага чиққан пайтларида кўрган. Шунинг учун гарчи бу нарса кўрқитиб, қийнаб қўйса ҳамки, ҳозирги вазоҳатини кўрса фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Бу икки оғизгина гап Оливер эшитиб қолмаслиги учун бир чеккада айтилган эди. У киши шляпасига қўл узатди ва Оливерга қизиқсиниб кўз қирини ташлаб қўйиб, икковлон кириб келишган дарвозанинг рўпарасидаги бошқа дарвозани очди-да, қоронғи, иланг-биланг йўлаклардан бошлаб кетди.

— Мана шу ердан, — деди у икки ишчи жимгина қандайдир тайёргарлик юмушларини бажараётган қоронғи йўлакда тўхтар экан, — мана шу ердан олиб ўтилади уни, агар манави ёққа қарасангиз, у чиқадиган эшикни кўрасиз.

Турма назоратчиси уларни ости тош, маҳбуслар учун овқат пишириладиган мис қозонлар ўрнатилган ўчоқбошига бошлаб кирди-да, у ердаги бир эшикка ишора қилди. Эшикда эса панжарали туйнукча бўлиб, ондан болгаларнинг тарақа-туруқи, гуркиллаб ерга тушаётган тахталарнинг овози билан омихта гўнгири-гўнгири эшитилиб турарди. У ерда дор супасини тайёрламоқда эдилар.

Кейин улар бошқа турма хизматчилари ичкаридан очаётган бир нечта катта-катта зил дарвозалардан ўтишди, сўнг очиқ ҳовлидан бориб, ниҳоят камбаргина зинадан чап биқинида эшиклар қатор тизилиб кетган йўлакка кўтарилишди. Турма назоратчиси уларга шу ерда тўхташни имо қилиб, бояги эшиклардан бирини калитлар шодаси билан тақиллатди. Ҳар иккала соқчи пичирлашиб олиб, керишганча йўлакка чиқиб келишди; улар гўёки бирпасгина дам олишларидан хурсанддек кўринишарди. Соқчилар маҳбусни кўргани келганларга назоратчи ортидан ичкарига киришни таклиф этишди. Келувчилар ичкари киришди.

Жиноятчи тош супасида у ёқдан-бу ёққа чайқалганча ўтирибди; афти одам боласи юзидан кўра таъқибга олинган йиртқичнинг башарасига ўхшаб кетарди. Афтидан, фикр-ўйлари кечмиш кунларида адашиб-улоқиб юрганди, негаки у мудом мингирляпти, чамаси учрашгани келганларни кўзига кўринаётган манзарада қатнашаётган рўелар деб билапти.

— Ҳўб, ажойиб бола-да, Чарли... қотирибди... — гудранди у. — Оливер ҳам... ҳа-ҳа-ҳа!.. Оливер ҳам... У ҳозир чинакам жентльмен... чинакам жентль... оп-чиқиб ухлатинг бу болани!

Турма назоратчиси Оливернинг қўлидан ушлади-да, қўрқма, деб шипшиб, маҳбусга индамай тикилиб тураверди.

— Опчиқиб ётқизинг! — қичқирди Феджин. — Эшитяпсизларми гапимни бирортангиз? У... у... бу машмашаларнинг ҳаммасига сабабчи. Агар уни ўргатолсам пул беришади... Болтернинг бўғзини, Билл, ҳадеб қиз билан ўралашаверманг... Болтерни иложи борича чуқурроқ бўғизланг. Қалласини сапчадай узиб ташланг!

— Феджин! — чақирди уни турма назоратчиси.

— Бу менман! — хитоб қилди жуҳуд лаҳзада суд пайтидагидек сарангу паршонқол ҳолатга кириб. — Қари одамман, милорд! Шарти кетиб парти қолган, мункиллаган чолман!

— Қулоқ беринг! — деди турма назоратчиси ўрнидан турмасин учун қўлини унинг кўкрагига қўйиб. — Сиздан бир нарсани сўрагани, сизни кўргани келишибди. Феджин, Феджин! Эркаксиз-ку, ахир?!

— Эркаклик умрим жиндаккина қолди, — жавоб берди у, жазаваю ваҳимадан бўлак ҳеч вақонинг ифодаси бўлмаган башарасини кўтариб. — Ҳаммаларини гумдон қилинглари! Мени ўлдиришга қандай ҳақлари бор?

Шу пайт Оливер билан мистер Браунлоуни пайқаб қолди. Тош супанинг нариги чеккасига биқиниб олиб, бу ерда уларга нима кераклигини сўради.

— Тек ўтиринг, — деди назоратчи ҳануз унинг кўксидан ушлаганча. — Ана энди, сэр, нима кераклигини айтинг. Илтимос, тезроқ, чунки соат сайин аҳволи ёмонлашиб борапти!

— Сизда Монкс исмли одам ниҳоятда авайлаб сақлаш учун берган баъзи бир қоғозлар борийди, — деди мистер Браунлоу унга яқинроқ келиб.

— Ҳаммаси ёлғон! — жавоб қилди Феджин. — Менда биттаям қоғоз йўқ, биттаям!

— Яратган ҳаққи, — деди мистер Браунлоу дабдабали қилиб, — шундай дамда, ўлим олдидан бундай деманг-а! Жавоб беринг менга, қаерда улар? Ўзингиз биласиз, Сайкс ўлган, Монкс иқроор бўлган, шундоқ бўлгач, улардан бирон фойда чиқаришга умид қолмаган. Қаерда ўша қоғозлар?

— Оливер! — дея қичқирди Феджин болани ўзи томон имлаб. — Бу ёққа кел, бу ёққа! Қулоғингга айтадиган гапим бор.

— Қўрқмайман ундан, — деди Оливер секингина, мистер Браунлоунинг қўлини қўйиб юбораркан.

— Қоғозлар, — деди Феджин Оливерни ўзи сари тортиб, — қоғозлар бўя халтада юқориги хонадаги каминнинг шундоқ тепасидаги ковакка яшириб қўйилган... Сен билан гаплашмоқчиман, азизим. Сен билан гаплашмоқчиман.

— Хўп, хўп, — жавоб қайтарди Оливер. — Дуо ўқишимга ижозат берсангиз. Илтимос қиламан! Виттагина дуони ўқишимга руҳсат этинг. Тиз чўкиб, мен билан барабар атиги биттагина дуони ўқинг, ана ундан кейин тонг отгунча гаплашамиз.

— Ўша ёққа, ўшоққа! — деди Феджин олдида турган болани эшик томонга итариб, талмовсираганча боланинг боши узра юқорига тикилиб. — Ухлагани ётди дегин мени — сенинг гапингга ишонишади улар. Мана шу ёқдан борадиган бўлсанг мени олиб чиқиб кетасан бу ердан. Бўла қол, қани, тезроқ!

— Э худо, бу бахтиқарони ўзинг кечир! — дея қичқириб юборди бола дув-дув ёш тўкиб.

— Жуда соз, қойил! — деди Феджин. — Ердан беради бу бизга. Олдин мана-ви эшиқдан чиқамиз. Агарда дор олдидан ўтиб бораётганимда тиграб-қалтирай бошласам, парво қилмай, қадамингни тезлатавер. Қани, бўла қол, ҳа!

— Бошқа ундан сўрайдиган нарсангиз йўқми, сэр? — суриштирди назоратчи.

— Ҳа, бошқа саволим йўқ, — жавоб қайтарди мистер Браунлоу. — Мабодо ўз аҳволин тушунтира олишимга кўзим етганида эди...

— Бунинг фойдаси йўқ, сэр, — жавоб берди униси бош чайқаб. — Яхшиси, холи қолдиринглари уни.

Зиндонхона эшиги очилиб, қўриқчилар қайтиб киришди.

— Бўла қолинглар, тезроқ! — қичқирди Феджин. — Шовқин чиқарманглари, лекин имилламасдан. Тезроқ, шошилинглари!

Одамлар уни ушлаб, Оливерни қўлларидан бўшатиб, орқага сургаб кетишди. Бир нафас жон аччиғида типирчилаб-юлкиниб турди, кейин эса шундоқ дод

солдики, фарёди ҳаттоки қалин деворлардан сизиб ўтиб, учрашувга келганлар токи ҳовлига чиқиб олгунларича қулоқлари остида жаранглаб турди.

Қамоқхонадан улар дарҳол кетиша олмади. Оливер мазкур даҳшатли манзарадан сўнг сал бўлмаса ўзидан кетиб қолаёзди ва шунчалик бўшашиб кетдики, бирор соат орасида (ундан кўп бўлса кўпки, оз эмас) юришга қуввати етмади.

Улар ташқарига чиқишганида тонг ёриша бошлаганди. Аллақачон тумонат одам тўпланганди; жамики деразаларда одамлар тиқилишиб туришар, вақтни ўтказиш учун чекишар ва қарта ўйнашарди; оломон бир-бирини итариб-туртишар, тиқилишар, баҳслашар, ҳазил-қузул қиларди. Барча нарса — ўртадаги ваҳимали нарсаю анжомлар: қоп-қора тахтасура, кўндаланг дор тўсини, арқон ва ҳоказо совуқдан-совуқ ўлим қуролларидан бўлак ҳамма нарса қайноқ ҳаётдан сўзлаб турарди.

## LIII боб

### *ҳикоятимиз интиҳосидан нақл этади*

Мазкур қисса иштирокчиларининг қисматлари ҳақидаги ҳикоямиз деярли ниҳоясига етди. Тарихчилар билиб қўймоғи лозим бўлган озроққина қисмини қисқа ва лўндагина баён этиб қўя қоламиз.

Орадан уч ой ўтмасданоқ Роз Флеминг билан Гарри Мэйлилар бундан-буён йигит хизмат қилажак қишлоқ ибодатхонасида никоҳ ўқиттирдилар; шу куниеқ ўзларининг янги ва бахт нурафшон этган уйлариди соҳиблик тизгинини ўз қўлларига олдилар.

Миссис Мэйли пири бадавлат кексалик гаштини суриб, қолган кунларини осуда, ҳузур-ҳаловатда ўтказмоқлик ниятида ўғли билан келинининг хонадонига кўчиб ўтди; умри бўйи ҳормай-толмай бор меҳрию юрагининг қўрини, куч-қувватини сарфлаган нуридийдаларининг бахтиёрлигини ўз кўзлари билан кўриб туришдан ҳам ортиқроқ ҳаловат бормикин оламда?!

Синчиклаб ўтказилган асосли ҳамда пухта текширувлардан сўнг шу нарса маълум бўлдики, башарти Монкснинг измидаги беҳуда соврилган бойликнинг қолган-қутганини (у на ўғилнинг қўлида, на онасининг қўлида ҳеч қачон кўпайган эмас) Оливер икковлари ўртасида теппа-тег қилиб тақсимланадиган бўлса, ҳар қайсисига уч минг фунтдан салгина ортиқроқдан тегар экан. Отасининг васияти шартларига мувофиқ эса Оливер ҳамма бойликни ўзи олиш ҳуқуқига эга эди; бироқ мистер Браунлоу катта ўғилни илгариги қусурларидан қутулиш ва янгича ҳаёт кечириш имкониятидан маҳрум этишни истамай, айнан юқорида айтганимиздек тақсимотни таклиф қилди; унинг мурғак тарбияланувчиси хурсандлик билан, бажонидил рози бўлди бунга.

Хануз ўша сохта ном билан юрган Монкс меросдан ўзига теккан улушни олиб, Янги Дунёнинг энг овлоқ ерларига жўнади ва ўша ёқларда бор бисотини созуриб, тагин илгариги йўлига кириб кетди-ю, қандайдир қаллоблиги учун авахтага тушди; у ерда узоқ бўлди, аввалги касали хуружи билан ётиб қолиб, оламдан ўтди. Унинг ошнаси бўлмиш Феджин тўдасининг қутулиб қолган асосий аъзолари худди шундай ватанларидан олисларда ўлиб кетдилар.

Мистер Браунлоу Оливерни ўғил қилиб олди. У Оливер ва кекса рўзгор-боши билан боланинг яқин дўстлари яшайдиган қавм меҳнат уйдан бир миляча берига жойлашиб, содиқ ҳамда меҳрибон Оливернинг бирдан-бир армонини қаноатлантирди. Шундай қилиб, чоққина болакайлар жамоати жам бўлиб, бу ноҳақлиғу бузуқликларга кон олам имкон берганича бахтиёр ҳаёт кечири бошлади.

Ешлар тўйидан кейин ҳеч қанча вақт ўтмаёқ муҳтарам доктор Чертсига қайтди; кадрдон дўстларидан айрилган ҳақим, мабодо табиатан шундай одам бўлганида, хафақон дардига мубтало бўлиши ва мабодо йўригини билганида, терс миёнғига айланиб қолиши турган гап эди. Икки-уч ой давомида у, бу ернинг ҳавоси саломатлигига зиён қилмаса эди деб чўчиётганини шаъма қилиш

билан чегараланди; кейин, бу ерлар унинг учун илгариги меҳригиёсию мафтункорлигини йўқотганига ишонч ҳосил қилгач, табобат ишларини ёрдамчисига топшириб, ёш дўсти руҳонийлик қилаётган қишлоқ чеккасидаги бўйдоқлар боғ ҳовлисига жойлашди-ю, дарҳол отдай бўлиб тузалиб кетди. Бу ерда у боғбонлик, дарахт ўтқазиш, балиқ ови, дурадгорлик ва шу тоифадаги турли хил машғулотларга ўзига хос ғайрат билан шўнғиб кетди. Ана шу жамики машғулотларида бутун вилоятга миришкор сифатида беҳад шухрат таратди.

Ҳали бу ёқларга кўчиб ўтмасиданоқ у мистер Гримуигга қалин дўстлик туйғусини намоян этган, антиқа жентльмен ҳам бунга самимий дўстлик туйғуси билан жавоб қайтарди. Шу боисдан ҳам йил давомида мистер Гримуиг уни бесаноғу беҳисоб маротабалаб зиёрат қилиб турарди. Ҳар гал келганида мистер Гримуиг ниҳол ўтқазади, балиқ овлайди ва иштиёқу ғайрат-ла дурадгорлик қилади. Бу ишларнинг барини ғалати тарзда ва одатдагидан бошқачароқ қиларкан, ўзи суйган гапни, ўзининг услуби — энг тўғри услуб эканини саркашлик билан қайтаргани-қайтарган эди. Якшанба кунлари ёш руҳоний билан қурадиган суҳбатларида у албатта йигитнинг ваъзини танқид қилади, кейин бўлса ҳар гал мистер Лосбернга бағоят махфий суратда ваъзи жуда ажойиблигини айтади-ю, аммо буни ошкора гапиришни шарт деб билмаслигини қўшиб қўяди. Мистер Браунлоунинг доимий ҳамда суйган эрмаги — унинг Оливер тўғрисидаги бир вақтлардаги пайғамбарона башоратидан кулиш ва икковлари олдиларига соатни қўйиб олиб, боланинг қайтишини роса кутган оқшомларини эслатиш эди. Бироқ мистер Гримуиг аслида ўзи ҳақ бўлиб чиққанига ишонтирмоқчи бўлади ва гапининг исботи тариқасида охир-оқибатда боланинг қайтмаганини рўкач қилади-ю, унинг ушбу гапи ҳаммиша ўзининг кулгисини қистатиб, димогини чоғ қилиб юборади.

Мистер Ноэ Клейпол, Феджиннинг жиноятлари хусусида берган гувоҳликлари шарофати билан афв этилгач ва касб-корим ўзим истаганимдек хавфсиз эмас, деган фикрга келгач, олдинига оғир меҳнат қилиб жон оғритгиси келмай, тирикчиликка қаердан маблағ излашни билмай саранг бўлди. Кўпга чўзилмаган мулоҳазалардан сўнг тузуккина даромадли хабарчи — айғоқчилик вазифасини зиммасига олди. Унинг иш услуби шундайки, ҳафтада бир марта, черковда ибодат кетаётган пайтда у Шарлотт билан бирга сайрга чиқади, икковлари тузуккина кийиниб олишади. Хоним бирорта кўнгли бўш қовоқхоначининг эшиги олдида ўзидан кетиб қолади, жентльмен эса шунда уни ҳушига келтириш учун уч пенсга бренди олади-да, эртасига шу ҳақда керакли жойга хабар етказиб, олинган жариманинг қоқ ярмини чўнтагига уради\*. Баъзан мистер Клейполнинг ўзи ҳушдан кетади, аммо натижа ўшандай бўлаверади.

Мистер ва миссис Бамбллар вазифаларидан маҳрум бўлгач, аста-секин ўта қашшоқ ҳамда аянчли аҳволга тушиб қолдилар; пировард-оқибатда бир вақтлар ўзлари бошқалар устидан ҳукмронлик қилган худди ўша меҳнат уйидан жирканч камбағал сифатида бошпана топдилар. Айтишларича, гўёки мистер Бамбл, тақдирнинг бунақанги бевафолиги ҳатто жуфти ҳалолимдан ажралганим шарофига миннатдорчилик билдиришимга ҳалал берапти, деб гапириб юрганмиш.

Мистер Жайлс билан Бритсларга келганда эса, биринчиси сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолганига, юқорида қайд этганимиз йигитча эса сочлари батамом оқариб кетганига қарамай, улар ҳануз ўша вазифаларини эгаллаб туришибди. Улар қавм руҳонийсининг хонадониде тунашади-ю, лекин ўз диққат-эътиборларини мазкур уй истиқоматчилари ва Оливер, мистер Браунлоу ва мистер Лосбернларга баб-баравар улашишадиким, аҳли вилоят то шу кунгача уларнинг аслида кимнинг хизматида эканликларини аниқлай олганлари йўқ.

Сайкснинг жиноятидан ўтақаси ёриляёзган Чарли Бейтс, ҳалол кун кечириш ҳаммасидан ҳам яхшироқ эмасмикин, деб бош қотира бошлади. Ахийри, худди шундай, деган ақидага келиб, ўтмиши билан ора очди қилди ва бирорта бўлак ишга киришиб, бу доғни ювиб ташлашга қарор берди. Дастлабига мушкул аҳволда қолди, кўп муҳтожлигу маҳрумликларга дучор бўлди, бироқ бегаму хушчақчақлиги ҳамда олижаноб мақсад сари интилиши шарофати би-



лан охири муваффақиятга эришди; фермер қўлида хизматкорлик, аравакашга шогирдлик қилиб юриб, эндиликда бутун Нортхемптон-ширда энг қувноқ ёш молжаллоб бўлиб олган.

Мазкур сатрларни битаётган қўл иш интиҳосига етгани сайин тобора қалтираб боряпти ва ушбу саргузаштлар ипини жон-жон деб яна пича чўзилгача ҳам тайёр.

Камина шу қадар узоқ мулоқотда бўлган яқинларимдан баъзилари билан истар-истамас видолашаман, қани энди тасвирлашга уриниб, қувона-қувона уларнинг бахт нашидаларига шерик бўлсам. У чоғда Роз Мэйлини ёш келинчақлик малоҳати барқ уриб, гул-гул яшнаганини тавсифлаган, ўз турмуш сўқмоғига сочаётган, ўзи билан одимлаётганларни нурафшон этаётган, уларнинг қалбига сянгиб бораётган майину нозик нур-шуурини таърифлаган бўлардим. Мен уни қишда, камин олдида ўтирган оилавий даврага қувончу ҳаёт, ёзда шўх-шодонлик бахш этувчи тимсол қиёфасида тасвирлаган бўлардим; тушки жазирамада живирляётган далалар бўйлаб кетидан эргашиб, ойдинда, оқшомги сайр чоғларида унинг майину ёқимли овозига мириқиб қулоқ осардим; мен уни — ҳамisha меҳрибону раҳмдил малакни, уй ташида хиром этган чоғларида, ичкарида эса лабларидан кулгу аримай, тиниб-тинчимай рўзғор юмушларини адо этаётган дамларида кузатган бўлардим; унинг ва марҳума опасининг нуридийдаси бир-бировларига бўлган бахтиёр муҳаббатларидан маст эканликларини, тасаввуротларидан шунчалар қайгу-ғам-ла жудо бўлган дўстлари қиёфасини чизиб, талай соатларни биргаликда ўтказишларини тасвирлаган бўлардим; соҳибжамол келинчақнинг тиззаларига суйканаётган, қувончдан гул-гул яшнаётган чехрани қайтатдан кўрган, эзмалашаётганларига қулоқ солган бўлардим; ўша қўнғироқдай жарангдор кулгини эслаб қолган, хотиралар кўзгусида эса маъсума мовий кўзларда йилтиллаган раҳм-шафқат ёшларини акс эттирган бўлардим. Ана шуларнинг барига ва бунинг устига минг-миглаб нигоҳу табассум ўй-фикрлару сўзларга — жами-жамига жон бахш этишни истардим.

Мистер Браунлоунинг ўз асранди ўгли ақлини кун-бакун қандай билим хазинаси билан бойитиб бораётгани ва бола камолга ега боргани сари, гўдакнинг қалбига ўзи кўришни истаган хислату фазилатлар уруғи ниш уриб чиқа бошлагани сайин унга тобора маҳкамроқ боғланиб қолаётгани ҳақда; болада ёшликдаги дўстининг янгидан-янги ўхшашлик аломатларини пайқай бориши ўтмиш хотираларга жон ато қилиб, ширавагина қайгу туғдираётгани, аммо бу нарса айни чоғда қўнғилига таскину дилига ором бераётгани ҳақда: икки етимчанинг шунчалар қисмат бевафоликларини бошдан кечириб, унинг сабоқларини ёдда сақлаб қолганлари ҳолда одамларга нисбатан меҳр-шафқатли, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишни ва ўзларини қаноти остига олиб, жонларини сақлаб қолган валинеъматларига миннатдорлик туйғуларини асраб-ардоқлаганлари тўғрисида — ҳамма-ҳаммаси тўғрисида сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен уларни чинакам бахтиёр дедим, сабабки теран муҳаббатсиз, самимий эзгулик ҳамда раҳм-шафқатни дастуриламал билган ва жамики қаводан нафас олувчи жонзотга мурувату илтифот кўрсатиш беқиёс хислати бўлган зотдан миннатдор бўлмай туриб, бахтга эришиб бўлмайди.

Кўҳпа қишлоқ черковининг меҳробида оппоқ мрамор тахта бор, унга ҳозирча биргина «Агнес» сўзи битилган. Бу даҳмада тобут йўқ, ушбу даҳма устида яна бир исм пайдо бўлгунига қадар, майли, яна талай-талай йиллар ўтаверсин! Аммо марҳумларнинг руҳи қабрдан олисларга тортилган ришталар — ҳаёт пайтларидagi билган-таниган кимсаларининг муҳаббат ришталари — алтадиган, ана шу муҳаббат-ла йўғрилган масканларни, зиёрат қилмоқлик учун қачонки ерга қайтгудек бўлса, имоним комилки, Агнеснинг руҳи гоҳо-гоҳо ана шу муқаддас жойда айланиб, шарҳ уради. Ишонаман, гарчи у ҳаётлигида бир ожиза ҳамда адашган кимса бўлса ҳамки, шу ерга — меҳробга келиб, уни зиёрат қилиб туради.

## ШАРҲЛАР

7 б. *Меҳнат уйи* — Англияда қашшоқлар учун бошпана (етимхона). Диккенс романда тасвирлаган манзара инглиз меҳнат уйларининг тузилиши ва улардаги жорий қамоқхона тартиб-қоидаларини ҳаққоний тарзда жонлантиради.

7 б. *Қавм табиби* — «қавм» хизматидаги врач. Англияда илғарилари черков маъмурлари аҳолидан англикан давлат черкови фойдасига солиқ йиғиш ҳуқуқи билан руҳонийни бошлиқ қилиб тайинлаган район қавм деб аталган. Лекин вақт ўтиши билан шаҳар ва қишлоқлардаги иқтисодий-хўжалик ҳаёти граждандар томонидан сайланадиган кенгаши ихтиёрига бўйсунадиган кичикроқ районлар қавм деб атала бошлаган. Диккенс замонида Англияда ўн беш ярим минг қавм бўлган. Қавм ишларини бошқаришга ишчи ва деҳқонлар йўлатилмаган, зеро мулкдор аҳолигина сайлаш ҳуқуқига эга бўлган, холос. Шунингдек, «қашшоқларга ёрдам» бериш ташкилотлари, яъни қавмнинг турмуш шароитларининг яхшиланишидан бутунлай умидлари узилган аҳолисигина бошпана сўрашга аҳд қилган меҳнат уйини бошқариш, ташкил этиш қавм маъмурлари зиммасига юкланган.

8 б. *«қашшоқлик ҳақидаги қонунни бузган... болалар...»* — Диккенс 1834 йилги қонунни назарда тутган, бу қонунга биноан меҳнат уйи камбағалларга ёрдам кўрсатиш тармоғининг марказида турган; қавм маъмурларига фақат айрим ҳоллардагина етимларни меҳнат уйига эмас, фермаларга жойлаштириш рухсат этилган; шунини айтиб ўтиш лозимки, бу фермаларда ҳам худди меҳнат уйлари каби уларга ҳеч қандай гамхўрлик кўрсатилмас эди. Шундай қилиб Оливерни фермага жўнатишлари 1834 йил қонунидан бир қадар чекиниш эди, шу туфайлидан ҳам Диккенс фермадаги гўдакларни «қашшоқлик қонунини бузган болалар» деб атайди.

9 б. *Бидл* — қавм хизматидаги қуйи мансабдор шахс. Дастлабига бидл қавм мажлислари ҳат ташувчиси, шунингдек, қавм ҳузуридаги тарбияланувчи қашшоқларга мутасадди амалдорнинг кўрсатмаларини бажарувчи оддий ижрочиси бўлиб хизмат қилган, бироқ кўп ўтмай худди ўша амалдорнинг вазифаларини ўз зиммасига олиб, амалда ўшанинг вазифасини ўтай бошлаган — у камбағалларнинг моддий аҳволи ҳақидаги масалани ўз билгича ҳал қилган, меҳнат уйида, черковда, аксар ҳолларда эса қавм миқёсида полиция назоратини ҳам ўз устига олган. Диккенс ўз асарларида ана шу лавозимни кўп тилга олади ва амалда бидлнинг қашшоқлар тақдири устидан назоратсиз ҳукмронлик қилиши, қашшоқларнинг эса тез-тез унинг ўзбошимчалиги оқибати қурбон бўлиб туришларига ишонч ҳосил қилгани сабаблидан ушбу амалдорни доимо ниҳоятда салбий қиёфада тасвирлайди.

10 б. *Даффи ал-иксири* — машҳур болалар суюқ дориси; *жим* — қораарча ароғи шу ном билан аталган.

14 б. *Докторс Коммонс* — алоҳида — оилавий ажралиш, васиятномаларни тасдиқлаш ҳамда мерос жанжаллари, шунингдек, баъзи бир хил ишлар кўриладиган черков судида адвокатлик хизматини ўтайдиган юристлар корпорацияси (жамияти) ушбу ном билан аталган. Юристларнинг мазкур жамиятининг номи юристлар идоралари жойлашган ва ўзлари ҳам турадиган уйлارга кўчирилган, кейин эса ана шундай уйлاردан бирида жойлашган ва юқорида қайд қилинган ишларни кўрадиган судга ҳам шу ном берилган (бу суд фақат 1857 йилдагина тугатилган).

21 б. *Судья жанобларига таъзим қил* — яъни дунёвий ишларни кўрадиган, 1834 йил қонунига биноан меҳнат уйи, шунингдек, етимхона «нозирлар кенгаши»нинг фармойишларини баъзи ҳолларда тасдиқлаш ҳамда рад этиш ҳуқуқига эга бўлган судья.



- 24 б. *Камбагалларни назорат қилувчи амалдор* — қавм маъмурияти хизматидаги масъул мансабдор, қавм кенгашига ёрдам сўраб мурожаат қилган граждандарнинг муҳтожлик даражасини аниқлаб-текшириш, шунингдек, «нозирлар кенгаши» қарорларини ижро этиш шунинг вазифаси бўлган. Маъмурлар ушбу лавозимга ҳалол, виждонли одамларни элиш ва минини емаганлар, бу мансабдор эса ўз навбатида муҳтожлик даражасини текшириш ва вазифасини бидлдай масъулиятсиз шахсга юклаб қўйган ва оқибатда 1834 йилдан бошлаб кашшоқларни меҳнат уйларига жойлаштириш аслида унга боғлиқ бўлиб қолган.
- 36 б. *Брайдуэл* — XVII аср солиномачиларнинг ёзишча унда қамалиб ётиш «ўлимдан баттар»лиги билан машҳур бўлган қадимий ахлоқ тузатиш қамоқхонаси. Бу қамоқхона 1864 йилдагина бузиб ташланган.
- 44 б. *Чархпалак-гилдирак* — кўндаланг поялари бўлган узун гўласимон асбоб. Гўлага тепа томонидан қимирламайдиган қилиб дастаси бор кенгбар тахта ўрнатилган, ана шу дастакларни ушлаб олган ишчилар пояларни босиб гўлани ҳаракатга келтирганлар; чархпалак-гилдирак бирорта механизмга уланган. Англия қамоқхоналари ва меҳнат уйларида чархпалак-гилдиракни айлантириш жазо тариқасида белгиланган.
- 44 б. *Лўяю ҳакка* — ўғрилар лаҳжасида: бир шиллинг ва ярим пенни.
- 45 б. *«Фаришта»* — Лондоннинг районларидан бири — Излингтондаги машҳур қовоқхона.
- 53 б. *Соққача* — Англияда болаларнинг севган ўйини.
- 53 б. *Волан* — теннисга ўхшаган ўйин, фарқи шундаки, унда копток ўрнида пат қадалган пўкак ишлатилади.
- 54 б. *Панч* — инглиз қўғирчоқ театрининг қаҳрамони.
- 55 б. *Ньюгет* — Лондондаги жиноятчилар қамаладиган марказий турма. Диккенс «Барнеби Раж» романида тасвирланган Лондондаги «лорд Гордон исёни» (1780) пайтларида қисман вайрон қилинган, сўнгра таъмир этилган, 1877 йили эса ёпилган.
- 61 б. *Қамиш шам* — пилиги қамиш ўзагидан ясалган мум шам.
- 69 б. *Рэгклиф катта йўли* — Лондоннинг улкан доқларидан шимол томонда жойлашган ишчилар даҳасидаги узундан-узун кўча қадимда шундай аталган.
- 71 б. *Криббедж* — оммавий қарта ўйини.
- 74 б. *Қизил фонус* — Диккенс замонасида врачларнинг «лаваҳа» — белгиси.
- 80 б. *Соверен* — бир фунт стерлинг, яъни йигирма шиллингга тенг олтин танга.
- 81 б. ... *қизиқарли «Ушла! Тут газетаси* — изланаётган жиноятчиларнинг белгилари бериладиган полиция газетаси. Қадимда Англияда жиноят содир бўлган жойнинг аҳолиси жиноятчиларни қўлга туширишда қатнашишлари шарт эди, борди-ю, улар қочиб қутулиб кетадиган бўлса, бутун аҳолига жарима солинар эди. Одатда таъқиб ҳайҳайсурон ва бақир-чақирлар билан ўтарди. «Хью энд край!» Бу хитобни юқорида зикр этилгандек таржима қилса бўлади ва у газета номи учун танлаб олинган.
- 83 б. *Варфоломей кун* — Лондонда қадим-қадимлардан бери катта ярмарка бўладиган кезларда ўтадиган кузги авлиё Варфоломей байрами; бундай ярмаркалар Диккенс ҳаётлигидаёқ — 1855 йили барҳам топиб кетган.
- 90 б. *Ўртоқликка оид суд* — қавм маъмурлари ёрдамига муҳтож граждандарнинг туғилган жойи масаласини судда кўриб чиқилиши. Қавм маъмурлари ҳар сафар меҳнат уйи харажатларини камайитиришга ҳаракат қилган пайтларида унга мурожаат қилганлар; қавмга қашшоқ граждандардан қутулишга ёрдам берадиган шундай чоралардан бири мазкур жойда туғилмаган қашшоқларни, яъни «ўртоқлик ҳуқуқи»га эга бўлмаганларни бадарга қилиш эди. Бамбл қавм маъмурлари ёрдам беришдан бош тортган икки нафар оғир беморнинг ишини кўрган худди ана шундай «суд»га олиб кетаётган эди.
- 90 б. *Квартал сессия-мажлислари* — суд мажлислари ўтадиган давр; Англияда судлар, қуйи (дунёвий) судлардан ташқариси, вақт-вақти билан мажлис қаврди — йилда тўрт марта судлар ўз ҳукмларига ҳавола қилинган ишларни кўриб чиқадиған ана шу муддатлар «квартал сессия-мажлислари» деб аталарди. Бамбл Лондонга айнан шу сессия-мажлисларга, Клеркенуэлдаги «ўртоқлик ҳуқуқи»ни кўрадиган судга отланган эди.
- 95 б. *Олд-Бейли* — Ньюгет турмаси ёнгинасидаги эски жинойи ишларни кўрувчи суд; ўлим ҳукми суд ҳовлисида эмас, балки турма ҳовлисида ижро этилган.

- 99 б. *Уайтчепл* — Лондоннинг шимоли-шарқий қисми, қашшоқлар яшайдиган қапаю кулбалари билан аянчли ном таратган.
- 109 б. *Жемми* — ўғрилар лаҳжасида эшигу деразаларни бузишда ишлатиладиган буклама мисрангни шундай атаганлар.
- 131 б. *Вакса Дэй ва Мартин мойи* — Диккенс болалигида ишлаган Уоррен фирмаси билан муваффақиятли рақобат қилган фирма ишлаб чиқарган Лондонда машҳур бўлган пой-абзал мойи.
- 136 б. *Жек Кетч* — XVIII асрнинг 60—80 йилларида Стюартларнинг Англия тахтига қайта ўтирган даврларида жаллодни шундай атаганлар. Бу лақаб турдош от бўлиб қолган.
- 141 б. *Пепперминг* — ялпиз ва қалампир солиб тинитилган ароқ.
- 160 б. «*Газета*» — ҳукумат фармонларини, мансабдорларнинг кўрсатмалари, синганлик ҳақидаги суд қарорлари ва шунга ўхшашларни эълон қилиш учун ташкил этилган «Лондон газетаси»нинг қисқартирилган номи.
- 161 б. *Ўзиотар «қопқон»* — бирор механик усул билан ҳаракатга келадиган қурол. Диккенс браконьерларга қарши курашишда ишлатиладиган ўзиотар қуролни назарда тутди. Инглиз қонунчилиги помещчик мулкида руҳсатсиз ов қилишга журъат этганларни бундай гайринисоний тарзда шавқатсизларча жазолашни ман этмасди.
- 171 б. *Эсквайр* — вақт ўтиши билан аҳамият-мавқеи ўзгариб борган унвон, феодализм даврида рицарларнинг яроқбардорига берилган у; кейинчалик ҳукуматнинг ишончига молик мансабдорлар (масалан, дунёвий ишларни кўрадиган судьялар)га берилган; ўтган асрда маъно-аҳамиятини йўқотиб, одатда эсквайр унвонини бадавлат буржуа намояндаларига бериш расм бўлган; ҳозирги кунда таомилдан чиқиб кетган.
- 230 б. *Ньюгет мажмуаси* — XVIII аср охирларидан бошлаб Ньюгет турмасида жазо муддатини ўтаган машҳур жиноятчиларнинг таржимаи ҳолларини ўз ичига олган олти жилдлик тўплам.
- 232 б.... *ишлари жиноятни кўрадиган судга оширилиб...* — яъни дунёвий майда-чуйда ишларни кўрадиган суднинг ажримича қилмишлари хийла юқорироқ босқичдаги судда кўрилиши лозим бўлган қонунбузарлар. Инглиз суд қурилиши ҳақидаги қонунга биноан дунёвий (полиция) суд, мабодо иш унда кўрилиши лозим бўлса, айбланувчини оқлаши ёки айбдор ҳисоблаши мумкин эди. Башарти маҳбуснинг жинояткорлиги исботланса ва бу ишни юқори босқичдаги суд кўриш лозим деб топилса, у чоғда дунёвий суд ишни юқори босқичдаги — жинойи ишларни кўрувчи судга оширишга ҳукм чиқаради.
- 253 б. ...*Виттингтон шарафига тош қўйилган...* — Лондоннинг Хайгет районидаги кўчалардан бирида афсонавий Дик Виттингтон гўеки ўзини орқага чорлаётган қўнғироқлар овозини эшитган жойга ўрнатилган тош. Диккенс ўз романларида ушбу машҳур афсона қаҳрамонини кўп тилга олади. Бу афсонада газламафурушнинг ёш шогирди Дикнинг Лондондан қочмоқчи бўлгани ҳикоя қилинади, бироқ йўлда кўҳна Сент-Мери Ле Бау ибодатхонасининг қўнғироқлари овози қулоғига етиб келиб: «Қайт орқангга, Виттингтон, Лондоннинг уч карра лорд-мэри», деяётгандай бўлади. Еш Дик орқасига қайтади ва афсонага кўра бу каромат рўёбга чиқади — Роберт Виттингтон (XV асрдаги тарихий шахс) Лондонда уч марта лорд-мэр лавозимини эгаллайди.
- 266 б. *Канцлер суди* — илк феодализм даврида қироллик фармойишлари ва бўлак қонунчилик манбалари асосларига амал қилган ҳолда иш кўрадиган суд системасига қўшимча тариқасида ташкил этилган олий суд; ташкилотчиларининг фикрича Канцлер суди «адолатга» таяниб иш кўриши ва раиси эса канцлернинг (адлия министри) шахсан ўзи бўлиши лозим эди. Амалда «умумжамоат» судларини Канцлер судига қарама-қарши қўйиш қонунларни шарҳлашда ақл бовар қилмайдиган қийинчиликларни тугдиради. Канцлер судида иш юритиш кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бир тарзда сансалорликни вужудга келтиради, виждонсиз адвокатларнинг юридик ҳийла-найранг ишлатишларига доимий манба бўлиб қолади. Диккенснинг Англия фуқароси бошига битган бир фалокат бўлмиш Канцлер судининг фаолияти билан боглиқ хиёнат у мусибатларни қайта-қайта фош этишининг ажабланидиган ери йўқ.

282 б. *Тахта қандай тарақлаб тушганини...* — дорга осаётганда ўлимга маҳкум этилган айбдорнинг оёғи остидан тортиб олинадиган тахта.

285 б. *Шериф* — графликдаги ижроия маъмуриятнинг полиция ва жиноий қидирув, шунингдек, парламентга бўладиган сайловларни ташкил этиш, суд ҳукмларининг ижроси ва шу кабиларни назорат қилиб турадиган олий мансабдаги вакили.

288 б. *...олинган жариманинг қоқ ярмини чўнтагига уради...* — Ноэ ўз устумонлигини ишга солиб, якшанба кунлари черковларда ибодат тугамасдан спиртли ичимлик сотадиган қовоқхоначиларни аниқларди, бу эса полиция томонидан тақиқланган эди; полицияга қонунни бузганлари ҳақида маълумот бериб, сотувчидан ундирилган жариманинг ярмини олар эди.

Евгений Лани.

## ҒАРИБЛАР ШОМИНИ МУНАВВАР ЭТГАН АДИБ

Мўъжизалар одатда фақат авлиё одамларга кўринади, дейишади. Леон Фейхтвангернинг «Сохта Нерон» романида патмослик авлиё Иоанн ловиллаб ёнаётган келажакни қандай аниқ кўрганлигини тасвирлайди.

Ҳар бир халқ тарихида ёрқин из қолдирадиган буюк ёзувчи, шоирларни ҳам мўъжизакор, дейишади. Назаримда бу юксак баҳо икки жиҳатдан эътиборга лойиқ. Биринчидан, ҳар қандай асрда яшаган одамлар ҳаётининг маълум чегараси бор. Кейинги асрларда уларнинг ҳаёти ўтмишга айланади, уларнинг қилган яхши-ёмон ишлари агар китобда қолмаса — унутилади. Агар инсоният ақл-заковати кашф этган ноёб мўъжиза — китоб бўлмаганида одамларнинг ўзлариям, ишлариям йўқликка юз тутарди. Шу мўъжиза туфайли одамларнинг ҳаёти сўнмайди, асрлардан асрларга ўтиб, абадий давом этади.

XIX аср Англия ҳаёти манзараларини сеҳргар ёзувчи Чарльз Диккенс асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Унинг асарлари саҳифаларида кўз ўнгимизда «эски, оққўнғил Англия», Лондон қасрлари ва боғлари, мусофирхоналари ва қаҳвахоналари, дўконлари ва бозорлари, Темза соҳиллари, қиморхоналари ва қамокхоналари, аслзодалари ва камбагаллари, қариялари ва болалари... намоён бўлади. Иккинчи мўъжиза шундаки, қалбига етти иқлимнинг ноёб руҳий бойликларини жо қилган, аммо кўчаларда тиланчилик қилиб юришга, ўғри, муттаҳамларга дастёрлик қилиб юришга мажбур бўлган ажойиб болалар меҳрибон ва ҳазилкаш Чарльз Диккенс сиймосида ўзларининг қудратли ҳимоячиларини топдилар. У ўз романлари билан қашшоқлик, ёлғизлик, ташландиқлик азобини тортаётган, ҳамманинг эътиборидан четда қолган мактабларда тошбағир муаллимлар қўлида, молу пулга жуда қизиқадиган, аммо ўзларининг энг ноёб бойликлари бўлган фарзандига бефарқ қарайдиган ота-оналарнинг қўлида, худбин, манфаатпараст, олчоқларнинг қўлида хўрланаётган болаларни қуёшдай саховатли меҳри билан юпатди, бошларини силади, кўз ёшларини артди ва қўлларидан етаклаб, катта ҳаёт йўлига олиб чиқди. Адиб ижодининг энг заковатли тадқиқотчиларидан бири, ажойиб сўз санъаткори Стефан Цвейг гувоҳлик беришича, «Оливер Твист» босилиб чиққанидан кейин Англиядаги жуда кўп бой-бадавлат одамлар етим, ташландиқ болалар учун меҳр, шафқат уйларини барпо этишган, хайр-садақа улашиш кўпайган, Англия ҳукумати хусусий мактабларда болаларнинг қийналган-қийналмаганлигини билиш учун назоратни кучайтирган. Диккенс туфайли Англияда одамларнинг бир-бирига меҳроқибати ортган, кўпгина камбағал, етим болаларнинг қисмати бирмунча енгиллашган. «У олам шодликларини кўпайтирди, — дейди Стефан Цвейг. — Унинг китобига термилган миллионлаб жуфт кўзларда ёш ялтиради, шодликлари елга созурилган юзлаб қалбларда қайтадан севинч гуллари очилди». Мафтункор австрияликнинг айтишича, «Диккенс асарларини халқ орасида ўзи ўқимоқчи бўлганида бутун Англия шодликдан қалқиб кетган». Диккенс билан учрашув пайтида мингминглаб одамлар залга сигмаганидан зиналарга, деворларга, устунларга, саҳнагача чиқиб кетишган. Америкада эса Диккенс овозини эшитип

учун қаҳратон қишда ҳам одамлар кўрпа-тўшакларини олиб келиб, билет кассалари олдида тонг оттиришган; навбатим ўтиб кетмасин, деб ташвишланишганидан озиқ-овқат, чой-пойларини ҳам ўша ерга келтириб олишган экан. Диккенснинг халқ орасидаги шуҳрати олдида ҳатто Вальтер Скотт билан Уильям Теккерей шуҳрати ҳам ип эшолмай қолган.

Диккенс туғилган 1812 йили инглиз пиёда қўшинлари француз истилочиларини тор-мор келтирган, Москва ёнғини шуълалари ёруғида Наполеон қўшинлари орқага чекинган эди.

Еш Чарльз камбағал оилада ўсади. Отасининг дўкони синиб, қарздорлар турмасига тушиб қолади. Бола совуқдан, йўқ, совуқдан кўра кўпроқ қўрқувдан титраб-қақшаб, отаси ётган турмага хат ёки бирор егулик ташир эди. Бола зах ва ифлос каталакда, почтаҳонада эртадан-кечгача турли қутиларга сургуч ёпиштириб, каноп боғлайвериб, жажжи қўллари толиб кетганидан, йўқ, кўпроқ дўқ, пўписалардан хўрлиги келиб, юм-юм йиғлар эди.

Кейинчалик у дунёга машҳур ёзувчи бўлиб кетганида бир оғиз ширин сўзга, бир бурда қаттиқ нонга ташна, ёлғизлик ва хор-зорлик азобини чекаётган минг-минглаб етим болаларнинг аҳволини яхшилаш керак, деб бонг урди; мурғак болаларнинг жисмини ва қалбини майиб-мажруҳ этаётган, фақат ўзининг ҳузурини ўйлаб, болаларнинг ҳақини туя қилаётган, етимларнинг ҳақидан уриб қолиб, мол-дунё орттираётган разил одамларнинг ҳақиқий башараларини аёвсиз фош этди. Шу жиҳатлари билан «Оливер Твист» романи Диккенс ижодида, шунингдек, инглиз ва жаҳон адабиётида шоҳ асарлардан бири бўлиб қолди.

Романнинг илк саҳифаларидаёқ етим Оливер ва унинг атрофидаги даҳшатли ҳаёт манзаралари билан танишамиз.

Хушрўйгина жувон кўчада тўлғоғи тутиб қолади. Одамлар бурч юзасидан уни етимхонага олиб келишади. Очлик ва хўрликлардан силласи қуриган жувон жажжи Оливер дунёга келиши билан «нариги» дунёга сафар қилади. Шу тариқа бола ўзининг заррача гуноҳи бўлмаса ҳам, жамиятнинг тубан ботқоғидан жой олади.

Ёзувчи Оливернинг эндигина туғилган пайтидаги ҳолатини кўрсатар экан, адолатсизликлар ҳақида шекспирона мулоҳазаларини айтади: «Кийим-кечакнинг қудрати нималарга қодирлигини жажжи Оливер Твистнинг аҳволидан билиш мумкин эди. Оливер шу вақтгача яккаю ягона кийими бўлган йўрғакда ётар экан, аслзода оила фарзандими ёки гадо фарзандими — буни фарқлаш мумкин эмасди. Бу туришда энг аслзода одам ҳам унинг жамиятдаги ўрнини олдиндан белгилай олиши амримаҳол эди. Аммо эндиликда чақалоққа эскириб, сарғайиб кетган коленкор кўйлакча кийдирилгач, унга тавқи лаънат осилди-қўйди. Шу лаҳзадан бошлаб, жамиятдаги ҳавас қилиб бўлмайдиган ўрнини, умри бўйи дўлдай ёғилажак калтагу нордон шапалоқлар билан сийланадиган, ҳамма жирканадиган, ҳеч ерда ҳеч кимдан шафқат-мурувват кўрмайдиган, қавмга боқинди бола, меҳнат уйидаги етимча етти кулча, итоаткор, зўрға-зўрға тирикчилигини ўтказувчи югурдак ўрнини эгаллади».

Американинг биринчи классик адиби Вашингтон Ирвинг новеллаларидаги нозик юмор, инглиз адиби Чарльз Лэмнинг «Элия ҳақидаги бадеалар» китобидаги кинояли ҳазил-мутойибалар Диккенс ижодини озиқлантирган манбалар эканлигини айтишади. Олимлар Диккенс ижодининг манбалари ҳақида гапиришганда Карл Маркснинг 1856 йил 14 ап-

реддаги бир зиёфатда сўзлаган ажойиб нутқини келтиришади: «Бизнинг замонамиздаги ҳар бир янгилик замирида катта-катта зиддиятлар бор. Мўъжизавий кучга эга бўлган, инсон меҳнатини енгиллаштириш ва унумдорлигини ошириш учун кашф этилган машина очарчилик ва қашшоқликни вужудга келтирмоқда. Янги ихтиро этилган бойлик манбалари тақдирнинг аллақандай қудратли афсунлари туфайли йўқчилик манбаларига айланмоқда. Санъат ғалабалари ҳам, назаримда, маънавий фазилатларнинг камайиб кетиши оқибатида қўлга киритилмоқда. Инсон табиат устидан ҳукмронлигини қанчалик кучайтирса, ўзи шунчалик даражада бошқа инсонларнинг қулига ёинки ўз тубанликларининг қулига айланиб бормоқда. Ҳатто, илм-фан нури ҳам, чамаси, фақат жаҳолатнинг қуюқ зулматида ёрқинроқ порлайди». (Т. Сильман, «Диккенс») Капитализм жамиятидаги «тараққиётнинг мана шу зиддиятларини» энг чуқур очиб кўрсатган адиблардан бири Диккенс эди. Бу зиддиятларнинг жирканч манзараларини биз «Оливер Твист»нинг жуда кўп саҳифаларида учратамиз. Англия ҳукумати «Биз дунёда энг яхши инсонпарварлик, хайр-эҳсон намуналарини кўрсатаямиз», деб мақтанаётган бир пайтда Диккенс бу гапларнинг мунофиқлик, риёкорликдан бошқа нарса эмаслигини қудратли бадиий заковат билан кўрсатди. Маҳаллий ҳукумат — қавм жамоаси етим-есирларга шундай «меҳрибончиликлар» қилишадики, тақдир тақозоси билан уларнинг қўлига тушган бечора норасидалар ўлиб ўлмайдилар, яшаб яшамайдилар.

Маълумки, Англияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида диний ҳокимият кучли бўлиб, районлар, музофотларни жамоа деб аташарди. Қавмларга ўша ерлардаги жомеъ черковининг руҳоний падари раҳбарлик қиларди. Давлат ҳокимияти ҳам ана шу руҳонийлар қўлида бўлиб, жамоа раҳбарлари давлат номидан иш кўришарди. Аҳolidан олинадиган турли солиқлар ҳам черков манфаатлари учун, етим-есирлар учун деб йиғиларди. Кейинроқ шаҳар ва қишлоқлардаги жамоаларга руҳонийлар билан бирга аҳоли вакилларидан сайланадиган кенгаш раҳбарлик қила бошлаган. Диккенс замонида Англияда ўн беш мингдан зиёд жамоа бўлиб, бу жамоаларнинг ҳар бирида етим-есирлар учун меҳнат уйлари (етимхоналар) бор эди. Мана шу меҳнат уйларидаги етим-есирларнинг аҳволи қанчалар оғирлигини романдаги биргина воқеа мисолида яққол кўриш мумкин. Кечликка бериладиган гўжа етимларнинг ичагига юқ ҳам бўлмас эди. Айрим болалар ўзларидан ёшроқ, нимжон, нозик болаларни жисмоний ва маънавий мажруҳ қилиб, аёвсиз хўрлашар эди. Оливер Твистнинг бошига ҳам худди шундай кун тушади.

«Болаларни гиштин деворли ҳайҳотдай хонада овқатлантирар эдилар: хонанинг бир бурчагига қозон қурилган бўлиб, емак вақти белгиланган соатда олдига пешбанд тутиб олган назоратчи бир ёхуд икки аёл кўмагида ана шу қозондан гўжа сузиб берарди. Ҳар бир ўғил болага ана шу ажойиб аталадан фақат бир товоқча тегарди... Товоқчани ҳеч қачон, асло ювиб ўтиришга ҳожат қолмасди. Болалар уни қошиқ билан ялтиллаб кетгундай қириб-қиртишлаб, чиннидай қилиб қўярдилар, бу юмушни адо этиб бўлгач, улар гўё ўчоқ гиштларини ҳам кемириб юборгудай қиёфада қозонга лўқ бўлиб тикилганларича, тасодифан юқиб қолган гўжа юқини топиш умидида бармоқларини сўриб ўтираверардилар. Оливер Твист ва унинг ўртоқлари чалақурсоқлик оқибатида аста-секин ўлим сари юз тутиб, уч ойдирки, азоб чекардилар. Ниҳоят, бундай аҳволга кўникмаган бир болакай ваҳимали товвш билан «гў-

жадан яна бир товоқча беришмаса, кечаси ёнимда ётган бемажол болани еб қўяман, деб таҳдид қилди. Шу тобда унинг кўзлари ваҳшиёна, нақ ғажиб ташлагудек бежо жалаңларди. Буни кўрган болалар унинг гапига соддалик билан ишондилар. Узларича маслаҳатлашиб, ким шу оқшом кечликдан сўнг назоратчининг ёнига бориб, қўшимча гўжа сўрайди, деб чек ташладилар. Қисқаси, чек Оливер Твистнинг зиммасига тушди.

Кеч кирди; болалар ўз жойларини эгалладилар. Ошпаз либосидаги назоратчи қозон олдига жойлашди; унинг бечора ёрдамчилари орқа томониغا келиб турдилар. Гўжа товоқчаларга қўйилди. Фақирона таом олдидан узундан-узоқ ибодат дуолари ўқилди. Гўжалар зумда ғойиб бўлди. Болалар бир-бировлари билан пичирлашиб, Оливерга кўз қисиб, имо қила бошладилар, яқинидагилар эса уни туртишга тушдилар. Муштдеккина Оливер очликдан ҳушини йўқотиб, стол ёнидан қўзғалди-да, товоқча ва қошиғини кўтарганича, назоратчига яқинлашиб, ўз беадаблигидан чўчинқираб, бундай деди:

— Кечирасиз, сэр, тагин егим келяпти.

Назоратчи девқомат бақувват одам эди, шунга қарамай, унинг ранги оқариб кетди. Ҳайратдан донг қотиб, муштумдеккина исёнкорга бир неча сония тикилиб турди-да, сўнгра мадад сўрагандай қозонга суяниб қолди. Ёрдамчи аёллар таажжубда, болалар кўрқувдан бақа бўлиб, серрайиб қолишди.

— Нима дединг?.. — деди назоратчи ниҳоят тили калимага келиб.

— Кечирасиз, сэр, — такрорлади Оливер, — тагин овқат егим келяпти.

Назоратчи Оливернинг бошига чўмич билан туширди, кейин қўлидан маҳкам чангалладию, бўкириб бидлини чақирди.

Мистер Бамбл ҳаяжон оғушида идорага ҳовлиққанича отилиб кирганида кенгаш аъзолари тантанали мажлис ўтказмоқ ниятида тўпланган эдилар. Мистер Бамбл баланд креслода ўтирган жентльменга мурожаат қилди:

— Мистер Лимкинс, афв этгайсиз, сэр! Оливер Твист гўжадан яна беришларини сўрапти!

Ҳозир бўлганларнинг жами гангиб қолишди.

— Яна гўжа сўрапти? — кайтариб сўради мистер Лимкинс. — Узингизни босинг, Бамбл ва менга бафуржа, аниқ қилиб жавоб беринг. У тегишли улушини еб бўлганидан кейин қўшимча гўжа сўраган, сизни тўғри тушунибманми, шундайми?

— Худди шундоқ бўпти, сэр! — жавоб берди Бамбл.

— Бу болакайнинг умри дорда тугайди, — деди оқ нимчали жентльмен. — Виламан, бу болакайнинг умри сиртмоқда тугайди.

Безори боланинг қутқуси билан бир қошиққина қўшимча овқат сўрагани учун Оливерни зах ҳужрага қамаб қўйишади, ҳар куни эрталаб, «ғиштин девор билан қуршалган ҳовлида насос билан бошига муздай сув қуйишади, «шамоллаб қолмаслиги учун» таёқ билан уриб, баданини қиздиришади».

Англия қонунларига кўра етимхонадаги бирор болани кимки асраб олса ёки бирор ҳунарманд шогирдликка ёхуд югурдакликка олиб, кийдириб-едирса, у одамга жамоа мукофот тарзида фалон пул тўлайди. Оливерни мўри тозаловчи олиб кетмоқчи бўлади. Ёзувчи мўри тозаловчининг етимларга қандай муомала қилишини ҳаққоний бўёқларда кўрсатади. Айтишларича, болани мўрига киритиб юборишиб, орқасидан тутун

тутатишар экан, бола тутундан бўғилиб, баландроққа кўтарилсин, дейишаркан. Бу ҳам етмаса, тагидан олов ёқишаркан, оёғи куйиб, юқорига чиқсин, дейишаркан.

Жамоа раҳбарлари етимчадан тезроқ қутулиш учун уни ажал сўраб келса ҳам бериб юборишга тайёр эдилар. Улар аввалига болани ёвуз мўри тозаловчига беришдан бош тортадилар. Шунда ўқувчи, ҳайрият етимчаниям ҳимоя қилишаркан, деб енгил нафас олади. Аммо ўқувчи хурсанд бўлишга шошмасин. Жамоа раҳбарларининг нияти бошқа. Улар фақат савдолашиб, тўланадиган мукофот миқдорини камайтиришмоқчи, холос. Мўри тозаловчи беш фунт ўрнига уч фунту ўн беш шиллинг олишга рози бўлиши билан болани унинг ихтиёрига топширишади. Аммо роман автори усталик билан яна бир «арзимас» тасодифни тасвирлайдики, шу туфайли Оливер мўрида бўғилиб ўлишдан қутулиб қолади. Судья кўзойнагини излаётиб, етим боланинг кўзидаги даҳшатли кўрқувни кўриб қолади ва ҳужжатни тасдиқлашдан бош тортади. Эҳтимол судьянинг кўзойнаги тезроқ топилиб қолганидан, Оливер мўри тозаловчига бериб юборилиши, кўп ўтмай ўлиб кетиши, роман эса шу ерда узилиб қолиши мумкин эди. Лекин ана шу биргина тасодиф Оливернинг тақдирини ўзгартириб юборади. Ўқувчи яна етимчанинг ёвуз мўри тозаловчидан қутулганига енгил нафас олади. Аммо у қувонишга яна шошмасин. Оливер ёмғирдан қочиб, дўлга тугилади. Жамоа раҳбарлари болани тобутсозга бериб юборишади. Дунёда ҳеч кими йўқ етимчанинг қоронғи кечада ўликларни ўйлаб, кўрқувдан қалтираб чиқишларини айтинг. Бу етмагандай, унинг онаси шаънига ҳақорат гаплар айтишиб, уни хўрлашади. Табиийки, бу хўрликлардан ўлимни афзал кўрган бола номаълум, олис томонга, тақдири, келажагида бирор нур, ёруғлик кўринмаган томонга қочади. Ва очликдан ўлиб кетмаслигига яна бир тасодиф сабаб бўлади.

Оливер безорилар, ўғрилар даврасига қўшилади. Ижодкорлар одатда жамиятнинг мана шу тубан қатламлари ҳаётини қаламга олишдан ҳазар қилишади ёки аксинча, уларнинг ҳаётини билмасалар ҳам бўяб-бежаб, сохта, ялтироқ қилиб кўрсатишади.

Диккенс замонидаги кўпгина адиблар ўз асарларида ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан кўз юмиб, уларни хаспўшлаб, ясама қаҳрамонларни тасвирлаган эдилар. «Мен ўғрилар тўғрисида кўплаб китобларни ўқидим, — дейди Диккенс. — Бу асарлардаги ўғрилар ажойиб одамлар — кўпчилиги сертакаллуф, башанг кийинишади, чўнтақларида жарақ-жарақ пул, отларнинг зотини яхши билишади, ўзларига қаттиқ ишонишади, олифталарнинг можароларида омадлари келади, улар кўшиқ айтишга, ичкилик ичишга, қарта ёки ошиқ ўйнашга устаси Франг, яъни энг муносиб, гўзал бир жамоани ташкил этадилар. Аммо мен ҳеч қачон (Хогарт асарларидан ташқари) ўғриларнинг аянчли ҳаёти тасвирланган асарни учратмадим. Жинояткор тўданинг аъзоларини, уларнинг хунук ва ярамас томонларини, афтодаҳол, қашшоқ ҳаётини қандай бўлса шундайлигича тасвирлашни мен жамиятга зарур ва манфаатлироқ иш деб ўйлайман. Ва мен бу ишни баҳоли қудрат бажардим». Романи ўқиганимизда санъаткор «жамият чиқитлари» ҳаётини ҳалоллик билан, ҳайратланарли даражада ҳаққонийлик билан тасвирлаганини кўрамыз.

Ижодкор бошқа асарларида ҳам болалик оламини ноёб гавҳарларидан, эртақларидан, орзуларидан, ўйин-кулгиларидан, меҳру ҳароратидан айирган ёвуз одамларни аёвсиз фош этади. Диккенснинг «Домби ва



унинг ўгли» романида миллионер ота кичкинтой, касалманд ўғлини мурғаклигидан моддий манфаат топишга, мол-пулга, ҳисоб-китобга ўргатиб, болалик олаmidан маҳрум қилади. Оқибатда романтик табиатли, хаёлпараст, нозик-ниҳол бола руҳан мажруҳ бўлиб қолади.

Чарльз Диккенс умрининг охирида ёзган, илҳом ва маҳоратнинг ноёб меваси бўлган «Эдвин Друднинг сири» романи ҳақида мана юз йиллардан бери қизгин баҳслар давом этмоқда. Асарда ёзувчи сирли воқеаларни бир-бирига шундай усталик билан боғлаб, чирмаб ташлаганики, сюжет гўё секин ривожланаётгандай кўринса-да, китобхон уни охиригача нафас ютмай ўқийди. Баъзилар, Диккенс бу асарини ёзишда машҳур инглиз адиби, замондоши Уилки Коллинзнинг «Ойтош» ва «Оқ либосли хоним» романларидан илҳомланган, дейишади. Қандай бўлса-да, бу асарида ҳам Диккенс қаҳрамони — дунёда ҳаммага фақат яхшилиқни раво кўрадиган, гўзал қалбли Эдвинни ҳар тарафдан даҳшатли сирлар ўраб олганини кўрсатади. Шу асар асосида истеъдодли совет санъаткорлари яратган кўп серияли телефильмни томошабинлар зўр ҳаяжон билан кўрганлигининг, ҳар бир сериясини орзиқиб кутганлигининг боиси ҳам шунда.

Одатда шер қадрига шер етади, мард қадрини мард билади. Фузулий таъбири билан айтганда, юлдузлар сайрини тонггача ухламаган, бедорлар билади. Шу жиҳатдан жаҳон болаларининг энг севимли ёзувчиларидан Диккенс билан Андерсеннинг учрашуви одамни гоаят ҳаяжонга солади. Атоқли рус ёзувчиси, гўзал табиат куйчиси Константин Паустовский «Олтин гул» асарида бундай ҳикоя қилади:

«Андерсен Лондонда Диккенс билан учрашади. Улар бир-бирларининг кўзларига меҳр билан тикилиб қараб қоладилар. Бироқ, Андерсен ортиқ чидаб туролмай, орқасига ўгирилиб йиғлаб юборади. Бу — Диккенснинг буюк қалбига таъзим бўлиб тўкилган ҳаяжонли кўз ёшлари эди. Кейин Андерсен Диккенснинг денгиз бўйидаги кичкина уйида меҳмон бўлади. Ҳовлида италиялик шарманкачи ўз наъмасини маъюс чалади, деразадан маёқларнинг шуълалари милтираб кўринади...

— Бизнинг уйимиз тўла бола, — дейди Диккенс ва чапак чалади, шу ондаёқ бир неча нафар ўғил ва қиз болалар, яъни Диккенснинг фарзандлари хонага кириб, Андерсени қуршаб олишади-да, эртаклари учун раҳмат айтиб, уни ўпиб олишади...»

Мана, ўзбек болалари ва ҳамма ёшдаги юксак дидли ўқувчилар Диккенснинг энг машҳур асарларидан бирини истеъдодли таржимон Эркин Миробидов ёрдамида нозик лутфларга, лаълу жавоҳирларга бой қудратли она тилида ўқишга муяссар бўлдилар. «Чарльз Диккенснинг «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» романи бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ — деб ёзади таржима тақризчиси Сиддиқа Аъзамова. — Чунки жаҳон ҳали Феджин, Сайкс, Монкс каби қабих шахслардан бутунлай халос бўлгани йўқ. Шундай пайтда кишини руҳий хушёрликка чақирадиган асарнинг нашр этилиши айни муддаодир. Мазкур асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши адабиётимиз ва маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб қолади. Асар ўзбек ўқувчиларининг қалбини гўзаллаштиришга, бойитишга катта таъсир кўрсатади».

«Мабодо, Диккенс дунёга келмаганида оламдаги барча болаларнинг ҳаёти гариблашиб, ҳувиллаб қоларди», — деган эди Стефан Цвейг. Адиб ижодининг қадри нақадар юксаклигини шу биргина фикр равшан кўрсатиб турибди.

Стефан Цвейг Диккенсни лилипутлар орасидаги Гулливерга ўхшатган бўлса ҳам, унинг инглиз халқи анъаналари қобигини ёриб чиқолма-

ган майда буржуача дид эгаси деб таърифлайди. «Адибнинг гаройиб фантазияси инглизларнинг тор маиший олами узра бургутдай парвоз қилиши ўрнига шон-шуҳрат тўрлари орасида ўралашиб қолди. Унинг илҳом булогининг кўзларини ҳаётдан мамнунлик тошлари босиб қолди. Диккенс мамнун эди. У дунёдан, Англиядан, замондошларидан мамнун, улар эса Диккенсдан мамнун эдилар. Ҳар иккала томон муносабатларини бузишни исташмасди. Қаҳрли севги Диккенсга бегона эди. Қаҳрли севги эса жазолашга, ларзага солишга, уйғотишга, юксалтиришга интилади». Севимли санъаткоримиз Стефан Цвейгнинг бу фикрларига қўшилиш қийин, албатта. Йўқ, Диккенс, Англиядаги мавжуд ҳаётдан мамнун эмас эди, у замондошларининг кўпчилигидан мамнун эмас эди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Диккенс романларида қанчадан-қанча мурғак қалбларнинг хор-зорликда, меҳру оқибатдан маҳрум яшаётганлиги, қанчадан-қанча қабиҳ одамлар гавҳар қалбли, покиза, содда, ҳимоясиз инсонларни оёқ ости қилаётганлиги тасвирланган саҳифаларни ўқиш кифоя.

Худди шу жиҳатлари билан ҳам Диккенс буюк француз исёнкори Бальзакка, буюк рус даҳоси Достоевскийга яқинлашади. Шунинг учун ҳам бошқа бир ўринда Цвейг инглиз санъаткорининг баъзи романларини «Илоҳлар ва илоҳаларсиз «Илиада»га ўхшатади. «Бу асарларда минглаб қаҳрамонлар яккама-якка жангга чиқади, — дейди у. — Унинг энг қайғули ва ҳатто зерикарли романларининг фожеий баланд-пастликларида ҳам у ер, бу ерда ажойиб гуллар унгандай нозик-ниҳол образлар ярақлаб туради. Адиб китобининг поёнсиз ўтлоқларида бинафшалар очилгани сезилмагандай, ана шу жозибали, унутилмас образлар ҳам дарров кўзга ташланмайди. Лекин, унинг асарларидаги даҳшатли воқеалар тоғларининг ёнбағирликларидан беозор шўхликнинг шаффоф жилғалари жилдираб оқиб туради. Мана шу сезилар-сезилмас дурдоналар унинг асарларида саховат билан сепиб ташлангани учун, фақат шунинг ўзи учун ҳам Диккенсни севиш керак, ана шу жажжи дурдоналарнинг мўл-кўллиги эса улуғворликка олиб келади».

Австриялик ажойиб адиб Диккенс ижодининг фақат бир қиррасини шунчалик таърифлаган экан, унинг ҳамма қирраларини таърифлашга бизнинг ожизлигимиз кечирарлидир.

*Маҳжам Маҳмудов*

## МУНДАРИЖА

Муаллиф дебечаси .....	3
I боб Оливер Твист туғилган жой ва унинг дунёга келишига оид вазият ҳақида ҳикоя қилади .....	7
II боб Оливер Твистнинг қандай ўсгани ва қандай тарбия топгани ҳақида ҳикоя қилади .....	8
III боб Оливер Твистнинг келгусида сердаромад ва осон иш бўла олмайдиган ўринга жойлашишига бир баҳа қолгани хусусида ҳикоя қилади .....	17
IV боб Оливерга бўлак жойни таклиф этадилар, шундай қилиб у илк бора тириклик майдонига қадам қўяди .....	23
V боб Оливернинг ҳамкасаба ўроқлари билан танишуви ва илк бора дафи маросимида қатнашиб, ўз хўжайинининг касби ҳақида нохуш хулосага келиши .....	27
VI боб. Нознинг маскаралашлари жонига теккан Оливер амалий ҳаракатга ўтиб, уни гоятда ҳайратга солгани .....	34
VII боб Оливер исёнкорлигини давом эттиргани ҳақида .....	38
VIII боб. Оливернинг Лондонга йўл олгани-ю, йўлда ғалати бир ёш жентльмени учратгани .....	42
IX боб Ёқимтой кекса жентльмен ва унинг истиқболи баланд шогирдлари ҳақидаги турли-туман маълумотлар зикр этилади мазкур бобда .....	47
X боб. Оливер янги ўроқлари билан яқиндан танишгани-ю, зўр машаққатлар билан тажриба орттиргани ҳақида. Мазкур боб ҳикоятимиздаги қисқа, ammo ниҳоятда муҳим фаслди .....	52
XI боб полиция ҳаками — мистер Фэнг ҳақида ҳикоя қилади ва ул зотнинг адолатли судлов усули хусусида бир қадар тушунча беради .....	55
XII боб Оливерга умри бино бўлганидан берига кўрмаган гамхўрликни кўрсатганлари ҳақида ва яна қувноқ кекса жентльмен билан унинг ёш дўстлари туғрисида ҳикоя қилади .....	59
XIII боб зийрак китобхонни янги шахслар билан таништиради; шу муносабат билан мазкур ҳикоятга тааллуқли турли қизиқарли нарсалар ҳақида ҳикоя қилади .....	66
XIV боб Оливернинг мистер Браунлоуникида бўлиши тафсилотининг давоми, шунингдек, бир топшириқни адо этмоққа отланган Оливер хусусида мистер Гримуиг деган кимсанинг дол қоларли башорати ҳақида .....	71
XV боб кекса қувноқ жуҳуд билан мисс Нэнсиннинг Оливер Твистни қанчалар меҳр-ла суйганларини намойиш этади .....	78
XVI боб Нэнси қариндошлик ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганидан кейин Оливер Твистга нима бўлганлигини ҳикоя қилади .....	82
XVII боб қисмат Оливерни таъқиб этишни давом эттиргани ва уни бадном қилмоқлик учун Лондонга буюк бир одами етаклаб келгани ҳақида .....	89
XVIII боб Оливернинг дилга нажот берувчи муҳтарам ошналари даврасида вақтни қандай ўтказгани ҳақида .....	95
XIX боб антиқа бир режа устида баҳслашиб, уни қабул этганларини ҳикоя қилади .....	99
XX боб Оливернинг мистер Уильям Сайкс измига ўтиши ҳақида ҳикоя қилади .....	106
XXI боб. Сафар .....	110
XXII боб. Дарича бузиб қилинган ўғрилиқ .....	113
XXIII боб мистер Вамбл билан бир хоним орасидаги ёқимли суҳбатни ҳикоя қилади ва баъзи долларда ҳатто бидлдай одам ҳам ҳиссиётдан маҳрум эмаслигига ишонтиради .....	118
XXIV боб гоятда араммас бир нарсга хусусида изоҳот беради. Бироқ бу қисқа боб мазкур ҳикоятимизда ортиқчалик қилмас деган умиддамиз .....	124
XXV боб яна мистер Феджин ва унинг ширкати хусусида ҳикоя қилади .....	128
XXVI боб сирли бир зот пайдо бўлгани ва ушбу ҳикоят билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади .....	132
XXVII боб муаллифнинг олдинги боблардан бирида ажойиб бир хонимни гоят тақаллуфсизлик билан ўз ҳолига ташлаб кетишдек андишасизлигини андавалайди .....	139

XXVIII боб Оливер Твист билан машгул бўлади ва унинг бошидан кечирганларини ҳикоя қилади .....	144
XXIX боб Оливер бошпана топган уй истикоматчилари ҳақида дастлабки маълумотлардан хабар беради .....	150
XXX боб Оливерни зиерат қилган янги золарнинг қандай ҳаёлларга борганларини нақл этади .....	152
XXXI боб таиғ вазият хусусида ҳикоя қилади .....	156
XXXII боб Оливернинг саҳоватли дўстлари орасида кеча бошлаган бахтиёр ҳаётдан нақл этади .....	163
XXXIII боб Оливер ва унинг дўстлари бахтига ногоддан хавфу қатар тажовуз қилгани ҳақида .....	168
XXXIV боб саҳнада пайдо бўлган навқирон жентльмен ҳақидаги баъзи бир дастлабки маълумотларни, шунингдек, Оливернинг янги саргузаштларини ўз ичига олади .....	173
XXXV боб Оливернинг саргузашти қандай муваффақиятсиз тугагани, шунингдек, Гарри Мэйли билан Роз орасидаги аҳамиятга молик суҳбат ҳақида ҳикоя қилади .....	180
XXXVI боб жуда қисқа ва айни ўринда унчалик аҳамиятга эга эмасдек туюлади. Аммо шунга қарамай, ули аввалгисининг давоми ҳамда кези келганида берилажан боб қопқасининг калити сифатида ўқиб чиқмоқлик даркор .....	187
XXXVII боб. Унда китобхон оилавий ҳаётда тез-тез бўлиб турадиган можарони кузатиши мумкин. ....	189
XXXVIII боб эр-хотин Ыамбллар билан мистер Монкс ўртасидаги хуфтонги учрашув вақтида содир бўлган воқеалар ҳисоботини ўз ичига олади .....	195
XXXIX боб китобхонларга таниш бир нечта ҳурматли золарни саҳнага чиқаради ва муҳтарам Монкс билан муҳтарам жуҳуднинг қандай суҳбат қурганлари хусусида ҳикоя қилади .....	201
XL боб. Олдига бобда тасвирланган воқеаларнинг давоми бўлмиш интиқа учрашув ..	210
XLI боб динги кашфнётлардан ҳикоя қилади ва тасодиф ҳам худди фалокатга ўхшаб қўша-қўшалаб келишини намойиш этади .....	215
XLII боб Оливернинг эски таниши яққол даҳолик аломатларини намойиш этгани ва пойтахтда машҳур арбоб бўлиб қолгани ҳақида .....	221
XLIII боб Абжир Туллакнинг қандай фалокатга учраганини ҳикоя қилади .....	227
XLIV боб да Нэнсининг Роз Мэйлига берган сўзининг устидан чиқиш фурсати этади. У муваффақиятсизликка учрайди .....	234
XLV боб. Феджининг Ноэ Клейполга махфий топшириқ бергани .....	238
XLVI боб. Учрашув содир бўлди .....	240
XLVII боб. Машъум оқибат. ....	247
XLVIII боб. Сайкснинг қочиши .....	252
XLIX боб. Монкс билан мистер Браунлоу ниҳоят учрашадилар. Улар ўртасидаги суҳбат ва ушбу суҳбатга раҳна солган хабар .....	259
L боб Таъқиб ва қочиш .....	265
LI боб. Баъзи сирларнинг шарҳу баъзи ҳамда келинга бериладиган маҳр ва «қалин» пули тилга олинмайдиган никоҳ тақлифи ҳақида ҳикоя қилади .....	272
LII боб. Феджининг сўнги туни .....	280
LIII боб ҳикоятимиз интиҳосидан нақл этади. ....	287
Евгений Ланн. Шарҳлар .....	291
Маҳжам Маҳмудов. Гариблар шомини мунаввар этган адиб .....	295

*На узбекском языке*

**Чарльз Диккенс**  
**ПРИКЛЮЧЕНИЯ ОЛИВЕРА ТВИСТА**  
Роман

Перевод с издания издательства «Художественная литература», М., 1976 г.

Редактор *Х. Махмудова*  
Расмлар редактори *И. Кириакиди*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 1326

**ЧАРЛЬЗ**  
**ДИККЕНС**

**Оливер**  
**ТВИСТНИНГ**  
**БОШИДАН**  
**КЕЧИРГАНЛАРИ**



Босмахонага берилди 14.04.82. Босишга рухсат этилди 11.01.84. Формати 70×100<sup>1/2</sup>. Офсет қоғоми. Мактаб гардиатураси. Офсет босма. Шартли босма л. 24,51. Шартли кр. оттикли 49,34. Нашр л. 30,26. Тиражи 30000. Заказ № 741. Ваҳоси 2с. 30т. 4-муқовада баҳоси 4с. 30т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат вазирлиги. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб саноати ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет босмахонаси, Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.